

САЪДУЛЛА СИЁЕВ

# АҲМАД ЯССАВИЙ

РОМАН



ТОШКЕНТ - «O'ZBEKISTON» - 2012

УДК 821.512.133

ББК 84(5Ў)6

С 53

Ҳисоб, ағраб.

**Сиёев, Саъдулла**

С 53 Аҳмад Яссавий: роман / С. Сиёев; – Тошкент: О'zbekiston, 2012. – 336 б.

ISBN 978-9943-01-824-2

Не бахтки, Туркистон диёри азиз авлиёлар, донишмандлар, мутафаккирлар ватани. Биз Ҳаким Термизий, Абдухолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий каби буюк боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ана шундай барҳаёт сиймолардан бири орифлар султони, шайх-ул машойих, пири комил Хожа Аҳмад Яссавийдир.

Мана, минг йилдирки, Аҳмад Яссавийнинг номи дилдан-дилга, тилдан-тилга кўчиб, оташин қалбларда жаранг бериб келмоқда. Алломанинг соф туркий лафзда билдирган «Девони хикмат» асари халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.


Ёзувчи Саъдулла Сиёев олис тарих қаърига саёҳат қилиб, пири Туркистонийнинг тўлақонли сиймосини яратишга ҳаракат қилган. Умид қиламизки, роман сизда яхши таассурот қолдиражак.

УДК 821.512.133

ББК 84(5Ў)6

Ю 40241  
2

ISBN 978-9943-01-824-2



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

БИРИНЧИ  
КИТОБ



ҚАСАМХЎРНИНГ  
ЖАЗОСИ



## ҚАСАМХҶРНИНГ ЖАЗОСИ

### 1- ф а с л

*Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон  
мулкининг шайх-ул машойхидур.  
Мақомоти олий ва машҳур, каромо-  
ти мутаволий ва номаҳсур эрмиш.  
Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу  
гадо анинг иродат ва ихлос остони-  
да ниҳоятсиз эрмиш.*

Алишер Навоий

**С**афар ойининг ўрталарида мулки Туркистон аро таҳликали хабар тарқалди:

– Шайх хазратлари Каъба зиёратини ихтиёр этибдилар!

Бу хабар гавжум шаҳарлар, осуда кентлар, заъфарон қирлар, беҳудуд яйловлар, ораста бoғлар оша элдан-элга, тилдан-тилга кўчди. Табиийки, Ҳижоз сафарини биринчи бўлиб яссиликлар эшитди.

Шаҳар бозорида Қарноқ қишлоғидан келган икки дехқон олма-узум сотиб турган эди. Бири Низомиддин хушрўй, иккинчиси Камол қора.

– Қоровой, эшитдингми, Хазрати Султон ҳажга кетаётган эмиш.

Камол у саватдан бу саватга олма тераётган эди.

– Йўғ-е, ростданми? — деб бир зум тўхтаб қолди.

– Рост, боя сен мустаҳабга кетганингда дарвишлар қичқириб ўтдилар. «Шайх-ул машойих, Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий хазратлари байт-ул муқаддасга отландилар!» дедилар.

– Бизни худо урибди, хушрўй, — деди Камолнинг руҳи тушиб, — ўзимиз энди эликхонлар зулмидан қутулғон эдик, лоп этиб қайта қорахитой келиб қолмаса де.

– Келаман деса, келаберади қорахитой. Гўрхонга икки дунё бир қадам.

– Шайх бобо ёнимизда бўлса, иншоолло, келолмайди. Султон Санжар пиримизга қўл берган. Бир овиз хат

битиб йибарса, Санжар ботир Гўрхоннинг йўлини кесиб чиқади.

Шу пайт растага кўк мовут чакмон кийган уламонамо бир киши келди. Унинг белида кўшбелбоғ, қон талашган ёноқлари туртиб чиққан, кўзлари қисик эди. Бегона кимса индамай узумдан чўқилад ея бошлади.

— Хушрўй, бу, Шайх бобо шунча йил қилт этмай бир ерда ўтирди. Нега энди кўкқисдан... ҳажга отланиб қолди экан-а?

Кўк мовутли киши хириглаб кулди:

— Шунга ҳам ақлинг етмайдими, нодон? Пирингни умри охирлаб қолгон. Завол олдида Маккаи мукаррамага бориб қилгон гуноҳларини сотиб олмоқчи у маккор!

У яна узумни чўқилади, узун, сийрак соқолини селкилатиб узоқ кавшанди.

— Узум канчадан бўлди? — деб Низомиддиннинг бети-га ишшайиб қаради. Бу кимсанинг бетакаллуф қилиғи Хушрўйнинг гашига тегиб турган эди, Шайх бобога тил тегдургани жаҳлини чиқарди.

— Агар белингизда зуннорингиз бўлмаса, сув текин! — деди атай уни масхара қилиб.

Кўшбелбоғлик кишининг кийик кўзлари каттарок очилиб кетди.

— Э, нафасингни иссик қил-е, бетавфик! Зуннордин алҳазар! — деб кўл силтади, — Алҳамдулиллоҳ, икки катла ихром боғлаганмиз. Шаҳобиддин хожи десанг ит ҳам, бит ҳам танийдур, сен эшитмабсан-да, омий!

— Ит бирла бит танифонни биз қайдин билдик, тақсир...

Икки деҳқон ҳожининг таҳликага тушганини кўриб мириқиб кулдилар. Ҳожи эса, бир шингил узумга чанг солди-ю, бир нималарни гўлдираганча нариги растага ўтиб кетди.

Камол яна дардини сўйлади:

— Ишқилиб, султоним эсон-омон қайтсин-да, ҳаждан.

— Иншоолло!

— Ҳар қалай у киши орқа тоғимиз эди.

— Ҳа, бало-қазо келса, Қоратовдай тўши билан тўсиб турарди.

— Ҳажга бормасалар ҳам юз ҳаж қилгон одамнинг савобини олиб юрибдилар, тўғрими?

Низомиддин жавоб беришга улгурмади. Бозор бурчагидаги калта минордан муаззиннинг азони эшитилди:

— Аллоҳу акбар, алло-оҳу ак-ба-а-р!!! Ашҳаду алла илоҳа иллолло-о!

Икки дўст шоша-пиша меваларининг устига бўз сириб кўйиб, шотут соясига, пешин намозига ошиқдилар.

...Ҳазрат намозни халифалари билан бирга адо этди. Салот адосида Сўфи Донишманд Зарноқий унинг ўнг тарафида, Ҳаким ота лақабини олган халифаси Сулаймон сўл тарафида ўтирарди. Яна бир яқин маҳрами, устоди аввал Арслонбобининг дилбанди бўлмиш Мансурхўжа. У дарвишлар ҳалқасига янги келиб кўшилган навжувонларга одоби тариқатни ўргатиб хонақоҳга қайтган ва сафга кўшилган эди.

Пири муршид юзига фотиҳа тортиб, жойнамозни йиғиштирди. Сўнг Сўфи Донишманд билан Сулаймонга ҳам ижозат берди. Шайхнинг йигитлик мавсумидан қолган бир одати бор. Ҳар сафар намоз адосидан кейин танҳо қолишни ихтиёр этади. Илкига тасбеҳни олади, кўзларини юмади. Хаёл отига миниб вужуд шаҳрини кезади, етти иқлимда, тўққиз фалакда сайр этади. Аршу курсини айланади, лавҳу қаламдин огоҳ бўлади. Биҳамдиллоҳ, ана шу учқур от уни Буроқ янғлиқ муродига етказди. Ёлғиз қолиб, салби вужуд айлаш — мулоҳаза, мушоҳада, такбир туфайли у Ғавсул аъзам Мухийддин Жилоний тариқатига кўнгил берди. Бу тариқатнинг бир олтин бутови бўлғай, деб туркий жаҳрия сулуқини тузди. Зикри қалбий туфайли тили бурро бўлди, ҳикмат айтди. Туркийда латиф ва зарифона байт айтиб бўлмас, деган мутакаббурларнинг оғзига урди. Шукриллаҳким, ҳикматлари мулки Туркистон аро манзур ва машҳур...

Шайх нимкоронғи хужрада, гул солинмасдан сидирга тўқилган, туркона шолчада такбир келтириб ўтирибди. Унинг кўзлари юмук, қўлида хурмои тасбеҳ. Бармоқлари аста-аста тасбеҳ донасини теради, ҳар дона сурилганда Аллоҳнинг бир исми ёдига келади.

Тўқсон еттинчи дона ўтганда оёқ товуши эшитилди. Шайх кўзини очди. Остонада хос ходими Қутбиддин турарди. Қутбиддин Самарқанд подшоси Маҳмудхон ибн Арслонхоннинг суюкли фарзанди. Ўн етти-ўн саккиз ёшларга борган бу йигит халим табиатли, фаҳми тез соҳиби

диллардан. Икки йил муқаддам қиблагоҳи бирла Шайх зиёратига келди. Сўнг — туққан юрти, волидаю падаридан воз кечиб, шу хилватда қолиб кетди.

— Бузрукворим...

Шайх индамай тасбеҳини ўгираверди. Юз бирилич донани санаб фотиҳа қилди. Кутбиддин илдам тиз букиб дуога қўшилди. Сўнг истиҳола билан оғиз жуфтлади:

— Бузрукворим... Соброндин Шаҳобиддин хожи... изн сўрайдир.

Шаҳобиддин... Бу исм Шайх дилига хиралик элтди. Ҳозиргина жисми жонини чулғаб турган ёғдуни булут коплагандек бўлди,

Шаҳобиддин махсум бир вақтлар аҳли диллардан эди. Ҳаким Сулаймон, Сўфи Донишманд, Бобо Мочин сингари муридлари қаторида Яссавия тариқатига равнақ тилаб Шайхга қўл берган эди. Сўнг шайтони лаъин уни йўлдан оздирди. Жоҳилиятга берилди. Ҳазрат билан масала талашгани Марвдан имом Марвазий келганда махсум унинг ёнини олди, Яссавийнинг лафзига чанг солиб, «Мансури ҳаллож — кофир!» деб бақирди. Неча кунлик мунозарадан кейин Марвазий таслим бўлгач, тавба қилди. Илло-билло, жаҳрия тариқатин қабул қилдим, пирим, гуноҳимдан ўтинг, деб ерга бош урди. Шайх муруват қилди. Бироқ махсум хонақоҳ шартларига чидамади. Туққан юрти Собронга кетди. Мадрасада мутавалли бўлди. Нафс жиловчи илиқдин чиқса чора йўқ экан. Шаҳобиддин толиби илмларнинг ҳақиқаи хиёнат қилиб, Соброндан ҳам ҳайдалди.

Махсумнинг бошқа густоҳона ишларини ҳам Шайх эшитиб турибди. Юрт кезиб, халқи оламни Ҳак Мустафо йўлига даъват этгувчи дарвинилардан хабар келди. Шаҳобиддин бултур Соброндан бадарға бўлгач, Қоратов ортига ўтибди, Шайх-ул машойих номидан иршод ёзиб, ўзини Қумкент хонақосининг пири деб эълон қилибди. Ўшал ёлғон иршод, мана, Шайхнинг қўлида турибди. Мухри қалбаки. Асл муҳрдан нусха кўчирибди, бетавфик махсум.

Шайх Қумкентга одам юбориб, махсумни чақиртирди. Уни эл кўзи ўнгида масжид устунига боғлаттириб сазойи қилдирмоқчи эди. Бироқ Шаҳобиддин ҳукмга бўйсунмади, Қумкентдан ҳажга кочди. Мана, энди ўз оёғи билан келибди... Нечук, анга инсоф ато қилибдур?

Қутбиддин ҳамон қўл ковуштириб пирга итоаткорона тикилиб турарди. Шайх ёнбошидан Шахобиддиннинг ёлғон ёрлиғини олди. Енгил кўзволди.

— Махсум бирла эл олдида сўйлашармиз, — деди ва гулмихтадаги салласига қўл чўзди. Қутбиддин илдам бориб дасторни олди ва икки қўллаб узатди.

— Барака топинг, ўғлим... Одам қалинми?

— Қалин... Исфижобдан ҳам келибдир...

Шайхнинг юраги сидирилди, кекса кўнгли ғалаён қилди. Исфижоб унинг ота юрти, киндик қони тўкилган манзил. Қиблагоҳининг турбати, онаизорининг бир сиқим турпоғи Исфижобда. Неча йилдирки, зиёратига етолмади. Кўнгили армон, надомат ўртайди. Аллоҳ насиб этса, энди ёвуқ қолди. Бирор ҳафтада тавоф айлаб кўзларига суртгай.

Ҳазрат кичкина эшикдан «Бисмилло!» деб ташқарига чикди. Масжиди Султония олдидаги улкан майдон одам билан тўлган. Оқ дасторлик уламолар, мўъжаз, кўк саллалик муллабаччалар, хирқа кийган дарвишлару қоп слкалаган деҳқонлар, бола етаклаган аёллар. Майдон чеккасида отлик кишилар кўзга ташланади. Эгниларига осган яроғларига қараганда улар ўғуз хони Олтинтошнинг черикларига ўхшайди.

Ҳазратни кўриб, навкарлар апил-тапил отларидан тушдилар.

Султон ул-орифин баланд айвонда бир муддат сукут сақлаб, халойиққа разм солди. Оломон ичида авлиё бобонинг кароматларини минг бор эшитган, лекин ўзиши кўрмаганлар кўп эди. Уларнинг наздида авлиё — девқомат, соқоли кўкрагига тушган, салласи саватдек, тўнининг энгию этақларига турли хил оятлар чекилган ҳайбатли бир кимса бўлиши керак эди. Ҳазрати Султон эса, бутунлай бўлакча эди. Ана, у чарчоқданми, мутолааданми киртайган осуда кўзларини тикиб одамларга ювош, ўйчан боқиб турибди. Эгнида оппоқ одми яқтак, ингичка қилиб ўралган чоғроқ салла. Соқол-мўйлаби ҳам бежирим. Белида запори белбор. Жуссаси-да, кичкина.

Одамлар ҳайрат бармоғини тишлади. Шундоқ кичик жусса, тик қоматли, хушсурат бир кишининг авлиё эканлиги, дупёнинг тўрт тарафида тўқсон минг муриди бор-

лиги, ҳатто подшолар ҳам у киши билан маслаҳатлашиб ил қилиши тасаввурга сифмасди.

Майдон босиқ гувлади. Бесабрроқ кимсалар оломони тирсаклаб, пешайвон сари интилди. Шайх атрофига қаради. Ўнг томонда Сўфи Донишманд билан Мансурхўжа, сўлда Ҳакимхўжа Сулаймон, Бобо Мочинни кўриб кўлини кўтарди. Ховур андак босилгандек бўлди.

— Бисмиллохир раҳмонир роҳийм! — деди Ҳазрат бўғиқ, ширали товушда. Майдон гувлаб акс садо кайтарди.

— Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар!

— Эй, аҳли мўмин! Ораларингизда Шаҳобиддин деб аталмиш Шайх-ул раисни танийдиргон мўмин мусулмон бўлса, мана бу ерга чикиб гувоҳлик берсин.

Майдон оғир сукутга чўмди.

— Ҳеч ким танимайдирми?

— Йў-ў-ўк! Биз Ҳазрати Султонни таниймиз! Шайх Шаҳобиддинни танимамиз, — деган хайқириқлар эшитилди.

— Нечук танимайдирсиз?.. Мана у кишим! — Шайх чап ёнига ўгирилди, — Таксир, муридларингизга ўзларини кўрсатсинлар...

Шаҳобиддин Ҳазратдан бир одимча ортда турган эди, типирчилади, тисарилиб халқ назаридан қочмоқчи бўлди. Бироқ Бобо Мочиннинг темир панжасидан қутулолмади. Бобо Мочин уни тирсагидан маҳкам сиқиб айвон лабига олиб келди. Одамлар кўк мовут тўн кийиб, белини икки еридан боғлаган қалмоқбашара кишига ажабланиб бокдилар. Шайх боягидек сокин, қатъий овозда хитоб қилди:

— Пайғамбар алайҳиссалом жаноблари «Ал-каззобу луммати» дебдилар. Рўпарангизда турган осий банда бул ҳадиснинг маънисини билмасмиди? Биларди. Илло риоя қилмади. Оллонинг ғазабидан кўркмай ёлгон сўзлади. Ул нечук инсонки, ҳақ йўлига кирган толиби илмларнинг ҳақини еса! Ўзини кўлбор Шайх чоғлаб, беҳаёлик бир-ла ўзига ўзи фатво ёзиб олса! Аҳли мўмин кўзига чўп солиб риёкорлик қилса, нафси хайвоний деб охиратини сотса! Боз устига бетини қаттиқ қилиб, эл ичинда хожи дўппи кийиб керилиб юрса!

Шахобиддин хожининг умиди пучга чикди. «Эх, қариб қуюлмаган бошим! — деб қарғанди ичида. — Гумрох бўлмасанг, шу мутакаббир Шайхнинг олдига мўйин солиб келасанму? Энди не одам бўлдинг? Номаи аъмолингни билмаганлар ҳам билиб олур энди. Водариғо, қайси жин урди сени, хожи Шахобиддин, нега келдинг бу ерга, а, нега ҳам келдинг? Ана энди хорлик тупроғига беланиб рўсиё бўлдинг, хожи!»

Аслида унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Ёлғон фатво ошкор бўлгач, Шахобиддин бир ерда туролмайд юртмаюрт тентираб қолди. Анави ковокбош дарвишлар унинг қилмишларини етти оламга ёйиб улгуришган экан. Махсум қайси кент, овул ё ўбага борса, «Ўзига ўзи иршод ёзиб, шайх бўлиб олган кимса сиз эмасми, тақсир?» деб ёзғирдилар. Хуллас, унинг ови юришмади, насибаси қирқилди. Минбаъд Шахобиддин номини ўзгартириб ё эл танимас ерда истиқомат қилиши ёки Шайхнинг олдига тавба қилиб, жилла қуриса бирор масжид имомлигини сўраши лозим эди. Махсум иккинчи йўлни танлади. Илло Шайх уни кечирмади. Лоақал истиғфор айтишга ҳам кўймади, билъакс, авом халқ кўз ўнгида шарманда қилди.

— Эй, мўъминлар! — Ҳазратнинг товуши олисдан, гўё самодан гумбурлаб келгандек бўлди. — Шариати Мустафога шак келтириб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилғон, ёлғон фатво ила раиятнинг нонига чанг солғон, илм олиб, илмига риоя қилмағон, мунофиқ, харис кимсанинг жазоси не бўлғай, айтинг!

Халойиқ хавога мушт ўқталиб шовқин солди. Саф олдида турган уламолардан бири «Сазойи қилинсун!» деб бақирди.

— Сазойи қилинсун!

— Саққол-мурти қирилсун!

— Мачитга киргизмаслик керак бундайин нафси бузуқни!

Шахобиддиннинг ўтакаси ёрилгудек бўлди. Жони ҳалқумига тиқилди. Назарида ҳозир, шу ерда унинг қўлоёвини боғлаб, соқол-муртини қириб ташлашадигандек дағ-дағ титради.

— Ёлғон! — деди у хириллаб. — Шайх ўтрик сўйлаб турибдур! Ман анинг этагини кўзимга суртмадим. Шул боис менда касди бор.

Шайх чап ёнига қараб «Мусхаб!» деди кескин. Мансурхўжа илкидаги Қуръонни икки қўллаб Шаҳобиддинга тутди.

— Олинг! — деди Шайх ҳожига, — мана шу каломулло-ни ушлаб қасам ичинг! Ёлғон сўллаган бўлсангиз — сизни худо урсин, магар мен ёлғон деган бўлсам — мени худо урсин! Олинг!

Шаҳобиддин иккиланди. Агар Қуръон ушлаб қасам ичмаса, ҳозиргина айтган гаплари абас бўлиб чиқар, унда (худо кўрсатмасин!) ростдан ҳам қўл-оёғини боғлаб, соқолини қириб ташлашлари мумкин эди.

Ҳожи мупофиклик кечирилмас гуноҳ эканлигини би-либ турса-да, «Илоё, ўзингга сиғиндим», дея Қуръонни қўлига олди. Манглайига сурқаб ўпди. Сўнг уни кўкрагига босиб туриб халққа ўгирилди.

— Мана шу Каломулло бирла қасам ичаманки, Шайх мендек бир бегуноҳ мўъмин-мусулмонга тухмат тошини ёғдириб турибдур. Бир йил муқаддам бизга ўз қўллари бирла шаҳодатнома ёзиб бериб эдилар, энди бўлса, ўшал ёрликдан ҳам, муҳрдан ҳам тоғиб, каминадек мусулмони комилни бадном қилдилар... Парвардигори олам, ўтрик сўйлаётган бўлсам...

Одамлар нафас олмай, овози, бутун вужуди тит-раб оғт ичаётган ҳожига бақрайиб тикилдилар. Улар, «Наҳот Ҳазрати султон бир мусулмонга тухмат қилсалар, наҳот...» деган гумон юкидан лолу қарахт, хайрон эди-лар.

Шайх эса, ҳожини бунчаликка боради, деб ўйламаган эди. Эллик йилдирки, у тоат-ибодат билан банд, Қуръони каримни минг қарра хатм қилди, қанча-қанча куффор-ни дини исломга киритди, илло китоб ул-умма устида ёлғонни рост деб оғт ичаётган қасамхўрни илк мартаба кўриб турибди!

Шайх ёқасига қўл югуртирди. «Астаффирулло! Астаф-фирулло!» дея ичида калима келтирди. Тилида калимаи шаҳодат, дилида — ўзга бир оят, ўзга бир дуо...

— ...агар ўтрик сўллаётган бўлсам, майли, ер тишла-йин, овзи-мурним қийшайиб қолса ҳам розиман...

Ҳожи Қуръонни ўпиб, Мансурхўжага узатди ва Ҳазрат томонга қолибона қараб қўйди-да, икки қадам четланди. Шайх вужудига жо бўлган ва ёлғиз ўзигагина маълум

рухий қувватини жамлаб ҳожининг кўзларига қаттиқ тиклиди. Шаҳобиддин чайқалиб кетгандек бўлди. Сўнг гандираклаб айвон четига қараб юрди. Шайх ҳамон калима келтириб ўтқир нигоҳи билан уни таъқиб этиб турибди. Ҳожи «Чангалингдан омон-эсон қутулдим-а, Шайх, энди қалайсан?» дегандек, мамнун илжайди. Ана, у узунчоқ айвон лабига борди. «Бисмилло!» деб зинадан туша бошлади...

Шайхнинг қорамтир юзи тундлашди. Унинг лаблари билинар-билинемас қимирлаб, пешанасида гавҳардек тер кўринди.

Айвон икки газча келарди. Ҳожи уч зина ўтиб, тўртинчи зинага борганда қоқилди. Оёғи осмондан келди. Уч думалаб пастга тушди. Одамлар «Ў-ў!» деб хитоб қилди. Халойиқ ерда додлаб ётган ҳожига эмас, юзини терс ўгириб ичкари кириб кетаётган Ҳазрати Султонга кўрка-писа қаради.

Шаҳобиддин хожининг кўли синган, жағи чиқиб, оёғи қийшайиб қолган эди.

Мансурхўжа билан Ҳаким Сулаймон Шайхнинг ортидан эргашдилар. Сўфи Донишманд халойиқ олдида икки оғиз уэр айтди:

— Султони орифин ҳазратларининг сиз қавмларига айтадиргон васиятлари бор эди. Таассуфки, вазият ушмундоқ бўлиб қолди. Олло насиб этса, рабиулаввалнини иккинчи ҳафтасинда Ҳазрат Маккаи мукаррама сари отлангайлар.

— Сафар олдидан тағин кўришиб, Шайхимизнинг амри маъруфларини эшитгайсизлар. Қани, омин! Яратган эгам ҳар бир бандани мўъминни имонидан маҳрум этмасин, бало-қазодин ўзи асрасин, Аллоҳу акбар!

Халойиқ жўровоз бўлиб дуога кўшилди.

Одамлар ғовур-ғувур билан тарқала бошлади. Ваъз умидида келган сомеълар орасида Камол қора билан Низомиддин хушрўй ҳам бор эди. Улар таҳлика ичида қолган оломонга эш бўлиб, сўз олишиб борарди:

— Камол, ёмон бўлди, а?

— Ёмон ўлди, хушрўй. Тўнғиз егур, хожи-ей, ўзингку, ёлғон сўйлаб қалтираб турибсан. Тавба қилдим, деб кетавермайсанми?

— Шуни айт-а! Авлиё билан олишиб бўларканми? Отам раҳматли айтарди, Шайх бобо «Кечираман, лекин кеч ураман», дер эканлар.

— Бу нима дегани, Хушрўй?

— Э, ўқимаган! Яъниким, сен гуноҳ қилсанг, у киши бир кечиради, икки кечиради... Аммо учинчисида анави хождек бўласан, қоровой! Кўрдингми, Қуръонни сотгани учун қўли синди, ёлгон сўйлаб имонини ютгани учун оғзи қийшайиб қолди.

— Э, қўй-е, унга ит ўхшасин.

Хушрўй дўстига тегишди:

— Ёлгон сўзлама. Гоҳи-гоҳида сен ҳам ёлгон ишлатиб турасан.

— Қачон ёлгон гапирдим, ёлгончи?

— Тунов куни хотинингга, «Сендан бошқасини десам, хар нарса бўлай!» деб қасам ичганинг-чи, қоровой?

Камол хурсанд бўлиб дўстининг бикинига туртди.

— Э, ўл-а! Бунақа ёлгон савоб. Шундин бу ёғига хотин тўра ипакдай бўлиб қолди. Юр, кун ботмай, Қорачиқнинг йўлига чиқиб олайлик. Хали бозорга кириб, болаларга у-бу ҳам олиш керак.

Икки дўст баззозликка қараб кетдилар.

## ЙИҒЛАМА, ОНАИЗОР!

### 2- ф а с л

*Жаннат оналар оёғи остидадур.*

Хадис

Хижрий 541 йил. Рабиулаввалнинг ўн учинчиси. Пайшанба. Ёз қариб, сунбула кирган. Ярим тун. Шаҳристон ширин уйкуда.

Шайх мутолаа қилиб ўтирган эди, кўзлари чарчаб, китобни ёпди. Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Енгил кийиниб, ташқарига йўналди. Хобхона эшигидан ўтаётганда, Руқия бибига дуч келди. Рафикаси бош эгиб турарди.

— Отаси, бирон хизмат бормиди?

— Бахузур дамингизни олаберинг, бекам. Хали субҳи содиққа олис. Бир сайр этгим келди.

Руқия биби эрининг ортидан маъюс қараб қолди. У жуфти ҳалолига беминнат хизмат қилишни ўзи учун са-

воб деб биладиган окила, зийрак аёллар тоифасидан эди. Бирок... мана, худога шукр, бир ёстикқа бош кўйганларига йигирма йил бўлибди. Ана шу йигирма йил бадалида Шайх унга оналик хизматидан бўлак вазифани раво кўрмади. Умри масжид хонақосида, халифалар, муридлар қуршовида ўтади. Уйга ҳам тунагани гоҳи-гоҳида келади. Мусофирчиликда ўз хизматини ўзи қилиб, ўрганиб кетган экашларми, хануз одатларини унутмаганлар. Либосларини ўзи нарваришлайди, тугма кадашми, ювишми, йиртиқ-ямоғини чатишми — барини асхоби ҳол, яъни, ҳамтабоқ хужрадошлари бирла адо этади. Руқия биби икки қизу бир ўғилни бағрига босиб, масжид ёнидаги уч хонали торгина ҳовлида эл қатори ўртаҳол яшаб келади.

Ҳазрат ташқарига чиқди. Ҳовлидан гуп этиб, райҳон иси келди. Муздек хаво кўксини тўлдирди. Руҳи ёришди. У кичкина эшикни оҳиста очиб, остона хатлади. Шайхнинг уйи шаҳристоннинг балаandroқ қисмида, қалъа деворига яқин эди. Ҳазрат сунбула ҳавосига маст бўлиб, бир лаҳза тек туриб қолди. Осмон чечаклари — юлдузлар ўзаро кўз қисиб, гўё шивирлашаётгандек, тўлин ой эса, яхши пазанданинг кўлидан чиққан лочирадек ярқирайди. Беихтиёр тилига оят келди: «Ой билан қасам ичаман, юлдуз билан қасам ичаман...»

Масжид сиртига ўтди. Узун, энлик парвон олдига бориб, бир сония ўйлашиб турди-ю, «Бисмилло!» деб томга чиқа бошлади. У ҳеч қачон масжид томига чиқмаган эди. Бу сафар кўнгил истагига қаршилиқ қилолмади. Шаҳарга тепадан назар солишни, кўзлари толгунча боқишни ихтиёр этди. Эҳтимол, бу сўнгги назаридир...

Томга чиқди. Тепа салқинроқ экан, эти жунжикди. Осмон бир қари яқинроқ келиб қолгандек, юлдузлар ҳам кўл чўзса етгудек, камари фалак эса, бошига соя солиб тургандек туюлди. Атрофига аланглади. Яссидаги энг баланд иморат мана шу масжиди Султония эди. Шаҳристон гўё муаззам патнис устида тургандек, яққол кўзга ташланади. Кунгурадор қалъа деворлари, қорахонийлар сулоласининг отабеги Буғрохон қурдирган мадраса, бозор тимлари, мусофирхоналар, бир-бирига улашиб кетган пасткам, янаски уйлар, сийрак боғлар, сарховузлар... бари оёқ остида ётибди. Ана, работда, бошқопқа олдида дарвоза очилишини кутиб ётган мусофирлар кўринади.

Кимдир араванда чопонига ўралиб ухлаб ётибди, бошқалар отларини, эшакларини боғлаб қўйиб, қаро ерда бош осилтирганча мудрашади.

Шайх кун ботишга ўғирилди. Фириллаб қибла шамоли-дабур эсди. Бу унга яхшилик аломати бўлиб туюлди. Шукрона келтирди. Ўзини масжид томида эмас, Арофат тоғида тургандек ҳис этди.

Юлдуз учди. Митти бир юлдуз оловга айланиб, олтин ёйдек хавони тилиб ўтди. Бу ҳолатни Шайх ўзига қиёс қилди, таъбир йўйди. Нурли чизик нимтатир фалакдан вужудига кўчди. Кекса кўкси жизиллаб, тепасидаги мана шу куббатул осмон каби мавҳум ва беҳудуд хаёл ичра нарқ бўлди. Қиблага қараб туриб, муножот қилди: «Халлоки олам иноят айлаб, йўлимизни берса, бугун Маккаи мукаррама сари отлангаймиз. Насиб этса, хажар-ул-асвадни кўзга суртиб, яна она юртга қайтармиз. Мабодо бир сиқим тупроғимиз бегона элларга буюрган бўлса, на чора, Яратганнинг иродаси... Қайтиб сизни кўролмасак, ризо бўлинг, ота юрт осмони! Ғарибларнинг кўз ёшидек потраган юлдузлар, сизлар ҳам ризо бўлинг биздин. Кечалари мусофир йўловчиларнинг йўлини ёритувчи камари фалак, ризо бўлинг! Хадемай жамол кўрсатадиган офтоб! Сиз Аллоҳ нурининг бир зарраси, Ер юзида боғлар, экинларни ўстириб, ризқ ҳосил этувчисиз. Олтмиш бир йил она бешик янглиғ мураббийлик қилганингиз учун ризо бўлинг! Ариқлар, сиздин ичган сувим учун ризо бўлинг! Дарахтлар, сиздин тотинган ширин-шакар меваларим учун ризо бўлинг! Еллар, юз-кўзларимни сийпалаб, маҳзун чоғларимда тасалли бердингиз. Гуллар, чечаклар, сизлар димоғимни хушбўй исларга тўлдирдингиз, бағримга жаннат нафасини уфурдингиз. Сизлар ҳам ризо бўлинг! Ё азим Сайхун! Сени беҳишт дарё дейдилар. Илоҳа, чучук сувингга юз чайиш қайта насиб этсун. Доноларнинг дарди-дек вазмин тоғлар, мискин, мусофир кимсанинг хаёлидек поёнсиз саҳролар, маъмур кентлар, овуллар, сизлар ҳам ризо бўлинг! Қул Хожа Аҳмад Яссавий отлик бир умматим бор эди, тили бурро, вале кўзи намлик, дили ғамлик хокисор эди, дея ёд қилгайсиз. Токи дийдам очик экан, мен ҳам сизларни дуо бирла ёд этгайман. Ризо бўлинг барчангиз, ризо бўлинг...»

Ҳазратнинг кўнгли хувиллаб қолгандек бўлди. Бирок рухияти равшан тортди. Тўрт тарафига ўгирилиб, ҳамон гафлат уйқусида ётган шаҳарга қайта-қайта боқди. Гўё унсиз видолашди. Сўнг шошмай пастга туша бошлади.

Масжидга кирмоқчи бўлди. Аммо Руқия бибини эслаб уйига бурилди.

Руқия биби ёниб адо бўлаётган хира шам олдида эрини ўйлаб, иягига суяниб ўтириб эди. Оёқ товушини эшитиб, илдам қўзғалди. Ҳазрат индамай хос хонасига ўтди. Руқия биби унга эргашиди. Шайх меҳроб ёнига ўтирди. Руқия биби тоқчадаги катта шамдонни ёқди. «Бизга хизмат борми?» дегандек рўмолининг учини тишлаб, итоат-корона кутиб турди.

— Нон билан сув келтиринг, Гавҳарнинг онаси, — деди Шайх. Руқия биби эрининг олдига бўз дастурхон ёзди, париги хонадан икки нон, бир косада сув олиб кирди.

— Ўтиринг, онаси, — деди Шайх, — сизга икки оғиз гапимиз бор.

Руқия бибининг юраги бир сесканди. У охиста тиз чўқди. Назарида эридан шу маҳалгача эшитмаган қалтис бир гап эшитадигандек, чўчиди. Хуркиб, Шайхнинг ўйчан юзига зимдан разм солди.

Шайх коса билан пинни ўртароқка сурди. Ердан кўз узмай, мунгайиб ўтирган Руқия бибига қараб аста деди:

— Гавҳарнинг онаси, мен сиздин ризолик тиламоқчиман. Аллоҳ ниятимизга еткурса, бугун йўлга чиққаймиз. Сиздин яширмайман, йўл олис, бориш-келиш орасида бир йил ўтади. Иншоолло, фарзи айнини адо этиб, қайта мана шу дастурхон ёнига қайтгаймиз, деган умиддамен. Валекин, инсон боласи эртага нима бўлишини билмас. Бу қутлуғ нафас барчамизга омонатдур. Мабодо қазоимиз этиб... бу тупроқни қайта кўриш насиб этмаса, ризо бўлинг, Гавҳарнинг онаси...

Руқия биби пиқиллаб йиғлади.

— Кўз ёш қилманг. Кўз ёшларни кейинга асранг.

Руқия биби дарров кўзларини артди.

— Йигирма йилдирки, волидалик, завжалик хизматлари беминнат адо этдингиз. Чеккан заҳматларингизга рози бўлинг. Кўнглингизни ўкситган бўлсак — уэр, биздин ўтди. Вақтида каттиқ-қуруқ гапирдик, аларни ҳам кечиринг, онаси. Мен сиздин розиман, сиз ҳам биздин

рози бўлинг. Илоё, қиёмат куни ёруғ юз бирла дийдор кўришгаймиз.

Рукия бибининг боши эгилиб, тиззасига тегай деди. У эрининг ўгитини унутиб, унсиз йиғлашга тушди.

— Мен... минг қатла розиман, Шайхим... Сиз ҳам р-рози б-бўлинг...

Хазратнинг яна бир гапи бор эди. Уни айтса, Рукия бибининг рози бўлмаслигини билади. Бу мушфиқ аёлнинг маҳзун кўнглини баттар вайрон қилишини ҳам сезиб турибди. Бироқ, барибир, айтишга жазм қилди:

— Онаси, мен Иброхимни ҳам ҳажга олиб кетсам, деб ният қилиб эдим... Сиз рози бўлсангиз, албатта.

Рукия бибининг юраги пора бўлди. У Шайх томонга қўл чўзиб, мукка йиқилди. Эрининг этагини маҳкам чангаллаб ўкириб йиғлади.

— Мени ёлғизимдин жудо қилманг, Шайхим! Мен шўрликка раҳм қилинг!.. Бир йўла икковингиздин ҳам айрилсам, иккала қўлим кесилмасму? Биз дуойи жонингизни қилиб ўтирайлик. Аллоҳ таоло йўлингизни равон қилсун. Ёлғизгинамни ташлаб кетинг, Шайхим...

— Йиғламанг, Иброхим ёнингизда бўлади, — деди хазрат.

Бир заифани икки ожиза қизи билан ташлаб кетиш ноинсофлик эди. Шайх хатосини англади.

Рукия биби бошини кўтарди. Юз-кўзини артиб, косадаги сувдан хўплади. Хаприққани андак босилгандек бўлди. Шукр қилди. У отаси кўнмайди, деб чўчиган эди. Негаки эрининг феълини билади, камсухан, чўрткесар. Бир нимани айтдими — тамом, айтганини қилади. Шайхнинг сўзи, азми қарори мухокама этилмас, у фарз бўлмаса-да, вожиб эди.

Хазрат битта нон олиб иккига бўлди. Ярмини Рукия бибининг олдига қўйди.

— Мен улушимни олиб кетгайман. Буни сиз асранг. Омон-эсон қайтиб келсам, икки ёртини бирлаштиргаймиз. Аллоҳ ҳар кимнинг ризқини бутун қилсин. Омин! Валлоҳи зулфазлил азийм!

Шайх сувдан бир хўплаб, косани ўртага қўйди. Ўрнидан турди.

— Биз қайтгунга қадар сизлар Исфижобда истиқомат қиласизлар, тукқан ерингиз дурустроқ, — деди кўнгли бўшаб.

Рукия биби ҳам исфижоблик, Мусо шайх деган рухонийнинг кенжа кизи эди. Ҳазрати Султон «Бир йилча уйда бўлмас эканмиз, булар рўзгор захматин чекмасин» деган хаёлда оиласини қайночасининг ҳовлисига омонат топшириб кетмоқчи эди.

Рукия бибининг кўз ёшидан кўпчиб кетган лўппи юзига қон югурди.

Шайх шахдам юриб, масжидга чиқиб кетди. Масжид ичи чароғон, халифаю муридлар сафар тадоригини кўраётган эдилар.

Муаззиннинг азони янграши билан шаҳарнинг тўртала қопқаси барабар очилди. Ҳазрати Султонни ҳажга кузатмоқчи бўлиб келган иродат аҳли ёпирилиб ичкари кирди.

Тонг отди. Қадим Яссининг машхур октерақлари учиди ипак нур ўйнайди. Шахристон одам билан тўлган. Ҳамма масжиди султония тарафга йўналади. Работда ҳам одам қалин. Мусофирхоналарда, карвонсаройларда бўйрадек бўш жой йўқ. Қалъа деворининг ортида отлар кишнайди, хачирлар тепинади, араваларнинг гийкиллагани, нортуяларнинг пишқиргани эшитилади. Ясси Ясси бўлиб, эхтимол бунчалик талатўлни кўрмагандир. Қоратоғ этагидаги кишлоқлардан, Дашти Қишқоқ яйловларидан, Сайхун бўйларидан, исломият сарҳади — Жанд ва Янгикент шаҳарларидан тўп-тўп бўлиб, миришқору сайёд, кўйчивону косиб, тужжору дехқон оқиб келмоқда. Бировининг тилида дуойи хайр, бировининг дилида ихром боғлаш нияти, бири ҳаж закотини бериб савобга ноил бўлмоқчи. Шайх ҳазратлари марҳамат қилиб, бизни ҳам сафарга олакетармикан, деган умидвор кимсалар ҳам йўқ эмас.

Кун найза бўйи кўтарилди. Эл-улус ила хўшлашув чоғи етган эди. Ҳазрат халифалари, уламо-муридлари қуршовида масжид айвонига чиқди. Халойиқ тунов кунгидан ўн чандон кўп эди. Майдонга сизмаганлар атрофдаги уйларнинг томига, қалъа деворларига чиқиб, Султон-ул орифиннинг ваъзини тинглашга махтал бўлиб туришарди.

Шайх киприк қокмай, мўлтираб турган, юзлаб қоракўзларга боқиб, бир лаҳза хаёлга толди: «Буларга не дейди? Тағин амри маъруфга чорлайдимиз? Амри маъруф, панд-насихат ила ёмон киши яхшига айлан-

са, дунёда ўғрию каззоб, зинокору очкўз қолмасди. На илож, чиқмаган жондин умид, дейдилар. Томчи тош тешар эмиш. Зора бу заррадек панду насиҳатимиз минг кулокнинг бирида тўхтаб ижобат бўлса».

Ваъз айтганда, Шайхнинг кўксида ўтли бир илхом пайдо бўларди. Ҳозир ҳам ўша илхом тошқинидан дили потраб сўз бошлади:

— Биродарларим! Ораларингизда ўксиганларни кўриб турибман. Улар кошки биз ҳам Маккаи мукаррамага етиб савобга ботсак, дея ўртанадилар. Ўртанмасинлар! Ҳаж — фарздир, илло Ҳақ Мустафо, «Аллоҳ таоло суратларингизга эмас, қалбингиз ва амалларингизга қарайди», демишлар. Жаннат бадали Макка йўлида эмас, ҳар бир бандаи мўминнинг мана бу ерида, сийлаи покидадур. Баъзи бир худо беҳабар гумроҳлар бор, фарзандларининг ризкидин қийиб, емай-ичмай ҳаж харажатини йиғнайди. Бундай йўл билан йиғилган мол ҳам, ихрож ҳам куфрони неъматдур. Ахли аёл, авлод, кўни-қўшни, мискин-фақирнинг ҳақини бермай савоб оламан, деган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Кўнгли синиқ ғарибни овутиг, хайр-эхсон қилинг, мусофир кимсага бир оғиз ширин сўз айтинг, етимнинг бошини силанг, зулм қилманг, бировнинг дилини оғритманг. Ариқ очиб, икки туп оғоч кўкартиринг, қўлингиздан келса, тўртта подонга илм ўргатинг, масжид-мадраса қуринг, мўмин-қобил фарзанд тарбияланг... Ана шунда жаннат дарвозалари сизга пешвоз очилгай.

Ихром боғлай олмадик, деб ўксинмасинлар, яхшилар! Арофат тоғини гир айланиб, ихром боғлаб қайтган тили бўлак, дили бўлак мунофиқларни хўп кўрдик. Улар олгон савобларини пучак пулга сотдилар. Бири қозиман, деди, бириси муфтий, бириси хокимман деди, бириси имом. Вале ҳаромдин хазар қилмади. Аллоҳдин кўрқмади, бандасидин уёлмади. Ана шулар ҳам хожи дўппи кийган. Зеро, эшакнинг белига ихром боғлаб, хожи дўппи кийдурган бирла эшак — эшаклигича қолур, харгиз инсонга айланмас.

Фаҳри олам Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам, одамлар орасинда олти хил тоифа бордирки, улар тонгла махшардин бурун дўзах ўтиға куйгай, деб башорат қилганлар. Бул тоифа жумласига зулм қилгон хоким, ки-

шиларши бир-бири билан уриштирувчи фитначи, мутакаб-бир рахбар, хиёнаткор тужжор, фароғатда кун кечиргувчи нодон ва ҳасадгўй олим киргай. Бас, эй мўъминлар, дуойи баддан алҳазар! Дуойи баддан кўркмай, гафлатда қолгон осийлар унутмасинларки, ота-онанинг фарзанд ҳаққига қарғаб туриб қилган дуоסי, мусофирнинг тилаги ва яна мазлум кимсанинг муножоти мустажоб бўлғай. Хоҳ васият денглар, хоҳ насиҳат, аҳли суннат, сизга айтар охир сўзим шул: то баданга ҳарфи мад етгунча, яхшилик тухмини экинлар. Яхшиликдин не ёмонлик кўрдинги, яхшилик қилишни истамайсан, ёмонликдин не яхшилик топдинги, ҳаргиз ёмонлик қилғайсан? Аллоҳнинг мағфирати ила ҳикмат келди:

*Қул хожа Аҳмад, ёмонларнинг ёмонисан,  
Барча бугдой, эл тутмоғон сомони – сан...*

Вассалому биссавоб!

Ҳазрат юзига фотиҳа тортди. Одамлар унга тақлидан такбир айтиб, баланд овозда дуо қилдилар. Шу пайт ўртароқда турган чимматли аёл боласининг елкасидан туртди:

– Бор, болам, Шайх бобонгни оёрига йиқил. Отамни ташлаб кетинг, деб йиғла. Зора раҳм қилса. Боракол, бор...

Етти-саккиз ёшлардаги, ола тўн кийган ориқ болакай иккиланиб оломон орасидан чиқди. Айвон лабига бориб, ортига каради. Аёлнинг ўктам товуши эшитилди:

– Уялма, болам! Дардингни айт, пирим ёрлақайди.

Шайх халойик ичидан кўзи билан аёлни ахтарди. Кейин энгашиб болани даст кўтариб олди. Бошини силади:

– Сўйланг, ўғлим...

Бола индамади. Ерга қараб тек тураверди. Аёл яна товуш берди:

– Юкун, болам! Шайх бобонгга қуллуқ қил! Ҳали не дединг йўлда, Яшаржон, отамни сўраб оламан, демадингми? Айтгин-да, кўзичоғим...

Боладан сас чиқмаётганини кўриб, аёл бир-икки қадам илгарилади. Айвонга яқинроқ бориб ҳасратини айтди:

– Пирим, ана шу норасиданинг отаси, ёлғиз ўғлим, ўламан саттор Маккага кетаман, деб турибди. Худонинг

зорини қилдим, сен бўлмасанг, биз қандай кун кўрамиз, дедим. Чолимни тупрокка топширганман, ишонганимиз ҳам, суянганимиз ҳам шу ёлғиз ўғил. Орқасида атак-чечак беш боласи бор. Жон пирим, садағангиз кетай, ўғилгинамга насихат қилинг, бола-чақасининг ёнига қайтсин. Бизни ташлаб уйдан бош олиб чиқиб кетганига бир йил бўлди. Бир йилдин бери дарвишларнинг орасида юрибди. Илоё, охиратингиз обод бўлсин, пирим, болагинамни қолдириб беринг...

Аёл хўнграб йиғлади. Шайхнинг кўнгли вайрон бўлди. Етимлик жабрини чекиб, онаси дийдорига тўймагани учунми, аёл кишининг кўз ёшини кўрса, кўнгли бузилади, ич-ичидан бир заифани йиғлатиб, зор қакшатган кимсани жазолатиб таъзирини бергиси келаверади. Шайх чимматли аёлга қаради, хитоб қилди:

— Йиғламанг, онаизор! Иншоолло, ўғлингиз ёнингизда қолгай. Анинг исми...

— Рауф, Абдурауф! — деди бечора аёл умидворликдан ховлиқиб. Хазратнинг товуши янада кескинлашди:

— Биз амри маъруф айтиб не дедик? Тирик етимларини чирқиратиб Макка йўлида савоб излаганлар хор бўлгай! Ровийлар андоқ ривоят айтурлар. Бир гумроҳ ҳаж йўлида хориб ибодат қилгани масжидга кирди. Кўрдик, мусофир кимса либосини ямаб ўтирибди. Ул сўради: «Аллоҳ ёр бўлсин, қайга борурсан?» «Маккага» — деди йўловчи. Мусофир, «Онанг борми?» деб сўрди. «Ха, бор» — деди йўловчи. «Азиматингдин онаизоринг розими?» — деди мусофир. Йўловчи, билмадим, деб елка қисди. «Андоғ бўлса, фурсатни ўтказмай, онанг хизматиға отлан, — деди мусофир, — мен эллик маротаба ҳаж қилдим. Бошяланг, оёк-яланг, оч-наҳор дашту биёбон кездим. Вале ҳажим қабул бўлмади. Мен волидаи меҳрибонимни норизо қилган эдим. Эй, осий банда, фурсат борида онанг хузурига шошил, анинг оёқларига йиқил! Истасанг, мен ҳаж савобини сенга берай, сен онангни ризо қилгин-у, топқан шодлирингни менга бер!» Гумроҳ йўловчи изига қайтди.

Халойиқ гувранди. Хитоблар, баралла дуолар янгради. Шайх давом этди:

— Эй муридимиз Абдурауф! Биз сизга волидаи меҳрибон шодлигини раво кўрдик! Онангизни тавоф айланг! Зероки, жаннат оналар оёғи остидадур.

Ҳазрат Яшарни оҳиста пастга тушириб қўйди. Бола чоққиллаб момосининг пинжигга бориб суқилди.

Оломон тарқала бошлади.

Бир соатдан кейин Шайх карвони йўлга тушди.

## ФИТНА ЁКИ НАҚҚОШНИНГ ХАТОСИ

### 3- ф а с л

*Агар олим бўлса, жоним тасаддуқ,  
Қани олим, қани омил, ёронлар!!*

Хожа Ахмад Яссавий.

Шаҳобиддин хожи икки кун уйида «вой-вой»лаб ётди. Қўли гуп бўлиб пишиб кетди. Йиқилганда тилини тишлаб олган эканми, тили ҳам айланмай қолди. Оғзини очолмайди, бурни билан пишиллаб нафас олади. Ингранади, тўлғанади, Аллоҳга ёлвориб, дардига шифо тилайди. «Нажас босиб нега Шайхнинг олдига бордим?» дея пушаймон қилади, масжиднинг баланд айвонини, ошқолдоқни, кути ўчган Шайхни қарғайди, бироқ... «Қуръон ушлаб туриб қасамхўрлик қилган ўзим эмасми?» деган гап хаёлига ҳам келмайди.

Учинчи куни дард зўрлик қилди. Хожи «Олло жоним»лаб йиғлашга тушди. Ўғли дарё бўйидан Бойбўсин синиқчини олиб келди.

Бойбўсин бўсаға хатлаб кирди-ю, Шаҳобиддиннинг башарасига қараб тўхтаб қолди.

— Ўйпирмой! Кудай урибдигўй! — деди ёқасини чангаллаб. Сўнг беморнинг ёнига чордана қурди. Хожининг ўнг қўлини йилки мойи билан анчагача силаб ўтирди. Кейин кутилмаганда унинг қўлини силтаб тортди. Хожи дод дегани улгурмади. Синиқчи чиққан қўлни қайта жойига солди.

— Э, бўлди, жилама, ҳе шешенгди... Улкен мўлда бўлсанг-да, бала сиёқтисин, — деб уришган бўлди. Хожининг билагини тахтакачлаб боғлаб қўйди. Шаҳобиддин имошора билан афтини кўрсатди.

— М...жуз...бет...тим не бўл...лодди?

Синиқчи хожининг бежо кўзларига, қийшиқ оғзига тикилиб қаради.

— Ўй, Олло-о! — деди ух тортиб, — бул бетингди ис килдинг, мўлда? Шаҳобиддин нимадир демоқчи бўлиб кучанди, бирок тили калимага келмади.

— Ўтрик сўлладингма? Мўлда деген ўтрик сўйламови керекқўй. Ий-йа-а... Ай, тугеси сени жин урфон бўлмасин. Ўнда шилёсин қилдир, қароғим. Ўнда-да, одам бўлмасанг, Азретимга бориб, ўзинен дуға сўрайсин. Мен не қиламин, байқуш мўлда аке?

Синиқчи хожини Ҳазрати Султон даргоҳига йўллаётган эди. Шаҳобиддин бош чайқади.

— Й-ў-ў... бо...бо-майман...

— Жўқ бўлса, ўзинг билесин, — деди синиқчи, — не бўлса-да, бир жаман ис қилгансингўй. Гунани жувиб олув керек. Ол, мен кетдим.

Бойбўсин чиқиб кетди. Шаҳобиддин ойна олиб афтига қаради. Кўркиб кетди. «Наҳотки, бир умр қийшиқоғиз бўлиб қолсам? Тиловат не бўлади? Шундай кироат билан биз бу ёқда қолиб, анани занчалиш Мавлуд қорига ўхшаганлар тўрга ўтиб кетаверадимиз? Шайхнинг олдига бориб оёғига йиқилсаммикан? Йўқ, бормайман. «Хм, қораялоқ, итдай бўлиб келдингми?» демайдимиз. Ё, Аллоҳ, янглишдим, сенинг муборак сўзингга шак келтирдим, ўзинг шафқат қил, осий бандангман, эл-юртга рўсиё қилма. Тавба қилдим, тавба қилдим, парвардигори олам!..»

Эртасига хожи маҳалладан тўрт муллани чакиртирди. Улар Шаҳобиддинни ўртага ўтқазиб қўйиб, босим ўқишга тушдилар. Тўрт мулла уч кунгача сураи «Ёсин»ни қирқ мартадан қайтариб чилёсин қилдилар. Хожининг дарди енгиллашгандек бўлди, лекин қийшиқ оғзи, бежо кўзлари аслига келмади. У кечалари худога муножот қилиб йиғлади, дуонинг кучини яна беш-олти кун кутди. Охири бетини сидириб ташлаб, Ҳазратнинг олдига тавба қилиб боришга жазм қилди. «Биз кетмон чоғиб нон сийишга ўрганмаганмиз, ризқимизни Аллоҳ ўзи яратган, ризқимиз авом халқ кўнглига Қаломулло пурини ёғдуриш бир-ла бутундир. Шу такаббур Шайхнинг олдига тағин бир бораман, гуноҳимдан кечса — кечди, бўлмаса, уволимга қолади, тонгла маҳшарда ўзи жувоб бергай».

Шаҳобиддин ўғлига эшакни эгарлашни буюрди. Кийиб ташқари чиқди. Ўғли ёнбошидан олди. Хожи, бис-

милло, деб эшакка мина бошлади. Энди эгарга кўнганда посонгисини йўқотди. Айил бўш торгилган эканми, ё боши айлангани, гупиллаб ўнг томонига йиқилди. Сўкиниб ўрнидан турди. Ўғли эса, отасининг афтига қаради-ю, бақрайиб қолди.

— Ҳм, хароми, қилгиликни қилиб, тавин нега без бўлиб турибсан? — деб бақирди хожи, — Отам кулаб ўлсин дебмидинг, нега айилни бўш торгилдинг?

— Айил... қаттиқ эди, ота... — деди ўвил ҳамон ўзига келмай, — Ота, бетингиз... қадимгидай бўлиб қолди.

— А?! — Хожи жон ҳолатда бетини ишқади, — Югур, ойна олиб чик! Ўвил югуриб ичкари кириб кетди. Кўзгу олиб чикди. Хожи кўзгуга қараб ишшайди.

— Худога шукр-сй, одам бўлибман. Қара Нуриддин, бетим аслига қайтибди. Ё Олло!..

Унинг кўнглига «Шайхнинг олдига анвалроқ борсам бўлмасмиди?» деган хаёл келди. Ўвил эшакнинг жиловидан тутди.

— Ота, минасизми?

— А? — деди хожи телбанамо кулимсираб, — Эшакка миниб нима қиламан, болам?

— Ўзингиз Султонимга бораман, дегангизга...

— Э-э, қўй, болам. Шайхнинг олдига пишириб қўйибдимиз? Шайхсиз ҳам кунимиз ўтиб турибди. Бор, эшакнинг эгарини олиб ариқнинг бўйига арқонлаб қўй. Мен қозиникига бориб келаман.

Нуриддин эшакни етаклаб ичкари ҳовлига кирди. Хожи кўзгуни чўнтагига урди ва бетим тўғри бўлди, деб суюнчи олгани Ашрафхон қозиникига қараб йўрғалади.

Ашрафхон қози пайғамбар ёшидан ўтган бўлса-да, кичкина чағир кўзлари тийрак, оқ-сарикдан келган лўппи юзи тиник, тил-забони ўткир қария эди. Ёшлигида уни гумбазқори дейишарди. Аввал муфтий, сўнг қози бўлиб бу лақабдан қутулди. Аммо тенг-тўшлари ҳамон унинг пакана, хомсемизлигига шама қилиб, мазахлаб кулади. Ростдан ҳам бечора қози тикка турганда ярмигача сомон тикилган катта қопни эслатар, ётганда устига тўшак ё тўн ёпиб қўйилган тандирга менгзаб кетарди. Мана, беш йилдирки, Ашрафхон Совронда қозилик қилади.

Бу йил пайғамбари мурсал ёшига етганини ёд этиб, Маккага отланди. Аллоҳ йўлини берса, Шайхга ҳамроҳ

бўлиб, бир ҳафтадан кейин йўлга тушади. Шу боис, печа кундирки, эшигидан одам узилмайди. Биров ҳаж закотини олиб, биров оқ йўл тилаб, келиб-кетиб турибди. Ашрафхон барча тадорикни кўрди-ю, энг муҳим юмушнинг ухдасидан чиқолмай дилгир бўлиб ўтирибди. У Самарқанд ҳокони Маҳмудхонга мактуб битмоғи лозим. Аммо бу мактубни муфтий, имом дегандек, уламо иштирокида ёзишлари керак эди. Ушбу ишони тахлашда анави пандавақи Шаҳобиддин ҳожи ҳам иштирок этиши лозим эди-ю, уни худо уриб қўйди. Оғзи қийшайиб, қўли чиқиб гўшанишин бўлиб ётганмиш. Бир-икки чақиртирди. Келмади. Сўйлагани қурби йўқ, забони оғзига сирмас эмиш. «Келабер-да, касамхўр, — деб ичида вижинди қози, — тилинг бўлмаса, кўзинг бор, хатни ўқиб бармоқ боссанг бас».

Қозининг олдида патқалам, бир даста ипак қоғоз. У муфтий билан Мавлуд қорини кутиб ўтирибди.

Даҳлизда кимдир оёқ қокди. Салдан кейин пастак, ўймакор эпик очилди. Остонадан Муҳаммадрасул муфтий энгашиб ўтди. У пешанасини силаб илжайди.

— Ашрафхон, бу дейман, иморат солронда ёлғиз ўзингизни ўйлабсиз-да, биродар. Бу эшиқдан рисоладаги эркаклар ҳам ўтса керак, деб ҳисоб-китоб қилмабсиз. Тағин манглайни уриб олдик. Уйингизга кирмасдан шапалоқ улашасиз.

Муфтий дароз, унинг бўйи салкам уч газ келар қозикалон билан бир замонлар кўп йил мадраса тупроғини ялаганликларидан ҳадди сиғиб, исмини айтар, калтис ҳазил ҳам қилаверар эди.

Муфтий жўрасининг «Сен паканасан», қабилидаги илмоқдор ҳазилига Ашрафхон кулиб қўя қолди. Кални кал, десанг, бир-икки марта ранжийди, бора-бора бети қотиб, ўрганиб кетади. Ашрафхон қози ҳам бақалоқ, пакана, хом-семизсан, маъносидаги ботиний ҳазилларга кўникиб қолган. Кўнглига оғир олиб ўтирмайди. Аксинча, рақибининг бирон қусурини топиб ҳисоб-китобни тўғрилайди.

— Туядек бўй бергунча, туймадек ақл берсин, деган экан валламатлар, — деди қози «салом»га муносиб «алик» олиб, — эшиқдин ўтганда ақлни ишлатиб кириш керак. Қовуннинг уруғи ҳам кўп бўлади шекилли, дўсти қадрдон, а?

Муфтийнинг калласи сўпок, халқ тили билан айтганда «қовунбош» эди. Қози шунга ишора қилди. Муфтий муртини силаб кулимсиради, дўстининг думалоқ калласини нишонга олди.

— Орий рост, тақсир, хар қалай тарбузникидин кам эмас, уруғи.

Кулишдилар. Агар меҳмонхонага «Ассалому алайкум!» деб Шаҳобиддин хожи билан Мавлуд қори кириб келмаганларида даҳанаки жанг яна анчагача давом этиши тайин эди.

— Ке, Шаҳоб, — деб қози хожига қўлининг учини берди. Унинг рўмол ўралган ўнг қўлига, сўлғин бетига қараб қўйди, — турқинг одамбашара бўлибди. Ит тугул эшак ҳам хуркмайди. Не чора қилдинг?

— Кеча ҳам қийшиқ эди, — мингиллаб ўзини оқлади хожи, — шул... чилёсиндин сўғин жоғим қимирлайдирғон бўлди...

У уэр сўрагани Шайхнинг ҳузурига кетаётганини ҳам, эшакдан йиқилиб аслига қайтганини ҳам яширди.

Қози тағин нишини суқиб олди:

— Мундин буён қасамхўрлигинг тутиб тилинг қичиса, аввал чилёсин қилдириб ол. Сўнг қасам ич! Навзамбилло! Мен сенга неча марта айтдим, пўнгбош! Шайх билан олишма, дедим. Шайх бамисли гуриллаб ёниб турган олов. Узоқдин туриб анинг тафтига исинмоқ керак. Ёвуқ бориш керак эмас, ёвуқ борсанг, куйдирадур!

Мавлуд қори чийиллаб ганга аралашди:

— Хўп доно насихат бўлди, тақсир. Орий рост айтдилар, ёнига ёвуқ борсанг, куйдирадур! Илло, қайси бир паллада алҳазар, деб олисроқ юрсангиз-да, ул оловдин учқун сачраб, этагингизга илашадур. Кеча бозоршабга бориб эдим. Бир жунунсифат дарвиш халойикни овзига қаратиб густохона байтлар айтиб юрибди экан. Садақасини бериб, ўшал байтларини ёзиб олдим. Шайх шаънимизни ерга урибдур, тақсир!

Қори салласининг қатидан ўрама қоғоз олди ва икки қўллаб қозига узатди. Қози шошмай қоғозни ёйди, ёруққа солиб пичирлаб ўқиди. Лабларининг таноби қочди. Баралла товушга ўтди.

— Мулло, муфтий бўлғонлар... Ёлғон фатво берғонлар, оқни қаро қилғонлар, ул тамуғға кирмишлар...

Қози муфтийга қараб макқорона кулиб боқди:

– Лаббай, муфтий жаноблари! «Оқни қаро қилгонлар» дебдими?

– Давом қилинг, қози, давом қилинг! – деди муфтий қизариб.

Ашрафхон қоғозга тикилиб турди-да, бир байт ташлаб ўқиди:

– Ҳаром еган ҳокимлар...

Муфтий илкис қўл чўзди. Аммо қози чаққонлик қилиб қоғозни ортига беркитди.

– Бир байтни ташлаб кетдилар, таксир! – деди муфтий аччиқланиб.

– Номардлик бўлмасин. Қани, бу ёкка берсинлар-чи!

Қози қоғозни бермади.

– Ўзлари ўқигани ор қилсалар, биздин эшитсинлар, – деди муфтий. Яссавийнинг бу хажвий шеъри икки кун бурун унинг қўлига тушган эди. Муфтий товушини кўтариб завқ билан кироат қилди:

*– Қози, имом бўлгонлар, ноҳақ даъво қилгонлар,  
Ҳимор янглиғ бўлубон юк остида қолмишлар...*

Муфтий хохолаб кулди!

– Қаранг, ҳимор янглиғ бўлубон, дебдими? Тили кескир-да, Ҳазратимизнинг. Сўзини топиб айтади.

Муфтий қозининг вашига тегиш учун, «ҳимор янглиғ» деган сўзларни турли алфозда қайта-қайта такрорлади. «Ҳимор» эшак дегани эди. Мавлуд қори, энди қози чангимни чиқаради, деб чўчиди. Шаҳобиддин ичида мамнун бўлди: «Сени ҳам тузлайдиган бор, гумбаз».

Қози жон ҳолатда ҳавода қоғозни шилдиратиб эътироз билдирди:

– Ҳимор эмас, ҳимор эмас! Бу ерда бир сакталиқ ўтган! – у қорига ўшқирди, – Ҳўв, нодон, бу жохил дарвини не деса ёзиб олабердингми, меъров?! Ҳимор деб аниқ айтдимиз ё сенинг шалпанқулоғишта ҳимор бўлиб кирдимиз?

– Айтганини ёздим, таксир...

– Ана, эшитганини ёзибди қори, – деб муфтий баттар қозининг вашига тегди. Ашрафхон жамоатнинг хаёлини чалғитиш учун ҳикматнинг давомини ўқий бошлади:

*Ҳаром еган ҳокимлар, ришва олиб еганлар,  
Ўз бармогин тишлабон қўрқиб туриб қолмишлар.*

Буниси тўғри. Ҳокимларда инсоф қолмади. Қозиликнинг ишларига ҳам бурниши тикадир. Амлоқдан келган дунёга тўймайдир.

Ашрафхон қози тағин хадиксираб қоғозга кўз югуртирди.

Ўзининг таърифи йўқлигини кўриб, бемалол ўқишга тушди:

*Тотлиқ-тотлиқ еганлар, турлик-турлик кийгонлар,  
Олтин тахт ўлтиргонлар тупроқ аро ётмишлар.  
Мўъмин қуллар, содиқлар, сидқи бирла тургонлар  
Дунёлигин сарф этиб, учмоқ ҳурин қучмишлар,  
Қул хожа Аҳмад билмишсан, ҳақ йўлига кирмишсан...*

– Бе-е, бу ёғи пучак экан, ўзини махтабдур, – деди қози ва қоғозни беилтифот ўраб орқасидаги тоқчага отиб юборди.

Бир неча дақиқа ҳеч ким чурқ этмади. Бу сукунат нопок бир юмуш устида тил бириктириб, сўнгра бир-бирини сотган ҳамтовоқларнинг мулзам ҳолатини эслатарди.

Сукунатни қози бузди.

– Шайх андишани буткул унутди. Шариат пешволарига маломат тошларини ёғдиришга ўтди. Байт битса, байтига қози, муфтий, аъламни қўшадир, ваъз айтса – ваъзида мулло, имом, қорини мазахлайдир. Бил-балои собир айни, дедик – сабр айладик, ул кишидин инсофу тавфиқ тиладик. Шайхга Аллоҳ инсоф бермади. Ул ҳаддидин чиқди. Бас, минбаъд, бил-қазои рози айни, деб тухмат тошларига мўйин суниб турмакка сабру тоқат қолмади. Биз ул тошларни Шайхнинг ўзи томон отмоғимиз даркор, токи ул такаббур билсунки, аркони дин Шайхнинг нақорасига зикр тушадиргон телба дарвишлар эмас, билъакс, аҳли мўминни шариат аҳкоми ила йўлга бошлайдиргон зоти шарифлардир.

Муфтий сўради:

– Тақсир, ул нечук тошлар эканки, биз ҳам билсак...

– Ниятимиз шулким, Самарқанд ҳокони Маҳмуд Тамғачхон бинни Арслонхонга арзнома битгаймиз. Қози бирла муфтий шайхнинг халифаси эрмас, аянинг оғзига қараб иш юритмайдур. Биз Тамғачхон ҳазратларига тобедирмиз. Бас, Тамғачхон тайин этган зотларни бадном қилмоқ, Маҳмудхон ҳазратларига шак келтирмак бирла баробардир. Бу Шайхнинг биринчи айби.

– Яна айби борми? – деди муфтий, ичида қозининг калтафаҳмлигига кулиб.

– Иншоолло, бор! – бош силкитди қози ва чап бикинидаги парёстик тагидан хатчуп олди, – Шайх тил учиди, «Ҳақиқатнинг эшигини очдим», деб ваъз айтади, илло ўзи риёкорлик қилиб, улуғ хоконимизнинг душманларига равнақ тилайди. Мана далил!

Муфтий безовта қимирлаб қўйди. Қози хатчўпни очиб, ичидан ингичка қоғоз олди, миннат билан муфтийнинг олдига ташлади.

– Марҳамат қилиб ўқисинлар, жаноби муфтий. Бул иншо Жандга, Хоразмшоҳ Алоиддин Отсизнинг валиаҳди Абдулфатҳга юборилган. Отсиз шамс-ул ислом Султон Санжар ҳазратларининг қаттол душмани. Султон Санжар бўлса, Маҳмудхоннинг туғишгани, боз устига соябони. Хўш, бундин не маъно англадилар, муфтий жаноблари?

Муфтий аллақачон хатга кўз югуртирган эди, елкасини кисди.

– Шайх Абдулфатҳнинг босқинлари хусусида бир нима демабди. Анинг қилғон хайр-эҳсонига ташаккур билдириб, нури исломни ёйиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига қушойиш тилабдур. Бунинг нимаси риёкорлик, жаноби қози?

Қози шаниллатиб семиз сонига урди.

– Ох, суханим-а, вох, суханим! Мен не дейман-у, қўбизим не дейди?

Тасаввур қилингки, иккаламиз биродармиз, бир дастурхондин томоқ еймиз. Аммо мен сизни дўст тутиб туриб, сизнинг душманингиз бирла овиз-бурун ўпишсам, унга муҳаббатнома ёзсам! Мен не деган одам бўлдим? Ҳадемай Шайх Самарқандга боради, Маҳмудхон ҳазратларининг тузини ичади. Хўш, бул мактубни олғоч, Тамғачхон Шайхга марҳамат кўзи билан боқадими? Бокмайди. Бизга мана шуниси керак дўстим, Муҳаммадрасул!

Муфтий қозининг кўпириб кетган ўймоқдек кичкина оғзига қаради, хаёлга толди: «Ўзи ҳам, сўзи ҳам кўпик бунинг. Кўзи дарёнинг кўпигини кўради, бироқ кўпик остидаги сувга фарқ бўлиб кетишини ўйламайди». Муфтий индамай бошини чайқаб қўйди.

– Ҳм, муфтий, сарак-саракка ўтдилар. Кўнглингизга бир иштибоҳ ораладимми?

– Жаноби қози... Ашрафхон, – деди муфтий ух тортиб, – сиз қалтис ишга қўл урибсиз. Илло оқибатини сарҳисоб қилмаган кўринадирсиз. Махмудхон мазкур мактубни ўқиб, бул нарса қандок илкингишга тушди, деб сўраса... не жавоб қилгайсиз? Хожа Аҳмад Яссавийдек шайх-ул машойихнинг шахзодаларга ёзадиргон мактуби йўл устида думалаб ётмаса керак, тақсир?

Қозининг бети хино сургандек қизарди. Муфтий уни қўли ипокликда айблаётган эди. Мана бу оғзи ола ҳожи билан лақма қори бўлмаганда очигини айтарди, олис жигарим, Жанд қутволи Садриддин оталиқ юборибди, дерди. Ҳозир айтолмади. Муғамбирона илжайди.

– Узумини енг, боғини суриштириб нима қиласиз? Буни бизга Тамғачхоннинг дўстлари етказди. Хоп ҳазратларининг дўстлари ҳар ерда ҳозир у нозир.

– Бундин чиқдики, суханчинларингиз етказган. Кишиларни айблагувчи суханчиннинг ҳолига вой, дебди Аллоҳ таборак. Ўпкаламасинлар, тақсир, аммо мен бундай... макрух ишга бош қўшолмайман.

– Демак, сизга хонимизнинг обрўси бир пул, ўзингизнинг қадрингиз ҳам сариқ чақа экан-да? Биров бетингизга шапалоқ урса, индамай ишқаб кетаверасиз, шундоқми, муфтий жаноблари?

– Йўқ, ундок эмас. Менга биров бир шапалоқ урса, мен жавобан икки шапалоқ ургаймен. Аммо сувни кўрмай, элдин бурун этик ечмайман. Дунёда қози, муфтийнинг тўғриси ҳам, эгриси ҳам тўлиб ётибди. Шайх байт айтиб, Ашрафхон демабди, Муҳаммадрасул демабди! Хайронман, нега бунчалик безовтасиз?

– Мен ҳам сизга қараб хайрат бармомимни тишлаб ўтирибман.

Мабодо сиз қадим ҳамсабағим бўлмаганингизда, сиз бирла қирк йилдин берисига бир табақдин таом емаганимизда ва... икковимиз бамисоли бир варақнинг икки саҳифаси бўлмаганимизда сизни шак-шубҳасиз, Шайх одами деб гумон қилур эдим. Ўзлари биздин пинҳона яссавий тариқатига кириб кетмадиларми, дўстим?

– Йўқ, кирмадик. Иншоолло, кирмасмен. Рост, Шайхнинг кўп жиҳатларини мен ҳам қоралайман. Чунончи, у кишининг илми зоҳирдин илми ботинни афзал билишлари ёхуд вужуди вожибдин кўра вужуди мумкинга мойил

эканлиги шариятга хилофдир. Аммо фукаропарварлиги, тахсинга лойиқ. Буни кўрмаслик ҳам гуноҳ, тақсир.

Муфтийни ўз тарафига оғдиrolмаслигига қозининг кўзи етди.

Муфтий билан орани очиқ қилишнинг иложи йўқ эди. Аввало қозини ҳам, муфтийни ҳам уламолар кенгаши сайлайди. Сўнг хон тасдиғидан ўтади. Қози истаса-истамаса, муфтий билан муроса қилиб ишлашга мажбур. Негаки, фатвони муфтий беради, сўнг қози ҳукм чиқаради. Фатвосиз ҳукм ношаръий, бефатво қози бамисли қурол-яроғи, бошлиғи йўқ навкар эди. Шуларни ўйлаб, Аш-рафхоннинг фиғони чиқди. Муфтийга ён босиб, қоралаб кўйган арзномасини ёкиб ташлай деса, бултурги алам кўнглида тош бўлиб турибди. Бултур манави бузоқбош хожи мадрасада кўлга тушиб ҳайдалгач, жанжал бўлди. Тафтиш пайтида, Шаҳобиддин муллабаччаларнинг ҳақини бир ўзим еганим йўқ, ҳар пайшанба куни қози жаноблариникига ҳам эт-пет ташлаб турардим, деб оғзидан гуллаб кўйди. Бу гап Шайхнинг қулоғига етган экан, жумъа намозида халойиққа ошкор қилибди. Қози тонди, сўнг, мадраса ҳайъатининг маслаҳатига кўра муллабаччаларга бир серка эҳсон қилиб, миш-миш қопқовини ёпди. Яхшиям у чоғда муфтий Собронда эмас эди, ҳажга кетганди, эшитмаган экан. Йўқса, бугун юзига чизғириб кўз очирмасди. «Тили узун муфтий, мен кўл кучи билан кун кўраман, деб қариллайди, сўқим семиртириб сотишини писанда қилади. Шайхга тақлид қилмоқчи бўлади. Шайх ҳам белкурак ясармиш, қошиқ йўниб эҳтиёжга ишлатармиш. Қайси аҳмоқ ишонади бунга? Қунида ясайдирғон тўртта оғоч қошиқ бирла бир жуфт белкуракнинг акчаси не бўлади? Беш жоннинг нониға етадими?.. Хўш, бу дардисар муфтийни не қилсам экан, деб ўйлади қози, ўзим ҳам кулмаيمان, ўзгани ҳам кулдирмайман, деган касофат шу эмасми?»

Қози ўйлаб-ўйлаб муросаи мадорани маъкул кўрди:

– Начора, бухороликлар айтмоқчи, ихтиёри башумо, – деди кўса юзидаги сийрак соқолини қашлаб, – зоримиз бор, илло зўримиз йўқ, дўстим.

Муфтий бош чайқади:

– Албатта, ҳар кимнинг мозори бошқа, номаи аъмоли бошқа.

Алалокибат ҳар ким ўз қилмишига ўзи жавоб бергай.  
Муфтий мударрислик ҳам қиларди. Деразадан офтобга қараб қўйиб фотиҳа қилди.

– Бизга ижозат, тақсирлар. Толиби илмлар мунтазир бўлмасин.

У эшикка етмай энгашди, ҳадемай ҳовлидан ҳам қораси ўчди.

Гарчанд исломда марҳум ила ўзи йўқ кимсани ғийбат қилиш гуноҳи азим саналса-да, қози муфтийни ёмонлаб, рўнарасида ўтирган икки муридни алқаган бўлди.

– Битар ишнинг бошига, яхши келар қошига, – дебдилар. Муфтий қариб, мияси айниб қолибди. Энди ошни учовлон пиширгаймиз. Шайхнинг кўзини очиб қўймасак, эрта ўтиб бириси куни Шаҳобиддиннинг куни бошимизга тушиб қолмоғи ҳеч гап эмас... Хўш, мана мен Соброн уламолари номидин Хон жаноблариға арзнома битиб қўйдим. Энди буни бир хаттотга кўчиртирмоқ лозим. Ё, ўзинг ёзасанми, Шаҳоб?

Ҳожи ямланди:

– Мен Шайхни ўлимга буюрган ҳукмни ҳам жон-жон деб адо этурман. Илло қўл бундоқ... Қори ёзсин.

– Қори бадхат, – деб қози кўнмади, – қорига бўлак хизмат бор.

«Қозикалон мени не балога гирифтор қилар экан?» деб Мавлуд қорининг юраги така-пука бўлиб кетди. Ашрафхон қози Шайхнинг шахзода Абдулфатҳга йўллаган мактубини олиб дастурхонга қўйди. Сўнг жузвдондан яна бир варақ қалин қороз чиқарди. У Шайх муҳридан кўчирилган қинғир-кийшиқ нусха эди.

– Сен манавиларни олиб ҳозир Салим наққошга борасан, – деди қози Шаҳобиддинга, – Шайхнинг хатини кўчирсин, сўнг муҳридин нусха олиб қолип ясаб берсин.

Ҳожи чўчиб тушди.

– Тақсир, наққош кўнармикан? Бировнинг муҳридин нусха ўгирмоқ учун... муҳр эгасининг ризолиги керак.

Қози тупук сачратиб ўшқирди.

– Сен ўзингга ёлғон фатво ёзиб муҳр босқонингда не қилиб эдинг, Шайхнинг ризолигини олибмидинг, овсар?!

– Унда мен... қолип ясатмадим... Нусхадан нусха кўчириб, бош пиёзни икки паллага кесиб ... сиёҳлаб босганман...

– Шайтоннинг илмини ўқигансан, хожи! Сен кўрма. Манави хатни кўргач, уста гумонга бормайди. Ақчасини бераман, рози қиламан, де. Бу хатни қозикалон билан муфтий кутиб ўтирибди, эртага намози асргача тайёр бўлсин, де. Уқдингми?

Хожи бош силкиб, соғ қўлини кўксига босди.

– Бўпти, сенга жувоб. Хушёр бўл, анграйиб, йўлда тушириб қўйма! – Хожи муҳр билан хатни чўнтагига уриб чикиб кетди. Қози чўк тушиб ўтирган қорига синовчан тикилди. Мавлуд қори қирқни қоралаган, жунсавағичдай ингичка, қўй кўзлари мастона сузилган, юзи кулчадек бир парча, мўмин-қобил йигит эди. У ҳам Шаҳобиддин хожи каби қозининг муридларидан. Аммо хожи ўжар, писмиқ, ўлгудай маккор. Бир мирилик фойда чиқадиган ерда жонидан кечиб ётиб олади. Қори эса, лақма, кўнгилчан, уни икки оғиз мактаб қўйсанг, бас – ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ураверади. Кейин кўрқоқрок, ковоқ уйиб дўқ қилсанг, юзтубан оёғинга ташлашдан ор қилмайди. Қози буни хўб билгани учун томоқ кириб, кулимсиради:

– Хўш, қалай, Мавлудбек, сафар жабдуғи тайёрми?

– Тайёр, тақсир, тайёр! – деди қорининг юраги ўйнаб. – Юр, деган қунингиз изингизга тушиб кетаверамиз.

Мавлуд қори бир йилдан бери, «Тақсир, ҳажга зиёратга борсалар, бизни ҳам ола кетсангиз, тун-кун хизматингизда бўлардик», деб хиқиллаб юрарди. Қози уни бу сафар рўйхатга қўшди. Шу-шу, қачон жўнаймиз экан, дегандек қори кунига икки маҳал қозиникига келиб кетади. Ҳозир қози асл ниятига кўчишдан аввал, қорини жиндай кўрқитиб олмоқчи бўлди.

– Яхши-и, мулла Мавлудбек... Аммо анави тошмачитнинг имоми бору...

– Қайси, Турдикул говми?

– Ҳа, баракалла, ўша. Мени ҳам олакетасиз, деб бўсағамни тўздириб юборди. Шайх бир кишига базўр рухсат берган. Қандоқ қилиб икковингни олиб кетаман? Ё имом боруви керак, ё сен...

Қорининг жони товонига тушиб кетди. У аҳли хонадон нари турсин, жамики қариндошу биродарларига эълон қилиб қўйган ҳажга кетишини! Ҳатто, оби зам-

зам учун кигиз вилофлик идишгача тайёрлаб ўтирибди. Наҳотки, кўхна бир масжиднинг имоми уни суриб ташлаб, шайх карвонига қўшилиб олса!

Мавлуд қори беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Таксир, мени шарманда қилманг! Ўла-ўлгунча хизматингизда бўлай!

Мен сизни отам деганман. Бир оталик қилинг! Не хизмат десангиз, розиман...

– Ўтир! – деди қози мамнун илжайиб. Қори тузсиз хамирдай бўшашиб турар, энди ундан истаган зувалани яшаш мумкин эди.

Қори тикка тураверди.

– Ўтирмайман, таксир... Токи, бир оғиз «хўп» деган сўзингизни эшитмагунимча... хуфтонгача тикка тураверман...

– Қандок беодоб боласан, хўп дедим-ку, ўтирғин энди.

Қори бўш қопдай букланиб жойига чўкди.

– Майли, имомни эмас, сени ҳамроҳ қилиб оламан. Аммо сенга-да, арзимаган хизмат бор. Анави Шаҳоб ёздиратурғон арзноналари сенга бераман. Самарқандга борғонда хон ҳазратларининг қўлига топширасан.

Қорининг жони ҳалқумига келди. У икки ўт орасида қолган эди. «Йўқ» деса, Маккага алвидо дейиш керак, хўп деса... Хўп, деса, қўлга тушиб расвои олам бўлиши мумкин.

Қорининг калласи осилиб тиззасига етди. Ниҳоят, у шармандаликни бўйнига олди.

– Хўп, таксир, хўп бўлади... – деди эшитилар-эшитилмас товушда.

...Уста Салим, вақтим йўқ, деб аввал ўзини тарозига солди. Сўнг, Шаҳобиддиннинг қўлида ярқираб турган пухта тиллога кўзи тушиб, рози бўлди. Шайхнинг мактубини чиройли қилиб кўчирди, муҳрга қолип ўйди. Лекин бепарволик қилиб, бир хатога йўл қўйди. Бу кичкина хато кейинчалик қози билан қорига қимматга тушди.

## БОБО МОЧИН БИЛАН СИР

### 4- ф а с л

*Шариати ораста, тариқати пайваста,  
Ҳақиқати шойиста, Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Ўн саккиз минг оламда, исми бордир каломда,  
Ўрни Доруссаломда, Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Сулаймон Бокирғоний

Карвон шахристондан чиқиб Ўтрор сари бурилди. Олдинда хирқа кийган дарвишлар. Улар «Ё ҳақ!» деб асоларини зарб билан ерга урадилар, шамолга кўкрак тутиб йўл танобини тортадилар. Ниятлари Каъба зиёрати эмас, билъакс, Шайхга ҳамроҳ бўлиб Исфижобгача бориш ва у ерда зикри кабирда иштирок этиб, тағин изларига қайтиш.

Дарвишлардан юз кадамча бериди, тўриқ отда Ҳазрат хаёл суриб келаётир. Тўриқни Бобо Мочин етаклаб олган. Шайхнинг икки ёнида шариат пешволари – муфтийлар, козилар, аъламу саййид-хўжалар, эшонлар. Улардан кейин аҳли раият – косиб, тужжор, дехкону қўйчивон, мударрису толиби илм, хуллас, етмиш икки хунар эгалари боришмоқда. Топганнинг тагида от, хачир ё эшак минганлар ҳам бир талай. Топмаган ғарибу гурабо пойи-пиё-да, дилига Каъбатулло савобини жо килиб йўл босади.

Кумкент шахрининг ҳокими ҳадя қилган икки нортуяга Ҳазратнинг китоблари, шахсий буюмлари юкланган.

Туя қўшилган соябонли аравада Руқия биби, қизлари Гавҳари Шахноз, Гавҳари Хушноз, ўғли Иброхим.

Карвоннинг икки тарафида ўғиз хони Ёвқур Олтинтошнинг хос навкарлари зиёратчиларни кўриқлаб кета-япти.

Сафнинг куйруғида чанг-тўзонга ботиб, тилларини осилтирганча бир гала този ит лўкиллайтиди. Авом халқ хайрон бўлиб ортига ўгирилади, итларни кувади, аммо тозилар бир лаҳза думларини қисиб четланади-ю, тағин карвонга эргашади. Шайх сафарга чикса, унинг ортидан бир гала ит эргашиб юарди. Бунинг сабабини ҳеч ким билмайди, аммо ҳар ким ўзича таъбир айтади.

Работдан чиқдилар. Яссиинг қалин боғлари ортда қолди. Қалъа деворлари элас-элас кўзга чалинади. Шайх отининг бошини тортди. Бобо Мочин тўхтаб ўтирилди.

– Сўфи, энди хўшлашайлик, – деди Шайх ўнг томонида келаётган Муҳаммад Донишмандга. Сўфи Муҳаммад Ҳазратнинг учинчи халифаси эди. Лекин Шайх унинг ўзгалардан афзал жиҳатларини яхши биларди. Муҳаммаднинг акли теран, тадбиркор, фаросати юғурик. Бирор ихтилофнинг оқибатидан бурун сабабини пайқаб барта-раф эта олади. Унга «донишманд» деган лақабни бежиз бермаганлар.

Отдан тушдилар. Шайх Муҳаммад Донишманд билан уч қарра елка олишиб хўшланди.

– Сизни Ўзи паноҳида асрасин, – деди Шайх.

– Барчамизни асрасин, шайхим. Йўлингизга ҳидоят нури ёғилсун.

Бобо Мочин Шайхни тирсагидан олиб тўриққа миндирди ва жиловдап тутди. Муҳаммад Донишманд отининг бошини буриб, Яссига қайтди. У Ҳазрат йўқлигида унинг ўрнига муовин бўлиб қолган эди.

Қарвон қадим Ипак йўлига чиқиб олди. Боғлар ичра кўмилган пастқам уйлар ортда қолди. Қипчоқ дашти деб аталмиш сарҳадсиз яланглик бошланди. Икки тараф кета-кетгунча кўкимтир ёвшанзор. Хув олисларда қора кўнғиздек ер искаб юрган қўй подалари кўринади, ҳавода тўзиб, титилиб кетган кигиздек булут парчалари сузади. Ҳамон қибла томондан дабур ели эсади. Фарбий шамол гўё йўловчиларга мадақкордек, уларни тезроқ манзилга етказмоқчидек ортдан кўмак бериб уруф боғлаган ёвшанларнинг талх ҳидини олиб келади, юзлаб туёқлар этигу чорик кийган зиёратчиларнинг чангини олға учиради.

Дарвишлар ҳамон бир маромда, босик, ўктам қадам ташлайди. Уларнинг асоларига тақилган темир ҳалқачаларнинг жўровоз жиринги ўзаро кўшилиб, ажиб бир нағмадек янграйди, салқин сунбула ҳавоси, даштнинг тароватли эпкинидан сархуш-сарафроз кўнгилларга майин кўнғироқ товушидек ором бағишлайди.

Шайх кўзи билан Қутбиддинни излади. Кулоҳларини селкиллашиб, хирқаларини хилпиратиб, асоларини ерга теккизиб-теккизмай кетаётган жонфидоларга боқиб, Қутбиддиннинг бўйи бастини кидирди. Шайхнинг минглаб

муридлари, ўнлаб халифалари, дил маҳрамлари бўлса-да, балоғат ёшига етган ўғил фарзанди йўқ эди. Тўнғичи Абдуллатифни Аллоҳ даргоҳига чорлаб олди. Кенжаси Иброҳим хали норасида. Шу туфайлими, Қутбиддини Ҳазрат наинки бир содиқ мурид, балки тутинган фарзанд қаторида кўрар, одатича буни Қутбиддинга сездирмас, аммо ҳар сафар унинг надимлик хизматидан баҳраманд бўлганида, «Тангри таоло ўғил берса, шундайидин буюрса», дея қалбининг қаъридан ҳавас қиларди. Қутбиддин ота-онасининг таъқибидан қочиб, салтанат даъвосидан воз кечиб Яссига буткул қайтиб келди-ю, Ҳазратнинг этагини ўпди. «Остонангизни супурсам – розиман, пирим, тилагим шулким, муборак назарингиздан бадар кетмасам, дейдирман, марҳаматингизни дариф тутманг», дея илтижо қилди. Шайх унинг оёқ олишини, фаҳмини, феъли хўйини си-нади. Қутбиддин эндигина ўн олти ёшнинг юзини кўрган эди. Аммо унинг сурати билан сийрати ўзаро рақобат қилар, бир-биридан аъло эди. Адл, дурқун қомати одоб-икромидек мукамал, қоп-қора, мунглиғ ва ақлли кўзлари киши кўнглига ёруғлик элтар, нозиктаъб, фаҳми югурик эди. Шайх бу йигитнинг жисмига жо бўлган ғайратни ҳам дарров илғади. Ҳаракатлари тез, бироқ ножўя эмас, ганлари бажо, лекин лафзида ич-ичини ёндириб тургувчи руҳий олами жилоланиб туради. Шайх Қутбиддинни кўрса кўзи қувонадиган бўлди. Фарзанд ўрнида бағрига олди. Энди Қутбиддин Ҳазратнинг хос надимига айланган эди.

Орадан салкам икки йил кечди. Қутбиддин одоби Яс-савияни обдан ўрганди, мушкул синовлардан ўтди. Ўзи ҳам балоғат ёшига етди. Фазлу камоли зиёда бўлди. Энди у халифаликка ҳозирлик кўрарди. Шайх Исфижобда зик-ри кабирдан сўнг Қутбиддинга ўз қўли билан хирқа кий-дириб халифаликка қабул этмакни ният қилиб қўйган эди. Қутбиддин Самарқандда албатта отаси билан кўришади. Гарчанд ота-онаси ундан юз ўгирган, Қутбиддин ҳам шаҳзодалиқ мартабасидан воз кечган бўлса-да, хон падарининг ҳузурига ёш солиқ тарзида эмас, иршод олган комил халифа сифатида кириб борсин, деган ҳаёлда эди Шайх.

Ҳазрат бўйдор, дадил зокирлар тўлига кўз югуртириб Қутбиддинни ахтарди. Ниҳоят уни кўргандек бўлди. Ана, у, қўлидаги асони ҳавога ўқталиб ёнидаги дарвиш йигит-га неларнидир маъқуллатар, барра ёвшанларни асов отдек

тепиб ўктам қадам ташларди. Шайх туркий нақлини эслади: «Эл минг қўйчига бир бошчи, дебдур. Аллоҳ умрини зиёда қилгон бўлсин. Биз ўтгандин сўнг чироғимизни ёқиб қоладиргон халифаларнинг бири Кутбиддин бўлса, ажаб эрмас. Иннамо ал-амал бил-хавотим<sup>1</sup>, илоё ўзинг шафе бўлғил!»

Шайх осмонга қаради. Офтоб икки терак бўйи кўтарилибди. Ҳазрат аср намозини Ийқонда ўқиб, хуфтонгача Ўтрорга, устоди аввал Арслонбоб мақбарига етиб боришни мўлжаллаб қўйган эди.

– Жадалланг, Бобоқул, – деди Шайх аста. Бобоқулга асли шу керак эди. Бирор соатдан бери у от жиловини эмас, гўё Шайх Бобоқулнинг жиловидан тортиб келаётган эди. Бобо Мочиннинг лақаби елоёқ. Ёши эликни қоралаб қолган бўлса-да, қўними йўқ, бетокат. Бир ерда ўтирса, бадани қизиб кетаверади. Кунига ўн-ўн беш фарсах, яъни камида юз чақирим юриб турмаса, занжирбанд арслондек тиширичаб ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Шайх хизмат юзасидан уни бир-икки марта олис овулларга юборди. Яхши йўрға от бир кунда босадиган ерга Бобо Мочин ярим кунда бориб келарди. Кейин Шайх «учиб-қўниб» юришни унга ман қилди. Яссавия одоби шуни такозо этарди.

Шайхнинг «жадалланг» деганини эшитиб, Бобо Мочинга жон кирди. Вазмин қадамдан қийналиб, терлаб кетган эди, одимини тезлатди. Ҳазратнинг ўнг тарафида бораётган Ҳакимхўжа Сулаймон жиловни бўшатиб Бобо Мочинга тегишди:

– Хоразмга ёвуқлашдикми, сорбоним?

– Ҳовва, икки фарсах ёвуқлашдик, – деди у. Сулаймон охиста ух тортиб қўйди. Кўз ўнгидан айқирган Жайхун... намхуш қумлоқларда ялангоёқ чопқиллаб юрганлари... сафсар гулли юлғунлар... ўтди. Бетига осмон гумбазидек кўм-кўк гужумларнинг салқин шамоли урилгандек бўлди... Онаизорини эслади. Юраги жизиллади.

Сулаймон асли хоразмлик эди. Қорахонийлар даврида Бухорога қўчиб келдилар. Ўн-ўн икки ёшларда бўлса керак, Имом Бухорий ҳадисларини ўқиб, Қуръон тафсирига тушган кезлари эди. Отаси уни садри жаҳон деб унвон олган

<sup>1</sup> Хар бир иш натижаси билан ўлчанади.

Бурхониддин Абдулазизхон мадрасасига берди. Шайхни шу ерда топди. Пирим, деб унинг этагидан тутди. Тариқатини қабул қилди. Ғофил эди, фозил бўлди, солиқлар сарвари деб ном чиқарди. Сўфийлар ҳалқасига кириб етти мақомни ўтди. Лайлу наҳор тиловат қилди, Аллоҳнинг зикри бирла, мана ўттиз йилдирки, умр кечирди. Ёши қирқни қоралади, ҳақиқат эшигини очгандек бўлди, илло то хануз бирон соҳибжамолнинг чехрасидаги иффат пардасини очмоқ насиб этмади. Сулаймон сўнгги пайтда бу хусусда бот-бот ўйлар, лекин пирига кўнгил ёргани ҳадди сизмасди. У Ҳазратнинг муруватига умид боғларди.

Шайх ҳам эгарда аста чайқалиб Сулаймонни ўйлаб келарди. Бобо Мочин билан Сулаймоннинг қисқа лутфи унга таъна тошидек туюлди. «Ингичка оҳ чорасизлик белгисидир. Ва ё беморниқидур. Дарди оғир кимса кўксини тўлдириб оҳ уролмас, дилидин шикаста ух чиқазур. Аё Сулаймон, сенга не бўлди, сени Ватан туғруви чорлайдиму?»

Сулаймон, пири унга хитоб қилаётганини сезгандек, ялт этиб қаради. Шайх ўз хаёли билан банд, эгар қошидан кўз узмай, Сулаймонни илк бор учратган кунни хотирлади.

... Бухоро. Минораи Калон рўнарасидаги мадраса. Шайх пири муршид Юсуф Ҳамадоний хизматларини тавом қилган. Энди ўзи сўфийлар сулуқини тузиш хаёлида эди. Шайх минора тагидаги кўктошда муроқаблага берилиб ўтирибди. Кузнинг ўртаси – меҳржон. Мадрасадан чуғурлашиб бир тўп бола чиқди. Тўданинг охирида ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги дуркун, бўйдор, қорамағиз ўсмир келарди. Унинг юриши ғайритабиий эди. Ўсмир эл қатори жилдини бўйнига осмаган, билъақс уни икки кўлида баланд кўтариб мадрасага юз ўгирмай – орти билан келарди. Шайх боланинг қилиғидан таажжубланди. Ёнига келгач, чорлади. Бола жилдини кўкрагига босиб таъзим билан салом берди.

– Ваалайкум ассалом... Ўғлим, нечук бундоқ юриб келурсиз? – Жилдингизни боғичи узилибдирму?

– Боғич бутуи, тақсир, – деди бола тавозе билан, – мен кўзимни равшан қилғон бул Каломуллони елкага ташлаб юрмакни ножоиз кўрдим. Дилимни равшан этган мадрасага орқамни ўгириб кетмакни тарки адабдин деб билурман...

Боланинг жавобидан шайх завқланди, кўнгли эриди.

Ўшал бола мана шу Сулаймон эди. Шайх унинг ота-онасини суриштирди. Уларнинг ризолиги билан Сулаймонни шогирдликка олди. Унга фаросатингга балли деган маънода Ҳаким лақабини берди.

Бухорои шарифда Шайх силсилаи сулуки турк – Ясавия тариқатига асос солганида Сулаймон унинг ёнига кирди. Пирим деб жонини берди. Солиқларга бош, Ҳазратга йўлдош бўлди. Сулаймон қорувли, кучга тўлган эди, жунбишга келган тўрт дарвишга кучи етарди, шавқи тошган кезлари Жайхундек жилов билмасди.

Ота-онаси тагин Хоразмга кўчиб кетганида Сулаймон Бухорода қолди. Шайхнинг халифаси, ҳамдарди ва маслакдошига айланди. Унга тақлидан байтлар айта бошлади.

Шайхнинг хаёлчан юзи ёришди. Рўпарасида чарақлаб турган офтобдан кўнглига бир ҳовуч нур ингандек бўлди. Тилига Сулаймоннинг икки байти келди. Пичирлаб ўқиди:

*На хуш бу дунёда Иймон ва Куръон,  
На бўлгай дунёда Иймондин ортиқ!  
Менинг бу дардимни ҳеч кимса билмас,  
Агар билса, Ҳаким Луқмондин ортиқ!*

Сулаймон Шайх тарафга жон қуловини тикиб бораётган эди, қуловига ўзининг байтлари илашди.

– Дардингизни биламиз, – деди Шайх Сулаймонга кўз қирини солиб, – бил балойи собирайни, дебдилар. Сабр айланг. Ҳар неки ибтидо топди, интихо топқай. Ёлғиз Оллохнинг ибтидоси, интихоси йўқдир, қул Сулаймон.

Сулаймон хижолат бўлди. У ватан орзусига фарқ бўлиб, Шайхни буткул унутибди. «Шайх ишроқ илмининг соҳиби камоли. Савқи табиийси ила кишининг фикрини бемалол ўқий олади, билмасмидинг? Эҳ, гумроҳ! Пир кўнглини жароҳатладинг, уэр айт!»

– Шайхим, биздин осийлик ўтди, кечиргайлар...

– Биз сизни фарзанд деганмиз, Сулаймон. Барчамиз Аллохнинг қулимиз, илло бир-биримизга қул эмасдирмиз... – Шайх кўм-кўк осмонда парвоз этиб юрган бир жуфт қушга ишора қилди. – Қаранг, ана шу қушлар ҳам қўшалок бўлиб юрибдилар. Ва мин қулли шайъин

фалакно завжайи! Иншоолло, яратганнинг фарзини адо этиб қайтайлик, андин сўнг сизнинг мушкулингиз.

Сулаймоннинг орзуманд кўнгли пушаймон тошига урилиб чил-чил сингандек бўлди.

– Бобокул!

– Лаббай, пирим! – Бобо Мочин ортига ўгирилди.

– Ўшал... онаизорнинг арзи не бўлди?

– Ўғли бирла сўйлашдим. Шайхим ижозат бермасалар, хажга бормасмен, илло уйга ҳам қайтмасмен, дейди.

– Нечун? Сабабини сўрамадингизми?

– Сўрадим. Сир очмади. Кўксида жароҳати бор эмиш.

Мушкулимни Шайхим ечгай, ёлғиз пиримга айтадурғон розим бор, дейди.

Шайх индамади. Эрталаб Абдурауфнинг онаси фарёд қилганида, бу йигит ҳам аҳли аёлидин бешиб юрган мингларнинг бири бўлса ажаб эрмас, деб ўйлаган эди. Йигитнинг дарди офир, тақдири чигал кўринадир. «Нечук беш қоракўз зурриётини икки заифа илкига ташлаб бошини рўзгордин кўториб юрибдур? Бул юмуш эркак кишига муносибму?»

– Бобокул!

– Лаббай, пирим!

– Ўшал... Абдурауф қайда ҳозир?

– Ана, зокирлар тўдасида, – деб Бобо Мочин дарвишлар томон ишора қилди, – уйга ёвуқ юрмакни кўнглим тиламайдир, дейди. Энасининг кўз ёшини кўрса, беҳуш бўлармиш.

– Эртан бомдод намозидан сўнг ҳузуримга чорланг. Дардини эштайлик.

Бобо Мочин гўё ўзининг мушули осон бўладигандек суюнди.

– Садавангиз кетай, Шайхим! Дардига дармон беринг. Бир мусулмон ўртаниб қора косовдек бўлиб қолибди.

Қуёш тиккага келди. Пешин намозини ўқиб, бир нафас истироҳат этгани Ийқон кишлорида тўхтадилар.

Ийқон қадим Ипак йўлининг бўйига жойлашган мўъжазгина манзил эди. Қишлоқнинг тўрт тарафи биёбон, чуқур қудуқлардан чиғирик билан тортиб олинадиган сув бор яратиш ё дехқончилик қилиш имконини бермайди.

<sup>1</sup> Биз ҳар бир нарсани жуфт қилиб яратдик (*Қуръони каримдан*).

Шу важдан кишлок ахлининг машғулоту чорва билан устувор. Ийқоннинг чопқир отлари машҳур, Хоразм шохи Алоиддин Отсиз ҳам навкарлари учун арғумоқ истаса, Ийқонга харидор юборади. Ийқон чўлларида юзлаб нортуялар, қўш ўрқачли моялар ўтлаб юради. Олис Ўрусия мамлакатидан Шош орқали Самарқандга борувчи савдогарлар ёки Болосоғундан Ясси, Жанд, Хоразм денгизи орқали Хуросону Шомга ўтувчи сайёҳлар албатта, Ийқонда бир кун қўнади, бу ерда хорғин уловларини бақувват, ёш туяларга алмаштириб йўрға отлар, миқти хачирлар сотиб олиб яна йўлда давом этадилар.

Зиёратчиларни Ийқон кенти оқсоқоли бошлиқ уламо-лар кутиб олдилар. Шайхнинг оёғига ҳўкизлар, қўйлар сўйилди. Оқсоқол тўрт таноб келадиган катта боғида камида минг киши намоз ўқиса етгулик жой ҳозирлатди.

Шу ерда Бобо Мочин бир сирдан воқиф бўлди. Зиёратчиларга атаб кент оқсоқоли ўнлаб таҳоратхоналар курдирган эди. Бобо Мочин ҳам сопол қумғонни кўтариб бир бўлмага кирди. Энди ички таҳорат олишга ундаганда, чеккароқдаги бўлмадан Ашрафхон қозининг товушини эшитиб қолди. Қози кимгадир пўнғиллади:

– Неча марта айтдим сенга, қўтир эчкига ўхшаб менга суйкалаберма, олисроқ, юр!

– Қўрксам не қилай, тақсир, – деди бир йигит ўзини оқлаб, – қўйнингдагини билурмиз, деб барча халойиқ менга қараб тургандек...

Қози овзига сув олди, фарғара қилди, сўнг тагин йигитга таадди тошини отди:

– Шайхнинг кўзидан йироқроқ юр. Унинг жодуси бор. Афтинга бир тикилса, сен лапашанг қўйнингдагини икки қўллаб олиб тутқазишдин ҳам тоймайсан.

– Орий рост, тақсир. Шайхнинг кўзидин қўрқадирмен, кўзлари...

Қози жеркиб ташлади:

– Ҳиқиллама, қуёнюррак... Сўғин, анави Бобо Мочинга ўхшаган исковучлари ҳам сезмасин, уқдингми?

– Уқдим, тақсир...

– Ўтрорда қошимга кел, – деди қози, – ма, манови қумғонни эгасига элтиб бер.

Бобо Мочин таҳорат олиб чикди. Қараса, ўн қадамча нарида халиги мулланамо йигит йўрғалаб кетяпти. Унинг

ёқасидан олмокчи бўлди. Кейин, аввал пиримга маслаҳат солай, ранжимасин, деб шахдидан қайтди. Бобоқул паҳлавон бўлгани учун ҳар бир юмушни билак кучи билан ечиб қўя қолгиси келади. Шайх буни ёқтирмайди. «Инсоннинг қудрати ақл-идрокида, — дейди у, — заковат ила қўлга кирган валаба мўътабардир. Зўрлик — нодонлар, жоҳиллар қуроли».

Хуфтон чоғи Ўтторга етиб келдилар. Шайх отининг бошини Арслонбоб хилхонаси томон бурди. Арслонбоб устоди аввал, бир вақтлар ёш Аҳмад етимлик биёбонида зору нолон бўзлаб юрганида бошини силаб, ўз хонадонидан иссиқ жой берган, маърифат бўстонига етаклаб кирган зоти шариф эди.

Ҳазрат марҳамат сохибининг турбатини кўзига суртди. Қабр тепасида токи шам сўнгунча тиловат қилиб ўтирди. Шайхнинг рухий қудрати зўр эди, бомдодгача Қуръоннинг ўн порасини хатм қилиб улгурди. Ўтторнинг юксак минорасидан муаззиннинг хитоби эшитилганда Мансурхўжага кўз қирини солди. Шайхни сўзсиз англаб ўрганган Мансурхўжа шамни пуфлади ва қиблагоҳининг хакига дуо қилиб, Ҳазрат изидан кўзгалди.

## БИРОВГА АЙТИБ БЎЛМАЙДИГАН ДАРД

### 5- ф а с л

*Эру хотин бир-бирининг либоси.*

Қуръони карим

*Ҳалол аёлга ҳалол эркак равои шаръийдир.*

Ҳадис

Бобо Мочин Абдурауфни излаб кетди. Одатда дарвишлар бирор шайх ёки авлиё қабри ёнидаги хошақоҳда, масжидларда ёхуд бой-бадавлат кишилар томонидан солинган мусофирхоналарда истиқомат қилишарди. Бобо Мочин елоёқ эмасми, бир чой қайнайдиган фурсат ичида шаҳарни икки айланиб чиқди. Абдурауф топилмади. Бобоқул лабини тишлаб карвонсарой олдида туриб қолди. Бироқ, ичкари кирмади. Негаки, биледи, дарвиш зоти борки, карвонсаройга қадам босмайди, уларнинг аҳди шунақа. Карвонсарой — ўз номи билан карвонсарой.

Бу ерда майхўрлик ҳам бўлади, кимор ҳам ўйналди, кул савдоси ҳам авжига миғади. Карвопсарой тижорат аҳлининг, сийму зар дардида жон тикиб, жафо чекиб юрувчиларнинг севимли маскани. Абдурауфдек мубҳам ва чигал дардга гирифтор бўлган бечора бу ерда не қилсин?

Абдурауф кутилмаган ерда йўлиқди.

Бобо Мочин елдек изғиб масжидлар, мадрасалар ховлисини айланди. Хафсаласи пир бўлиб изига қайтди. Шу пайт эски қабристон ёнидаги ташландиқ такяхона олдида бир итни кўриб қолди. Кулоқлари, думи кесилган саҳрои ит такяхона тарафга бакрайиб қараб турарди. Бобоқул ёмон хаёлга борди. «Бирорта гўр очилиб қолган бўлса, ит маййитни кўзлаб турган бўлмасин», дея бурилди. Бобо Мочиннинг вазоҳатли келбатини кўриб ит тайсаллади, ёнбошлаб чекинди. Бобоқул такяхонага мўраллади. Ичкарида, энди кўтарилган куз офтобига ўзини солиб бир дарвиш ўтирарди. Бобоқул яқин борди. Дарвишнинг эғнида енгил малла тўп, бошида тўртбурчакли жунқалпок. Ўзи калласини осилтириб хаёлга толган. Темир халқалик асоси тиззасига кўндаланг ташланган. Гўё асо уни суяб тургандек, йўкса боши бутига кириб кетадигандек эди.

Бобоқул қисқа йўталди. Дарвиш парво қилмади. «Салби вужуд айлабди», деб ўйлади Бобоқул ва яқинрок борди.

— Нечун бу харобада ёлғиз ўтирибсан, эй мўмин? — деди Бобо Мочин бегонанинг тепасига бориб. Дарвиш бошини кўтарди.

— Жуфт эдим, ёлғиз бўлдим<sup>1</sup>.

Бу — Абдурауф эди.

Бобо Мочин унинг билагини ушлаб томирини пайпаслади. Абдурауфнинг юраги тез-тез урарди.

— Шайх сен бирла сўйлашмоқчи, — деди Бобо Мочин, — қани, бисмилло, деб ўрнингдан тур.

Дарвиш бош чайқади:

— Шайх олдина ҳам, уйга ҳам бормийман. Бошимни олиб чўлу биёбонга чиқиб кетаман. Ё Аллох, не кунларга солдинг бу қулингни?

---

<sup>1</sup> Дарвишлар хикмати: Аллох билан суҳбатда эдим, сен келдинг, унинг васлидан жудо бўлдим, дегани.

– Телбалик қилма, Абдурауф! – деди Бобо Мочин ва асони олиб йигитга тутқазди, – ихтиёран бормасанг, кўлтиқлаб кетурман. Пирим ҳар кимсани ҳам хузурларига чорлаб суҳбат курмайдур. Дардингни ўз оғзингдан эшитмоқчилар. Юр, олдимга туш!

Абдурауф поилож ўрнидан турди.

Шайх Арслонбоб хонақосида ўтрорлик рухонийлар билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Бобо Мочин кирди.

– Пирим, ўшал йигитни тоқдим. Иноятингизга мунтазир.

Уламолар бирин-сирин чиқиб кетишди. Шайх ёнида ёлғиз сирдоши Ҳакимхўжа Сулаймон қолди. Абдурауф кирди. У хужра ўртасига борганда тиз чўкиб юкинди. Шайх Абдурауфнинг пажмурда ҳолатига, нурсиз кўзлари, синиқ юзига қараб қўйди. Бу йигит ҳозиргина энг азиз кишисини кўмиб келган кимсани эслатарди.

Абдурауф бошини кўтариб Ҳазратга қаради. У бир йилдан бери дарвишлар тўдасига қўшилиб юрибди. Лекин Ҳазрат билан илк дафъа юзма-юз бўлиши эди. Шайхнинг кароматлари хақида кўп ривоятлар эшитган. «Шайхнинг сусти босармиш, унинг рўпарасида ҳокимлар ўзини эмин-эркин тутолмас эмиш», десалар, бу бир ҳамоқат-да, деб ишонмаганди. Мана энди ўзи шу аҳволга тушди.

Шайхнинг қандайдир синовчан ва мунгли нигоҳига дош беролмай, ерга тикилди. Юраги дукиллади. Қулоғига босиқ, гўё таҳдидли, тиниқ товуш эшитилди:

– Сўйланг, йигит не бўлди? Нечук икки ғарибани танг аҳволда қолдириб, тарки хонадон этиб юрибсиз?

Бу – Шайхнинг овози эди. Абдурауф индамади, калласини осилтирганча ўтираверди. Шайх иккинчи маротаба сўраганда Абдурауф оқ кигиздан кўз узиб, Ҳазратнинг юзига чўчиброқ разм солди. Тили аранг калимага келди:

– Ш-шайхим... Менинг дардим оғир... Бировга айтиб бўлмайдиган савдога йўлиқдим...

Шайх бу йигит бегона кишилар олдида сир очгани номус қилаётир, деган андишага борди ва Бобо Мочинга имо қилди. Бобоқул эшикни аста ёпиб чиқиб кетди. Абдурауф Ҳакимхўжа Сулаймонга қараб қўйди.

– Бу бизнинг маҳрамлардин, – деди Ҳазрат, Сулаймонга ишора қилиб, – гапингизга бир гувох керак бўлса,

мана шу Сулаймон гувоҳлик беради. Хўш, сўйланг энди, йигит, бировга айтиб бўлмас дард не экан ўзи? Зора, Аллох таоло шафоати бирла мушкулингиз ечилса.

Абдурауфнинг қоронғи кўнглида умид учқуни чақнади. У Шайхга сирини айтиши лозим. Биринчидан, буни Ясавия тариқатининг аҳкоми талаб этади. Муриднинг ўз пиридан яширадиган сир-асрори бўлмаслиги керак. Иккинчидан, бир йил ичида Абдурауф бир неча кишига дардини айтди, маслаҳат сўради. Барчаси Абдурауфнинг хотинини қоралади, тарки хонадон айлаб тўғри қилибсан, деди. Энди сўнгги йўл қолган эди. Агар Шайх ҳам унинг дардига малҳам тополмаса, Абдурауф бу фоний дунёдан этак силкиб кетмоқчи ёхуд Туркистон элидан чиқиб тарки ватан қилмоқчи бўлган эди.

Хазрат «қулоғимиз сизда» деган маънода томоқ қирди. Абдурауф ердан кўз узмай фожеий қиссасини айтмакка тушди.

– Ўзим деҳқон боласиман. Қоратовнинг оёғида Қайнарбулоқ деган қишлоқ бор, шу ерданман. Олти йил бўлди, қиблагохимизни ерга топширдик. Менинг бошимни икки қилиб улгурдилар, раҳматли... Биз тарафларда сув кўп, яйлов кўп. Шунинг учун чорва тутамиз. Чорва семиз бўлади. Эл қатори насибамизни териб еб юриб эдик. Болаларнинг ҳам усти бут, курсоғи тўқ эди. Нафс домига тушиб шу кунларга қолдим, пирим...

Абдурауф ютинди. Боши пастроқ эгилди. Хўрсиниб давом этди:

– Икки йил бурун тижоратга бордим. Ўзим умримда олди-сотди қилиб кўрмаганман. Қайнарда Ўтаган бой деган савдогар бор, шу қўймади. Мен билан юр, бир йил Хуросону Шомни айланиб келсанг, аҳли аёлингга бир табақ марварид топиб келасан, деди. Мени карвонбоши қилмоқчи бўлди. Ёш вақтимдан от-туя ичида катта бўлганман, жониворларнинг феълини яхши биламан. Худога шукр, билагимда тўрт қарокчига етгулик кучим бор. Бир ёқдан олдимда икки ўвилнинг суннати турибди. Уларнинг қўлини ҳалоллаб мусулмон қаторига қўшиш керак. Бир ортиқча дунё бўлса, йиртиғимга ямоқ бўлар, деб ўйладим. Ўтаган бойга хўп дедим.

Кетдик. Бухоро, Марв, Нишопур, Басра қилиб Румгача борибмиз. Хуллас, бир йилу саккиз ой деганда

қайтдик. Озиб-тўзиб волидаи меҳрибон, икки ўғил, бир қиз, аларнинг онасини ўйлаб... соғинчдан жигарларим хун бўлиб, ўлиб-ўлиб уйга келдим. Энамиз йиғлаб бўйнимга осилди. «Шарманда бўлдим, болам, икки дунёда рўсиё бўлдим!» деб бўзлайди. Boisини сўрадим... сўрасам... Сўрасам... бетини чангаллаб шу гапни айтди: «Абдурауф, сен кетгандан кейин бир йил ўтиб хотининг хомилали бўлиб қолди. Қорни қаппайгач, эл-юртдан номус қилиб ота-онасиникига элтиб ташладик», деди. «Бу шармандаликдан кўра мусофирчиликда, бирон қароқчининг қўлидами, ришта-миштага чалинибми ўлиб кетганим авло эмасми, худойим!» деб нола қилдим. Уч кун кўчага чиқмай кўкрагимни ерга бериб ётдим.

– Аёлингизни олдига бормадингизми? – деди Шайх.

– Бордим. Мени кўриб беҳуш бўлди. Бошини оёқларимга уриб йиғлади. «Мен бадбахтни ўлдилинг! Бундоқ юргандин кўра тириклай мазорга кирганим яхши!» деб фарёд қилди. Бир хаёлим, уни ўз сочи билан бўғиб ўлдир, бирагўла азобдин қутуласан, деди. Аммо оғзидан она сути кетмаган норасида гўдакка раҳмим келди. Чирқираб турибди. Энди у аёл менга ҳаром эди. Боланинг отасини сўрадим. Билмайман, деди.

Халитдан бери жим ўтирган Сулаймон ёқасини ушлади:

– Навзамбилло! Ул нечук инсонки, курсоғида пайдо бўлган мавжудотнинг сабабчисини билмаса! Сир очгиси келмаган, энағар!

Шайх бир муаммонинг тагига етмай туриб ҳукм чиқарадиган кимсаларни хуш кўрмасди, Сулаймонга ёқтирмай қараб қўйди. Сўнг, гапираверинг, дегандек йигитга бош силкиди. Абдурауф Шайхнинг юзида илгаридек қаҳр эмас, андак ҳамдардлик белгисини кўриб, дадиллашди:

– Қуръон келтирдим. Аёлим Қуръонни бағрига босиб қасам ичди. «Қароқчи йўлга кирган бўлсам, шу ўтирган еримда тил тортмай ўлай, тўрт боламнинг ўлигини кўмай», деб уввос солди. «Сиз йўғингизда бегона эркакни қўлини ушлаган бўлсам, қаро ерга қирай», деб сочларини юлиб йиғлади. Хайрон бўлдим, пирим...

– Аёлингизни авлод-аждоди қандай одамлар? Аларнинг уруғида қаззоб, қасамхўр, хотин қўйган, эридан чиққан кимсалар борми?

– Йў-ўқ... Аёлим ўзимизни қавмимиз, пирим. Тоға юртимдан олганман. Бизни урувдан қийшиқ қадам босадиган бирон эркак ё хотин чиққан эмас шу маҳалгача.

– Қавмингиз имонли одамлар экан, – деди Шайх, – ўғлим, аёлингиздин сўрадингизми, ул киши... мабодо эркаклар ҳаммомига бормаганмикин?

Абдурауф ажабланиб елка қисди. Ўйланди.

– Сўрамадим, пирим. Эркаклар ҳаммомига бормас... бормади. Қишлоқда иккита мурча бор. Бири мардона, бири зайпана. Ҳафта ўтиб энам, қизим учови бориб туришарди.

– Маъқул. Хўш, оға-инидан борми?

Абдурауф Шайхнинг муддаосини англади. Хаёлига шувиллаб балоғатга етмаган укаси Абдуқодир келди.

– Инимиз бор, пирим. Аммо ул ҳали ёш, ўн тўртга чиқаётир. Янгасини ўзининг тукқан энасидек кўради. Ўз оғасига хиёнат қилса кўр бўлар...

– Баракалла! Хўш, заифангиз бепарволик оқибатида ўшал инингизнинг либосларини кийган бўлиши мумкинми?

Абдурауф анграйиб қолди. У тўпори қишлоқ боласи эди, Шайхнинг сўроғидаги пинҳоний маънони англамади.

– Кийса, кийгандир, – деди кўз олдига йиғлаб қолган укаси келиб, – мол-полга қарайдиган бўлса, хотин менинг тўним билан бўркимни кийиб оларди. «Отаси, мен сиз бўлдим, энди отингиз тепмайди», деб куларди.

Абдурауфнинг руҳи тушиб кетди, тағил оқ кигизни тириқлаб, сукутга чўмди.

– Менга қаранг, йигит. Кўнглингиз не дейди? Аёлингизни зино қилганига имонингиз комилми?

Абдурауф чўзик ух тортди:

– Ишонгим келмайди... Ишонмай десам, олдида далил турибди. Ишонай десам, гувоҳим йўқ. Ўзи бўйнига олмади, боланинг отаси бетайин. Қишлоқда туришга бетим чидамади, бош олиб чиқиб кетдим. Йигирма етти ёшимда тирик мурда бўлиб юрибман. Энамнинг ҳоли не кечди, ёлғиз жигарим билан анави уч гўдакнинг ҳоли не кечди... Ух...

Ҳазрат кўзини юмиб мушоҳадага берилди. Тўрт унсур<sup>1</sup> ни ўйлади, етти иқлимни, носут оламини, лоҳут оламини кезди, бутун қувваи ҳофизасини жамлаб, бу йигитнинг

<sup>1</sup> Тўрт унсур – тупроқ, сув, олов, ҳаво.

бошига тушган фожианинг шарҳини излади. Кўз олди-дан ёшлигида ўқиган китоблари, валилар билан бўлган мулоқотлар ўтди. Шайх Самарқандда, сўнг Бухорода пири комил хожа Юсуф Ҳамадоний хонақоҳида таълим олар экан, пирга хамроҳ бўлиб, Шому Ироқдан Бағдоду Кашмир элигача кезиб чиқди. Бу саёҳатларда юзлаб ровийларни учратди. Улар орасида сарбозлар, қушчилар, собиқ шахзодалар, қарғиш теккан одамлар, кофирлар, майхўрлар, бир тунда мислсиз бой бўлиб қолган гадолар, бир кечада тахтдан айрилган султонлар, аҳли аёлини қиморга бой берган бадбахтлар, ишқ ўтида телба бўлган машраблар... алқисса, юлдуздек беҳисоб кимсалар бор эди. Уларнинг тундек қаро, тоғдек оғир, ув-заҳардек аччиқ қиссалари то ҳануз Шайхнинг кўксига қат-қат бўлиб қатланиб ётибди. Мазкур бахтиқаролар ичида мана бу Абдурауфга ўхшагани йўқмиди? Бор бўлса, у не деган эди?

Ҳазрат кўзини очиб йигитга қаради. Абдурауф ҳамон калла солиб, ҳаёт-мамотини Шайх ихтиёрига топширган-дек қилт этмай ўтирарди. Шайх тағин бутун заковатини жамлаб, бу мушкул муаммони мантиқ илми асосида таҳлил этишга киришди. «Аёлидан кўнгли тўқ, инисидан гумони йўқ. Аёл зинокор эмас. Зино қилган аёл талоқ сўрайди. Ёхуд айбини ёпмоқ касдида боладан қутулишни ўйлайди. Маккора бўлса, кишиси йўқ пайтда хиёнат қилиб қўлга тушмасди. Зинокор аёл эрининг бурнидан ип ўтказиб юради, уйда ўтириб ҳам бегона эркакни қабул қилаверади. Ҳув ўшал Бағдод савдогарининг хотинига ўхшаб...».

Ҳазратнинг кўз олдида Абдурауфнинг хотини келди. У тўрт боласини бағрига босиб, бўзлаб турар, «Имдод беринг, пирим, менда гуноҳ йўқ, мана бу қоракўзларни тирик етим қилманг», дея қўл чўзиб нола қиларди.

Воқеалар тасбеҳ донасидек бир-бир ўтяпти. Савдогарнинг хотини ҳақидаги қисса бошқа бир хикоятга туртки берди. Иттифоқо Шайх «Шукриллох!» деди оҳиста. Унинг таранг тортган қорамтир юзи ёришди. Шайх тугуннинг учини топгандек эди. Ёдига ўсмирлигида ўқиган рисола тушди. Ҳаким Лукмонники эди ва ё... бирон авлиёнинг битиклари эди. Ўшал рисолада хикоят қилишларича, бир шоҳнинг бокира кизи ҳомилали бўлиб қолади. Шоҳ

қизини ўлимга буюради. Аммо яхши одамлар қиз ўрнига бошқа гуноҳкорни ўлдириб қизни сахрога элтиб ташлайдилар. Кўп йиллар ўтиб қизнинг бегуноҳлиги маълум бўлади. Унинг ифбат пардасига бегона тош тегмаган экан...

— Ўзингизни қўлга олинг, ўғлим, — деди Шайх, — аёлингиз зино қилган эмас. Ул бир тасодиф қурбони бўлган муслима экан.

Ҳаким Сулаймон ялт этиб Ҳазратга қаради.

— Биби Марямм? Рухдан озиқ олиб...

— Йўқ, Биби Марям эмас, Биби Ойшадек Аллоҳнинг суйган бандаси. Бу олам сирлар олами. Инсоннинг гавҳар катрадан пайдо бўлиши, анинг сурати, сийрати, жисман йўқолса-да, рухан абадулабад барҳаёт бўлиб қолиши... сир эмасми? Бул асрорни юз минг Лукмони Ҳаким бир бўлиб минг йилда ечолмас... Дарвоқе, Абдурауф!

— Лаббай, пирим!

— Ул бегуноҳ норасиданинг исми Файбулло эмасми?

— Файбулло, пирим, Файбулло! — деди Абдурауф энтикиб. У Шайхнинг кароматига энди астойдил ишонган эди. Ахир ўзи айтмади боланинг исмини. Авлиё-да, авлиё бўлмаса, дабдурустан қандоқ билади?

Аёлнинг покдомонлигига энди Шайхда ҳам гумон қолмаган эди.

— Ғойибдин бўлган — Файбулло... Иншоолло, биз гўдакнинг отасини топқаймиз. Сиз сабр айланг, биз сафардин қайтайлик, андин сўнг турғон ерингизга бориб таҳқиқ этгаймиз.

— Мен эсон-омон қайтишингизни кун-тун яратган эгамдин тилаб ўтиргайман, пирим.

Абдурауф тиззасига суяниб аста турди. Асосини олдида, шарпадек судралиб чикиб кетди. Бобо Мочин кириб бир четга ўтирди.

Шайх Сулаймонга қараб деди:

— Мен ўшал гўдакнинг сабабқорини кўргандек бўлдим. Микти, қорасоқол йигит экан. Боғда ўрок кўтариб юрибди.

— Демак, ул заифа Биби Марям эмас экан. Ё Аллоҳ!..

Ҳазрат Сулаймоннинг қитмирона луқмасига эътибор қилмади. Бир гап айтмакка шайланиб, лабини жуфтлаб турган Бобо Мочинга ўғирилди:

– Ҳм, Бобокул, ул печук хабарки, айтмоққа ошиқасиз?  
– Шайхим, Ашрафхон қози бир фитнага бош бўлиб келаётгир, – деди Бобо Мочин ва Ийқонда, оқсоқолнинг боғида эшитганларини қисқача айтиб берди.

– Ссзиб юрибмиз, – деди Шайх бош силкиб, – неча кундирки, қози сертавозе бўлиб қолди. Душманинг хушомадга ўтса – хушёр бўлмоқ керак.

– Ўшал мулланамо йигит совронлик Мавлуд қори экан. Қўйнидаги фитна хатини ўқиш чорасини кўрган эдим, қуйруғини тутқазмай кўздан ғойиб бўлди, иблисининг боласи.

Шайх Бобо Мочиннинг енгилтаклик қилмоқчи бўлганидан ранжиди.

– Вазнингиз етти пуд, Бобокул, феълни ҳам вазмин қилинг. Қўлга эрк бермакдин бурун ақл гавҳарини ўртага қўйиб мушоҳада айламак лозим. Қозикалон Маҳмудхон билан орамизни бузмоқчи бўлган экан, демак ўзига шул юмушни муносиб кўрибдир. «Одамларнинг энг ёмони ким?» деди саҳобалар. «Икки мўминни гиж-гижлаб уриштирувчи умматим», деди Ҳақ Мустафо. Иннамо ал-амал бин-ниййа. Неки қилсанг, мукофотини олгайсан. Қаранг, қори билан қозикалон безовта, жонида ҳаловати йўқ. Шунинг ўзи аларга жазо эмасми? Самарқанд олис, камида тагин бир ой йўл босамиз. Улар тик этган товушдан чўчиб азоби жон ичинда ўртаниб юрадилар. Бундан ортиқ уларга не жазо керак, Бобокул?

Бобо Мочин мундоқ ўйлаб қараса, Ҳазратнинг гапида теран маъно бор экан. «Мен хомқалла билмасдан қорига яхшилик қилмоқчи бўлган эканман-да, – деб ўйланди Бобо Мочин, – энди индамайман. Лекин ҳар қўналғада бир кўриб, қалай, қори йигит юкингиз оғирлик қилмаяптими, деб тегишиб қўяман. Жонини ховучлаб юрсин».

Афсуски, Бобо Мочин Мавлуд қорини қайтиб кўролмади. У қозининг маслаҳатига кўра, Шайх қарвонидан ажраб қолди ва Ўтрордан Самарқандга кетаётган савдогарларга қўшилиб, тўғри Маҳмудхоннинг хузурига йўл олди.

Ҳазрат Ўтрорда бир кун туриб, Исфижоб сари отланди.

## РУКНИДДИН ОТДАН ТУШДИ

### 6- ф а с л

*Аҳмад Яссавийнинг ота-онаси Сайрамсув бўйида экин экиб деҳқончилик қилишар экан. Бола Аҳмад уззукун дала кезиб юрар экан. Бир кун ота-онаси ўтоқ қилиб тоза қийналибдилар. Шунда Аҳмад эгатга тушиб олибди-да, бармоқлари билан сабзи учини силаб, «Бегона чиқ, ягона қол!» деб кетаверибди. Мўъжиза рўй берибди. Бегона ўт-алаф Аҳмаднинг бармоқларига илашиб чиқиб, сабзипоялар эса эгатда ярқираб қолаверибди. Яссавийнинг авлиёлиги ана шундан бошланган экан.*

Ривоят

Исфижоб Туркистоннинг фаровон ва хушхаво шаҳарларидан эди. Қадим битикларда уни «шаҳри азим» дейдилар ва Нух пайғамбар номи билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, Исфижобнинг у бошидан бу бошигача камида икки фарсах келар, шаҳристонда ўн минглаб киши истиқомат қиларди. Шаҳарни ёмон кўздан асрагандек, кун чиқарда баланд тоғлар тўсиб туради, кунботарда у маъмур, ям-яшил водийга туташади. Бир ёнидан судралиб Сайрамсув ўтади, бир ёнида ўйноқлаб Туволоксой оқади. Сув мўллигидан яйлов билан боғлар мўл, дарахт сероблигидан мева-чева кўп, чорва семиз, деҳқон билан молбоқарнинг димоғи чоғ эди.

Аммо кейинги йилларда Исфижоб аҳлининг шодлиги омонат бўлиб қолди. Етти йилда шаҳар икки марта қорахитойларнинг босқинига учради. Қорахитойларнинг ери асли Еттисувдан нарида, ичкари Хитойда эди. Улар текин ўлжа излаб аста-секин Еттисувни ишғол қилдилар. Сўнг қорахонийларнинг ота юрти Болосоғунни эгаллаб, турк элатига мансуб қорлуқлар билан тил бириктирди. Қорлуқлар Самарқанд хони Маҳмуд ибн Иброҳим Тамғачхоннинг тобеи эди. Бу элат қорахитойлар хони Гўрхон ёрдамида Маҳмудхоннинг тобелигидан чиқиб, ўз давлатларини тузиш ниятида диндош, элдош халққа қарши жангга отландилар. Боғлар пайхон этилди, ўн минглаб отлар туёғидан, минг-минг таноб экинлар шудгорга айланди, юзлаб эр йигитлар асир олинди. Қорахитойларнинг аксарияти бутпараст эди. Улар масжидларга ўт қўйдилар,

Исфижоб атрофидаги, Ичкентдаги авлиёлар макбарасини вайрон қилдилар, қалъа девори бузиб ташланди.

Тўрт йил бурун Гўрхон юз минг кишилик лашкарига бош бўлиб Самарқанд сари юриш қилганида яна Исфижобни талади, гўё инграб ётган бемор шаҳар кўксига ханжар уриб кетди. Бир-икки йилдирки, Исфижоб олов ичидан омон чиққан афсонавий қақгусдек аста-секин ўзига келаётган эди. Ёш ниҳоллар ўтказилди, экинзорлар тикланди, кўмилган ариқлар қайта очилди, масжид-мадрасалар таъмир этилди.

Исфижоб ҳоқими Рукниддин эди. У Султон Санжарнинг жияни, Маҳмудхоннинг оғаси марҳум Аҳмадхоннинг ўғли. Энди ўттиз ёшларни қоралаган бу йигит такаббур, жиззаки ва ўзбошимча эди. Рукниддин ўзини ботир жангчи деб санар, дарҳақиқат, ўқ отмоқ, қилич чопмоқ бобида у мохир эди. Лекин диний илмларга бефарқ қарарди. Боз устига уламоларни ёқтирмас, отамнинг ўлимида уларнинг қўли бор, деб кўнглида дин аҳлига кек сақларди. Шу туфайли Шайх истиқболига чиқишни аввал ўзига муносиб кўрмади. Исфижоб қозисини чақиртирди. Рукниддин Сайрамсув бўйида, ўн икки қанотли шоҳона оқ ўтовда қимиз шопириб ёнбошлаб ётарди. Қозикалон кирди. Тўрга яқин, ҳокимнинг ўнг тарафига ўтиб ўтирди. Қозикалон етмишлардан ошган нуроний қария, Бағдодда илм олган алломалардан эди. Отаси тенги фозил кишининг иззати учун Рукниддин ақалли бўксасини ҳам кўтармади. Заранг косадан қимиз симирди, енги билан лабини артиб, қозига ўгирилди:

– Қози жаноблари, биз сизни бир юмуш важҳидин чорладик. Биласиз, Шайх ҳазратлари келаётир. Ҳозир Бодомсув бўйида тўхтабди. Насиб этса, номози дигарда шаҳарга етиб киргай. Ёнингизга аркони диндан уч-тўрт кишини олиб икки оғоч ерга борсангиз, Шайх ҳазратларини бошлаб қароргоҳимизга олиб келсангиз, деган тилагимиз бор. Биз Ҳазратга ёнимизда хос ўтов тиктириб қўйдик.

Таомилга кўра, қози «Бажонидил, тақсир!» деб ўрнidan туриши керак эди. Лекин у бундай қилмади. Сукут сақлаб ўтираверди. Рукниддин қозига ажабланиб боқди.

– Не мулоҳазага бордилар, тақсир?

– Мулоҳаза шулким, Шайх Ҳазратлари Самарқанд ё Исфижоб қозиси эмасдур, Туркистон шайхларининг

сарҳалқасидур. Хожа Аҳмад Яссавий жаноблари шоҳлар хузурига бормас, билъакс, шоҳлар Ҳазратнинг хузурларига бориб дуо тилайдурлар.

Рукниддин беихтиёр қаддини кўтарди. Наздида, кози муболаға қилаётгандек, унга қасдма-қасд дин пешволарининг обрўсини атай юксак рутбага чиқараётгандек эди. Рукниддиннинг ҳавойи кўнгли ҳамон Ҳазрати Султоннинг улуғ маснадини тан олгиси келмасди.

– Биз ҳазратга астойдил марҳамат кўрғазмакни ният қилғон эдик, – деди Рукниддин, қозини амрига бўйсундирмоқчи бўлиб, – вале, Ҳазрат бизни назарга илмасалар, таассуф қилғаймиз, таксир.

– Ҳазратдин шоҳу гадо баробар марҳамат тилайдур, – деди кози ҳам бўин келмай, – улуғ тағойингиз амирал муслимин Султон Санжар ҳазратлари Шайхга калинкалин ҳадялар юборадур, бу сир эмасдур. Хон оғангиз, давлатингиз посбони Маҳмудхон жаноблари Ҳазратга қўл бериб мурид бўлғонларидин ҳам хабарингиз бор.

Рукниддиннинг иззат-нафси лат еди. Жиззакилиги тутиб, заҳархандали кулди:

– Шул боисдан ҳам ўзимиз кўрмаган иззату икромни Ҳазратимга кўрсатмак ниятида эрдик...

Ҳокимнинг бефаҳмлиги козига оғир ботди. «Илми адён<sup>1</sup>дан йирок бир сарбоз бола ўзини авлиёлар сарварига тенглаштириб ўтирибди, ё раббий! Қандоқ кунларга қолдик?!»

Қози ичида «Астағфирулло!» деб кўйди.

– Иншоолло, ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, хоҷам. Фикри ожизимиз шулким, Ҳазратнинг истикболига ўзлари бош бўлиб чиқсалар, халкнинг раҳмати ёғилгай.

Қозининг «халқ»қа урғу бериб гапиргани Рукниддинни ўйлантириб кўйди. Бир йилдан бери вилоятда осойишталик йўқолди. Ўқтин-ўқтин деҳқонлар исён кўтариб, мулкдорларнинг ерини тортиб олмоқда, солиқдан бош тортмоқда. Қишлоқ оқсоқолларига кўмакка борган сарбозларнинг яроғию отларини тортиб олишаётир. Эл орасида миш-миш кўпайди. Қорлуқлар аскар йиғнаётган эмиш, қорахитойлар тағин босиб келармиш... Рукниддин, айниқса абдоллар<sup>2</sup>дан кўрқарди. Токи улар бор экан,

<sup>1</sup> *Илми адён* – диний илмлар.

<sup>2</sup> *Абдоллар* – ўзини худо йўлига бағишлаган дарвишлар.

Исфижобда фароват кўпмайди. Абдоллар осий банданинг айтганига юрмайди, ёлғиз Шайх ул-машойихнинг гашига кулок солар эмиш...

Тахлика туйғуси кибрдан устун келди. Рукниддин бе-лидаги тилла камарини бўшатиброк қўйди.

– Сиз вожиб десангиз, Ҳазратнинг истиқболига пешвоз чиққаймиз, – деди ноилсж, – аҳли уламони чорланг, кози жаноблари.

Қози кулимсираб таъзим қилди: «Ана энди эсинг кирди, мерон!»

Рукниддин уламою умаро дегандек йигирма-ўттиз чоғ-лик ҳамроҳи билан йўлга тушди. У шоҳона либосда, оқ бедов отда, ёнида сарбозлар. Шайх карвони Бодомсув бўйидан кўчиб, шаҳарнинг ғарбий қопқаси томон бурилган эди. Белдарвозага етмай, хонариқ ёнида Абдулазиз отанинг марқади бор. Абдулазиз ота тобеишлардан, яъни пайгамбарнинг саҳобаларини кўрган авлиёлардан. Авом халқ ичида Балогардон деб ном чиқарган бу валийнинг қабрини зиёрат қилмай шаҳарга киришнинг хосияти йўқ, деб ҳисобланарди.

Карвон олдида ерга шитоб билан асо уриб келаётган юзлаб дарвишларни кўриб, наинки ҳоким, ҳатто сарбозлар ҳам четланди. Дарвишлар ўтиб кетгач, Рукниддиннинг кўзи Шайхга тушди. Дарҳол отининг бошини тортди. Қозикалон билан уламо аҳлининг эгардан узилганини кўриб, Рукниддин ҳам беихтиёр отдан тушди. Уламо унга йўл берди. Ҳоким илдам бориб Ҳазратнинг этагини кўзига суртди. Муборакбод қилди. Қутлов учун руҳонийлар навбатга тизилди.

Рукниддин тағин отга минмоқчи бўлди. Аммо Шайхнинг авзойига қараб фикридан қайтди. Оқ яқтагини ҳилпиратиб, ерга қараб сассиз бораётган Ҳазратга эргашди. Шайх, ота шаҳрига ўз оёғи билан миннатдор қадам босиб пиёда киришни кўнглига тугиб қўйган эди. Рукниддин Шайхнинг қайга боришини билмай гаранг эди. Аввалига, қайнотаси Мусо шайхникига қўнса керак, деб ўйлади. Қараса, Мусо бобо қизи билан набиралари тушган соябонли аравапи бошлаб йўлини тескари солди. Ҳоким, «Шайхим, жанобларига биз махсус жой ҳозирлаган эдик», дея илтифот қилмоқчи бўлди-ю, тили калимага келмади. Ҳазратнинг юки бор, деганлари ростга

ўхшайди. Бўлмаса, сеҳр қилингандек унга итоаткорона эргашиб келаверармиди?

Исфижобнинг қоқ белида, Жоме масжиди билан Сайрамсув ўртасида хонақоҳ бор. Унга Шайхнинг қавмларидан Исмоилхўжа раҳнамолик қиларди. Шайх карвопи унинг изидан эргашди. Ҳазратни кутиб олишга чиққан минглаб оломон кузатувида зиёратчилар хонақоҳнинг катта ховлисига кириб бордилар.

Отлар сайисхонага топширилди, сарбозлар қўналғаларига кетдилар, дарвишлар ўзларини сувхонага урдилар. Исмоилхўжа Шайх учун ажратилган хосхона эшигини очиб четланди. Бисмиллоҳ деб аввал Султон ул-орифин, унинг изидан Рукниддин, Сулаймон, Ашрафхон қози, Бобо Мочин, Исфижоб уламолари ичкари ўтдилар.

Шайхнинг ишораси билан Сулаймон «Таборак» сура-сини тиловат қилди. Рукниддин хиёл эгилиб таъзим бажо келтирди:

– Ота юртингизда хуш кўрлик, Шайх ҳазратлари, қадамлари қутлуғ бўлғай...

Ҳазратнинг ҳорғин чехраси ёришмади. Аста бош силкиб қўя қолди. Энди Рукниддин мезбонлик вазифасини адо этмоғи лозим эди. У тағин хиёл энгашди:

– Пирим, фурсатлари мусойида этса, бир ниёла чойимиз бор эди. Биз сиз жалоубларига атаб Сайрамсув ёқасидаги жой ҳозирлаб қўйиб эдик. Сухбатларидан бахраманд бўлсак, деган умиддамиз...

Шайх гапни чўрт кесди:

– Бизнинг чойимиз ҳам, жойимиз ҳам шу ерда. Ўзлари марҳамат қилсинлар, хизматларига тайёрмиз.

Рукниддин мулзам бўлди. Гўёки, Шайх – мезбон, Рукниддин меҳмон эди. Шайхнинг гапини ҳоким ўзича йўйди: «Атаганинг бўлса, шу ерга келтир, мени овора қилма!»

Рукниддин ўридан турди. Шайх билан Сулаймондан бўлак барча дув қўзғалди. «Исфижоб ҳокимини писанд қилмайдиган чўтир мулло ким бўлди экан?» дегандек, Рукниддин Сулаймонга олайиб қараб қўйди.

Ҳадемай хонақоҳ ховлисида дошқозонлар осилди. Шотили араваларда нимта-нимта қилинган бузоқ этлари, бутун қўйлар, қуш гўшти, сават-сават мева-чева, қоп-қоп қовун-тарвуз келтирилди. Бу Рукниддиннинг зиёратчиларга эҳсони эди.

Рукниддин эртасига ҳам, индинига ҳам Шайх хузурига етишолмади. Вилоят пучмоқларида исёнлар бошланган эди. У кўзғолончилар билан музокара олиб боргани кентларга чиқиб кетди.

## ДИНДАН ЧИҚҚАН ҚОРЛУК

### 7- ф а с л

*Эй, Муҳаммад! Сени бутларга чўқинишга ундовчи кофирларга айтгинки: «Эй, кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир».*

«Кофирун» сураси

*Мўмин мўминнинг кўзгусидир.  
Мўмин мўминнинг биродаридир.*

Ҳадис

...Тонг отишини Шайх интизор бўлиб кутди. Олис йўлдан ҳориб-чарчаб келган бўлса-да, сахаргача мижжа қоқмади. Уни падари бузруквор ила волидаи меҳрибон руҳи чорлади.

Ташқарига чиқади, киндик қони тўкилган юрт осмонига разм солади. Қоронғи гумбаз ичра шамдай милтираб турган беҳисоб юлдузларга тикилиб энтикди. У ўзи туғилиб ўсган маҳалласига ёвуқ ерда турарди. Шу ерда таваллуд топди, отасининг қўлида савод чикарди, қаландархона биқинидаги Кўкмачитда ўқиди. Муаллими аввал—отаси бўлса, муаллими соний—китоблар эди, оламнинг инжу сирларини ўзида мужассам этган тазкиралар, рисоалар, маноқиблар, баёзлар, куллиёту битиклар эди. Унинг қўлидан китоб тушмасди. Ҳовузга сувга борса ҳам, дўконга чиқса ҳам қўлтиғида ораста қилиб ўралган китоб бўларди. Эсида, у етти ёшида Қуръонни ёддан айта бошлади, пакана, абжир домласи Тойчоқ домла ёқа ушлади, сабоқдошлари хавас қилди, шўрлик онаси эса, «Бола деган ҳам шу қадар тинимсиз ўқийдими, мияси айниб қолса, нетаман?» деб чўчиган эди. Аҳмад мутолаадан бош кўтармас, унинг қувончи, бахти, топган хазинаси ақлли лол қолдирадиган доно китоблар эди. У ёш эди, ҳали Исфижобдан тўрт кадам хатлаб нарига чиқмаган эди,

бирок танҳо ва закий маслаҳатгўйлари бўлмиш китоблар орқали ўзича дунёни кашф этмоқчи, бола кўнглини алғов-далғов қилаётган мубҳам, чигал сўроқларга жавоб топмоқчи бўлар эди.

Аввал онаизоридан айрилди, саккиз ёшга кирмай отаси ҳам Аллоҳнинг раҳматига борди. Ёлғиз жигариораси Гавҳари Шаҳноз иккови бўтадай бўзлаб қолдилар. Шукрим, Сайхун тарафдан, яссилик бобоси Арслонбодан нидо келди. У икки етимнинг бошини силаб иссиқ бағрига олди. Гавҳарга жой бериб қизим деди, Аҳмадни ўғлим деб ёнига ўтказди. Нон-туз берди, таълим-тарбия берди. Ўшанда бола Аҳмад опаси икковининг маҳзун аҳволдан, Арслонбобосининг меҳру шафкатидан мутаассир бўлиб, илк бора шеър тўқиган эди. Музлаб ётган кўнгил қафасини бойчечакдек ёриб чиққан бу сатрлар то тирик экан, ёдидан ўчмас:

*Ғарибликда ғариб бўлган ғариблар,  
Ғариблар ҳолини билган ғариблар.  
Сабаб бирла йироқ ерга борибон  
Қариндош қадрини билган ғариблар...*

Шу кетганича салкам эллик йилдан кейин, тўрт йил бурун Исфижоб тупровига қайтиб қадам босган эди. Мана, энди яна келди. Бу сўнгги зиёрати. Шайхнинг элдан махфий бир сири бор эди. Агар Тангри таоло фазл айлаб муродига етурса, ҳаждин қайтгач, бу фоний дунёдин этак силкимоқчи. Узлатга чекилиб, қолган умрини тоат-ибодат, зикру сано билан ўтказмоқчи. Шайх хаёлан она шаҳрига видо айтди. Худди тунов куни Ясида, масжид томида тургандек, сарҳовузларга, юлдузларга, болалиги кечган жинкўчаларга, Сайрамсувга, ўзи билан ер тепишиб катта бўлган тенгтўшлари-ю, унга бир коса сув тутган меҳрибон қора кўзларга ичида таъзим қилиб, ризолик тилади.

Кўкда юлдузлар сийраклашган, аммо субҳисодикқа ҳали бор эди. Шайх хонақоҳ ҳовлисини айланди. Сербар айвонда бир-бирининг пишжиги суқилиб ширин уйқуга кетган дарвишларга қараб меҳри жўшди. Улар бир занжирнинг кумуш ҳалқачаларига ўхшарди. Бу ҳалқани турк сулуки дерлар. Сарҳалқаси — Хожа Аҳмад Яссавий. Бир онийлик фахридан кўнгли нурафшон бўлди. Шайх йўл-

йўлакай, Ўтрордан Исфижобга етгулча, «Ё, ҳабиб!» дея  
яхшилик элчиларидек шамолга тўш уриб бораётган рухий  
фарзандлари – дарвишлар шаънига байт тўкиб келган эди.  
Хозир ўша байтлар маржондек тизилди:

*Куйиб ёниб кул бўлгон, ишқида булбул бўлгон,  
Кимни кўрса қул бўлгон, мардон бўлгон ошиқлар.  
Йўл устида хок бўлгон, сийналари чок бўлгон,  
Зикрин айтиб пок бўлгон, нолон бўлгон ошиқлар.  
Ҳикмат қўрин боғлаган, юрак-бағрин доғлаган,  
Фарёд уриб йиғлаган, гирён бўлгон ошиқлар.  
Гоҳи юзи сарғариб, гоҳи йўлида гариб,  
Тасбеҳлари «Ё, ҳабиб!», жавлон бўлгон ошиқлар.*

Дарвишларнинг бир номи ошиқ, бир номи содиқ, бир  
номи зокир, бир номи шокир эди.

...Сарҳовуздан сув олиб бетини чайди. Ичкари кирди.  
Тасбеҳ ўгириб минг дона ўткарди. Танҳолик мақомати – зик-  
ри қалбийга берилиб, яна бирор соат кечирди.

Тонг бўзарди. Қадим Исфижоб ҳар кунгидан эрта  
уйғонди. Ҳазратнинг ташриф буюргани бутун шаҳарга  
ёйилган эди. Халойиқ тўп-тўп бўлиб сўфийлар хонақоҳи  
томон оқиб кела бошлади. Аммо Шайх аллақачон Сулай-  
мон билан Бобо Мочинни эргаштириб хужрадан чиқиб  
кетган эди.

Волидаси – Қорасоч онанинг қабри қалъа ичида, пада-  
ришинг марқади шаҳар ташқарисида, работда эди. Шайх  
аввал онасининг бошига борди. Етти қора тош қўйилган  
кўримсиз дўнглик ёнига тиз чўқди. Она хокини кўзига  
суртди. «Ёсин»ни ўқиди. Тиловатни тугатиб бир чимдим  
тупрок олди ва қўл рўмоли учига тугди. Тағин қабри  
тавоф айлаб, анчагача сукут саклаб ўтирди. Сийнаси  
оғриди, кўксидан унсиз, изтиробли нидо келди: «Ризо  
бўлинг, онаизор. Аллоҳнинг ҳукми экан, бизни бевақт  
тарк этдингиз. Тирикликда хизматингизни қилолмадик,  
иншоолло, тонгла маҳшарда фарзандлик бурчимизни адо  
этгаймиз. Илоё, сизни беҳиштнинг тўридин топгайман.  
Меҳрибоним...»

Шайх ота хилхонаси томон кетди.

Исфижоб шимолида, Қизилсувга етмасдан баланд те-  
палик бор. Бу ер кўхна қабристон. Унда қиблагоҳи  
Иброҳим шайх ибн Маҳмуд сокин бўлган эди. Қабр ёни-  
да азамат оқ тут ўсиб турибди. Уч йўловчи тут остига

бориб ўтирдилар. Шайх пият қилиб, «Таборак» сурасини ўқиди. Тиловат давомида ён-атрофда яшовчилар бирин-бирин тепаликка кўтарилдилар. Шайхни таниб, ўн-ўн беш кадам берида тиз чўкдилар.

Сунбула тонгининг таровати, жимжит қабристон сеҳри, Шайхнинг майин, одамни сел қиладиган ширали товуши... сомеъларнинг бошини эгиб, кўзларини юмишга мажбур этди.

Ҳазрат теваarak атрофида жамоа жам бўлганини пайқаган эди. Шу боис қисқа дуо қилди-да, юзига фотиҳа тортиб, илкис кўзғалди. Бош эгиб отасига видо айтди: «Рози бўлинг, қиблагоҳ, ҳаётлигингизда қилган дуойи хайрингиз юрган йўлимизда йўлдош бўлғай».

Тепанинг у тарафидан пастга эндилар. Шайх дарё томон бурилди.

– Сув ёқалаб кетайлик. Бу сувларни яна қачон кўрамиз.

Унинг кўксига неча кундан бери ловиллаган соғинч ўти хануз босилмаган, сойдан эсаётган энкин бу олов тафтини сўндириш ўрнига гўё баттар гуркиратарди.

Ўртада Ҳазрат, Сулаймону Бобо Мочин икки ёнда, сой бўйидаги тор, тақир йўлдан аста-аста кетиб бораяптилар. Сунбуланинг суви тиниқ дейдилар. Сойда ложувард осмоннинг бир парчаси акс этади, сув юзасидаги оқ тераклар гўё ёнбошлаб ётгандек.

Шайх сой лабига яқин бориб тўхтади. Сувнинг босиқ шовкинига қулоқ тутди. Сокин, салобатли оқим уни болалигига қайтарди. Бир вақтлар мана шу сой бўйидаги камарлардан балиқ тутиб, мажнунтол новдасига тизиб олишарди. Севиниб-севиниб уйга олиб кетишарди. Эсида, бир куни ўрта бармоқдек кичкина балиқчаларни кўриб, отаси уялтирган эди. «Болам, вояга етмаганларини тутибсан, бу ғарибларни онаси излаб юргандир, бор, қайта сувга ташлаб кел!».

Ёш Ахмад чавакларни олиб яна сув бўйига борди. Жони кирсин деб кўлмакка солди. Қараса, балиқчалар ўлиб қолган экан. У йиғлаб юборди. Шундан буён балиқ смай қўйди. Балиқ кўрса, мурдага қарагандай кўнгли сесканади.

Тоғ ортидан қуёш кўтарилди. Сув бетида яшин чаққандай бўлиб заррин чизиклар ўйнади. Оқар сувда қалқиб турган оқ тераклар сояси сарғимтир тусга кирди.

Йўлда одамлар кўринди. Улар сув бўйида қилт этмай турган оқ либосли, одми саллали уч кишига ортларидан салом бериб таъзим қилиб ўтдилар. Бобо Мочин билан Сулаймон гоҳо ўгирилиб алик олиб қўйишади. Шайх эса, дарёдан кўз узмайди. У теграсидаги борлиқни унутган, ўз таъбири билан айтганда, «дарду ҳолат пайдо қилган» эди.

Бобо Мочин оқим бўйлаб тикилиб турарди. Бирдан «О-оҳ-х!» деб сайха тортиб юборди. У бир нимадан қаттиқ мутаассир бўлганда ҳаяжонини ичга ютолмас, ҳатто мажлис чоғи, жамоат кўз ўнгида ҳам хитобдан ўзини тиёлмас эди. Бундай қилиқ беадаблик саналарди. Шайх бир неча бор дашном берди, устунга боғлаттирди. Бироқ Бобо Мочин тавбадан чарчамади, сайха урмоқни ҳам тарк этмади.

– Тавба қилдим, ширим... Хўв анавини қаранг. Ё мажнун, ё кофар!

Шайх билан Сулаймон чап томонга назар солдилар. Сув бўйидаги ўтлоқда ёлғиз қапа кўринади. Қапа олдида бошяланг бир кимса кизил баркашдек бўлиб чиқаётган офтоб сари қўл чўзиб, нималардир дейди. Ана, у илкис тиз чўқди, чўккалаб ўтириб яна кунга хитоб қилди. Сўнг ирғиб турди. Қуёшга уч бора эгилиб салом берди...

– Юринглар! – деди Шайх ва йўл бошлади. Ёлғизоёқ йўлдан пастга эндилар. Қапа эгаси кўринмасди. Сой тошидан ясалган омонат ўчоқ устида қора қумғон қўнқайган. Ҳаммаёқ тутун. Шох-шаббадан тикланган қапа сиртидаги арқонга кичкина-кичкина тўрсаватлар илиб қўйилган. Ўчоқ олдида қора қумғон турибди.

– Хўв, тирик жон борми бу ерда? – деб Бобо Мочин чор атрофга қараб қўйди. Қапа ичидан товуш келди:

– Бизни борлаб каган тийрик жонга тийрикман!

Ичкаридан жуи чакмон кийиб, белини чилвир билан боғлаган келбатли йигит чиқди. У ялангбош эди. Сочи ўсиб елкасига тушган, йирик-йирик кўзлари одамга нохуш боқарди. Йигит уламонано уч саллаликка менсимангдек қараб қўйди. Сўнг бошини хиёл эгиб таъзим қилди. Бироқ қўлини кўксига қўймади.

– Нечук салом бермайсан, бетавфиқ? – деди Бобо Мочин қаҳрланиб. – Масихиймисан?

– Йў-ў, ўтпарастман.

Бобо Мочин, «Ана, айтмадимми, кофар!» дегандек Ҳазратга ялт этиб қаради. Ялангош йигитнинг тили қорлуқ шевасини эслатарди.

Шайх бегона йигитнинг патак сочига сиңчков боқди:

– Элатингиз не? Қорлуқмисиз?

Йигит бош силкиди:

– Ҳаййа, қорлуқман.

– Қорлуқлар аҳли суннат ҳисобланур. Улар мусулмонликни қабул қилган. Сиз нечук элдин ажраб юрибсиз?

– Мен ҳам бир пайтлар мусурмон бўлғонман, – деди йигит зарда қилиб, – энди мусулмончиликдин чиқдим. Мундай ўйлаб қарасам, туркнинг сўзи тувриякан.

– Қайси сўзи? – деди ҳалитдан бери сукут сақлаб турган Сулаймон. Йигит унга юз бурди.

– Турк айтканакан, тангрим, Қуръондин айирсанг айирғил, бироқ тигирмандин айирма, деганакан.

Бобо Мочин пичинг қилди:

– Ҳой, мажусий, диндан чиққан бўлсанг чиқибсан, аммо одамгарчиликдан ҳам чиқдингми? Эшигингга келган меҳмонни тик қилиб қўй, деган гап қайси маънабда бор?

Йигит индамади. Чўрт бурилиб ичкари кирди. Бўйра олиб чиқиб қапа олдига тўшади. Устига йиртиқ-ямоқ кигиз ёзди.

– Ўтирсинлар, тақсирлар, – деди кигизга ишора қилиб. Меҳмонлар қора наमतга чиқиб чордана қурдилар. Кофар йигит рўпарага, кўхна теракнинг тўнкасига чўнқайди. У бевақт ташриф буюрган кишиларга ажабланиб боқди. «Ким бўлди булар? Муптими? Қозими? Не иши бор? Не дерди, ё динга кир ё кўч, дейди-да».

Кофар йигит Бобо Мочинга ер остидан кўз ташлади. Ҳайиқди. «Манови ола кўзлиги ёмонга ўхшайди. Ўзиям олбостидай бесўнақайакан».

Шайх тикка савол берди:

– Хўш, биродар, сиз нечук тегирмонни Қуръондин устун қўйдингиз? Нафсингизга қулмисиз?

Кофар совуқ кулимсиради:

– Ким напсига қул эмас? Мулласими, қозисими, оқсоқолими? Ё, қорахитойими? Бари қул. Барининг томоғи тешик.

– Бундин чиқди, дунёда қурсофингиздан бўлак ғамингиз йўқ экан-да? Еб-ичиш, ётиб-туриш...

– Мақсадингизни билдим. «Э, қорлик, сенга имон керак эмасми?» демоқчи бўласиз. Имон керак. Пайғамбар айткан экан, имонсиз киши яланғоч одамга ўхшайди деб. Не қилай, менинг имонимни сизнинг мусулмонларингиз ечиб олдилар.

Шайхга қорлуқнинг мажози ёқди. Лекин, «Сизнинг мусурмонларингиз» дегани ўйлантирди. «Танидими? Қайдин танийди, энди келиши бу ерга».

– Демак, сиз халқи оламдин бешиб, мана бундай хилват ерларда, тоғу тошда яшамакни азм қилдингиз, тўғрими?

– Туври. Қайдин билдингиз?

– Билдик-да. Яланғоч одам эл ичида қандай туради?

– Бети йўқ одам тура беради. Шармандага шаҳар кенг, деган гапни эшитмаганмисиз? Ана, бизнинг имом турибди. Балоям ургани йўқ. Мачитга бориб бир хил сўз сўйлайди, уйига келиб бир хил сўз сўйлайди.

Кофар ортига ўгирилди. Тумшуғидан ошпоқ буф чиқариб шақиллаб турган қумғонга қараб қўйиб, ўрнидан турди. Бобо Мочинга тишининг оқини кўрсатди.

– Бир чой дамлай. Азонги насибадан қайтма, денти бурунги машойихлар. Йирканмасанглар, бизни қўлимиздин бир косадан чой ичиб кетинглар, тақсирлар.

У қапага кирди. Икки сопол косача билан тугунчак олиб чиқди. Косаларни қайноқ сувда обдан чайди. Кейин тугунчани очиб, хидлади-да, чимдим-чимдим бир нима олиб қумғонга сола бошлади.

– Чой ўрнига бир ғалати нарса дамлаб бераман. Ўпкаламасинлар. Чойни уйдаям ичасизлар. Бу нарса пакат бизда бўлади. Ўзим товдин териб каганман. Бу чўпни меҳригиё дейди. Эки одам дамлаб, бир косадан ишса-чи, бирови-бировини ёқтириб қолар эмиш. Энди, бу бир чўпчак-да, туврими, тақсирлар?

Йигит жавраб ўтириб чой дамлади. Дастурхоннинг ўрнига кирчимол белбоғ ёйди. Қумғондан бир коса чой қуйиб, ўнг қўллаб Шайхга узатди. Чой ниҳоятда хушбўй, мазали, ундан тоғ райҳони, ифор, кийикўти, яна аллақандай гиёхларнинг муаттар иси анқиб турарди.

Сулаймон чойдан бир хўплаб, мезбонга кулимсиради:

– Бундан имонингизга ҳам дамлаб бермабсиз-да. Меҳри тушиб қолармиди сизга...

Кофар йигит ёниб кетди:

– Э, кўйинг, таксир! – деди кўл силтаб, – ул каззобни кунига уч маҳал меҳригиёга чўмилтирсангиз ҳам пойда-си йўк! Мени диндан чиқорган ҳам асли шул касамхўр! Ўмаса, кентимдин беруна бўлиб, тоғу тош кезиб кетар-мидим? Ло илоҳа иллолло, деб аробамни тортиб юрмас-мидим!

– Нима қилди?

– Э, сўраманг, таксир, кун бермади. Кундузи кулким-ни бузади, тунда уйқумни бузади. Буйим сўрай бериб жинни қилиб юборди. Сўраса майли, кўшни бўлгандин кейин олди-бердисиз бўмайди, туврими? Бирок десангиз бу имом ованини қайтиб бермайди, шуниси ёмон. Чўт сўрайди, ўрок. Кетман, чилбир, қозон, болта... э, кўйинг-чи, кўзига не илашса сўрай беради, сўрай беради, сўрай беради. Бу кетиши бўлса, бир кун эмас, бир кун аялим-ни ҳам сўраб қолмаса гўргайди, деб қўрқаман. Йў, худо инсоф бердими, ишқилиб индамади... Олишга келган-да – бисмилло, беришга келганда – астафирилло. Ишқилиб, қайтиб бермайди. Синиб қолди, дейди, йўқолди, дейди... Бир куни уйига чиқсам, етти-саккиз ўрок, болта, тап-гиз думалаб ётибди. Ҳаммадан сўрайсан экан-да, каззоб, дедим. Шу-шу, игналик ип ҳам бермай кўйдим. Кейин мени чейнашга ўтди. Хотиним ёш бўшаниб атала ичиб ўтирган эди, дуводдин кўриб қолибди. Полончининг заи-паси мусулмон эмас, рўза тутмайди, деб гап тарқатибди. Бола тувғон аял бир нима ейишга ҳақи борми, йўқми? Ё, бўвагини очидин ўлдириши керакми?

Буям ўтаберсин. Бир куни эшикка гадоё келиб қолди. Нон-пон бердим. Қарасам, усти-боши ит талагандай бир ёмон, тўкилиб турибди. Уйга обкирдим, эски-туски кийимларимдин бердим. Имонсиз имом буниям эшитиб қобди. Мачитда халойиққа жар собди: «Не дейсан, пол-лончи қорлиқ яҳудийни уйига обкириб бир тобоқдин ош еди, бундайин кофирни маҳалладан ҳайдаш қарак!» дебти. Тавба дедим, ким копир ўзи? Бир қарибга томоқ бериб хайр қилғон мен копирманми ё бўлмаса, бирон-нинг ҳақини еб, кўзини лўқ қилиб турадигон ул имом копирми? Биз ўқимағон омий одаммиз, мана ўзларинг айтингла, мусулмонми, копирми, ишқилиб инсон боласи эшигингда зор қақшаб турса, унинг хожатини чиқариш қаракми ё жўна, деб кетига тегиш қаракми?

– Ҳожатини чиқармаган мусулмон эмас, – деди Бобо Мочин.

– Ўлманг, оға! Қул хўжа Аҳмад пириим ҳам шундай депти. Ул Ҳазратнинг бир ҳикмати бор эди. Олдин юрган йўлимда ёдлаб юргучи эдим, энди, мана бу тақсирим айтгандай курсоқ қайғиси билан бўлиб... эсимдан чиқибди. – Қорлуқ бошига муштлаб-муштлаб қўйди. Бобо Мочин таваккал қилиб Шайхнинг машҳур байтини ўкиди:

*Суннат эрмиш, кофир бўлса берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордин худо безор...*

Кофар қўл сермади, баланд товушда хитоб қилди:

– Шу-шу! Аммо туркингиз хайбатли бўғони билан ўзингиз яхши одамга ўхшайсизакан. Ҳазрати Султонимни ёддан биларкансиз.

Сулаймон ер остидан Шайхга караб қўйди, сўнг Бобо Мочинга ишора қилди:

– Бу тақсир Шайх Аҳмад Яссавий ҳазратларининг қўлларида таҳсил олганлар!..

– Воҳ-воҳ! – деб юборди кофар ва ирғиб ўрнидан турди. – Мен диндан чиққан бир осийман. Барибир этагингизни тавоф қиламан. Султонимни кўрганакансиз-а?! – У Бобо Мочиннинг этагини тутиб қўзига суртди. Шу пайтгача ҳеч ким Бобо Мочинни тавоф қилмаган эди. Шайх муртидан кулди. Бобоқул қизарди. Кофар йигит ўрнига қайтиб орир тин олди. – Қани энди, Шайх бобо бизнинг кентимизга ҳам бир келса, золимларни йиғнаб олиб инсофга чақирса, ҳей, худобехабар, бир ворибни оёғости қила берма, буям сендай инсон боласи, деб кўрқитиб қўйса... Келолмайди-да... Ҳазрати Султон ёлғиз, эзғувчи кўп, туврими, тақсирлар?..

Орага сукунат чўмди. Шайх ўйларди: «Бу йигит хали исломдин буткул юз бурган эмас. Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирибдир. Иншоолло, уни ҳақ йўлига қайтарса бўлмай».

Сулаймон кофарга боқди. Бир нима сўрагани овиз жуфтлади. Шу пайт йигит ўзи гап очди:

– Достоним чала қолди, қумғон қайнагунча бу ёғини ҳам сўйлаб берай. Бир куни ўртамиздаги дувол бузилди. Ёмон хотиннинг орзига ўхшаб очилиб ётмасин, ке, кўтариб қўяй, дедим. Лой кордим, гувала қилдим. Энди

дуволни уриб турсам, лўкиллаб имом келиб қолди. «Хой, бетавпиқ, нага мен тарапимдан дувол солдинг, сен ко-пирга ер етмадими?» деб бақирди. Эски дуволни ўрнини қўрсатдим. Имом кўнмади. «Бу маним ерим, икки газ сурасан!» деб туриб олди. Қўшнилари чакирди. Ма-читга одам юборди. Икки саллалик келди. Бу ёқда биз-ни гувоҳлар – кашшок, ўқимаган, омий. У ёқда имом-нинг гувоҳлари – мартабалик, овзида илми бор, бетлари кип-қизил. «Мусурмон мусурмон билан ер талашмайди» деди мулло. «Имомингиз мусурмон бўлса, нега биров-нинг ерини даъво қилади, бундин чиқди икковимиз ҳам кофир эканмиз-да?» дедим. Имом войдод солди. Қозига чақиртараман деб ўдағайлади. Оқсоқол келди, одам йиғилди. «Икки газ ер кимдан қолмайди, Самад, деди оқсоқол, бу ёлғон дунёда ҳамма икки газ ер деб юрибди, бер, шунинг кўзи тўйсин».

Даъвогаринг қози бўлгандин сўгин... не қилардинг, туврими, тақсирлар? Э, қўйинг-чи, дуволни уйга қаратиб икки газ сурдим. Барибир имомга инсоф кирмади. Қозига чакибди. Қози, Самадни маҳаллага қўшманглар, деб пат-во берибди. Сартарошга борсам, сочимни олмайди, қассоб эт бермайди, баққол туз. Уйдан чиқолмай қолдим. Ях-шиям ола сигир боракан, ўмаса очимиздан қотардик. Хўрликларим келди... Аробамни ҳайдаб чиқиб кетдим. Мана, бир йил бўлди, эгасиз товни орасида форни уй қилиб тентираб юрибман...

Шайх ичидан зил кетди. Кўз ўнгида Куръон ушлаб, масжид айвопида қасам ичиб турган Шаҳобиддин хожи, толиби илмлар ҳақиға хиёнат қилиб мадраса ҳовлисиға тиррик эчки етаклаб кирган Ашрафхон қози, мана бу вариб қорлуқнинг кулбасиға панжа ураётган имом ўтди. У кофар йигитга тикилди.

– Менга қаранг, йигит.

Қорлуқ қўлидаги чўп билан ер чизиб ўтирган эди, бошини қўтарди.

– Сизни бир ўй безовта қилиб турибди. Бу тақсирлар мени динга қайтаргани келган деб хаёл қиласиз. Бу хаё-лингиздан кечинг. Мен сизни исломга даъват қилмайман. Шукриллоҳким, жоҳилият даври оёқлади. Ислом мана бу оқар сувдек хаёт элтувчи дарёдурким, танинаком кимсалар унга интилгайлар. Имон ва яхшилик тилаган, поклик ва

савоб излаган ҳар бир банда борки, муродини исломдин топкай. Ислом бамисли бир улуғ дарахтдирким, аниинг мевалари беадад. Баъзи дилозор, очқўз золим имомлар чин мусулмон эмас, балки шайтони лаъинга қўл берганлардир. Аллоҳ буларнинг жазосини бергай.

Қорлуқнинг қайсарлиги тутди.

– Ҳузур, таксир, гапингизни бўламан, ил... (у эски одати бўйича илоё, деб юборишига оз қолди) ишкилиб дардингиз бўлингай. Бундин чиқди, биров мени уриб-сўкса чидашим қарак, ғиринг демай, мўйнимни ийиб турай, овзимдаги нонимни юлиб олсаям, куллуқ таксир, энди нон емайман, деб очимдин тиришиб ўлишим қерак экан-да? Мен бунга рози эмасман. Қўл кучинг билан эл қатори кун кўрай десанг, қўймаса, ҳар куни бошингда Қуръон оятини таёқдай ўйнатиб турса... Бундай динни не қиламан? Дини ислом биздай усти юпун, оёғи яланг, қурсоғи оч кимсаларни ёклаши қаракми, йўқми? Қуръон ким учун ёзилган ўзи? Ёлғон муллалар учунми ё ҳамма учунми?

– Қуръони қарим Аллоҳнинг сўзи. Ул барчага вожиб. Шоҳга ҳам, гадога ҳам. Алломага ҳам, авомга ҳам, авлиёга ҳам, дарвишга ҳам. Бир диёнатсиз қози, сотқин муфтий, нодон мулла, баднафс оқсоқол ислом кўзгуси эмас. Осмондан ёмғир ёрса, жумла олам баҳра олади, қирларда турфа гиёҳлар кўкариб чиқади. Бу кўкатлар ичинда мана бу меҳригиёдек одамга малҳам бўладигани ҳам, тотсангиз заҳарлаб ўлдирадигани ҳам бўлади. Худди шундоқ, тўккиз фалак эгаси одамларни ҳам яхши-ёмон қилиб яратмиш. Бири доно, бири жоҳил, бири сахий, бири қурумсоқ, бирининг кўзи тўк, бириники оч. Бири қапоат соҳиби, ўзгаси нафс бандаси, бири ҳаё билан андишадан либос кийган, тағин бири шармандалиқни қасби ҳол қилиб олган... Не чорангиз бор? Сиз бир қаззоб имом туфайли диндан чиқибсиз. Бундан ул қаззобнинг гуноҳи қамаймади, сизнинг-да, қимматингиз ортмади. Имом сизни хўрлаган бўлса, билинги, ул эл орасида қарғишга қолди. Маълумнинг илтижоси ҳаргиз мустаҷоб бўлгай. Кентингизга бориб қози билан имомнинг бугунги ҳолатини суриштиринг. Ё имомликдин қувилган ё бир балога гирифтор бўлган. Бир ғарибни йиғлатган золимнинг кулиб юришини Аллоҳ хуш кўрмагай. Ал-қасосул минал ҳақ, ҳар кишига ажру мукофот бор.

– Ұмаса не қил дейсиз?! – қорлуқнинг хуноби ошди. – Бошимни тошга уриб ёрай десам, икки порасиданинг уволига қосам.

– Туркнинг мақоли бор. Адашсанг – кўпчилик билан адаш, дейди. Кўриб турибмиз, бир йилда гадо бўлибсиз, икки йилда адо бўласиз.

Қорлуқ бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Шу пайт олисда от кишнади. Қорлуқ ялт этиб ўгирилди, сувнинг нариги бетида саман от минган оқ қалпоқли бир киши турарди. Саман ер тепиниб кўкка сапчийди, суворий тизгинни тортиб бир қўлини хавода ўйнатиб хайкирди:

– Хе-ей, қор-лу-уқ! Жонинг бо-орму-у?!

От тагин чўзиб кишнади. Отлиқ такрор товуш берди:

– Ха-ха-хў-ў-ўй!!.

Қорлуқ йигит ирғиб турди. Ранги дув кизарди, кўзларида тўсатдан ғазаб чақнади. Тўрт сакраб сув бўйига борди. Соҳилдаги кишига бир тикилди-да, қўлларини оғзига карнай қилиб жавоб қайтарди:

– Жо-о-он!.. Ха-ха-хай!..

Илдам изига қайтди. У ёқ бу ёққа аланглади.

– Хузур, таксирлар, – деди ховлиқиб, – ман бормасам бўлмайди. Қорлуққа бало келибди. Мен кетдим.

У елиб ичкарига кирди. Нималардир тарақлади. Қорлуқ билагига катта ўрма қамчи ўтказиб чикди. Қапа сиртидан чилвирни олиб, тез-тез белига бовлади. Қумуш баркашдек ялтираб турган офтобга шоша-пиша эгилиб салом берди-ю, лўкиллаб сой бўйига қараб кетди.

Тўғри бориб ўзини сувга отди. Соҳилдаги суворий унга пешвоз юрди. Қорлуқни ортига мингаштирди, саманига қамчи босди. Улар бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар.

– Нон талашгани кетдилар, – деди Шайх ўзига ўзи гапиргандек. – Қорлуқнинг кўзи тўқ, қорни оч, Рукниддиннинг қорни тўқ, кўзи оч. Ё, раббий!

Уч зиёратчи дуо қилиб ўринларидан турдилар. Ҳазратнинг кўз олдидан ҳозирги манзара кетмай қолди. У қорлуқни чорлаб келган суворий исёнчилардан эканини сизди. Икки кундирки, Рукниддин ўз халқи билан жанг қилади. Ердан бош кўтармай, қалъа сари оғир одим ташлаб бораркан, Шайх кўнглида хаёллар кезади. «Ё, раббий! Нахот тўқлар билан очлар жанги то абад давом этса? Одам зоти мунча бешафқат! Ахир қашқир ҳам

тўйса, оғзидаги луқмасини қавмига илингай. Одам бола-си ўзидин ортса, бировга бермакдин қизғонар, емай-ичмай чиритгай, ерга кўмгай, молга бергай, илло мухтожга лозим кўрмас. Раббано! Бир хикматинга ақлим етмай ўртанурман. Қайсики инсон илму ирфон эгаллаб мулло бўлди, олим бўлди, ул ўзини ўзгалардин бир қарич баланд кўйди. Нафсига эрк берди. Турлук-турлук киймакка, тотлиқ-тотлиқ емакка иштилди. Бировнинг ризқига илик чўзди. Элдин уёлмади, Аллохдин кўркмади. Биль-акс, кимики кўнгил кўзи сўқир эрса, мактаб кўрмаган омий бўлса, эмгак остида кун кечирса, ул киши қаноатни ўзига зийнат деб билди, харомдин ҳазар қилди. Бир нон топса, ярмини мухтожга илинди, имонини сотмади. Наҳот замондин замон ўтиб уламо бирла фуқаро орасидаги бу тахлит ихтилоф давом этса? Улуснинг кўз тиккани ўшал олимлар эмасми?! Кўли қадоқ, оёғи яланг, курсори бўш эмгакчини, кўзлари ёшлиқ етим-есирни хону беклар зулмидин химоя этиб, жонларига малҳам бўладигон ким ўзи? Аҳли илм, фазлу камол соҳиблари эмасму? Халқ аларни фарзандларим демиш. Баски, ўз ота-энасининг дардига дармон бўлмоқдин бош товлаган гумроҳларни не деб атагаймиз? Алҳазар, окпадар! Йўлдин адашган бандаларининг кўксига инсоф ва диёнат уруғини сочқил, парвардигорим, сендин бўлак кўмакчим йўқ, сен ўзинг меҳрибонсан, ёлғиз сенга сиринамиз...»

## ҚОРАДОВОНДАГИ ЖАНГ

### 8- ф а с л

*Ўзинг мадад бергил, ёда тош,  
Отлиқ эмас, пиёдаман, ёда тош...*

Мажусийларнинг қадимги қўшиғи

Рукниддин Шайх билан омонат хайрлашгандан кейин уч кунгача унинг хузурига етиб келолмади. У қорлуқлар исёнини бостириш учун Қорадовон этакларига жўнаб кетган эди.

Қорлуқлар юрти асли Марқа билан Кулондан нарида, Болосоғун музофотида эди. Лекин улар Исфижоб вилоятида ҳам анча-мунча яшар, миришкор дехқон, абжир

чорвадор эди. Тўрт йил бурун қорахитойлар бостириб келганда улар ерликлар тарафини олди, киргин-баротга қатнашмади. Бирок, қорлуқ деса, Рукниддиннинг елкаси тиришарди, уларнинг бари бир гўр, тили бошқа, дили бошқа, деб жини суймасди. Шу ҳаёлдами, ўз яқинларига сувлик семиз ерлардан иқтидо-ҳадя тарзида мулк тақсимлаганда қорлуқларнинг азалий экинзорларига ҳам кўз олайтирди. Уларнинг ота мулкларини кесиб-қирқиб қўлларини калта қила бошлади. Қорлуқлар бунга порози бўлишди-ю, тишларини тишларига қўйди.

Қорахитойлар мағлуб Исфижобдаги ҳар бир хонадондан товон тариқасида беш-ўн динордан солиқ ундирарди. Устига-устак, Рукниддин янги солиқлар жорий қилди. Бу қорлуқларга ҳақорат бўлиб туюлди. Кентларда ғалаёнлар кўтарилди. Уруғ оқсоқоллари маслаҳат қилишиб, Рукниддинга совға-салом билан элчи юбордилар. Ҳокимни мурсою мадорага, инсофга чорладилар. Буни Рукниддин ожизлик, кўрқоқлик белгиси деб англади. Қорлуқ элчисининг кўз ўнгида қимматбаҳо ҳадялар – хитойи шойилар, бухорий зарчопонларни ўтга ёқтирди. Элчининг сокол-муртини кирдириб сазойи қилиб жўнатди. Шарт қўйди: «уч кун ичида қишлоқни бўшатиб Кулонгами балогами кўчасанлар, бўлмаса, уйларингни ўтга бериб, мана бу латта-путтадай кулини қўкка совуражакман». Вилоятнинг турли шаҳарларида яшайдиган қорлуқлар Рукниддиннинг бу жохиллигидан дарғазаб бўлиб қўлларига қуроқ олди. «Мард бўлсанг – эртага Қорадовонга кел, сенга сўғишни бир ўргатайлик!» деб хат йўлладилар. Рукниддинга асли шу керак эди. Ёнига эллик чоғли сара туркман йигитларидан тузилган жангчиларни олиб пешинга яқин Қорадовондаги дўлानазорга қараб кетди. Дўлानазор атрофи очик майдон, бир томони довонга туташ, бир тарафи тор ўзакка бориб тақаларди. Рукниддин оқ отининг жиловини қаттиқ-қаттиқ тортади, бедов осмонга сапчийди, гўё у ҳам эгаси каби урушга хумордек безовта типирчилайди.

Ўзак томонда бир тўп қорлуқ кўринди. Уларнинг йигирма-ўттиз чоғлиги отлиқ, хачир, эшак минганлари ҳам бор, аммо аксарияти пиёда эди. Қорлуқларнинг қўлларида чўкмор, сўйил, хатто ёғоч айри кўтарганлари ҳам кўринарди. Исёнкорлар даранинг у бетида тўхтадилар. Бир ерга жам бўлиб нималарнидир маслаҳат қилишди.

Тўдадан бир қизил отлик ажраб чиқди. Ҳоким томон яқинлаб келди. Ўзакда бир кулоқ сув окарди. Отлик ариқ бўйида тўхтади. Қўлларини оғзига карнай қилиб кичкирди:

– Ҳў-ўв, мирзолим, кеш ўсаям ақлингни йиғна! Сўзингни қайтиб ол! Солифингни тўлайик, юртимизга кўз тикма! Бу ерлар Самарқанднинг ерлариямас, қорахонлардин бурун ҳам бор эди. Йўқ, десанг, ке, сўғишамиз, оғангга ўхшаб киргани тешик тополмай қоласан, ҳе-ей, бола!..

«Бола» деган сўз Рукниддиннинг ҳамиятига тегиб кетди. У садояига қўл чўзди. Сулх таклиф этиб сув бўйида турган қорлуққа қараб ўқ узди. Ўқ визиллаб бориб элчининг ёнидан ўтди-ю, қари дўланага санчилди. Отлик қорлуқ ортига чекинди. Икки қўлини кўтариб қавмларига ўгирилди. Баралла, «Овмин! Тангри тош ўзи ёрлақаб золимнинг оғзидин қони кесун!» деган хитоб эшитилди. Шу захоти исёнкорлар ёпирилиб сувнинг бу бетига кўчиб ўта бошладилар.

Туркман йигитлар қилич яланғочладилар. От ўйнатиб, чўкморларини хавода силкиб, ёғоч айриларини чўзиб хай-хайлаганча сув кечиб ўтаётган қорлуқларга пешвоз чиқдилар. Рукниддин орқароқда, ясси тепалиқда турарди. У илғордаги тўриқ от минган қорлуқнинг кўкрагини мўлжаллаб ўқ отди. Қорлуқ шалоплаб сувга йиқилди. Буни кўриб исёнкорлар уввос торгди. «Ҳе-ей, қорлу-уқ, жонинг бор-му?!» дея бу қирғоққа бостириб ўта бошладилар. Туркман йигитлар отларига қамчи босди. Юзма-юз жанг бошланди. Аскарлар, аввал қорлуқларнинг суворийларини бир ёқлик қилиб олайлик, деб ўйлашдими, жайдари от, хачир минганларга ҳужум қилди. Бир аскар олиб бориб отлик қорлуқнинг кўкрагини мўлжаллаб найза отди. Қорлуқ бош эгиб қолди, найза тўрт қадам нарида жанг қилаётган туркман йигитнинг елкасига санчилди. Омади келган қорлуқ найзалик аскарнинг қўлидаги қиличини уриб туширди. Чаққон эгилиб, қилични қўлига олди.

Жанг тобора авжига чиқди. Қорлуқлар гоҳо-гоҳо бақириб-чақириб бир-бирини руҳлантирар, «Бос, қорлиғим! Қоч, номард! Етган еринг шу бўлди! Ё Ватан, ё ўлим!» дея дарани янгратарди.

От туёқлари остида бир неча қорлуқнинг ўлиги чўзилиб қолди. Аскарлар жасақлар кўкрагига найза санчиб, тағин

суғуриб олар, куз офтобида пайза учида ялгиллаб турган исёнкорлар қонига телбаларча кулиб боқар, отларига устма-уст камчи босиб, пиёдами, отлиқми танламай, қорлуқларни гир айлантириб саваларди.

Чўкмору сўйилга умид бовлаган қорлуқлар қилич-қалқон, ўқ-ёй билан қуролланган босқинчи аскарлар олдида ожизлик қилди. Уларнинг отлари, хачирлари нобуд бўлган, ўн-ўн бештача суворийни ҳисобламаганда аксарият пиёда бўлиб қолган эди. Исёнкорлар отдан тушиб, белларидаги арқонларини ечдилар-у, қилич ўйшатиб бостириб келаётган аскарларнинг рўпарасига туриб олдилар. Аскар энгашиб қилич ураман, деганда қорлуқ чўкмор билан отнинг калласига солади, сўнг қулочкашлаб арқон отади. Аскар чилвирга ўралиб, тўрға тушган беданадай бўлиб қолади. Қорлуқ уни силтаб ерга қулатади-ю, қўлидаги қиличини тортиб олиб, дарров калласини узади. Ҳаш-паш дегунча қўруқ тузоқдан етти-саккиз навқар ер тишлаб бошидан жудо бўлди. Ерда думалаб ётган аскарларнинг отлари кишиаб, жанг суроидан овлоққа қочди. Энди Рукниддин бошлиқ бир тўда навқарлар ҳам чилвир тузоқдан чўчиб пиёда бўлиб олишди. Улар қорлуқлар билан якка-ма-якка олишувга киришдилар. Айри билан чўкморнинг бесўпақайлиги, сўйилларнинг оғирлиги қорлуқларнинг тинкасини қуритди. Бунинг устига қорлуқлар умрбод биров билан уришмай меҳнат орқасида қуш кечирган, харб-зарб сирларидан беҳабар эдилар. Рукниддиннинг сарбозлари исёнкорларни жазолаш учун махсус тайёрланган, бўйдор, абжир, одам ўлдириш машқини олган қотиллар эди.

Намози асрга бориб ҳар икки тарафдан қўли кесилган, ўқ еган, чопилган ярадорлар кўпайди. Оксув қизил қонга бўялди. Бирор соатдаг кейин Рукниддиннинг қўли баланд кела бошлади. Қорлуқлар Қорадовонга чекиндилар. Энди уларнинг нажоти ёлғиз яда тошдан эди. Рукниддин ҳам ўзини андак совитди, сувда бет-қўлини чайиб тин олди. Жанг майдонини кезиб чиқди. Аскарларидан беш-олтитаси ўлиб ётар, яна бир нечтаси дўланага суяниб инграб ўтирарди. Аммо қорлуқларнинг жасади кўринмасди. «Қани улар, қавмлари еб қўйганми?» деди Рукниддин хуноб бўлиб. Қорлуқлар шаҳид бўлганларни тошлар қавагига яшириб кетган, кейин келиб кўмишини

мўлжаллашган эди. Ярадор биродарларини эса орқалаб олиб кетишди. Қорлуқлар довои ўртасида бир замон дам олдилар. Улар энди хотиржам эди. Бу халоскор довои уларни неча бор фалокатлардан сақлаб қолган, ҳозир ҳам золимнинг қасидан асраб қолишига ишонишарди. Қорлуқларнинг умиди — яда тош. Рукниддин келгичди, аскарлар ёлланма. Улар сирли довоининг кароматини билишмайди. Шунинг учун тепадан туриб тош думалатдилар. Қозондай қора тош Рукниддиннинг олдига бориб тушди. Рукниддин ирғиб турди. Тепага қараб пўниса қилди.

— Ҳей, хайвон, ҳозир чиқиб боргайман! Энангни тополмай, қузғунга ем бўлгайсан, хароми!

Тепадан кофар Самад товуш берди:

— Эркак бўлсанг, мунда чиқ! Улигингни санаб бўлдингми, ҳезалак?

Рукниддин қолган-қутган жангчиларини тўплади. Қирққа яқин экан. Ўзи сапчиб отига минди.

— Босдиқ, лочинларим! Ҳар қорлуқнинг бошига минг тилло бераман! Султонлик сўзим! Бу ҳаромзодаларнинг ёстиғини қуритганга уларнинг ховли-ери, аҳли аёли мукофот! Лочинларим, шерюрак бўлинглар, розий бўлгаймиз, розий!

Аскарлар орасида Исфижоб вилоятидан Эртўфон мерган ҳам бор эди. У Рукниддинни йўлдан қайтармоқчи бўлди.

— Тўрам, шу товға чикмайлик. Ёв қочди, қувсақ балага қоламиз. Бу товға отда чиқиб бўлмайди. Ҳосияти йўқ.

Рукниддиннинг кўнглига шубҳа оралади. «Қазисан, қартасан, ахир аслинга тортасан. Мерган шу ерлик, қорлуқнинг тарафини олади-да».

— Сиз кимдин нон ейсиз, биздинми ё анов муттахам қорлуқданму?

— Алҳамдулиллоҳ, сиздин нон еймиз, тўрам... Шу важдин товға отда чикмайлик, дедим. Йўқ, чиқаман, дсангиз туёғига кигиз бойлаб олайиқ.

Рукниддиннинг жазаваси кўзди:

— Мен пишак эмасман писиб чиқадиғон! Учса юлдузга етадиган арғумоқларим бор. Булар чу деганда товни ун қилиб майдалаб ташлайди! Қани, эранларим, номард қорлуқнинг устига солдиқ! Илоҳим, улуғ тағойим Султон

Санжарнинг музаффар кунларини берсин! Ғозий! Худо ёр, ғозий бўлғаймиз, ғозий!..

Рукниддин қилич ўйнатиб довоonga от солди. Унгача кун ботди. Қорлуқлар довоон ичкарасига кириб пистирмада пойлаб турдилар. Уларнинг кўнгилларида кўрқув, умид, тилларида илтижо: «Эй, муқаддас яда тош! Биз ғарибларга раҳминг келсин! Золимнинг жазосини бер! Жужуқларимизни етим қилиб қўйма. Сифинганимиз ўзингсан. Яда тошим, яда тошим, халоскорим, ўзинг мадад бер, яда тошим!..»

Қирк отлик довоonga кўтарилди. Шу пайт ажиб ҳол юз берди. Отлар туёғидан ўт чакнади. Тошлар қасирлади, атрофни аввал оқ тутун, сўнг қорамтир туман қоплади. Бирдан қаттиқ шамол эсди. Гир атрофни зим-зиё булут чулғади. Аскарларнинг кўзи тиниб, қайга от суришни билмай қолдилар. Қора туман қуюқлашиб ёмғир томчилади. Ҳадемай, шариллаб жала қуйди. Отлар типирчилаб кишнади, шамол кучайди, ёмғир дўлга айланди. Отлар туёғидан чиққан бўғиқ товуш, дўлнинг тошга урилиб ваҳимали шақиллаши, зулумот қоронғилик навкарларнинг юрагини ёрай деди. Улар қайга қочишни, тарновдан тушаётгандек шаррос қўйиб турган ёмғир зарбидан не илож қилишни билолмай довдираб қолдилар.

Дўл тиниб, майдалаб ёмғир ёға бошлади. Ер балчиққа айланди. Довон соғтупроқли эди, у лаҳзада елимга ўхшаб, отлар туёғини ерга михлаб қўйди. Аскарлар «бу ланъати тов-тошдин» қутулмоқчи бўлиб, отларига камчи уради, аммо аргумоқлар нечоғли силтангани билан худди юмронқозиқ инига тушиб қолгандек оёқларици тортиб ололмайдилар.

Ярим соатларда жала тинди. Булут тарқади. Кун ёришди. Аскарлар отларининг жиловидан тутиб, учта-тўрттадан ғужанак бўлиб туришар, ҳозиргина бошларига тушган савдодан лолу карахт эдилар<sup>1</sup>.

Рукниддин мағлуб бўлганини бўйшига олди. Индамай отининг бошини бурди. У навкарларининг тўққизтасини йўқотган, «юлдузни урадиган» аргумоқларининг ярмидан айрилган эди.

<sup>1</sup> Қорлуқлар элидаги бундай ходисани Беруний бир китобида ёзиб ўтади. У яда тошни «ҳажар ул-жалиб ул-матар» дейди. Бу тошга темир буюм тегса, дарҳол ҳавони булут қоплаб ёмғир ёриши мумкин экан.

Хуфтон палласи возий бўлолмаган хоким хос навкарларини эргаштириб қалъага қайтди. Дарвоза тақа-так берк эди. Тонуш берди. Дарвозабон бўсафага келди-ю, ammo эшикни очмади. «Оч эшикни, ит ули, мен Рукниддинман!» дея ҳайқирди. Бироқ то кутвол келмагунча дарвозабон зулфинга калит солмади.

Кутвол тошчироқ тутиб Рукниддинни кўрди-ю, хокимнинг авзойидан чўчиб четланди. Мағлубларни ичкари ўтказди. Дарвозани қулфлади. Сўнг иккиланиб Рукниддинга қоғоз чўзди.

— Бир қаландарнамо кимса хали окшом келиб бериб кетиб эди, жанобларига аталган экан...

Хат-пат ўқишга ҳозир Рукниддиннинг тоқати йўқ эди.

— Ўқи! Не арз экан?— деди отда туриб. Кутвол липпани йиртиб, тошчироқ ёрувида хижжалаб ўқиди: «Номард Рукниддин! Ўғлиниги ахтариб овора бўлма. У бизнинг қўлимизда. Эртан қайта сўғиш қиламан, деб урисанг, жонини олғаймиз. Сени қочиргон қорлуқлар...»

— Аблах!— деб бақирди хоким ва гўё хатни қасоскор қорлуқлар эмас, мана бу титраб-қақшаб турган кутвол ёзгандек унинг боши-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди. Бир хаёли, яна дарвозани очдириб, ёнига юз аскарни олиб қорлуқлар элига бостириб бормоқчи, уларни текис қатли ом қилмоқчи эди. Кейин шаҳдидан қайтди. Аввало, ўлардай холдан тойган, қолаверса, етти хуфтонда ухлаб ётган қишлоққа бостириб кирса бутун эл-улус ўнгида обрўси тўкилишини ўйлади.

У тўғри ўрдага борди. Ичкари кириб ечинди. Мўйнали иссиқ либосларини кийди. Кетма-кет шароб чақиртирди. Шаробни косалаб ичди. Довонда, қора булут тагида, жалада музлаб қолган навкарларига ҳам узлуксиз май ичирди. Тонгга яқин маст-аласт бўлиб ёнбошлаб қолди.

Кўзини очганида бомдод намози ўтиб кетган эди. Эшиковаси кумуш баркашда хат олиб кирди. Рукниддин ўрама қоғозни очиб, хатга мастона кўзларини тикди. Сармаст кўзлари каттарок очилди, юраги урди. Мактуб икки оғизгина, илло, фироқ ўтида куйиб турган дилига малҳам бергувчи эди: «Ҳоким жаноблари болангизга раҳм қилдик. Сиз ҳам кўнглингизни келг қилинг энди. Ўғлинингизни Яссавий пиримнинг кўлидан олғайсиз».

Рукниддин, тўнғичимдан айрилдим, қорлуқлар кечаги майитлар эвазига ўғлимни жувонмарг қилади, деб кўрққан эди. Умид тарк эта бошлаган вужудига қайта жон киргандек бўлди. Шитоб билан ўрнидан турди. Қарс урди. Эшикоғаси кирди.

– Кутволни чорланг! – деб бақирди ҳаяжон ичида. У Шайх ҳузурига қалъа дарғаси – кутволни юбориб, ўғлини тилаб олмоқчи эди. Кутвол киргунча ўйга толди: «Қорлуқлар Фазлиддини бекорга Шайхнинг олдига олиб бормаганлар. Ҳокимнинг ўзи эланиб келсин, деган. Бормасам-чи? Ўғлимни бермайдими Шайх? Нега бермас экан, фарзанд кимники?».

Унинг жизғанақ бўлиб турган кўксида икки туйғу жой талашади. Бири, бор, ўғил нигорон бўлиб бандиликда ётибди, дейди. Аммо азалий ғурури оталиқ меҳрига бўй бермайди. «Борсанг, Ҳазратнинг қаҳрига йўлиқасан. Сени қотилликда айблайди».

Кутвол кирди. Унинг кетида Исфижоб қозиси Зухриддин хожи кўринди. Рукниддин кутволга қўл силтаб жавоб берди-ю, қозини ёнига чорлади. Дардини айтди. «Шу қария не деса, маслаҳати билан иш қилай».

Қози гапни калта қилди:

– Эгилган бошни қилич кесмас, тўрам. Пиримни зиёрат қилиб фарзандингизни дийдорига тўйсангиз, бир йўла икки савобга ноил бўлғайсиз.

Рукниддин каторига қози калонни, икки хос навқарини олиб, Ўрдадан чиқди. Хонақоҳ ўрдага ёвуқ бўлгани учун пиёда йўлга тушди.

## ЗИКР ОЛДИДАГИ ҲОДИСА

### 9- ф а с л

*Муҳаммад алайҳиссалом демишларки, уч нарса одамни ҳалок қилади: хасислик, очкўзлик ва кибру ҳаво.*

Ҳадис

Орадан икки кун ўтди. Жумъаи муборақ. Хонақоҳ ҳовлисида зикрга тайёргарлик кўрилмоқда. Одатда дарвишлар эрта кўкламдан то қора кузгача Дашти Қипчок бўйлаб тариқдай сочилиб кетар, фақат меҳржон охирида

ё киш бошида хонақоҳга тўпланар, кишни тиловат, зикр билан ўтказар, ҳар ким салоҳиятига қараб етти мақомни ўтмак умидида бўларди. Сўфийлар тарикатига кўра, ишқи илоҳийга етиб, хусни мутлақ—Аллоҳнинг васлига етмоқ учун етти мақомни босиб ўтмоқ шарт эди. Булар қуйидагилардир: биринчидан, тавба, яъни яратганнинг олдида гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиш, муножот ва қасам. Иккинчидан, вараъа, яъни поклик. Бу мақомни ўтган солиқ ҳалол билан ҳаромни ажратиб олиши, биров берадиган текин луқмага эмас, қўл кучи билан топадиган неъматга ишонмоғи лозим. Кейинги мақом зуҳд, ёинки тийилиш. Зуҳд этган дарвиш аввало нафсини тиймоғи, яхши либослардан, тотли таомлардан, аҳли аёлдан, хуллас, бу фоний дунёнинг ўткинчи лаззатларидан йироқ юрмоғи даркор. Шу йўл билан сўфий тўртинчи мақомга етиб, фақр ёхуд мискин унводини олади. Сўфийлар ҳалқасида, «Фақирликда тирик бўл, тирикликда фақир бўл!» деган ҳикмат юради. Улар Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ал-фақр—фаҳри» (фақирлик фаҳримдир) деган ҳадисини ўзлари учун бўйинтумор деб биладилар ва унга қаттиқ амал қиладилар.

Бешинчи мақом — сабр. Мурид туну кун Аллоҳдан сабр тиламоғи, ўз иродасини қўлга олиб, вужудини, қалбини, руҳини сабру сукут ила зийнатлаши лозим. Оғриққа сабр, озорга, хўрликка сабр, бало-қазога сабр, сабр ва яна сабр... Сабру бардош уни олтинчи мақомга—таваккулга элтади. Энди зоҳид ўзини буткул Аллоҳнинг ихтиёрига топширади, ёлғиз нарвардигориининг марҳаматиға, лутфу карамига суянади. Аллоҳ таоло ҳам ўз бандасининг ғамини ейди. Ана шунинг учун ҳам сўфийлар лафзида, «Ал-сўфи ибнал вақт», деган калима мўътабар калимадир. Таваккули Аллоҳга берилган сўфийлар омонат нафас—нафаси карбунни муқаддас биладилар, улар ўтар-кетар бу дунёнинг ғам-андуҳларию можароларини кўзга илмайдилар, билъакс, ёлғиз Аллоҳнинг ишқини ёд этиб шу соат, шу дақиқа, шу лаҳза учун шукр қилиб яшайдилар.

Нихоят, узок йиллик азиятлардан кейин сўфий сўнги босқич—ризого кадам қўяди. Ризо—тобелик, Аллоҳнинг ҳукмига бўйин эгиш. Бу ҳолатни сўфийлар шундай шарҳлайдилар: туғилмоқ бор, ўлмоқ бор. Де-

мак, ҳаёт билан ўлим орасидаги фурсат бизга омонат берилган. Омонатга хиёнат бўлмасин, десанг, руҳингни покла, ўзингни ёмон хислатлардан халос қил. Ҳар бир кимса ўзини яхши хулқлар билан зийнатласа, жамики инсоният софланади, дунёда инсоф, адолат, имон қарор тонади ва жабр, зулм, ёвузлик, залолат барҳам ёйди.

Тасаввуф аҳкомига кўра, чин солиқ «қол»ни – дунёвий илмларни эгаллаб, «хол» илмига ўтмоғи лозим. Тариқатдан кейин ҳаққул яқин-ҳақиқат босқичи келади. Аммо ҳақиқат эшигини очмоқ ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, бунинг учун инсонда буюк руҳий қувватдан ташқари авлиёлик нишонаси ҳам бўлиши керак эди. Фанофиллоҳ деб аталмиш энг олий мақомга ноил бўлган зот-жисман ерда, қалбан самода, малоикалар оламида яшайди гўё. Бундай мартабага муяссар бўлганлар учун замон билан маконнинг фарқи қолмас, улар қушлар, ҳайвонлар тилини билар, атроф борлиқда рўй берадиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга қодир эдилар. Арабларда Жунайд Бағдодий билан Боязид Бистомий, форсда Юсуф Ҳамадоний, турклар элида Шайх Аҳмад Яссавий ана шундай авлиёлардан эди.

Муҳтарам ўқувчим! Дарвишлар, ва умуман, пиру муршид, зикру сано ҳақидаги ҳикоямизни сўнгги фаслларга қолдириб, яна хонақоҳга қайтайлик.

Шундай қилиб, хонақоҳда зикрга тайёргарлик кўриларди. Хонақоҳ ташки, ички ҳовлилардан иборат. Ташки ҳовли мўъжазгина, бу ерда хонақоҳ бошқарувчиси Исмоилхўжа оиласи билан истиқомат қилар, сулукка бош уриб келган ёш солиқ-толибларнинг ош-сувиға қарайдиган бақовуллар ҳам шу ерда турардилар. Ички ҳовли кенг, ҳар тарафи камида етти юз қадамдан келарди. Кираверишда, ўнг тарафда қиблага қаратиб солинган масжид. Ҳовли ўртасида саккиз қирралик улкан ҳовуз. Этак томонда бир-бирига туташ кағта-кичик хужралар. Ҳали айтганимиздек, толиблар ёзда хонақоҳга оёқ босмас, битта-яримта бемор дарвишни ҳисобга олмаганда то кеч кузгача кентлар, овуллардан бери келмасди. Не чораки, тўрт кундан буён худонинг бу суюкли бандалари – дарвишлар хонақоҳ ҳовлисидан тўрт ҳатлаб чиқолмайди. Мушток бўлиб зикри султонийни кутади. Шайх ул-машойих фатво бериб, зикр бошланса-ю, руҳни поклаб, тагин бепоён кенгликлар,

азамат тоғлар кўйиғига, сарин еллар ўйнайдиган боғлар ва шарқироқ сойлар бўйиғига отланишса! Ям-яшил сабзаларни тўшак, тошними, ёғочними ёстик қилиб ўрганган хур фикрли озов қушлар— дарвишлар учун кенг ховли қафасдек торлик қилаётган эди. Улар тўп-тўп бўлиб баланд девор тагида қушувоклаб ўтирар, сарховуз ёнида ложувард сувга термилиб турар, ёки чет-четда ёлғиз-тапхо ҳолда зикрда айтиладиган шеърлар— Яссавий хикматларини пичирлаб юришарди. Хуллас, хонақоҳ ховлисида зохиран бир осойишталик ҳукмрон эди.

Бу сукунат тўсатдан бузилди.

Ховлига тўрт қуролли йигит от чоптириб келди. Иккита йигит ташқарида қолди. Учинчиси, бошига қора либос ўраган, ёнбошига ханжар таққан, белини чарм камар билан боғлаб, оёғига узун қўнжли этик кийган гавдали йигит отдан ирғиб тушди. Жиловини шеригига тутқазди ва унинг олдига ўнгарилган болани даст кўтариб олди. Бола саккиз-тўққиз ёшларда, қопга солинган эди. Навкар йигит болани қопдан чиқариб икки панжасига кўйди, худди мева тўла барқашни кўтаргандек қўлларини олма чўзганча ховлига қараб юрди. Унинг важоҳатини кўриб, гангиб юрган дарвишлар ҳам йўл берди, баъзилари, «Бу занжи қайга бораркин?» дегандек, унга эргашди.

Бола кўтарган барзанги ховуз ёнига келиб тўхтади. Атрофида аланглаб турган дарвишдан ўдағайлаб сўради:

— Хув, инсон, Яссавий пиринг қайда?!

Дарвиш гарангсиб қолдими, индамади. Қора либосли йигит бақирди:

— Хув, қарқулоқ, нимага миқ этмайсан? Яссавий пиринг қайда, деб сўраб турибмен сендин!

Дарвиш кўлини чўзиб тўрдаги хужрага ишора қилди. Аскар катта-катта қадам ташлаб тўрға қараб юрди. Бола бир-икки типирчилади. Йигит парво қилмади, боланинг бетига қаттиқ туфлаб кўйди-да, тўғри хужрага етиб, ичкари кирди. Кўзи қоронғиликка ўрганмаганликданми, ичкаридагиларни ажратолмай, бўсағада бир нафас тек туриб қолди. Ниҳоят, давра қуриб ўтирган қарияларга кўзи тушди. Улардан иккитасини танигандай бўлди. Булар тунов куни қапасида чой ичиб кетган кишилар эди.

— Султоним қайсингиз бўласиз? — деди йигит, ўтиргашларга бир-бир кўз югуртириб.

Шайх бўлажак зикр олдидан суҳбат куриб ўтирган эди. Даврадошлари – Бобо Мочин, Ашрафхон қози, Исмоилхўжа, яна Исфижоб уламоларидан ҳам бор эди. Бобо Мочин кофар йигитни таниди, унинг бетакаллуфлигидан ваши келди. Агар ёнида Шайх бўлмаганида ирғиб туриб, кофарнинг бетига шапалоқ тортиб юборарди. У оғир чайқалди-ю, вазаби тилига кўчди:

– Хўв, кофар! Сени ҳам инсон боласи тувғонми ё хайвондин бўлғонмисан?! Ижозат сўрамай эшикдан кириб келдинг. Салом берсанг, тилинг кесулгайму, поинсоф?! Бир уриб бетингни бузайми ҳозир?!

Ашрафхон қози кофарни эшитиб, ёқасини чангаллади, «навзамбилло» деб қўйди. Қорлуқ йигит аввалги шаштидан тушди. Калласини хиёл эгиб таъзим қилди.

– Оламини ёритқувчи офтоб сизларни ёрлақасун, тақсирлар, – деди «Ассалом» ўрнига.

– Ана энди дардингни айт, Шайхимда не юмушинг бор эди? – деб сўради Бобо Мочин.

– Мана буни топишмоқчийдим...

Қўл-оёғи бөрлиқ бола типирчилади. Бошини у ён-бу ён чулғаб гудранди. Ашрафхон қози гўё фахрланган бўлиб нимтаъзим қилди ва Шайх томон бурилди:

– Ҳазрати Султон жаноблари бу киши бўладилар.

Қорлуқ йигит ишонмагандек шайхга қараб қўйди. Жуссаси кичкина, қотма, буғдойранг. Уст-боши ҳам фақирона. Тунов куни биров унга «Мана бу кишим Яссавий пирим бўладилар» деса, бекорларнинг бештасини айтибсан, аҳмоқ қилма, дерди. Авлиёлар авлиёси ҳам шундоқ... жайдари одамга ўхшайдимми?

Қорлуқ йигит болани тап эткизиб Шайхнинг олдига қўйди. Шайх бу ким, деб сўрамади. Қорлуқ энди гапга оғиз жуфтлаган эди, Шайхнинг ўзи сўз очди:

– Рукниддиннинг фарзандими?

Қорлуқнинг ранги бўзарди. «Қайдин билди, мендин бурун отаси хабар қилганмикан?»

– Танидингизми, тақсир? – деди кофар каловланиб ва Шайхнинг кўзига довираб боқди.

– Бу болани илгари кўрмаганман, – деди Шайх – сиз буни отасига қасдма-қасд гаровга олиб келгансиз, тўғрими?

Қорлуқ энгашиб Шайхнинг этагини ўпди.

– Авлиёлигингизга энди инондим. Ўзи тунов куни кўнглимга келиб эди. Сув бошида-чи, қапада. Анчайин мулло одам... бундайин гапларни топиб айтолмас деб ўйлаган эдим-а...

Кофар яна нимадир демоқчи эди, Шайх унинг гапини кесди:

– Ечинг!

Йигит асир боланинг оғзидаги латтани олиб ташлади, кўл-оёғини ечди. Бола ирғиб турди-да, кофарга ёпишди. Йигит ўзини тортиб қолди. Барибир бола унинг соқолидан бир чимдим юлиб олишга улгурди.

– Хей, итдан тувғон, тек тур, ўмаса қайта қонга тикаман! – деб сўқинди кофар. Бола тағин даф қилди. Кофар уни итариб юборди. Бола гупиллаб Бобо Мочиннинг тиззасига ўтириб қолди. Бобокул уни темир панжаси билан сиқиб ёнига ўтказди. Рукниддиннинг тўнғичи ўтирган еридан пўлиса қилди:

– Катта бўлай, энашғни кўрсатаман, диндан чиққан кофар! Сенга ўхшаган имони йўқларни аямай кириб ташлайман!

Қорлуқ йигит унга олайиб қараб қўйди. Шайх болани олиб кетинг, дегандек имо қилди. Ҳовлидан бир ходим кирди, болани стаклаб олиб чиқиб кетди.

«Кофар Самад» бўйрага тиз чўқди. У шошиб турган эди, икки оғиз дардимини айтаман-кетаман, деган ҳаёлда тамшанди. Бироқ Шайхнинг кўзига қаради-ю, гапининг калавасини йўқотди. Ичида изоси келди. Қизиқ, шу билан иккинчи марта ўзини йўқотиши. Ҳўв ўша куни, сув бўйида ўтирганида ҳам шундай бўлди. Шайхнинг кўзларида нимадир бор, одамга қараса, тилингнинг учида турган гапингни тополмай, баданинг қизий бошлайди.

– Бу гўдак сизга омонат, Шайх бобо. Биз Рукниддинга яраш-яраш қилайлик деб элчи юбордик. Номард экан, элчимизнинг кулоқ-мурнини кесиб қайтарибди. Қорлуқнинг бешикдаги боласигача қириб ташлайман, дебди. Отнинг тезагини ебсан, дедик. Дунёнинг ярмини олғон Санжар тағойинг не бўлди, ҳўв Самарқандда шўппайиб ўтирғон Маҳмуд оранг не бўлди, бир ўйла, деб хат бердик. Шайх бобо, сиз авлиё одамсиз. Рукниддин золим келса... боласини излаб келади, биламан... агар келса, айтиб қўйсангиз, отамиз бир – Одам Ато, энамиз бир – Момо

Ҳавво, беш қўлини овзига тикмай тинчига юрсин. Бизнинг бир бурда ношимизни ўзимизга егизса, биз унга тиймаймиз. Қорлуқ ҳам шу ернинг ияси. Ўтпараст бир кофир бўлатуриб сиздин ўтинаман, бобо. Йўқ, тияберса, уйини вайрон қилиб, болаларини оловга солгаймиз... Ана энди, тақсирлар мен кетдим. Номард кеб қолмасин. Келса, шундай азиз ерда қон тўкилади.

Қорлуқ бош чайкади, уф тортди. «Вой, қорлуқ бўлиб яралғон жоним-а!» деб афсус-надомат ичида чиқиб кетди.

Чорак соатлардан кейин хонақоҳ ҳовлисига Рукниддин кириб келди. Эғнида кўк мовут тўн, бошида ёқут қадалган салла, белида тилла камар. У илгариги такаббур Рукниддинга ўхшамас, улуғ бир гуноҳ қилиб қўйиб, тазарру айтмакка келаётган собиқ шахзодани эслатарди.

Рукниддин тош терилган улкан ховлини миннат билан босиб, Шайх ҳужраси томон бораркан, оёқлари тагидан чиқаётган товуш ғашини келтирди. Гўё бу тошлар саси кечаги, ўша довонда фалокат келтирган қора тошларнинг акс садосидай юрагига ваҳима, ўкинч солди. Рукниддин хонақоҳ тўридаги ҳужрага юқинди. Паст товушда салом берди. Шайх ҳам оҳиста алик олди. Рукниддин қорлуқларни ёмонлади:

– Бу имонсизлар подшолик солиғини тўламақдин бош тортадир, пирим. Раиятни ёвдин асрайдиғон қўриқчиларни не бирла боққайман? Сўғин, анави кофир қорахитойлар мазхабига кириб бир-иккитаси диндан чиқибди. Иншоолло, мен белимга ҳазрати Алининг қиличини бойлағанман, Шайхим.

Ҳоким, дини исломни ёқлаб гапирсам, Шайх ёнимни олар, кечаги қирғинбаротни юзимга солмас, деб ўйлаган эди. Акси бўлиб чиқди. Шайх икки кун бадалида Рукниддиннинг барча қилмишларини эшитган эди. Қора довондаги хунрезликни кофар йигит ҳам айтиб берди. Шайхнинг энг ёмон кўргани мунофиқлик эди. Мана, рўпарасида, жаннатдай бир вилоятнинг ҳокими кўзини лўқ қилиб риёкорлик қилиб ўтирибди. Шайхнинг мискин қалби жунбишга келди, даврадаги уламою умаро ичида ҳокимнинг пўстагини қоқиб мулзам қилмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди: «Садқаи сухан. Аллоҳ таоло азал лойини қорғонда бу бадқирдорва бир чимдим инсофу диёнат насиб қилмабдими, энди ўттиз

ёшли гўдакка ваъз-насиҳат хайф». Ёнбошидан муштдай халтача олиб ҳокимнинг олдига отди. Барча – Сулаймондан Ашраф қозию Исмоилхўжагача ажабсиниб қараб турди. Рукниддин халтачани олиб пайпаслади. Унда қурук тупроқ борлигини сезиб, кизаринди. Шайх отган халта унга тарсаки мисол таъсир қилди. Турк авлиёси гўё, «Кўзингга тупроқ тўлганда ерга тўясан» дея таъна қилаётгандек эди. Рукниддин қаттиқ-қурук гап айтиб юборишдан ўзини тийди, лекин ирғиб ўрнидан турди. Остонага борганда ўгирилди:

– Мен сизни бу қадар бешафқат деб хаёл қилмагандим, таассуф... – деди гезариб.

– Бегуноҳ, қуролсиз, заҳматкаш, ғариб кимсаларнинг қошини тўкмак шафқатли инсоннинг ишиму, ўғлим? – деди Шайх аста. Кейин Бобо Мочинга юзланди, – омонатини беринглар.

Бобо Мочин Рукниддинга эргашди. Фазлиддин кўшни хонада йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган эди. Бобоқул болани уйғотиб, отасининг олдига олиб чиқди. Ота ўғли томон интилди. Бироқ бола қилт этмай тураверди. Рукниддин яқин бориб ўғлининг бошини силамоқчи бўлди. Фазлиддин отасининг қўлини силтаб ташлаб четланди.

– Боринг... Кўрқок... Сиз кўрқоксиз. Таёқ кўтарган хайвонлардин қочиб келдингиз...

Рукниддин ўғлининг бетига шапалоқ тортиб юборди. Бола йиғламади. Бетици силаб бақирди:

– Уриб ўлдирсангиз ҳам бормайман уйингизга! Самарқандга кетажакман! Санжар тағойимнинг олдига қочиб кетгайман!

Рукниддин ёнидаги навкарларига қараб ўшқирди:

– Бу оқпадарни тутиб оёқ-қўлини боғланглар!

Фазлиддин ура қочди. Югуриб бориб ҳовли этагидаги балхтутга чиқиб кетди. Рукниддин кўчага сакрашни мўлжаллаб турган ўғлига хавфсираб қараб турди-да, бош чайқаб қўйди. Сўнг навкарларини эргаштирганича гурс-гурс юриб ҳовлидан чиқиб кетди.

## ЗИКР

### 10- ф а с л

*Рухини пок қилган одам асл муродига етгай.*

Қуръони карим, «Шамс» сураси

*Зикр – жоннинг роҳати.*

Ахмад Яссавий

Қутбиддин зикрни соғинди. У эҳтиросли, халқ тили билан айтганда юрса ерни ёндирадиган йигитлардан эди. Тўрт кундан бери томирларида йигитлик қони хуруж қилар, бадани қизиб, ўзини қўярга жой тополмай беҳуд бўларди. Қутбиддин пир ҳазратларидан бир ҳикоят эшитган эди: мозийда ўтган бир сўфийнинг шавқи ва ихлоси таважжуҳи шу қадар зўр эканки, у намоз ўқиётганида сўнгаклари шақирлаб товуш берармиш. Неча кундирки, Қутбиддин ҳам ўша сўфийнинг кўйига тушиб қолди. Ўн саккиз ёшни бедов отдек эгарлаб миниб олган бу давангирдек йигит жисми жонига яширинган оташин қувватни тезроқ сарфлаб, вужуд шаҳрини ўтли ҳислар тутқунидан озод қилмоқчи бўлади. Бунга ёлғиз зикри самоъ орқалигина етишуви мумкин эди. Зикр эса, аксига олиб кечиктирилди. Одатда у жума кунлари бошланиб то кечгача давом этар, сўнг зокирлар тунни салби вужуд, тиловат ила ўтказиб, азонлаб сайру саёҳатга чиқиб кетардилар. Бу сафар Исфижобдаги ғалаён ва анави кофар қорлук билан такаббур Рукниддиннинг ғовғаси туфайли зикр бир кунга қолдирилди. Қутбиддин хос надим бўлганлигидан Шайхнинг ҳужраси ёнида, Бобо Мочин билан бир хонада истикомат қиларди. У икки остона орасида бетокат кезади. Шайх ҳужрасига бориб, ичкарига қулоқ оседи, яна изига қайтади, ерга боқиб, «Девони ҳикмат»ни пичирлаб ёддан ўқийди. Ховуз атрофида сувдаги аксларини томоша қилиб турган дарвишлар ёнига боради, девор панасида, балхтут тагида калла осилтириб ўтирган соликлар қаторига бориб чордана қуради. Юраги ҳаприқади, ирғиб туриб нари-бери юради, интиқ бўлиб Шайх эшигига термилади. Зора Ҳазрат фатво берса-ю, тезроқ зикр бошланса...

Қутбиддин ташқи ховли билан ичкари ўртасидаги кичкина айвонга бориб чўнқайди. Ёнбошига қирқ ёшларни

коралаган котма, чувак юзли бир дарвиш келиб ўтирди. Кутбиддин одоб юзасидан сал сурилди. Дарвиш куллуқ қилди. Кутбиддиннинг қоракўлдай товланиб турган калта соқолига, анордек қонталашган кип-қизил бетига, эғнидаги озода либосига разм солди. Хаваси келди. У Кутбиддинни танирди, унинг Шайх ул-машойихнинг яқин муридларидан эканини ҳам билади. Шунинг учун атайин ёндошиб келган эди.

– Биродар, нафси хайвонийа бирла рухиййани бир кўрсатинг, э уриндим, нафас етмайду, – деди дарвиш энтикиб. Кутбиддин унга кўз қирини солди. Дарвиш сезилар-сезилмас энтикарди.

– Оға, нафасингиз қисадурми? Нечук бу сифат қийналиб дам олурсиз?

– Зотилжамдин қолгон дардим бор. Хаво айниган кунлари кўзимга дунё тор кўрингай.

– Иншоолло, жахрия бирла тез-тез машғул бўлиб турсангиз, бу дарддин форив бўлиб кетурсиз, – деди Кутбиддин, – сулукка яқинда кирдиларми?

– Ҳовва. Қирк кун бўлди. Тўрт сафар зикрга тушдим, холос.

– Ундок бўлса, зикри ал-авқотни<sup>1</sup> тарк этманг. Ўпкашгиз тоза ҳаводан тўйиб симириб турса, нафасингиз равонлашгай, оға. Энди менга разм солиб туринг-чи.

Кутбиддин зикри нафасия билан зикри рухиййа йўриқларини кўрсатди.

– Мана, қараб туринг, оға. Мен ҳозир ўпкамни тўлдириб нафас оламан. Кейин оғзимдан чиқараман. – Кутбиддин кенг кўксини кўтариб эркин нафас олди ва «пуф-ф!» – деб дам қайтарди, – буни зикри нафасия дейдилар. Бу – ичакқориндан келадиган нафасдур. Ва ул оғиз-бурун орқали ташқарига чиқади. Қани, нафас олинг-чи, оға.

Дарвиш қийналиброқ хаво сўрди, Кутбиддинга тақлидан «пуф-ф!» деб дам қайтарди.

– Тўйиброқ нафас олинг, оға, кўкрагингиз ҳавога тўлсин! Шунда ичингиздаги ел бирла иллат ҳам кўчиб кетгай. Қани, нафас олдик! И-у-юф! Ҳа-а-а! И-у-юф! Пуф-ф! Ўзингизни аяманг! Жоним оғримасин, десангиз аввал жонингизни оғритинг. Боя қоринга олгон ҳавони

<sup>1</sup> Кундалик зикр.

халкум орқали чикардик, а? Энди бўлса, оғизни юмиб, бурундан нуфлаймиз. Мана бундоқ қилиб, оға, қараб туринг.

Қутбиддин кўкрагини тўлдириб нафас олди ва «пиш-ш» эткизиб бурнидан ҳаво чикарди.

– Нафас олғонда ҳам, нафас чикорғонда ҳам хаёлингизда бир фикр бўлсин. Мен миямни поклайдирман, деб ўйланг. Зикри рухиййадан муддао шуурни, ақлни тозартиш, калладаги жамики бегона ғаризаларни қувиб чикаришдур. Қани, бир машқ қилиб кўринг-чи, оға.

Дарвиш ихлос билан нафас олди, бурнидан ҳаво чикармоқчи бўлди, бироқ танг ҳолга тушдим, оғзини кап-кап очиб эплай олмади.

– Хижолат чекманг, оға, худо хоҳласа ўрганиб кетасиз. Мусулмончилик аста-секин дейдилар. Камина ҳам рухиййани забт этмак учун икки йил заҳмат тортдим. Рухингиз мисоли бир учқур от, баданингиз жилов бўлиб уни тутиб турибди. Рухингиз тизгиндан озод бўлғоч, бадан зулмидан қутулғай.

– Иншоолло.

Шу пайт ён эшикдан Исмоилхўжа кирди, Қутбиддин билан дарвиш хопақоҳ соҳибининг ҳурмати учун ирғиб пахта тушдилар. Исмоилхўжа илдам юриб Шайх хужраси томон ўтиб кетди. Бир оздан кейин қайтиб чиқди. Уч марта қарс урди. Бу зикр бошланганидан дарак эди.

Ҳовлида тўзиб юрган дарвишлар бири-бирин ҳовуз ёнидаги сада остига жам бўла бошладилар. Сада олдига ўнлаб бўйралар тўшалган, устига туя жунидан босилган кигизлар ёзилган эди. Одатда, одина куплари бу ерда қирқ-эллик човғи дарвиш тўпланиб зикр тушарди. Бу сафар, Шайх ташрифи муносабати билан зикри кабир уюштирилган, шу туфайли, Яссидан, Ўтрордан келган зокирлар жам бўлиб, юзга яқин солиқ йиғилди.

Исмоилхўжа қоқ ўртага келиб чордана қурди-ю, «Фотиҳа» сурасини ўқиди. Сўнг кўзларини юмди. У қадим ақидага кўра, Яссавий хикматларини ўқиб зокирларни халқага чорлай бошлади:

*«Хув» ҳалқаси қурилди, эй, дарвишлар, келинлар,*

*«Ҳақ» сураси ёйилди, андин улуш олинглар!*

*Қол илмини ўқибон, ҳол илмига етибон,*

*Йўқлик ичра ботибон, борлиқлардан олинглар!  
Йиртиб шафқат пардасин, тилаб дийдори худо  
Очиб кўнгил дийдасин, мушоҳида қилинлар!  
«Хув» аррасин олибон, нафс бошига солибон,  
Туни кунни толиблар жонни фидо қилинлар!  
Халқа ичра «хув» денлар, ишқ ўтига ёнинлар,  
Тан-жон бирла, толиблар, тақбир бошлаб айтинлар!  
«Хув-хув» тею зор инграб, хув демакдин маъни бор,  
Дийдоридин умидвор раҳматидин олинглар!  
Кул хожа Аҳмад кул бўлгон, йўл устида кул бўлгон,  
Толиблар комил бўлгон, андин ибрат олинглар!*

Исмоилхўжа хикмат ўқиб бўлгунча, зокирлар бир ерга жамланиб кигизда давра қуриб турдилар. Энди таҳлил-тақбир айтиш керак эди. Жаҳрия тариқатининг шарти шул: зикр олдидан қиёмга туриб, калимаи шаҳодат ўттиз уч карра такрорланади. Шу йўл билан зокир гўё баданидаги уч юз олтмиш томирини аста-секин жунбишга келтиради, хаёлидаги беҳуда фикрларни овлоққа хайдайди, бу фоний дунё унсурларидан узилиб, буткул борлиқни унутади, ёлғиз Аллохнинг ёди, парвардигорнинг дийдори билан банд бўлади. Тақбир ниҳоясига етганда ҳақ йўлига кирган солиқ учун на замон, на макон тушунчаси қолади – оламда ўзи бору Аллох бор, холос.

Исмоилхўжа Калимаи Тоййиба айтди:

– Ла илаҳа иллалло-ох! Муҳаммад-ур расулуллоҳ!

Чор атрофдан жўровоз келди:

– Ла илаҳа иллалло-х! Муҳаммад-ур расулуллоҳ!

Энди зокирлар навбат билан имон келтира бошладилар. Бир дарвиш Калимаи Тоййибани кироат қилар, халқада саф тортганлар уни баралла товушда такрорларди.

Муборак калима кўпроқ айтилган сари зокирларнинг ғайрати жўшиб борар, товушлари тобора жарангдор чиқар, юзга яқин солиқнинг йўғон, ингичка, чўзиқ кироатларидан улкан ҳовли ларзага келгандек бўларди. Калимаи Тоййиба ўттиз уч марта айтилгач, зокирлар нафас рўстладилар ва хонақоҳ соҳибининг ижозати билан ерга ўтирдилар. Худди шуни кутиб тургандек ичкаридан Ҳазрат чиқиб келди. У Сулаймон, Бобо Мочин, Ашраф қози билан сарҳовуз четига, балх тут остига тўшалган бўйрага бориб ўтирди. Шайх зикр бошлашга ижозат берди.

Орага бир лахзалик сукунат чўкди. Дарвишларнинг калласи ҳам, кўзлари юмук, улар шу ўтиришда гўё парвоз олдидан бир сония она заминдан қувват эмаётган қушларни эслатарди. Шайх ул-акбар ҳам уларни бежиз ҳув қушлари – дарвишлар, деб атамаган. Ҳозир улар «Ҳак! Ҳув!» яъни «Ё азим Аллоҳ!» деган хитоб орқали кўкка – арши аъло сари учмоққа тайёр эдилар.

Ниҳоят, Исмоилхўжа салмоқ билан зикрбон хикматлардан бирини бошлади:

*Қаҳҳор отлиқ қаҳрингдин  
Кўрқиб йиғлар Хожа Аҳмад...*

Чор атрофдан дарҳол «Ҳак! Ҳув!» деган жавоб янгради.

*Раҳмон отлиқ раҳмингдин  
Умид тутар Хожа Аҳмад...*

Энди дарвишлар таомилга кўра чорзарб урди:

– Ҳак! Ҳув! Ҳак! Ҳув!

*Гуноҳим кўп, Оллоҳим,  
Кечиргайсан гуноҳим,*

– Ҳак! Ҳув! Ҳак! Ҳув!

*Барча қуллар ичинда  
Осий қулдир Хожа Аҳмад...*

– Ҳак! Ҳув! Ҳак! Ҳув!

Исмоилхўжа зокирларнинг бадани қиза бошлаганини кўриб, байтларни жуфтлаб, тезроқ ўқишга тушди:

*Мунофиқлар юрурлар,  
Фисқу фужур қилурлар,  
Ҳаром луқма еюрлар,  
Кўрқиб йиғлар Хожа Аҳмад...*

Дарвишлар воизнинг шиддатига мос ҳолда суръатни тезлаштирдилар, чап томонларига қараб «Ҳак! Ҳув!» дея солиб, дарҳол ўнгга ўтирилар ва ўткир нафас билан айтилган «Ҳув»дан сўнг хансираб шеърнинг давомини кутишарди.

*Тариқатни билмадим,  
Ҳақиқатга кирмадим,  
Пир буйругин тутмадим –  
Узри кўндир Хожа Аҳмад...*

Зокирларнинг жазаваси кўзиди. Улар энди ўзларини, атроф-муҳитни унута бошлаган эдилар. Шунинг учун бошда дона-дона, ички бир эҳтирос билан айтилаётган сўзларни қискартириб, ямлаб бақирришга тушдилар:

– Ҳаққу! Ҳаққу! Ҳаққу!

Шайх азим даврага назар солиб кўзи билан Қутбиддинни ахтарди. Ана у, Исмоилхўжанинг рўпарасида ўтирибди. Зикр шарофати туфайлими, яғринлари янада кенгрок чўзилгандек ёқаси очик, кўзлари ажиб бир жило билан ёнади. «Ҳаққу»лаб икки ёнбошига юз бурганида арчадек учлик, катта кулоҳи бошидан учиб кетгудек бўлиб селкиллади. Қутбиддиннинг жон-жаҳди билан чорзарбни ўрнига қўйиб зикр тушаётганини кўриб, Шайхнинг ҳаваси жўш урди, завқиеб кўнглини фахр туйғуси эгаллади, хаёлидан бир муқояса липиллаб ўтди: «Агарчандким, қуш сувга тўш уриб роҳатланар экан, бу ёлғиз сувнинг фазилати бўлмай, ўшал қушнинг эҳтиёжи ҳамдур».

Исмоилхўжа мактаъга ўтди:

*Қул Хожа Аҳмад, тоат қил,  
Йиғламоқни одат қил,  
Бало келса, тоқат қил –  
Ҳақдин бўлур, Хожа Аҳмад!..*

Дарвишлар шоша-пиша чорзарб урдилар ва туришга тайёргарлик кўрдилар. Исмоилхўжа қарс урди. Зокирлар ирғиб ўринларидан туришди. Қўлларини ёзиб бир-бирларининг елкаларига қўйдилар. Энди зикрнинг мураккаб, ва эҳтимол, энг ҳаяжонли дамлари бошланиши керак эди. Буни зикри арра дейдилар. Шайх ул-машойих бир вақтлар, Бухорода юрганида турк сулукини тузаркан, янги тариқат учун қайси бир зикрни танласам экан, деб узоқ хаёлга толди. Сўфийлар маслагиди икки хил зикр ҳукмрон эди. Бири зикри қалбий. Бу зикр яққа-ёлғиз дарвишнинг машғулоти. Зикри қалбийга ружу қўйган солиқ имкони қадар жамоага қўшилмайди, танҳо юриб, танҳо туради, жамоатдан овлоқ ерларда тиловат қилиб, лайлу наҳор Аллоҳнинг ёди билан яшайди. Зикри қалбий тарафдорлари инсон танҳоликда – мулоҳаза, мушоҳада, таҳлил орқалигина ўзининг кимлигини, бу оламдаги ўрнини кашф этади, деб ҳисоблардилар. Хожа Юсуф Ҳамадоний тарғиб этган ва камолга етказган зик-

ри қалбий фалсафаси бир ҳикматда жам бўлган эди: «Кўзингни юм, эй дарвиш, шунда икки олам кўрингай сенга!» Яъни инсон сабру суқун, тавба-тазарру, узоқ йиллик зоҳидона таҳлил натижасида ўзини англайди, у ҳам ўн саккиз минг оламнинг бир бўлаги эканлигини туяди, олами носутдан олами лохутгача<sup>1</sup> бўлган ғойибона ва шарафли йўлни босиб ўтади. Мухтасар қилиб айтганда, зикри қалбий – бу яққа-ёлғиз ҳолда, ички бир ирода, интизом, эътиқод ва тоат-ибодат ҳамда машқ орқали руҳан ва маънан камолга етмоқ тариқати эди. У турк элатининг феълени хўп билади. Бу халқ жангари, ғайратли, бир ерда қўними йўқ, тиниб-тинчимас. Унинг устига қони қайноқ. Унга бир оғиз гап кўплик, ярим оғиз гап камлик қилади. Бўз қирларда қурай-қурайлаб мол хайдаб юрган, учи-қири йўқ Дашти Қипчоқда от чоштириб шамоллар билан баҳс ўйнайдиган кўчманчиларнинг саҳродай кенг, тоғдай эркин кўнгилларига банд уриб, зикри қалбийга кўндириш амримаҳол. «Ҳар ернинг тулкисини ўз тозиси билан овлайдилар, – деб ўйлади Шайх, – асов огни уюридан ажратиб олсанг, эгарга бўйсунмас. Уйриси бирла бир ерга жамлаб баравар қўлга ўргатмоқ авлорок эмасму?» Шайх наздида, инсон баданида мудраб ётган гавҳардек бебаҳо ҳисларни уйғотиб, одам боласининг кўзини очадиган, унга оби ҳайвондан<sup>2</sup> ичириб, дардига дармон, дилига севинч бағишлайдиган руҳий неъмат – бу жаҳрия, яъни қаттиқ товуш билан айтиладиган зикри самоъ эди. «Туркий эл телбадек ўз-ўзи бирла тиллашмоқни хуш кўрмас, анинг саъй-ҳаракати, шижоати, жисмоний қуввати товуш бериб зикр тушмакка мойилдур» – ўйланди Шайх ва Ғавсул аъзам Абдулқодир Гилонийдан мерос қолган хадра – баралла, жўровоз зикрни Яссавий тариқатининг бир шарти, деб қабул этди. Унинг яна бир муҳимроқ, олис келажакни кўзлаган пинҳоний нияти ҳам бор эди: «Туркистон заминида бир-бирининг гапига қирмай, оғзи олалик қилиб юрган тарқоқ элат, зора ушбу зикр баҳонаси ила беш панжадек маҳкам бирлашса ва иншоолло, замондин замонлар ўтиб туркий лафзда сўзлагувчи эллар машриқдинми, мағрибдинми келгувчи зобитлар, ватанга-

<sup>1</sup> Олами носут – моддий олам, одами лохут – илоҳий дунё.

<sup>2</sup> Оби ҳайвон – гириклик суви.

долар илкида кўпкаридек талош бўлмаса», дея сахарлар Аллоҳ таолога муножот айтарди.

Гилоний жаҳрияси гўёки бир мевали дарахт эди. Неча йилдирки, раббим, деган дарвишлар бу дарахт мевасидан баҳраманд бўлиб, соясида истирохат топиб келмоқдалар. Шайх бу муаззам оғочга икки яшил бутоқча пайванд қилди. Бирини зикри арра, иккинчисини зикри султоний деб атади. Дарвишлар ҳозир ана шу зикри арра ҳолатида оғизларидан, бурунларидан тез-тез нафас олиб, халифа амрига илҳақ бўлиб турардилар. Қутбиддин ҳам хансирайди, унинг етмиш икки бўғинида ажиб бир роҳатбахш сезги ўйнайди, икки ёнида, рўпарасида ўзидек жанда кийган ва терлаб-пишган биродарлари билан сирли бир олам сайрига жўнайдигандек, дили гупиллайди.

Исмоилхўжа Муҳаммад алайҳиссалом шаънига битилган ғазалнинг бир байтини салмоқлаб ўқиди:

*– Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон Муҳаммад,  
Ўттиз уч минг асҳобга раҳбар бўлгон Муҳаммад!*

Дарвишлар сўнгги сатрни баралла, бўғинма-бўғин такрорладилар:

*– Ўттиз уч минг асҳобга раҳбар бўл-гон Му-хам-мад!..*

Улар халифага таклидан шеър айтиш баробарида, гоҳ чапга, гоҳ ўнга эгилар, олға хиёл таъзим бажо келтириб, ортга чалқаяр, сўнгра кенг, танобий ховлини ларзага солиб «Ҳақ! Хув!» дея бакирардилар. Таомилга кўра, ғазалнинг давомини энди зокирларнинг ўзлари навбат билан айтиб, зикри самоъдан зикри аррага ўтишлари лозим эди.

Ўртароқдан бир дарвиш товуш берди:

*– Йўлдин озгон гумроҳга ҳидоятлиқ Муҳаммад,  
Муҳим тушса ҳар кимга кифоятлиқ Муҳаммад!*

Зокирлар тавин тўрт томонга шох ташлаб хув тортдилар. Байт қироати тезлашди:

*– Маломатни собуши, саломатлик Муҳаммад!..*

*– Ҳаққу! Ҳаққу!*

Ҳаракатлар янада илдамлашди. Аввал дарвишлар ҳар бир байтдан сўнг бир сония тинчиб, навбатдаги зокирнинг хитобини кутса, энди байтдан-байтгача ер тепиниб, бетўхтов тебраниб турдилар. Қутбиддинга навбат келди.

Унинг овози ширадор ва кучли эди. Қутбиддин ким тез айтар боладек ғазалнинг бир байтини нафас олмай шариллатиб ўқий бошлади:

*– Тариқатга раҳнамо иродатлиқ Муҳаммад,  
Ҳақиқатга муқтадо ижозатлиқ Муҳаммад!*

Зокирлар ич-ичларидан тошиб келаётган ҳисларини жиловлай олмай жазавага тушди. Улар энди шеър айтувчи воизнинг товушига қулоқ осмас, ҳар қайсиси ўз билганича баралла овозда бақирар, шитоб ила тўрт томонга чайқалиб, бир-бирларини йикитгудек алфозда арзу самога илтижо қилардилар:

*– Ямонлиққа яхшилик! Ҳа! Ху! Ҳа! Ху!  
– Кароматлиқ Муҳаммад! Ҳа! Ху! Ҳа! Ху!  
– Товфиқ берган золимга! Ҳа! Ху! Ҳа! Ху!  
– Жалолатлиқ Муҳаммад! Ҳа! Ху! Ҳа! Ху! Ҳ-Ҳа-а!!!*

Суръат тағин бир нарда тезлашди. Зокирлар томоқларини йиртиб жон ҳолатда бақирар, уларнинг кўзлари олайиб кетган, оқ кигиздан оқиш тўзон кўтарилар, ҳаракат шиддатидан баъзи бир зокирларнинг бошидан қалпоқлари учиб кетган ёки белбоғлари ечилиб оёқ остида ётарди. Бироқ, бу ёруғ оламдан тамом мосуво бўлган, таналари таносухга йўлиққан дарвишлар ҳеч нарсани пайкамас, уларнинг онги, шуури қайларгадир, ўзга фалакларга кўчган, ҳозир фақат оёқлари ер тепиб, вужудларини ларзага солар, елкаларга чангақдек ёпишган қўллари-ю, оғизга сиғмай кетган тиллари Яссавий каломини бидирлаб, ҳайкириб такрорлар эди.

Қутбиддиннинг ичи-таши терлаб либослари баданига ёпишиб қолди. У бақувват қўллари билан икки тарафдаги ҳамроҳларини маҳкам ушлаганча, ҳамон ҳай-ҳайлаб зикрга тушмоқда. Исмоилхўжа кетма-кет қарс урди. Бу ишорани англаб, дарвишлар гир айланишга тушдилар. Бетиним бақириб байт айтмоқ, ер тепиб чорзарб уриш, устига-устак гоҳ чапга ўн қадам, гоҳ ўнгга ўн қадам селкиллаб айланиш, орада, баҳоли қудрат дегандек, зикри аррани айтиб хув тортиб туриш зокирларни обдан холдин тойдирди. Ғазалнинг сўнги байтлари айтилганда илгариги шиддат сусайди. Исмоилхўжа қадди дуто бўла

бошлаган дарвишларга қиё боқиб қўйиб, зикрга хотима ясади:

*– Мискин Аҳмад қўлига китобатлиқ Муҳаммад,  
Етим, фақир, ғарибга саховатлиқ Муҳаммад...*

Барча «Ё Муҳамма-а-ад!!!» деб кичқирди. Исмоилхўжа жойига келиб чордана қурди. Зокирлар ҳам таппа-таппа ўтирдилар. Нафас ростлар-ростламас, «Олло! Олло! Ў Олло-о!!!» деб узун ух тортиб қўйдилар. Ҳаммаларининг боши эгилди, қўллари қовушди. Шу алфозда, аста-аста юрак ҳаприқишини босиб, дарвишлар бир неча дақиқа сукутга кетдилар. Қутбиддин ҳам кўзларини юмди. Рўнараси оппоқ нурга тўлди. У гўё оқ кигиз устида эмас, кумушранг тахтда, арши аълода ўтиргандек эди.

Таомилга кўра, зикр сўнгида яна Яссавий хикматлари ўқилар, бу сокин, ўйчан шеърлар орқали ҳали юрак ўйноғи босилмаган жозиб дарвишлар осойишта ҳолатга қайтар эдилар. Шайх Қутбиддин томонга назар солди. У суюкли шогирдининг қироатини жуда-жуда истарди.

– Қутбиддин, қайдасиз?

Қутбиддин ирғиб турди, қўлларини қовуштириб таъзим қилди.

– Ҳикмат айтинг, ўғлим, – деди Шайх. Қутбиддин пири не битган бўлса, барчасини ёд биларди, кўзларини юмиб, ўзи севадиган бир ҳикматни қироат қилишга тутинди:

*– Ваҳдат хуми очилди, майхонага кирсам мен,  
Бир жом ичиб шул майдин масту ҳайрон бўлсам мен.  
Ўшал майнинг мазаси ич-бағримни қон қилди,  
Бағир қоним оқизиб, жонон сари борсам мен.*

Ҳансираши босилай деган дарвишлар шеър завқиданми ёки бу назмнинг ҳозирги ҳолатларига мос тушганиданми, «Бале!» дея Қутбиддинни алқаб қўйдилар.

*Соқий сунди ҳарнафас қайфиятнинг шаробин,  
Сармаст бўлиб ўшал дам нола, фарёд урсам мен.*

– Ҳақ!

*Инсоният яқосин шавқ оташи куйдирди,  
Ваҳдоният дарёсин ўшал дамда сўрсам мен.*

– Водари-иғ!!!

*Ул дарёнинг мавжидин тегма говвос дур олмас,  
Жондин кечиб дур учун бахр қабрига чўмсам мен.*

– Ё фалак!

*Хожа Аҳмаднинг хумида муҳаббатнинг шароби,  
Ошиқларга шул майдин муродинча берсам мен!*

Чор атрофдан «Пийрим!» деган хитоблар янгради. Ҳазрат дуога қўл очди. Хонақоҳ ҳовлисида йирилган аҳли жамоат, дарвишлар, хизматқору ходимлар «Овмин!» дея қафтларини жуфтлади.

– Раббано анзилни мунзалан муборакан ва антаҳайрул музилини! Раббано! Менга шундай манзил бергилки, у манзил менга ва эгасига муборак бўлғай! Сен яхши манзил бергувчисан. Аллоҳу акбар, вассалом!

– Аллоҳу акбар!

Шайх енгил қўзғалиб, хужраси томон юрди. Зикр тамом бўлган эди.

## ИККИ ҚАЛТИС САВОЛ

### 11-ф а с л

*Одамни қучоқлаб ўлдирса ҳам бўлади.*

Шарк ҳикмати

Бир ҳафтадирки, Шайх Исфижобда сокин бўлиб турибди. Бу жанинатмакон манзилдан сира кўнгил узиб кетгиси келмайди. Турилган еришнинг тупрови зар, тикони гул, тахир суви болдай тотли бўлар экан. Шайх ўтган ҳафта ичида атроф-жавонибга сайрга чиқди, олис-ёвуқ овулларга борди. Оксув бўйларида, Қорамурт, Кўкбулоқ кентларида эл-улус дастурхонидан туз тотди, азия авлиё-анбиёлар турбатини зиёрат қилди. Ҳазрат қайга борса, «кўнгли синиқ халойиқ» дардига кулоқ туттишни, қўлидан келмаса, тили билан уларнинг мушкулини осон этмак йўлини ахтарарди. Етти кун бадалида бомдоддан хуфтонгача хонақоҳдин зиёратчилар оёғи узилмади. Работдан келган чорикорлар, мадраса муллабаччалари, мозористон мужовирлари, мударрислар, тужжорлар, кент оксоқоллари, қаландарлар, мухтасиблар, Боласоғундан Урусия диёрига кетаётган сайёҳлар, кўчманчи морбозу сохирлар, ё муслим, ё насроний бўлолмай аросатда

колган мажусийлар... хуллас, шу зангори осмон остида охиратнинг яроғини гоҳ тоғиб, гоҳ йўқотиб юрган кулли башар борки, барчаси Шайх ул-машойих даргоҳига интилар, унинг суҳбатидан бахраманд бўлишга ошиқарди. Етти иқлимда қутбул актоб, авлиёлар сарвари дея шуҳрат тожини кийган бу оппоқ бежирим соқолли, ўзи ҳам, либоси ҳам одми, аммо лафзи кескир, сухани рамзий, ҳукми қатъий валийнинг мажлисида тонг орттириб, кун боттириш умидида юрганлар сон мингта эди. Бир ҳафта давомида Шайх минглаб аҳли мўмин бирла суҳбат қурди, уларнинг юзлаб саволига жавоб берди, илоҳий ишқ, мушриқлар, саҳобалар, аҳкоми ислом, ирода ва қудрат, Ҳақ Мустафо суннати, фарзи айн, фарзи кифоя, зуҳд ва тақво, дарвишлик фазлу камоли, хилвати шарият, хилвати тариқат, зикру самоъ шарҳини сўзлади. Амримаъруфдин, наҳйи мунқардин ваъз айтиб, ҳукамо бирла авом халқни инсофга, тавфиққа чорлади.

Бас, энди сафари қариди, энди йўл тадоригини кўрмак керак. Сунбула вилоят айтмоқда, йўл олис, Самарқандгача мезон ҳам заволга етгай. Ҳали олдинда Қаффоли Шоший зиёрати, Чўли Малик заҳмати турибди. Унинг кўз ўнгида Самарқанддаги гариб хужраси, Фотифар мавзеси, қиёматли дўсти Абдулҳолиқ Ғиждувоний суҳбатлари ва... тағийи чўллар, биёбонлар, суронли шаҳарлар оша етиб борадиган манзили Маккаи мукаррама гаудаланди. Туш кўрди. Тушига Хизр алайҳиссалом кирди. Гўёки иккови икки оқ туяда Байтул муқаддас сари равон-равон кетиб борар эмишлар. Шу пайт дўсти Абдулҳолиқ пайдо бўлди. У Шайх минган туянинг бурундуғидан тутди. «Дўстим, сизнинг қиблагиз Туркистондадур. Дунёнинг тўрт тарафидан тўксон тўққиз минг ғофилнинг басир кўзини очиб, кўнглига илоҳий ишқ нурун солдингиз, сизнинг жойи ростоингиз жаннатнинг тўридадур».

Ҳаёл уммонида ётиб Шайхнинг кўзи илинган экан, қаттиқ ёстиқдан илкис бош узди. Мойқовоз ёпиштирилган патнисдек кичкина дарчага қараб қўйди. Ховлидан офтоб кетибди, намози дигар етибди. Хужранинг бурчагида Сулаймон ўтирибди. Тиззасида қоғоз, хомасини тишлаб олган. У ҳам ҳаёл уммонида фарқ шекилли, Шайхнинг шарпасини пайқамади. Сулаймоннинг кўз ўнгида бугунги мажлис кетмай қолди. Неча йилдирки, у Ҳазратнинг

содик махрами, яқин йигирма йилдан буёғида унинг ортида соядек эргашиб юрибди. Аччиқ-чучукни бирга тотди, дўстини дўстим, рақибини рақибим деди. Юзлаб мажлисларда иштирок этди. Аммо бугунги мажлис жамики мубоҳасаю мунозараларнинг гултожи бўлди. Исфижобнинг энг улуғвор масжиди—Масжиди Қорахонийга одам сирмай кетди бугун. Жума бўлгани учунми, музофотнинг барча пучмоғидан халойиқ тўпланган эди. Бомдод намозидан то пешингача—камида олти-етти соат бетўхтов ваъз, музокара, баҳс, масала талашув даном этди. Мажлисида Шайхга иродат қилганлар, албатта, кўп эди, аммо ҳарифлари ҳам старли эди. Улар, асосан аркони дин, исломда шариат ҳукмидан ўзгани тап олмайдиган, Куръон ўқиб маъло укмайдиган, оятларда битилган ишораларга ақли етмайдиган ақл кўзи кўр уламо эди. Ҳазрат бундайларни мусхаб тафсири билан, Исмоил ал-Бухорийдек мўътабар ва улуғ муҳаддисларнинг шарҳи билан мот қилди. Сулаймон ёқасини ушлади. Шайх наинки Куръони мажидни, балки минглаб ҳикматлардан иборат Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Байзавий, Ибн Можжа, Доримий, Насайи каби муҳаддис пирларнинг иншоларини ҳам ёд билар эканлар! «Ё етти иқлим эгаси! Муштдек юрак порасига буткул олам илмини жам қилибсанми, дархақиқат, қудратингни чегараси йўқ!»

Сулаймоннинг хотирига икки қалтис савол ва унинг жавоби гулмихдай маҳкам ёпишиб қолди. Мажлис авжига чиқиб, Султон ул-орифишнинг ғанимлари таслим бўла бошлаган пайтда қайсиям бир қабристоннинг мужовири, қари эшон Шайхга мурожаат қилди:

— Ҳазратим, каминани бир масъала қийнайду. Аёндурки, яссавийлик тариқати шариатни инкор этмайду, билъакс анга таянаду, ва филжумла, Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига мутлоқ мўйин сунаду, туврими?

Шайх тасдиқлаб бош силкиди.

— Андоқ бўлса, жаноблари бир хикмат айтибду, ул ерда «Пўсти имон—шариатду, маъзи тарик», демишсиз. Шариат дини исломнинг бир пуч пўчоғи, пўсти, тарикат эрса маъзидурму? Шариатсиз тарикат бўлғайму? Жаноблари яссавийлик тариқатини Аллох таоло ва таборак сўзларига хилоф қилиб қўймадиларму, деб қўрқадурман.

Аҳли уламо, «Ана энди ҳолинг қийин бўлди, Шайх» дегандек Ҳазрат тарафга голибона қараб кўйди. Шайх одатига кўра, бир чимдим киноя аралаш жавоб қайтарди:

– Сиз, мавлоно мужовир, шариат ила тариқат орасинда ихтилоф топдим, деб суюнманг, билъакс, шу ёшқа етиб, нечук пўчоқ бирла мағизнинг фаркига бормадим, деб кўркинг. Тиловати Қуръондин мурод не? Муборак оятларни жоҳил қори янглиғ валдираб ўқий бермакми ва ё маъно укмоқму? Маъно укмоқдур, албатта. Ибодатдин мудлао недур? Шунчаки, ётиб-туриб сажда қилмоқми ва ё ҳақ васлига қовушмоқ хаёлиму? Иншооллоҳ ҳақ дийдоридур.

Шайх дастурхондан анор олиб эшонга кўз-кўз қилди:

– Бу нима?

– Анор, тақсир.

– Анор. Буни қайдин билдингиз?

– Пўстлоғи айтиб турибди.

– Балли! Демак, сиз анорни пўстлоғига қараб танидингиз. Аммо ҳали моҳиятга етганингиз йўқ. Бунинг учун мана шу пўстлоқ ичинда пинҳон бўлган донани тотиб кўрмак лозимдур. Ана шундагина сиз анорнинг не эканлигини англагайсиз. Шариат бамисли исломнинг пўсти, сурати. Тариқат эса, донаси, сийрати. Анор пўстлоғини донаси тасаввур этиб бўлмаганидек, шариатни ҳам тариқатсиз англаб бўлмас. Кўп нодон олим мана шу тимсол фаркига бормай лоф урадур. Ҳақ дийдори анор донасидек яширин, илло зоҳирда бир пўст мисоли, яъни шариат бўлиб жамол кўрсатгай. Ёлғиз шариат аҳкомига таяниб орзуга ноил ўлмоқ мушкулдир. Ҳақиқат эшигини қол илми эмас, хол илми<sup>1</sup> очқусидур. Пайғамбари мурсал жанобларининг васиятларини бир ёдга олинг. Неки эшитдим – бул шариатдур, қилган амалларим эрса, тариқатимдур, ҳақиқат – бул каминанинг рухий ҳолатимдур, демиш расули Аллоҳ. Оғочнинг кўрки шох бутотида, япроғида. Аммо сиз, эшон жаноблари дарахт соясида роҳатда ўтирганингизда ўшал дарахтнинг нўхотдек данакдан кўкариб чиққанини хотирингиздан фаромуш этманг. Япроқ бирла бутотқа ҳаёт ато этиб турган

---

<sup>1</sup> Қол илми – мадраса илми, дунёвий илм. Хол илми – сўфийлар таълимоти.

илдиз мўътабардир. Тариқат – ана шу илдиз, шариат эса, япроқдир.

Эшон танбех эшитган муллабаччадек тилини тишлади, «куллук, тақсир», деб қўлини кўксига босди.

Деворга қапишиб ўтирган малла тўнли бир киши қўл кўтариб изн сўради:

– Султоним, бир сўроғимиз бор эди. Беадаблик бўлса, маъзур тутинг. Фақирингиз масжидда имом-хатибдирмиз. Бизни ҳаргиз бир савол қийнайдуру. Муфтий жанобларидан сўрадик, илло жувоби топилмади. Ул не савол десангиз, пирим, мана, жаннатда турлик-туман мевалар пишиб ётадур, оби кавсар тўлиб оқадур. Аллоҳи бокарам раҳматига сазовор бўлгон мўминлар мевалардан тўйгунларича еб-ичиб, роҳат-фароғатда яшайдилар. Аммо емоқнинг қусмоғи ҳам бор дейдилар. Лак-лак инсон мудом еб-ичсаю... илоё, осий бандангни ўзинг кечиргил, курсоғини бўшатгани бирор жойга бормаса? Ақлимиз ожиз, бул нечук ҳолдур, пирим? Мабодо биз тарафимиздиш шаккоклик ўтган бўлса, майли, жувоб бермасангиз ҳам ризомиз. Масжид қавми бул жумбоқнинг ечимини, иншооллох, Шайх ул-машойих берсалар ажаб эмас, деб бизни вакил этиб юборди. Сўроғим беадаб бўлса, қайтиб олғайман, пирим...

Жамоа бир гувранди. «Шаккок!» деди кимдир товущини баланд қўйиб. Шайхга яқинроқ, тўрда дум-думалок бўлиб керилиб ўтирган Ашрафхон кози шеригини туртиб кўз қисди: «Бу сўроққа Мусо билан Исоининг ўзи тирилиб келса ҳам жувоб тополмас». Сулаймон таҳликага тушди. У неча йилдирки, Шайхнинг қабатида самоъ мажлисла-рида юрибди, аммо бундоқ кутилмаган, бир карашда пардасиз, аслида инсонни икки дунё сир-синаотини билишга ундайдиган масала ўртага ташланганини эслай олмайди.

Шайх қўл кўтарди, дархол ғовур босилди.

– Билмаган нарсасини таҳқиқлаб охирига етмок беадаблик саналмайдуру, билъакс, қалбаки адаб юзасидин сўрамай жоҳил бўлиб колмок уётдуру. Атрофингизга бир боқиб мушоҳада айланг. Худованди каримнинг қудратига койил бўлғайсиз. Тўққиз фалак, етти иқлим, куёш, ой, юлдуз, замин, ҳайвонот, наботот оламиининг соҳиби не мўъжизот яратмиш. Икки тошни бир-бирига урсангиз олов пайдо бўлур, илло икки кесакнинг уришмоғидин

ўт чикмас. Нечун? Гавхардек бир катра бир неча ой ичинда инсон қиёфасига кирмиш. Бу не мўъжиза, биродарлар? Ёрканотнинг кўзи кўр, аммо ул шабистонда адашмай йўл топиб учади. Бул ҳашаротнинг жасур парвози кўриб ёқа ушлагайсиз. Анинг сиррин юз аллома бир бўлиб топқайму? Аллоҳ таоло бир оятида «Ўликдин тирик яратгаймен, тирикдин ўлик» дебдилар. Бесаранжом товук бағридин ўлик мояк тушгай, бул ҳам мояк парвардигор инояти бирла доғи тирикка айланиб ёруғ дунё юзиини кезгай. Ушмундоқ луғз-чистонни ким ечгай? Хўш, хатиб иним, сизнинг жонингизни куйдирган сўроққа камина ҳам сўроқ бирла жувоб айтсам.

Одамлар нафас олмай жим бўлиб қолдилар. Шайх хамиша ғамгин, ўйчан кўзларини хатибга тикиб давом этди:

– Ҳомила она курсоғида тўққиз ой ётади. Тўққиз ой волидасининг вужудидан қувват олади, илло олган насибасини ҳеч қайга чиқариб ташламайдур. Бул печук асрорки, баданга заррама-зарра узлуксиз ўтиб турган емиш гўдак жисмидин озод бўлмаса? Шул хусусда бир қур ўйлаб кўрганмисиз? Ўйлаган била одам боласининг ақли етгайму бу кашфиётга? Ўликларга жон киргизиб, жаннат боғларидин ўриш беришга қодир эгам хар ерда бандасининг ғамини ейди.

Шайхнинг босиқ, лекин ўктам ва эхтиросли далиллари-дан мажлис аҳли қаноат ҳосил қилгандек эди. Хатиб чўккалаб таъзим бажо келтирди:

– Икки дунё раҳматига сазовор бўлинг, пирим. Масжид кавми олдида юзимизни ёруғ қилдингиз, илоё, яратган эгамнинг ҳузурда юзингиз ёруғ бўлғай.

Мажлис ниҳоясига етди. Шайх билан Сулаймон хо-нақоҳдаги ҳужраларига қайтдилар. Ҳазрат бир муддат ором олгани ёнбошлади. Сулаймон эшикни охиста ёпиб ҳовлига чиқди. Хилватроқ жой излаб, балхтут панасига бориб чўнқайди. Кўзларини юмди. Хаёлида тағин ҳозиргина адосига етган мажлис жошланди. У илтижо, умид, кек, синов, завқ ила ёнган қора кўзларни яна кўргандек бўлди. Боши ғувиллади, юраги гуп-гуп урди. Баайни илк бора пирининг олдида имтиҳон топширган кунидагидек, бадани қизиди. Сулаймон уйғоқ бўла туриб туш кўраётгандек эди. Мажлис аҳли гўё ерда, Шайх

эса, шифтга якин, катга ошпоқ курсида ўтирган эмиш. Одамлар тепага қараб савол берар, Шайх ёнидан кафгдай қоғоз олиб бепарвогина пастга ташлар эмиш. Қоғоз пастга тушгач, одамлар баравар унга интилар, тез-тез ўкиб ўзаро баҳсга киришиб кетар эмиш. Башараси, сочсоқоли кўринмас бир сомеъ тепага бокиб ниманидир сўрар, Шайх жавоб ўрнига пардай енгил қоғоз ташлаб, қоғоғини уйиб ўтираверармиш.

Купша-кундуз, тушида эмас, ўнгида кўрган кароматини ўйлаб, у яна бир оз ўтирди. «Бекорга қутб ул-ақтоб демайдилар Ҳазратни. Икки дунёнинг илму ҳикматини сув килиб ичиб юборганлар. Қанийди у кишидаги илмининг ақалли юздин бири бизда ҳам бўлса. Аллоҳ таоло суйган бандасини зиёда килиб яратар экан-да асли».

«Каромат» силсиласига берилиб, Сулаймоннинг хаёли олис ўтмишга учди. Самарқанддами, Бухородами, аниқ эсида йўқ. Бухоро шекилли... Ҳа, Гиждувоннинг обод боғларидан бири эди. Шайх дўсти Абдулхолик хожаникига меҳмонга борган эди. Сулаймон у пайтлар ёш эди, овози энди дўриллаб, ўн беш-ўн олтиларга чиқаётган кезлари. Авжи баҳор, олма гуж-гуж гуллаган. Боғда одам қалин. Сухбат кизиб турибди. Боғ ораста, атроф сокин, қилт этган шабада йўқ. Бир вақт Шайх рўнарасига маҳзун қараб турди-да, «Қаранг, олма ҳам гул тўкмакда, энди навбат-мевага», деди оҳиста. Шу пайт олмазор секин чайқалди, сўнг дарахтлар тез-тез тебранди ва оқибатда дувиллаб гулларини тўкди. Мажлис аҳли лол бўлиб бир-бирига қараб қўйди. Сўнг, гўё ракс тушаётгандек, назокат ила у ён-бу ён муқом қилаётган навнихоллардан кўз узолмай қолдилар. Шайх муртида илжайди: «Тавба, бу оғочларга не бўлди, биров унга тебран, дебдими?» Шу захоти олмазор чайқалишдан тўхтади.

Шайхнинг кароматини Сулаймон илк бора ана шу Гиждувон боғида кўриши эди. Аслида Ҳазрат ўзини ҳаминқадар эл назаридан олисроқ тутишга уринар, кароматларини ошкор этишдан кўра уларни пинҳон сақлашни афзал биларди. Шунинг учунми, Сулаймон ширининг ажиб бир амалидан хануз бенасиб. Сўфи Донишманд оғасининг гашига қараганда, Ҳазрат бир дафъа хуросонлик аллома билан баҳсга киришиб сув устига жойнамоз

ёзибди ва икки ракаат намоз ўқибди. Шу-шу, хуросонлик уламо нирга қуллукда эмиш...

Сулаймоннинг вужудиши назм шавки чулғади. Кўп йиллардан бери дилида ўтли армон яшайди. Ўсмирлик, балки бола ёшидан шафқатли отадек меҳр кўрғазиб келётган мураббийси, раҳнамоси Ҳазрати Султон шаънига бир мадҳия битмокчи бўлади. Аввал, таърифотини келтиролмасам керак, деб чўчиди, сўнг – Шайхдан хайикди. Шайх ўзини мақтаган кимсани ёқтирмасди. Умуман, Ҳазрат қалб тубидаги ҳисларингни ошкор этаверишни хуш кўрмайди. Буни Сулаймон ҳам хўб билади-ю... лекин не чора қилсун? Оғочдаги мева пишиб стилгач, уни шохида тутиб турмоқ даргумон экан. Сулаймон жиллақурса, ўзи учун, кўнгил эҳтиёжи учун бир шеър битгиси келади. Каъба сафаридаги дилхуш ва дилсиёҳ нокеалар, мулоқотлар, кофар билан, такаббур Рукниддин ила учрашув, зикр завки, ва ниҳоят, бугунги уламолар мажлисидаги таассуротлар унинг азмини мустаҳкамлади. Шеър айтмакни жазм қилди. Балхтут тагида, жимжит гўшада, салқин хаво, сарин еллар канотида муроқабага шўнғиди. Дилига тасбеҳдек тизилиб Шайхнинг тавсифи келаверди: икки жаҳон кўзгуси... Хизр бирла суҳбатлик авлиё... сонсиз мурид етаклаган машойихлар сарвари...

Сулаймон ҳамон хаёл суриб ўтирибди. Бирдан тартибсиз, хира каломларга жон кирди, ташбеҳлар жилваланиб ярқиради, Сулаймоннинг фарзандлик меҳри жўш уриб, тарқоқ сўзлар завкли сатрларга эврилди. Эътиқод, эҳтиром туйғуси оловланиб, тиниқ ўйноқи жилғалардек кўнгил бўстонини оби ҳаёт ила суғориб дилидан тилига кўчди, уйкаш, жарангдор сўзлар гавҳар сингари терилиб келаверди...

*Боқса Каъба кўринган, босса йўллар турилган,  
«Лом»дек илми уйрилган Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Биринчи байт сувтушардек иккинчи оқимни бошлаб келди:

*Асли эрур хонадон, билмас они кўп нодон,  
Билур они Ҳақ Яздон Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Сулаймон шошиб кўйнига қўл солди. Кафтдек бир тахлам қоғоз олди, тўрт энлик тўмтоқ тошқалам чиқарди.

Гўё дил-дилидан қуйилиб келаётган сўзлари эсидан чиқиб кетадигандек, қоғозни тиззасига қўйиб ажи-бужи ёза бош-лади:

*Ясси сувин ораси, ётар жигарпораси,  
Машойхлар сараси Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Қарчигайни қашлаган, шунқорлар чин ушлаган,  
Сонсиз мурид бошлаган Шайхим Аҳмад Яссавий.*

У қаламини тишлаб ўйланиб қолди. «Мурид» сўзи тариқатга туртки берди. Яна қоғоз бетида тошқалам йўрғалади:

*Шариати ораста, тариқати пайваста,  
Ҳақиқати шойиста Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Хўш, тариқати пайваста экан, сулуки туркий деб атал-миш бул тариқатга кимлар кирмади? Бу ёғи Болосоғун, бу ёғи Оқ Эдил бўйларидан Нишопургача, Ўзгандан Фаркату Қумкент, Қарқарагача муриду асхоб бисёр эмас-му? Бас, назм ҳам муносибга мутаносиб бўлғай:

*Кун тувгондин ботарга, тарсо, жуҳуд, тоторга,  
Қуллук қилиб соторга Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Ўн саккиз минг оламда, оти машхур каломда,  
Ўрни Доруссаломда Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Сулаймон кўрдик, мадҳияси чўзиладиган. Ахир ошиқ ўз ишқини айтиб адо қилғайму? Аммо назм қоидаси бор-дур, анга кўра, ибтидо бирла интиҳо ораси мусофирнинг йўлидек беҳудуд эмас, оят янглиқ мезонга эга бўлиши лозим эди. Кўп гап — эшакка юк, демишлар. Сулаймон мақтаъга ўтди:

*Хизр бирла суҳбатлик, Илёс бирла улфатлик,  
Ҳақ қошида ҳурматлик Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Туркистонга бороли, хизматида бўлоли,  
Улуш берса ололи Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Энди унвои қолган эди. Сулаймон унвонга Бобо Мочин исмини ҳам қўшди. «Шайх койиса Бобоқул икковимиз тенг бўлишиб оламиз. Ноннинг бутуни, калтакнинг ярми яхши».

*Бобо Мочин ул Султон мурид бўлди бегумон,  
Ҳақимхўжа Сулаймон Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Сулаймон қалб зикрига чўмган дарвишдек шёр шавқидан сармаст бўлиб анчагача ўтирди. Юрагининг хаприққани босилди, бадани совигандек бўлди. Аланглади. Балхтут сояси чўзилиб намози дигардан дарак бериб турарди. Ўрнидан турди. Хужра томон юрди. Эшикда қумфон кўтариб чиқаётган Шайхга дуч келди. Четланиб йўл берди. Ксйин дарров ичкари кириб, чўян қумфонини олди-ю, пирининг изидан эргашди.

## СОРИ САЛТУҚНИНГ САЛОМИ

### 12- ф а с л

*Ҳақдин инган шарбатни ичдик, алҳамдуллиллоҳ,  
Шул қудрат денгизида сечдик<sup>1</sup>, алҳамдуллиллоҳ,  
Қуруқ эдик – ёш ўлдик, аёқ эдик – бош ўлдик,  
Ҳаволандик – қуш ўлдик, учдик, алҳамдуллиллоҳ!*

Юнус Эмра

Хонақоҳ ховлисига оқшом кўнди. Танобий ховли бугун ҳам одатдагидек ораста, салқин, суҳбат учун дилқушо бир жой эди. Шайхга ҳамроҳ бўлиб Маккага кетаётганларнинг аксарияти мусофирхоналарда кўним топган, печа кундан бери зикри кабир илинжида юрган дарвишларнинг бир қисми яна Ўтрор билан Яссига қайтган, бир қисми «Хув!» деб Исфижоб кентларига бош олиб кетган эди. Хонақоҳда Шайхнинг доимий ҳамроҳлари Сулаймон, Бобо Мочин, хос надими Қутбиддин турибди. Ашрафхон қози эрталаб келиб намози шомда тагин мусофирхонага жўнайди. У ҳаминқадар ўзини Шайхга яқин тутишга уринар, ҳали олдинда, Самарқандда не воқсалар юз беришидан беҳабар, ўзини Ҳазратнинг содиқ суҳбатдоши, ҳатто маслакдоши қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Шайх унинг мақсадини аллақачон пайқаган, аммо ўзини билиб-билмаганга солади, «Одам зоти борки, олдига суйкалиб келган итнинг ҳам бошини силайди, юра берсин, ёмон бўлса бошини ейди, яхши бўлса ошини», деб феълини кенг қилади.

Мана бугун ҳам кечлатиб аҳли суҳбат катта ёроч сўрида жам бўлган. Қурок кўрпачаларда чордана қуриб дунёнинг ишларидан, бугунги мажлисдан, эрта ўтиб, бириси йўлга чиқажакларидан сўзлашадилар. Ашрафхон

<sup>1</sup> Сечдик – танладик.

қози Шайхнинг кўнглини эритиб, гумонларини ҳайдаш учун тилёғламалик қилади:

– Султоним, бугунги мажлис асносини ўйласам, каллам шишадур. Кун бўйи ўйладим. Дарҳақиқат, мана бу сопол пиёладек мояк нечук қудрат бирла бургут шаклига кирадур? Мана бу нақш олманинг оқини оқ, қизилини қизил қилиб ким ранг бермиш? Ақлим лол. Камина бугунги суҳбатларидин баҳраманд бўлиб, гўёки қайта бошдин мадраса таълимини олғондек бўлдим. Таассуфки, жанобларининг шарҳи баёнини бир закий котиб махсус дафтар қилиб ўтирмади-да. Толиби илмларга ўзлари айтмиш, дафтари соний бўлиб қолармиди...

Биров ўзини мақтаса, Шайхнинг қовоғи солиниб кетарди. Маддох гўё уни шарафлаб, атайин йўлдан оздираётгандек бўлаверарди. Тўғри, Шайх риё билан сидқининг фарқига аллақачон борадиган бўлган, дўст тилагини душман лутфидан чандон ажрата билади. Шу боис, қозининг тилёғламалиги унинг гашини келтирди.

– Қози, сиз боғни кўриб, борбонни ёдингиздан чиқордингиз, – деди қовоқ уйиб, – мадху сано кимга ярашмоғини хўб билурсиз, «Мутакаббурни Аллоҳ хуш кўрмагай», деган ҳадисдан ҳам хабарингиз бор, валекин...

– Шайхим, камина мажлиси орода ҳозир бўлгон сомеълар дилидагини айтдим, холос...

– Гапингизга шак келтирмак имонингизга чанг солмоқ бирла баробардур. Сабр айлаб гапга қулоқ осинг. Ривоят борки, Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалари бирла суҳбат қуриб ўтиргон эканлар. Саҳобалар тўсатдан Ҳақ Мустафонинг фазлу камолидин сўз очиб, ул жанобни мақтай бошладилар. Пайғамбаримиз беҳуд бўлиб дедилар: «Эй умматларим, мен сизларга не ёмонлик қилдимки, мени бу даража улуғлаб мушкул холга соласизлар?» Саҳобалар лолу хайрон бўлдилар. Расули Аллоҳ айтдилар: «Сизлар мени мақтаб, мадху сано айтсангиз, кўнглимга шайтонни лаъин васваса соладир, эй Муҳаммад, сендин улур зот йўқ. Сен аълоларнинг аълоси эурсан, умматларинг тупроқ, аларнинг устидан босиб юр, деб қулоғимга шивирлагай. Сўнгра менда кибру ҳаво пайдо бўлур. Ўзимни ўзгалардин баланд қўйишга ўтаман. Бунин Аллоҳ хушламагай. Мен ҳам сизлар сингари Аллоҳнинг бандасиман», дедилар. Саҳобалар мулзам бўлдилар.

– Суханларига садаға бўлай расулимизнинг, – деди пишиллаб қози. Шайх негадир Сулаймонга қараб давом этди:

– Сиз менинг шаънимга мақтов сўйлаганингизда Ҳақ Мустафонинг ана шу суҳбатини эсладим. Сиз бир қарра мактаб кўйсангиз, менда улуглик гумони пайдо бўлур. Иккинчи бора тагин хушомад сўз айтсангиз, иккиланаман, аммо кўпчилик бўлиб, сиз, қози, мапа, Сулаймон, Исмоилхўжа баробар мақтовга ўтсангизлар, камина ҳам инонмай иложим йўқ. «Жамоат жам бўлиб бир оғиздан мадху сано айтиб турибди, эй Яссавий, аслида сен ростдан-да улуг зот экансан», деган хаёлга бораман. Бу ҳол бирла сиз менга душман хизматин қилгон бўлмайсизму?

Сулаймоннинг чап кўкрагини ҳали ёзган шеъри иситиб турибди. У мадҳиясини тунда хафсала билан кўчирмоқчи, сўнг Шайхнинг кайфиятига қараб унга пешкаш қилмоқчи эди. «Энди ҳожати қолмади, – деди ичида, – қозикалоннинг бир оғиз ширин сўзига шушча маломат ёрилди, мабодо ўн байтлик бу шеърни ўқисам, Шайхнинг қаҳри келиши тайин. Кўрсатмайман».

Шайх пиёладаги чойдан симириб томовини хўллади. Шу пайт эшикда бир мусофир кўринди. Бошида қова – учлик қизил қалпоқ, белида қўш белбоғ. У остона ҳатлаб уч-тўрт кадам босди-ю, атрофига олазарақ бокиб тўхтади. Ниҳоят, сўридаги кишиларни кўриб оҳиста яқин келди. Бош эгиб таъзим қилди:

– Аллоҳ дўнмиш манзилларингизи обод этсун, эфендилар! Ассалому алайкум!

Шайх алик олиб мусофирга тикилиб боқди. «Тили туркий, кўзлари шишадек кўм-кўк, румолиққа менгзаиди. Сори Салтуқнинг кўзлари ҳам зангори эди».

– Келсинлар...

Мусофир арз айтди:

– Бан Румо элинан галмишам. Бана ҳезрет Йессевий пийрим герак ўлмишдир.

Шайх қўли билан сўрига ишора қилди:

– Марҳамат, румолик биродар, бу ёкқа чиқсинлар.

Меҳмон сўри четига омонат чордана қурди. Мезбоннинг дуосини кутмай кафти билан бетини силади.

– Бан бийр тужжорам. Тижорат ила Румодин Қашқар элина гечмишам. Банда бийр омонат хат вордир. Ўл хатни ҳезрет Йессевий пийрга топширмоқни истажорам.

– Ул нечук хат? Кимдан? – деди Шайх кизикиб. Мусофир қўйини титиб, хат чикарди. Мактуб шойи латтага ўралиб чамбарчас боғланган эди.

– Бу хатни биззи севгили Шайхимиз Сори Салтуқ эфендимиз битмишлар. Бана вериб демишлар, эй Човуш ўғлон, сан Қашқара кечсанг, Йеси қалъасинан ўтажаксан. Йесевиий пиримни зиёрат эт ва бул омонатни ўз алина элтгинки, Сори Салтуқ ондиндаки бийр муридидан деб онгласинлар, демиш. Бан Йесея галиб Шайхимни ахтармишам. Айтмишларки, пийр Макка азиматинда, ҳозир Исфижобда дўнмишлар. Йўхлаб бу ёна галдим.

Тужжор мактубни Шайхта узатди. Ҳазрат чарм ғилофини очди, сўнг ўрама шойини ёзиб, қорозга етди. Хат бир варақдан иборат, йирик-йирик, настаълиқ ёзувида битилган эди. Шайх Сори Салтуқнинг дастхатини дарров таниди. Ичида ўқиди:

«Бисмиллохир раҳмонир раҳим! Аввалоху салом ва дуолар бўлғай сиза, пийрим! Баъдаз калом, Аллох ёр, чаҳорёрлар мадақкор ўлиб тувғон элимизга етиб галдик ва сиз буюрғон манзила дўндик. Белда – Шайхим инъом этмиш хизом<sup>1</sup> ва шамшир, дилимизда аҳкоми Йесевиия, Румолида туркий сулук тузмиш пикринда жиҳод кўргизмамиш. Жанобларининг амри маъруфлари юрсак йўлимизи, дурсак гўнглимизи ёруғ этмиш. Иншоолло, бир гуруҳ муслим жамоаси жаҳрия тариқатин қабул эдарга ризо бўлмишларким, бул мужда бирла Ҳезретимни муборак этмишам. Пийр эфендим! Тонгла душ кўрмишам. Сахар чоғи эрмиш. Гунашли бир боғ ичинда «Мен сани гўрмак истарам, ўғлим!» деб фақирингизни оруша олмишсиз. Манда сиз Ҳезретимнинг дийдорина тўймоқ истарам. Илоҳа, ўзинг муродима еткур, деб тенгрима ибодатлар қилдум. Ҳезретим Макка азимати этсалар, бан йўлини тилаб дурмишам, шоядки йўл устинда бийздек иродат аҳли табаррук суҳбатларина дохил ўлсак...

Иноятингиз нуридин баҳраманд ва шаҳодатингиздин аржуманд ўлмиш фарзандингиз Сори Салтуқ деб билмишсиз. Моҳи муҳаррамнинг биринжи жумъаси. Валлоху аълам биссаваб».

Шайх мактубдан бош кўтарди.

<sup>1</sup> Хизом – сўфийлар камари.

– Барака топинг, тужжор афанди. Бизни деб кўн ранжу машаққат чекибсиз. Умрингиз зиёда бўлсин.

Шайхнинг дуосини тужжор, «Раҳмат, энди сизга руҳсат», деган маънода тушунди. Бирок унинг кетгиси йўқ эди.

– Шайхим, бан ул хатни жувобини олмай гетмамишам. Салтук пийримни истаги-да, шулдир.

Хазратнинг чехрасига хиёл табассум калқди.

– Асл тужжор экансиз, афандим. Насядан нақдни афзал билар эканлар. Илло қарзга ҳам муҳлат берадилар. Сафарни қачон давом эттирмакчилар?

– Аллоҳ дилегимизи верса чаҳоршанба гуни, Шайхим.

– Маъкул. Унда эртага худди шу маҳалда жавоб тайёр бўлгай.

Тужжор қуллуқ қилиб ўрнидан турди.

Сори Салтуқнинг элчиси кетди, бирок Шайхнинг кўз ўнгидан муриди Сорининг сиймоси кетмади. Салтук Румо фарзанди эди. Тўрт йил муқаддам Қайсари Румдан пойниёда йўл босиб Яссига келди. Шайх остонасига бош уриб мурид бўлди. Одатда ёш солиқ камида минг кун турли-туман синовларга дучор этиларди. Биринчи йили у дарвишларга хизмат этмаги керак. Иккинчи йили шариат босқичини ўтиб, тариқат сирларини эгаллайди. Учинчи йили дарвишлик хирқасини кийиб, ўзини сўфийликка тайёрлаши лозим бўлади. Ана шу мушкул синовларга бардош беролган муридгина тариқат аҳкомларини тўла эгаллаб сўфий халифа мартабасига эришар эди.

Салтук Яссавий асосларидан то тариқат ҳукми, вожиби суннат, мустаҳабгача қунт билан ўрганди. Шайхга Салтуқнинг зеҳни, ихлоси, хусусан қайсарлиги маъкул тушди. Ўзи неча бор уни синовдан ўткарди. Бир ерда тоқат риштаси узилиб, сулукдан этак силтар, деб шубҳа қилди. Салтук бўш-баёв, гавдасини аранг кўтариб юрадиган беғам кимсани эслатарди. Шайх хато қилганига суюнди. Сори овзи юмук ғунчага ҳам менгзарди. Ғунча туни бўйи интиқ бўлиб тонгни кутади. Субҳисодиқ келиб нам етгач, аста-секин кўз очади. Худди шунингдек, Сори ҳам уззукун хомуш, ўйчан юрар, самоъ мажлиси ёхуд зикр бўлса, вужудида япиришиб ётган ажиб бир қувват гупириб ташига интилар, бундай кезде ланж, беҳуд ва беғам Салтуқни оташмисол Қутбиддиндан фарқлаб бўлмас эди.

Бир йилдирки, Шайх Сори Салтукка махсус ижоза берди ва Рум элининг денгиз бўйидаги бир вилоятига шайх этиб тайинлади. Пири муршидлик арконига кура, унга оқ туя инъом қилди, белига кумуш филофли шамшир боғлади, ёнига қирк муридни чокар қилиб кўшиб берди. Мана, яратганнинг инояти бирла Сори омон-эсон туққан элига етиб борибди. Яссавия деб аталмиш сулукнинг илк ниҳолини Румга ҳам экибди. Шайх дилини шукр, умид, фахр туйғуси чулғади. Ичида Сорини дуо қилди, чеккан заҳматларига ризо бўлди.

Сулаймон билан Бобо Мочин хазратнинг таңҳоликни истаётганини сезиб, уни холи қолдирдилар. Шайх хужрасига қайтиб то хуфтонгача хаёл уммонига гарқ бўлиб ўтирди. У Сори Салтукка юборилажак жавобни ўйларди. Не дейди? Дуойи хайр – вожиб. Оқилга бир васият кифоя. Нодоннинг қулогидин ел сўқади, бамисли қамиш пайча. Бу ёнидин пуфласанг, нафасинг у ёнидан чиқиб кетур.

Шайх жаҳрия тариқатининг жами суннатларини, хотирда яхши ўрнашин дея саъж усулида битиб чиққан эди. Улусга айтадиган ваъзларини ҳам назмда ифода этмакни хуш кўрарди. «Эл овзида ҳар неки матал борким, вазну қофия кўмагида яратилмиш. Шул амал бирла халойиқ ани тез фаҳмлаб, ёдда тутиб турур. Қуръони мажид мавзун бўлмаганида, муборак сураларини ёд айтмак не чоғли мушкул бир юмуш бўлуру эди?»

У Сори Салтукка икки оғиз дуойи салом ёзди. Сўнг олдига бир тахлам қоғоз ёйиб кўйди. Гўё оппоқ қоғозни сеҳрламоқчи бўлаётгандек, ундан кўз узмай тикилиб қолди...

Сулаймон хуфтон намозига қайтиб келганда Шайх хужрасида йўқ эди. У Сорига аталган мактубини битириб ховли айлангани чиқиб кетган эди.

Эрталаб нонуштадан кейин Хазрат Сулаймонга икки варақ қоғоз узатди:

– Бу мухтасар жавобимиздур. Мухр босиб сўрричланг. Мана бушисини кўчирсинлар. Аслини Сорига юборинг.

Сулаймон дуойи салом хатига Яссавийнинг кичик мухрини босди, жилдга солди. Сўнг бир четга ўтириб ўтган кечаси битилган шеърий мактубни кўчирмакка тушди. У «Бисмилло!» деб илкига қалам олди-ю, чумоли изидек майда ва каштадек нозик ёзувга боқиб ундан кўз

узолмай қолди. Шеър тўлкин уриб келаётган сувдек уни домига тортиб, тамом маҳлиё этиб қўйган эди:

*Мендин салом дўстларга, талаб ёдин қўймасин,  
Дийдор талаб қилсалар, ҳаргиз гофил бўлмасин.  
Гофил топмас ҳақ йўлин, анда топмаслар ўрин,  
Ичи-тоши куюбон саҳарларда ётмасин.  
Ёди бирла бўлсалар, дийдор орзу қилсалар,  
Ҳарчанд хорлиқ кўрсалар, кўнгил ўзга бўлмасин.  
Ошиқларга дунёда хорлиқ-зорлиқ маломат,  
Маломатсиз, меҳнатсиз ошиқман, деб айтмасин.  
Шариатда тажриддир дунёсини тарк этмак,  
Тарк этмайин дунёни ҳақни суйдим демасин.  
Тариқатда тан-жонни тарк этмаки тажриддир,  
Тарк этмайин тан-жонни тажрид бўлдим демасин.  
Ҳақиқатда ҳаромдир бир Худодин ўзгаси,  
Андоқ бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасин.  
Андоқ Расул Мустафо дунё молин суймади,  
Уммат бўлса Расулга дунё молин суймасин.  
Мискин Аҳмад Яссавий салом айтди дўстларга,  
Ушбу сўзнинг маъносин толиб бўлса англасин.*

Сулаймон беихтиёр хитоб қилди:

– Воҳ, воҳ! Валлоҳи аъзам! Бир ҳаз этдим, бир ҳаз этдим, етмиш икки бўғишим юмшади, пирим! Муборак бўлсин!

Шайх ковоқ солди:

– Ҳали-ҳануз кўчирмадиларми?

– Кўчиражакман, пирим. Аввал мана бу ерима кўчирдим, – у кўкрагига нуқиди, – энди коғозга кўчиражакмиз.

Шайх Сулаймоннинг чечак излари қолган кенг чўтир бетига бир караб қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Сулаймон шеърдан икки нусха кўчирди. Бирини ўзига атаб, қўйнига урди. У Шайхнинг махсус муншиси вазифасини ҳам адо этар, Ҳазрат битган ҳикматларни, олис-яқин ерларга жўнатилажак мактубларни илшо этар, Шайхнинг катта ва кичик муҳрлари ҳам Сулаймонда сақланар эди.

Кечкурун мактубни олгани тужжор келди.

– Аллоҳ йўлимизи верса, бир ой ичинда орта ёнмиш-миз. Жавзоя қолмай Румга етиб боражакмиз.

– Андоқ бўлса сиз афандини Сори Салтуқ ёнинда кўргаймиз, – деди Шайх тужжорни хурсанд қилиш мақсадида.

– Иншоолло! – тужжор таъзим килди. – Ёротдиги парвардигор дилегимизи версин!

Сулаймон Салтуқнинг элчисини кузатиб чикди.

– Қутбиддин кирсин, – деди Ҳазрат. Бир исча дақиқа ўтиб Қутбиддин остона хатлади. Қўл қовуштириб пир фармонига мунтазир бўлиб турди.

– Эртага пешиндан сўнг сизга хирқа кийдирмакни ният қилдик, – деди Шайх, – ҳозирлик кўринг, ўғлим.

Қутбиддиннинг юраги ўйноқлаб кинидан чикиб кетгудек бўлди. У илдам бориб пирининг олдида тиз чўкди, этагини ўпди. Сўнг аста турди. Орқаси билан юриб эшикда ғойиб бўлди.

Шу топда дунёда Қутбиддинчалик бахтли кимса йўқ эди.

## ЯШИЛ ЯПРОҚ СЎЛДИМИ?

### 13- ф а с л

*«Сўфий улким, қалби Иброҳим қалбига ўхшаса, мўминликда Исмоилдек бўлса, мунағида Довуддек, фақирликда Исодек, сабру қаноатда Айюбдек, муножатда Мусодек, самимийликда Муҳаммад алайҳиссаломдек бўлса!».*

Жунайд Бавдодий

Қутбиддиннинг қувончи оламга сизмасди. У дарвишларнинг қадим ҳикматини хўб билади: «Қўлдан кетган нарсанга зиёда куюнма ва қўлга кирган нарсанга ортиқча суюнма». Бул ҳикматни у муборак калималар қаторида кўнгил тўрига ёзиб қўйган. Унга бешак амал қилмоқни истайди. Аммо... не чораки, Ҳазратнинг бир оғиз сўзи бамисли насим бўлди-ю, қалб тубида йиллар кулига кўмилиб ётган умид чўғини очиб юборди. Мана энди бу чўғ Қутбиддиннинг жисми-жонини ўртаб, кўкрагини куйдиради. Қутбиддин ўз ҳолатига шарҳ излади, тополмади. Эсига лоп этиб пири комилнинг бир сатри тушди: «Бул қафаснинг тўтиси парвоз этадир учкали!»

<sup>1</sup> *Иброҳим, Исмоил, Довуд, Исо, Айюб, Мусо, Муҳаммад* – Қуръони қаримда исмлари зикр этилган пайғамбарларнинг энг машхурларидир. Уларнинг ҳаёт тарзи, ўз умматлари учун қилган яхшиликлари ва бу йўлда чеккан жафолари аҳли мўмин учун ибрат, олий бир ният, деб ҳисобланади.

Воажаб! Пири муршид бул сатрни айнан Қутбиддинга бағишлаб битгацдек эди! У дарвишлар удумига риоя қилиб, ўзили печоғли қўлга олишга уринмасин, барибир ихтиёри иродасидан устун келар, вужудиши бир ховуч нур тарк этмасди. Ахир севинмасинми! Мана, учинчи йилдирки, у шахзодалик бахти-тахтидан кечиб, Дашти Қипчоқда, дарвишлар халқасида саргардон кезиб юрибди. Пир ундан марҳаматини дариф тутмади. Ўзига махрами содиқ-надим қилиб олди. Каъба сафарига ҳам қўшди. Худо хоҳласа тарин пирининг иноятларидан бахраманц бўлай деб турибди. Аллох насиб этса, эртага хирқан табаррук кийиб, чин солиҳ мартабасига эришгай. Неча кундирки, Қутбиддинни бир хаёл кийнайдди. У Самарқандда отасининг оёғига йиқилиб, шаккоклиги учун узр сўрамоқни ният қилиб қўйган эди. Қиблагоҳининг таънасини ҳозирданоқ кўнгли сезиб турибди. «Саройдин шахзода бўлиб чиқиб кетиб эдинг, жанда кийган қаландар бўлиб келибсан-да, ўғлим?» Худо хоҳласа, энди юзи ёрув бўлади. Падари бузрукворининг ҳузурига ёш солиқлар сардори, соҳиби дил рутбасида кириб боргай.

Таомилга кўра, дарвиш ғам-андухини ҳам, шодлигини ҳам маслакдошларидан яширмаслиги керак эди. Қутбиддин қувончини айтиб, юрагини бўшатгани ховли этагидаги қатор хужраларни кезиб чиқди. Аксига олиб хужралар бўм-бўш, дарвишлар бомдод намозидан сўнг қишлоғу овулларга саёхатга чиқиб кетишган эди. Қутбиддин уч-тўрт хужрага бош сукди. Бир хонада гўшанишин бўлиб кимдир ўтирарди. Нимқоронғида унинг қорасигина кўзга илинар, бироқ хансираб нафас олиб тургани бўсағада эшитилиб турарди. Қутбиддин ичкари ўтди. Кўзлари қоронғиликка ўрганди. Тўрда тунов қуни, нафси рухийёа билан нафси ҳайвонийёанинг фарқини сўраган дарвиш гужанак бўлиб, бошини осилтириб ўтирарди.

— Аллох ёр бўлсин, биродар! — деб Қутбиддин аста дарвишнинг ёнига чўқди.

— Сизга-да, офият тилайман, — деди дарвиш ва қаттиқ йўталди. Қутбиддиннинг унга раҳми келди. «Бечоранинг жони азобда қолибдур, табибга кўрсатмоқ даркор».

— Ҳамон бўғилганингиз кетмабдур, оға, — деди Қутбиддин, — мен айтган зикри авқот бирла машғул бўлмадингизму?

– Айтганингизни қилдим, биродар, илло баттар бўлдим. Сув терга тушиб холим қурийдур. Бўш қол тик турмас экан. Танда қувват бўлмагач, ўнкам шишиб ўрнимдин туrolмай қолдим. Бугун икки ракаат намозни аранг адо этдим. Аллоҳ таоло омонатини олиб қўя қолса ҳам рози эдим.

Қутбиддиннинг нур инган кўксига бир ҳовуч кул се-пилгандек бўлди. У бир неча сония ўйланиб турди-да, ирғиб турди.

– Юришг, оға, сизни тоза ҳавога олиб чиқай, бу кун-жакда бир дардингиз ўн бўлгай.

Дарвиш истамай кўзволди. Қутбиддинга соядек эргаш-ди. Балхтут остига бориб чордана қурди.

– Сиз шу ерда ўтириб туришг, – деди Қутбиддин, – мен гузарга бориб бир дармондори излаб кўрай.

У Бобо Мочиндан рухсат сўраб хонақоҳдан чиқди. Жоме масжиди ёнида қатор дўконлар бор эди. Зироат-чилик растасига қараб юрди. Бир табибни топиб арзиҳол айтди. Унинг дарвишлар ҳалқасидан эканлигини эши-тиб табиб дорисига ҳақ сўрамади. Аслида Қутбиддиннинг киссасида Бобо Мочин берган бир кумуш тангадан бўлак сариқ чақа ҳам йўқ эди.

Қутбиддин табиб берган дармондорини авайлаб енг ичига урди-да, ҳаллослаб хонақоҳга қайтди. Бемор дар-виш ҳамон тут тагида ўтирар, саҳрода танҳо қолиб таш-наликдан мадори қуриган йўловчидек, оғзини очиб тез-тез нафас оларди. Қутбиддин ичкарига кириб, сопол косада сув олиб чиқди.

– Оға, доридан ичсинлар. Кафтингизни очинг. Бу ис-рик уруғи. Кунига уч маҳал носдек-носдек отиб юрасиз экан. Буниси – мўмиёи асил. Унга эҳтиёт бўлинг, кунига тарикдек икки маҳал ичсангиз бўлади, – Қутбиддин дар-вишнинг этагига бир халтачада туйилган гиёҳ илдила-рини қўйди, – ялпиз ва зубтурум – бақаяпрок. Эгаси айт-дики, саҳар нонуштага, сўнг ётар човда ичсинлар деди. Олинг, оға, худо шифо бераман, деса ҳеч гап эмас. Би-рор ҳафтада нафасингиз равонлашиб баданингизга қувват қайтгай.

Дарвиш дуо қилмоқчи бўлди, аммо хўрлиги келиб тили айланмади. У «қуллук» дегандек оғир-оғир бош чайқади, Қутбиддиннинг қўлини ушлаб қаттиқ сиқиб

кўйди. Кечқурун Кутбиддин дарвишдан хабар олгани тор хужрага борди. Дорининг таъсирими ё «ихлос-халос» деган рухий неъмат натижасими, ҳар қалай беморнинг ранг-рўйи кундузгидан дурустроқ эди, нафас олиши ҳам снгиллашганга ўхшарди. Кутбиддин изига қайтди ва эртаги синов тадоригини кўра бошлади.

Яссавий тариқатини буткул эгаллаб, соҳиби дил ёки ориф бўлишликнинг уч босқичи бор эди. Биринчиси, сулук талабида бўлмиш ёш солиқни жамоат кўз ўнгига муридликка қабул қилиш маросими. Иккинчиси, бир неча йил дарвишлар халқасида юриб, астойдил зикру сано, тоат-ибодат билан машғул бўлган муридни солих, яъни салоҳиятли халифа мартабасига етказиш, унга Шайх қўлидан хирқа кийдириш. Бу мартаба эгалари тариқат ахломига кўра, тубанда зикр этилажак сифатларга мушарраф бўлишлари лозим. Зоҳирда – жанда тўну қиртишланган соч, ботинда – тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафс. Ўз нафсининг ҳокимига айланган дарвиш қаноат тахтини эгаллаб, маънавият мулкига хожа бўлади. Бундай саодатманд кимсалар солих ёки соҳиби дил деган унвонга мушарраф бўладилар. Солих эгаси – ички олами саранжом, яхшиликка мойил, имони бутун одамдир. Соҳиби дил – тариқатда етти мақомни эгаллаган, кўнгил кўзи огоҳ, дарди дили уйғоқ шахсдир. Учинчи мартаба – энг олий мақом, бу шайхлик, муқтадолик, орифлик рутбасидир. Тасаввуф тамалларига кўра, инсон кўксига бешта нуқта, беш нур бор: улар латифаи қалб, латифаи рух, латифаи сир, латифаи хафий (яширин) ва латифаи ахво, яъни бағоят махфий нур деб аталади. Бу нурларнинг ранги, жилоси турли хил. Сўфий умр бўйи ўша беш нур ишқида заҳмат чекиши керак. Бешинчи, сўнги нурга сазовор кимса – аллома, авлиё, қутб ул-ақтоб, яъни рухий олам яктоси даражасига эришади. Латифаи ахвога етиб махфий сир билан ошно бўлган сўфийлар учун замон ёхуд маконнинг фарқи қолмайди, у қушлар, хайвонлар билан тиллашади, тирик ва ўлик жисмларнинг моҳиятини англайди, халойиқ кўзига кўринмас нарсаларни кўра билади, ўтган марҳумлар руҳи ила сўзлашади, келгуси тақдирни башорат қилади. Нури тажаллий деб аталмиш бу нурга Шайх ул-машойих каби камдан-кам кишиларгина муяссар бўлади.

Кутбиддин хозир иккинчи босқич арафасида, хирқа кийиб соликлар сафига қўшилиш олдида турарди. У туни билан тиловат қилиб, муножот айтди, ўзини ўзидан илгари хирқа кийиб, пир қўлидан яшил тамғали кулоҳ олган солиҳлар синовидан ўтказди. Вақт ўтган сари унинг хаяжони ортиб борарди.

Кутбиддин то пешингача одамлардан четлашиб телбадек ўзи билан ўзи сўзлашиб юрди. Ўқтин-ўқтин ичида муножот айтади: «Ё арзу само эгаси! Зикриёдек туну кун зикринг ила бандмен. Ўзинг ёрлақагил! Хотиримни жам айла, юзимни ёрув қил, таянганим ўзингсан...»

Нихоят, хув ўша мажлис бўлган танобий хонага бирин-сирин дарвишлар тўплана бошлади. Муридлар Ҳазрат шайх Аҳмад имомлигида пешин намозини адо этдилар. Сўнг зикрдагидек давра қурилди. Шайх ўртага келиб ўтирди. Ҳар доимгидек ўнг тарафда Сулаймон, чап ёнида Бобо Мочин, Исмоилхўжа. Кутбиддин истиҳола билан Шайхнинг рўпарасига тиз чўкди. Бошидан кулоҳини олди ва тақдирига тан берган махбусдек бошини эгди. Синов чоғи Шайх гўёки соликни ёрлақаб, далда бермакчи бўлгандек, унинг бошига кафтини босиб турарди. Шайх Кутбиддиннинг бошига кафтини қўйди. Йигитнинг тоза қирилган тақир калласи иссиқ эди. Шайх Кутбиддиннинг боскондек гуп-гуп уриб турган дилига кулоқ тутиб роҳат қилаётгандек, бир неча дақиқа сукут сақлади. Нихоят, босиқ, андак мулойим товушда деди:

– Қани, тариқати шаҳристон асосларини айтинг-чи, ўғлим...

Яссавий тариқати имон фарзларидан кейин яна бир неча фарз асосига қурилган бўлиб, улар муридлиқ шартлари, тариқат аҳкоми, вожиблари, суннатлари, мустаҳаблари, сулук одоби, шайхлик ва муктадолик арқони деб аталарди. Кутбиддин илк саволнинг енгиллигидан суюнди. Бу фарзларни у беш қўлдайд ёд билар, уларнинг шарҳини айтар, кечаси уйғотиб сўрасангиз ҳам адашмасди. Кутбиддин бийрон жавоб қайтарди:

– Тариқати шаҳристон, яъни Яссавия тариқати беш тамал бирла мустаҳкамдур. Улар жумласига тавҳид асос бўлган тасаввуф, шариатга ва Ҳақ Мустафо суннатига мутлоқ эътиқод, шариатга суянган тариқат, риёзат ва мушоҳада, хилват ва зикр кирадир.

– Дуруст.

Бобо Мочин Шайхдан изи сўраб савол берди:

– Хилват не?

Бу саволга ҳам Қутбиддиннинг жавоби тайёр эди.

– Хилватнинг хар ҳарфи бир ҳидоят, таксир. Хе – холи бўлмоқ талаби, лом – лайлда, яъни тунлар, вов – вуслат, те – тўғри йўл ишқи.

– Маъкул, – деди Бобо Мочин. Шайх тарафдан сўрок тушди:

– Тариқат аҳкомин айтинг.

– Тариқат аҳкоми олтидур. Маърифати ҳақ, саховати мутлақ, сидқи муҳаққак, яқини мустағрак, таваккули ризқи муаллақ, тафаккури мудаққак.

– Яъшиким?

– Яъни ҳақни танимоқ йўлида маърифатга интилоқ, мутлоқ ва узлуксиз саховат кўргизмақ, Аллоҳга садоқатни сақламоқ, соғлом кўнгил соҳиби бўлмоқ, етти иқлим эгаси улашган ризққа қаноат қилиб, теран тафаккур, мулоҳаза бирла руҳиятимизни покламоқ.

Қутбиддин энди ўзини бир оз босиб олган, ҳаёлида вожиби тариқатни ўйлаб, оғиз жуфтлаб турарди. Бироқ Шайх унинг ҳаёлини сезиб тургандек, қутилмаганда тариқати одобдан сўраб қолди. Бу савол ҳам енгил эди, Қутбиддин ўзини йўқотмади.

– Одоб шартлари олтидур, пирим. Жамоат кўз ўнгида тиз букиб, тавозе бирла ўлтирмақ, ўзини бировлардан паст тутмоқ, ва билъакс, ўзгаларни ўзининг баланд қўймоқ, шайхлар, азиз-авлиёлар мажлисида сукут сақлаб турмоқ, беижозат сўз айтмаслик ва ниҳоят, пири комил рамзларини, кароматларини эсда тутмоқ, дилга жо этмоқ фарздур.

Шайх «маъкул» дегандек бош силкиди ва ковок солганча аста «Вожиб» деди. Бу тариқат вожибларини айтинг, дегани эди. Қутбиддин худди тиловат қиладигандек, кўзларини юмди. Савол мураккаб, асосан арабий иборатлар ила тазмин этилган, шарҳи ҳам мушкулроқ эди.

– Тариқат вожиблари ҳам олтидур, пирим. Аввало, талаби соҳиб камол ва карруби зул-жалол. Сўнгра шавқи висоли ло-йазал, кейин хавфи мулки безавол фил-айёми валлай-йол, андин сўнг рижо фи-кулли аҳвол, кейин зикри алад-давом, ва ниҳоят, фикри тавассули хай-йу-мутаол.

Қутбиддин мазкур вожиблар таърифини келтирмак учун оғиз очган эди, Шайх унинг гапини кесди:

– Тафсирга хожат йўқ, суннатга ўтинг, ўрлим.

Тариқат суннатлари ҳам олтита эди. Ёш солиқ жамоат бирла намоз ўқимоғи, сахарлар бедор бўлмоғи, ибодатни зинҳор тарк этмаслиги, фикри-зикри билан ишқи илоҳийга боғланиб туриши, яхшилик ва хидоят йўлига етакловчи фозил устозларга сўзсиз итоат этиши лозим эди. Қутбиддин суннат шартларини тугатиб, мустаҳаб – меҳмон-мусофирлар билан бўладиган муомала йўриқларини айтди:

– Меҳмонни очик юз ва дилда севишч ила кузатмоқ жоиз бўлгани каби, эшикка келган мусофирни кулиб туриб, Аллоҳга шукр қилиб қабул этмак лозимдур. Меҳмон неча кун қошиңгизда бўлса ҳам уни ғанимат билиңг. Унинг ғариблигини, сизникида мусофир эканлигини ёдидин чиқаринг. Меҳмон не тиласа, тилагини бажо келтиринг, унинг хожатини чиқаришдан чарчаманг...

Энди шайхлик ва муктадолик аркони қолган эди. Қутбиддин бу фарзни чандон хуш кўрар, кўнглида гавхардек сақлар эди. Мазкур аркон шартлари Қутбиддиннинг энг муқаддас орзусига муштарак бўлгани учунми, (у қачонлардир Шайхнинг қўлидан иршод олиб, шайхлик мартабасига муяссар бўлмокни хаёл қиларди) ёники аркон бандлари Яссавий хикматларидек содда, равои ва гўзал бўлгани учунми, хар қалай, уларни тилидан қўймас, юрса-турса ичида пичирлаб такрорлаб юрарди. Аркон фарзлари ҳам тариқатнинг ўзга аҳкомлари сингари олтита эди: илми дини яқин, яъни диний илмларга шаксиз ишонмоқ; хилми мубини матин – ошқора ва устивор мулојимлик; сабри жамил ёки бардошли сабр эгаси бўлиш; ризои жалил ёхуд улур бир хоҳиш ила Аллох иродасига бўйсунуш; ихлоси халил, яъни фақат ёлғиз Аллоҳгагина ихлос қўйиш, ва ниҳоят, қурби жазил – ўзини Аллох таолога ниҳоятда яқин тутиш. Қутбиддин шавк оташига чулғаниб, «...сабри жамил, ризои жалил, ихлоси халил...» дея кўнглидан ўткарди, ўзаро уйғун, нозик, жарангдор сўзлар тагин юрагини жўштириб, кўзларига ёш элтди. У интиқ бўлиб, Шайхдан тариқатнинг сўнги босқичига ноил этадиган сўрокни кутди. Аммо Ҳазрат унинг бошидан оҳиста кафтини олди.

– Шайхлик ва муктадолик арконин, Аллоҳ насиб этса, вақти-соати етганда сўрармиз.

Бу насия калом ила Ҳазрат Кутбиддинга ниманидир ваъда қилгандек эди. Кутбиддин чеккан заҳматларига ризо бўлди, қисматига шукрона келтирди.

Синов маросимини кузатиб ўтириб, Сулаймоннинг кўнглига иштибоҳ, гидир оралади, ичида шайтони лаъин васваса қилди: «Ҳазратим нечук собиқ шахзодани бу қадар ёрлақайди? Ана, шайхлик ва муктадолик ваъда қилдилар. Салкам ўттиз йил бўлди, этагидин илик узмай биз бунда юрибмиз. Энди расидалиқдан чиққан бир муридга шунча марҳаматми?» Шох, султон деса, Сулаймоннинг елкаси тиришарди. Хусусан, Маҳмудхон Султонни жини суймайди. Сулаймон хоразмлик. Султон Маҳмуд эса, язнаси Султон Санжар икковлон Хоразм элини икки оёклаб босиб тургандек туюлаверади Сулаймонга. Кутбиддин эса, ана шу Маҳмудхоннинг ўғли, Санжарнинг туққан жияни. У Кутбиддинни чор атрофга қалла осилтириб, ёш солиқнинг дадил, бийрон жавобига махмур бўлиб ўтирган дарвишлар кўз олдида ўсал қилмоқчи бўлди. Шайхдан ижозат олиб савол ташлади:

– Аҳкомларни, фарзни хўб билар экансиз, иним. Ҳазратимнинг бир хикматлари бор. Хотирингизга солиб ўтай. Пирим:

*Қул Хожа Аҳмад ҳақ сўзини сўзлаб ўтди,  
Илмул-яқин шариятни кўзлаб ўтди,  
Айнул-яқин тариқатдин бўзлаб ўтди,  
Ҳаққул-яқин ҳақиқатдин айтдим мано, –*

дейдилар. Бул ердаги «яқин»лардин муддао недур?

Сулаймон, «Ол энди бир сайрап-чи, кўрайлик», дегандек, муртида кулимсиради. Кутбиддин унинг қорамтир, кенг, чўтир бетига қараб ўйланиб қолди. «Ҳазратнинг бул хикматини ёд билурмен. Илло маънисига етмаган эканмизда? Нечук мағзини чақмадим? Илмул... Айнул... Ҳаққул... Хўш, яқин – бу бегумон, шубҳасиз, дегани. Айн – кўз, кўнгил кўзи... Бегумон илм, кўз бирла кўриш ва...»

Шу пайт Шайх Кутбиддиннинг билагини тутди. Гўёки мўъжиза рўй берди. Кутбиддиннинг шуури пир қўлидан бир имдод, рухий мадад эмгандек бўлди. У хиёл иккиланиб, пастроқ товушда деди:

– Таксир, бандаи ожиз тасавуринда... илмул якин, бу идрок билан, ақлий далиллар орқали етиладиган илмдур. Яъни мадраса таълими, қол илми. Шариати ҳаққа, иншоолло, таълим, тиловат, мутолаа йўли бирла эришгаймиз. Айн ул-якин, бу сезги аъзолари ёрдамида эмас, уйғоқ дил, безовта қалб ва руҳий бир туйғу орқали етиладиган мартаба. Бу – тариқат йўлидур, таксир. Сўнгги мақомга келсак... ҳаққул яқиндур. Илму урфондин қувват олиб, руҳоний олам сирларидан воқиф бўлиб, бу фоний дунёдин қўл чекиб... сўфий ҳаққул якин мартабасина ёвуқлашади, субҳонака ва таоло даргоҳига бош қўяди.

Шайх маъноли йўталди. Сулаймон кизарди. Қутбиддин терлаб кетди. У Сулаймоннинг олдида мот бўлмаган эди. Сулаймон мағлубиятга тан бергиси келмади. У номига Қутбиддинни қутлаган бўлди.

– Офарин, ишим! Ол энди, закий ақлингизни бир намоеи этинг, ишим. Пирим, «Риёзатни қаттиқ тортиб, қонлар ютиб ман дафтари соний сўзин очдим, мапо!» дейдилар. Эсингизда-а?

Қутбиддин «ха» дегандек бош силкиди.

– Андоқ эрса, бул срда «дафтари соний» не ўзи?

Қутбиддиннинг кўнгли чўкиб кетди. У «дафтари соний»ни билмасди. Аслида буни билиш сўфийлик шартларига кирмасди ҳам. Сулаймоннинг иззат-нафси туфайли туғилган мушкулотдан Қутбиддинни қутқариш учун Шайх деди:

– Фаросат – нисф каромат, Сулаймон. Шукр қилинг. Бу жаҳонда билгандин билмаганимиз бисёр. Иккиламчи, бул маросим Яссавий ҳикматларининг таҳлили эрмас. Хм, Бобоқул, сиз не демакчисиз?

Бобо Мочин мағрибу машриқда ўтган машхур мутасаввифлар хусусида сўроқ ташлади. Қутбиддин уларнинг шарҳи холи, арзи дили тўғрисида кўп эшитган, Шиблий, Ғаззолий, Бардодий, Мансури Ҳаллож каби шайх-ул машойихлар ҳаётидан ўнлаб хикоятларни ёд билади. Абу-бакр Шиблийнинг бир ҳикмати тумор қилиб бўйнига осиб олган, ҳар замон бошига мушкул иш тушганда пайнаслаб қўярди. Мазкур тумор биттагина калимадан иборат эди: «Тилайманки – тиламагайсан». Бу сўзларнинг маънисини Қутбиддин ўзича йўяди: тилагим шулки, бировдин бир пима сўрама, нафсингни ўлдириб, ироданг-

га ҳоким бўл, шунда Аллоҳдин мадад тиламайдурсен, бу ўтар-кетар дунёда бировга тирноқча яхшилик қилган бўлсанг – рози бўл, илло бандасидан ҳам, холиқи оламдин ҳам мукофот тилама...

Шиблий фалсафасини Қутбиддин нечорли завқ ва зук-колик билан қайнаб-тошиб талқин этгани Бобо Мочиннинг хавасини келтирди. Агар рўпарасида Шайх ул-аъзам бўлмаганида у самоъ мажлисидагидек «Во-о-оҳ!» деб сай-ха тортиб юборарди.

Синов бир соат давом этди. Шайх маросимга нукта қўймоқчи бўлди. Шу пайт Қутбиддин қўл кўтарди. Дарвишларгина эмас, гувоҳликка ўтаётган уламо ҳам ажабланди. Шайхдан рухсат олиб, Қутбиддин Сулаймон тарафга қаради:

– Муҳтарам мавлоно Сулаймон оғамизнинг сўроқларига муносиб жавоб тополмай фақирингиз музтар бўлдим. Агарчи бу жаҳонда биладиганимиздин билмайдиганимиз бисёр эркан, не илож деган хаёлдаман. Аммо бу ожиз банда билмаган нарсамни билиб Аллоҳ даргоҳина бормокни афзал кўрурман. Жаноб мавлоно ранжу машаққат чекмасалар, фақирингизга ўшал «дафтари соний»нинг не эканлигини айтиб берсалар, ҳақларига дуо қилар эдик...

Ҳазрат Қутбиддиннинг фаросатиға ичида таҳсин айтди. Сулаймон андак бесаранжом бўлди. Негаки, «дафтари соний» устида ихтилоф бор эди. Шайхнинг бу иборасини ҳар ким ўзича талқин этарди. Мабодо, худо кўрсатмасин, шарҳи ғализ чикса, бу шаҳзода уни оятдек ёдлаб олади ва ҳар ерда Яссавий ҳикматларига қўшиб, Сулаймон айтгандек қилиб изоҳлайди. Унда Сулаймоннинг обрўси неча пуллик бўлади?

Сулаймондан аввал Ҳазрат оғиз очди:

– Ҳозир фурсати эмас. Сўнграқ Сулаймон сизга «дафтари соний» варақларини ўқиб бергай.

«Бу боладин «дафтари соний»ни сўраб не қилардинг, манглайи қора?!» деб Сулаймон ўзини койиди ичида.

Сўнгра, «хирқа кияй деб турибсан, ношукр, адаб сақлаб ўтиравер-да, вотвотдек валдирамай!» деб Қутбиддиндан ичида гина қилган бўлди.

Шайхнинг ишораси билан Исмоилхўжа халифалик ашёларини келтирди. Ҳазрат «Фотиҳа», «Ихлос» ва

«Нур» сураларини тиловат килди. Сўнг Қутбиддин шаънига икки оғиз мактов сўзи айтиб, фатво берди:

– Биз ёш сўфийлардан бўлмиш муридимиз Қутбиддин Махмудхон ўғлини илми динда, ихлоси халилда, қурби жазилда имтиҳон қилиб, бул солиқнинг сидқига, салохиятига, нуқтадонлигига имон келтирдик. Уни халифа ҳамда асхоб мартабасига лойиқ кўрдик. Илоё, бул муридимиз ҳақ йўлида чеккан заҳматлари учун Аллоҳ уни азизлар қаторига қўшсин, жумла мўмин кўнглига Аллоҳ фарзини, Ҳақ Мустафо суннатларини солсин, инсонларни яхшилиққа даъват этсин, имонга чорласин, илоё Аллоҳ таоло ёрлақаган исмингиз то киёматгача йўлдошингиз бўлғай, сиздин рўшнолик топган кимса борки, ул икки дунё роҳатини кўрсин, омин, Аллоҳу акбар!

Ўнлаб қўллар фотиҳага кўтарилди. Шайх ўз эғнидаги эски ва ямоқли жун чопонини ечиб, Қутбиддиннинг елкасига ташлади. Қутбиддин энгашиб Шайхнинг этагини, кўлини ўнди. Сўнг ирғиб туриб қўл қовуштирди, уч қара таъзим бажо келтирди. Шайх Қутбиддиннинг бошини эгиб кулоҳ кийдирди. Кулоҳнинг олд томонига яшил япроқ шаклида тамға босилган, япроқ ичида кўндалангига уч қатор оқ чизик тортилган эди. Бу Яссавий тариқатига мансуб сўфийлик рамзи эди. Яшил япроқли тамға чекилган кулоҳ юқорида зикр этганимиз уч мақомнинг камида иккитасини босиб ўтган халифа-шоғирдларга бериларди.

Қутбиддин ўша куни сўфийлик ашёларининг барчасига эга бўлди: қайиш камар, ирғай асо, таслим тош. Ҳалқадаги дарвишлар уни хирқати табаррук ила мубо-ракбод этдилар.

...Қутбиддин кун бўйи Сулаймоннинг оғзини пойлади: Зора «дафтари соний»нинг маънисини айтиб берса. Аммо Сулаймон, бери кел, деб имо ҳам қилмади. Қутбиддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. «Майли, бир куни пиримнинг ўзларидан сўраб оларман», деб ўзига тасалли берди.

Хуфтон намозини барвақт адо этиб, кўрначага чўзилди. Бироқ кўзи илинмади. Эртага Самарқанд сари йўлга чиқадилар. Кўз олдидан киндик қони тўкилган она шаҳрининг шан кўчалари, азамат чинорлари, пада-ри бузруквори, волидаи меҳрибони ўтди. Ота-онасини кўрмаганига икки йилдан ошди. Энаси қандоқ экан? Қутбиддиндан тириклай айрилиб, не кўйга тушди экан?

Кутбиддиннинг дийдаларидан икки катра қайноқ ёш сизиб чиқиб юзига тушди. Хўрлиги келди. Кўнгли ачишди. Рўпарасидан мунгли онасининг сувраги кетмай қолди. Хаёлида онаси гўё унга қўл чўзиб, йиғлаб тургандек эди. Кутбиддин тўлганиб шивирлади: «Энажон, сизни соғиндим, жуда-жуда соғиндим... Сизга қачон стаман, қачон дийдорингизга тўяжакман, энажон?!»

## АРВОҲ – МАДАДКОР

### 14- ф а с л

*Манзили Маҳмуд эмиш олий мақом, Ул  
мақомни иста ҳақдин, вассалом... Ҳақни  
билсанг, бу олам султонисан,  
Билмасанг, ё дев ва ё шайтонисан.*

Насимий

Қорахонийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлмиш Султон Маҳмудхон Арслонхон ўғли ёз бўйи Сиёб соҳилидаги қароргоҳини тарк этмади. Мана, куз сепини йириштирмоқда. Ҳадемай қиличини судраб, қорли-қировли киш келади. Тунлар салқин тортади. Илло Султон кўшикини шахристондаги маҳобатли саройга кўчиришни ўйламади ҳам. Бир кун, бир ҳафта бўлсада-да, дала-тузни фанимат билади. Ёввойи гуллар, эркин шамоллар оғушида, оқар сувлар ёнида бўлишни истайди. Бу – инжиқ кўнгил майли эмас, болалигидан қон-қонига сингиб кетган эҳтиёж. Эҳтимол, аждодларидан ўтиб, руҳига эш бўлган меросдир. Раҳматлик қиблагоҳи ҳам, киш ичи демаса, наврўз келиб бойчечак очилгандан то ола қарға қағиллаб қор ёққунча чўлу биёбондан, қирлар, яйловлар бағридан, шаркирок анҳорлару арчазор тоғлар қўйнидан бери келмасди. Маҳмудхон ҳам димик шаҳар хавосидан кенгликларни, юлдузли, ойли кечаларни афзал кўради. Филжумла, қалдирғоч келди, дегунча қароргоҳини Зарафшон дарёси бўйигами, Ургут тоғларигами, Обигарм чашмалари ёхуд Омонқўтон қирларигами кўчиради. Оқ ўтов тиктириб, кийикўти солинган хушбўй кимизни симириб ётади.

Маҳмудхон бу йил Самарқанд биқинидаги Обикўҳак мавзеига саропарда тиктирди. У кейинги уч-тўрт йил

ичида қорахитойлару қорлуқлар билан олишавериб зада бўлган эди. Шу боис шаҳардан олислаб кетгиси келмади. Самарқанд кўз ўнгимда ярқираб турсин, дея Қўҳак қирида истироҳат этишга жазм қилди.

Ёзни дилхушлик билан ўтказди. Зарафшонда шоҳона кемачаларда сайр этди. Мезон оёғида Ургут тоғларига айиқ овига чиқди. Қопқоп қўйдириб, кичкина айиқ боласини туттирди. Унга ўзича Гўрбола деб ном қўйиб олди. Гўрхон – қорахитойлар хони эди, у Маҳмудхон билан унинг язнаси Санжари мозийни не-не азобларга гирифторм қилмади. Султон Маҳмудхон Гўрхонни бир беозор ҳайвонга тенглаб, гўёки қорахитой хонидан аламини олмоқчи эди. Маҳмудхон дўмбоққина, кўнғир айиқча рўпарасида соатлаб хаёл суриб ўтиради. Пўлат панжарадан олма чўзса, айиқча тескари ўгирилади, қафас чегига бориб, калласини бутига тикади-да, ётиб олади. Онда-сонда сув ичади холос. Она дийдоридан айрилганига мотам тутаётгандек узуқулинингшиб, бир бурчақда кўзларини юмиб ётаверади.

Охири малика Ойтуғди Султоннинг хузурида тиз чўкиб, ҳайвоннинг савобини тилади: «Бегим, шул ўлжангизни бизга бахшида қилинг. Шўрликка раҳмим келадур, ахир бул ҳам меҳрга зор бир норасида. Гўдакка томоқдин бурун мулойим сўз лозимдур».

Султоннинг ғурури лат егандек бўлди. Илло, суюкли маликанинг галини икки қилолмади. «Ўзи фарзандидин тириклай айрилиб қақшаб юрибдир, олса олсин шул жониворни», деб айиқчани ҳады этди. Мана, неча кундирки, «Гўрхон» бола Ойтуғди бонунинг хос чодирини ёнида яшайди. Султон гоҳи собиқ асирини кўргани айланиб боради. Бир куни ажиб манзаранинг устидан чиқди. Малика чўрисифат бўлиб кийиниб олибди. Қўлида кумуш тобок. Қафас олдида чўнқайганча айиқ болага меҳр изхор қилаётир: «Ма, сут ич, дўмбоғим... Кўзларинг мунча ҳам чиройли экан, полвон бола! Бамисли менинг ёлғизим Қутбиддиннинг қора кўзларига менгазайди. Ма, ича қол, ке, аразлама... Қорнинг тўк бўлса, кучинг кетмайди, худо хоҳласа бир куни озод бўлгайсан. Қайта арчазоринга бориб онаизоринг бирла дийдорлангайсан, қорақўз! Ма, ич, ича қол...»

Султон бир хол бўлиб туриб қолди. Сўнг жоҳилият ичида маликанинг одми рўмоли аралаш сочидан чангаллади: «Ҳм, малика?! Пошшоликни ўз илкингизга олдингиз-

му? Биздин берухсат бир ҳайвонга озодлик ваъда килиб турибдилар? Ичкари кириш».

Малика тобоқни қафас олдига қўйди. Султон бир тегиб тобоқни тўнтарди. Айиқбола хуркиб, қафаснинг бурчагига қочди.

Султон чодирга кириб парестикқа ёнбошлади. Ойтуғди пастроққа чўнқайди. Анчагача иккаласидан садо чиқмади. Ойтуғди рўмолининг учи билан кўзларини артди. Боши куйироқ эгилди.

– Сулланг, маликам! – деди Султон қахрланиб. Малика рўмолини бошига тангиб борлади. Хоннинг бетига тикка қаради:

– Уч кундирки, айиқболанинг онаси кслиб уйқумни бузадир. Хар куни хуфтон чоғи ўкириб етиб келадир. Сойнинг у бетига туриб фарёд қиладир.

– Боласининг тутқунда эканлигини қайдин билибди?

Ойтуғди кулимсиради:

– Она-да, бегим. Онанинг юраги боласининг исини туяди. Тавба қилдим, печа кундирки, менинг ҳам кўнглим жизиллайди. Қутбиддинимни кўрадиканга ўхшайман. Иншоолло, шу яқин фурсатда ёлғизимнинг дийдорига тўйгайман, деб умид қиламан...

Рафиқасининг «осий ўғил»ни тилга олгани Маҳмудхонга ёқмади.

– Ундай ўғил йўқ энди. У сиздин, биздин воз кечиб каландар бўлиб кетган. Хўш, тунда уйқунгиз бузилаётган бўлса, айиқболани маҳв эттиргаймен.

Ойтуғдининг ранги бўзарди.

– Бегим, агарда бу порасида жониворни маҳв этсангиз, пушаймон бўлғайсиз. Унда маликангизга ҳам... видо айтинг...

Султон йигирма йиллик ёстикдошидан бундоқ куфрона сўзни кутмагандек, бир лаҳза ажабланди. Сўнг аста бўқсасини кўтариб чордана курди.

– Муборак сўзларини такрорласинлар, маликам, – деди Султон кафтини кулоғига қўйиб, – бу гўши беҳабар не деганингизни тузук англамади чоғи...

Ойтуғди киприк қоқмай гапини қайтарди:

– Мабодо бегим бир бегуноҳ жонзотни жонидин жудо этсалар, суюкли маликасининг ҳам айрилган бўладилар. Сўзим – сўз.

Маҳмудхон Ойтуғдининг феълени хўб билади. У Султон Санжарга беҳад хизмат қилган шавкатли баҳодир Бўркиёруф амирнинг эрка қизи эди. Ойтуғди чавандозликда, камон отишда йигитларнинг хавасини келтирса, назокатда, аёллик латофатию шакарғуфторликда бўйсира қизларнинг ҳасадини кўзгарди. Султон бир сафар унга жориядек муомала қилди. Ойтуғди индамади, ўғлини, канизакларини олиб Марвга кетиб қолди. Маҳмудхон орага язнаси Султон Санжарни қўйди. Ойтуғди, «Жаноб Маҳмудхонга айтинглар, аввал малика бирла жориянинг фарқига борсинлар, андин сўнг аҳли аёлини талаб этсинлар!» деди. Султоннинг ўзи бош солиб Марвга борди, Ойтуғди билан ёш Қутбиддинни узатиб қайтди. Шушу, рафиқасининг ройишига қарарди. Бугун тагин ўтган ишни унутди.

– Маликам, бундин чиқди, шаръий эрингизни азмиқароридин сизга бир ёввойи махлуқнинг жоши азиз эканда?

– Йўқ, бегим. Эринг–пиринг, демиш машойихлар. Магарки, ул зот пирим экан, муборак қўлларини беҳуда қонга бўямасинлар. Хали дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган бир жонворни қатл этиб, не муддао топқайсиз?

– Мен сизнинг тинчингизни ўйлайдирман.

– Қуллуқ, бегим. Менинг тинчимни ўйлайдирган эрсангиз, анинг жонини менга бағишланг. Ахир бу айикбаччани бизга ҳадя этдингиз. Ҳадя қайтариб олинурми?

Султон Ойтуғдининг мантикли сўзлари олдида тагин таслим бўлди.

– Хўп, ана бағишладик, – деди мўйловини силаб, – не қилсангиз, ихтиёрингиз.

Ойтуғди ўридан туриб Султонга таъзим қилди.

– Сиз бир норасида гўдакнинг гамини сган бўлсангиз, Аллох таоло сизни даргоҳида ёрлақасин, бегим...

Кечаси Маҳмудхон қий-чувдан уйғониб кетди. Туя жунидан кавилган пардай енгил, иссиқ кўрпани тепиб ташлаб қаддини ростлади. Ҳозиргина кўрган тушини ўйлади. Юзига фотиха тортди, «Астағфируллоҳ» деб қўйди. Тепага қаради. Саропарда чанғарағидан кумуш ой шуъла тўкиб турарди. Шу пайт тагин ҳай-ҳайлаган товушлар эшитилди. Олисдан буқа наърасидек бўғиқ сас келди. Султон аста турди, қарс урди. Хеч ким кирмади. У эг-

нига жун чакмонини, оёғига тиллакори кавушини илди, бошига сувсар бўркини кўндирди. Ташқари чиқди. Эшик олдида икки соқчи калла осилтирганча донг қотиб ухлаб ўтирарди. Султон уларнинг биқинларида ётган пайзаларини олиб улоқтириб юборди. Маликанинг чодир эллик қадамча нарида эди. Икки-уч кишининг қорасини кўриб шу тарафга юрди.

Сутдек ойдин. Чор атрофда канизаклар куймаланиб югуради. Ойболта кўтарган бесўнақай кимса сой томонга чопади. Ҳадеб, «Маликам, маликам, борманг, ул махлукқа ем бўлғайсиз!» деб бақиради.

Султон мулозимлар йўртаётган адирга қараб пастлади. Юз қадамча юриб тўхтади. Кўҳак сувининг нариги бетида уч яшар буқадек келадиган қоп-қора айиқ турар, ҳадеб олдинги оёқларини хавога кўтариб ўқирарди. Султон яна илгарилади. Кўзи Ойтуғдига тушди. Маликани бир тўн жория аёллар қуршаб олган, ёнида қилич, сўйил кўтарган навқарлар. Малика бошланг. У она айиқдан кўз узмай тикилиб турибди. Айиқ тўхтонсиз ўқиради, гуё интизор бўлиб бировни чорлайди. Нола қилади...

Бир замон у соҳил томон талпинди. Сувдан айиқбола сузиб чиқди ва бир-икки силкиниб онаси томон отилди. Она айиқ лапанглаб келиб боласини қучоқлади, ерга думалатиб сўйди, эркалатди, сўнг соҳил тарафга қараб чўзиб ўқирди-да, кўз қаровини олдига солганч, тоғ ичкарисига кириб кетди. Малика овози титраб уларнинг ортидан мунгли дуо қилди: «Илоё, онангни топганинг рост бўлсин, айиқча! Уф... Эй тангрим, ҳеч ким бу дунёда жигарпорасидан айрилмасин, ҳеч ким волидасидан жудо бўлмасин экан... Ёлғиз ўзингга сиғиндим, ўзингдин ўзга суянчим йўк...»

Маликанинг титроқ товуши Султоннинг гашини келтирди. У дарҳол изига қайтди. Қираверишда соқчилар ҳамон хуррак отиб ўтирарди. Султоннинг жаҳли чиқди. Икки соқчини тешиб ағдарди. Ичкари кирди.

Султоннинг бедорлигидан хабар топдими, изн сўраб офтобачи кирди. У чодирнинг тўрт тарафидаги тилла шамдонларни ёқди. Ой нурида нимяшил бўлиб товланиб турган ипак чодир афсонавий жило касб этди.

Офтобачи пойғакка бориб тиз чўқди, қўлларини қошуштириб фармон кутиб ўтирди. Султон оғиз очмади. У

ўз хаёли ила банд, сийнаси жизиллаб тонготарда кўрган тушини ўйларди. Тушига қиблагоҳи кирибди. Раҳматли, фалажи бедавога йўлиқиб жоп таслим қилган эди. Ҳамон тахтиравонда эмиш. Сўнук кўзларини Маҳмудхонга тикиб, базўр тилга келиб дермиш: «Ўғлим... майшат деб раиятни унутдинг... Ул нечук табибдурки, беморини сўроқламаса... Сен нечук султон бўлдингки, магар фуқаро ҳолидин хабар олмасанг. Эл кезмайсан, бозор ораламайдурсан... Жамоат бирла ибодат қилмокни тарк этдинг, Куръон тиловат этмайдирсан... Кўзингни оч, болам, борар боғингни ўйла...»

Султон бир сесканди. «Борар боғингни ўйла...» Ота-си тонгла маҳшардин огоҳ қилаётган эди. Бу ишора уни арши аълодан заминга кўндиргандек бўлди. Дарвоқе, султон кейинги вақтларда кўнгил хоҳишига эрк бериб, атроф жавонибда не ходисалар содир бўлаётганини назардан кочирди. Омоч суриб дон сочаётган деҳқоннинг от изини кўрмаганига қанча бўлди? Қорахитойлар босқинидан кейин муаззам Самарқанд бозорига оёғи етдими? Қабристонун қадамжоларни сўнгги бора зиёрат этгани қачон эди? Ҳатто Имом Муҳаммад ал-Бухорий ҳазратларининг марқадини зиёрат қилмаганига ҳам бир йилдан ошибди. Аслида, ул зоти шарифнинг хоки пойлари қўл чўзса етгудек ерда, қадим Сурдиқентда сокин бўлмиш. «Инсофли кимсанинг юмуши эрмас бул ишим. Арвоҳлар сўзи тирикларга насият. Фарзу суннатни, вожибул илоҳийни фаромуш этибдурман. Биздин осийлик кечди, надари бузруквор, иншоолло, руҳингизни минбаъд безовта қилмагайман. Тавба-тазарру ичра ўртанурман, қиблагоҳ».

Султон пориллаб ёниб турган билакдай йўғон, ярим газлик заъфарон шамларга бир-бир разм солди, дилини ўртаётган надомат, афсус, тавба оташига уларда ўхшашлик топди. Ичида истиғфор айтиб, «Тавба» сурасини ўқиди, кафтларини юзига суртди. Унга тақлидан офтобачи ҳам дуойи фотиҳа қилди.

Шоҳи пардани ёриб, қора куюндай бўлиб Қарчиғай баҳодир кирди. Унинг бўйи салкам уч газ келар, султон қароргоҳидаги посбонлар сардори эди. Қарчиғайнинг ранги-кути ўчиб кетган, қалмоқ башарасида қон йўк, ола кўзлари бежо, гўёки ҳозиргина одам ўлдириб келган котилдек хансирарди.

Кўрчибоши икки букилиб таъзим қилди. Гулдиракдай овози хириллаб, тилга кирди.

– Султоним, бир қошиқ қонимдин кечсинлар... Ул итдин тувғонлар ухлаб қолибдир. Ҳозир иккаласинингда кетига тегиб оғочга бойлатиб қўйдим. Амру фармонингизга мунтазирман. Бошларин кес, десангиз ўз илким бирла кесгайман, токи ўзгаларга ибрат бўлғай... Хай, харомзодалар-е! Оламшаноҳ амр этсалар...

Қарчиғайнинг бўғзидаги гани оғзига етмади.

– Аларни қияланғоч қилиб сувга пишинг, – деди Султон хотиржам товушда, – андин сўнг сакбон этиб қўйинг.

Соқчилар сардори аввало қўриқчиларнинг, қолаверса ўзининг зилдай гуноҳини бўйнига олиб зир титраб турарди. Султоннинг нечун марҳамат қилганини англамади. Ҳозиргина Маҳмудхон қиблагўҳининг арвоҳи олдида тавба-тазарру келтириб, кўнгли шамдай эриб турганини у қайдин билсин?

Қарчиғай баҳодирнинг жоши товонига тушган эди, қайта тиззасига кўтарилди. Ичида Ҳақ таолога шукрона келтириб, таппа ерга юкинди.

– Умр бўйи содиқ қулингизман, ҳазратим...

Султоннинг овози қулоқларига ёқимли эшитилди:

– Боринг, аркони динни уйғотинг. Бомдод намозини қалъада, Жомеи кабирда ўқимокни ният қилдик.

Қарчиғай ирғиб туриб тисарилди. Офтобачи ҳам оёққа қалқди.

– Мустаҳаб, – деди Султон қискагина. Офтобачи ёнбошлаб эшикка юзланди.

Сал фурсатдан сўнг сув бўйида Қарчиғайнинг ўдағайлаб бақиргани қулоққа чалинди:

– Жонларингни тилаб олдим, валадизинолар, энди менинг оёғимни ўпсанглар ҳам оз! Юз дирҳамдан ақча чўзадиган бўлдинглар, андин сўнг истаганларни сакбон этиб ит боқдирурман, истамаганларнинг кетига тегиб-тегиб хайдайман, ў, энағарлар!

Хоннинг хос соқчисини сакбон – итбоқар этиб қўйиш мисли кўрилмаган ҳақорат эди. Аммо юз дарра еб майиб-мажруҳ бўлиб қолгандан кўра юз дирҳам товон тўлаб сакбон бўлган авлороқ эди. Соқчилар Қарчиғайни бириккетин дуога кўмиб, унинг шартига розилик билдирдилар.

Кўрчибошининг риёкорлиги Султоннинг хил-хил эриб турган иссиқ бағрига ях бўлиб тегди. «Имони йўқ

анинг, — уф тортди Маҳмудхон, — водариг! Нахот бу фоний дунёда ўзингдин ўзга бир маҳрами содиқ топилмаса?! Ул бетавфиқни не қилмоқ даркор? Ғофил соқчиларга кўшиб ани ҳам сакбон этайму? Асли бу дунёда дўст топмоқ душвор экан, эй парвардигори азим!..»

## ЗАҚҚУМ ДАРАХТИНИНГ МЕВАСИ

### 15- ф а с л

*Қуёш ботса, ўқинма,  
эртага у тонгни бошлаб келади.*

«Авесто»дан

Чархи кажрафторнинг ишлари қизиқ экан. Гоҳо худнамолик билан бошланган юмуш рўшнолик билан тугайди, ва билъакс, яхшилик, шодмонлик ваъда қиладиган кун маъсият, ғамгузорлик бирла итмомига етади.

Султон Маҳмудхон субҳисодиқда аркони дил ҳам умарою фузалони қабатига олиб, оқ тулпорига минганда кўнгли сунбула сувидек тиниқ эди. Кечга бориб кўнгли вайрон бўлди, уззукун вужудини балқитиб турган хушнавозликдан асар ҳам қолмади.

...Маҳмуд Тамғачхон асъасаю дабдаба ила йўлга тушди. Олдида муждачилар Хон Ҳазратлари «Самарқанди зебо» сари ташриф буюраётганини хабар қилиб, от чоптириб кетдилар. Сиёб сохили энди уйқудан уйғонган. Икки тарафи ларзон шохли дарахтлар ила зийнатланган тор кўчаларда эшакаравалик, хачираравалик дехқонлар учрайди. Бу аравачалардаги мевасаватлар остида куз мевалари ялтирайди. Дехқон бозорга ошиқади, тоғ бўзармай тирбақ Самарқанд растасидан жой эгаллагани маркабини чучулайди.

Шаҳарга яқинлашган сари Султон Маҳмудхоннинг юраги тез-тез ура бошлади. Тагин ота арвоҳини хотирлади, дилида такбир айтди. Жомеи кабир олдида йиғилажак оломонни кўз олдига келтирди. «Орий рост, биздин бевандишалик ўтибдир, шаҳристон аро кириб, жамоат бирла намоз адо этмаганимизга уч ой бўлибдир. Маърақадин йироқда қолгон мўъминга тақлид қилибмиз».

Султон Самарқанднинг сув сепиб супурилган ораста кўчаларига қадам босганда кошинкор, мусаллодек тик миноралар ичидан муаззин товуши эшитилди:

— ...Ашҳаду ан-ла илаҳа-а, иллолло-оо-о!

— ...Ашҳаду ан-ла илаҳа-а, иллолло-оо-о!!

Ёвуқтаги янғроқ сасларни олисдаги бўғиқ, ўқтам давват тасдиқлади:

— Хаййа ала-с-солах! Хаййа ала-с-сола-ах!..

Султон саҳобалари жоме масжидига бурилдилар. Кўчаларда одам қалинлашган, «Пўшт, Пўшт!» деб йўл очиб бораётган кўрчибошининг хайбатидан чўчиб, фуқаро деворга қанишади, кўлларини қовуштириб, оқ бедов устида хар ёнга виқор ила бокиб келаётган Султон Маҳмудхонга таъзим бажо қилади. Султоннинг эғнида яшил мовут чакмон, бошида имоми Аъзам мазҳабидаги шайхлар дастори ила ўралган чакмоқдек салла. Дастор пешида Бадахшон лаъли порлайди. Султон хар сафар икки ёнига ўгирилиб фуқароларининг саломига алик олганида ёқут ялт-юлт ёнади, кишилар кўксида ҳавас, кин, киноя, фахр, адоват ва тағин нечукдир бетафсир туйғулар уйғотади.

Йўл бўйи қувраган оғочдек тизилиб турган эғни юпун, оёқяланг кимсаларни кўриб, Султоннинг кўнгли эриди. Садақа бермакни ихтиёр этди. Чап ёнбошига ўгирилиб кимгадир им қоқди. Отини ниқтаб ҳазинабон ёндошди.

— Аларга бизди номимиздин садақа беринг, — деди Султон, — ҳакимизга дуо қилсинлар.

Ҳазинабон узангига оёқ тираб от устида юксалди.

— Эй мўмину мусулмонлар! Ҳазрати олампадох шул қутлуғ субҳисодиқда жаннатмонанд Самарқанд сари қўйғон муборак қадамларини хайри эҳсон қилмоқдин бошладилар! — деб хайқирди. — Эшитмадим десманглар, Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноблари мурувват айлаб, фуқароларига хайри садақа таркатадилар!

Ҳазинабон қўйнидан оғзи бурмали халтача олиб туғунини ечди ва атрофга сиқимлаб дирхам соча бошладди. Қадди дуто халойиқ бир-бирини босиб-янчиб ерга ёпишди. Бешинчи халтачани Султондан яширикча ўғри чўнтагига урди.

Самарқанднинг улуғвор, мунаққаш жоме масжидида бомдод намозини адо этиб, Султон Маҳмудхон тағин отга минди. Аркони давлат ва ҳукамолар қуршовида шаҳар оралади. Қушхоналарни, расталарни, устахонаю мадрасаларни кўрди. Қусам ибн Аббос шайх турбатини зиёрат қилди. Қун кўтарилганда чорбозор олдида отдан тушди.

Отаси раҳматли бир гапни мудом такрорлагувчи эди. «Та-каббур бўлсанг, мозор кез, болам, ғофил бўлсанг – бозор кез. Бозор кўзга ором, мозор кўнгилга таскин беради».

Бисмилло, деб қўш дарвозадан ичкари ўтди. Ўтди-ю, «Ё Аллоҳ!» деб бсиктиёр тўхтаб қолди. Меҳржоннинг оёғи, ҳадемай Самарқанднинг қаҳратон киши келгай. Илло бозор дошқозондек қайнайди. Ха, Самарқанд бозори мағрибу машрикка машхур эди. Бу ерда Ўрусиядан келган мўйнафурушларни, қашқарлик заргарларни, Дашти Қипчоқ от жаллобларини, Шому ироқдан оёғи етган тужжорларни учратиш мумкин. Самарқанд бозорини пиёда кезгувчи кишининг бир кунлик вақти кетар, даста-даста расталар, турфа хил «...фурушонлар» сони мингдан зиёд эди. От бозор, қўй бозор, баққоллик, баззозлик, кул бозор, атторлик, чилангарлик, қушбозлик, сабзаворлик, мевафурушлик, овчилик, дурадгорлик, аллофлик, терифурушлик, саҳҳоблик. Ғала-ғовур, ур-сур, ол-ол, бер-бер ила машғул оломон орасида одам яралгандан бери бировнинг ризқини қийиб ё бировга насиба улашиб юрган юзлаб, эҳтимол минглаб касбу хунар эгаларини учратиш мумкин эди. Косиблар, мерганлар, айғоқчилар, дуохонлар, қароқчилар, табиблар, девоналар, даллоллар, кароматчилар, бахшилар, ўғрилар, майхўрлар, майфурушлар, қизиқчилар, садр тушувчи маддохлар, тобуткашлар, сорбонлар, ўтинчилар, морбозлар, моховлар, баччалар, сатанг аёллар, қўшмачилар, хожасаролар... Бозорнинг тили ҳам анвои, бир лаҳза ўрталикда туриб қулок тутсанг, ҳар ким гўё ўз тилида чулдираётган қушларни эслатади: чигил ҳам шу ерда, тотор ҳам, сорт ҳам шу ерда, пирсиён ҳам, қорахоний турк ҳам, қорлуқ ҳам, ажаму аъробий, нўғой, яхудий, қипчоғу кўнғирот, қийик кўзлик чин-мочинлар, кунгур телпакли қашқарлик, ширин забон мўлтони, бижилдоқ маззанг, шипакўз ўрис, қоғозни «когаз» дегувчи чучук тилли озарий...

Султон Маҳмудхон сайрни сабзаворликдан бошлади. Димоғига гул этиб намхуш, муаттар ис урилди. Омухта чечаклар, кўкатлар ичидан жамбил, райхон хиди алоҳида ажралиб турарди. «Самарқанд райҳонини искаган майит тирилур», деб ўйлади у растага разм солиб. Султонни таниб, аллақачон ўринларидан ҳадик ва умид аралаш ирғиб турган тармевачилар хонга толсаватда турфа кўкатлару

ифор хидли гуллардан пешкаш қилдилар. Махмудхон раста-раста ўтиб, бозор ичкарасига кирган сайин кўнгли сармаст бўлиб, завқиеб ҳисларга тўлиб борар, шундоқ маъмур ва муаззам бир ўлканинг ягона соҳиби эканлигидан ғурури кўк гумбазидек юксаларди. Беихтиёр Султон хаёлига аъробий шоир Абулфатх Бустийнинг ажиб байти қанот қоқиб келди. Бустий демишки, «Ан-нос фи ажрихим жанна ва жаннат ад-дунё Самарқанд»<sup>1</sup>. Султон илқидаги бир туп райхонни исқаб, ёнверига аланглаб боқди. «Алхамдулиллоҳ, жаннатмонандсан, Самарим, Самарқандим! Илоё, сенга кўз тегмагай, сенинг ҳуснингга кўз олайтирганларнинг кўзига чўп тушсин, рохатинг ҳам, захматинг ҳам ўз улусингга буюргай...»

Заргарлик билан атторлик дўконлари орасида султон ғаройиб манзарага дуч келди. Қабр тошидек улкан харсангда жулдур чопон кийиб, белига зуннор боғлаган ҳабашдек қоп-қора, барзанги бир кимса ўтирарди. Соchlари патила-патила. Олдида тимқора кашкул, бўз дастурхон. Бу мажнунсифат ғайридин йигит зохиран ўзаро хилоф, бемаъни сўзларни айтиб бақирарди:

– Ассалом ҳам, алвидо ҳам инжост, шул ердадир! Туркни кулдирган нимарса ажамни йиғлатур, билъакс, ажам кулганда турк гирён айлар! Дехкон экиб олти ой кутгай, менинг экканим олдимда униб чиқади! Шак келтирсанг, ўнгимга кел, ўнгимга!..

Султон чап ёнида титраб-қақшаб турган мухтасибга юзланди:

– Бу ғайридин ким?

– Кашмирий мусофир, олампаоҳ, – деди мухтасиб эгилиб, – ани кашмирий девона ҳам дерлар. Ром очиб, фол кўриб бир бурда нон илинжида...

Махмудхон индамай икки одим олға юрди, сўнг ромчининг сирли сўзи ёдига тушиб тўхтади. «Ассалом ҳам, алвидо ҳам инжост, деди. Нечук тирикликнинг ибтидоси бирла интиҳоси бул кофарнинг ўтрусида бўлмай?»

Султон кашмирийга чимирилиб қаради:

– Эй мусофир! Менга фол кўр, андин сўнг ассалом бирла алвидо таърифин сўйла!

---

<sup>1</sup> У дунёда одамлар учун жаннат бор, бу дунёнинг жаннати Самарқанддур.

Кофар хоннинг афтига узок тикилди. Ўзича ислардир деб пичирлади. Биқинидан кафтдек кўзгуча олиб қаради. Бир сиким ялтироқ тошчаларни дастурхонга сочиб юборди.

– Сени бул ерга отанг чорлади, – деди тошчаларга бокиб, – бугун кўкрагингда мана бундайин (у тагидаги харсангини шапатилаб қўйди) тош бор эди, ана энди ул тош эриди. Илло оқшом келиб ул тош қайта ичингга киргай. Сўзимдин қахрлансанг – каллам дорга етгай, шул алвидо менга! Башоратим ўнгидаш келса – қайта кашмирийни соғиниб келурсан, шул ассалом менга! Султон сесканди:

– Тош не бўлгай, мусофир, ани... ким эритур?

– Жоҳилиятдин қолғон ривоят бордирки, кун ботса, йиғлама, эй рофил, ул тонгла оламини қайта мунаввар қилгай... Оқшом сенинг кўксингга қўноқ бўладирғон тошни сўз эритгай...

Кашмирий дастурхондаги тошчаларни кўзгусини йиғиштирди.

Султон мутаассир бўлиб туриб қолди. Киссасига қўл уриб бир динор олди-да, кашмирийнинг олдига ташлади. Ромчи тилла тангага меңсимагандай кўз ташлади, сўнг уни айлантириб томоша қилди. Хушук илжайди.

– Ҳозиргина экканим кўз ўнгимда униб чиқди...

Шу пайт бир сават нон кўтариб новвой ўтиб қолди. Ромчи саватдан икки нон олиб тилло пул чўзди. Новвойнинг кўзи чиқиб кетди.

– Ол, кашкул харом бўлмасин, – деди кашмирий, – минг тиллодин бир бурда нон авло. Бу дунёнинг чиройи хам, чинори хам бир бурда нон деб юрибди.

Мусофир девонанинг гапи «чинор» Султонга наштардек ботди. Аммо у дамани ичига ютиб умарою уламоларни эргаштирганча бозор этагига қараб кетди.

...Султон Кўҳакдаги қароргоҳига етиб келганида аср намози вақти бўлган эди. У сафарда юрган кимсадек енгилгина тўрт ракаат намозни адо этди-да, пар болишга ёнбошлади. Тўсатдан кайфияти бузилди. Кўнглига ёнбошидаги бахмал гулли лўла болишдек тош чўқди. Хаёлига лоп этиб кашмирийнинг гапи тушди: «Оқшом ичингга тош киргай... бул тошни сўз эритгай...» Бу сирли каромат маънисини ўйлаб анча ётди. Кутишдан ёмон нарса

йўк экан. Хавфу хатарнинг ўзидан кўра унинг хадиги ёмонроқ деб алломалар бежиз айтмаган эканлар. «У нечук тош эканки, окшом ичингга киргай?» Махмудхон хуруфотчи эмас эди, динга ҳам мутаассибларча қаттиқ кўнгил бериб, хуруж қилмас, ўзидан аркони динни бездирмаслик учун фарзу суннатни астойдил адо этган киши қиёфасида юрарди. Аммо... барибир, қаттол жанг олдидан қол исини туйган жанговар суворийдек дили потирлаб, кўксини тешиб юборадигандек ўйноқлайди. «Лафзи девонада, бир ховуч тошга боқиб оғзига келганини валдиради-қўйди», деб ўзини онутишга уринди. Бўлмади. «Ахир сени отанг чорлади», деб турибди. Каромат қилди. «Кеча окшом чўчиб уйғонганимни, туш кўрганимни не билди у кашмирий?» деган изтироб баттар юрагини бурғилади.

Ётган ерида қарс урди. Эшикоғаси кирди.

– Қимиз келтиринг. Маъжун бирла.

Эшик оғаси билан баковул икковлон тилла баркашда фоз эти, пўлотий оби нон, бир чинни кўзачада қимиз, шунга лойиқ маъжун келтирдилар. Султон маъжундан мўлроқ кўшиб, бир чинни коса қимизни сипқорди. Юрагининг куйгани бир сония босилгандек бўлди. Этдан газак қилди. Сал ўтиб маъжун ўз кучини кўрсатди. Бада ни жўшди, вужудини қамраб олган хавотир чекингандек туюлди, шуурига тагин ўктамлик, ёвқурлик, шаффофлик кайтди.

Иккинчи коса қимиз Султонни тамом сархуш этди. У ёнбош уриб пинакка кетди.

Уйқудан дили сиёҳ бўлиб уйғонди. Намози дигар ўтибди. «Салотга ҳам турғизмабди лаънатилар!» деб мулозимларидан ўпкалади, сўнг маъжун ичганлигини эслаб, хижил бўлди. Юрагида ҳамон қора тош чўкиб ётарди.

Кўрқа-писа эшикоғаси мўраллади. Султоннинг ўрнидан туриб ўтирганини кўриб охиста бўсаға хатлади.

– Ҳазратим, бир мусофир изи сўраб турибдир...

– Ким экан? – деди Султон ҳамон ғафлат ичида.

– Яссидан эмиш. Хон жаноблариға топширадиргон омонатим бор, дейдур.

«Ясси»ни эшитиб, Махмудхон хушёр тортди. Яссида лочин ўғли – Кутбиддин бор. «Нахот ўғлидин бир мужда келтирган бўлса?».

– Кирсун.

Эшик оваси тисарилиб чиқди. Сал фурсатдан кейин чувак юзди, мулланамо ориқ йигитни бошлаб кирди. Бу Мавлуд қори эди.

Қори дархол чўккалади. Султон хакига дуо қилди. Сўнг қўйнига қўл солиб, хатчупга бекитилган ўрама қоғоз олди. Қўшқўллаб Султонга тутди.

– Не бул? – деди қовок солиб хон.

– Мактуб, шохим. Муни Соброн уламолари битмиш. Султонимизнинг ўз илкина топшир, деб амр этдилар.

– Ўзлари ким бўладилар?

Қорининг жавоби тайёр эмас эди, чайналди. Сўнг Ашрафхон қозининг пандини хотирлаб, бидирлади:

– Фақирингиз бир тужжорман. Туркистон диёридин Бухорои шариф сари тижорат ила йўлга чиқиб эрдим. Мухтарам зотларимизнинг ўтинчларина йўқ дегани тилим бормади...

Султон хатни қабул қилиб қорининг афтига зимдан караб қўйди. Мусофир йигитнинг доврираб турганини каззобликка йўймади, салобатим босди, деб ўйладими, «Сенга ижозат», деб рухсат берди. Мавлуд қори осон қутулганига суюлиб, шарпадек дархол чиқиб кетди.

Султон хатчупни беписандлик билан очди. Мактуб икки варақиша эди. Биринчиси йирик-йирик харфда, ниҳоятда хунук хатда битилган. Маҳмудхон хат бошидаги урфий мадху санони ташлаб ўртароққа кўз югуртирди. «...баъдаз, Сиз жаноби олийларининг Соброн музофотида истикомат қилгувчи мўмин фуқароларингиз Султонимизнинг шаън-шавкатларига соя тушмасин, деган қутлуғ ниятда мазкур номани битмақдамиз. Сиз пирим деб қўл берган шайхингиз салтанатингиз душмани бўлмиш Хоразмшоҳ Отсизнинг валиахди Абулфатҳга меҳр кўргузиб, ани дуойи хайр ила масрур этиб турибдир. Кўзингизни оқу қароси шахзода Қутбиддин фарзандингиздин тирик жудо этгани камлик қилдимиз? Шайхнинг бул йўсун муҳаббатномасини биз уламо аҳли аввало етти иқлим ияси Султон Санжари мозий, дуюм, сиздек олийҳиммат такво сохиби Султон Маҳмудхон хонадонига бўхтон деб билгаймиз. Сўзимизнинг далили тариқасинда Кул Хожа Аҳмад шайхнинг ўз дасти панжи ила битилган иншони юбордик. Зора, Аллоҳ мадақкор, Ҳак Мустафо ёр бўлиб, Сиз жаноби олийлари пирингизнинг

мунофиқона кори асроридан огоҳ бўлсангиз. Дуойи жонингизни қилиб, тожу тахтингизга кушойиш ва давлатингизга баракот тилаб, Соброн козию қуззотларидин деб билгайсиз. Вассалому биссавоб».

Аҳли уламнинг зикрича, иккинчи мактуб Шайх ул-машойихники эди. Маҳмудхон бу хатни жиндак ажабсишиб ва дилида андак гулув билан қўлига олди. Аввал майда, равон ёзувга тикилиб қолди. У Султон ул-орифиннинг дастхатини илк дафъа кўриб туриши эди. Хатдан шайхнинг нафаси, рухияти уфургандек бўлди. Негадир сесканди. Тўсатдан чиройли митти харфларга жон кирди, улар бир-бирини қувиб ирғишлади. «Нун» – кумуш ҳалқачаларга айланди, «син» ўткир тишли аррага, «алиф» узун ирғай таёкка эврилди, зигир уруғидек нозик нукталар эса қора қлдузчалардек чодир ичра парвоз айлади...

Султон хаёлини йиғиштириб қоғозга тикилди. Шу пайт бсихтиёр бармоқлари титраётганини сезиб қолди. Бадани қизиди. Калима келтирди. Сўнг ўзини зўрлаб номани ўқишга тушди. Мактуб мухтасар эди: «Муридмиз шаҳзода Абдулфатх Баҳодирхонга. Дини ислом сарҳадларици кенгайтириш йўлида чеккан захматларингиз ажру савобини бир қуни Яратганинг ўзи буюргай. Вале, фаромуш этмангки, каломи шарифда, динда зўрлаш йўқдир, дейилмиш. Парвардигори олам, инсон табиати ўта золим ва ношукр бўлишини айтиб, сизу бизни зулдин хазар қилмоққа чақирадир. Зероки, кимнингки сийнасига Аллоҳнинг шафоатли нури етган эрса; бас, ул ўз ихтиёри ила мўминликка муқтадо бўлгай. Илло қилич силтаб бош кесмакка хожат йўқдур. Қон иси келиб турган ерда ҳаёт чечаги кўкармас. Сиз Султони Санжар мозий одамларидин шиква-шикоятлар айлаб, ҳақингизга дуойи хайр тилабсиз. Санжарийларга-да, хоразмийларга-да бир ёмон гапимиз бор: сизлар кўп кулмакни ихтиёр этасизлар. Парвардигори олам, «ф-ал йазхаику қалилан»<sup>1</sup>, дебдурлар. Бул муборак оятнинг маъзини обдан чақиб вужудингизга тафаккур айланг, ўғлим. Ўз юртини порра-пора қилиб талашиб ётгон бир ватан фарзандларига васият-хатим шулдир. Байт:

<sup>1</sup> Бас, оз кулсинлар.

*Сени қўймас ажал ҳаргиз печа ҳукминг равон бўлса,  
Ҳукумат бирла оламни агар зебу забар қилсанг.  
Сизга лавҳу маҳфуз эгаси инсофу тавфиқ ато этсун.  
Шайх қул хожа Аҳмад Яссавий».*

Султон мактуб сўнгидаги шайх мухриини томоша қилди. Бўғалоқнинг кўзидай бежирим, тимқора мухр ўртасидаги доирада «Султон ул-орифин Аҳмад Яссавий» деган битик ўйилган, гардишда эса Яссавийдан бурун ўтган ўнта улуғ Аҳмадларнинг исмлари дарж этилган эди. Султон Аҳмадларга ҳам паришон ҳолда кўз югуртирди, бироқ бир шайхнинг номидаги ғалатни пайқамади. У тасаввуф илмидан дуруст хабардор бўлганида ва зийраклик қилганида бу ғалатни сезар, оқибатда пушмон ўқларига гирифтор бўлмасди. Афсуски, Маҳмудхон аксар фотиҳлар сингари қилич-камон илмида моҳир, лекин исломий илму ҳолда нотавонроқ эди.

Маҳмудхон заранг косадан анор сувини симириб, бир оз тиш олди. Уламолар «Шайх Маккаи мукаррама сари азимат қилди, яқин фурсатда қофиласи бирла Самарқандга етиб боргай», деб хабар берибди. Султоннинг кексайиб бораётган қалби бир тугён урди. «Магар Шайх биз тарафга ташриф буюрса, эҳтимолки, ўғли Қутбиддин ҳам қўшилиб келар. Ахир, мана уч йилдирки, валиаҳди Ҳазрати Султон даргоҳида муридлик мақомида юрибди. Гўёки, шаҳзода эмас, дарвиш, қаландар, жанда кийган таркидунёчи...».

Султоннинг кўз ўнгида илк зиёрати жонланди. Бундан икки йилу икки ой муқаддам, мезоннинг қоқ ўртасида Маҳмудхон Шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий жанобларини тавоф этгани Самарқанддан Ясси сари отланди. Қабатида содиқ амирлари, хос надимлари, хешу ақраболари, Самарқанду Бухоро садрлари, уламою фузало, қозию қуззот... Хайр-эхсондан ҳам мўл олди. Нияти-наинки мулки Туркистон, Шому Ироқ, Хуросону Румо, ҳатто оқ Эдил бўйларигача доврўи кетган авлиёлар сарвари, чилтонлар суҳбатдоши, райбу шаҳодат соҳиби Султон ул-орифинни зиёрат қилиш, унга қўл бериб мурид бўлиш, дуосини олиб, доруссалтанатига раванак ва баракот сўраш эди. Тоғаси, етти иклим фотиҳи Султон Санжар Яссавий тариқатининг мухлиси эди. Ҳазрат би-

лап мактубот алмашиб турар, Шайхнинг насиҳатларини жон кулоғи бирла тинглар эди. Маҳмудхон зиёрати туфайли тағойисини ҳам ризо қилмакни ўйлади ва саратон жазирамасини ўтқариб йўлга чиқди. Суюкли малика Ойтуғдидан бўлган ёлғиз ўғли Қутбиддинни ҳам қаторига олди. Тахт вориси бўлмиш Қутбиддинга авлиё бобоси ок фотиҳа берсин, деб умид қилди.

Бир ойга яқин йўл босиб, айна қовун пишиғида Яссига етиб бордилар. Маҳмудхон Ҳазрати Султонни илк дафъа кўриши эди. Шайхнинг этагини кўзига суртиб тавоф қилди, пирим деб қўл берди, хазинасини аямай совурди.

Бир ҳафта хизматида турди. Ўғли Қутбиддинни Ҳазратнинг оёғига йиқди, бул навжувонга иршод беринг, умрига камол тиланг, илоё қорахонийлар салтанати то абад шавкатдан, музаффариятдан махрум бўлмагай, деб ўтинди.

Хусусан Қутбиддин Ҳазратга қаттиқ боғланиб қолди. Султон Маҳмудхон тасарруфидаги вилояту туманларни кезиб, ҳокими ҳукамо билан мулоқотда юраркан, Қутбиддин қалъадан бир одим чиқмас, муттасил Шайх хузуридаги самоъ мажлисларида иштирок этар, дарвишлар тўдаси ичра қолиб кетар, зикр томоша қилар, хуллас, хонақоҳ ахлидан бир энлик айрилмасди.

Сафари қариб, Султон изига қайтаркан, Қутбиддиннинг Яссига яна бир муддат қолиш истағи борлигини англади. Аммо ҳали норасида, деб қолдирмади, ўзи билан Самарқандга олиб кетди. Қиш ўтиб, бойчечак очилгач, Қутбиддин тағий отасидан изи сўради: «Пир бобомни зиёрат қилсам...» Султон эрка ўғил кўнглига қараб ризо бўлди. Надоматлар бўлғайким, Қутбиддин Яссига борди-ю, ота-она даргоҳига қайтмади. Ёз ўтди, куз ўтди. Султоннинг қаҳри келди: «Туккан она бирла қиблагоҳидин ҳам зиёда кимса бор эканми бу оламда?!». У ўғлининг феъл-хўйини билгани учун мулойимроқ оҳангда икки энли хат битди: «Ўғлим, сиз бизни соғинмаган бўлсангиз, биз сизни соғиндик. Волидан меҳрибонингизни кўзлари нигорон, биз ҳам асодек суянчиғимизни интизор бўлиб кутгаймиз. Элингизга, муборак хонадонингизга дарҳол қайтинг».

Илло Қутбиддин қайтмади. Энди Султон жаҳл отига мишиб, ғазаб қамчисини сермади. Ўнта баҳодир навқа-

рини куроллантириб Яссига йўллади: «Ул қочоқ боланинг қўлига кишан солиб зудлик бирла келтиринглар. Шаҳзода, тахт вориси, деб аяб ўтирмасинлар!»

Навкарлар озиб-тўзиб, қорайиб кетган Қутбиддинни бир ҳафтага қолдирмай банди қилиб Самарқандга етказиб келдилар. Аммо ул бетавфиқ отабезори, бемехр, ношукр бола уйда бир ой турмай яна Яссига қочиб кетди. «Сен биздин кечган эрсанг, биз ҳам сендек фарзанднинг бахридин ўтдик», деди ўзича Султон Маҳмудхон ва қайтиб ўғлини таъкиб этмакни йиғиштирди. Мана, икки йилдан зиёдаки, Қутбиддин Шайх эшигида мисли хизматкор эмиш. Эшитишича, йиртиқ жанда, қинғир қалпоқ кийиб, чориқ судраб исқирт дарвишлар ҳалқасида «Ё, ҳу!» дея зикр тушиб юрганмиш...

Султон Шайх муҳрида парчинланган «Султон ул-орифин» унвонига боқиб пичирлади: «Шу инсофданми, пирим? Биз не ёмонлик қилдик? Бир оғиз ширии сўзингизни раво кўрсангиз, рутбангиз камайиб қолурмиди? Кўзимнинг гавҳари, дили-жоним, ёлғиз ўғил дардида куйганим етмасмиду? Нечун сиз ҳам заққум дарахтининг заҳаролуд мевасини ошатмоқчи бўласиз? Ҳиммат бирла вафонинг мукофоти шулмиди?».

Икки варақ ипак қоғозга термилиб Султон яна анча ўтирди. Кашмирий девонанинг совуқ башоратини эслади. Кўз олдига тагин қаландарсифат ўғли келди. Мудом қовоғини очмайдиган, такаббурнамо, мухтасар ва кесиб сўзловчи Ҳазрати Султон гавдаланди. Қофар Гўрхону ўз қавмлари қорлуқлар ила бўлган жангдан қолган қалб жароҳати энди битаётган эди, мана бу нома туфайли яраси янгиланди. Хўрлиги келди. Яна муздек анор сувидан шимирди.

Қоғозни йиғиштириб ўрнидан турди. Тилла камарини тортиброк боғлади. Ўзини бардам, ўктам қиёфада тутиб ташқари чиқди. «Бил балои собир-айни» – бало келса сабр қил, дейдилар. Алҳамдулиллоҳким, балодан алҳазар, ўғлим келмакда. Ҳазрат Санжарийлар хонадони шаънига номуносиб гап айтган бўлса, айтибди. Зеро, султонлар ила шоири замонлар азалдин то қиёматга қадар ихтилофда эрурлар. Бунга куйиб жигарни кабоб этмаслик даркор. Кишанлаб келтиролмаган ўғлим ўз оёғи бирла келмакда. Алҳамдулиллоҳ минбаъд қошимда қолғай.

Бул хушхабарни айтиб, волидасини хушнуд этай. Сунг Кўҳакни тарк этайлик. Шаҳзодани касри олийда кутиб олганимиз маъкулрок.

Султон Ойтуғдидан суюнчи олгани аҳли аёли қўним топган қизил чодир томон кетди.

## ОСИЙ ФАРЗАНД

### 16- ф а с л

*То кишига дард тегмай  
бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса,  
дардисаримни кавлама.  
Баҳри раҳматга кириб,  
қилдим вужудимни адам,  
Мағрифатдин беҳабарсан,  
дафтаримни кавлама.*

Машраб

Кутбиддин минг истиҳола билан бўсафа ҳатлади-ю, тўрда, сербар тахтда ўтирган отасига кўзи тушиб, юраги ўйноқлаб кетди. Шитоб билан олға интилди. Гулдор, юмшоқ ажамий гиламларни сассиз босиб, зумда падарининг истиқболига етди. Кулдай ер ўпди. Бошини гиламдан кўтариб қўл қовуштирди. Аммо отасининг кўзига боқишга журъат этмади. Дардли, титрок товушда истиғфор айтди:

– Осий фарзандингизнинг гуноҳидан ўтинг, қиблагохим...

Махмудхон ўғлининг дийдасига разм солди. Унинг кўзлари тўла жикқа ёш эди. Султоннинг ҳам кексалик биёбони сари юз бурган пажмурда қалби сел бўлди. Агар унинг гинаси ночор ва иззат-нафси заиф бўлганида, сабр этмас, беихтиёр тахтдан туриб кетарди. Фарзанд соринчи уни тахтиравондан узиб олмоқчи бўлар, илло шаккок ўвил қилмишидан заҳм еган оталик кўнгли, подшолик кибру ҳавоси бунга йўл бермасди.

Кутбиддин ҳамон ердан кўз узмай бош эгиб ўтирибди. Султон Махмуд ўғлига бир дақиқа синчков тикилиб қолди. Ўғлининг эғнидаги жун чопонни ўша борганида ҳазрати Султон ул-орифинда кўрган эди, оёғида кўҳна чорик, бе-лида бир энлик қайиш камар, бошида қаландарий қулох.

Султон кулоҳ ишига тамғаланган яшил япроқ нухасига кизиқиб тикилди. Кафтдек япроқ ўртасидан кўндалангига узун-узун ошпоқ чизикчалар тортилган. Бу чизиклар тоғ бағрида эриётган қор парчаларини эслатарди. Султонга Қутбиддиннинг бўйнидаги бармоқдек қора тош ҳам ғайритабиий туюлди. «Бу қаландарларнинг туморимикан, не бало ул ўзи?» деб ўйлади Султон ва қисқа йўталди. Ўғил отасининг ишорасини тушунарди. Аста бошини кўтарди. Султон юзига қаҳрли тус берди, қовоқ солганича бармоғини илмоқ қилиб сўзсиз чорлади. Қутбиддин тиззалаб олға ишилди. Тахтиравон четига етиб, отасининг узун банорас тўнидан тутди, этагини кўзига суртди. У икки йилдан зиёдроқ дарбадар юриб, падарини обдан соғинган, ҳозир ним ишора бўлса, ўкириб ўзини ота бағрига отишга тайёр эди. Аммо Султон Махмуд сукут сақларди. Сукунат чўзилди, у гўё абадий давом этадигандек эди.

Қутбиддин бош кўтариб, хўжасидан марҳамат, бир оғиз ширин сўз кутган вафодор итдек қиблагохининг бўғриқиб турган қип-қизил бетига, оқ оралаган соқол-мўйлабига қаради.

– Шафқатингизга зорман, отажон, гуноҳимни кечиргайсиз...

Султон миқ этмади. Кўлини қиличдай сермаб ўғлининг бетига тарсаки тортиб юборди. Қутбиддин буни кутмагани, ўнг ёнбошига ётиб қолай деди. Султон афсус еди: «Қаттиқ тегди-ёв, жохиллик қурсин. Бу баттол ирғиб туриб чиқиб кетишдин тоймайдур, фёъли чарс, аносига тортқон».

Қутбиддиннинг юзидан олов чиқиб кетди. Бирок ўрнидан кўзгалмади. Не ажабки, елкасини босиб турган зил-замбил юкнинг ярмидан қутулгандай бўлди, вужудида енгиллик сизди. Шукрона келтирди. «Демак, қиблагох гуноҳимдин ўтибдир, ҳар нечук даргоҳидин ҳайдаб чиқормади, хануз кўнглидин ўчмабмиз, шукр...»

Нихоят, Султон тарафдан нидо келди:

– Ана энди сўллашамиз, саёқ мирзо!

Қутбиддин юрак ютиб отасининг юзига қараб синик илжайди. Султон ўғлининг эгни-бошига қайта разм солди, ичида қайнаб турган меҳрини сездиргиси келмай, панд берди:

– Уйдин чиқиб кетганингизда шахзода эдингиз, қаландар бўлиб қайтибсиз-да? Бизнинг девола ўғлимиз йўқ, мана бу тожу тахт эгаси бўлмиш валиаҳд бор эди, деб юрибмиз. Бул не турки тароват? Боринг, сассик жандаларингизни айирбошланг, андин сўгин мусохаба қилгаймиз.

Кутбиддин бир кадар дадилланди:

– Таассуфким, фурсат ўтди, қиблагоҳ, – деди тавозе билан, – расули худо айтмишларки, ан-назофату мин ал-имон, деб. Яъниким, тозалик имонданур. Бул хадиси шариф буйруғи шулки, ҳар мўмин-мусулмон барча ни-марсаларини покиза тутмоғи лозимдур. Хусусан, аввало киятурғон либосларини. Сўфийлар либосини сассик демок пожоиздур, ҳазратим.

Султоннинг аччиғи келди. Истеҳзоли кулди.

– Хулласи калом, бизнинг устимиздаги мана бу зарбофдин сизнинг жандангиз тозароқ экан-да, ўғлим?

– Асло. Имони тоза бандасининг либоси ҳам тозалик-да баробардур. Подшолар жумла халойиқнинг маънавий отасидур, аларнинг тақволарига шак келтирмак гуноҳи азимдур.

Султон тикка савол берди:

– Мундоқ разм солсам, аклу хушингиз жойида кўринадур. Илло бир мушкул сўроғ тинчлик бермайдур. Қутлуғ хонадонингиздин, волидаи меҳрибонингиздин, шахзодалик рутбасидин воз кечиб, топқанингиз не бўлди? Мана бу чиркин кулоҳми? Ана у мўйнингиздаги ёнғокдек қора тошу эски чориқму? Не топдингиз?

– Мен ўзимни топдим, бузруквор. Зоҳирни бузиб, ботишни тузат, дейдилар пири комилим. Шайхимнинг бул дурри ҳикматларина энди ақлим етди. Кимки ички оламини саранжом этмас экан, ул кимса ҳақ жамолидин бебахрадур. Бул ҳақиқатни энди англадим. Надоматлар бўлғайким, басир кўзим юмуқ экан, Ҳазратининг инояти туфайли сурат не, сийрат не, фарқиға бордим. Илгари бу ғариб ўғлингиз суратимға маҳлиё эканман, зоҳиран ўзимға зеб бермакка ружу қўйибман, билъакс, шариатнинг пўсти надир, мағзи надир – ғофил қолибман. Бул ғафлатдин Сиз қиблагоҳим мени огоҳ этдингиз. Пирининг даргоҳина элтганингиз эвазига то қиёмат кадар дуо-йи жонингизни қилгайман, бузруквор.

– Ҳазрат зиёратини ихтиёр этганимизда биз салтанатга раvнак ва баракот тиласин, деб ният қилиб эдик. Илло тахт ворисини Ҳазрат қулчиликка қабул этсинлар, деган муддаомиз йўқ эрди. Султонимга нечук мурид бўлиб, не хорликлар кўрганингизни ҳам эшитдук. Кимсан – Самарканду Бухоро хонининг валиаҳди саҳройилар бирла ўтин териб, мол боқиб, кўча супуриб, хожатхона тозалаб юрганмиш! Ё жаббор! Шаҳзодани омий халқ бирла тенг тутиб анга кўча супуртирмак қайси мазаҳба бор?!

«Хаммасини билибди» деб ўйлади Қутбиддин. Дарҳақиқат, сўфийлар сулукига қўшилган ёш муридни синаш йўллари кўп эди. Масалан, унга қирк кун мол боктиришар, қирк кун чўлдин ўтин тердирар, яна қирк кун ҳаммоллик қилдирар, хатто бозор-ўчарда тиланчилик қилишгача мажбур этардилар. Дарвишлик ихтиёр қилиб хонақоҳга бош уриб келгувчи мурид аслзодалар хонадондан бўлса, синов қаттиқроқ кўчарди. Қутбиддиннинг бошидан ҳам қорли-қировли, ҳақоратомуз дамлар хийла кечди. Тўғри, унинг хонзодаларга хос ғурурини синдириш учун Бобо Мочин эҳтимол хаддан зиёдроқ қийнагандир. Аммо Қутбиддин чеккан заҳматларига пушаймон эмас. Аксинча...

– Ҳазрати пиримга қилган қулчилигимдин шоён роридирман, – деди Қутбиддин, – мол боқдим, ер кавладим, лой тепиб карпич ясадим, йиғоч кесдим, сув ташиб арик қазидим... Мана, қўлларимга қаранг, бузруквор, деҳқоннинг кадоқ қўлидин фарқи йўқ. Бир бурда нон топиш нечоғлиқ машаққат эканлигини бошимдин ўткардим. Офтоб дўзах ўтидек киздиради, юлғунни тортабериб қўлларинг шилиниб кетади, оёқларингга чақиртиканаклар кириб товонингни тешади, кўз ёшларинг аччиқ терга қўшилиб томоғингни бўғади. Саҳродан то бозоршабга ўтин ортмоқлаб бораман деб... минг ўлиб, минг тириласан. Елканг яғир бўлиб кетади. Дунёга келганингга пушаймонлар ейсан. Аммо ўтинни сотиб, эвазига олиб еган нонинг бирам тотли, бирам мазали бўладики... Шул ёшқа кириб, шунча йил дастурхонингиздин туз-намак тотиб, бу қадар ширин нон емаган эдим, отажон. Куфр сўзлаган эрсам, густоҳлик қилган эрсам, жоним қўлингизда. Ўз ҳалол меҳнатинг ила тоғиб еган ризқинг, етти олам му-

кофотию жаннатул сафо меваларидин ҳам аъло бўлар экан...

Султон ўйга чўмиб, ўғлининг қора чакмоқдек ёниб турган намли кўзларига, кўркам чехрасига тикилганча қолди.

– Шунча жабру жафодин сўнг ҳам... тавба қилмадингму? – деди ниҳоят Султон.

Кутбиддин бош чайқади.

– Билъакс, бузруквор, шукр қилдим. Роҳат ичра фарқ бўлдим. Пиримни дуо қилдим. Ҳазратимга йўлиқтирганингиз учун сиз қиблагоҳимга ғойибона раҳматлар айтдим. Пирим, «Дехқон эмас, кетмон чолиб нон ема-са», деб ҳикмат айтадилар. Бул ҳикмат маънисига етган-дек бўлдим. Ахир, аҳли жамоат биладики, Ҳазратимнинг ўзлари кунига бирор соат ёғоч қошиқ, белкурак ясаб, алар ҳисобига рўзвор тебратадилар. Мехнатдан келган лукма ҳалол бўлгай, деб ўғит қиладилар.

Кутбиддиннинг ҳар гапида Шайхни эслатиши Султоннинг ғашини келтирди. Ёдига тунов кунин чиллашир тужжор етказган хат тушди. Дийдор тафтидан эриб турган кўксига совуқ шабада югурди. «Кунига тўрт дона қошиқ ясаган кимса курсовини тўйдира олармиди? Бул эл кўзига бир ниқоб бўлса ажаб эрмас».

– Шайхимнинг бул юмуши бизга ғалати кўринадур. Дунёнинг тўрт тарафидин тева-тева хайр-эхсон келиб турғон бўлса... Алар камлик қилодирми, бозорға белкурак чиқориб соттирмасалар...

– Боҳиммат зотларнинг марҳаматлари ҳақ йўлига кирган шокирлар бирла зокирлар харажатидан ортмас, ҳазратим. Пирим тева-тева ҳадя-эхсонларга кўз кирларини ҳам солмайдилар. Етим-есирга, ғарибу ғурабога бўлиб беринглар, дейдилар. Хонақоҳ эҳтиёжига сарф этишга буюрадилар. Аҳли тариқат ичинда бир «Хув» бирла кулбаи эҳзонин тарк этган, эл-жамоатни ҳақ йўлига чорлаб, тун-кун тоат-ибодат ила машғул бандалар сон мишгта, қиблагоҳ.

– Халқ лафзида бир мақол бордирки, эшак мишган элда кўп, йўл топмаган йўлда кўп, демишлар. Сен айтган нотавон бечоралар йўлидан адашган гумроҳлардир, болам. Шукриллоҳким, мана тувғон элингни топиб келибсан. Энди бу ёғини тангрим ўзи ёрлақасин.

Кутбиддин сергак тортди. Отаси уни тавба килиб, қайта уйига бош уриб келди, деб хомхаёл қилаётган эди.

Султон аста туриб тахтдан настга тушди. Ўғлини тирсагидан олиб, ёнига, атлас кўрпачага ўтказди. Елкасидан кучган бўлди. Кулоҳини олиб қўйиб, тақир бошини силади. «Кичик калит катта эшикни очибди. Ширин-ширин сўзлай, урсанг эти қотади, сўксанг бети қотади, дерлар. Зора мажнунлик фсълени ташласа. Ҳали суяги қотиб-қотмаган. Не илож этиб бўлса-да, бу болани дарбадарлик биёбонидин оғдириб, қайта саройга қайтармок даркор».

— Биз волиданг бирла сени интизор бўлиб кутдик. Сенинг бул ерда ўлтирганингдин малика беҳабар. Билса, фарёд солиб кириб келарди. Биз минбаъд борар боғимизни ўйламоғимиз вожибдур. Тунов куни жаннатмакон бобонг—илоё парвардигор унинг охиратини обод қилгай—тушимга кирибди. «Сен мевадин қолдинг, ўтказган кўчанинг қани?» деб жигаримни хун қилди. Навихолим ўзинг, Кутбиддин. Шунча йил оч-наҳор, ялангоёқ, ночор, нолон, меҳрга зор, бир култум шарбатга зор бўлиб бировлар эшигида саргардон юрганинг етар. Кўхна китобларда ҳам битилганки, гоҳо шахзодалар бедаво дардга йўлиқиб, уйдан «ёху!» деб чиқиб кетармишлар. Ул китобларда ёзилғони ҳамоқат. Сенинг не дардинг, не кемтик еринг бор? Сенинг бул туткон дастуринг аслзодаларга ярашмагай, гадолар, ота безорилар, аҳли аёлидин этак силтаган бераҳму лодонлар юмуши бу! Қиёмат куни пушти паноҳим ила волидаи меҳрибоним ризо бўлиб дуойи бад қилмасинлар десаи, мава бу чирик либосларингдин воз кеч, шахзодаларга ҳос қиёфага киргин, қутлур хонадонингни тавоф қил. Ёнимда қол. Мен ҳукамою уламони чорлаб, салтанатга жар солдириб масжидларда номингни хутбага қўшитиб ўқитаман. Бугундан бошлаб валиаҳд Кутбиддин ибн Маҳмудхон ибн Арслонхон Самарканд подшолигини ўз дасти панжасига олди деб.

Султон гапиряпти-ю, қилич дастасидан дағал тортган қўли билан ўғлининг тақир бошини аста-аста пайпаслаб ўтирибди. Лекин Кутбиддин, бу қўлнинг тафтини сезмагандек эди. Гўёки боши узра пуштипаноҳининг қўли эмас, ўзига гамом бегона, ҳали кийилмаган либос оҳиста сирғалиб тургандек. Тахминан қирқ кунча илгари ҳам

унинг бошини бир кафт силаган, у кафтнинг иссиғи жон-жаҳонини яйратиб, вужудига қувват, илҳом, шуурига зиё бағишлаган эди. Чунки у қўл муборак эди, пири комили, туркий сулук сарҳалқаси бўлмиш улуғ авлиё Ҳазрати Султон ул-орифиннинг табаррук панжалари эди!

Қутбиддиннинг ёдига хирқаи сўфий кийган куни пирининг алқаб айтган сўзлари тушди: «...бул солиқнинг сидқига, салоҳиятига, ниятига, нуктадонлигига имон келтирдик. Уни халифа ҳам асхоб мартабасига лойиқ кўрдик. Илоё бул муридимиз ҳақ йўлинда чеккан захматларимизни оклагай, жумла мўмин кўнглига Аллоҳ фарзини, Ҳақ Мустафо суннатини солғай, инсонларни яхшиликка, имонга даъват этгай. Илоё, Аллоҳ таоло ёрлакаган исмиңгиз то явмул ҳашр йўлдошингиз бўлғай...» Қутбиддин отаси билан пирининг сўзларини хаёлан солиштирди. Отаси нафси аммолага<sup>1</sup>, пири нафси мулҳамага чорлар, отаси мол-дунё ваъда қилса, пири – қаноат кўрғонини эгаллашга ундар, отаси ҳукмдорлик таклиф этар, пири эса, синиқ кўнгиллари овлашни маъқуллар, отаси зебу зийнатли, хайлу хашамли ҳаётни афзал билса, пири Расули Аллоҳ каби қора меҳнат ила, фақирона, бир кунлик ризқ ғамия ҳусни мутлақ ишқи бирла ҳаёт кечирмакни аъло биларди. «Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор!» деди ичида Қутбиддин ва бўйнидаги таслим тошни ушлаб кўйди. Тумор тошдан гўё акс садо қайтди: «Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема, биров молини ема – сирот узра тутаро!»

Ота ўрилдан жавоб кутарди.

– Хўш, не дейсан?

– Бузруквор, бул ғариб фарзандингиз саккиз нафснинг учтасини қўлға олдим. Иншоолло, бундин сўнги ан-нафс ар-радиййа орқали сафиййани ҳам жиловламак ниятимдур. Сиз айтган тадбир ибодат олдидан таҳорат олиб, тағин ани синдирмак ила баробардур. Мен Қуръони каримни ўпиб, манглайимга босиб туриб аҳли жамоат олдида қасам ичдим. Қасамхўрлик қилиб ҳақ қаломин сотгандин кўра ўлганим афзал эмасму?

– Тирик бўлиб тўрда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ деган қимсага айланиб қолмағиндан кўрқадирман, Қутбиддин.

<sup>1</sup> *Нафси аммо* – тийилмаган нафс.

– Сўфийлар тўр, деган тушунчани тан олмайдилар. Бу дунёда барчамиз беш кунлик меҳмонмиз. Гўёки ана бу эшикдан кириб, мана бу қопидан чиқиб кетамиз. Шу боис, биз ўткинчи нимарсаларга бефарқ қараб ўрганиб қолганмиз. Мол-дунё, шон-шавкат, мартаба, аҳли аёл, сийму зар, тожу тахт – барчаси абасдур, барчаси омонат-дур. Ҳамонки малакул мавт<sup>1</sup> ҳақ хизматига чорлаб келганда фотих Искандардек қўлимиз очиқ кетар экан, бу дунёнинг ғамин еб, уришиб-сўкишиб, ер талашиб, обрў-мартаба талашиб, бир кеса оби ёвгон бирла тўладирғон қурсоғинг учун юз йиллик молу манол тўплаш не керак? Бас, қаноат, ҳамият, сабр, мурувват аълороқ эмасму? Мутақаббурлик қилиб, ояту ҳадис ҳикматин сотиб, имонни ютиб, бир ғарибни зор-зор йиғлатиб, бегуноҳ кишининг қонин тўкиб, ўтар-кетар дунё роҳатига ишқ қўйиб, ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормай, тақвою ибодатни унутиб... оқибат афсус чекиб тавба-тазарру қилмоқдин, кўз ёш тўкиб Аллоҳ таоло раҳматини тиламақдин не суд? Гуноҳ қилиб истиғфор айтишдин кўра маъсиятдин тийилиб бир сония, бир соат бурун бўлса-да, ҳақ йўлинда азият чекмак аъло эмасму? Пири комилим бекорга, зоҳид бўлма, обид бўлма – ошиқ бўлғил, демаганлар. Яна ул зот айтадиларки:

*Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,  
Дин уйини горат қилиб адо қилгай.  
Ўлар вақтда иймонингни жудо қилгай,  
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор!*

Маҳмудхон узун уф тортди. Ич-таншини камраб бораётган ғазабини арабг босиб сўради:

– Ҳей дайди, сен ўзинг бул ерга не учун келдинг? Ҳикмат айтганими? Ёхуд мени тожу тахтдин воз кечинг, деб насиҳат айлаганими? Худога минг қатла шукрим, ҳали дастимда шамширни маҳкам тутқойман, икки дарё орасиндаги азим бир мамлакат оёғим остида ётибдир! Мен сенинг тариқатингни пучак пулға олмасмен!

Қутбиддин даҳанаки жанг узоқ ва беасв давом этишини сезиб, сукут сақлади. Анчадан кейин хаста товушда сас берди:

<sup>1</sup> *Малакул мавт* – ажал фариштаси, Азроил.

– Отажон, мен сиздек бузрукворим ила волидаи зоримни бир кур кўриб, дийдорларингизга тўйиб... хўш-лашмакка келдим. Худо билади, энди қайтиб кўришамизми, йўқми... Мендин ризо бўлинг, осийман... Дастурхонингиздин намак еб улғайдим, окибат шаккоклик қилдим. Раҳматингиздан поумид эмасман...

– Магар гуноҳингдин ўтмасам-чи? Ота рози – Худо рози, дейдилар. Валинеъматингғи норози қилиб, энангғи йиғлатиб, мажнунсифат бўлиб, бемақону беманзил сандирақлаб юрганингғи Аллоҳ таоло хуш кўрармикан?

– Сиз рози бўлмай дуойи бад қилсангиз, ёлғиз Аллоҳга ёлбораман. Эй поки парвардигор, ўзинг мадад бер, – дейман. – Ё, Тангрим, хатто саҳродаги игнадек чўплар ҳам сенинг зикрингғи айтиб чайқалар эмиш, бас, мен, мукаррам инсон деган унвои сохиби бўла туриб, нечук сенга ибодат қилмай, нечук лавҳу махфузни унутай, нечун амру маъруфни адо этмай, нечун сенинг ишқингда ёниш ўрнига бу дунё роҳатларига кўпгил берай, дейман. Жоним отам, икки йил бадалига омонат жонидан бўлак жами пимарсаси ўзга олам шавқи, ўзга олам ғами бирла нафас олаётган ва бир вақтлар суюкли бўлгон ўғлингизини дуойи бад қилманг! Энди мен учун тахт – бу сабру қаноат, султон бўлсам, маънавият мулкига султон бўлгим келур, фахр – бу ботиний бир зийнатдур, жаннат гарови – ибодатда деб онт ичдим, тирик кўнгил бирла ўлган нафсдин бўлак муқаддас нарса йўқдир, муттасил илми ҳол бирла, зикри қалбий бирла мудавومات этиб ёлғиз ўзига интиламан. Қиблагоҳ, шу ўғлимнинг имони раҳмат дарёсидин баҳра олсин, бу бола ҳам фоний дунёда фарзи айинни адо этиб, тирик юрсин десангиз, эркимга кўйинг. Ўтинаман, отажон...

– Эркинга кўймасдин, банди этсам-чи? Не қилғойсен?

– Сиздек оқилу дониш зотга бир коп гўшт не даркор? Банди этсангиз – розиман. Жоним илкингизда, илло жаҳоним, кўнглим у ёқда бўлғай.

Бу сафар Султон хаёлга толди: «Ширин гапириб кўрдим, кўнмади, дағдағаю пўписадин хайикмади. Ё кудратингдан! Шайх пиримнинг сеҳру жодуси шу қадар ўткирмидики, суяги қотмаган бир шаҳзодани хонумондин жудо қилиб, тузоққа илинган қушдек илқида тутиб турибдир. Не қилдим энди? Уламоларга маслаҳат со-

лайми? Нафаси ўткир бир дуохонни чорлаб иссик-совуқ қилдирайми? Хотин олиб бераман, кадхудо бўлгайсен, деб кўрайми? Бадани ҳали иссик тўшак кўрмаган, бирон қиз боланинг исини туймаган, зора кўнгли эриси? Ёхуд Шайхимнинг ўзларидин ўтивайми? Бизни муридимиз десангиз, бу осийга насихат айланг, туккан мулкида қолсин, деб илтижо қилайми? Фурсат бор, шошилмай-чи, ҳали Самарқандда беш-ўн кун кўним тургайлар. Хозирча ёвош-ёвош гапириб жувобини берай».

– Бизнинг мухтасар сўзимиз шул, – деди Султон ниҳоят, – даргоҳимизда қолишни ўйланг, шахзода. Сизга муҳлат бердик, ётиб-туриб, танангизга бир мушоҳада қилинг. Кадхудо бўлиб, тувғон элда қолсангиз не топасиз, ва билъакс, ҳақ дўст ё Олло, деб беватан шамолдек юртма-юрт тентираб юрсангиз не ютқайсиз?..

Кутбиддин куллук бажо келтирди.

– Қиблагох, Куръони карим айтади, йўқотган нарсаларингизни ўйлаб ортиқча ўртанмангиз ва қўлга киритган нарсаларингизга зиёда суюнмангиз. Мен жаббор эгамнинг бул сўзларини тумор янглиғ дилимнинг қаърига муҳрлаб олгонман.

– Маъкул. Сизга ижозат, волидангизни тавоф айланг. Кутбиддин таъзим қилиб ўрнидан турди ва юраги потирлаб онажонининг хузурига қараб кетди.

## АШРАФХОН ҚОЗИ БЕЗОВТА

### 17- ф а с л

*Уйда қулдирган нарса  
мусофирчиликда йиғлатар эмиш.*

Шарк хикмати

Икки кундирки, Самарқанддаги Курбат деб аталмиш хонақоҳга одам сивмайди. Хонақоҳ улкан мусаллодек кенг эди. Унинг ички ҳовлиси юз қадамча келар, чор атрофга доира шаклида уч-тўрт кишилик мўъжаз ҳужралар солинган, ҳовли ўртасида сарҳовуз, сув бўйида шотутдан беҳи, бодомгача ўсиб ётади. Бу манзил қадимдан «Ё хабиб!» деб қўлларига асо тутган дарвишлар қўналғаси. Самарқанддан Бухорога ёхуд Марву Хуросондан Туркистонга қараб елдек кўчиб юрувчи дарбадар қаландар

ва зокирлар учун Қурбат хонақохи ёзда салқин, кишда иссиқ бошпана эди. Бу масканда икки кундан бери ажиб бир рух ҳукмрон. Икки кундирки, бу ер ахли раиятнинг тавофхонасига айланган. Султон ул-орифин Шайх Аҳмад Яссавийнинг амри маъруфини эшитиб, дийдор сурмоқ илинжида келган жамоат бомдоддан то намози шомгача остонадан нари кетмайди. Зиёратчилар орасида етмиш икки хунар сохибларининг барчаси мухайё эди: тужжорлар, аллофлар, мадраса толиблари, дуоталаб навжувонлар, тавба келтирмакка шай гумроҳлар, қарғиш олган оқпадарлар, уйбесори – ахли аёлидан берёна бўлган акли қосирлар, фарзандталаб заифалар, Шайхга мурид бўлмоқ учун онт ичган зоҳидлар...

Шайх олис йўлдан ҳориб келган, ҳозирча халойиқ олдида ваъз айтгани илҳоми ҳам, мадори ҳам йўқ эди. Шу боис эл кўзига бир кўринди-ю, тагин хужрасига кириб кетди. Ғала-ғовур кўтариб, гувраниб турган оломонга Ҳаким Сулаймон мурожаат қилди:

– Мухтарам Самарқанд ахли! Азиз мўмин-мусулмонлар! Кўриб турибсиз, пири комил сафарда толиқиб қолганлар. Фақир сизлардин бир-икки кун сабр айламакни сўрайдирман. Худо хоҳласа, Ҳазрат ушбу жаннатмакон манзилда бирор ҳафта бўлгусидир. Султон ул-орифин жанобларининг сиз муслим ва муслималарга айтадиргон муборак амри маъруфлари бисёр. Иншоолло, биргалашиб эшитгаймиз. Илоҳа, яратганнинг ўзи ёрлақаб барчани муродиға етказсин, омин!

Юзлаб қўллар «омин»га очилди.

Одамлар аста-секин таркала бошлади.

Шайхнинг ҳамроҳлари ҳам қўналғаларига қараб кетишди. Одатдагидек, Бобо Мочин билан Қутбиддин бир хужрани эгаллаган эди. Қутбиддин кеча отасининг хузуридан чиқди-ю, онаизорининг хонасига отилди. Онасини суюнтириб бир йиғлатди ва «бугун мен пиримнинг қошида бўлмоғим вожиб, ул Ҳазратнинг хос надимидурман», деб яна йиғлатди.

Ашрафхон қози ҳам ҳажга отланган юзлаб яссиликлар қатори мусофирхонага тушмай, хонақоҳни танлади. У ҳаминқадар Ҳазратга ёндашиб юрмакка тиришади. Анвало, ўша махфий хат Султон Маҳмуднинг қўлига теккан бўлса, хон кайфияти қалай экан, деб билмакни истай-

ди. Қолаверса қози ўзини Шайхга ҳамдард, суҳбатдош қилиб кўрсатмоқчи. Самарқандга етиб келганларига мана, икки кечаю икки кундуз бўлаётир, аммо анави чиллапир коридан дарак йўқ. «Омонатни эгасига топширолмадимикан ё Бобо Мочиндек бир зангининг қўлига тушиб оғзидаги нондан айрилдимикан? Нечук ярамаснинг қораси кўринмайди?»

Қози шу ўйлар ичида намози асргача бир мизғиб олмоқчи бўлиб хужра томон буриларкан, ёнидаги ҳамтабақларидан бири, собронлик мулла Тожиддин деди:

– Шайхнингга қара, ўзини азиз қилиб алифдек гўддаяди-я! Такаббурки, гўё боши арши аълоға етган! Ё навзамбилло! Хой, ноинсоф, халқ сендин мол-дунё сўраётгани йўқ, бир оғиз суханингни эшитмоқчи холос. Тўрт калима Қуръони каримни тиловоғ қилиб, сўғин изингга кета бермайсанми пайғамбар бўлсанг ҳам! Мана, каминага ваъз айт десалар, то етти хуфтонгача наҳий мункардан чарчамай айтур эдик. Во дариғ, бировга иштаха берасан, бировга ош берасан, парвардигор!..

Эртасига бомдод намозидан сўнг қозикалонни дилтанг қилган яна бир воқеа содир бўлди.

Шайхнинг хонақоҳ тўридаги хос хужрасида хаж сафарининг кейинги босқичлари, хаж адоси, Расулulloҳнинг охирги хижратлари хусусида гурунглашиб ўтирардилар. Мусохиблар – Султон ул-орифин, Сулаймонхўжа, Бобо Мочин, Ашрафхон қози, Самарқанд уламоларидан ҳам уч-тўрт киши бор эди. Кутбиддин одатдагидек пойгақда, чўк тушганча устодлар гапига кулоқ солмоқчи эди, уни устод ёнига чақириб олдилар. Эшикдан хонақоҳ соҳиби кирди. Суҳбатни бўлолмаё тик туриб қолди. Шайх унга ўғирилди:

– Не гап, Ҳожи Абулқосим?

– Пирим, хон ҳазратларининг хос вакили келибдур. Изн сўрайдир. Жанобларига мактуб бор эмиш.

Ашрафхон қози «Хайрият, бошланди, хон ғазаб отига мишган кўринадир», деб ўтирган ўрнида қимирлаб қўйди.

– Кирсун, – деди Шайх. Лаҳза ўтиб, келбатли, зангори мовут чакмон кийган, одми салла ўраб, белини икки еридан боғлаган сузук кўзли баҳодир йигит кирди. Шайхга таъзим қилди, «Шахримизга хуш омадед, пирим, кадамларига ҳасанот!» қабилидаги қутловдан кейин икки

қўллаб зарҳал хатчупга солинган мактуб чўзди. Шайх мактубни олиб котибул султон вазифасини ҳам ўтовчи Сулаймонхўжанинг олдига қўйди.

– Ўқисинлар, Ҳакимхўжа.

Хон элчиси этагини йиғиштириб ўтирди, юзига фотиҳа тортди. Сулаймон хатчуп мухрини авайлаб бузиб, бир нарақ ипак қоғоз олди ва паст товушда ўқиди:

«Маккаи мукаррама азимати боисиндин қутлуғ шахристонимизга ташриф буюрганингиздан бошимиз осмон қадар юксалди. Аллоҳ таоло савоби йўлинда ҳижрат қилган мўминларнинг дуосини тилаб, бир-икки пора пасиба юбордик. Марҳамат назари бирла қабул қилгайлар. Сухбатларига аржуманд бўлмок умиди ила дуойи жонингизни қилиб турадирмиз. Тамғачхон Маҳмудхон ибн Арслонхон муридингиз деб билгайсиз. Жумодил охирининг ўн учинчи куни, чаҳоршанба».

Хатни эшитди-ю, Ашрафхон қозининг бетиға қизил тенди. Ичида бўралаб Мавлуд қорини сўқди. «Падарлаънати номамизни хонга етказмабди-да. Етказганда бу тахлит мадху сано келмасди. Қайси гўрда юрган экан ул хотинак супурги?!»

Қозикалон қовуғи оғриётганини баҳона қилди ва пишиллаб чиқиб кетди. У ўзининг маҳрамлари орқали ернинг остидан бўлса-да, Мавлуд қорини топтирмакчи, нома етган-етмаганлигини таҳқиқ қилмакчи эди. Чунки қозининг бундан кейинги номаи аъмоли Мавлуд қорининг бир оғиз «ҳа» ёки «йўқ» деган жавобига қараб қолган эди.

Элчи ортига ўгирилиб кимгадир имо қилди. Хизматкор йигит оғзи бурмалик халтача олиб келиб, икки қўллаб элчига тутқазди. Элчи ўз навбатида халтачани Шайхнинг олдига қўйди.

Ҳазрат хон ҳақиға дуо қилди. Элчига ижозат берди.

– Аллоҳ насиб этса, эртаға пешиндан сўнг Султон жаъоби олийларининг хизматларига тайёрмиз.

Бу жавобдин элчи бир нима англамади. Ҳазрати Султоннинг чарчоқ босган мунгли кўзларига боқиб, талмовсиради. «Авлиё бобо не демакчи? Эртан саройға ташриф буюраман демакчими ённки хонинг менинг олдимға келсин, деб турибдими?» Элчи хонақоҳға махсус нома бирла минг тилло олиб келаётганида негадир, Шайх ул-машойихни хон кўшиқига таклиф этиб келдим, деб ўйлаган эди.

Шайх уламоларнинг ҳам мажхул, паришон бўлиб қолганликларини кўриб, фикрини очик баён қилди:

– Бизнинг эшигимиз хон ҳазратлари учун ҳамиша очик, марҳамат қилсинлар, – деди юзига фотиҳа тортиб. Элчи хайрат ичра кўзғолди. Уламолар бир-бири билан кўз уриштириб олишди.

Элчи қуллуқ қилиб чикди. Шайх Қутбиддинни чорлади.

– Мана бу ношорани Абулқосимга элтиб беринг, – деди халтачага ишора қилиб, – хонақоҳ харажатига сарфласин.

Қутбиддин тилло тўла халтани қўлига олди. У эпика етганда Шайх эскартди:

– Сўнг қўлингизни ювиб ташланг.

Қутбиддин бўш қўлини кўксига босди:

– Хўп бўлади, пирим.

...Султон ул-орифиннинг бир хислати бор. Қайси шаҳарга қадам қўйсалар, аввало, бу маконда ўтган азиз-авлиёлар турбатини зиёрат қилади. Чоршанбаи муродбахш тонгида ҳам масжиди жомеда бомдод намозини адо этди. Сўнг аҳли жамоага мухтасар ваъз айтди, қорахитойлар билан кечган жангда шаҳиди аъло бўлган мархумлар ҳақиқага дуо қилди, юртга омонлик, подшоларга тавфиқ ва инсоф тилаб, йўлга равона бўлди. Ҳазратни муҳаддислар сардори Имом Бухорийнинг арвоҳи чорларди.

Машҳурки, ислом дунёсида саҳиҳ, яъни тўғри ва мўътабар саналган олти ҳадис мажмуаси бор. Бу ҳадисларни тўплаб ҳукми шаърийга келтирган муҳаддисларнинг аксарияти мана шу қадим Туркистон туғроғида таваллуд топган. Аркони дин дастиди дастурил-амал бўлмиш ҳадиси шарифлар Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандий каби туркий қавм вакиллари номи билан боғлиқ. Муҳаммад ибн Исмоил Имом Бухорий эса мана шу муҳаддислар сардори. Бирон масалада ихтилоф пайдо бўлса, уламою муфтийлар, фақиҳлар, «Имом Бухорий ҳазратлари не деган эканлар?» деб аввало «Ал-Жоме ас-Саҳиҳ»ни варақлайдилар.

Имом Бухорийнинг марқадлари Самарқанд яқинида, Хартанг қишлоғида эди. Шайх билан унинг ҳамроҳлари кентларда тўхтаб, раият ҳолин сўроқлаб етиб боргунча чараклаб турган офтоб юзини қора булут қоплади.

Хазрат мўъжаз мақбарани кўриб, бир чақиримча беридан отдан тушди. Жиловни Қутбиддинга тутказди-да, халойиқ олдига ўтиб йўл бошлади. То имомнинг хокипойига етгунча шаррос ёмғир қуйди. «Бухоро амири тўкмаган кўз ёшни фалак тўкаётир», ўйланди Шайх. Хаёлига Амир Холид ибн Аҳмад Зухалийнинг гумрохлиги тушди. Бир куни амир Имом ҳузурига элчи юборди. «Абу Абдуллога айтинглар, тарих китобларини олиб келиб фарзандларим олдида ўқиб берсин». Элчи амир фармонини Имомга етказди. Абу Абдулло гапни қисқа қилди: «Қушга дон керак бўлса, мўйин чўзадир, илм истаган кимса менинг ҳузуримга келсин. Мен илмимни хор қилиб эшикма-эшик мўралаб юрмакни иснод деб билурман». Амирга бу гап калтак бўлди. Аммо у тафаккурини тўлдиришдан кўра Бухорои шарифни ҳувиллатишни афзал билди. Ансофи қудсия-мукаддас нафас сохиби деб шуҳрат қозонган имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухородан қувғин қилинди. У пайғамбар ёшига ҳам етолмай чекка бир кишлоқда Аллоҳ раҳматига борди.

Имом Бухорий тасниф берган минглаб ҳадисларни ичида такрорлар экан, Шайхнинг кўнгли бир ёришиб, бир хира тортарди. Бул муборақ зотнинг исломий дунё ичра таратган доғидан фахр этса, вориблик ва мухтожликда кечган сўнги кунларини эслаб, дили изтиробга тўларди. «Юз етмиш йилдирки, аҳли дин «Ё Саҳиҳ Бухорий!» деб бул зоти шарифга талпинадур. Хартанг кешти хижратга қудрати етмаган бечораларнинг кичик Маккасига айланибдир. Ажаб дунё экан, тиригингда гавҳар сўзингни ниста пўчокка олмаслар, ўлганингда сўнг водариг, деб кўзёш тўкарлар, пирим, деб, валишеъматим, деб сизингайлар. Яратган парвардигор Ер юзига расулини юбордики, бандаларимга тўғри йўлни кўрсат, яхшилиққа даъват эт, ёмонликдан қайтар, деб. Умматларидан баъзилари қулоқ осмади. Ҳақ Мустафо васиятларини саҳобаларига айтди, илло саҳобалар ваъзи ҳам бу осий халққа қор қилмади. Андин сўнг тобеинлар, сўнг фозилу дониш аҳли Одам Ато фарзандларига амри маъруф қилди. Таассуфким, алар ҳам қадр топмадилар. Шоҳлар молига маърур, уч юз олтмиш томирларинда харислик, кибру ҳаво, ҳайвоний нафс жўш уради. Тақво аҳли шоҳлар дастурхонига кўз тикади, раият бўлса, қорин ғамида. Илм хор эди, то

хануз хор. Наҳот то рўзи маҳшаргача толиби илмнинг манглайига ёзилгани шул бўлса? Ирфон – мисоли қоронғи йўли ёритувчи шамчирок. Бу халқ қачон чироқнинг кадрига етади? Қачон йўлига чироқ тутган кимсанинг этагини тутати? Имом Бухорий жанобларининг авлодлари нечук бўлар экан, наҳот алар ҳам Холид ибн Аҳмадга ўхшаб, бу дунё алломасини бир ғалбир бугдойга сотиб олгайман, деб хаёл қилса? Илмсиз мамлакат ўзгаларга ем бўлиб, келгинди кофирлар оёғи остида ётмайдиму? Ё Аллох, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳазратларининг юз йил, минг йилдин сўнг дунёга келадирғон авлодларини ўзинг ёрлақа, уларга имомнинг қутлуғ нафасларини буюр, зора аларнинг қурсоғи тўлиб, кўнгиллари равшан, фикрлари учкур, тафаккурлари зиёда бўлса. Тилагим шул сендин, биру борим, мададкорим...»

Шайх изига қайтди. Ёмғир тўхтаб, пора-пора булутлар орасидан қанс қуёши илжайиб боқди.

Самарқандга қайтганларида катта-кичик мезаналардан пешин намозига чорлаётган муаззинлар товуши эшитиларди. Шайх намоздин сўнг мухлису муридларига рухсат берди, энг яқин маҳрамлари Бобо Мочин, Сулаймон, Қутбиддинни эргаштириб шаҳардаги бир жин кўчага қараб йўл солди. Ҳазратнинг тавоф қиладиган тагин бир манзили бор, бу манзил кадамж依ликда эхтимол, Имом Бухорий марқадидан қолишмас эди.

Шахристоннинг кунчиқаридаги кўхна бир иморат олдига бориб тўхтади. Таъмирланмай униқиб кетган шўрхоқ деворлар қарғиш теккан кимсанинг қўлларини эслатади. Бўғотлар чириб осилиб ётибди. Ёриғига бармоқ сиғадиган қўштабақали ўймақори дарвоза, ўша-ўша қумуш ҳалқачалар, ейилиб ерга қапишган бўсаға...

Аччиқ-чучукни, иссик-совукни, ўлим-тийимни кўравериб Шайхнинг дийдаси қотиб кетган бўлса-да, дарвозадан хатлаганда юраги ўйнади. Ахир бу ерга кадам босмаганига салкам ўттиз йил бўлибди. Йигирма ёшларида Яссидан Бухорои шарифга, садри аъзам Бурҳониддин хонадонига келиб олий таҳсилга киришган эди. Уч-тўрт йил алломаи замонлардан илми қол, шарҳия, илми назар, сарфу наҳв, мантиқ ва фикҳдан таълим олди. Сўнг тақдир шамоли уни бу ёққа, Самарқанддан мана шу Ғотифар мадрасасига элтиб ташлади. Бу қутлуғ даргоҳни устоди соний,

сўфийлик тариқатининг қутби Хожа Юсуф Хамадоний ҳазратларининг муқаддас нафаслари обод қилиб турар эди. Ўшанда ҳам ёш Аҳмад камоли эҳтиром, дилда ҳаяжон, таҳлика ва умид аралаш остона ҳатлаган эди.

...Шайх мадраса ҳовлисига бир-бир босиб кирди. Аланглади. Ичкари-ташқи ҳовлидан ҳам афтодаҳол эди. Бефайз хужралар жимжит, дарахтлар қувраган, ҳовуз қақраб ётибди, ўрта ҳовли супуриксиз, оёқ ости тўла барги ҳазонлар...

Ҳазрат тўғрига юрди. Устунлари чўкиб кетган кадрдон айвонга чиқиб қўхна бўйрага чордана қурди. Энгашиб ер сийпалади, мадраса тупровини кўзига суртди. Ниҳоят, онг-тонг бўлиб аланглаб турган Қутбиддинга ўгирилди ва шунгча фурсат бадалига бир оғиз гап қилди:

- Бу даргоҳда биз тариқат илмини ўрганиб эдик. Қуддуси сирруху хоҷамиз-ани ўзи охирагга ёрлақаган бўлсин-тўртовимизнинг бошимизни силаган эдилар.

Бобо Мочин билан Қутбиддин бу ер улур мутасаввиф Юсуф Хамадоний таҳсил берган мадраса эканлигини энди фаҳмладилар.

Сулаймоннинг овози ширадор, кучли эди, кўзларини юмиб «Ёсин»ни ўқиди.

Дуодан сўнг уч мурид бир тарафда қолди. Шайх одагига кўра бир оғиз гапирмади, хаёл уммониға фарқ бўлиб, мўъжаз хужраларни айлашиб кетди.

Йигитлик мавсуми бамисли мрамарга битилган ёд-нома экан, то ўлгунча хотирангдан ўчмас экан. Шайхнинг бутун вужудиши, тафаккурини ўттиз йиллик хотиротлар лашқари чулғаб олди. У аста-аста юриб жоңдай азиз, ғариб хужраларни топди. Хужра бўм-бўш, ичкари қоронғи эди. Эшикда бир зум туриб қолди, «Бисмилло» деб пастак қопидан бош сукди. Рутубатли бўйга чидамай изига қайтди. Бу зах хужра бир замонлар обод эди, унда қисматлик дўстлари Абдулла Баркий, Ҳасан Андоқий, Абдулҳолик Ғиждувоний билан бир нонни тўртга бўлиб ер эдилар. Тушгача қол илмини, оқшомдан то бомдодгача хол илмини ўрганардилар.

Шайх кўзларини юмди. Рўпарасида Ҳизрдек бўлиб Юсуф Хамадоний гавдаланди. Ана, у ерга қараб яп-янги нақшин дарвозадан кириб келаётир. Узун қўнғир соқоли вазмин селкиллади, эғнида ҳамишалик либо-

си — одми жун хирка. Оёғида чорик, бошида новвотранг салла. Шайхнинг хаёлидан устозининг сифатлари бир-бир ўтаверди: пири гапирганда юзингизга кулиб туриб гаширар, ҳалим табиатли эди. Тиб илмидан чуқур хабардор, беморларга дори-дармон ёзиб бериб кун кўрар, пойабзал тикиб нон топарди... Новчалигидан ор қилгандай доим букчайиб юрар, хар дамда ниманидар пичирлаб кўярди. Бош оғриғи — шақиқаси бор эди. Бозорга боришни ёмон кўрарди. Шохлар, ҳокимлар, беклар дастурхонидан бош тортарди. Оз ер, оз сўзларди... Жаннат яровини тиригида хозирлаб кўйганди. Ўттиз олти карра пойи пиёда Маккага борди, Қуръони каримни минг бора хатм қилди, саккиз минг бутпарастни исломга киритди.

Зикри алоний-жаҳрияда пири комил эдилар. Унсиз, қалба тугён қиладиган зикрда беназир эди. Кучли зикр чоғи қийналиб терлаб кетарди. Зикри қалбийни Султон Боязид Бистомийдан ўргандим, дердилар.

Абдулла Барқийни, Ҳасан Андоқийни, Абдулҳолик бирла Аҳмадни фарзанди аъло деб меҳр кўргузарди. Зикри ҳафий чоғи тўртталасини икки ёнига ўтказиб олар, узун бармоқлари билан бошларини силаб ўтирар, гўёки фазлу камол тилар эдилар. Чилтонлар бирла ҳамсуҳбат, ишорати ғайбдан бохабар эдилар. Эсида, адашмаса кўклам чоғи эди. Мадраса томидаги қизғалдоқлар сўлиб битган. Бир куни устод тўрт халифасини олдига чақирди. «Биз минг тўққиз ой ер юзини чангитиб юрибмиз, — деди кулимсираб, — ана энди омонатни сўроқлаб ҳукми Аллоҳ келибдир. Хизматига борайлиқ. Биздин рози бўлиб, шу кумрон соқоллик қариянинг мушкули қушод бўлсин деб тиланглар». Устод васиятини айтди: «Абдулла ювсин, Абдулҳолик суясин, гўримни Андоқий кавласин, Аҳмад мазоримда «Ван-Назиот»ни ўқиб турсин». Халифалар устод васиятини адо этмакка хозирландилар. Илло, пирнинг умри узун экан, ўлимни бўйнига олгани учунми, Аллоҳ марҳамат қилди. Тағин саккиз йил умргузаронлик қилиб Марвада, туққан элига яқин ерда Аллоҳ раҳматига борди. Розийаллоҳу анҳу!

Шайх беихтиёр пичирлаб ўттиз уч йил илгаригидек «Ван-Назиот» сурасини тиловат қилди. Томоғи бўғилди, кўкси ачишди. Шу пайт мўъжиза рўй берди: тор, қоронғи хужрадан «Ваалейкум ассалом ва раҳматуллоҳ!» дея оқ

либос кийган пири комилнинг сиймоси кўринди. Устоз одатдагидек сирли кулимсираб турарди. Шайх сурани хатм қилиб тугатган заҳоти Юсуф Ҳамадоний тағин шабистон қаърига сингиб кетди...

Устознинг арвоҳи билан дийдорлашган, хусусан, пирининг алқагани Шайхнинг кўнглига ёруғлик солди: «Пири комил биз шогирдларидан розимикан, деган иштибоҳда эрдик, шукр Аллоҳгаким, ризо бўлибдур».

Шайх шериклари ёнига қайтди. Тўртовлон харобот обидасига эврилган мадрасага сўнги бор кўз ташлаб ташқари чиқдилар. Шайх ҳамон хаёл оғушида, буни сезиб, Сулаймон билан Қутбиддин аста-аста Ҳазрат изидан боряпти. Бобо Мочиннинг тили югурик, у Шайхга ёндошиб дарҳол сўради:

– Шайхим, пири комилингиз куддуса сирруху Юсуф Ҳамадоний жаноблари тажарруд қилгон эдиларму? Каминага менгзаб аҳли аёлдин воз кечган эканлар-да?

– Етмиш беш ёшларига қадар қатъи тааллуқ<sup>1</sup> қилиб эдилар, сўнг рўзгор юкин мўйнига олдилар.

– Қариғанда бир тан маҳрам керак бўлгон-да.

Шайх Бобо Мочинга карамади, ўзига ўзи гапираётгандек, ўйчанлик ила деди:

– Ҳар бир мўмин мусулмонга бир тан маҳрам керак. Ёш бўлса ҳам, қарт бўлса ҳам. Бу Ҳақ Мустафонинг суннатлари.

Ҳазратнинг гапи Сулаймонга маъкул тушди. Сулаймоннинг ёши қирқдан ўтди, у Ҳазратнинг ёнидан бир энлик жилмай, иссиқ-совуқни бирга тотиб юрибди, туну кун Аллоҳнинг зикри билан банд, тоат-ибодат, Қуръон тиловати, сўфийлик маслағи унга Байт ул-ҳарамдек муқаддас. Бирок олис кечаларда хаёли қочади: тоқайгача бундоқ ит ётиш, мирза туриш... Жигарлари хун бўлади... Йигитлик гулшанини тарк этиб, қарилик саҳросига юз тутаётган вужуди бир мулойим, бир маъсума ва имонли тан маҳрам истайди. Новвотдек ширинзабон, қалдирғоч боласидек чуғур-чуғур қиладиган жужуқлар бошини силагиси келади, гўдак исини соғинади. Фақат, бу бола ўзиники бўлса, болам деса, бўталоғим деса, эркаласа, суйса...

<sup>1</sup> Уйланмай, дунёдан тоқ ўтмай.

Сулаймоннинг дарди янгиланди. Аммо Ҳазратнинг ўтрор йўлидаги таъна аралаш ваъдасини эслаб, тавба қилди. Маккаи муқаррамадан эсон-омон қайтиб келгач, юрак ёришни ўйлаб, умид қилди.

Қутбиддин аллақачон мужаррад бўлиб дунедан тоқ ўтмакка оинт ичган эди. У «Мутасаввиф бўлиб ҳақ йўлини орзу қилибман, сўфиёна бир турмушни танлаб, тариқат уммониға кирибманми, ё буткул чўкиб кетаман, ё бул уммонда сузиб ҳусни мутлакка етқайман», деб қарор берган эди.

Шайх икки муридиининг фикрини басират кўзи ила уқиб олган эди. Уларға устоз Юсуф Ҳамадоний ҳаётидан бир ибратли воқеани айтиб берди.

– Ҳазратнинг халифаи аввали Ҳасан Андоқий Бу-хороининг Андоқ кентидан эди. Рўзғори, фарзандлари бор эди. Бир куни кўрғонга бориб келиб кўнглини ёрди. Мен қайтиб энди аҳли аёлимни кўрмайдирмен, деди. Босин айтмади. Бу гаиндин пир хабар топдилар. Хужраминзга кириб келдилар. Ҳасанни тиз чўқдириб, насиҳат қилдилар: «Шариат ва ақл юзасидан қараганда Сиз фарзандларингизга ҳам, рафиқангизга ҳам яқин бўлишингиз даркор», дедилар. Андоқий чарс табиатли кимса эди. «Не бўлганин бир ўзим билурмен, бир Аллоҳ билур. Мен сўфийлик хирқасин кийдим, аҳли аёлдин воз кечдим, ўзга важим йўқ», деди. Хожамиз бул сўздан озор чекдилар. Ўшал куни ғайб оламиндин бир товуш келибди: «Эй, Юсуф, биз сенга басорат кўзи бирла кўрмакни насиб этдик, Ҳасан Андоқийга эрса, ҳам басорат<sup>1</sup>, ҳам басират<sup>2</sup> нигоҳини бердик». Пир ҳазрат бомдод хужраминзга келиб Ҳасандан узр сўрадилар. Андоқий йиғлаб пирнинг қўлини ўпди. Қиссадин хиссани ўзларингиз чиқариб олинглар.

Ҳасан Андоқий билан бўлган воқеа уч муридга уч хил таъсир этди: Қутбиддин қатъий тааллуқ фикрида қолди, Сулаймон Юсуф Ҳамадонийни қувватлади, Бобо Мочинга эса икки дунё бир қадам эди, унинг вужуди тан махрам ишқиде эмас, зикри Аллоҳ ва йўл танобин тортиб, учиб-қўниб юриш шавқи ила ўртанарди.

<sup>1</sup> *Басорат* – ақл кўзи, тафаккур.

<sup>2</sup> *Басират* – қалб кўзи, яъни илоҳий нигоҳ.

– Бобоқул, сиз жадаллаб хонақоҳга боринг, – деди Шайх, Бобо Мочиннинг аста юриб қийналаётганини кўриб, – хон ҳазратлари ташриф буюрмоқчи эдилар. Маҳтал бўлиб қолмасинлар.

Бобо Мочин тўрт ҳатлаб муюлишда ғойиб бўлди. Шайх ҳамроҳлари билан шоҳқўчага чиққанларида Бобо Мочин бир ёғоч йўл босиб, хонақоҳ дарвозасига стиб борган эди.

Қурбат хонақоҳининг ич-ташида одам қалин, сарбоздан гадойгача, шайх ур-раисдан ромчигача, тужжордан арзигўйгача топилар, барча интизор, биров ўз дардини айтиб нажот сўрагани Султон Маҳмудхонни кутса, биров Шайх-ул машойих Хожа Аҳмад Яссавийнинг дийдорига муштоқ эди.

## БИР «АХМАД» ПАНД БЕРДИ

### 18-ф а с л

*Одамларнинг ёмони – улар ичидаги  
уламоларнинг ёмонидур.*

Ҳадис

Султон Маҳмудхон хонақоҳ олдида отдан тушди. Аркони дин ва давлат қуршовида «Бисмилло!» деб ховлига кирди. Атрофга аланглади. У «Шайх жилла курса истикболимга чиқар», деб умид қилган эди. Ҳазрат кўринмади. Султонни қўл қовуштириб Самарқанд шайх ур-раиси, шаҳар ҳокими, мухтасиблар, мударрислар, Шайх билан хонаи муборакка кетаётган толиби савоблар, бою боёнлар, аҳли раият кутиб турарди. Маҳмудхон йўрғалаб йўл бошлаётган шаҳар ҳокими изидан тўрдаги хосхонага қараб юрди. Султон шарафига хонақоҳдаги ягона мажлисхона махсус жиҳозланган, унга қирқ-эллик човли одам сифарди.

Мажлисхона эшигида Султон ортига ўгирилди. «Нома!» деб хос мулозимига қўл чўзди. Мулозим шошиб қўйнига қўл тикди-ю, зарҳал хатчуп олиб тавозе ила узатди. Маҳмудхон хатчупни ички киссасига жойлаб остона ҳатлади. Мажлисхона анча равшан, бурчак-бур-

чакда бир газлик йўғон шамдонлар пориллаб ёниб турар, ичкарида уч-тўрттагина қария давра қурган эди.

Султоннинг салласига қўндирилган бош бармоқдек ёқутни кўриб, Шайх оҳиста кўзгалди. Хонга пешвоз юрди. Султон одимини тезлатди. Мажлисхона ўртасида юзма-юз бўлдилар.

– Ассалому алайкум, пирим! – деди Султон, Шайхнинг буғдойранг, сафар шамолида қорайган чехрасига боқиб. Ҳазрат биринчи бўлиб қўл узатди. Юзида мулоим бир ифода балқиди.

– Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотух. Хуш кўрдик. – Султон энгашиб Шайхнинг қўлларини ўпди.

– Минг қатла шукрим, Аллоҳ таоло дийдорингизни насиб этди. Қадамларига ҳасанот, пирим!

Тўрга ўтдилар. Шайх Султонни ўнг тарафига таклиф этди. Улардан сўнг ҳар ким рутбасига қараб жойлашди. Ашрафхон қози юкорироқда турган эди, азият меҳмонларга мулозимат қиламан, деб беихтиёр ўзи пойгакка яқинлашиб қолди.

Шайх дуога қўл очди:

– Омин! Илоё, парвардигори олам умрингизни узун қилғон бўлсин, қўл остингиздаги ғарибу ғураболар дуосидин бенасиб этмасин, минбаъд Самарқанди азимда ноҳақ қон тўкилмасин, дини ислом йўлида бир қатла азият чексангиз, Аллоҳ тарафидин минг қатла шафоат ёғилгай, қутлуғ манзилингиз обод бўлиб, мудом ўзининг эгаларига буюрсин, Аллоҳу акбар!

Ашрафхон қози кафтларини бетига суркади-ю, бир лаҳза Шайх билан Султоннинг ўзаро марҳаматларини кўриб, ичида кулди: «Ҳозирча бир-бирларингизни ялаб туринглар-чи, нома ошкор бўлсин, андин сўнг кўрамиз муо-малани». Қозикалон кеча зир югуриб Мавлуд қорини топтирган, ундан «Номани хон ҳазратларининг ўз қўлларига топширдим» деган қасамёдини эшитиб, таскин топган эди.

Одми бўз дастурхонга баковулар чинни идишларда муаттар шарбатлар, тансиқ таомлар келтира бошладилар. Шайх қорахитойлар билан бўлган жангда Самарқанд аҳлининг бошига тушган кулфатларни эслатиб, Султондан кўнгил сўради:

— Тонг билан Имом Бухорий ҳазратларининг марқадларини зиёрат этмакка муяссар бўлдик. Йўл усти Қатавон мавзига ўтиб, ўшал бегуноҳ шаҳидлар хокига дуо ўқимок ниятимиз бор эди. Имон тортадир, вале оёқ юрмайдир. Борсак, гўёки, «Не ёзуғимиз бор эди бизнинг?» деб ўттиз минг шаҳид кафанларини судраб чиқиб келадир. Изимизга қайтдик. Мукулмон фарзанди қиладирғон юмуш бўлмапти, водариг!

Шайхнинг гапи Султоннинг ўмганидан ўтиб кетди. Бир ориз «Водариг!» Султоннинг битаёзган ярасини янгилагандек бўлди. Қатавон... Бу сўзни эсласа, Султоннинг етмиш икки бўғинига оғриқ киради, тунда уйқуси қочади, кундуз кулкиси. Қатавон... Гўрхон... Қорлуқлар... Тағил ўша киргин-барот, шармандаларча мағлубият, хўрликлар кўз ўнгидадан ўтди.

Бундан беш йилча бурун Қулон, Марқа атрофларида, Сайхун бўйида яшовчи қорлуқлар Маҳмудхонга қарши бош кўтарди. Маҳмудхон уларнинг исёнини аёвсиз бостирди. Аммо қорлуқлар тинчимасди. Хуфёна кўмак сўраб Хоразм шоҳи Алоиддин Отсизга одам юбордилар. Отсиз ваъда берди, Султон Санжарнинг тузлиғига тупуриб, орага қорахитой хони Гўрхонни солди. Лаънати Гўрхон, ўзига енг бўлолмаган ўша кофар, ўзгага бўй бўламан, деб Маҳмудхоннинг ҳам тағойиси, ҳам язнаси Санжарга мактуб йўллади.

«Сен кофирнинг биз мўминлар бирла не ишинг бор?— деди жавоб хатида Санжар,— Элинг бошқа, дининг бошқа, ўз хўкизингни хайдаб юрабер! Менга ҳамдам бўлмакни истасанг, исломни қабул қил, андин сўнг сен бирла муроса қилгайман. Таклифимга кўнмасанг қиличимнинг дамани тотиб кўргайсан, кофар!» Гўрхон, Отсизнинг ҳарбий ёрдамига, қорлуқларнинг мададига сундими, Самарқанд сари бостириб кела бошлади. Хануз Маҳмудхоннинг ёдида. Сунбула ўтиб, мезон кирган эди. Хўжанд билан Самарқанд орасида, Қатавон даштида икки лашкар тўқнашди. Гўрхоннинг лашкари бисёр бўлмаса-да, Маҳмудхондан порози авом халқ эвазига лаклак эди. Султон Санжар юборган аскар билан қўшилиб, Маҳмудхоннинг қўшини ҳам юз мингга етарди. Уруш-уруш бўлиб, бундай қаттол мухораба бўлмас. Тирикдан ўлик, ўликдан тирик кўпайиб кетди. Ичингдаги ёв

ёмон деганлари рост экан. Корлуқлар вахший ҳайвондек кутуриб жанг қилдилар. Улар яроғлари қолмаса, қўллари, тишлари, оёқларини ишга солар, жон таслим қилаётиб ҳам отларни чилвир билан чирмаб йиқитар, марҳум санжарийларнинг қорнини ёриб, қузғунбоп қилиб кетишарди.

Ўша жангда улуғ султон Санжар лашкари қирқ йил бадалида илк бора мағлубиятга учради. Агар қочмаганда Султоннинг ўзи ҳам асирга тушиб тириклай ўлиши муқаррар эди. Аллоҳнинг химоятига шукрким, бахт соқчиси Амир Абулфазл бор экан. У шоҳнинг хос чодирига кириб, гўёки Султон Санжар бўлиб ўтирди. Ўзини Гўрхон қўлига топшириб амир-ул муслимин жонини омон асраб қолди...

Маҳмудхон асирлик азобини тортган опаси – Султон Санжарнинг хотини Туркон хотинни эслади. Кофар Гўрхон шартини адо этиб, опасини беш юз минг динор эвазига қайтариб олдилар. Аммо не-не амирлари, баҳодирлари шахид кетди. Ҳозир ўша жанг майдони улуғ қабристон. Одамлар кофиру мусулмон устига тупрок тортиб, тош ташиб текис дашт ўрнида баланд тепалик барпо этганлар. Негадир авом халқ бу мазористонни «Кофиристон» дейди, ёнидан эл-улус юрак ховучлаб ўтади. Фотиҳага очилган қўллар титрайди...

...Бир неча дақиқа хонага зилдай сукунат чўкди. Гўёки барча бош эгиб ўша Кофиристонда ётган шахидлар руҳини ёд қилаётгандек эди.

Нихоят, Султон Маҳмудхон дастурхондан бош кўтарди.

– Мусибатда қолдик, пирим, – деди узун ух тортиб, – гуноҳ барчадин ўтди. Илло, ўз юртига тўймай, ўзга элга кўз олайтирган кофар Гўрхон бўлмаганда...

– Ер остига ҳайдалган марҳумлар бирла ер устида фарёд қилиб қолгон етим-есирда не ёзуқ?! – деди Шайх кескин товушда. – Гуноҳ аввало, сизда, жаноб Маҳмудхон, баъдаз Амир-ул муслиминда. Сиз қорлуқларнинг додига кулоқ осганингизда, алар имдод истаб қорахитойнинг олдида бормасди. Бу не шумликки, фарзанд ўз отасидин меҳр тиласа-ю, вале шафқат топмай етти ётнинг оёғига бош уриб борса?! Ақлу идрок ечадирган бир юмушни зўрлик бирла битириш Сиздек кимсага зийнат эрмас эди. Сиз бамисли бир табиб, фуқароингиз – бемор. Ул

фуқаро, дардим бор ҳозик-табибим, эшит, дебди. Сиз бўлсангиз, дамингни чиқарма, нотавон, деб бемор кишининг устига черик тортибсиз. Мардлик – мардлар юмуши, хатони мўйинлаб тавбага келмак лозимдур. Хўш, энди шоҳижаҳон Султон Санжар жанобларининг тадбирини кўринг. Сир эмаски, мана шу азим хонақоҳдек хирмонни ўтга бермак учун мисвокдек бир чўп кифоя қилур. Султоннинг бир оғиз такаббур сўзи бамисоли кўгурт бўлиб уруш оловини ёқди. Бизнинг сўзимиз ғалат бўлса, айтинг, Хон хазратлари...

Маҳмудхон султон Санжарнинг ёнини олди:

– Тағойимиз... амир-ул муслимин кофар Гўрхонга «Сан бизнинг рўзгоримизга бурнингни тикма», деган мазмунда нома юбордилар. Илло, Гўрхон бирла анов бетавфик хо-размлик Отсиз хиёнат қилдилар...

– Номанинг куйруғи хуржунда қолди, – деди Шайх енгил истехзо ила, – мабодо сиз истихола қилаётган эрсангиз, ўзимиз айтиб берайлик. Султон Санжар Гўрхонга «Исломи қабул эт, йўқса мендин шафқат тилама!» кабилида шарт қўйди. Султоннинг хатоси шул. Матал борким, ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, демишлар. Каломи шарифда айтилу, динда зўрлаш йўқдир, жоҳил ва бстақво кимсаларни имонга келтирмоқчи бўлсанг, мулойим сўз ва ақлу идрок бирла тарғиб қил, дейилур. Бу не бедодликки, ўз дини, ўз мазҳабида собит бир бандани қилич кучига инониб ҳақ йўлига мажбуран киритмак истарсан? Бу оламнинг балоси тарсо, жухуд, хитой, насроний, бутпараст деб ирқ ажратишда, дину миллат ажратишда. Расулуллоҳ васият қилдиларки, умматларим бир куни Тангрининг балосига йўликқайлар, деб. «Бало не?» деб сўрадилар. Ҳақ Мустафо жавоб бердилар: «Бало, бу – кибру хаво, такаббурлик, одамлар аро ракобат, молдунё талашув, низо ва ҳасаддур. Бу иллатлар боис, аввало халойиқнинг феъли бузилгай, андин сўнг дунёда талатўп қўпар». Султон Санжари мозий улуғ зотдир, илло ул зот такаббурлиги важҳидин Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлди. Шаҳид кетган бегуноҳлар арвоҳи Султон жанобларини у дунё-бу дунё безовта қилиб турмоғи шубҳасиздур. Негаким, имони саломат киши ўз қилмишига пушмон бўлур. Умид шулким, султон Санжарнинг диёнати хали дарз кетмаган кўринадур. Иншооллоҳ.

Ўқнинг кудрати ёлғиз камон – ёйнинг зарбасига эмас, ўк отувчига ҳам боғлиқ. Худди шунингдек, мактов ё олқиш кимнинг лафзидан айтилганига қараб таъсир қилар экан. Шайхнинг гап аввалида тоға-жиян султонларни маломатга кўмиб, гап охирида султон Санжар шаънини у қадар ерга урмагани таранглашиб бораётган вазиятни бир оз юмшатди. Шайхнинг гина-кудуратларидан Махмудхоннинг зардаси қайнади. У бир-икки бор қўлини бағрига босди. Ич-этини куйдириб турган ўша хатни олиб Ҳазратнинг олдига қўймоқчи, «Пирим, биз сизга қўл бериб мурид бўлдик, сиз эрсангиз харифимизнинг бошини силаб анга мундоқ мактублар йўллабсиз, шул инсофданми?» деб миннатини тўкиб солмоқчи эди. Аммо Шайхнинг аччиқ дашноми охирда тоғойисининг фойдасига ўгирилганини кўриб, шаштидан қайтди. Шайх кўз қири билан Султон пинжида бир нима борлигини аллақачон пайқаган эди, билинар-билимас ияк қоқди.

– Омонатингизни топшириб, даъвойингизни сўйланг, хон жаноблари, дард ботин қолмасин. Сиз-да, биз-да кўнгилни тозартириб олайлик.

Султон жамоатга аланглади. У Шайх билан яккама-якка, ҳеч қурса тор доирада суҳбатлашмоқ илинжида эди.

– Бул жамоатдин нени яширасиз, Султон? Ёртиси сиздин, ёртиси – биздин. Худодин яширмаган нарсани бандасидин гизламоқ номуносиб бир юмушдир.

Хонада ўн чоғлиқ киши бор эди. Султон уларга хушламай назар солди-да, қўйнидан хатчуп олиб Ҳазратнинг олдига қўйди.

– Бул мактубни олғондин сўнг ором не, роҳат не – билмайдирмен. Наҳот, сиз пирим деб қўл берган авлиёмиз, валинеъматимиз биздек содиқ муридларини бадном қилмоқни раво кўрдилар, ёзуғимиз не эрди, ихлосимизми, ёлғиз фарзандимизни хизматларига ташлаб қўйғонимизми, дуойи хайримизми, деб гумону изтироб ичра ўртанадурмен...

Султоннинг гапи Ашрафхон қозига нашъа қилди: «Авал сен оромингни йўқотган эрсанг, бул хат ҳозир ўқилғоч, пиринг роҳатидан айрилгай. Хўб ажаб бўлди-да».

– Қани, ўқийлик-чи, ул не хат эканки, Сизни бу қадар азиятга солмиш, – деди Шайх ва хатчупни Сулаймонга чўзди, – қозикалонга узатинг, қироатлари дуруст.

Ашрафхон қози буни кутмаган эди, довдираб қолди.  
– Шайхим, бизнинг кўзимиз ожизроқ маъзур тутгайлар...

– Сизнинг зехнингиз ўткир, – деди Шайх қовок солиб, – сакта ерини-да тузатиб кетасиз, ўқинг!

Шайхнинг гапидаги нимкосани Бобо Мочин билан Сулаймондан бўлак қимса англамади.

Қозикалон ноилож қолди, негаки, хатчуп қўлига етган эди. Чўккалаб ўқишга киришди. Бир бетдан зиёроқ иншони хижжалаб ўқиб бўлди-ю, элдан бурун хитоб қилди:

– Бўхтон бу! Шайхимизнинг беҳад улуғ рутбасини кўролмайдиганлар битган буни! Ўшал хатни келтирган малъунни дархол тошмоқ лозимдур!

– Бу ёққа беринг! – деди Шайх зарда билан. Хат қўлига тегди. Ҳазрат уни дастурхонга ёйиб қўйди. Бир сония кўз ташлади-да, ғамгин кулимсиради.

– Бул иншода фақирнинг сўзлари ҳам бор. Аммо дастхат бизники эмас. Мухр ҳам қалбаки, нодон, ношуд устага ясатибдурлар.

Хонани енгил говур босди. Султон Маҳмудхон оппоқ шойи қоғозга босилган катта доира муҳрга тикилиб қолди. Сулаймон хатга бўй чўзди, Самарқанд уламолари бир-бирига маъноли боқди. Ашрафхон қози типирчилади, ранги бўзариб дам Шайхга, дам Султонга аланг-жалаң қарай берди. Бобо Мочин Ашрафхон қозининг гуппидек бетидан кўз узмай тикилиб қолди.

Султон қуппа-қундуз, эл ичида бир беғуноҳга тухмат қилиб қўлга тушган бадқирдордек лов кизарди. Чўчиброқ оғиз очди:

– Пирим, мана бу муҳр ўзлариники шекилли. Ё дунёда ҳазрати Султон хожа Аҳмад Яссавийнинг бўлак муҳрлари ҳам борму?

Шайх Султон Маҳмудхонга таънаомуз боқди.

– Сизнинг тўнингизни кийиб, бошига жиға қўндириб, белига тилло камар, қумуш шамшир боғлаб олган қимса сизга ўхшамайдими? Ўхшайди. Илло ул имонсиз ҳеч қачон Султон Маҳмудхон бўлолмас. Султон – сиз. Сийрат бошқа, сурат бошқадир. Асл билан нусхани фарқламак учун кўп ақл керак эмас, андак фаросат, фасоҳат бўлса бас. Қани, муҳрдаги битикни тағин бир ўқисинлар-чи.

Султон ул-орифиннинг хос муҳрини Маҳмудхон икки-уч маротаба кўрган эди, холос. Пичирлаб ўқиди:

– Бисмиллоҳи хайрул-асмо... Бисмиллоҳир раббил ар-зи-самои...

У муҳр атрофидаги битикни бехато хатм қилди.

– Балли! Ана энди ўртадаги гардишни ўқисинлар.

Яссавий муҳри доира шаклида бўлиб, учта гардишдан иборат, энг четки гардишда оятлар битилган, кичик гардишда Шайхнинг унвони дарж этилган эди. Ўрта гардишда эса, Хожа Адмад Яссавийдан илгари ўтган ўнта улур зот – ўнта Аҳмаднинг исми шарифи келтирилган. Улар Аҳмади мурсал саллоллоҳи алайҳи вассалам (Муҳаммад пайгамбар), Шайх Аҳмад Ханбал, Шайх Аҳмад Хайрун Нассож, Шайх Аҳмад Ҳазравия, Шайх Аҳмад Равия, Шайх Аҳмад Мухтор, Шайх Аҳмад Хомий, Шайх Аҳмад Кабир, Шайх Аҳмад Соғирия. Иншода дастлабки тўртта Шайх Аҳмад тўғри ёзилган, бешинчи Аҳмад Ҳазравияни наққош нодонлик қилибми, шошибми, «Ҳазрия» деб ёзган эди. Султон Маҳмудхон ҳам наққошнинг хатосини айнан такрорлади – қандок битилган бўлса, шундок ўқиди.

– Тўхтаг! – деб Ҳазрат кўл кўтарди ва жамоатга ўгирилди, – бу ерда Самарқанд уламолари жам бўлмишлар. Қани, тақсирлар, айтсинлар, бу оламда Ҳазрия деган муборак зот ўтганидан хабарлари борми?

Ғала-ғовур бошланди. Самарқанд шайх ур-раиси Хожа Абдураззоқ товуш берди:

– Исломия оламида биз Ҳазрия деган кимсани билмасмиз. Шайх Аҳмади Ҳазравияни биладурмиз. Бу зоти шариф Қусам ибн Аббос розиаллоҳу анху жанобларининг устоди бўладилар.

Маҳмудхон мулзам бўлди. Қоратўри беги бўғрикиб кетди. Қўлидаги муҳрни айлантириб томоша қилди. Гўё шу бахонада уламоларнинг дашномидан фориг бўлмоқчи эди. Ичида ўзини койиди: «Наҳотки Расули алайҳиссаломнинг тувғонлари Қусам ибн Аббосга пири муршидлик қилгон Шайх Ҳазравияни билмасам? Билмабпис-да... Водариг, бир «вов»нинг қурбони бўлдинг, Султон!»

Сукунат чўзилди. Самарқанд уламолари ер чизиб қолишди. Улар кимсан – аъло Ҳазратнинг муҳрни ғалат ўқиганлигидан музтар эдилар. Ашрафхон қози «Ажаб бўлди, хўб бўлди» дегандек уламолар тарафга ички

бир қаноат билан кулимсираб боқди. Сўнг кўзи Шайх ул-машойихга тушди-ю, тинирчилаб қолди. Султон ул-орифин қозига ўтқир нигоҳини қадаб, «Отларнинг ўлими итларнинг байрами экан-да, жаноб қозикалон?» дегандек хитоб қилиб турарди. Қози ён-верини йиғиштирди, сўнг қаерда, кимнинг ҳузурида ўтиргани ёдидан кўтарилдими, аста кўзгалди. У жон борида жуфтакни ростламоққа ният қилган эди. «Худо кўрсатмасин, гап чувалашиб сир очилса, бу такаббур хон ила ул Шайхи золим анави чиллашир қорини-да топтириб келгай. Унда саққолга алвидо айтиб... эшакка тесқари мишиб, бозор айланмакка ҳозир бўлмоқ даркор...»

Қози пойгакда ўтириб эди, оҳиста туриб кетмоқчи бўлди. Аммо унинг шум ниятини зимдан пайқаб ўтирган Шайх амр қилди:

– Қози, жойингизга ўтиринг!

Барча ялт этиб эшик тарафга қаради. Халойиққа орқа ўгириб, сурраг жун қондек бўлиб турган қозикалон гул этиб ағдарилди. Дарров кирпидек вужанак бўлиб олди. Шайх Сулаймонга қаради.

– Ҳақимхўжа, хон жанобларига бизнинг мухрни беринг.

Сулаймон қўйнидан арча қутига яширинган хос мухрни чиқарди, қўшқўллаб Маҳмудхоннинг олдига келтириб қўйди. Хон ҳамон хижолат ва маломат юкидан халос бўлмай тиш қайраб ўтирган эрса-да, бесабрлик ила Шайх мухрига кўз югуртирди. «Шайх Аҳмад Ҳазравия» унвонини уч қарра хижжалаб ўқиди. Пешанасини ишқалади... Уҳ тортди ва ... андак жим қолди. Шайх унга «Энди фаркига боргандирсиз, тақсир?» дегандек бенисанд назар солди.

– Падарлаънатилар! – хоннинг овози гулдуракдек янгради. Бу вазабнок наърадан Ашрафхон қози тугул, уламолар ҳам бир сесқаниб тушдилар.

Хон чап ёнбошига, Шайх тарафга ўгирилиб қўлини кўксига босди.

– Биздин осийлик ўтди, пирим, афв этсинлар...

Шайх индамади.

Ашрафхон қозининг беҳол-бемажол бўғишларига қайтадан жон ингандек бўлди: «Хайрият, худо бир фалокатдан асради, саққол-мўйлов фойдага қолди, шукр-е...»

Шу пайт Самарканд шайх ур-раиси Хожа Абдураззок изн сўраб гапга аралашди:

– Аъло ҳазрат, ҳадиси шарифда айтилмишки, мардумларнинг энг ёмони – алар орасиндаги уламои жоҳиллардир. Эл-улус кўриб тавба қилсун деб ўғрининг панжини кесурлар. Риё бежазо қолса, ул риёкорлик барданом этқусидур. Фақир қулингизнинг бир ўтинчи бордир. Ул бетавфиқ бадкирдорни топтириб жазога мустаҳик этмак даркор, токи мўмин-мусулмонлар бошига минбаъд тухмат тошлари ёғилмагай.

Маҳмудхон «маъқул» дегандек бош силкиди. Ашрафхон қози пойгақдан чийиллаб қувватлади:

– Жаноби шайх ур-раис орий рост гапурдилар. Ул нечук беимон раҳнамоки, қўлида тасбеҳ тутиб шавкатли хонимиз бирла пири бузрукворга тухмат қилгай! Биз Соброн уламои киром номидан талаб қиламиз, ул каззоб бўҳтончини топтириб шаръий ҳукм бирла жазо берилсун!

Қози шундоқ деб бақирди-ю, ичида тантана қилди: «Мактубот келтирган Мавлуд қорини топиб бўпсанлар, ул ҳозир Бухоро қайдасан, деб эшагини ниқтаб кетиб бораётқон бўлса ажабмас».

Ашрафхон қози кеча хуфтонда Мавлуд қорини хуфия жойга чорлаб, «Кўздин нари тур энди, ўк нишонга тегди, қорангни кўрсатма», деб шаҳардан чиқиб кетмакни амр қилганди. Қозининг ўзича суюниши шу боисдан эди. Илло инсон боласининг миғг қусурларидан бири шулки, у ўзининг қусуридан кўра бегона кимсанинги қусурини санашни афзал кўради. Нописандлик эса, аксар шармандалик билан хотима топажак.

Бу сафар қози ана шу нописандлик қурбони бўлди.

Маҳмудхон бир чокарига им қокди.

– Анови тужжорни чорланг.

Чокар шипиллаб чиқиб кетди. Сал фурсатдан сўнг рангкути ўчган Мавлуд қори кирди. У эшиқдан хатлади-ю, мук тушиб хонга таъзим қилди. Мажлис аҳли кўсанамо, одми кийинган ориқ йигитни томоша қилиб, ўзаро кўз уриштираётганда Ашрафхон қози фурсатдан фойдаланди. У думалаб-сумалаб навкарлар оёғидан ўтди-ю, ҳовлига отилди. Аммо жонини қутқаролмади. Бобо Мочин бир лахза ҳам қозидан кўз узмай ўтирган эди, ирғиб турди.

Сарховуз бўйида қозини тирсагидан тутди. Масхараомуз кулди:

– Таксир, йўл бўлсин? Пиримнинг даргоҳидин берухсат чиққонингиз адабсизлик бўлди-ёв, лаббай?

– А? Э, сенмисан, бўтам? Шу, биласиз, мулла Бобокул, ковуғим бўшроқ... таҳорат ушатай деб...

– Хожатхона бу ёқда, таксир. Сиз дарвозахонага қараб кетмакдасиз. Ё бирор девор-мевор тагида, а?

– Даф бўл-е, оғзингга куйдирги! Бор, пиримни олдига кир, маш хозир...

Бобо Мочин унинг изидан қолмади.

– Таксир, биз сизни еру кўкка ишонмаймиз. Ўзим ўша ерга элтиб, бўшатадиганингизни бўшатиб келгайман...

Қози чинқириб юборди:

– Қо-оч, бетавфик! Хой, мусулмонлар, мана бу алвастининг зулмидан халос қилинглар, ҳозир имонимни куйдиргай бу!

– Ўзи йўқ нимарсанинг неси куйгай, таксир? Қани, бу ёққа юрадиларми?

Қози иштонбоғини чангаллаганча ҳовли этагидаги хожатхона тарафга қараб йўрғалади. Бобо Мочин, гарчи беандишалик бўлса-да, қозининг изидан бир неча кадам босиб, сал берида кузатиб турди.

Нихоят, қози чиқди. Такдирга тан бериб, Бобо Мочиннинг олдига тушди-ю, мажлисхонага равона бўлди.

Бўсағада Мавлуд қори тикка туриб гувоҳлик берарди. У бандидан узилай-узилай деб турган заъфарон япроқдек титрар, тили калимага келмай гўлдирадди.

Қози остона ҳатлаб ўтаркан, Мавлуд қорининг биқинига қаттиқ туртиб қўйди. «Бу оғзингга эҳтиёт бўл, сир очсанг, ёмон қиламан», дегани эди. Қорининг орияти келди.

– Нечун туртасиз, таксир? – деди ўзини бардамроқ сезиб, – ургандан туртган ёмон эрмиш. Туртсангиз-да, уриб ўлдирсангиз-да, гапнинг индоллосини айтаман энди. Мана шу мактубни Самарқандга элтиб хонимизнинг қўлларига топширсанг, ҳажга олиб кетаман, деган ким эди? Сиз! Шайх ул-машойих ўта такаббур, ул хонимизни писанд этмайдур, деган ким эди? Сиз, таксир! Шаҳобиддин ҳожи орқали ёлғон муҳр ясаптириб... тухмат хатни сўнақай қўлда бировга ёздириб... Хоразмшоҳ ўрлига битилган

мактубни йўлда очтириб ўқиғон ким эди? Ўзлари! Хайф, сизга дастору илм, хайф сизга Қуръони карим! – Мавлуд қори йиғлаб юборди, – сиз менинг... охиратимни куйдирдингиз, тонгла махшар икки қўлим ёқангизда бўлмай, имонсиз... Ий-й...

Қозикалон қайғу-ҳасрат ичида қолди. Ҳозир ўрнидан даст туриб, «Ёлғон, бул мактубни мен ёздирмадим!» деса, анови такаббур Шайх қўлига мусхаф тутқазиши мумкин. Қуръон ушлаб қасам ичишга кўрқади. Унда қозининг бошига ҳам Шаҳобиддиннинг куни тушмори муқаррар. Билъакс, айбини мўйинласа-чи? Қозининг эти увушди. Хаёлидан липиллаб муаззам Самарканд бозори, яғир эшак, соч-соқолини қиргани устара яланғочлаб турган сартарош ўтди. Қавмдошлари, қосибу тужжорлар, собронлик муридлари кўз ўнгида сазойи бўлғонидин ўлгани аъло эмасму? Ўйлаб-ўйлаб, иккинчи йўлни танлади. «Хай, бир умр овзи-бурнинг қийшайиб, мажруҳ бўлиб қолғондин кўра бир кун сазойи бўлғон афзал, то хануз сазойиликдин ҳеч кимсанинг ажали етмаган. Бул бегона юрт, Соброн эмас, беш-олти ой орасинда саққол ҳам патак бўлиб ўз холина қайтади. Таваккули Аллоҳ...»

Ашрафхон инқиллаб ўрнидан турди. Уч-тўрт кадам босди-ю, хон тарафга гурсиллаб йиқилди.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, аъло хазрат... Итлик қилибмен. Мани шайтони лаъин йўлдин урди. Ўшал Соброн мударриси Муҳаммадрасулнинг гапина учиб, густоҳлик қилдим. Илло мактубни мен битмадим. Биз Шайхимизнинг рутбасини хўб билурмиз. Бул зотнинг Сиз зоти олийларина хайрихоҳлигини-да гоят кадрлагаймиз. Онҳазратим ижозат берсалар...

Қозининг бўғзидаги овзида қолди.

– Мана бу тужжор қиёфасиндаги қорибаччага эллик таёқ урилсин! – деди хон авзойи бузилиб, – имонин сотқон қозикалон сазойи қилинсун!

Ашрафхон қози эмаклаб хонанинг ўртароғига борди.

– Садағангиз бўлай, хоним, эллик эмас, юз таёққа ҳам розиман. Худойим хайрингизни берсин, рўсиёи олам этмасинлар. Қарт ёшимда сазойи бўлғондин маргим аълороқ.

Хоннинг ғазаби келди:

– Қотилда бир қатла гуноҳ бўлса, анинг қўлига ханжар тутқазган кимсанинг гуноҳи икки қатладур. Муҳтасиб,

қозига-да, эллик таёқ уриб Самарқанддин бадарға этинг!  
Эшакка тескари миндириг бу имонсизни!

Мухтасиб навкарларига им қоқди. Хаш-паш дегунча  
Ашрафхон кози билан Мавлуд қорини узун-қиска қилиб  
хайдаб чиқдилар.

Султон ул-орифиннинг фотиҳасидан сўнг жамоат дув  
кўзғалди. Хонада хоннинг хос одамларию Шайхнинг  
маҳрамлари қолди. Маҳмудхон Шайхга такаллуф ила  
боқди:

– Пиримизга икки овиз арзимиз бор эди.

Шайх Сулаймон билан Бобо Мочинга юзланиб  
бош қимирлатди. Пир ишорасини англаб улар оҳиста  
кўзғалдилар.

– Сизларга-да жувоб, – деди хон Шайх ур-раис бошлиқ  
уламо аҳлига.

Танобий хонада Маҳмудхон билан Султон ул-орифин  
бақамти қолдилар. Сўфийлар шартига кўра бўз дастур-  
хон ёзилди, Самарқанднинг пўлотий нони билан мевалар  
тортилди. Хон олдига шарбат тўла сопол мўнди кўйилди.  
Ҳазрати Султон дов сув ичарди, унинг олдида шокоса  
тўла хушбўй сув пайдо бўлди.

Хали замон бўлиб ўтган можарони эслаб,  
Маҳмудхоннинг кўнгли хира бўлди. Аммо қалб ярасини  
қайта тирнашни истамади. Дархол арзи дилини айтди.

– Пирим, икки йилдирки, кўзимизнинг оқу қароси  
шаҳзода Қутбиддин жанобларининг даргоҳида хизматга  
қойим. Биз шаҳзода ила сўйлашдик. Сиздек зоти покнинг  
исми шарифларини тилидин туширмас бўлибдир. Ончинун,  
кўб тарбиятлар олиб, фазлу камол касб этибдилар эркан.  
Лафзидин, сиёкидин маълум бўлди. Илло... бул беш кун-  
лик дунё барчамизга омонатдур. Йигитлик гулшани адорини  
кўрсатиб, умр қарвони қарилик биёбони томон олиб борур.  
Бас, салтанатни кўзи тийрак, заковати ўтқир, дасти пан-  
жаси қувватли шаҳзодага топширмоқ умиди кўнглимизга  
ёрувлик соладир. Валекин, мусоҳаба чоғи равшан бўлликим,  
шаҳзода бизни муродимизни фаҳм этмайдир ва ёхуд тожу  
тахт хавасидин йироқдур. Пиримдин ўтинчу умидим шул-  
ким, шаҳзодага ижозати олий берсалар, токи ул ўғил са-  
ройга қайтиб валиаҳдлик хизматин адо этса.

Шайх англадики, ота-бола ўртасида мушкул муно-  
зара воқе бўлган. Қутбиддин сўфийлик хирқасин ечиб,

шахзодалик либосин киймакка рози бўлмаган кўришадир. Ҳазрат ичида шукрона келтирди: «Ота бирла ано дийдо-ри фирдавсул аълодин ортиқ, демишлар. Тувғон кимса-лар жамолиға хирқа бирла таслим тошни айирбошлама-ган эрса, Қутбиддиндан кўнглимиз тўқ. Раббано, икки йиллик заҳматларимиз зое кетмабди, ўзинг мағфират қилгайсан. Биз ўтгандин сўнг тариқат чироғини ёқиб ўтиргувчи муридларимиздин бири шул бола бўлса не ажаб».

Султон ул-орифин косадан ширин сув хўплаб аста деди:

– Мантиқ талабига кўра Қутбиддин падари бузрукво-ри ила волидаи меҳрибон қошида таслим бўлмоғи лозим эди, хон жаноблари.

– Таассуфки, ул хонақоҳ сари интиладур. Орий рост айтдилар, тақсир, тувғон эл тупроғидин, хешу акрабо меҳридин хонақоҳ улуми, пирим? Ахир кушлар-да, доп еб, сувлаб ўрганган маконига интилар, бул не холдир, ақлим хайрон.

Шайх хон тарафга таъна аралаш қараб қўйди.

– Хон жаноблари, Сиз нафси руҳоний ила нафси ҳайвоний фарқиши назардан қочирдингиз. Мана бул дастурхондаги неъматлар биздаги нафси ҳайвонийни қондирмоқ учун етарликдир. Илло, эгамнинг яратган махлуқоти ёлғиз қурсоқ гамида бўлмас. Аларга нафси руҳоний учун ҳам озуқа лозимдур. Магарчи инсон махлуқотлар ичра энг мукаррам зот эркан, анга нафси ҳайвонийдин аввал руҳий эҳтиёж фарз бўлмай. Бандасининг кўзи тўқ, кўнгли тўқ бўлсин экан. Қорни тўқ, валекин кўнгли оч кимса имонингизга заҳмат етказгай. Энди Қутбиддин масъаласинда... Ул йигитнинг маърифатдин тариқат, тариқатдин ҳақиқат сари интилиши Сиз айтган-ча куш нафсидин фарқ қилур. Кушнинг дарди донда, сувда. Қутбиддиннинг гами – сийратини буткул саранжом айлаб, вужудиши жамики ҳайвоний нафслардин тамом озод этмақдир. Солиҳ фарзанд ота бирла анонинг кўнгли қувончи, фахри эмасму?

– Фахри, пирим. Илло, ўшал фарзанд падарим бирла модарим хузурида юриб, аларни шод этай, дуосини олай деб ўйламоғи ҳам фарз эмасму? Ота рози – Худо рози, демишлар.

– Тўғри. Аллоҳнинг иродаси отанинг меҳридин улуроқдир. Яратган эгам Қутбиддиннинг кўксига нури тажаллийдин бир қатим ато этибдур. Бул нур шахзодалик хою хавасидин, бу дунё ишратларию молу манол йиғнаш суруридин устун келган бўлса, не чора қилгайсиз? Иброҳим Адхамни эсланг. Хукми Аллоҳга бўйсунмакдин ўзга иложингиз борму? Сиздин лозими–дуойи хайр ила Қутбиддини эркига қўймоқдир. Фақир устоз бўлиб бул павжувонни тариқатдин қайтарсак, сиз падари бузруквор бўлиб ани рухан банди этсангиз, ўғилга зулм қилгон бўлмайдирмизму? Кўнгил иши нозик, кўнгилга бир эгамдин ўзгаси таадди қилиб йўлдин тойдирмоғи даргумондир...

Хоннинг хафсаласи пир бўлди. У иккиланиб бўлса-да, Шайхдан бир имдод кутган, жилла курса, хай, биз Қутбиддинга бир офиз насиҳатимизни айтиб кўрайлик, деган наъдасига интиқ эди. Ўғилни эркига қўйинг, дейди. Ўн саккиз яшар, асов, кучга тўлган, кони гупуриб турган йигитни ўз эркига ташлаб қўймоқ... ундан тириклай айрилмоқ эмасму? Йўқ, Маҳмудхон ҳали ул осий ўғил бирла яккама-якка сўйлашади, тукқан онаизорини рўпарасига ўтқазиб қўйиб, насиҳат қилади. Ёлворади, аврайди, лозим бўлса, пўнсага ўтади. Не чора қилиб бўлса-да, Қутбиддини Самарқандда олиб қолади!

Хон узок сукут сақлади. Сўнг суҳбатга нукта қўймоқ касдида сас берди:

– Не илож, пирим, зурриётимизга эгалик қилмоқлик орзусида эрдик. Тақдирнинг ёзмиши бундоқ экан. Аллоҳ хукмига бўйинсунмакдин бўлак не чора бор...

– Барчамизга эгалик қилувчи ёлғиз жаббор, Лавхи маҳфуз сохибидур, хон ҳазратлари, – деди Шайх ҳам мусохаба тамом деган алфозда.

Аср намози яқинлашиб келар, олис-ёвуқ миноралардан азон товуши янграй бошлаган эди. Шайх дастурхонга фотиҳа ўқиди ва илкис ўрнидан турди. Маҳмудхон унга тақлид қилди.

Маҳмудхон Шайх изидан ховлига чикди-ю, қўлида кумуш қумгон ила пирини кутиб турган Қутбиддинга кўзи тушиб, бир нафас тўхтаб қолди. Қутбиддин четланиб икки Султонга йўл берди. Маҳмудхон ўғлига синовчан бир назар ташлаб, тош тўшалган йўлкани тарақлатиб дарвозахонага қараб юрди. Қутбиддин ҳам отасининг ортидан маъюс бир ҳолда термилиб қолди.

## ШАҲЗОДА ҲИБСДА

### 19- ф а с л

*Кўзим очдим, сени кўрдим,  
қул кўнгилни сенга бердим,  
уруғларим таркин қилдим,  
менга сен-ўқ кераксан.*

*Сўзласам сен тилимдасан,  
кўзласам сен кўзимдасан,  
кўнгилда ҳам жонимдасан,  
менга сен-ўқ кераксан.*

Аҳмад Яссавий

Ҳибсхона эшиги тарақлаб ёпилди. Қутбиддин қоронғиликка ўрганолмай, бир лаҳза тайсаллаб турди. Ҳибсхонадан ошланмаган тери хиди келарди. Намхуш, бадбўй ҳаво нафасини сиқди. Икки қадам олға босди. Тепага қаради. Патнисдек кичкина дарчадан икки қатим нур тушиб турарди. Кўзлари оз-моз шабистонга кўникди. Тағин уч-тўрт қадам илгарилади. Ўртароққа бориб ерни пайпаслади. Бир одам сизадиган лойсувоқ тоқчани кўриб, оҳиста чўкди. «Бу кунингта ҳам шукр, Тангрим», деб кўйди ичида. Дарвишлар мақомотида – бошини осилтириб, кўзларини юмиб анча ўтирди.

Пўлат қони тарақлади. Зулфин товуши эшитилди. Бир қарич шам билан бир коса сув кўтариб зиндонбон кирди. У индамай тўрга ўтди, шам билан косани девор ўйиғига кўйди-да, сассиз изига қайтди. Эшикка борганда ортига ўтирилди:

– Ҳожатингиз бўлса, қопқани уринг, бегим, – деди. Қутбиддин бош силкиди:

– Қуллук, тақсир.

Залворли эшик қайта миннат ила беркилди.

Қутбиддиннинг ичи ёниб, ташна бўлиб ўтирган эди, косадаги сувни бошига кўтарди. Бироқ батамом ичмади. Унинг нафси жиловли эди. Қутбиддин тақвони неча замондирки, қалб тумори этиб олган. Шу сабаб, жисми жони куйиб, сув тилаб турган эрса-да, ўзини тийди, оз-оздан икки хўплаб, косани биқинига кўйди.

Қўлларини ёстик қилиб сербар тоқчага узун чўзилди. Салкам уч йилдирки, Қутбиддин бундай ётиш-туришга кўникиб кетган. Дарвишларнинг болиши тош, тўшаги

юмшоқ ер, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Не ажабки, Қутбиддин рутубатли, захкаш хибсхонада эмас, соликлар ошенида ётгандек ҳис этди ўзини. Унинг хотири жам эди. Зокирлар таомилига кўра, бир неча дақиқа нафси рухийга ила машғул бўлди. Сўнг кўзларини юмди. Кўз олдида яна қиблагоҳи жонланди...

Бир соат бурун Султон Махмудхон ўғлини саройга чақиртирди. У Қутбиддиндан ҳали умидини узмаган эди. «Уч кундирки, волидаси бирла сирлашиб ўтирибдир. Онанинг сўзи бамисли малҳам эримш. Зора ул осий боланинг кўксигаги тош эриса, тожу тахтимнинг эгаси бўлиб қошимда қолса. Ё Тангрим, ёлғизимга тавфик бергайсан». Қутбиддин кирди. У дарвишлар жандасини ечган, вале шоҳона либос киймаган эди. Эғнида одми кўкиш яқтак, ўшандок зангори чалвор, бошида мўъжаз салла ўралган сидирға дўппи. Қутбиддиннинг чехраси очик эди. У саломхонанинг ярмигача қўлларини кўксига қўйиб, таъзимда келди, сўнг чўк тушиб отасининг этагини кўзига суртди. Яна қаддини ростлади. Қиблагоҳининг амрига мунтазир, қўлларини қовуштирганча бошини эгиб тураверди.

Султон Махмудхон бир муддат ўғлига тикилиб қолди. Назарида Қутбиддиннинг ранг-рўйи кириб қолгандек эди. «Бале, тувғон уйда шойи кўрна-тўшакка ётмоқ не роҳат-у, сахройилар орасинда мисоли ит ётиш-мирза туриш қабилида ётмоқ не азоб?!» Илло, хон билмасдики, Қутбиддин кундуз кунлари халойиқ кўз ўнгида ота-она даргоҳида юрар, аср намозидан сўнг либосларини алмаштириб, Қурбат хонақоҳига жўнар, дарвишлар ҳалқасида зикру сано билан банд бўларди.

Махмудхон ўғлининг бўй-бастига боқиб, ичида фахр туйди. «Бу каллага салла эмас, дубулға ярашгай, бу қўлларга сафойил эрмас, шамшир зеб бергай, шахзода! Ҳарифларимши зеру забар айлаб, ўксик кўнглимни аршга еткурадиган ўзингсан ахир, нодон!»

Нихоят, отадан амр бўлди:

– Ўтирсинлар, шахзода.

Қутбиддин киёмдан қаъдага бораётган обиддек, таъзим ила тиз чўкди. Икки қўлини тиззаларига қўйиб, чўғдек гиламга тикилиб ўтираверди.

– Кўзимга қара!

Кутбиддин оҳиста бошини кўтариб отасига итоат-корона боқди. Унинг кўзлари мунис, кўзлари ғамгин, ammo онасидан ўтган бу тимқора, йирик-йирик кўзларида қатъий бир қарор зуҳр этарди.

– Охирги маротаба сўрайман сендан. Қадхудо бўлиб, мулку мамлакатни илкинга олиб даргоҳимизда қоласанму ва ё ўшал бакироқ дарвишлар тўдаси ичра окпадар кавмида кетасанму?

Кутбиддин сукут сақлади. Отасининг қаҳр ила товлана бошлаган кўзларидан кўзини олиб қочди.

– Сўйла! Ато бирла ано дийдори мана бу ерингдаги, – Маҳмудхон шаҳодат бармоғини кўкрагига нукиди, – ўшал тошни эритмакдин ожизму?

Ўғил ўнг қўлини кўксига босди.

– Гумроҳ қулингизман. Мени афв айланг, бузруквор. Ихтиёрим ўзимда эрмас. Шукрким, танпарастликдин узилдим. Минбаъд бул факир ишқпарастман. Бу йўлдан энди ўғлингизни яратганнинг ўзидан ўзга ҳеч ким қайтара олмагай.

«Аҳдидин қайтмабди, ярамас! – деди ичида Маҳмудхон, – ул не ишқдирки, дунёнинг роҳат-фароғатидин, салтанат суруридин, хешу акрабо, падару модар меҳридинда устун тургай? Бас, мен Маҳмудхон бўлсам, сендек ниҳолни ё кўкартиргайман ва ё синдириб, курук чўпга айлантиргайман!»

– Сен нечук бефаросат махлукдирсанки, ҳадиси шарифга мўйин сунмассан? Расулуллоҳ буюрмишки, «Анта ва молука ли абиқа», сенинг молу мулкинг ҳам, ўзинг ҳам отага тегишлидурсан. Ёдингда бўлсин, бола!

– Молим, жоним илкингизда, қиблагоҳ. Бул гумроҳни дунёга келтириб, яхши исм, яхши жисм раво кўрган падари бузрукворимга мингта жоним фидо бўлсин. Вале, соҳиби давлат бўлиб бировларга ҳукм ўтказмакдин кўра, илоҳийга бўйин сунмакни афзал билдим, отажон.

Маҳмудхон бир лаҳза ўйга толди. Сўнг гўё ўғлига ён босган бўлиб, мулойим товушда деди:

– Маъқул. Соҳиби давлат бўлишликка майл йўқ эркан – ихтиёринг. Ол, унда бизни ота, ана у мушфиқ аёлни она деб тавоф этсанг, бир сўзимизга хўн де, болам. Қадхудолиққа рози бўл. Оталик фарзини адо этиб, бир ожизаи бокирани жуфти ҳалолликка олиб берай.

Кутбиддин маънос илжайди:

– Бул фақирингиз тажрид қилмоқни ихтиёр этдим, қиблагох. Бизларни яратган нарвардигор ёлғиз, Ташрим деб урадирғон қалб ҳам ёлғиз. Бир юракка икки ишқ сиғмас. Фақир қулингиз ўзимни тамом ишқи илоҳийга бағишладим.

– Мутакаббур бўлибсан, Кутбиддин, – деди Маҳмудхон, тошиб келаётган ғазабини босиб, – тажрид айлаб, дунёдин беному нишон ўтмак шариатимизга хилоф юмушдир. Ана, пири муршидинг Ҳазрати Султонни кўр. Пиримиз ҳам рўзғор тутганлар, аҳли аёли, нури дийдалари бирла умр кечирадилар.

– Пирим фанофиллох мақомига етганлар. Ҳазратим бамисли самою, биз ул самонинг этагидирмиз. Фақирингиздаги нури имон пиримнинг мақомларидин бир губор, бир зарра янглиғдир. Биз камолот мартабасидин хаминқадар йироқмиз.

Кутбиддиннинг хотирига ажиб бир манзара келди. У «Айтсамми, айтмасамми?» дегандек илтижо аралаш отасига қаради. Султон Маҳмудхон «Мутакаббур бўлсанг ҳам, доно мутакаббур бўлибсан», – дея ўғлига хавасу алам билан тикилиб ўтирган эди. Унинг ниятини сезди:

– Бўғзингда бир калом турибди, айтиб қол, бола! – деди, негадир энсаси қотиб. Кутбиддин миннатдор бир қисфада сўз бошлади:

– Даштда ўтин йиғнаб юрган эрдим. Тепамдин бир тўп қушлар учиб ўтди. Улар Аллоҳ таолонинг зикрини айтиб канот қоқарди. Маҳлиё бўлиб боқиб турдим. Юрагим тез-тез урди. Сездимки, танамдин муштдек бир нарса айрилиб чиқди. У осмондаги қушларга бориб қўшилди. Бирга-бирга учиб кета бердилар. Бир замон ул қушлардан ортда қола бошлади. Охирул амр омонатим кўкрагимга қайтиб келди. Билдимки, ул жон қушим эркан. «Не бўлди эй, рухи равоним?» дедим. Ғойибдин товуш келдики, «...осмондаги қушлар жаннатга йўл тутганлар, сен хануз камолот мартабасига етмабсан, шул боис жон қушинг тағин ўз қафасига жо бўлди...»

– Ўшал қафас энди менинг қўлимда, – деди Маҳмудхон кескин, – зинҳор илкимдин чиқормагайман. Сен учун икки йўл бор: кадхудо бўлиб, валиаҳдлик мақомида қолгайсан ёхуд умрингни зиндонда чиритгаймен. Қайси бириин авло билсанг, айт!

Кутбиддин бошини эгиб сукунатга берилди. Махмудхон маъноли йўталди. Кутбиддин бошини кўтарди. Отасининг кўзларига гуноҳкорона термилди.

– Осий фарзандингиздан ризо бўлинг, қиблагоҳ. Фақирингиз шохона саройдан кўра ғарибола хонақоҳни афзал кўрадирман.

Хон қарс урди. Эшикоға кирди.

– Бул гумроҳни дарҳол зиндонга элтиб тапланг! – деб бақирди Махмудхон, – Шахзода экан деб, марҳамат қилинмасин. Якка ўзини хос бандихонага ўтказинглар.

Хон шитоб билан ўрнидан кўзгалди. Тахт ортидаги махсус эшикдан чиқиб кетди. Икки навқар кириб Кутбиддинни хайдаб жўнадилар.

Зовиянинг тор хужрасидек бу зиндон энди Кутбиддин учун хаёлот масканига айланди.

...Косадаги сувдан хўплади. Кўзларини юмди. Сўфийларнинг қадим ҳикмати жилва кўргузди. Кутбиддиннинг синиқ кўнгли тийрак кўзга айланди. Кўз ўнгидан тасбеҳга терилган садаф доналаридек бўлиб кечмиш ҳаёти ўта бошлади. Хайхот, бу ғариб бошига не савдолар ёғилмади. Қирқ кун от боқди, қирқ кун ер сушурди, шунча кун дашту далада оёқларига чақир тиканак кириб, қўллари шилиниб ўтин терди. Халифаларга таҳорат суви ҳозирлади, ёвоч ёрди, гўлаҳлик қилди, хатто бадраф тозалади. Муридликнинг илк ойларини хотирласа, Кутбиддиннинг баданидан ҳамон ўт чиқиб, етмиш икки томири бирдек гупиллаб уриб кетади.

...Пир хиёматига кирган кезлари. Тариқат аҳкомига биноан, солиқ ўзидаги кибру ҳавони ўлдириши, шу йўл ила сулукдаги дарвишлар жамоасига тенглашмоғи керак эди! Кутбиддин – кечаги шахзода, Самарқанд тахтининг вориси. Ундаги ғурурни сўндириш Бобо Мочинга топширилди. Бобо Мочин аслан кўнгли юмшоқ, шафқатли бир кимса эди. Аммо у табиблик вазифасини ўташи лозим. Табиб раҳмдиллик қилиб, жароҳатга тир урмаса, яра газак олиши мумкин. Шу янглиғ Бобо Мочин дўст табиб йўриғини тутди. Кутбиддинни эргаштириб Ясидаги улкан бозорга олиб борди. Бомдоддан то рўзи шабгача тиланчилик қилишга буюрди. Кутбиддин сахар туради. Ҳамхоналари сингари ўчоққа салом бериб, ичида Аллоҳдан ризқ-рўз тилайди-ю, бозорга қараб кета-

ди. Эгнида жулдур тўн, бўйнида кашкул, оёғида етти ямок чорик. Дилида зикру сано. Бош қопқадан киради. «Хақ дўст, ё Аллоҳ!» дейди овози титраб. Кўзларини ёш босади. Хўрлиги келади. Ўзи тенги, бўйсира муридларга бемишнат хизмат бошқа-ю, эл кўзида мунофиқона тиланчилик бошқа экан. Қалбининг туб-тубидан исёнкор бир нидо келади: «Ё раббий! Жаннатул маъводек Самарқанд подшосининг ёлғиз фарзанди халойик олдида қўл чўзиб, гадолик этиб юрса... Бу не кўргулик?!» Аммо на чора. Пир амри вожиб. Қутбиддин тағин оёқ судраб, олға ийтилади. «Бир нотавонга худо йўлида хайр-эхсон қилинглар... Хақ дўст, ё Аллоҳ! Хақ дўст, ё Аллоҳ!» Кашкулга жиринглаб бир-икки кумуш танга тушади. Бу дирхам ҳам гўё шапалок бўлиб Қутбиддиннинг қулоғига тушгандек бўлади. Терлаб кетади. Тўхтайтиди. Аланглайтиди. Таниш овоз эшитгандек бўлади. «Самарқанддин келган тужжорлармикини? Шеваси ҳам жонга яқин. Худога шукрки, бул олатўп бозорда биров танимайди...» Шу цайт рўпарасидан сувсар телпак кийиб, белига тилло ханжар боғлаган норғул йигит келадию... истехзолик илжаяди. «Бу келбатиш ила гадойлик қилгунча, илқингга чўкмор олиб навкарликка борсанг бўлмасму?» дейди. Ва кашкулга зарда бирла кумуш танга ташлайди. Хўрликнинг зўридан Қутбиддиннинг фарёд ургиси, ёқасини пора-пора қилиб... ўшал такаббурга ташлангиси келади. Қани энди унинг қўлидаги ханжарини тортиб олса-ю, аввал йигитга, сўнг ўзига урса! Таассуфки, иложи йўқ. Қутбиддин товушини чиқармай, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Унгача олифта йигит кўздан ғойиб бўлади...

Бирор ҳафтадан кейин Қутбиддиннинг «бети қотди». Энди унда шахзодалик ғуруридан асар ҳам қолмаган эди.

Ёниқ таассурот ҳамон юрагини жизиллатиб турарди. У тағин бир хўнлам сув ичди. Энди кўз олдида гулгун манзаралар кашф бўлди.

Наврўзнинг илк дамлари. Сахро. Дарё бўйи. Тун. Бехиштдан чиққан Сайхун юзидан жаннат иси келади. Бу азалий ва абадий олам муаттар бўйлар оғушида мастона тебраниб тургандек. Осмонда ёкутдек йирик юлдузлар порлайди. Янги ойнинг ўроғи дарёда қалқиб-қалқиб сузади. Мисли олтин беланчак. Зокирлар халқа қурган. Ўртада гулхан. Саксовул чирсиллаб ёнади. Оловнинг

қизил тиллари дарвишлар хиркасини ялаб ўтади. Пир амри бирла зикри алонийъа бошланади. Ох, бу зикрнинг кудрати, шукухи, ўлик рухларга-да жон ато этгувчи сеҳру синоати! Пири комил, зикр-жоннинг роҳати, деб бежиз айтмаганлар. Ўша саодатли кунлар завкини унутиб бўладими? Токи сўнгалари чиригунча ёдидин чикмас. Кутбиддин икки ярим йил бадалида бундай фараҳбахш сайру саёҳатлар, суҳбатлару гап-гаштакнинг мазасини ҳўб тотиб кўрди. Қоратоғнинг хуркак охулари кўзни севиңтирса, тошқин сойлардаги зилол сувлар таңга ором берарди. Дунёдан этак силтаган аҳли дилларнинг кўнгили рози дийдасига ёш элтиб, бағрини сариеғдек эритса, пир суҳбати, олис мозийдан айтган ҳикоятлари имонига қувват бағишлар, кароматлари белидаги ҳиммат кўрини маҳкамрок боғларди. Энди Кутбиддиннинг ёлғиз бир истаги бор: зоҳиран бу сирвол-чалвор, хизом, яшил тамга босилган қова, иргай асо, сафойил, таслим тошу хиркаи табаррук. Ва зикри алонийъа. Юрагининг шодлиги ёлғиз Аллоҳнинг ёди ила бўлғай. Ишқи илоҳий лайлу наҳор вужудини нурга чулғаб, белига қувват, кўзларига нур, оёқларига мадор, хур кўнглига равшанлик ато этиб турғай. Илгари у май таъсирини эшитган толиби май каби эди. Алхол, ваҳдат шаробини нўш этди-ю, ўзи маҳмурга айланди. Бу фойий дунё роҳатлари, бу олами носут айшу фароғатларию молу манотдан келадиган маҳмурликдан аҳли ҳол ичра топган маҳмурлик афзал экан. Кутбиддин бунга ғойибона бир сезги туфайли ҳис этди. Илло отасининг феълени, қаҳрини ҳам билади. Ота истагидан Аллоҳ таоло ҳукми устивор бўлса, не илож қилғай? «Раббано, ўзинг пушти паноҳимга раҳму шафқат, бу банданга сабру сукут ато этгил!» дея Кутбиддин лойсупага ёнбошлади.

Кеч кирди. Лаъли баркашдек дарча ортида қоронғилик инди. Кутбиддин чордана қурганча зикри қалбия-сўзсиз ибодат ила машғул бўлиб ўтирибди. Шу пайт эшик тарақлаб очилди. Йўғон шам кўтариб соҳиби зиндон кирди. Унинг ортидан оқ кийиб, оқ ёпинган бир аёл кўринди. Зиндондон четга ўтиб, заифага йўл берди. Аёл остона ҳатлади-ю, «Болам, нури дийдам!» дея уввос солди. Кутбиддин онаизор истиқболига пешвоз турди. Ойтуғди ҳаллослаб келиб ўғлини бағрига босди, юз-кўзини силади, пешанасидан ўпди.

Зиндонбон шамни колдириб, чиқиб кетди. Ойтуғди Қутбиддинни бсмордек суяб супага ўтказди ва чўк тушиб ўғлининг оёқларини кучоқлади. Кўз ёши аралаш ингранди:

– Ёлғизим... Юлдузлардан ясаб олган ойпарчам... Қарчиғайдек қанотим, арғимчоқдек учқурим... Тобутимнинг чегаси, юрагимнинг эгаси. Сенга не бўлди, а? Мен шўрликка шунча кўргиликлар озмиди, тилаб олган тилло беланчагим?..

Ойтуғди товушини баралла кўйиб, хўнграб йиғлади. Қутбиддин сас чиқармади. Яккаш онасининг мушки анбар уфуриб турган силлиқ сочини силайди. Жон-жаҳони ёниб, вужуди ўртанди. Бир нима демакка тил чоғласа оғзи қуруқшайди, боши гувлайди. Томоғида ёнғоқдек тош тикилиб турибди.

– Эна... энажон... – дейди-ю, онасининг муборак сочларини хидлаб-хидлаб, иссиқ-иссиқ ёш тўқади. Ойтуғди қаддини ростлаб ўғлининг юзларидан ўнди. Она-боланинг кўз ёшлари кўшилиб кетди.

Ойтуғди нафас ростлаб ўғлининг ёнига ўрнашди. Қутбиддиннинг елка-бошини силаб узок ўтирди. Ниҳоят, маҳзун, ўксик бир товушда деди:

– Энди мен нетайин, болам? Бул бадбахт энангни зор қақшатиб ташлаб кетмакка қасд қилдингму, кўзичорим?

Қутбиддин жавоб бермади, узун ух тортди.

– Мени ҳам ола кет, жоним. Гадо бўлсанг гадо бўламан, адо бўлсанг сенинг йўлингга адо бўламан. Бу дунё шодлиги не экан, икки олам рохатини сенинг бир дона тукингга алмаштирмайман! Маликалик маснадига тупурдим, саройига ўт қўяман! Сендан бошқа менинг кимим бор?

Қутбиддин аста гап қўшди:

– Давлатпаноҳ отам...

– Фарзанд меҳри менга эр меҳридан аъло. Отангни мендан бўлак доғи икки завжаси бордир!

Қутбиддин онасининг сочидан қўлини тортди.

– Берган сутингизга ризо бўлинг, энажон. Сизни олиб кетолмайман. Менинг йўлим олис. Энди бу фақир ўғлингиз ҳақ йўлчисидирман.

Ойтуғди «Не бўлганда ҳам қони қайноқ йигит, ҳали қиз исини туймаган, зора эти жимирласа» деган хаёлда хийлага ўтди:

– Сенга бир сулув киз топдим, болам... Энди ўн олтига кирган. Жаннат ҳурларидан-да зиёда. Бир қошиқ сув бирла ютгулик. Онам ризо бўлсин десанг, уйланиб юзмизни ёруғ қил. Андин сўнг майли, зовияннга кетабер. Истасанг ўзим Самарқандда улқап хонақоҳ солдириб берай. Худо йўлига кирган қаландару мискинларни йиғнаб, зикру сано айтиб ўтиришлар. Маъқулми?

– Энажон, алҳамдулиллоҳким, барчамиз бир яратганинг кулимиз. Ҳадиси кудсийда Аллоҳ таборак демишки, берган ризқимга қаноат қилгувчи, мени ризо бўлсин деб шаҳвоний хирсларини тарк этгувчи ёш бандаларим наздимда бир қисм малойиклар бўлмай. Ахир нечук мен осийлик қилиб Тангримнинг сўзларига шак келтирай, энажон?

Илохий ҳадис сўзлари Ойтуғдини бир қадар совитди, энди узун-узун уф тортиш навбати унга келди.

Ойтуғди ёнбошидаги бўғчасини очди. Бахмал дастурхон ёзди. Турлук-турлук таомлар олиб қўйди. Нон синдирди.

– Егил болам, этдин ол. Қувват бўлади. Отанг қаҳр отидин тушгунча очиқиб қолғайсан.

– Эт емасмен. Бизнинг емишимиз меваю сабзавот. Дарвишларда таомил борки, курсоғинг оч, кўнглинг тўқ бўлсин. Энажон, ўз қўлларингиздан сўнгги бора бир тўғрам нон едиринг. Сут берган қўлларингизнинг муаттар исини ёдимда сақлаб қолай.

Ойтуғди нон ушатиб ўғлининг оғзига солар экан, Қутбиддин онасининг кафтларини қайта-қайта хидлаб ўпди. Ойтуғдининг хаёлидан бир фикр кечди: «Наҳот, авлиёи кабирнинг сеҳри ота-она меҳридан ҳам улуғ бўлса? Худо шохид, бул асрорга ноқис ақлим етмайдир!»

Ойтуғди «Мен отангдин пинҳона келдим, бора қолай» дедию, шоша-пиша жўнади.

Бир оздан кейин зиндонбоп эски пўстак, жунболиш на олача тўн олиб кириб ташлади. Қутбиддин қўлларини ёстиқ қилиб пўстакка чўзилди.

## ҲАҚ ЙЎЛЧИСИ

### 20- ф а с л

*Китобим, муҳабим, дарсим,  
Ҳадисим, абжадим, лавҳим,  
Салотим, тоатим, зуҳдим,  
Савобим, ҳажжу арконим.*

Насимий

Баудиликнинг учинчи кун и ўтиб борарди. Уч кундирки, Қутбиддин хавоси бузуқ, нимқоронғи ҳужрада отасининг ва тегирмон тошидек оғир хаёлларнинг асири бўлиб ётибди. Тонг отади, кун ботади, яна тонг отади. Аммо Қутбиддиннинг кўнгли ёришмайди. Ҳақдан ҳидоят кутади. «Жалли жалол йўлига кириб ҳақ йўлчисига айландим. Иншооллоҳ, қодир эгам марҳаматидан бебаҳра қолдирмас», дея умид қилади.

Руҳидан азозилни ҳайдаш ниятида муттасил зикри қалбия ила шуғулланади. Баданим сархушликка майл кўргизмасин, деб кунига уч қур зикри нафсийага зўр беради. Сўнг йиртиқ пўстак узра чўзилиб, тагин узун-узун хаёлга толади. Муборак хонақоҳли, халқадаги солиқ биродарларини хотирлайди. Кўз олдига Шайх ул-машоийх келади: «Хос надимининг беному нишон кетганидин Ҳазрат озурда бўлиб, ранжиб қолмадимикин? Хужрадоши Бобоқул оғачи?» «Хм, шаҳзодам, жун чакмон оғирлик қилдиму? Пар-тўшакка не етсин?» деб гулдуракдек товушини баралла қўйиб кулиб юргандир?

Қутбиддин гарчи бу шабистонга бировнинг азми билан келиб ўтирган бўлса-да, маслакдошлари олдида ўзини гуноҳкор ҳис этди. Саркаш ўйларини қувиш қасдида Ҳазратнинг ёниқ бир ҳикматини пичирлаб кироат қилди:

*Неча йиллик меҳрибоним жон айтадир, дўстларим,  
Бу вужудим шаҳрини фоне қилодир, дўстларим.  
Бул қафасни тўтиси парвоз этадир учғали  
Бир қоронғи, шуғласиз ерга бородир, дўстларим,  
Эй, менинг ёронларим, ҳиммат тутинг иймонима  
Душманим иймонима заҳмат беродир, дўстларим...*

Ташқарида эшик қарсиллади. От кишнади. Бўғиқ товушлар эшитилди. Дарча тарафдан жарчининг чўзиқ, жарангдор ҳайкириғи келди: «Одамлар-ей, одамла-ар! Тонгда

битган бодомла-ар-ей! Фирдавсул аъло-о, Самарканд султони қошифул ҳақойиқ... Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноблари...» Жарчининг хитоби йироқлаб кетди. Падарининг не юмушга чоғлангани Қутбиддинга мубҳам бўлиб қолди. У кўзларини юмиб, дилига тағин ҳикмат дурларини тера бошлади:

*Изим ёди улуг ёддур, айтар бўлсам,  
Асал янглиг сучук бўлур тилим менинг.  
Ўзим фақир, қилдим мункир, бўлдим ҳақир,  
Қанот қоқар учар қушдек кўнглим менинг.  
Турлик айшим, турлик ишим, мунглиг бошим,  
Эриди жоним, кетди ҳушим, оқди ёшим,  
Ёзуғ билан тўлди тугал ичим-тошим,  
Бениёзим оча берсин йўлим менинг.  
Кўзим тушди, кўнглим учди, аршга ошди.  
Умрим кечди, нафсим қочди, бағрим тошди,  
Карвон кўчди, манзил ошди, ҳориб тушди,  
Сир улашди, нетонг бўлғай ҳолим менинг...*

Қутбиддин жон қушидан мосуво бўлган кимсадек бир нафас дамани чиқармай қотиб қолди. Сўнг беҳуд-беҳол бир алфозда базўр шивирлади: «Сир улашди, нетонг бўлғай ҳолим менинг... нетонг бўлғай ҳолим менинг... ҳолим менинг...»

У подшо саройи ила тариқат халқасидан ўзга дунёни кўрмаган кичкина жаҳонни ағдар-тўнтар қилиб мушқулига чора изларди: «Эй, қозий ул-хожот, ўзинг додимға етгил, сендин бўлак орқа тоғим йўқ» дея тилида дуо бирла кўзи илинганини сезмади.

Қутбиддин туш кўрибди. Шаркираган сойга туташ ораста боғ эмиш. Чор атроф гулзор-гулистон. Муаззам бир базми жамшид авжида. Одамлар тўп-тўп бўлиб боғ тўрига ўтади. Бори эл ясан-тусан. Олисдан карнай-сурнай садоси келади. Қутбиддин сой бўйида ўйчан турибди. Ёнида сувданда сулув бир қиз. Сочлари ер ўпади, ўзи ок либосда. Қиз кикирлаб кулади, Қутбиддинга тегажаклик қилади. Йигит пинагини бузмайди, киприк қоқмай сойга термилади. Шу пайт сойнинг у тарафида Хазрат пайдо бўлди. Пирнинг қовори солиқ. У Қутбиддинга хўмрайиб қаради-ю, чўрт бурилиб кетди. Йигит шу заҳоти ўзини сувга ташлади...

Кутбиддин терлаб уйғонди. Аланглади. Сув ҳам, пири муршид ҳам йўк, кулоқлари шанғиллар, калласи оғирлашиб қолгандек эди. Ёстиқдан аранг бош узди. Истиғфор келтирди. «Бул ишорати ғайб, – кўзларини ишқади, – пиримнинг ранжигани ҳаққи рост экан. Тазарру келтирмак даркор, не чора этиб бўлса-да, бул бадбўй гўшани тарк этмак лозимдир. Вале не чора топқаймен, ё жаббор?»

Бирдан Кутбиддиннинг шуури тиниклашди. Юрагига аллақандай бир зангори латиф нур кириб ўрнашди. Дили потраб «Пирим! Пирим!» деб юборди. Дарди дунёси яшнаб, тилига Султон ул-орифиннинг сатрлари илҳомдек куйилиб келди:

*Эри кўрсам эргашдим, устадугимни сўрдим,  
Барчаси сенда деди, қолдим ҳайрон ичинда.*

Кутбиддин ирғиб турди. Шитоб билан бориб эшикни кўшқўллаб ура кетди. Зиндонбон кирди. «Хизматингизга мунтазирман, бегим» дегандек, остонада ғоз қотди.

– Зудлик билан ҳукмдорга арзимни етқуриг. Биз аъло Ҳазратнинг шартларига розимиз.

– Бош устига, бегим, – деди зиндонбон ва бу сафар эшикни беминнат ёлди.

Уч кундан кейин Кутбиддин куёв либосини кийди.

Султон Маҳмудхон Ойтуғдидан ортгирган ёлғиз ўғлининг тўйини бениҳоят хайлу ҳашам бирла ўтказмакни қасд қилди. Сиёб соҳилига юзлаб инак чодирлар тиктирди. Шаҳристондан то дарё бўйигача кўчаларда мешкобчилар пўш-пўшлаб сув сепади, муждачилар от чоғтириб кентма-кент кезади, бор халойиқни шоҳона базмга чорлайди. Муаззинлар Самар шаҳар минораларини жарчию маддоҳларга бўшатиб берган. Улар саховатда Ҳотамсифат, адолатда Нўширавон, ёвқурликда Рустами зол... мискинлар паноҳи, дини ислом шамшири султон Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноби олийлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлгон аҳли раиятни лутфан боғи Дилкушога таклиф этажагини маълум қилиб, томоқ йиртадилар.

Бу ёри Исфижобга, бу ёғи улур султон, салжукийлар салтанатининг устун Санжар ибн Маликшоҳга махсус чопарлар отлантирилди.

Тўрт-беш кун орасида Сиёб бўйлари ер юзининг жаннатига айланди. Бир ёнда муғаннийлар пағма чалиб дилларга ғулув солади, бир ёнда ёғоч оёқли муқаллидлар ўйин кўрсатади. Дарё узра дорбозлар лангар чўп ушлаб учади. Гулхан гуриллаган давралар атрофида морбозлар, кўзбойлогичлар, айик ўргатувчилар, масхарабозлар, соҳирлар эл кўнглини хушлайди.

Ўллаб дошқозонлар биқир-биқир қайнайди. Қирк хил қовун, юз хил мева ортилган араваларни судраб келаётган отлару хачирлар хансираб пишқиради. Неча ойлаб зах ертўлаларда қайнаб ётган баҳайбат хумлар оғзи очилган. Гулкосалар қўлма-қўл, чехралар гулгун. Бугун ҳар майфуруш майхўр, ҳар бир майхўр майфурушга айланган.

Султон Маҳмудхоннинг илкида ҳам тилла гардинили зараг коса. У боғнинг қок ўртасига ўрнатилган ўн икки қанотли баланд чодир олдида, олтин тахтда ўлтириб тўй тадоригини кузатади. Кўзларида мастона бир хушнудлик жилва қилади. Кўксида зоҳирий шукрона ила ботиний қаноат жой талашади. Шукронаси шулки, аввало валиаҳдни ҳукмига бўйинсундирди. Ҳақ таолога беадад ҳамдлар бўлсинким, Қутбиддин дарвишлик жандасини ечиб отди. «Иншооллоҳ, даргоҳимда қолғай, насиб этса арқони давлатни жамлаб, салтанат жиловин анга топширгайман. Бас, энди хонақоҳни тарк этиб, сарой сари келмак чоғидур».

«Хонақоҳ» Маҳмудхоннинг ёдига Султон ул-орифинни солди. Тўй арафасида Маҳмудхон пири комил ҳузурига Самарқанд шайх-ур раиси Хожа Абдул Раззоқни элчи этиб юборган эди. Элчининг дастига икки энлик мактуб битиб берди. «Ҳақ субҳонаҳу ва таолога ҳамду санолардин сўнги арзи дилимиз шулки, Сиздек зоти шариф хазратимнинг қутлуғ нафасларидан баҳраманд бўлиб, фаэлу камолот касб этмиш фарзандимиз шахзодани кадхудолик мартабасига ноил этмак орзусидамиз. Биздек аҳли иродатнинг фақир дастурхони Сиздек пири комилга мунтазирдир. Муборак назарлари бирла ани бобаракот этсалар, хонадонимиз нурга тўлур эди. Дуойи жонингизни қилиб, қуллуқ мақомида муридингиз Маҳмудхон Тамғачхон. Аллоҳумма саййирна аҳлул имтиёзи»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Худоё худовандо, бизларни имтиёзли кишилардан қилғайсан.

Хожа Абдул Раззоқ Шайхдан икки оғиз жавоб келтирди. «Марҳаматлари учун қуллук, — дебди Ҳазрат, — таассуфки, фурсатимиз истифода этмайдур. Йўл тадориғини кўриб турибмиз».

Ҳазрат қарвони шу куниёқ Бухорои шариф томон отланди. Шайх ул-машойихнинг хон таклифига киё боқмай кетгани Маҳмудхоннинг сармаст кўнглини тирнаб ўтди. Унга наинки беписандлик, беҳосият бир аломат бўлиб кўринди. «Начора, — деди ичида Маҳмудхон, — ул Ҳазрат авлиёи кабир, биз эрсак султон Санжар тобеидирмиз, сағир бир хондирмиз».

Сулук сардорининг Самарқандни тарк этганини билиб, Қутбиддиннинг дили садирора бўлди. Унинг ичташи ёниб, базм адоғини кутар, ўшал парирухсор келиннинг дийдорига бир тикилиб... сўнг дилига тугиб кўйган муродига етмак истарди. Ахир зикр тушмаганига печа кун бўлди? Хонақоҳ исини туйиб, шокирлару обидлар халқасида нон емаганига печа замон бўлди? Пир суҳбатини соғинди. Мана, тўққиз кундирки, Қутбиддин уюридан аданган аргумоқ оддек на кўзига, на дилига таскин берадиган бир манзилда улоқиб юрарди.

Асъасаю дабдабанинг бешинчи куни, базми жамшид авж пардасига чиққанда, келин тушди маросими бошланди. Келинпошша Маҳмудхонни ўша машъум Қатавон биёбонидаги жангда ўлимдан асраб қолган амир Фазлиддиннинг қизи Зулфизар эди. Қизни узатиб келишга хон ўзининг энг ёввош, гужумдек сервикор филини юборган эди. Юзлаб болалар, аёллар, ўнлаб соқчилар қуршовида зарбоф матолар ила зийнатланган баҳайбат фил бир-бир босиб, тўйхонага кириб келди. Филбон филини тўғри хон ўтирган тахт сари етаклади. Хон ёнидаги заррин бахмалу газмолдан ўралган нарвондан келинни оҳиста ерга қўндирдилар. Келиннинг бошидан тилло тангалар сочилди. Қизнинг олдида, ирим қилиб, бир неча ойлик чақалоқни думалатдилар. Кайвони хотинлар ёр-ёр айтиб, Зулфизарни махсус меҳмонхона тўридаги ипак чимилдик сари кузатиб кирдилар.

Бу сирли-сехрли манзарани кузатиб, Қутбиддин бир чеккада куёв жўралари (аслида кўрикчилари) ичида лабини тишлаб турарди. Бир мусулмон фарзандининг бегуноҳ, бокира қизига унинг астойдил раҳми келди.

Боғи дилкушога окшом кўнди. Баковуллар анжомларини йиғиштира бошладилар. Ҳар ер-ҳар ерда кўкка тутун қайтариб сўна бошлаган гулханларга сув сепилди. Аста-секин меҳмонлар ҳам боғ сайрини тарқ этишга тушдилар. Тўй тарқаган, энди никоҳ кечасига тайёргарлик бошланган эди.

Кутбиддин зангори ипак тўнда. Бошида ёлвоқдек ёқут қадалган симобий салла. Оёқларида заррин этик. У янга етовида хос хонасидан келин ҳузурига йўл олди. Чимилдиқ олдида аёл Кутбиддинни бир нафас якка қолдириб, ўзи ичкари кириб кетди. Ичкаридан унинг шўхчан товуши эшитилди:

– Йигитларнинг султони, мамлакатнинг посбони, кизил гулнинг илдизи, куёвларнинг юлдузи Кутбиддин тўрам ташриф буюрадилар! Бизга аталган куйма узугингизга гавҳар кўз бўлгани келдик!

Келиннинг икки ёнида ўтирган икки янғаси ўринларидан турдилар. Зулфизарни тикка қилиб, куёв дийдорига мунтазир бўлишди. Аёл чимилдиқдан чиқди. Кутбиддинни ичкари олиб кирди. Келин боши ерга теккунча эгилиб салом қилди. Йигит не қиларини билмай гарангсиб тура берди. Янгалардан бири қошини учуриб қолди:

– Салом ҳақин берсинлар, куёв тўра!

Кутбиддин ёнидан бир неча тилло танга олиб янғанинг кафтига ташлади. Русумга кўра энди иккинчи янга кизнинг юзидаги оппоқ харир пардани хиёл кўтарди. Киз ердан кўзини узмас, унинг ҳаяжони сийналарининг билинар-билинмас тебраниб турганидан сезиларди. Кутбиддин кизнинг оқ-қирмизи чехрасига махлиё бўлиб қолди.

– Бас энди, куёвжон, чандон тикилсангиз, қизимизга кўзингиз теккай, – дея ҳазиллашди биринчи янга, – исирик ўрнига дийдор пулидан чўзинг!

Кутбиддин янгаларнинг ховучига тагин тилло танга ташларкан, ҳамон Зулфизардан кўз узолмасди. Қизнинг адрас кўрпачага қадалган бодомқобоғи... сал қимтинган гул баргидек қирмизи лаблари... самбитдек сарв қомагию икки олам атрини уфуриб турган келинлик либослари Кутбиддиннинг жиловли ҳис-туйғуларини кишандан озод этиб, шу маҳалгача ўзига бегона, ғайришуурий, ғайриинсоний бир талваса гирдобига улоқтирди. Ахир шу кезгача саройдаги хизматкор аёллару хешу ақраболари

орасидаги хотин-халаж, қизу келинларни ҳисобга олманда биронта номахрамнинг юзига қиё бокмаган, бўй етган қизлар қўлини ушлаш нари турсин, уларнинг эпкинига ҳам йўликмаган эди. «Йўқ, бу бани башардин эмас, кўкдин тушган фаришта, инсон қиёфасига кириб ўнгимда турибди!» хаёлланди Қутбиддин ва энди не қилай, дегандек машшотага ўгирилди.

Таомилга кўра, энди янгалар келинни махсус висолхонага узатиб чиқишлари лозим эди. Машшота Қутбиддинни ёш боладек етаклаб чимилдикдан олиб чикди. Куёв ёндош хоналардан бирига кириб, бахмал кўрпачага чордана курди. Машшота унинг олдига дастурхон ёзди, шириншакар сармевалардан келтирди. Улкан хитойи идишдан чой қуйиб узатди. Ўзича кулиб-кулиб маслаҳат берган бўлди.

– Келишнинг олдида тортинманг, бегим. Сиз йигитларнинг лочинисиз, тўрам, ошноқ кабутарни кўрган лочиндек бўлинг, – у хандон ташлади, – илло, бегим, бир кунда бори йигитлик қувватин сарф айлаб, эртаси кизимизниғижимлаган гулга менгзатиб қўйманг-а? Хусн кунда керак.

Машшотанинг нимпардага ўралган дийдиёси Қутбиддиннинг қулоғига кирмас, у интизорлик билан бу тилло қафасдан озод бўладиган дақиқаларни кутарди.

Ва ниҳоят, висолхона эшиги ҳам очилди. Янгалар кизни қўлма-қўл машшотага тоншириб, ўзлари қайгадир ғойиб бўлдилар. Машшота Қутбиддинни чорлади. Икковлари кенг, шифтлари баланд, чароғон висолхонага кирдилар. Зулфизар хона ўртасида қўл ковуштириб турарди. У Қутбиддинни кўриб, тағин эгилиб салом қилди. Машшота келин-куёвни рўбару ўтказди. Ташқарига чиқиб, кумуш патнисда исирик тутатиб кирди, келин-куёв бошидан ўгирди. Сўнг хона тўридаги тўрт кават қилиб солинган момик тўшакларни кўздан кечирди. Ошноқ паркув болишни кўтарди, «И-е, йўғ-у?» деди ўзича ва токчадан кичиккина Куръон олиб келиб, ёстикнинг тагига қўйди. Кейин токчаларда пориллаб ёниб турган йўғон шамлардан иккитасини қолдирди-ю, бошқасини пуфлаб ўчирди. Қўл очиб дуо қилди:

– Илоё, яратган Парвардигор иккаланғизни юзларинғизни ёруғ қилсин, омин! Аллоҳу акбар!

Машшота оёк учида чиқиб кетди. Висолхонада энди ўн бешга тўлиб, ўн олтига қадам қўйган қиз билан ўн саккиз ёшни эгарлаб минган дуркун, бор вужудидан куч ёғилиб турган йигит колди.

Қутбиддин атрофга аланглади. Дераза пардалари тўк кизил рангда, тўшак устидаги ёпкичлар қирмизи, оёк остидаги хуросоний гиламлар чўрдек, ҳатто шифтдаги тоқилар ҳам зарафшон... Булар Қутбиддиннинг қонини жўштириб, шахвоний хирсини кўздириш учун касддан қилингандек эди. Йигит қизга киё боқди. Не дейди? Ахир у билан бир ёстикқа бош қўйишни истамаса? Жуфти ҳалолликни ўзига раво кўрмаса? Не чора қилсин? Бир оз ўтириб, гаининг индаллосини айтсинму? Эшик олдида, боғ этагида Қутбиддинга кўз-қулоқ бўлиб ўтирган соқчиларни даф этиб қочиб кетсинму? Худога шукр, билагаида кучи бор, тўртта эмас, саккизта соқчини саранжом этишга-да, қудрати етгай...

Қиз мўъжаз пиёлачага хушбўй чой қуйди. Ўрнидан туриб таъзим ила узатди. Қутбиддин чойни олар экан:

– Энди кўзғалманг, синглим, – деди, – ўтирган ерингизда узатаверинг.

«Синглим» деган сўз Зулфизарнинг ўмганини тешиб юборгандек бўлди. Бироқ у маънос илжайди:

– Бегим, никоҳ бирла муҳрланиб завжалик бўсарасинда тургон кимсалар бир-бирларига оға-сингил бўлгайму?

Қутбиддин қизнинг фаросатига офарин айтди. Унга тагин раҳми келди. «Шундоқ доно, сулув бир ожизанинг бахтига зомин бўлдинг-а, нодон йигит! Аввал бошда йўқ деб арқонни кесмайсанми, тентак?»

Бир неча сония иккаласи сукутга толдилар. Қиз Қутбиддиннинг юзига илк бора суқлашиб боқди-ю, охишта деди:

– Бегим, бир нима денг...

Қутбиддиннинг энсаси қотди. Кечагина энасининг этагидан тутиб юрган бу жамалак соч қизга не дейди? Зикру самони англамаса, сафойилни билмаса, таслим тошга ақли етмаса?

– Не дейин сизга, Зулфизар?

Қизнинг кўзи чакнади. Завжаси илк дафъа унинг исмини тилга олди. «Демак кўнгли бор экан» деган туйғу қизнинг нозик торини чертиб ўтди.

– Бегим, ёш навжувон бўла туриб ажаб сирларни билар эрмишсиз. Сайру саёҳат айлаб, тоғу тошлар, чўлу саҳроларни кезган деб эшитдук.

– Булар Сизга не даркор. Менинг кўрганларимни ҳеч бандаси кўрмасун, – деди Қутбиддин ўйчан ва кўз олди-га хирқа кийиб, кашкул тутиб олиб Соброн бозорларида тиланчилик қилиб юргани келди. Қиз тилини тишлаб ўксинди. Қутбиддин шафқат юзасидан унинг юзига мулойимрок боқди.

– Инжиманг, сулув. Мен Сизга байту ғазал ўқиб берайин.

Қиз йигит сари талпинди. Қошлари учиб, жон-жаҳони яшнаб кетди.

– Ўқинг, бегим... Жон қулоғим Сиздадур...

Қутбиддин негадир дераза томон тикилиб, хикмат ўқий кетди:

*Ишқинг қилди шайдо мени,  
Жумла олам билди мени,  
Қайғум сенсан туни кунни,  
Менга сен ўқ кераксан.  
Кўзим очдим, сени кўрдим,  
Қул кўнгулни сенга бердим,  
Уругларим таркин қилдим,  
Менга сен ўқ кераксан.  
Сўзласам сен тилимдасан,  
Кўзласам сен кўзимдасан,  
Кўнглимда ҳам жонимдасан,  
Менга сен ўқ кераксан...*

Зулфизар беихтиёр иягини икки кафтининг орасига олиб, Қутбиддиндан кўз узмай тикилиб қолди. Бу йигитни умрида биринчи бор кўриши. Бир соатча бурун чимилдикда кўз кирини солди. Ўшандаёқ дилига хаяжон кирган, бу довқур йигитнинг тимқора, мунгли кўзларини, оқи оқ, қизили қизил юзини, қуюқ қошлари, кенг ярринлари, ўзини ўктам тутушини... бирдан ёқтириб қолган эди. Зулфизар Аллоҳ таоло иноят қилиб, шундай бир тарлонни етказганига шукрона айтар, ирғиб туриб ўзини йигитнинг қучоғига отгиси келар, аммо асл насл-насабию, қизлик шарм-хаёси бунга йўл бермасди.

– Бу байтларни... ўзингиз тўқиганмисиз, бегим? – деди Зулфизар Қутбиддинга адосиз бир меҳр ила тикилиб.

– Йўқ, буларни бир авлиёи кабир, Султон ул-орифин битганлар.

– Туври битибдур, – деди Зулфизар, – икковимизнинг шарҳи дилимизни хўб айтибдур. Ул пирымни худо ёрлақасин.

Қиз тескари қараб эснади.

– Сиз ётиб ором олинг, – деди Қутбиддин, – хориган кўринадирсиз.

Қиз ишва ила жилмайди.

– Мен якка-ёлғиз ётқоли кўрқадирмен. Уйда синглим бағримда ётарди.

«Бу хийлангиз ўтмайди, сулув» деди ичида Қутбиддин ва ўришдиққа имо қилди:

– Оромгоҳ Сизга мунтазир.

Қиз ноилож дуо қилиб қўзғалди. Бир-бир босиб тўрга ўтди. Унинг эзгин бир кайфиятда устки либосларини истар-истамас ечиб отаётганини кўриб, Қутбиддин ичида печанчи бора ўзини лаънатлади: «Бир ифбатли соҳирага зомин бўлдинг-а, эси кирмаган нодон!»

Зулфизар йигит томонга умидвор бокиб қўйиб, парқув зардўзи тўшакка шўнғиди. Қутбиддин муроқабага берилиб узок, ўта узок ўтирди. Бир замон қиз ингради, ух тортди. «Бегим, аёзладим» деган нидоси эшитилди. Йигит инсоф юзасидан ўридан турди. Енгил шойи яқтагини елкасидан чиқарди, этикларини суғурди. Аста бориб қизнинг ёнига чўзилди. Зулфизар қўл узатди.

– Илкимдан тутиб ётишг, бегим. Кўзимга турфа хил... шарналар кўришиб, ваҳима солодир...

Қутбиддин қизнинг билагидан тутди. Қўша-қўша тила ҳалқа ўтказилган ошпоқ, нозик билак муздек эди. Аста-секин қизнинг қўли қиза бошлади. Сўнг томирлари гушиллаб урди. Қиздаги майлу эхтирос Қутбиддинга ҳам кўчди. Унинг вужудига илиқ бир нарса югурди, миясига қон қуйилди, ҳар бир тирик жонни дунёда бокий асраб қолишга ундайдиган орзу-истак уйғонди. Қутбиддин дарҳол бўйнига қўл чўзиб таслим тошни пайпаслади. Шу заҳоти асов танасида хуружга кела бошлаган ҳайвоний хирс қайта сўнди. Қиз кўзларини юмиб олди. Йигит эса, бу малакни нечук овутишни билмай, дераза тарафга бокиб ётаверди. Шу пайт деразада девдек бир махлук пайдо бўлди. Сочлари тўзиган, калласи улуг, кўзлари

чакчайган, афти ангори... худди Бобо Мочинга ўхшаб кетарди. У сарғимтил, ноўхшов тишларини ишшайтириб сўзланди:

– Бу дунё айшу роҳатини суриб қолмайсанми, овсар! Ичсанг – кимизни ич, суйсанг – кизни суй! Заринг ҳам, занинг ҳам кўйнингда ётибди, шошукр! Эркакмисан ўзи? Бу ёлгон дунё ўтар кетар. Мана, биз ҳам юрибмиз, ҳазратнинг амри маъруфига маст бўлиб... Сенга ўхшаган шаҳзодаларга ўтин тердириб, ер супуртириб... давринг келди, сур бегим, оҳ-хо-хо-хо-о...

Қутбиддин савки табиийси ила сездики, бу Бобо Мочин эмас, шайтони лаъин! Бобоқул оға пири комил шаънига бундоқ куфр сўзларни айтмас, лафзини-да бўлмағур калом ила булғамас... Шайтон бу, азозил бу!

Пирнинг насиҳати ёдига тушди. Ҳазрат айтардиларки, «Лоҳавла жаннат эшигининг бир табақасидур». Қутбиддин «Лоҳавла ва ла қуввата илла биллоҳ» деб қирк маротаба пичирлади. Бадбашара маҳлуқнинг шарпаси хира тортгандек бўлди. Қутбиддин энди тилида асмой ҳусна – Аллоҳ таоло ва таборакнинг тўксон тўққиз исмиши шитоб билан такрорлашга киришди. Бобо Мочин қиёфасидаги алайҳи лаънанинг номуборак башараси деразадан батамом йўқолди. Йигит истиғфор айтди.

Зулфизар эса, беозоргина ухлаб ётарди. Қутбиддин эҳтиёткорона ўрнидан турди. Этигини ҳам, яктагини ҳам киймай, оёқ учида эшикка юзланди. Аста даҳлизга чиқди. Машшота бир бурчакда ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. Қутбиддин унинг олдига икки тилло пул ташлади: «Эпланмаган хизмат учун». Сўнг ховлига йўналди. Соқчи кўринмасди. Телпаги, чопони, қиличи думалаб ётибди. Соқчининг телпагига ҳам бир ховуч кумуш танга сочди: «Калтак пули».

Тўй арафасида Қутбиддин боғ этагига эски жомаларини яшириб қўйиб эди. Осонгина топди. Хирқасини, кулоҳини кийди, оёғига эски чорикни илди. Асо билан сафойил-шақилдоқни олиб, девордан сакраб работга ўтди. Тун зимистонида дарё бўйлаб кета бошлади. Кеч куз изғирини сўқади, осмонда юлдузлар кўз қисади, олисда ит увлади, дарё устида чархпалаклар вижирлайди. Қутбиддин кўримсиз бир кўлик-қирчанғи отми, хачирми излаб борарди. Ниҳоят, бахти чопиб, сувлоқ чети-

да тўқими олинмаган бир эшак йўлиқди. Дарров бориб нўхтасидан тутди. «Бисмиллоҳ!» деб бир сакраб миниб олди. Ирғай асо зарбидан эшак йўрғалаб кетди.

Кутбиддин асхоби кахф кетидан эргашиб кетаётган ўша Қитмир итдек, Бухорои шарифни кўзлаб йўртиб борарди.

## МУБОРАК ТАСБЕҲ

### 21- ф а с л

*Дари хилват банду дари суҳбатро кушой  
Дари шайхиро банду дари ёрро кушой<sup>1</sup>.*

Абдулҳолик Фиждувоний

Неча кундирки, Курбат хонақоҳи олис Туркистондан келган мусофирлар ва шу маскан ичра макон қурган мискинлар, дарвишлар нафаси ила маъмур эди. Неча кундирки, бу муаззам даргоҳ самарқандликларнинг масканига айланган. Бу ерда бомдоддан то хуфтонгача одам оёғи узилмайди. Барча эл-сайисдан амири лашқаргача ўзини парвона янглиғ хонақоҳга уради, авлиёи кабирнинг суҳбатига ноил бўлмоқни, жилла қуриса, бўйларини бир кўриб дуосини олишни умид қилади.

Ҳазрат Самарқандда ўн кун турди. Ўн биринчи кун карвони кўчиришга изн берди. «Оққан дарёнинг оққани маъқул, бир ерда турган сув бузилиб қўлмакка айланиши муқаррар». Хонақоҳ мутасаддиси Абулқосимни чорлаб, зикрга хозирлик кўришни буюрди. Шайх бу тадбир ила киш ўчоғи тор, деб бир ерда зерика бошлаган дарвишларни ғафлат уйқусидан уйғотмокчи ва машаққатли сафарга тайёрламокчи эди. Тарикат одобига кўра, ҳар бир шаҳар ё музофот хонақоҳида қўним топган дарвишлар сулук сарҳалқасини у манзилдан-бу манзилга кузатиб кўяр, сўнг асл қўналғаларига қайтарди.

Жума кун бомдод намозидан сўнг зикри султонияга ижозат берилди. Зикр чоғи Шайх «Ҳақ-хув!», «Ҳақ-хув!» дея шох ташлаётган зокирларга караб қўнгли сидирилди. Халқа ичра кумуш қўнғироқдек таниш бир овоз етишмаётган эди. Кутбиддинни эслади, Султон Маҳмудхоннинг

<sup>1</sup> Хилват эшигин ёпғил, суҳбат эшигин очғил,  
Шайхлик эшигин ёпу, дўстлик эшигин очғил.

калтафаҳмлигидан ранжиди. «Хайф шунча панду насихат! Аклу заковат бирла битмаган юмушни зулму таадди во-ситасинда уддалаб бўлурму? Булбулни тилло кафасда сайратмакни орзу қилибдур ул нодон. Булбул илхомни қайдин олур—буни ахли дил билур. Дасти панжаси қилич тутиб қабарған суворий не билсун?»

Пир Қутбиддиннинг ғайриихтиёрий бир суратда тутиб турилганидан бохабар. Унинг зўрлик бирла завжлик мартабасига отказилганини ҳам эшитди. Шул боис хоннинг қуюқ дастурхонига оёқ босмади, билъакс уни умарою уламо кўз ўнгида мулзам этиб, шаҳарни ҳувиллатиб кетаётир. Аммо кўнглининг бир чеккасида Қутбиддиндан ҳам гумони бор. «Наҳот бул навжувондаги шайтоний вас-васа раҳмоний тафаккурни мағлуб этган бўлса? Расули худо лутф этмишки, аш-шайтону яжри мин ибни одама аж-аддами, одам фарзандининг ичинда шайтони лаъин мисли қондек кезиб юрадир. Собиқ шахзоданинг азозил қутқусига бардоши етмаган эрса, бас, биз анга етарли таълим беролмабмиз».

Зикри султония охирлаб борар, аммо Шайхнинг кўз олдидан Қутбиддин кетмасди. Ҳазрат хотимат—аз-зикрда бул халифасининг яккахон товушда хикмат айтиб, қўрни қайта бошдан жунбишга келтиришига ўрганиб колган эди. Водариф, ҳукми Аллоҳ ушмундоқ эркан.

Қун кўтарилганда зикр поёнига етди. Терлаб-пишиб кетган дарвишлар тўп-тўп бўлиб, ҳовлини тарк эта бошладилар. Ташқарида улуғ бир издиҳом йиғилган эди. Халойик ичида Шайхнинг ғойибона муридлари, арқони дин, сарой мулозимларию мадраса толиблари, мударрислар, олис-ёвуқ кентлардан келган қора чопонлик дехқонлар, қўли кадоқ, тиззаси ямоқ косиблар, бемор хешларини орқалаб олган дуоталаблар, бола етаклаган аёллар, чорбозорчилар, муҳтасиблар, мужовурлар, хуллас, етмиш икки хил тоифага мансуб кимсалар жам эди.

Яссидан чиқиб, Ўтрор, Исфижоб, Шош орқали Самарқандга кириб келгунча, Шайх карвонига юзлаб киши қўшилди. Одамлар дарёга талпинган ирмоқ сингари, туркистонлик талаб ахлининг сафини тобора тўлдириб борарди. Самарқандда карвон азим бир дарёга айланди. Хозир бу тошқин дарё хонақоҳ олдида Султон ул-орифининг бир оғиз фармонига интиқ бўлиб чайқалиб турарди.

Нихоят, эшикда Шайх кўринди. У қалин тўдани қиличдек ёриб, шиддат билан чиқиб келди. «Бисмиллох!» деб дарвозахона олдидаги баланд лой супага кўтарилди. Халойиқ гувранди. Умрида Шайхни илк бора кўриб турган муслим, муслималар «Шайхим! Шайхим!» дея ингранди. Ҳазрат оломонга кўз югуртирди. Баркашдек тирсиллаган башаралар, такаббур дийдалар, умидвор нигоҳлар, юпун кийим ичида ғужанак бўлиб турган бечора кимсалар... Қавс оёқлаган. Қишнинг боши. Аччиқ ел сўқади. Шайх мискин-мазлум қорақўзларга тикилиб турди-ю, лабини тишлади. Ваъз айтиб уларни совук хавода азиятга қўйишни истамади. Дарҳол мухтасар дуога қўл очди:

– Ла илаҳа иллоллоху роббуссамовати ва роббул арзи ва роббул аршил карийм! Мухтарам жамоат! Ҳақ таоло хидояти бирла тез фурсатда йўлга чиққаймиз. Бизга равон йўл тилаб келибсиз, яратганининг ўзи умрингизни зиёда қилсун. Берган тузларингизга ризо бўлингизлар. Омин, субҳон Аллоҳ ўзинг аҳли раиятининг ризкини бутун қилгайсен, аларни золимнинг зулмидин асраб, беморларига шифо бер, муҳтожларнинг ҳожатини чиқар, мушқулини осон қил! Ё раббим, подшолик тахтини пойдор қил, хоп ҳазратларининг имонига заҳмат етмасин, анинг кўксида мурувват, адлу диёнат нури барқарор бўлсин, Аллоху акбар!

Жамоат гувиллаб, Шайх билан баробар фотиҳа қилди. Шайх супадан тушди. Оломон иккига ажраб йўл бўшатди. Ҳазрат одатига кўра, ерга қараб халқ орасидан ўта бошлади. Сал нарида Бобо Мочин Шайхнинг тўриқ отини жиловидан тутиб турарди. Ҳазрат «Бисмиллоху раҳмонир раҳим!» деб узангига оёқ солди. Сулаймон қўлтигидан олди. Шайх енгил ҳаракат билан эгарга қўнди. Ўзи томонга ўгирилиб, хайратомуз қотган эл-улусга қараб оҳиста бош силкитди ва отини ниқтади.

Карвон Самарқандни тарк этди. Олдинда чорик кийиб асо ушлаган фидойи жон дарвишлар. Улардан кейин пойи-пиёда зиёратчилар йўл танобини тортади. Бобо Мочин отнинг чап томонида, ўнг қўли билан юганни маҳкам тутиб олган, танасига сифмаётган ҳисларини аранг жиловлаб, аста одим ташлайди. Шайхнинг ўнг тарафида, йўрга отда Сулаймон кетаётир. Ҳазрат карвонини кузатиб

келаётган иродат аҳли бирор тош йўл босгач, аста-секин ортда қола бошлади.

Работга чиқдилар. Ҳазрат ортига ўгирилди. Самарқанднинг калта-култа миноралари, масжиди жоме гумбази, ям-яшил гужумлар алас-алас кўзга чалинардди. «Кайта кўришмасак, хўш энди» деб, Шайх юзига фотиҳа тортди. Сулаймон ҳам унга таклид қилди. Сўнг кўнглидан бир фикр кечди. Пир робитани калбия воситаси ила уни фахмлаб, халифасига каради:

– Ҳм, Сулаймон, бир гапингиз бормиди?

Пирдан сирини яширишнинг фойдаси йуклигини сезиб, Сулаймон ачинган қиефада деди:

– Сафимиз... бир кишига камайди, пирим. Шул нуқсон каминага тинчлик бермайдир.

Сулаймон Қутбиддинни назарда тутаётган эди. Умуман, Шайхнинг бу икки халифаси ўртасида пинхоний бир ихтилоф бор. Очиғи, Сулаймон негадир Қутбиддинни хушламайди. Шаҳзодалигини ёқтирмайдими, пирнинг бу болага айрича меҳр қўйганиними... Ҳар қалай, Сулаймон Қутбиддинни муршиддан қизғанади.

Ҳазрат Сулаймоннинг бетига қараб муртидан кулди:

– Хоразмда ҳам бир махрамдин айрилмасак кошки эди, деб кўркадирмиз. Ҳар кас ўз элинда сафимизни тарк этаберса...

Сулаймонга бу гап тарсакидек тегди. Пир Қутбиддин бахонасида Сулаймонга ҳам ишора қилаётган эди.

– Тавба қилдим, пирим, – деди Сулаймон чўчиб, – биз ул надимингиз бирла бамисли оға-инидурмиз.

Ҳазрат йўлга тикилди. Хаёлчан товушда насихат қилди:

– Кўнгилини кенгайтиринг, Сулаймонкул. Бир қопга бир қоп сомон сиғар, вале кўнгилга Жайхунни жойласа бўлур, – пирнинг товушида истехзо оханги сезилди, – сизнинг ул инингиз шул фурсатда нафс бирла жанг қилаётир. Бул ҳам бир имтиҳондур. Қани, сабр этайликчи. Ким ғолиб, ким мағлуб бўлар экан.

Сулаймон ўзини оқлаб нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишлади. Агар овиз очса, пирдан аччиқрок гап эшитиши тайин эди.

Совуқ забтига олди. Зикр сабаб қонлари кизиган дарвишлар ирғай асоларини ерга зарб билан уриб, аччиқ

елга кўкрак кериб боряптилар. Купига ўн-ўн беш фарсах йўл юрмаса, жони танасига сиғмайдиган Бобо Мочин ҳам осойишта. У от туёғига мослаб бир-бир қадам босади. Карвон хароб кентларни, вайрона боғларни, кимсасиз далаларни ортда қолдириб, хонаи муборакка тобора яқинлашиб борарди.

Шайхнинг бир ҳикмати бор. Ортда қолар тоғингни эмас, борар боғингни ўйла, дер эдилар. Хали Бухорои шарифга олис, камида олти кунлик йўл. Дарғом сувидан энди кечдилар. Олдинда Миёнқалъа, Кармана, Тавсис, Ғиждувон турибди. Барибир Ҳазрат тўриқда енгил чайқалиб кетаркан, хаёлини Бухоро банд этди. Машриқдаги бу муаззам шаҳарнинг ораста кўчалари, хазинат-ул ҳикматга тўла мадрасалари, жаҳон овозаси бўлмиш бозорлари, кундуз офтобни, тунда ойни акс эттирувчи зилол ховузлари бирма-бир кўз олдида ўта бошлади. Бухорони тарк этганига ўн йилдан ошди. Шаҳар сомонийлар даврида обод эди. Қорахонийлар тахтни эгаллагач, унинг хуснига-хусн кўшилди. Тимлар, тоқилар, фавворалар, рудлар, масжиду мадрасалар қурилди. Барака тоғидан сопол қувурларда сув келтирилди. Зари руд деб аталмиш ўқарик кенгайтирилди. Мана, неча замонлардирки, шаҳар салжуқийлар султони Муиззадин Санжари мозий илқига ўтди. Санжар не каромат кўрсатди экан? Қуббатул исломга раванк бердими ва ё анинг зеб-зийнатига маҳлиё бўлиб юрибдирму? Шайх дунёнинг ул бурчида, Дашти Қипчокда туриб ҳам гоҳо нохуш хабарларни эшитиб юрибди. Бухорои шарифдаги ғариб дўзандалар тўқийдиган зар палаклар, гиламчилар босган фондуқий жойнамозлар, зарбоф чопонлару дарпардалар Бағдод халифасининг остонасига элтиб ташланармиш. Эл-улуснинг туя-туя мол-мулки бир дуойи хайр бадалига юрат қилинармиш. Халифа учун маҳобатли бир заррин дарпарда тўқибдиларки, аниг қиймати Бухоронинг бир йиллик хирожига тенг эрмиш! Алҳазар! Бул қандоийн бедодликки, бир вилоят аҳлининг йил-ўн икки ой йиғлаб-йиғлаб қилгон меҳнати эвазига муслимлар халифаси шоҳона қасрни безатиб, пишқириб ўлтирса?! Амир ал-муслимин килодигон юмушми бу! Қани инсоф, қани диёнат?!

Шайхнинг кўкси тошди. У фикран дўсти Шайх Абдулҳолиқ Ғиждувонийга таъна қилди: «Рутбангиз ба-

ланд, дўстим. Мақомингиз хожаи жаҳон. Сулук сардори-сиз. Ноиблару волийлар йўлини тўсиб, халқнинг ўзи топган насибасини ўзига раво кўрмак чорасини қилмоқ лозим эди». Ҳазратнинг кўз олди равшанлашди. Қаршисида кўкиш, тиниқ бир нур пайдо бўлди. Нур гумбазга айланди. Гумбаз ичидан Абдулҳолик сизиб чиқди. У дўстига тимқора кўзларини тикиб жаноб қилди: «Дашномингиз жоиз, Шайхим, вале бир матал борки, турк йиғлаган гапга ажамлик кулар эрмиш. Улус оғалари бирини минг, мингини туман қилмоқ илинжида Бухоронинг ҳам зарини, ҳам харини халифага ниёз қилиб ўтирғон бўлса, не илож? Сув бошидан лойка, дўстим».

Ҳалиги зангори шуъла сўнди. Фиждувонийнинг тапиш сиймоси ғойиб бўлди. Шайх басират кўзи билан кўрганларини тағин бир мушоҳада қилиб, йўлга тикилди.

Йўл юрганга йўл ёвуқ экан. Шайх карвони тинмай йўл босиб, учинчи куни Карманага бориб қўнди. Бухорогача икки манзил қолган эди. Дарвишлар «Ёху!» деб тағин изларига қайтдилар. Шайх мусофир йўлдошларига бир кун дам берди. Пайшанба тонги отди. Сулаймон хонақоҳдаги бир беморнинг ҳолидан хабар олиб келаятган эди. У табиблик ҳам қиларди. Шайх ул-маншойихнинг хос хонасига яқинлашди-ю, тахта бўлиб қолди. Рўпарасида бир кучоқ ўтин кўтариб... Кутбиддин турарди! Сулаймон сири фош бўлган кимсадек бир лаҳза довдиради. Сўнг, поилож илжайди.

– Хов, на илож этиб галдингиз бу ера, шаҳз... иним?!

– Ассалому алайкум, оға, – деди Кутбиддин, икки қўли банд бўлгани учун бош эгиб, – Аллоҳга шукр, насибасига стиб олдим.

Сулаймон Ҳазрат ҳузурига Кутбиддин билан бақамти киришни истамеди.

– Манга беринг оғочни, – деди ва ёш халифанинг қўлидан ўтинни олиб ичкари кириб кетди.

Сулаймон Шайх хонасидаги мўрқонли ўчоққа ёвоч тахлаб, ўт қўяркан, Ҳазрат маъноли йўталди. Сулаймон беихтиёр ўғирилди. Шайхнинг вақти хуш эди.

– Сулаймонкул, сафимиз андак кенгайиб қолғон кўринарму? – деб кулимсиради. Сулаймон дарҳол юкинди. Аммо узр айтмади, бошини ҳам қилиб ўтираберди.

– Оловни ёқинг, аёз забтига олди, – деди Шайх. Сулаймон девдек гавдасига ярашмаган эпчиллик билан ирғиб турди. Шайх кўзларини юмди. У тағин борар боғини сайр қилди. Хаёлидан қиёматлик дўсти, соҳиби каромат Абдулҳолик Ғиждувоний кетмай қолди.

Султон ул-орифин Аҳмад Яссавийнинг Ҳижоз сафарига отланганидан Абдулҳолик Ғиждувонийнинг хабари бор эди. Шайх бир неча ой мукаддам Ҳожага мухтасар нома битиб юборган, унда, Аллоҳ насиб этса, жумодилохирнинг оёқларида Бухорои шарифда дийдор кўришмакни умид қилган эди. Ҳожа шаҳарлараро елвизакдай изғиб юрувчи тужжорлар тилидан Шайхнинг Самарқандда сокин бўлиб турганини ҳам эшитди. Жумодилохирнинг йиғирма олтинчи куни ўтиб борар, вале азиз меҳмондан хушхабар йўқ эди.

Ниҳоят, мужда келдики, бир замонлар бир бурда нонни бўлиб ейишган жон дўсти Шайх Аҳмад Яссавий Карманада эмиш. Ҳожанинг руҳ қуши учиб Кармана сари кетгандек бўлди. Дарҳол навжувон халифаси Ориф Ревгарийни ҳузурига чорлатди.

– Моҳи тобон, Шайх ул-машойих Карманага етибдур. Истиқболига отланинг. Муштоқи дийдор эканлигимизни билдиринг.

Ориф Ревгарий Бобо Мочин сингари елоёқлардан эди. Ҳожаси йўл тадориғини ўйлагунча шаҳристондан чиқиб, работга етди.

Ҳожа қабатиға халифаларидан Аҳмад Садоқий, Авлиё Кабир, Сулаймон Карманийни олди. Бухоронинг қирк уламосини эргаштириб, бомдодда Ғиждувон сари йўлга чиқди. У Туркистон валийсини ўзи туғилиб ўсган кадрдон юртида кутиб олишни ният қилган эди.

Ориф Ревгарий камида ўн фарсах келадиган йўлни уч соатда босиб ўтиб, Карманага етиб келди. Шайхнинг жиловдорига айланди. Ҳазратнинг ўнг тарафида Бобо Мочин, чап тарафида Ориф Ревгарий. Ҳожа Абдулҳолик уламои киром ила дўстининг пойи қадамиға пешвоз йўлга чиққан маҳал Шайх карвони Ғиждувон қайдасан, деб йўлга тушди. Тобора йўлнинг таноби тортилиб, икки бузрук, икки қутбул ақтоб яқинлашиб борар, гўё самода икки тўлини ой, ерда икки азим дарё – Сайхун ила Жайхун бир-бирига ёвуқлашиб келаётгандек эди.

Хожа Абдулхолиқ сўфийликда олий мақом – фано-филлоҳга эринган нодири даврон эди. Кечмиш фаслларда зикр этганимиздек, бундай зотлар учун замон билан маконнинг фарқи колмайди. Улар ўзларидаги нури тажалли – рухий қувват орқали ўтмиш манзараларини кўз олдига келтириши, бўлажак қисматдан башорат қилишлари мумкин. Гиждувоний от жиловини озод ташлаб, саманнинг қамишдек тиккайган қулоғига тикилиб бораркан, кўзларини юмди. Дўстини ўйлади, йигитлик айёмини хотирлади. Кўз олдида йигирма йил бурунги Бухорои шариф, садри жаҳон очган зовия-хонақоҳ жонланди.

Абдулхолиқ зовияга бош уриб келганида бу ерда уч сўфий бор эди: Абдулла Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий. Улар пири муршид Юсуф Ҳамадонийдан илми холни таҳсил олар, етти мақомнинг тўрттасидан ўтган эди. Тўрт муриди солиҳ оғанини бўлиб устоз этагидан тутдилар. Пир ҳам уларнинг бошидан муборак қўлини узмади. Лайлу нахор сафоли суҳбатидан бенасиб этмади. Ох, у кунларнинг файзу баракоти! Зикри самонинг шиддати, зикри хуфиянинг лаззати, раҳнамо имдоди бирла олами лоҳут, олами носут аро сайру арши курсини, лавҳу қаламни саёҳат этмак, таносух бўлиб, моуминни унутмак, фано бўлиб ҳақ дийдорига қовушмоқ ишқи! Буларни хаёлдан ўчириб бўлурми? Томирларида иссиқ қон айланиб, кўксини омонат нафас тўлдириб-бўшатиб турар экан, хотирдин чикормоқ мушкулдир, мушкул...

Пир умр карвоии манзилга стаётганини пайқадилар чоғи, туккан эли Марвга жўнадилар. Яссавийни учинчи, Абдулхолиқни тўртинчи халифа этиб тайинладилар. Хонақоҳ икки дўст ихтиёрида қолди. Яссавий ўн йилча халқа сардори бўлиб турди. Сўнг Хизр алайҳиссалом ишорати бирла Туркистонга отланди. Пири комилдан қолган муборак тасбеҳни дўсти Абдулхолиқнинг қўлига топширди. Бу энди сулукбоши ўзингиз, Бухоро сўфийларининг раислиги илқингизга ўтди, дегани эди. Мана, ўша воқеага ҳам ўн йил бўлибди. Абдулхолиқ ул муборак тасбеҳни мусҳафдек эъозлаб асрайди, ҳар сафар қўлга олганида тасбеҳ донаси янглив Барқий, Андоқий, Яссавий бир-бир тизилиб хаёлидан ўтади, доналардан такбир саси келгандек бўлаверади...

Ана энди ўшал дўсти кадрдон Хажар ул-асвад зиёрати бахонасида Бухорога қадам ранжида қилмоқда! «Ба сари мо хуш омадед, султоним!» деди ичида Фиждувоний ва отига қамчи босди.

Ҳазрат эртасига, аср чоғи етиб келди. Хожа уни қаршилагани кўча овзигача чикди. Йўл чангитиб келаятган дарвишларни ўтказиб юборди. Халойиқ ўртасида, тўриқ отда Шайх кўринди. Хожанинг юраги гупиллаб, олға талпинди. Шайх Ориф Ревгарий кўмагида отдан тушди. Белидаги кўшбелбоғили тўғрилаб қўйиб, Хожанинг истиқболига юрди. Саф ёрилиб, одамлар икки авлиёи кабирга йўл бўшатдилар. Хожа Абдулхолик қулоч очиб келиб дўстига қучоқ очди. Шайхнинг ўнг елкасига бош урар экан, «Об агар садпора гардад...» деб нафасини ростлади. Шайх ҳам Хожанинг ўнг елкасига бош қўяр экан: «Боз боҳам мешавад» деди элас-элас. Икки қутб ул-ақтоб ялакат мағиздек бирлашди.

## ҚУТБИДДИННИНГ ШАВҚИ ДАРЗ КЕТДИ

### 22- ф а с л

*Косиб – Аллоҳнинг дўстидир.*

Ҳадис

*Деҳқон эмас, кетмон чопиб нон емаса.*

Яссавий

Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг отаси асли румлик эди. Ул зотни мавлоно Абдулжамил деб улуғлардилар. Зохирий ва ботиний илмларда алломаи замон эди. Масжидда имомлик қилар, толиби илмларга қол илми, ҳол илмидан сабоқ берарди. Ўзи Имом Молик мазҳабига мансуб эди. Бир куни ул зоти муборакнинг тушларига Хизр алайҳиссалом кирди ва башорат қилдики, «Эй, Абдулжамил, сен фурсатни бой бермай, Бухорои шарифга боргайсен, Фиждувон деб аталмиш мавзеда нашъу намо топқайсен. Сендин бир фарзанди аржуманд дунёга келгай, анинг исмини Абдулхолик қўйиб, охират савобин олгайсен». Абдулжамил ишорати гайб ила Фиждувонга кўчиб келди, фарзандлик бўлди. Унга Абдулхолик дея қутлуғ исм бердилар.

Ҳақ субханоҳу ва таоло Абдулҳолик деб аталмиш суюкли бандасига илми ладунийдан бир қатра иноят қилган эди. Одатда илми ладуний – илоҳий илм уч қисмга бўлинади. Улар: ваҳий, илҳом, фаросат. Ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат сўфий-дарвишларга ато қилинади. Абдулҳоликнинг кўксига бола кезиданок фаросат уруғи сочилди. У тўққиз ёшида Қуръонни ёд олди, ўн ёшида Бухорода раҳнамо деб тафсир илмининг султони имом Садриддиннинг этагини тутди. Устоз даргоҳида бир печа йил заҳмат чекиб тафсирини мукамал ўрганди. Сўнг – дарвишлар халқасига қўшилишиб зикр тушмакка киришди.

Шарқ сўфийларининг яқтоси Шайх Абу Ёқуб Юсуф Хамадоний Бухорога ташриф буюрганларида ул зоти покнинг хузурларига бориб бош урди. Гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухорода пир хизматици адо этди. Аҳмад Шайх Юсуфнинг муборак қўлларидан сўфийлик хирқасини кийди. Дўсти, туркий сулук сарҳалқаси Шайх Аҳмад Яссавий Туркистонга кетганидан сўнг Бухоро ва унинг атроф-жонибидаги зовия-хонақоҳлар Абдулҳоликнинг ихтиёрига ўтди. Хожа ният қилиб, кишдик қони тўкилган Ғиждувон кентида чоғроққина бир хонақоҳ бино қилди. Вақф ажратди. Зовияга ёндош қилиб мадраса, масжид солдирди. Бу маскан эндиликда дилда Аллоҳ зикри бирла ҳақ йўлга кирган дарвишлар, мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибга бетиним қатновчи мусофир йўловчилар учун қўналға, киш қаҳратонию ёз иссиғида бир бошпана эди. Шайх ул-машойих карвони ҳам куни кеча ана шу манзилга келиб тунди. Илгаридан ҳам саришта, обод ва гавжум бу манзил Туркистон волийсининг қутлуғ қадами туфайли зиёда бир работга айланган эди.

Қутбиддин ҳам икки кундирки, ана шу хонақоҳнинг кунбеткай тарафидаги кичкина хужрада истиқомат қилади. Доимий хужрадоши Бобо Мочин аксар вақт йўқ бўлади. У ўзига ўхшаган «оёвига қанот боғлаган» Ориф Ревгарий билан танишиб олган. Биргалашиб икки пир хизматици қиладилар, ёинки суҳбат дастурхонини ёзиб қўйиб, бир-бирининг оғзини пойлайдилар. Қишнинг қаҳратон совуғида оёқларининг чигалини ёзмок учун бир соат-ярим соат Ғиждувонни тўрт айлашиб келадилар. Қутбиддин эса зерикканидан зовиядаги дарвишлар билан суҳбат қуради,

Бағдоддан Болосогунгача кезиб юрүвчи тужжорларнинг саргузаштини тинглайди. У дунёнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини тотиб кўрган савдо ахлининг ҳар бир гапини, ҳар бир хангома ё ҳасратини кўнгил дафтари-га ёзиб қўйгиси келади. Уларнинг гоҳ кулгили, гоҳ аянчли, гоҳ ўтрик қўшилган муболағали ҳикоятлари Қутбиддиннинг Самарқанду Яссидан бўлак йўлни танимаган калбига ҳайрат чўғини солиб, ловуллалади. Агар сайёҳларнинг лоф-қофи ҳаддидан ошиб кетса, Қутбиддин секин даврадан сирғалиб чиқади ва суйган машғулотига киришади. Кундалик тоат-ибодату зикрдан кейин унинг жонига туташ амали—бу йўниқчилик. Икки қўли бўш қолса, дарҳол йўниқчилик қилиб, қошиқ, куракча ё чўмич ясай бошлайди. Бу Қутбиддиннинг пири комил хизматида юриб орттирган биринчи хунари эди. Зийрак ўқувчининг хотирида бўлса, биз юқоридаги фаслларда Шайх ул-машойихнинг мунтазам ёғоч қошиқ, кафча ясаб туришини зикр қилган эдик. Шайх қўл меҳнатидан келган даромадни луқмаи ҳалолга ишлатардилар. Ҳазратнинг бул юмушини Қутбиддин синчковлик ила кузатиб юрарди. Бир куни ўзича пинҳоний ишга қўл урди. Кичкина қаламтарош, искана тошди. Юмшоқроқ ёғоч олиб қошиқ йўнишга киришди. Эплай олмади. Қошиқнинг сопини йўниш осон, аммо қорини келиштириб чиқарини мушкул экан. Белча ясашга ўтди. Буниси япаски, текис бўлгани учун иш осон кўчди. Қийшиқ-қинғир беш-ўлта қошиқ, белча ясагунча Қутбиддин печа бор қўлини тилди, ҳамсояларига кулги бўлди. Бу йигит қайсар эди, гарчанд дарвишлар ақидасига зид бўлса-да, ё отинг чиқсин, ё ўтинг чиқсин қабалида кечалари тинмай ёғоч йўнаберди.

Бир куни чорлов билан Шайх хузурига кирди. Ва кўрдик, токчада чала битказилган чўмич, қошиқлар териб қўйилибди. Қутбиддин тиз чўкиб пирдан изн сўради:

— Бузруквор пирим ижозат берсалар, ўшал буюмларни мудавом эттириб, шаклу шамойил берсам...

Шайх унга синовчан қараб қўйди. Қутбиддин ерга тикилди. Ҳазрат бир матал айтди:

— Бир заифанинг завжи миннат қилган эркан. «Бомдоддин то қора шомға қадар кетмон ура-ура толиқдим. Сан уйда ўтирибсан. Ёнганинг тўртта нон» деб, заифа шўрлик дебдики: «Кетмон урмоқ олмоқ-солмоқ, Аллоҳ-

Аллоҳ хамир қориб, ани кўпчишиб, ўтин ёриб, олов ёкиб, тандурни қиздириб, зувала ясаб, понни тандурга ёпиштириб, ани оқизмай-томизмай пишириб олгон хотинни айтинг!» деган эмиш. Бул амал ҳам зикри авқот<sup>1</sup>. Анга давоматлиқ машку меҳнат ила етса бўлур. Магарки, кўнглингизда ҳавас пайдо бўлибдир, ижозат бердик. Саҳобаи киромлар ҳам соҳиби ҳунар эди. Йигит кишининг зийнати ҳунаридир. Олинг, вале қўлга эҳтиёт бўлинг.

Қутбиддин устага маҳтал бўлиб ётган буюмларни олди. Бағрига босиб чиқиб кетди.

Тўрт-беш кундан кейин у бир чиройли, бежирим йўнилиб ялтираб турган қошиқларни кўтариб ҳаяжон ичида пир ҳузурига кирди. Шайх уларни бир-бир қўлига олиб қаради. Қутбиддин юраги хапқириб, меҳнатининг баҳосини кутарди. Ниҳоят, Ҳазрат оғиз очди:

– Элдин маҳфий суратда йўниқчилик қилгонингизга неча фурсат бўлгон эрди, ўғлим?

Қутбиддиннинг тили танглайига ёпишиб қолгандек бўлди. «Авлиёдан сир сақлаб шаккоклик қилибдурмен. Сомоним очилди».

– Тавба қилдим, пирим. Олти ойдирки, кечалари шул ҳунарга қойим эрдим. Уҳдасидан чиқолмасам, элдин уёлмайин деб...

– Баракалла! – Шайх Қутбиддинни алқади, – мундин сўнг қошиқ қорнини кичикроқ ўйинг. Таомнинг ярми қошиқда қолмасун. Лукмани тўла ютмак суннатдир.

– Уқдим, пирим, – деди Қутбиддин терлаб. Шу-шу, устазода бўлиб Шайхнинг қўлтиғига кирди. Зикрдан, тоатибодатдан озод пайтларида асбоб-ускунасини шайлаб пирининг қабатига ўтиради. Шайх заранг ёғочлардан рўзвор буюмларининг нусхасини йўниб, қолган ишни муридига ҳавола этади. Қутбиддин уларга жило бериб ниҳоясига етказди. Чўмичу қошиқ, белчаю човлилар бир даста бўлгач, уларни бир халтата солиб, бозорга йўрғалайди. Бозорда ҳам эл кўзидан олисроқ, холи бир ерга чўқади. Ола хуржун устига буюмларини териб қўйиб, жимгина ўтиради. Худонинг қудрати билан бирпасда тепасида харидор тўпланади. Бозорда нима кўп, ёғочдан ясалган

<sup>1</sup> *Зикри авқот* – кундалик зикр турларидан бири.

турли-туман буюм кўп. Аммо, не ажабки, барча халойик каландар либосидаги ёшгина порғул йигитнинг олдидан жилмайди. Гўё авлиёи кабирнинг муборак қўллари теккан қошиқларни талиганидек, бир зумда Қутбиддиннинг матоҳларини талаб кетади. Қутбиддиннинг ўпкаси тўлади, «Бул савдо пири муршиднинг каромати бўлса, не тонг», дея Аллоҳга шукрона айтади. У бозордан қайтади-ю, тагин суюкли машғулотига бош эгади.

Бугун ҳам Қутбиддин куннинг кўзига чиқди. Тагига эски бир гўлани топиб қўйди. Тиззасига белбоғини ёйди. Оттўрвага ўхшаган кичкина жун халтадан қаламтарош, искана, темир қирғич олди. Дарвишлар сафойили – шақилдоқдек қилиб чала йўниб қўйилган қошиқ чиқариб қорнини ўйишга тушди. У билан бировнинг иши йўқ, Қутбиддиннинг ҳам биров билан иши йўқ эди. Аслида хонақоҳ аҳлининг таомили, тариқат одоби шундай. Кимдир дил зикри ила банд, ҳовлининг бурчагида калла осилтириб мууроқабага берилиб ўтиради. Биров либосини парвариш қилади, кимдир чориғини ямайди. Яна биров қозон-ўчоққа қарашади, дошқозонда таҳоратга сув исатади. Дарвишлар бир оиланинг аҳил биродарлари эди, гўё. Мушкул юмуш бўлса, дарров кўмакка келади, акс холда бир-бировининг шахсиятига бурун сукмайди. Хар кимнинг дарди дили ичида, ўзидан ўтганини хар ким ўзи билади.

Қутбиддин ҳам шавқ ичра фарқ бўлиб, қабатига келиб чўккан кимсани пайқамай қолди. Бир замон «Ихм!» деган заифона йўталдан ҳушёр тортиб бошини кўтарди. Биқинида эчкисоқол, мурти ҳам сийрак, жуссаси чоғроқ киши чўнқайиб ўтирарди. Эғнидаги одми, пахталик чопонига қараганда, олис йўлга отланган тужжорга ўхшарди.

– Илоё, дасти панжангиз дард чекмасун, – деди бегона киши.

Қутбиддин «қуллук, тақсир» маъносида бош ирғиб қўйди-ю, юмушини давом эттирди. Шу алфозда бир неча дақиқа ўтди. Сўнг Қутбиддиннинг тепасида чакмоқ чакиб осмон гумбурлагандек бўлди:

– Шахзодаларга ярашмайдиган ҳунарни олибсиз, бегим...

Қутбиддиннинг жон-жаҳони қоронғи бўлиб кетди. Юраги дукиллади. Хозиргина етмиш икки бўғинини яйратиб

турган адосиз шавқдан асар ҳам қолмади. Вужудиши гумон, хавф, қўрқув аралаш мубҳам бир туйғу забт этди. У ялт этиб биқинида қора калхатдай қўниб ўтирган кимсага боқди. Рўпарасида қора лас чопонга ўралган эчкисоқол хуфя эмас, хув ўша никоҳ кечаси меҳмонхона дарчасидан мўралаган шайтони лаъинга ўхшаш махлуқ ўтирарди.

Неча йилдирки, Қутбиддин дарвишлар ҳалқасида юриб, ҳиссиётларини жиловлаб олишни маъқул қилган эди. Дастлаб у ёшлик эҳтиросига берилиб, бегона кишининг қорнига мушт туширишни мўлжаллади. Кейин истиффор келтирди ва ўзини босиб сўради:

– Таксир, ўзлари ким бўлади? Танимадик...

– Худо хоҳласа, сизга холис хизматкор бўлсак, деган ниятдамиз, бегим... Сизга суюкли маликамиздан мактуб келтирдим...

Бегона кимса қўйнига қўл солди. Қутбиддиннинг тили калимага келмай қолди. Бўғзига бир нарса тикилгандек бўлди, сийнаси ачишди.

Хуфия мактубни астойдил яширган шекилли, анча қаловланди. Ниҳоят, қошиқнинг соқидек ўрама қоғоз олиб, Қутбиддинга кўз-кўз қилди.

– Мана, омонатингиз, бегим. Маликам сизни соғиниб... лайлу наҳор муборак дийдаларидин ёш эмас, қон тўкадилар...

Қутбиддин хатни олайми, олмайми деб, истиҳола қилиб турганда лоп этиб Бобо Мочин келиб қолди. Қутбиддин пинҳоний бир жинояти ошқор бўлган кимсадек довдиради.

– Бу таксирим Самарқанддан келибдилар. Мени излаб...– деди хуфяга имо қилиб. Изкувар тепасида гумбаздай бўлиб турган ҳайбатли Бобо Мочинга қўрқа-писа қараб аста ўрнидан тура бошлади. Бобо Мочин уни қалласидан босиб жойига чўктирди.

– Изкувар экансан-да, палид?! – деди олайиб.

– Йў... мен... мак...туб келтирдим. Мали-ка-миздин...

Бобо Мочин Қутбиддин билан хужрадон эмасми, собиқ шахзоданинг бошига тушган савдолардан хабардор эди. «Султон Маҳмудхоннинг одамлари бу болани гўргача тинч қўймайдиган кўринадир», – деб хаёлланди у ва Қутбиддиннинг қўлидаги ўткир қирғични тортиб олиб, хуфянинг соқолини тутамлади.

– Ҳозир сени кўчага чиқмайдиган қилиб қўяжакман!  
Зайпана рўмол ўраб юрийдиргон бўласан, сакбачча!

Бобо Мочин қирғич билан хуфянинг соқолини ярмидан қирқиб олди. Хуфя оламини бузиб дод солди:

– Муслмонла-ар! Имонимдин айирдила-ар! Золимнинг зулмидан до-од!

Бобо Мочин ёқасини ушлади:

– Навзамбилло! Имонинг бўлса, ақчага сотилиб, бировнинг изидан юрасанми, нокас?! Бор, энди ем еган охурингда хангра!

Бобо Мочин хуфянинг қўлидан силтаб тортди. Қалбаки гужжорнинг бармоғи кирс этиб сиғди. У жон ҳолатда бир кўли билан калта соқолини бекитганча айюҳаннос солиб хонақоҳдан чиқиб кетди.

Бир қарич келадиган, зарқоғозга ўралган мактуб Қутбиддиннинг қўлида колди. У мактубни авайлаб кўйнига солиб қўйди.

– Пирим сени чорлаб турибди, – деди Бобо Мочин ва бир зумда елдай ғойиб бўлди.

Қутбиддин бир-бир босиб ҳужраси томон борар экан, чап кўкрагини силаб-силаб қўйди. Она мактуби, онаизор сўзи сийнасини лахча чўғдек куйдириб турарди.

## НОШАРЪИЙ ХИРОЖ

### 23- ф а с л

*Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг,  
нафсининг қутқусидан қутулсан.*

Алишер Навоий

Иззатли меҳмонлар, ниҳоят, Бухорога етиб келишди. Ҳожа Абдулҳолик қадрдон дўсти ва унинг маҳрамлари учун бир замонлар Ҳожа Аҳмад Яссавий раислик қилган, эндиликда эса, ўзи мутасадди бўлиб турган хонақоҳдан ораста жой ҳозирлатган эди. Дарвозадан кирар экан, Султон ул-орифиннинг вужудига ажиб бир аланга туташди. Йигитлик гулшани гуркираб яшнаган, балоғат мавсуми кечган, камолот боғининг сархил мевалари етилган бу азиз масканни кўнгил дафтаридан ўчириб бўлурми?

Ҳазрат хос хона эшиги олдида бир нафас тўхтади. Кейин, «Алҳамдулиллоҳ!» деб остона хатлар экан, энгаш-

ди, кафтларини кигизга урди. Хошакоҳ губорини кўзига суртди.

Тариқат ахкомига кўра, камтарона дастурхон ёзилди. Сопол кўзачаларда турфа хил шарбатлар. Кафтдай-кафтдай ликопчаларда Бухоронинг машхур қандолатлари: лавзина, донаги, сари чўбин, чормағиз, pistaги...

Шайх тўрт дона кишмиш, тўрт дона хонадоний pista, бир тишлам нон билан қаноатланди. Бир-икки қултум зардоли шарбатидан тотинди. Хожа Абдулхолиқ кўлини кўксига қўйиб, андак бош эгди:

– Дийдамизнинг устига хуш келибсиз, Шайхим. Бул байтул аҳзан муборак қадамларидин пурзиё бўлди. Жанобларининг гуфторини жонимиз билан соғинган эрдик.

Такаллуфга жавобан, Шайх ҳам бош эгиб, таъзим қилди. Хожа Абдулхолиқ токча тарафга бокиб, Ориф Ревгарийга им қокди. Ревгарий одоб билан турди. Парла ортидаги токчадан кичикроқ бир қора қути олди. Тасбех чиқариб, Ҳазратга узатди:

– Пири муршид, Шайх-ул раббоний хошамиздин Сиз жанобларига, андин сўнг бизга қолғон нишонаи шариф...

Шайх қора гавҳардек тасбехни таниди. Бу – беназир устод Юсуф Ҳамадонийдан ёдгорлик эди. Бир сафар анжомини йиғиб, Бухородан жўнаб кетар экан, бул тасбехни сизга омонат, деб учинчи халифаси бўлмиш Аҳмад Яссавийга топширган эди. Мажоз ила васият қилдилар: «Иккала халқани сизга қолдирдик: ўрлим. Бул халқа бирла ул халқани маъмур қилгайсиз». Шайх, устоз сўзларининг мағзини чақди: «Бул халқа исми Аъзам, Аллоҳ исми терилган тасбех, ул халқа – дарвишлар сулуки». Шайх ул-машойих Туркистон сари отланар экан, тасбехни устознинг тўртинчи халифаси, зикри қалбий (хуфия) тарафдори Хожа Абдулхолиққа васият қилди. Ҳозир ўша шараф тизими унинг кўлида яркираб турарди. Ҳазрат тасбехни ўпиб, кўзига суртди. Сўнг пири комил руҳларига дуо қилиб, омонатни Хожа Абдулхолиққа қайтариб берди.

Етти хуфтонда мехмонлар тарқалди. Хос хонада икки вали танҳо қолдилар. Иккаласи ёнма-ён, кўзларини юмиб, салби вужуд айлаб ўлтирибдилар. Хожа Абдулхолиқ робитаи қалбия орқали сездики, дўсти Бухоро хаёли ила банд экан. Унга малолат келтиришни истамади. Шайх

хам басират кўзи бирла кўрдик, хожанинг вужуди зикри махфийга мойилдир. Сухбат дарчасини аста ёнди. Кўнгил кўзини Бухорога тикди: «Бухоро! Мунча барно бу шаҳар, мунча зебо бу шаҳар! Ушинг топи ҳам, лоши ҳам зар ила йўғрилмиш. Шул боис, тилло узукдек кўлдин-кўлга ўтадурму? Камоли зоҳир, каломи тоҳир, илму ирфони соҳир... Бухоро!»

Шайхнинг хаёли чўзилди. Хотирига Салмони Форсийдан колган ҳадис қалқиб келди. Ривоят қиладурким, бир куни Жаброил алайҳиссалом Ҳақ Мустафога дедилар: «Ё Муҳаммад! Кун чиқар тарафда бир мамлакат бордур, ани Хуросон дерлар. Бул мамлакатнинг уч шахрини тонгла махшарда ёқутлар, дурлар ила зийнатлаб аросатга олиб келгайлар. Ул шаҳарларнинг теграсида малойиклар жавлон қилиб юрурлар. Шаҳарлар узра нури имон ёғилиб турар эрмиш». Ҳазрат пайғамбар, «Ул шаҳарларнинг номларини айтгил!» дедилар. Жаброил алайҳиссалом айтдиларки, бул жаннати маъволарнинг номи шул турур: бириси Қосимий, бириси Самария, они форсчада Самарқанд дерлар. Тагин бири Фохирадир, форслар ани Бухоро, деб юритарлар. Расулуллоҳ сўрадилар: «Нега Фохира дерлар?» Жаброил алайҳиссалом жавоб бердиларки, «Ул шаҳар ҳақ йўлида шаҳид бўлган бандаларнинг кўплиги бирла фахр этар, нури исломнинг барқарорлиги ва ҳам уламои киромларининг беҳадлиги бирла фахр этар, шул боис ани Фохира дерлар». Расули акрам, илоҳо Бухоро аҳлининг дилларини тақво бирла пок айлагил, аларни мағфиратингга ол, то киёматгача баракотидан айирма, деб дуо қилдилар.

...Ҳазрат дуо бирла ёстикка бош қўйдилар. Субҳи содиққа яқин дуо бирла бош кўтарди. Шайх кам ухлар, кам гапирар, кам тановул қилар, камдан-кам куларди. Билагига сочик солиб, ўнг кўлида қумрон кўтариб турган Қутбиддинни кўриб, Шайх илдам ўрнидан турди. Бухоронинг илк тонги отиб келаётган эди.

Салоту саловатдан кейин сўфийларнинг қадимий удумига мувофиқ, Шайх Аҳмад Яссавий билан Хожаи жаҳон Абдулҳолик Ғиждувоний бир-бири билан қучоқлашиб кўришдилар. Шайхнинг чайир, миқти кўлларини юмшоқ, улкан кафтида тутиб турар экан, Хожа Абдулҳолик дўстига меҳр ила боқди. Назарида Шайх андак тоб таш-

лагандек, аслан буғдойранг чехраси яна қорайгандек эди. «Дашти Қипчоқ шамоллари ўз амалини кўрсатур, боз устига саҳрой бир улуснинг диши исломга байъат қилмоғи осон кечмас. Шайхнинг азал мошбиринч соқоли аларнинг заҳматидин нуқра бўлибдир». Хожа Абдулхолиққа Шайхнинг қўйкўзлари ёкарди. Одамга мунгли-маъюс боқувчи, тим қорага мойил, ўйчан ва адосиз бир асрор яшириган бу ўткир дийдаларга узок разм солмоқ мушкул эди.

Шайх ул-машойих наздида эса, Хожа Абдулхолиқ жисман камолот касб этгандек эди. Ўша барваста комат, улкан соқол, кенг пешона, қоп-қора бўтақўзлар-у, текис, қизил рухсор... Воқеан қуюқ қошларига андак киров қўнибдир. Ахир, дўсти тўртинчи мучални оёқлатиб, бешинчи мучал бирла юз кўришмак бўсағасинда турибдилар.

Енгил понуштадан сўнг Бухоро сайлига отландилар. Ховлида улуғ бир издиҳом тўпланган эди. Булар ҳазратнинг хонаи муборакка кетаётган ҳамроҳлари, хонақоҳда муқим тургувчи дарвишлар, Туркистондан келиб, бир важиқор туфайли Бухорода ўрнашиб қолган қавмлар, Яссавий сулуқини дастур деб билган сўфийлар, тужжорлар, шаҳардаги ўилаб масжидларнинг имом хатиблари, мадраса толиблари, ҳажжи бадал атаган хожатмандлар. Наинки Туркистон, бу ёғи Хуросону Мовароуннаҳр, бу ёғи Румо элигача Аҳмад Яссавий ҳикматларини кироат қилиб юргувчи бакироқ маддохлар тўда-тўда бўлиб, хонақоҳ ховлисига бош суқар, авлиёи кабирнинг нечук зотлигини бир кўриб қўймоқ умидида оломон ичидан бўй чўзиб, сербар айвонга интилар, «Алло-ох! Ё Алло-ох!» дея томоқ йиртиб нидо қиларди.

Шайх ул-машойих оломонга киприк қоқмай термилиб турибди. Ўнг тарафида Хожа Абдулхолиқ, Сулаймон Боқирғоний, устоди аввал Арслоубобнинг фарзанди Шайх Мансур, Хожанинг пеш халифаси Аҳмад Садокий. Чап тарафида Ориф Ревгарий, Бобо Мочин, Қутбиддин, Бухоро садри жаҳони Абдулазиз ибн Бурхониддин, шаҳар волийси Фазлуллоҳ Қирон, Самарқанд шайх-ур раиси Абдулраззоқ, тагин бухоролик фикҳ аҳли, уламолар.

Мухтасар амри маъруф ва дуойи хайрдан сўнг Шайх айвондан тушмоққа юз бурди. Шу найт оломонга сурон қўпди. Халойиқ икки бўлакка айрилди. Одамлар ортига ўгирилди. Икки дехқонсифат йигит уч газ чамаси кела-

диган мис қафасни икки ёндаи кўтариб, айвон сари эл-тарди. Қафасда чиройли товус потирлайди. Изма-из, қора сувсар телпак, кўкиш мовут ялтироқ тўн кийган олакўз киши борарди.

Йигитлар қафасни айвонга чиқариб, Шайхнинг оёғи остига қўйдилар. Сувсар телпакли киши ҳам «Бисмиллоҳ!» деб айвонга кўтарилди. Шайхга таъзим қилди, хирқасининг этагини силаб, кўзига босди. Сўнг шархи холини сўзлади:

– Пирим, бул ожиз қулингиз тавоислик мулкдорлар авлодиданмиз. Ҳазратимиз Маккаи мукаррамага азм қилгон эканлар... Олис йўлда кўзларини равшан қилсин деган ниятда жаннат қушларидин бирисин жанобимизга ҳадя этмакка ҳаддимиз сиғди.

Тавоислик зодагон Шайхдан дуо кутиб бош эгди. Шайх чимирилди.

– Қаердасиз, Фазлуллоҳ Қирон? – деб атрофига боқди. Волий қўлини кўксига қўйиб, бир қадам олға босди. Шайх мулкдорга ўғирилди, – бу жониворни волийга бағишлаш. Волий жаноблари турланмоқни мана шу товусдан ўргансинлар.

Ҳазратнинг гапидаги аччиқ кинояни Хожа Абдулхолик билан Бухоро волийси Қирондан бўлак кимса фахлламади. Шайх фикрини бир парда очигроқ баён қилгиси келди.

– Туркда бир матал борким, товус қанотига қараб турланармиш, аёғига бокиб хўрланармиш. Биз Аллоҳ таоло ва таборакдин бир қатла нури имон инган Бухорон шариф фуқаросимиз, дея фахр этамиз. Вале аҳли раиятнинг дасти панжасини қабартириб, дийдасидин ёш эмас, қон тўкиб топқон ҳалол молини аббосийлар хонадонига тортиқ этмакни ор қилмаймиз! Волий жаноблари Халифа Ал-Муктафийнинг кўнглини олғонига мағрур, Садри жаҳон сукутда. Қозию куззот фатво бирла машғул. Сорбонлар туя етаклаб, Бухоронинг сийму зарин Бағдодга элтмак бирла овора! Бул улуснинг ияси борму ўзи? Ким ияси? Айтинг, эй аҳли суннат! Ўшал кофар Гўрхонми? Хоразмшоҳ Отсизми, Санжари мозий Малик шохми? Ва ё Жайхун сари ўмган чўзиб лукма кутиб ўлтирғон амир ал-муслимин Ал-Муктафийми?

<sup>1</sup> Ияси – эгаси, хўжаси.

Ховлига фавкулудда бир фалокатдан сўнг рўй берадиган мудхиш сукунат чўкди. Халигача Бухоро минбарларидан амир-ал муслимин шаънига бундоқ гап айтилмаган эди. Халифани ришвахўрликда айблаш нари турсин, унинг помога соя соладиган қалтис сўз айтмак, на умаронинг, на уламонинг хаёлига келган эмас. Бухоро уламоларининг рахнамоси бўлмиш садри жаҳон дину шариат далили, деган унвон сохиби ҳам эди. Шайхнинг гапи унга тарсакидек тегди. Гезариб, лабини тишлади, туркнинг бу алломасига икки оғиз жавоб айтмоқчи бўлди, сўнг фикридан қайтди. «Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ. Ярани газак олдирмай. Бухоронинг асл матоҳларидин қисман халифаликка эҳсон қилинаётганлиги бор ҳақиқат. Бил-балойи собир-айн. Маломатдин холи бўлмоқ йўли-сабру сукун».

Калтакнинг каттаси волийга теккан эди. У безовта типирчилади. Эгнига боқиб, мулзам бўлди. Шайтон йўлдан уриб, у бугун безаниброк келган эди. Шайхнинг уни товусга қиёс этгани вужудини ўртади. «Шайх розимдин воқиф шекилли, нечун мени товусга тенглаштирди», деган гап кечди хаёлидан. Қирон асли Хоразмшоҳ Алоиддин Отсизнинг махрамларидан эди. Тўрт йил аввал Отсиз Бухорони забт этганда уни волий (ҳоким) қилиб қўйиб кетди. Сўнг Султон Санжар қўшин тортиб келди. Хоразмийларни хайдаб, Бухорони ўз илкига олди. Отсизнинг одамларини қиличдан ўтказди. Фазлуллоҳ Қуръон ушлаб қасам ичди, «то абад қулингизман, султоним», дея тавалло қилди. Мансабини сақлаб қолди. Санжар соддадил, кечиримли бир кимса эди. Қиронга ишонди. Волий эса, халифанинг кўнглини ошкора овлаб, зимдан Отсизнинг хизматини қилишда давом этарди. У биладикки, Бағдод халифаси билан Алоиддин Отсиз маънавий ота-бола, улар Султон Санжарга қарши тил бириктирганлар. Қироннинг наздида Хожа Аҳмад Яссавий узун дарраси ила барчани-Халифани, Отсизни, унинг содик айғоқчиси волийни баравар савалаётгандек эди. «Хожа Яссавий хижратига кетгай, насиб этса, Отсиз боз бул ерга қайтажак. Бухоронинг жилови яна илкимизга теккай, иншооллоҳ!» деб қўйди ичида волий.

Шайх халойиқ ичида қўзғалган ғовурнинг босилишини кутиб нафас ростлади. Сўнг ўша кескир, мутлак ўқтам охангда давом этди.

– Бухоро волийларининг мундоқ номаи аъмолини ришва бермак деб баҳоламок даркор. Халифа жаноблари бўлса, бул харом луқмани кўшқўллаб қабул айламакда! Тилда дуо бирла, дилда дунё бирла, деб шуни айтадилар! Биз бул хусусда халифанинг ўзларига ҳам иншо битмакни ният қилиб қўйдик. Алхамдулиллаҳи роббил-аъламинийн!

Садри жаҳон Абдулазиз ибн Бурҳониддин мухтасибнинг биқинига туртди:

– Амир ал-муслимин хазратларига бундайчин... нома битмакка Шайхнинг хадлари сифармикан ё бул ҳам... азбаройи раиятпарастлик ваҷҳидин айтилган такаллумми? – деди паст товушда. Мухтасиб Шайх ул-машойихни ўн беш йилдан буён, Бухоро сўфийларига раислик қилган кезларидан биларди.

– Бул турк пирининг феъл-атвори каминага аён, – деди пичирлаб, – магар Расули акрам тирилик келсалар, аларга ҳам хешингизга<sup>1</sup> ипсофу тавфик тиланг, деб итоб айламакдин тийилмас.

Хожа Абдулхолик сездики, кавмлари унинг икки оғиз сўзига мунтазир. Султон ул-орифиннинг таънаи дашномларига жавобан Хожаи жаҳон не дер эканлар, деб оқ саллалик, кўк саллалик кулоҳлигу суртелпақлик қоракўзлар термилиб турибди. Хожа издиҳомга боқиб сукут қилди ва калта йўталиб оғиз очди:

– Шайх ул-машойих жаноблари не деб гуфтигў қилди, аҳли Бухоронинг ҳақкин кўзлади. Кўнгилларига қаттиқ олмасинлар. Амир ал-муслиминга юбориладурғон закот бирла хирож вожиб бир царсадир. Вале, бул миқдор Бухорода бир миқдор зиёдароқ бўлдимки, бул ҳам маҳфий эрмас. Бухорон шарифининг йиллик хирожига баробар молу манот то хануз халифа саройига сафар қилиб турибдир. Ҳазор таассуф! Адлу диёнат тарозусинда бундайчин аъмол ношаърийдир. Зеро ўтин чопқонники, нон ёпқонники бўлмағи лозимдир. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Хожа Абдулхолик юзига фотиҳа тортиб айвондан тушди. Издиҳом Шайх хайъатига йўл бўшатди. Зиёратчилар

<sup>1</sup> «Хешингизга» – Аббосий халифалар Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар авлодидан эди.

хонакоҳ ховлисини тарк этиб, Бухоро кўчаларини селдай тўлдириб кетдилар.

## ДИЁНАТГА ХИЁНАТ

### 24- ф а с л

*Курашда рақибини енгган киши  
баҳодир эмас, балки газаби кел-  
ганда ўзини босиб олган баҳодир.*

Хадис

Салжуқийлар салтанатининг сўнгги султони Санжар Маликшоҳ етти хуфтонда чодиридан безовта бўлиб чиқди. Эшик олдида қилич-қалкон ила қуролланган икки кўриқчи донг қотиб турарди. Улар Султоннинг шарпасини сезиб, ер депсиниб кўйдилар. Санжар тўғри дарёга қараб юрди. Хукмдорнинг балад қоматини, бошидаги бўркини кўриб, аллақайси гўшадан кўрчибоши Такаш Баҳодир етиб келди. «Не гап, хазратим?» дегандек, Султоннинг юзига саволомуз боқди. Сўнг қабатига тўртта соқчини олиб, хукмдорнинг изидан тушди. Теваракни туман қоплаган. Йилт этган юлдуз кўринмайди. Туманнинг зўридан ўн қадамдаги нарса нима-одамми, дарахтми билиб бўлмайди. Такаш Баҳодир Султоннинг ишонган одамларидан эди. Неча замондирки, у хўжасига сидқу вафо бирла хизмат қилади. Мана, хозир ҳам Султоннинг қорасини кўздан қочирмай изма-из боряпти.

Султон дарё лабига бориб тўхтади. Соқчилар уни орқа тарафдан ўраб турдилар. Такаш Баҳодир Султоннинг олдига ўтди, кенг кўкраги билан уни погаҳоний ўқдан химоя қилмоқчи бўлди. Санжар буни пайқаб Баҳодирнинг елкасидан аста тортди:

– Четланинг, Баҳодир. Рақибнинг ўкидин омон қолув мумкиндир, вале Аллоҳнинг ўкидин қутулиб бўлмас.

– Орий рост айтадилар, онҳазрат, – деди кўрчибоши андак четга сурилиб, – бу қасамхўр Отсиздан ҳар не ёмонлик кутса бўлур. Бир тулки етти қашқирни тумишуғидан судраб юрур эрмиш.

– Такдири азалда не битилган бўлса, муқаррар воқе бўлғусидир, – деди сўник товушда Султон, – менинг, сизнинг, жумлаи мўминнинг бу фоний дунёдан қачон кет-

магимиз она қурсоғинда аён бўлар эрмиш. Тақдирдан қочиб қайга боргайсиз, баҳодир? Биз илгари кетгаймизму дорулбақога ва ё ул каззоб Отсизму, Яратганнинг ёлғиз ўзига раншандир!<sup>1</sup>

– Ҳаққи рост, – деди соқчилар сардори, – бу ёлғон дунёга барчамиз меҳмонимиз, олампадох. – Ҳар не бўлсада, охиратда Аллоҳнинг ўзи шафоатини дариг тутмасин.

– Баҳодир, оғоч келтириб гулхан тахлангиз, – деди Санжар дарёга маъюс тикилиб, – олов тафтини соғинибдурмен.

Такаш Баҳодир бир соқчига ияк қоқди. Соқчи слиб кетди. Салдан кейин навкарлар кучоқ-кучоқ саксовул келтирдилар. Султоннинг хос мулозими юмшоқ ўриндик кўтариб келди. Санжар унга писанда килди:

– Бул ер саройдаги саломхонами, кади калла! Пастак бир оғоч кифоя.

Мулозим ўриндикни кўтариб изига югурди. Навкарлар саксовул қалаб ўт қўйдилар. Ҳаво совуқ, оғочлар нам тортган эди, чирсиллаб, кўкиш тутун қайтариб базўр ёнди.

Мулозим топиб келган фўлани кўрчибоши гулхан олдига қўйди. Султон кашқир терисидан тикилган узун пўстинининг этаклариши йириштириб тўнкага чўқди. Бир газча келадиган таёқ олди. Минг бир буралиб, атрофга кумуш учқунлар сачратиб ёнаётган оловни аста-аста туртиб гуркиратаркан, жисми жонига ўт туташгандек бўлди. Туркнинг қадим лутфи ёдига келди: «Исинмадим оловингга, кўр бўлдим тутунингга. Воҳ ажаб, бу даҳридунда не ҳодисот содир бўлса, изинан бир ҳикмат туғилар эмиш. Баайни Отсизга қарата айтилгандек...»

Рўпарадан, қалъа тарафдан азон товуши эшитилди. Хуфтон ўтган, бомдодга ҳали фурсат етмаган эди. Султон илкис бош буриб кулоқ осди. Одатан, бирон фалокат юз берганда ёхуд жангу жадал олдидан бевақт азон айтилгуси эди. Санжар, «Ул бставфиқ тун чопқунига ҳозирлик кўрмоқдаму?» дегандек, тордек қорайиб турган азим қалъага тикилиб қолди. Такаш Баҳодир ҳукмдорнинг олдига яқин келди, эгилиб паст товушда деди:

– Кўнгилларини тўқ қилсинлар, ҳазратим. Ул нобакорлар, биз ҳамон тирикдирмиз, деб сас бермақда. Илло

---

<sup>1</sup> Дарҳақиқат, аввал Хоразмшоҳ Алоиддин Отсиз фалажга йўлиқиб, оламдан ўтди, бир йилга етар-етмас Султон Санжар ҳам вафот этди.

девордан калла чиқармоққа хадлари йўқдир. Мерганларингиз ўқни камонга жойлаб аларнинг манглайин нишонга олиб ўтирибдилар.

Султон хўрсинди.

— Эл оғзида бир матал борким, тирик бўлиб тўрда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ, демишлар.

Кўрчибоши тагин таъзим бажо келтирди:

— Азият чекмасинлар, давлатпаноҳ. Эл оғзида доғи бир матал борким, сечанинг<sup>1</sup> ажали етса, бургут бирла ўйнашар эмиш. Ичмак-емаклари товсилғоч, кулдай мўйин эгиб кошингизга чиқиб келгай, иншооллоҳ.

Азон товуши тинди. Қалъа тарафдаги гала-говур ҳам босилди. Султон қалъадан кўз узмай тикилиб қолди. Хаёл карвони етаклаб, уни олис ўтмишга олиб кетди.

...Алоиддин Отсизнинг насл-насаби қулларга бориб тақаларди. Бобоси Ануштегин салжуқийлар саройида таштдорлик қилгувчи эди. Гарчи зохиран у ғулум эрса-да, салтанатга жидду жаҳд ила хизмат қилди. Султон Маликшоҳ ҳам унинг садоқатини қадрлади. Хос махрамлари қаторига кўшди, мутасарруф уивони билан тақдирлади. Мутасарруф девондаги нуфузли мансаблардан бири эди. Бу мансаб соҳибининг ихтиёри ўзида, хар лега қодир, вазиятга қараб, султон номидан иш кўришга ҳам ҳақдор эди.

Ануштегин Хоразм диёрининг волийси рутбасига етолмай оламдан ўтди. Зеро, бу мартаба унинг ўғли Қутбиддин Мухаммадга насиб этди. Султон Санжар ибн Маликшоҳ оғаси Баркеруғ кўмагида Хуросонни буткул забт этгач, Қутбиддинни ўзига яқинлаштирди. Унга Хоразм ҳокимлигини тортиқ қилди. Қутбиддин отасининг йўриғини маҳкам тутди, янги ҳукмдорига сидқу вафо намунасини кўргазди. Яқин ўттиз йил ахли фазлга муруват қилди, раиятга ранжу азият етказмади, султоннинг хазинасини зиёда этди, унинг дўстини дўст, рақибини рақиб деб билди.

Қутбиддин ҳам бу фоний дунёдан яхши ном бирла рихлат қилди. Ундан Алоиддин отлик бир зурриёт қолган эди. Султон Санжар бул навжувонни кўз остига олиб юрар, Алоиддиннинг фаросати, жўмардлиги, зукколиги

<sup>1</sup> Сеча — чумчук, умуман, митти қушча.

уни маҳлиё этарди. Ўғлон Султон Санжар саройида аҳли қалам, аҳли шамшир орасида вояга етди, дуркун йигит бўлди. Отган ўқи нишонга бехато тегар, айтган сўзи кўнгилларга шодлик элтарди. Санжар Алоиддинни савоба фарзанд деб бағрига босди ва Хоразм тахтига ўтқазди. «Тоza ариқдан тиниқ сув оқур, — дея умид қилди, — ок буғдойнинг бошонида курмак не қилсун?» Ўшанда Алоиддин ибн Кутбиддин Отсиз хали ўттизга ҳам чиқмаган норғул баходир эди. У нон-туз берган раҳнамосининг оёғини ўпди, то киёмат қадар содик қулингизман, падарим ўрнида падари бузрукворимсиз, деб қасам ичди. Султоннинг жангу жадалларида узангидош бўлди. Санжар ундан рози эди. Бир сағирнинг бошини силаб Аллох хукмини адо этганига шукр қилди.

Санжар тарин хаёл уммониға фарқ бўлди. Кўз олдида ўн йил бурунги машъум ходиса гавдаланди.

...Азим Сайхун этагидаги Жанд, Янгикент, Сиғноқ, Соброн каби шаҳарлар қадимдан салжуқийлар тасарруфида эди. У тарафнинг тупроғи енгил, чорваси семиз, халқи саҳрои бўлса-да, толиби ислом эди. Алоиддин Отсизга Хазор атрофи торлик қилиб қолдимиз, давлатпаноҳининг мулкиға кўз олайтирди. У бир оқшом лашкарбошиларини тўплаб, машварат қилди. Минбаъд мустақиллик эълон этажагини, яъни Султон Санжар тобелигидан чиқажагини маълум қилди. Буни эшитиб, Санжарнинг қўли ёқасиға борди: «Ҳамоқат бул, ҳамоқат. Наҳот... илқингдин нон-туз олғон сакбачча боз қўлингни тишласа? Навзамбилло!»

Не ажабки, бу шум хабар рост эди. Алоиддин Отсиз хуфиёна Жанд сари отланди. Сайхун ерларини қорат қилди, қалъаларға ўт қўйди, одамларни ўлдирди, аҳли аёлини асир қилиб олди, Санжар қўйган кутволлар ўрниға ўзининг вакиллариини тайинлади.

Султон Дашти Қипчоққа кўшин тортди. Алоиддин қочди. У юлғунзору саксовуллар ичра бекиниб юриб Гурганжға етиб келди ва қалъаға яширинди. Султон қалъани қуршовға олди.

Қағтол жанг бир ойча давом этди. Хоразмшоҳнинг ўн мингта яқин аскарини шахид бўлди. Улар орасида Алоиддиннинг суюкли фарзанди Муҳаммад Отлик ҳам бор эди. Шундан кейингина Отсиз таслим яловини кўтариб қалъадан чиқди. Султон унинг қонталаш башарасиға, афтодаҳол

туришига узок тикилди. Беихтиёр қўли қилич дастасига югурди. Отсиз дарров тиз чўкди. Тавба қилди. Султон қўлини қиличдан тортди. Бир оғиз «Имонсиз!» деди, холос. Окпадарнинг хунидан ўтди. «Аллоҳ ажрини берди, бас. Фарзанд доғидан ортиқ боз не жазо керак бу итга?»

Отсиз бир тўда аскарни билан бош эгиб дарёдан ўтиб кетди. Бир ойдан сўнг савганднома ёзиб юборди. Савганд — бу Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичиш дегани эди. Санжар қўли титраб савгандномани ўқиди: «Густохлик этдим, окпадар бўлдим, валинъматим. Юз бора эгилиб, минг карра мўйнимни букиб сизга таъзим этажакман. Осий қулингизни афв этинг! Яраггани ўнгинда қасам ичаманки, мундиб буён йўлингизни кесиб ўтмакни хаёл этсам, тил тортмай ўлай... Туймадек молингизга кўз олайтирсам, кўзим оқиб тушсин, қулоғим қар, оёғим шол, тилим гунг бўлсин... Валлоҳи аълам биссавоб».

Султоннинг феълида мурувват ила халимлик устувор эди. У Отсизнинг қасамига инонди, гуноҳини кечди. Вале Султон «Қасамхўрда вафо бўлмас», деган ҳикматнинг мағзини обдан чакмаган экан. Уч йил ўтар-ўтмас Отсиз ўзига тахту бахт берган раҳнамосининг ортидан тагин қилич ўқталди.

...Қорахитойлар Самарқандга хужум қилди. Санжар дарҳол улуғ қўшин билан жангга отланди. Буни кутиб ётган Отсиз Бухорони босиб олди. Шаҳарнинг ҳисор-қўрғонларини бузиб ташлади. Қўлига тушган нарсани Гурганжга ташиттирди. Сўнг салжукийлар пойтахти Марвни эгаллади. Султон хазинасини ворат қилди. Аҳли дониш ҳисобланмиш бир неча уламони қатл эттирди.

Санжар қорахитой хони Гўрхондан шикаст еб қайтганида Бухоро ҳам, Марв ҳам вайрон эди. Буни кўриб, бир дарди мишг бўлди: «Бегонани зарби танингни оғритар, ўзингники — жонингни. Минг лаънат бўлсин сенга, ўғрибачча! Худога солдим сени, худога».

Санжар қорахитойлар билан бўлган жангда беҳад талафот кўриб, хориган, наинки тап яраси, кўнгил яраси ҳам битмаган эди. Султон тишини тишига қўйиб сабр қилди. Қўшин тўплади, яроғ ҳозирлади, бардош ила Аллоҳ иноят этадиган кунларни кутди. Ва, ниҳоят ғайб ишорати ила ношукр риёкорнинг кўзини очиб қўйгани бел боғлади.

Бу сафар ҳам жанг узоқ давом этмади. Санжарнинг темир исканжасидан қутулиш йўлини тополмагач, Отсиз таслимга келди. Уламоларни ўртага қўйиб омонлик тилади, тагин қасамнома ёзиб чиқарди. Қуръон билан, еган ношию ичган тузи билан, мархум ота-онасининг руҳи билан қасам ичди. Санжарнинг барча хазинасини қайтариб берди.

Санжар яна бўш-баёвлик қилди. Иккинчи бор оқпадарнинг гуноҳини кечирди. Отсиз дарёнинг ўнг соҳилига ўтиб отдан тушди, ер ўпди ва орқасига қарамай жўнади. Қози Хусан Муҳаммад Султонга ўгирилди:

– Олампаоҳ, қасамхўрнинг қасами мисли хубоб демиш, машойихлар. Ул маккор илон. Бошини янчмоқ вожибдур. Бул баттол доғи бир кун наво бошламаса деб кўрқадурман.

Султон рози бўлмади.

– Биз аҳли жамоат олдида оят ўқиб, ани фарзанди савоба, деб қабул айлаган эдик. Нечук ўз фарзандимизни қатл этажакмиз. Ит-ит экан, билсак, итнинг жазоси калтак.

Таассуфки, қозикалон ҳақ бўлиб чиқди. Мана, энди фарзанд деб аталмиш ўша қасамхўр учинчи бора эгасини қонмоқда.

Султон Санжарнинг бир одати бор эди. Қишнинг тўксони бошланишидан бурун у лашкарига тарқол эълон қилар эди. Қошида хос навкарларию бир-икки туман шаҳар кўриқчилари қоларди. Сарбозлар қиш бўйи аҳли аёли бирла маишат қилар, яровини тузатар, бўлғуси жангларга ҳозирлик кўрарди. Бу русумни хўб билган Отсиз қорли-қаровли кунлар бошлапмай туриб отини қамчилади. Боз Сайхун бўйидаги эл-улус устига чопқун ясади. У то Султон уй-уйида истироҳатда ётган тарқок лашкарини тўплагунча мўмай ўлжа билан қайтмоқни ният қилган эди.

Санжар ўртанди, ёнди. «Алхазар, – дея ўқинди, – бу дунёнинг иморатини вафо устунлари тутиб турар эрмиш, вале томи хиёнатдан ёпилмиш. Начора, қўйни ҳам ўз оёғидан осарлар».

Бир ҳафтага қолмай ўттиз минг аскар жам бўлди. Сўнги марта диёнатга хиёнат қилган бебош ила жангга шайланди. Отсиз бепоён Қорақумдан бошлана тополмай,

тагин Ҳазорасп қалъасига келиб жон сақлади. Икки ой-дирки, у қамалда. Гоҳо сара сипохлари билан чиқиб олатасир жанг қилади-ю, тагин қалъага бекинади. Сан-жар тўрт томонга пистирма қўйиб, чекинув йўлини тўсиб ташлаган эди. Отсиз буни билади. Аммо мағлубман деб ялов ҳам кўтармайди, шақолга ўхшаб увиллашни ҳам бас қилмайди.

Нихоят, Султон Отсизга нома битиб киритди: «Магар-чи сен бизга мухолифлик қилгайсан, мухораба андишаси орадин кўтарилмас. Билъакс мувофикот айлар бўлсанг, сулҳу амният расмин бажо келтиргаймиз. Вассалом». Хукмдорининг мактубига жавоб беришни Отсиз раво кўрмади, аксинча, сарой шоири Рашидиддин Вотвотга хажвий байтлар тўқиттириб қалъа деворидан отди. Сан-жарнинг қувваи ҳофизаси кучли эди. Вотвотнинг сўнгиги бир байтини хотирлади:

*Гар хасми ту, эй шоҳ, бувад рустами гурд  
Як хар зи Ҳазорасп натованад бурд.*

Султон бу хажвнинг Вотвотга тегишли эканини биларди. Ичида фикрини: «Ўшал назмгўй кўлимга тушса, етти пора қилгайман!»

...Совуқ забтига олди. Туман тарқаб, дарё бети аник-таниқ кўзга чалинди. Субҳи содиқ яқин эди. Санжар чигал хаёлларига ечим кутгандек, оқар сувга термилиб қолди. Дарё ўртасида ёнғокдек пуфаклар пайдо бўлди. Бир вақт улоқдай келадиган лаққа балиқ отилиб чиқди, думини бир ўйнатиб тагин сувга шўнғиди. Санжар ёнбошига қаради:

– Камонингизни беринг! – деди кўрчибошига. Такаш Баҳодир дархол ўқ-ёй билан камонни тутқазди. Сан-жар камонга ўқ жойлаб, сувга тикилиб турди. Шу пайт ҳалиги лаққа боз учиб чиқди. Санжар ичида «Бисмилло!» деди-ю, балиқнинг бошини кўзлаб ўқ узди. Балиқ бир сакради ва сув юзасида узун тушиб ётиб қолди. Ўқ унинг кўзига теккан эди.

– Тасанно, ҳазратим! – қуллук қилди кўрчибоши, – знағарнинг дал кўзидан урибсиз. Беназирсиз, беназир. Анов кўршапалак Отсиз-да, бир отувингизга мухтождир, давлатшоҳ...

– Амири лашкарга айтинг, тарколга хозирлик кўрсин, – деди Султон. Такаш Баходир «Хов нечук, хазратим?» дея бакрайиб қолди. Сўнг чап бикинида осилиб турган қиличини пайпаслаб лашкарбошининг қароргоҳи томон йўрғалаб кетди. Султон Санжар ўрнидан туриб чодирга қараб юрди. У камалдан зерикди. Билади, озиқ-овқат билан сув захираси адо бўлгач, Отсиз ноилож майдондан чиқиб таслим байроғини кўтаради. Аммо фурсат ғанимат эди. Султон пири комилдан нома олган эди. Шайх ул-машойих Самарқанддин йўлга чиққан, хозир Хоразм йўлида бўлса ажаб эмас. Санжар Аҳмад Яссавий-дек пири муршидни мана бундоқ харбу зарб ичра кутиб олмоқни ўзига номуносиб деб билди. Шу боис у сувга термилиб ўтириб бир ҳийла ўйлаб топди. Гўёки чекинган бўлиб жанг майдонини Отсизга бўшатиб бериш лозим. Рақиб аскарлари қалъадан чиқиб хушёрликни бой бергач, тўсатдан хужум бошлаш керак.

Султон чодирга кириб курол-яроғини тақди, унғача амири лашкар етиб келди.

– Қўшинни дарёнинг у бетига ўтказинг, – деди Султон ковоғини уйиб, – бир-икки кун кўздан ори турайлик. Сўгин шабихун ясаймиз.

Лашкарбоши ҳукмдорнинг ниятини пайқади, дархол таъзим қилиб изига қайтди.

Бомдод намозига азон айтилиб, салоту саловот адо этилгач, қўшин кўчди. Пешинга бориб қалъа атрофида салжуқийлардан бир жоп қолмади. Дарё лабида ўн-ўн бешта от билан бир сурув қўй ўтлаб юрар, уларнинг кетида увада кийимдаги икки йигит калтак ушлаб турарди. Булар Султон Санжарнинг хос навкарлари эди.

Қалъа кунгураларидан манзарани кузатиб турган хоразмийлар поғора уриб тантана қилдилар. Энди дарвозаларни очиш мумкин, энди Гурганж сари отланса бўлар, деб ўйланди. Отсиз ҳар аҳтимолга қарши ташқарига булғомиш, яъни хуфия даракчиларни чиқарди. Айюқчилар қалъани гир айланиб таҳқиқ қилдилар, пистирмадан номнишон топмагач, Отсизнинг олдига келиб тиз чўқдилар:

– Қорасини ўчирибди ул ўғизлар, хазратим. Хаз этиб бир дейро бўйина бороли энди.

Дарвозалар очилди. Аскарлар от қўйиб ташқарига чиқа бошладилар. Икки ойдан бери айниган сув ичиб,

емишдан азият чеккан сипоҳилар тоза ҳаводан маст бўлиб ўзлигини унутдилар. Отларнинг эгар-жабдуғи олинган, ҳар ер-ҳар ерга чодир у қора уйлар тикланган, гулханлар ёқилган, дошқозонлар осилган...

Отсиз иккала қўйчибонни ҳузурига чорлади.

– Санжарийлар не ера кетдилар? Билганларингни айтинглр!

Навкарлар бошлари ерга теккунча таъзим қилишди.

– Билганимиз шул, шохим, – гап бошлади биринчи навкарчўпон, – салжуқий пошшони пири галастир эмиш. Хожа Аҳмад Яссавий деян...

Иккинчи навкар гапни илиб кетди:

– Ўшал пирини пешвоз эткали Бухоро тарафлара йўл олибдир.

Отсиз «Хм-м» дея соқолини силади. У Санжар билан Пиру Туркистон орасида илиқ муносабат борлигини билар, аммо Шайхнинг бу тарафга азимат этганидан беҳабар эди.

– Пири қачон келар эмиш, кулоқларингга чолинмади-му?

– Чолинди, шохим. Бухородин дейрогача йўк деганда уч ҳафталик йўл. Сўғин Марв орқали Макка сори кетар эмиш...

Отсиз ямланди. Энеса қашиди. Сўнг навкарларга жавоб бериб юборди. Иккала навкарнинг тиззаси қалтираб турарди. Жонлари омон қолганига шукрона айтиб бир зумда ғойиб бўлдилар.

Хоразмийлар маишати уч кун давом этди. Биринчи кунлар улар атрофга кўз-қулоқ бўлиб, хавотирланиб туришган эди. Санжарийлардан дом-дарак бўлмагач, аскарлар майлларига бутунлай эрк бердилар. Ён кентлардан меш-меш қимиз, хумларда мусаллас топиб келдилар. Ялпи майхўрлик, беғамлик, роҳат-фароғат, ўйин-кулги бошланиб кетди. Отсизнинг одамлари қуршовдан энди чиққан бандиларни эмас, дунё беҳабар банги девоналарни эслатарди.

Бу орада Султон Санжар лашкарини кун чиқишдан кун ботишга олиб ўтган эди. Тўртинчи кун у хуфтон намозидан кейин уламои киромлардан оқ фотиҳа олиб туйқус хужумга ўтди. Қалъа теварагида қиёмат қўнди. Шабистонда Отсизнинг аскарлари қора уйлардан иштон-

чанг чиқиб ҳар ён чопар, яйлоқ ўтлаб юрган отларини излар, устларига дагишдай бостириб келаётган санжарийлар қиличидаш қочгани жой тополмай уввос соларди.

Ниҳоят, тонг отиб, дўст билан душман бир-бирини танийдиган бўлди. Энди хоразмийлар ҳам анча жанговар қиёфага кирган, мардона туриб саваш усулини кўрғазарди.

Уруш то шомгача давом этди. Отсизнинг неча минглаб аскарлари нобуд бўлди. Найза еб йиқилган отлар қони билан шахидлар қони қўшилиб оқди. Қалъада кий-чув, фарёд кўнди. Атрофга тун пардасини ёйганда бош дарвозадан жулдур кийимли букри киши чикди. Унинг қўлида оқ ялов, ортида уч-тўрт отлик, ёнида кўк саллалик қариялар бор эди.

Санжар бодом тусли бедовида олисдан муҳорабани кузатиб турарди. Мерганларга «Ўқ отманглар!» дегандек имо қилди.

Элчилар етиб келди. Тери пўстин кийган оқ яловли киши Ҳазораспадаги манзур зоҳид Охупўш ота эди. У тўғри Санжарнинг олдига келиб, яловини аста бедовнинг оёқларига қўйди. Алоиддиннинг суворийлари ҳам отдан тушди ва хоразмийларнинг тим қора, тўртбурчак туғини Санжарнинг олдига ташлади. Охупўш ота Тангри номидан «ул бадқирдору бадфеъл гумроҳнинг» гуноҳидан ўтишни сўради. Унинг ортида саф тортган уламолар Султон шаънига мадҳу сано ўқиб, лаззати интиқом Санжари мозийдек шаҳаншоҳи жаҳон рутбасига нолайик бир юмуш дея, амният тиладилар.

Султон отининг бошини буриб, қароргоҳи томон юзланди.

Тонг отди. Музаффарият билан қутлагандек чарақлаб офтоб чиқди. Санжар шоҳона либосда чодирини тарк этди. Кўриқчилар қуршовида дарё томон юрди. Сув бўйига бориб тўхтади. Жайхун кўпириб оқар, асов тўлқинлар гўё Султонни алқаб чапак чалаётгандек эди. Санжар атрофига аланглади. Дунё кенгайиб кетгандек эди. Азим чўл ҳавоси, дарё эчкини, тиниқ самодаги майин офтоб бирдан руҳиятини яшнатиб юборди. Ортига ўгирилди. Ўн икки қанотли нилий ипак чодир узра тўқ ложувард рангли туғи ялтираб турарди. Туғ ўртасида икки бошли бургут гўё Машриқу Мағриб сари бош буриб парвозга шайлан-

гандек, бургут олдида камонга жойланган ўк рақибни нишонга олгандек.

Санжар ўркак-ўркак тўлкинларга хаёлчан тикилиб тураркан, кўнгли оғриб, бугунги ғолибият, пири комилни ёруф юз ила қарши олажаги учун Аллоҳга шукроналар айтди.

Мунший нома келтирди. Отсиздан экан. Султон «қасамхўрда лафз бўлмас» деб уни ўқишни истамади. Мунший бидиллади.

– Шаҳаншоҳдин ижозат бўлса, у бебош бош уриб куллуққа келар эмиш.

– Шу ерга келсин! – деб ер тепинди Султон. Мунший талмовсиради.

– Ҳузурингизга келгани... бети йўқ эрмиш. Дарёнинг ул юзида туриб таслим бажо айлар эмиш.

Султон истехзоли илжайди.

– Бети билан кетининг фарқи қолмаганидан сўнг... нечук келгай...

Кўрчибоши гап қўшди:

– Ҳазратим, буюрсалар каззобни тутиб келтиргаймиз.

Санжар иккиланди. У жанг олдида «Отсиз кўлга тушса, калласидан жудо этажакман», – дея қасд қилган эди. Аммо пири муршид ташрифи арафасида кўлини қонга булғаб ўтиришни лозим кўрмади.

– Сўнгги бор қонидин кечдик, окпадарга айтингиз, – деди Султон.

Бир оздан кейин Жайхуннинг ўнг қирғоғида бир тўда отлиқ пайдо бўлди. Улар орасидан оқ тулпор минган Алоиддин чиқиб келди. У дарё лабига келиб отидан тушди. Саждага бош қўйгандек уч карра ерга юкинди. Сўнг отига ирғиб минди-ю, навкарлари билан қум ичига кириб кетди.

«Вассалом! – деди ичида Султон. – Иншооллоҳ, анинг бетини қайтиб кўрмагайман»<sup>1</sup>.

Султон чодирига қайтди. Эшик олдида оломон ғужғон ўйнар, лаънатомуз гаплар, кулги, илтижо эшитиларди. Шохни кўриб халойиқ йўл берди. Санжар ичкари кириб тилло тахтига чўкди. Шу заҳоти кичкина кўсанамо кимсани судраб кирдилар.

<sup>1</sup> Дарҳақиқат, Султон Санжар билан Алоиддин Отсиз бошқа кўришмадилар. Ун йил орасида иккала ҳукмдор ғламдан ўтди.

– Олампанох, Рашидиддин Вотвот деган шоири замон шул эркан, – деб таъзим қилди бош вазир Муштабиддин.

Султон шоирга бошдан-оёқ разм солди. Вотвотнинг бўйи икки газча келар, иягида сийрак соқол, бошида кўк салла, кулчадек сарғиш юзида сепкил изи. У муздек сувдан чиққан мушук боласидек дағ-дағ титрарди.

Султон мулойим товушда сўради:

– Мавлоно, қалъа деворидин отилган ашъорни жаноблари битган эрдими?

– Ҳовва, шаҳаншоҳим, – деди аранг бош кўтариб Вотвот.

– Нечук бундай густохлик эгдингиз? Қазойи қадар, анинг жавобин берурман деб андиша қилмадиларми?

Вотвот Султоннинг юзига тик қаради.

– Биродарингиз Анварийнинг саломига алик олмокни фарз деб билибмиз, шоҳим...

Султон ковоғини уйди.

– Қатлингиздан бурун айтинг-чи, мавлоно, Хазораспдан бир эшак ҳам ололмассиз дея башорат қилган эдингиз. Мана шукрим, эшак ўрнига бир куррага эга бўлдик. Хўш?

– Орий рост, давлатпанох, – деди Рашидиддин ва кўкрагига нуқиди, – бу курра бир кун эшак бўлғусидир, вале икки дунёда от бўлолмағай.

Вотвотнинг зарофатли гапига Султон қаҳ-қаҳ уриб кулди. Рашидиддин бир тарафдан ўзини эшакка тенглар, иккинчидан гапим, гап, от ололмассиз дея қайсарлик қилаётган эди. Султон лабини тишлаб бир неча сония сукут сақлади, сўнг қўрчибошига ияк қоқди.

– Бул аблаҳни етти пора қилинг!

Вотвотнинг жони товонига тушиб кетди. У гул этиб юз тубан йиқилди. Анчагача бош узмай ётди. Сўнг, инграб гавдасини кўтарди. Унинг тугмачадек кичкина кўзлари тўла ёш эди. Тили калимага келмай ёлворди.

– Шаҳаншоҳим... ўлим олдидан қотилга ҳам сўз берарлар...

– Сўйланг!

– Қатлимга розидирмен, шаҳаншоҳ... қаранг сечадек жуссам бор... ўзимни бежиз Вотвот дсмайдилар. Мен ғарибни не еримни етти пора этарлар. Буюринг шохжаҳоним, мени икки пора этсинлар.

– Жон ширин экан-у, шоир? Қалъадан отилган байтларингизни ўқиб хаз этган эдик, ўзлари ҳам аросатга сайр этгандек бўлдилар чоғи?

Вотвот ҳамон янтоқ баргидек титраб турарди. Султон боз ковоғини уйди.

– Бу қуррани эшакка миндириб, элдин чиқарингиз. Тўрт томони қибла.

Вотвот хўнграб йиғлаб юборди. У бир ўлиб қайта тирилган эди.

Султон чодирда танҳо ўтирибди. У хаёлга толди. Хоразмшоҳ билан бўлган икки ойлик машмашани, Отсизнинг дарёнинг у бетида туриб омонлик тилаганини, ҳозиргина чодирда шоирнинг хўнграб йиғлаганини... йигитлик айёмларини, баски, ўтган умрини бир-бир элақдан ўтказди. Кўнгли сидирилди. Чап кўкраги ачишди. Ўзида беҳудлик сизди. «Қарибмиз... сафо боғлари хазонга юз тутибдир».

## АДОЛАТ ҚЎНФИРОҒИ

### 25- ф а с л

*Доно подшо шоирнинг эшигини тақиллатади, нодон шоир шоҳлар эшигини тақиллатади.*

Қадим хикмат

Султон ул-орифиннинг Аблақ<sup>1</sup> деб аталмиш чошқир оти бор эди. Ҳазрат уни буткул Бобо Мочиннинг ихтиёрига топширган. Бобокул тоат-ибодатдан холи кезларда Аблақнинг ёнидан жилмайди: сувогга олиб бориб суғориб келади, ювиб тарайди, емтўрвасини бўш қўймасликка уринади. Аблақ ҳам Бобоқулдек елоёқ, бир лаҳза тиним билмайди, бир ерда узок турса пишқириб, безовта бўлаверади. «Мен ҳам учқур, сен ҳам учқур» деб қўяди баъзан Бобокул ва Аблақни етаклаб дала-даштни кезиб келади.

Бир куни шайх сайисхонага кирди. Кўрдики, оти ер депсиниб жилов узмоқчи бўлиб турибди. «Бул ҳам зерикибди, Бобокул, – деди Ҳазрат, – йўл ҳозирлигини кўринг. Аллоҳ насиб этса, жума намозин ўтқариб йўлга чиққаймиз».

<sup>1</sup> Аблақ – оқ ва қора аралаш, ола-була от.

Яссавий тариқатига кўра, олис сафар олдидан бир кур зикр тушмоқ вожиб эди. Шайх устоди аввал Арслонбобнинг фарзанди, якин маҳрами Мансурхўжани чакириб жума кунига зикр буюрди. Мансурхўжа сездики, Бухоро сафари қарибди. У таъзим қилди:

– Пирим, бухорийлар бизнинг жаҳрияда зикр тушмакни ихтиёр этибдилар. Жанобимиздин изн бўлса, аларнида сафимизга олсак...

Ҳазрат тасбех ўгириб такбир айтиб ўтирган эди. Бир муддат хаёлга толди. Зикр хусусида Фиждувоний тариқатига мансуб дарвишлар ила яссавийлар ўртасида андак ихтилоф бор эди. Фиждувонийлар зикри хуфя тарафдорлари эди. Улар Аллоҳ номини қалбдан туйиб, сассиз, қалбан зикр этмакни афзал деб билардилар. Яссавий сулукидаги дарвишлар Аллоҳ ёдини зоҳиран ва ботинан, тилда ҳам, дилда ҳам бирдек шарафламак фарз деб санайдилар.

Шайхнинг кўнглидан ана шу муқояса ўтди-ю, бош кўтариб халифасига қаради:

– Аллоҳ таоло аларнинг кўксига зикри алонийа завқини солгон эркан, изн беринг, жаҳрияга келсинлар.

Мансурхўжа кўлини кўкрагига босганча изига қайтди.

Бир оздан сўнг хонақоҳ ҳовлисида жаранг овоз эшитилди. Сулук сардори толибларни зикрга чорларди:

*Хув ҳалқаси қурилди,  
Эй, дарвишлар, келинлар!  
Ҳақ супраси ёйилди,  
Ондин улуш олинлар!  
Қол илмини ўқибон,  
Ҳол илмига етибон,  
Йўқлик ичра ботибон  
Борлиқлардин олинлар!*

Қавс совуғида тор хужраларда бекиниб ётган дарвишлар бирин-кетин чиқиб кела бошладилар. Ярим соат чамаси вақт ўтди. Хонақоҳнинг кенг, чорбурчак ҳовлиси зокирлар ила тўлди. Мансурхўжа қарс уриб, Туркистондан келган дарвишларни халқага тўплагач, оломон иккига айрилди. Ҳазрати Яссавий муридлари сулук расмига кўра доира ясаб, бир-бирларининг елкаларига қўл ташладилар. Мансурхўжа такбир айтди, сўнг Султон

ул-орифининг ўтли бир хикматини ўқиди. Шу пайт Шайх-ул машойих билан Абдулхолик пайдо бўлди. Икки пир халқа рўпарасидаги лойсунага тўшалган гиламга чўкдилар. Шайх зикрга ижозат бериб, фотиҳа қилди. Яссавий сулукидаги зокирлар гоҳ чап, гоҳ ўнг тарафга аста-аста чайқалиб зикр туша бошладилар. Уларни ажаб-товур қизиқиш билан кузатиб турган хожагон тариқати вакиллари – зикри хуфячилар ҳам турган ерларида беихтиёр самоъ оҳангига тебрана кетдилар. Зикр шиддатли тус ола бошлади. Энди бухорийлар туркистонликларга таклидан елка оша қўл ташлашган, улар ҳам «Ё хув! Ё ҳақ!» дея баралла товушда зикрга тушиб кетганларини сезмай қолдилар.

Бу ажиб манзарадан мутаассир бўлиб ўтирган икки вали, икки дўст ўзаро кўз уриштириб олдилар. Шайх ул-машойих зикри жаҳрия ила зикри хуфя орасида ихтилоф кўрса танаси яйрайдиган маломатчиларга хаёлан мурожаат қилди: «Ҳақ таоло дийдорига етмоқ йўли бисёр эмиш. Биров шокир бўлиб етгай, биров содик бўлиб, тағин биров ошиқ бўлиб. Аларнинг барчаси зокирлардир. Бас, бул мўминлар орасида нифоқ солмоқдин муддао недур? Қиёматлик биродарим, мавлоно Абдулхолик жанобларининг лутфини эсланг: дари шайхиро банду дари ёриро кушой. Бул хикматнинг мағзин чаксинлар. Шайхлик маснади ўз холина, дўстлик риштаси ўз холина. Биз ҳам деймизки, ин кор намекунем, вале инкор намекунем».

Шайхнинг кўнглидан кечаётган гапларни валийлик рутбаси – савки табиий ила илғаб ўтирган Абдулхолик кулимсираб бош ирғади ва туркийда тасдиқлади:

– Орий рост айтдилар, Шайхим. Биз ул ишни адо этмаймиз, вале бул ишни-да инкор этмагаймиз. Қалб ягонадир, икки бўлакка бўлинган қалб икки пора гўштдир, валлоҳи аълам биссаваб.

Бу пайт зикр тобора авж пардага чиқиб борарди. Зокирлар ғарқоб терга ботган, яратганга ҳамду сано айтиб, муножот қилаётган дарвишларнинг жаранг овозидан гўё хонақоҳ хужралари ҳам титрар, хув тортиб хаёлан ломақонда кезаётган шокирларнинг қай бири яссавий, қай бири виждувоний – англаб бўлмасди. Аслида улар бир дарахтнинг турфа шоҳлари, аҳли сунна вал жамоа эди.

Зикр ниҳоясига етди. Холдан тойган зокирлар тагин хужраларига тарқалдилар.

Эртаси бомдод намозини адо этиб, Шайх карвони Марв сари йўлга тушди. Абдулхолиқ Фиждувоний саман отда, Султон ул-орифин кулранг йўрға отида. Икки пирнинг бедовлари ёнма-ён аста одимлайди. Икки жиловдор Бобо Мочин билан Ориф Ревгарий елка уриштириб, бир-бирига гурунг беради. Ортда мишг нафарга яқин талаб аҳли, Бухоро волийсининг махсус қўриқчилари. Абдулхолиқ Фиждувоний Шайхни шаҳардин етти фарсах узатиб қўйишни ният қилган эди. У эгарда қаддини тик тутиб ўтирган дўстига киё боқади. Шайхнинг дарду ҳолатини билмокчи бўлади. Ниҳоят, у кўзларини юмди, нури басир ила кўрдик, Шайх Бухоро аҳли бирла, ҳамсабани Абдулхолиқ Фиждувоний бирла видолашмоқда. Абдулхолиқ дарҳол дўстининг кўнглига кўнгил риштасини боғлади. Икки қалб аро ботиний, дил суҳбати бошланди:

**ЯССАВИЙ.** Дийдор қиёматга қолди. Биздин ризо бўлинг, дўстим. Биз туфайли ранжу ано тортқон бўлсалар, маъзур тутқайсиз.

**АБДУЛХОЛИҚ.** Минг қатла розидурмиз, Шайхим. Фурсат бўлдик, бир бурда нонни икки бўлиб едик. Бир сажжода иккимизга кифоя қилди. Бухорои шарифда ишқ дўконин бино этган бўлсак, жаноблари туфайлидир. Сизда ризо бўлинг, Шайхим.

**ЯССАВИЙ.** Толибларга ишқ дўконин курмокни пири комил Ҳамадоний ҳазратлари иккимизга буюрмиш эди. Аллоҳ устознинг қабрларини муаттар қилгай. Ўшал пири муршид сабаб раҳшаларингиз бунёд бўлди. Бул мақомот сулук аҳлининг икки дунёсин обод этсин. Назар бар қадам, сафар дар ватан. Нури имонга элтувчи йўл шу эрур, дўстим.

**АБДУЛХОЛИҚ.** Сиз тож ул-орифинсиз, дўстим. Туркий қавм борки, Яссавий ҳикматларини ёд билгусидир. Ул назмул жавоҳирларни «Дафтари соний» дея ҳадиси шарифга қиёс этмак вожибдур. Расулulloҳ саллalloҳи алайҳи васаллам лутф этдиларки, аш-шайху фи қавмиҳикан-набий фи уммати. Ўз қавми ичидан етилган шайхлар умматим орасидаги набий кабидир, деб.

Шу пайт гўё ҳуш ғойибдан бир ишора сезгандек

Шайх отининг бошини тортди. Абдулхолик лохут олами-дан носут оламига қайтгандек бўлди. Дўстига ўғирилди:

– Миннатингиз бош устига, мавлоно. Энди ортга қайтсинлар. Бизнинг борар боғимиз олис. Хўшлашайлик.

Икки валий отдан тушдилар. Омон-омон қилиб уч карра кучоклашдилар. Абдулхоликнинг дийдаси мулойим эди, кўзларида ёш йилтиради. Шайх ўз хиссиётларини жиловлаб ўрганган эди, сийнаси ачишиб турса-да, чимирилди, юзини терс бурди. Фотиҳа ўқиб отига минди.

Абдулхолик дўстининг ортидан алламаҳалгача тикилиб турди. Дарвишларнинг сўнгги нафари ёнидан этак силтаб ўтиб кетгач, Ориф Ревгарийга караб деди:

– Шайх Маккаи мукаррамага егиб боролмағай... Кўриб турибмиз. Ишорати ғайб туфайли боз Туркистон элига қайтгай... Йўлингиз ойдин бўлсин, Шайхим...

Абдулхолик Фиждувоний фанофиллоҳ мақомига мушарраф бўлган зоти шарифлардан эди. Унинг башорати рост чиқди.

\* \* \*

Султон Санжар муаззам лашкарини икки бўлакка ажратди. Катта қисмини Марвга жўнатди. Унинг орзи куйган эди. Алоиддин Отсиёз боз қасамномани бузиб пойтахтга хужум қилиб қолмасин, деган хавотирда эди.

Шури шутур чўлини чангитиб кетаётган улкан қўшиннинг тўзони босилгач, қабатига бир неча минг кишилиқ сара аскарини олиб, пири комил истиқболига юрди. Шайх ул-машойихдан дам-бадам мужда келиб турибди. Пир куни кеча азм айлаб Бухородин чиқибдилар. Аллоҳ йўлларини берса, бир ҳафта ичида Чоржўйга етиб келишлари керак. Султон пирни дарё бўйида, Ёргоҳ кечувида кутиб олишни ният қилган эди. Кечувгача ҳали узок, камида қирк-қирк беш фарсах бор. Демак, отини қамчилаш керак.

Санжар оқ бедовда, мўйналик тўнига ўралганча отини йўрттириб боряпти. Қавснинг охири, ҳадемай айқириб чилла қиради. Кун совуқ, дарё тарафдан аёзли шамол эсади. Жайхун бетини докадек опшоқ ҳарир муз қоплаган. Такаш Баходир дарёга боқиб нимадир дейди. Аммо Санжарнинг қуловига гап қирмайди. Унинг ҳаёли

пири муршидда. Тезроқ кечувга етиб борса-ю, авлиёлар сарвари билан дийдорлашса.

«Авлиёлар сарвари...» шу бир оғиз калима гўё болу пар бўлиб Санжарнинг хаёлини олис Яссига олиб учди. Кўз олдида пири Туркистоний гавдаланди. Ўрта бўйлик, пишиқ жуссалик, адл қомат, тим қора қўйқўзларида адосиз бир мунг зухур этиб турадиган алломаи даврон... Бу воксага қарийб ўн йил бўлди. Ўшанда Султон ул-орифин Бухородин ҳижрат қилиб Яссига муқим бўлган эдилар. Санжар уч кун пири комил даргоҳини тавоф қилди. Уч кун валий суҳбатидан баҳра олди. Ва жисми жонида ажиб бир эврилиш сезгандек бўлди. Санжарнинг ҳам басорат, ҳам басират кўзи равшан тортгандек эди. Тийнати тириклашгандек, бу дунёи бебақоиниғ жилваю оҳангжамаларида маъно йўқдек, барчаси омонат нафасдек ўткинчи туюлди. Санжар хонақоҳ аҳлига қалин-қалин эҳсонлар қилди, раиятга минглаб туёк мол тарқатди. Мадрасаю масжидга вақф ажратди. Соброндан Болосоғун, Тарозгача бўлган ерларни ўз хифзу химоясига олишга оғт ичди.

Санжар Яссидан Шайх ул-машойихнинг пирлик иршодиши бўйнига тумор қилиб қароргоҳи Марвишоҳижаҳонга қайтди. Ўн йилдирки, имкон қадар пирини зиёрат қилади, оёғи етмаган кезларда нома битади, мушкул ҳолатга тушганида маслаҳат сўрайди, салжуқийлар давлатига до-руломонлик, умарога садоқат, уламога диёнат, раиятга фароғат тилаб дуо қилишларини истайди.

Илло... Мана бир неча йилдирки, Санжарнинг кўнглида зилдай тош чўкиб ётибди. Нега йилдирки, пирининг кўлини ололмади. Ул зотнинг даргоҳларига боргани бети бўлмади. Ўшал Қатавон чўлида лаънати қорахитой Гўрхондан мағлуб бўлгандин сўнг... Ана энди пирнинг ўзлари ташриф буюрибдилар. «Тазарру, илтижо, рўшнолик онлари яқинлашиб келгай, иншооллоҳ!» Султон Санжар «иншооллоҳ»ни овоз чиқариб айтди ва тезроқ пир дийдорига етиб, жонини безовта қилиб ётган тошдан халос бўлмоқчидек, отини қичади.

Санжар шитоб билан юриб, камида тўрт юз тош келадиган йўлни уч кунда босиб ўтди ва Чоржўй соҳилидаги Ёргоҳ кечувига келиб отдан тушди. Шайх карвонидан дарак йўқ эди. «Хайрият, улгурибмиз», деди Санжар

ва дарёдан кочиқроқ ерда азиз меҳмон учун қўналға ҳозирлашга фармон берди. Юзлаб сипоҳилар, авлиёи кабирни интиқ бўлиб кутаётган ерли халқ жидду жаҳд ила ишга киришиб кетдилар. Икки Султонга атаб ёнма-ён ўтовлар тикилди. Қўша-қўша кигизлар билан ўралган саккиз қанотли қора уйлар сиртини ложувард инак матога буркадилар. Бир ўтов тепасида Яссавия тариқатининг ялови, иккинчисида салжуқийларнинг мовий туғи ҳилпираб турарди.

Дошқозонлар осилган, қўйлар сўйилган, кўзаларда турли-туман шарбатлар келтирилган, тармевалар, Хоразмининг машҳур қовуллари меҳмонларга мунтазир эди.

Ниҳоят, икки кундан кейин кечув тарафдан суюнчи сўраб келдилар:

– Офокда Шайх карвони кўринди!

Санжар отланиб кечув сари юрди. Дарё бўйига бориб отдан тушди. Жайхуннинг у бетига, енгил ғубор кўтариб келаётган улови, пиёда карвонга тикилиб, хаёлчан туриб қолди. Юраги гупиллаб урар, гуё падарининг олдида гуноҳ қилиб, энди тавбага келган осий фарзанддек сезарди ўзини. Бирдан кўнглига ёруғ нур инди: «Гумроҳлик фарзандга хос, афв этмак валинеъматга».

Султон ул-орифин, Сулаймон, Мансурхўжа, Бобо Мочин, Кутбиддин ва тағин бир печа уламо махсус кемада дарёдан ўтиб, омон-эсон соҳилга тушдилар. Санжар илдам юриб, пирга юзма-юз бўлди. Тиз чўкди. Шайхнинг этакларини кўзига суртди. Сўнгра ирғиб турди, валий билан уч қарра кучоқлашиб кўришди. Бир печа сония пир кўксидан бош узолмай беҳуд бўлиб турди. Ниҳоят, улкан папжалари билан Шайхнинг кичкина, чайир қўлларини силарқан, дарди дунёси аригандек бўлиб кулимсиради:

– Аллоҳимдин ўргилай, ушмундоқ яхши кунлар ҳам бор экан. Сизни жону жаҳошимиз бирла соғиндик, қиблагоҳим...

Пирнинг чехрасига нимтабассум қалқди:

– Биз ҳам жанобларининг суҳбатини соғиниб эрдик. Сайхун суви минг дардга даво эмиш.

Шайх ўзига хос лутф ила «Биз томонларда кўринмай қолдингиз», дея панд бераётган эди. Султон Санжар хи-жолатдан терлаб кетай деди.

– Кўнгил куши пир даргоҳина учмоқни ихтиёр эта-  
дир, – деди кизариб, – вале пушаймонлик андешаси оёқдин  
тортадир. Ҳазратимнинг олдида юзи қаро бўлдиқ.

Шайх Санжарнинг қўлларини бўшатиб олға юрди.

– Ан-надаму тавбатун<sup>1</sup>, дебдилар Расулуллоҳ. Аёзла-  
дик, йўл бошланг, исинайлук, шаҳаншоҳ жанублари.

Шайх ул-машойихнинг таскинли сўзи Санжарнинг  
кўкрагидан босиб турган қора тошни эритиб юборгандек  
бўлди. У пири комил билан ёнма-ён хос ўтов сари юрди.  
Қора уй олдида Сулаймон бирдан юқинди. «Шукриллоҳ,  
тувғон элима ўзинг етказдинг!» дея қўлларини тап-тап  
ерга уриб бетига суртди. У билан изма-из келаётган  
Қутбиддин Сулаймон оға йиқилди, деб ўйлаб, қўлтиғидан  
олмоқчи бўлди. Шу пайт пири муршиднинг босиқ, лекин  
ўктам товуши эшитилди:

– Тегманг, Қутбиддин, юрт исига тўйсин.

Қутбиддин қотиб қолди. Ҳазрат ўзидан икки қадам  
ортда келаётган Сулаймоннинг тиз чўкканин кўрибди!  
Қутбиддин устоди аввалнинг соҳиби назар эканлигига яна  
бир бор имон келтирди.

Шайхнинг феъл-атворини Санжар хўб билади. Ҳазрат  
ортиқча хайлу ҳашамни хуш кўрмасди. Шунинг учун  
у ўтовни одмигина қилиб безатди: Тўрда ёғоч сандиқ.  
Илғакда жун чакмон, тулки терисидан тикилган пўстин.  
Катта лавҳда Қуръони карим. Ўртага сандалдек чор-  
пахил азамат манқаллар териб қўйилган. Манқалларда  
кип-қизил бўлиб саксовул чўғи порлайди. Уй ичи иссиқ,  
саранжом, файзли эди. Шайх тўрға ўтди. Ортидан Сул-  
тон Санжар, Самарқанд қозиси Абдулраззоқ, Сулаймон,  
Мансурхўжа, Бобо Мочин, Қутбиддин тагин Шайхнинг  
ҳамсафарлари ва ниҳоят, марвлик умарою уламо кирди.  
Ҳазрат қўлини дуога очди:

– Алҳамдулиллаҳи роббил оламин! Омин! Илоҳа, савоб  
истаб хонаи муборак сари йўл олғонларнинг мушқулини  
осон қилгайсан. Илоҳа, мулк эгаси ўз тахтида бардавом  
этсун, раиятнинг ризқи зеру забар бўлмасин! Илоҳа, бан-  
даларингга фойдали илм ва ўткир фаросат ато қилгил.  
Аллоҳумма саййирна аҳлул имтиёзи<sup>2</sup>, Аллоҳу акбар!

<sup>1</sup> Ан-надаму тавбатун – пушаймонлик таяба оқибатидур. Ҳадис.

<sup>2</sup> Ё Аллоҳ, ўзинг бизни имтиёзли кишилардан қилгайсан.

Султон Санжар қўлини кўксига босиб бош эгди:

– Хуш кўрдик, пирим, қадамингиз кулбамизни нурга тўлдирди.

Зиёфат намози асргача давом этди. Сўнг жамоат ибодатга турди. Санжарнинг етмиш газлик ипак чодирни бор эди. Ундан ёғин-сочинда ёхуд совуқ кунларда масжид ўрнида фойдаланиларди. Меҳмонлар ўша чодир сари юзландилар. Султон ул-орифинга иқтидо қилиб салотни адо этдилар.

Закий ўқувчимизга аёнки, Шайх ул-машойихнинг неча йиллар руҳиятига эш бир одатлари бор. Ул зот ҳар салотдан сўнг бир-икки соат тапхо қолиб муроқабага бериладилар. Ўз таъбирлари ила айтганда, Арш Курсисини, Лавҳу Қаламни сайр этадилар. Вужуд шахрини кезиб, ичу ташини сархисоб этардилар. Пирнинг бул сифатини яхши билган Султон намоздан сўнг таъзимга келди.

– Қиблагох, энди истироҳат этсинлар. Олис йўлда азият чекибдирсиз.

Шайх маъқуллаб бош ирғади. Санжар пири комилни хос ўтовига кузатиб қўйиб, қароргоҳи томон кетди.

Азиз ўқувчи, ниҳоят, салжуқийлар деб аталмиш муаззам ва бепоён бир салтанатнинг яқка ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳнинг номаи аъмоли хусусида икки калима сўз айтмоқ ўрни келди чоғи.

Мана ўттиз йилдирки, Санжар ота мерос мулк султони. У падари бузруквори Маликшоҳ Алп Арслон ҳаётлигида шахзодаларга муносиб илму ҳикматни эгаллай бошлаган эди. Санжар қорийи мураттаб эди. Қуръони каримни етти ёшдан биларди. Аслан аҳли шамшир бўлсада, қалбан аҳли диллардан эди. Тез-тез такягоҳларни зиёрат қилар, зикрни севар, давлат ишларидан, харбу зарбдан фория бўлганида дарвишлар халқасида хордик чиқаришни ёқтирарди.

Таъби назми бор эди. Бадиҳа айтарди. Назмда Собир Термизий, Анварий сингари камол касб этмаган бўлсада, байтлари гоҳо нишонга тегарди. Сухбатдошлари уламо, фузало, фикх аҳли, муҳаддислардан эди. Мухорабаларда, жангу жадалларда бир неча туяга ортилган кўчма кутубхонасини ҳам олиб юрарди. Қол илми, ҳол илмини хўб биларди. Пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёдаки қироат қилганида гулдуракдек кучли, ширадор товушига сомеълар бош эгиб кулоқ соларди.

Ана шу Санжари мозий ибн Маликшоҳ ҳозир турк элининг Шайх-ул машойихи, султонлар султони суҳбатига муптазир бўлиб, Жайхун бўйида ҳаёлчан ўтирибди.

Бир замон пири комилнинг сасини эшитгандек ортига ўгирилди. Кимса йўқ эди. Билдики, пир уни кутмоқда. «Бисмилло» деб ўрнидан турди. Шайх ўтовига қараб юрди. Султон ул-орифин шохни бўсағада кўриб, муртидан кулди.

– Давлатпаноҳ, мунда келинг, деб чорлаймиз, қайрилиб қарамайсиз.

Хос хона ила дарё ораси олис эди. Санжар билдики, пири уни савқи табиий ила ҳузурига чорлаган. Ҳукмдор бахмал кўрпачага, Шайхнинг рўпарасига бориб ўтирди. Бир замонгача иккала султондан садо чикмади. Шайх «Майли, шох дардини айтсин» деб кутарди. Санжар эса табибга шарҳи ҳолини баён этмакчи бўлиб келган беморга ўхшар, лекин гапни нимадан бошлашни билмас эди. Ниҳоят, у кўнглини ёрди:

– Ҳазратим, ичим аччик майга тўлган хумдай қайнаб тошадир. Дунё зериктирди. Ҳар замон қора қуюндек ҳаёллар босиб келадир. Иброҳим Адҳамдек барчасидан воз кечиб бош олиб чўлу биёбонга кет ва ё дарвишлар ҳалқасига қўшил, дейдур.

– Бул тахайул, – деди Шайх ул-машойих, – Иброҳим Адҳам мақоми бўлак, сизники бўлак. Ҳалқа йўли ғоят олис йўл. Бунинг учун нафси амморани забт этиб, нафси сафияга етмоқ лозимдир.

– Магар Аллоҳдан амр бўлса.

– Аллоҳ субҳаноҳу ва таоло шоху султонлар менинг ердаги соямдир дея марҳамат этади. Ҳақ Мустафо ал-адлу иззу дину ва қувватус султони ва фихи салодулхосати вал омати, деб башорат қилдилар. Адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги ва қулли яхши амалларга тарозу эрмиш. Бул ҳадиси шариф адолат қўнғироғини ёдингизга солмайдиму? Ривоятни эсланг, давлатпаноҳ.

Султон Санжар пешанасини ишқаб анча ўйга толди, аммо адолат қўнғироғи ҳақидаги ривоят эсига келмади, ё эшитмаган ёки хотирадан фаромуш бўлган.

– Узр, пирим...

Шайх ул-машойихнинг чўл шамолидан қорайган чеҳрасида ним табассум жилва қилди.

– Ёшлиқда ўкидинг – мрамарга ёзилди, қариликда ўкидинг – қумга ёзилди. Хай, бул кўҳна ривоятга бир боқинг, Султон. Ер юзида сизга ўхшаган, аҳтимол сизга ўхшамаган бир подшоҳи аъзам бор эди. Ул подшо эл сўзини соғинарди, раият дардига қулоқ осмокни орзу қиларди. Вале, саройга бир мусулмон арзи дод бирла келмас, гўёки бул мамлакатнинг подшоҳи оламдан ўтгандек эди. Шаҳаншоҳ бу ҳолдин озурда бўлди, хос мулозимни чорлаб сўрдики, нечук саройга бир кас шиква-шикоят бирла қадам босмас? Ҳокиму беклардан, қозию қуззотдан барча розими? Мулозими жавоб қилдики, халқнинг дарди мўлдир, сиз хазратга айтадурғон сўзи сой тошидан бисёрдир. Валескин нузаро бирла умаро уларни саройингизга ёвуқ йўлатмас. Арз бирла келган кишини ёлғон ваъдага тўйдириб, изига қайтарурлар. Подшоҳ амр қилдики, саломхонага қўнғироқ осилсин, ипи дарвозага бойлансин, арқон онқадар наст бўлсинки, норасида боланинг қўли ҳам етсин. Кимники шоҳга айтар сўзи бўлса, ўша ипни тортсин. Хоҳ бондод, хоҳ аср, хоҳ шом вақти демай, қўнғироқни чалсинлар.

Алқисса, бир куни хуфтон чоғи қўнғироқ бетиним сас бериб жараиғ урди. Чиқиб кўрдилар, бир кирчанғи эшак тумшугини арқонга уриб суйкалармиш. Шоҳга арз қилдилар. Шоҳдан ҳукм бўлдики, эшак эгасини топиб келтиринглар. Тонг билан дайди эшакнинг эгасини келтирдилар. Савол-жавобдан сўнг маълум бўлдики, бул кимсанинг эшакни сотиб олғонига йигирма йил бўлибди. Эшак қариб арава тортишдан қолгач, кўчага ҳайдабди. Шоҳ буюрдики, то ажали етиб ўлгунча ем-хашагини бериб эшакни боқасиз, билъакс молингиз талонда, ўзингиз эл аро сазойи бўлурсиз.

– Ажаб хикмат экан, – деди Санжар музтар бўлиб. – Эшак қўнғироқ чалганда ҳам қулоқ тутгил! Биз илкимиздин нон еган итларга-да, адолат қилдик, вале вафо кўрмадик.

– Хабаримиз бор.

– Ўшал бетавфиқ Отсизнинг амалин кўринг. Сиз каби соҳиби нафаснинг амри маъруфи ила исломга тобе бир улусни кофир деб чопқун ясади. Нияти дини мустафога тарғиб эмас, нафси хайвонийни ризо қилиш эди. Уч дафъа оят ўкиб, қасам ичди. Бундин буён Сайхун бўйига оёқ

боссам шол бўлай, кўр бўлай деб ёлворди. Шайтон айтади, Отсизнинг бўйнига тош боғлаб дарёга ташла дейди. Азбаройи савоба фарзанд деган эдик, гуноҳидин ўтдик.

Пир бош ирғади.

– Лаззати афв интиқомда йўқ. Андиша раҳмондин, шошқалоклик шайтондин. Хоразмшоҳнинг жонига қасд қилганингизда сиз ҳам нафсингизнинг қулига айланган бўлурдингиз.

– Биронинг мулкига кўз олайтиргон нобакор ҳам нафс қурбони эмасму, ҳазрат?

– Қурбони. Шаддод ер юзида жаннат яратаман деб қуфрга берилди. Фиръавн худолик даъво қилиб ўзидан кетди. Корун дунё билан дунёни сотиб олмоқчи бўлди. Оқибат не бўлди? Куншаякун! Бу бевафо дунёдаги фожиаларнинг барчаси нафси аммора туфайлидир. Кибру ҳаво, манманлик, ғараз, бойликка ҳирс, зино, мартаба завқи, зулм, таъма, ношукурлик... Насли башар бу қабоҳатлардин халос бўлмас экан, одамлар ўртасида на имон, на шафқат, на адлу инсоф қарор топгай. Ҳақ тало сизу бизни туфроқдин бунёд этибдики, мудом ерга боқиб юр, аслингни унутма, султон бўлсанг ҳам, ултон бўлсанг ҳам, бу дунёда меҳмонсан, деб букюрмиш.

Санжар дастурхон попугини эзғилаб мушоҳадага берилди. Назарида пири комил унинг баъзи гуноҳларини юзига солаётгандек эди. Кўкси сидирилди. Аммо ўзини оқлашдан тийилди. Санжар Шайх олдига минг истиҳола билан кирган, аччиқ-тиззиқ гап эшитишга ҳам шай эди. Шукриллох, пир аяди, шафқат қилди.

Султон ул-орифин ёнидаги хатчундан бир қоғоз чиқариб Санжарга узатди.

– Хабарлари бор, Бухорода амри маъруф вақти биз халифа шаънига қаттиқ-қуруқ гап айтдик. Бир бенаво элнинг терлаб-пишиб топган понини кўндаланг тишлаб еб ётиш амир алмуслимин мартабасига зийнат эрмас. Бу хаёл йўл бўйи ором бермади. Кўнглимизда мухтасар бир ҳикмат туғилди. Ани сизга бағишладик. Биздан васият ўрнида ёднома бўлсин.

Санжар пири комилнинг шеърини кўзига суртиб олди. Ва кироат қилишга изн сўради.

– Майли ўқинг, Султон. Ўзгалар лафзидин биз ҳам эшитайлик, не битибмиз.

Санжар охиста, ёник бир дард ила шеърни ўқиди:

*Шаксиз билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Инонмагил молинга, бир кун қўлдин кетаро.  
Ота-она, қариндош, қаён кетди фикр қил,  
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун сенга етаро.  
Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, сирот узра тутаро.  
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайти йўлдош,  
Мардона бўл, гариб бош, умринг елдек ўтаро.  
Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмам неча йил,  
Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.*

Санжар бағоят мутаассир бўлди, хикматнинг сўнги сатрини хижжалаб ёддан ўқиди.

– Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро... Ҳазратим, бу жавахир ул хикмат бўлибдир. Биз уни бўйнимизга тумор янглиф осиб юргаймиз. Дуо қилинг, пирим.

Шайх ул-машойих дуога қўл очди.

## МАНСУР ҲАЛЛОЖНИНГ ХОКИ

### 26- ф а с л

*Билмадилар муллалар «Аналҳақ»нинг маъносин. Қол илмига ҳол илмин ҳақ кўрмади муносиб. Ривоятлар битилди, ҳолини анинг билмади, Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.*

Аҳмад Яссавий

Чирсиллаб чилла кирганида Шайх карвони омон-эсон Марвга келиб қўнди. Марв... Ровийлар бу шаҳарни Искандар Зулқарнайн барпо этган дейдилар. Ажабмас. Ҳар қалай, у қадим ва муборак қасабалардан эди. Агар Самарқанд мадинат-ат тужжор, Бухоро мадинат-ул ислом бўлса, Марвни мадинат-ул фузало дерлар. Марвнинг хикмат тўла кутубхоналарига Шому Ироқ уламолари ҳам интизор эди. Фақиҳлари, донишлари, мужтаҳиду мударрисларининг шуҳрати Бавдод халифасининг саройигача етиб борган эди. Шунинг учун аҳли ислом Марв номини тоқ айтмас, Марви шохи жаҳон дея шарафлаб тилга оларди.

Зардуштийлар хикмати борки, нон мўл-кўл бўлган мамлакатда панд-насихат ҳам кулоққа яхшироқ ўрнашар эмиш. Марв маъмур, обод вилоят эди. Мурғоб дарёсидан

казиб келтирилган ариқларда ёз бўйи шаркираб сув оқар, ўтлоғи қалин, чорваси семиз, дехкони Марви жаҳон бозорини яшнатиб турарди. Салжуқийлар салтанати даврида Марвнинг бир хуснига ўн хусн қўшилди. Султон Санжар учун Марв кўз қувончи, нурури, гўёки падари бузруквори, волидан меҳрибони, ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, охирагининг экинзори эди.

Султон Санжар пири комилга атаб саройда хос хоналар ажратган эди. Шайх «Рухни танадин айириб бўлмас, тана қайда бўлса, рух шунда бўлмоғи маъкул» дея рўйхушлик бермади. Зиёратчилар билан бирга шахристондаги муаззам хонақоҳга келиб тушди. Бу такавоҳ тарҳини Султон Санжарнинг ўзи чизиб берган, шу боис санжарий деб аталарди. Хонақоҳ ховлиси улуг эди, ҳар тарафи юз кадамча келар, гир айлана бежирим хужралар солинган эди. Ховлида тут, ўрик, хурмо барқ уриб ўсади. Хонақоҳнинг тўрт буржида тўртта улкан ховуз. Намозхонлар учун сербар, узунчоқ айвонлар, бирийўла юз киши намоз адо этадиган масжид, новвойхона, ошхона, таҳоратхона... Дошқозонларда қишин-ёзин Султон амри билан эҳсоний таом қайнаб туради.

Шури шутур чўлида бир ҳафта йўл босиб аёзлаган дарвишлар иссик хужралардан бош чиқармай узлатга чекиндилар. Шайх ул-машойих эса икки кундан сўнг фарзи айн деб устоди соний Юсуф Ҳамадоний зиёратига отланди. Қабатига Сулаймонни, Мансурхўжа билан Қутбиддинни олди. Устод қабри шаҳар сиртида, Шайхали деб аталмиш кўҳна мазористонда экан. Мужовир йўл бошлади. Қари гужум тагига бориб тўхтадилар.

– Мавлоно Ҳамадоний ҳазратлари, – деди мужовир ва кўзи билан устини қовжирок гиёҳ босган дўнгликка ишора қилди. Устод «Тобутимнинг тепасида Аҳмад «Анназот»ни ўқисин», дея васият қилган эдилар. Тақдир экан, пири муршидни тупроққа топшириш Аҳмадга насиб этмади. Устод Бухородин Марвга хижрат қилаётиб йўлда Аллоҳ раҳматиға бордилар.

Пирнинг васиятини адо этиш фурсати етган эди. «Анназот» сурасини хатм қилиб фотиҳага қўл очди:

– Илоҳа, омин! Алайхирахма ва раҳмон, ҳақ субхонака ва таоло ундан рози бўлсин ва раҳматиға олсин, валлоҳи аълам биссаваб!

Ҳаким Сулаймон Ҳазратга иктидо этди:

– Аттароллоху марқаду! Пока парвардигор, ўзинг Шайх ур-раиснинг ётган ерини нурга тўлдириб, анинг руҳини муаттар қилвойсен, Аллоху акбар!

Зиёратчилар чошгоҳга яқин Марвнинг саришта, сокин кўчаларидан хонақоҳга қайтиб келмоқдалар. Кўнгилларига гўё нури раҳмат ёғилгандек. Зеро, Расулulloх марҳамат қилганларки, амалларнинг энг яхшиси – марҳумларни зиёрат этмоқдир.

Султон ул-орифин қалъа дарвозасидан ўтиб, қўналға томон бурилди. Юз қадамча нарида кўкқайиб эски масжид турарди. Тор айвонда офтобшувоклаб тўрт-беш киши ўтирибди. Шайх уларга бир қур разм солди-ю, ерга қараб деди:

– Сулаймонқул, айвон олдига борганингизда эчкисоқолли, бир кўзи ғилай кимсага пазар солинг. Сўнг бизга асқотади.

– Хўп бўлади, пирим, – бош ирғади Сулаймон. Айвонга рўбарў келдилар. Шайх ҳамиша ерга бокиб юрар, саломга ҳам кишининг юзига қарамай алик олиш одати бор эди. Айвондаги кишилар уч қарияни кўриб саломга турдилар. Сулаймон бир нафас тўхтаб, Шайх айтган кимсанинг башарасига тикилди. Навзамбилло! Бул кас ростдан ҳам эчкисоқол, ростдан-да, ғилай эди!

Сулаймон илдам одим ташлаб хамроҳларига етиб олди.

– Турки таровати кўзингизга ташландиму? – нимтабас-сум қилиб сўради Шайх.

– Минг одамнинг ичидан топ, десангиз адашмай тошиб беражакман, пирим.

– Дуруст, – деб қўйди Шайх.

Меҳмонлар ўтиб кетгач, гурунг давом этди. Эчкисоқол уламо мударрис Абдукарим сўфи эди. Хали пайғамбар ёшига етмаган бўлса-да, ўзини Ҳаққа етишган деб санар, шул боис ўзидаги фазилатни орттириш ўрнига бировлардан нуқсон ахтаришни афзал кўрарди. Унинг ёнида хамтовоғи, масжид имоми Ҳожи Ёртош, яна икки-учта ибтидоий мактаб домлалари.

– Туркистонликлар, – деди Сўфи Абдукарим, зиёратчиларнинг ортидан тикилиб, – пирлари Хожа Аҳмад Яссавийга тавофга бормоқдалар.

– Сиз қайдин биласиз, мавлоно, эхтимол булар самарқандликдур? – эътироз билдирди Ҳожи Ёртош.

Сўфи имомни масхара қилди:

– Ҳожи бўлиб салланинг печини фарқлай билмассиз, таксирим! Туркистонлик саҳройиларгина салла печини пишакнинг куйруғидек осилтириб юрадир.

Бир мулла гап қотди:

– Қартлари кўшбелбоғ боғлаб олмиш. Ажаб, яқдона белбоғ озлик қилурму?

Сўфи мириқиб қулди:

– Аларнинг лақаби-да, шул кўшбелбоғ! Бириси сажжода, бириси дастурхон ўрнида.

– Бул одатлари хўб эркан. Жойнамозга нон ушатиб емак пожоиздир аслида, – чўчиброқ луқма ташлади имом. У чаламулла эди, масжидда амри маъруф қилишдан олдин Сўфи Абдукаримдан маслаҳат олиб турар, Куръон тафсирини ҳам ундан таълим олган эди.

Сўфи имомни талаба ўрнида кўриб жеркиб берди:

– Мунча дониш бўлиб кетдилар, таксирим? Мужтахидлик даъво қилмасинлар...

Имом таслим бўлди:

– Тавба қилдик, ҳожи ота...

Сўфи кайвонилик қилиб керилди:

– Ўшал туркистонлик авлиёсига бир жуфт масъала хозирлаб ўтирибдирман. Жумъа куни жидду жаҳд бўлар эмиш. Жамоат олдида бир ўйлантириб мулзам қилсамму?

Ёш мулла деди:

– Ўйнашмагил арбоб билан, дебди машойихлар. Пантингиз юлинмасин-да, таксирим.

– Ҳа, Туркистон пирининг тиллари аччиқроқ эмиш. Аҳли уламо олдида кимсан – Сўфи Абдукарим ҳожи, мударрис, шоир Марвазий деган унвонларингиз бор...

Сўфи гўё мунозарада волиб чиқишига гумони йўқдек соқолини тутамлаб қулди:

– Мушкулимизни кушод этсалар биз рози, вале жувоб беролмай ожизлик қилсалар, айби авлиёнинг ўзига бўлғай, иншооллоҳ.

Сўфи соғ кўзини қисиб офтобга қараб қўйди-да, этагини йиғиштирди:

– Биз энди бороли. Толиби илмлар маъвизамизга кўз тикиб ўтирибди.

Мударриснинг қораси ўчмасдан ўтирганлар ғийбат қила кетди:

– Тавбасига таянмади бу ғилай. Анов бир йили хирийлик мужтаҳиддан калтак еб эди. Мулла бўлмабдида!

– Пати юлинган қари хўроздай бўлиб чиқсами жомедан...

– Орий рост, авлиё билан олишиб обрў топасанми, подон?!

Жума куни Марвнинг Жоме масжидига одам сирмай кетди. Пешин намозидан кейин гурас-гурас халойиқ тўплана бошлади. Ҳар кўнгилда бир хаёл: биров пири туркистонийнинг нечук зот эканлигини кўрмоқчи, биров унинг лутфу каломига мунтазир, толиби илм ваъз тинглаш умидида, аҳли уламо мушкул бир масала хусусида буюк мужтаҳиднинг фикрини билмоқчи. Фақиҳлар, муфтийлар, одатда бирон мунозарали масала устида баҳслашса, аввало, Қуръони каримга мурожаат қиладилар. Агар Қуръон тафсири орқали ечим топилмаса, жавобни ҳадисдан излайдилар. Ҳадис ҳам тўла қаюатлантирмаса, қиёс билан ижмога бўйсунмоқдан ўзга чора қолмайди. Қиёс – шариат илмини сув қилиб ичган дониш мужтаҳидларнинг муқояса орқали маънавий хулоса чиқариши, ижмо эса – бир нечта мужтаҳиднинг яқдил ҳукми, иродаси эди.

Султон ул-орифин минбар ёнидаги баланд супада чордана қуриб ўтирибди. Ёнида Самарқанд шайх ур-раиси, Мансурхўжа, Марв қозикалони, Сулаймон, Жоме масжиди имом хатиби. Қози қалон Қуръон тиловат қилди. Яқдил фотиҳадан сўнг икки оғиз ваъз айтди:

– Туркистон элининг қиблаи дуоси, Яссавия тариқатининг сарҳалқаси, давлатпаноҳимиз Султон аъзам Санжар жанобларининг пири муршиди Хожа Аҳмад Яссавий Шайх ул-машойих зоти шарифларининг Марви жаҳонга ташрифларидин бошимиз осмон қадар юксалди. Биз сизни мужтаҳиди замон деб билурмиз. Улуғ дарёлардин ариқлар сув ичар. Жанобларининг ирфон хазинасидан бу ерда жам бўлмиш аҳли уламо, толиби илм баҳра олсак, деган умиддамиз. Аллоҳумма аббидил ислома ва раввижил аҳкома, эй худованди карим, исломни абадий қилгил, анинг ҳукмига равақ бергил, Аллоҳу акбар!

Султон ул-орифин «Кимда гап бор?» дегандек даврага назар солди. «Бисмилло!» деб суратидин ахли дилларни эслатувчи кексароқ киши ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоху ва барокатух! Шайх жаноблари, магарчи саволимиз ножоиз бўлса, афв этгайлар. Гап ўшал тажарруд борасинда. Баъзи бир зоти шарифлар ёзмишки, дарвишлик хирқасини кийиб, тариқат сулукига кирган сўфи тажарруд қилмоғи шартдир, деб-дирлар. Зеро, Аллох васлидин умидвор дарвишнинг амали зикр, тоат-ибодат, сийратини нуқсу қусурдин тозалаш бўлмоғи лозим. Ахли аёл, рўзгор ғами, бу ўткинчи дунё ташвишлари солиқнинг имонига захмат етказмасму? Фано йўлидаги саъй-ҳаракатларига монелик қилмасму? Ахир бир юракка икки ишқни сиғдириб бўлмас. Агар сўфий чин сўфий бўлса, бу дунёнинг роҳатларидин воз кечиб, ёлғиз ишқи илоҳий бирла яшасин. Билъақс ўзини муридман демасин. Бул ақида хусусида жанобларининг муборак сўзларини эшитмакка муштоқмиз.

Шайх ул-машойих сездики, бу даъвогар Абдулҳолик Ғиждувоний тариқатига мойил экан. Баайни зикр одоби сингари тажарруд ва такфин<sup>1</sup> масаласида ҳам Яссавия аҳкоми ила хожагон аҳкоми ўртасида помувофиқлик, андак ихтилоф мавжуд эди. Хожаи жаҳон Ғиждувоний макоматига кўра, тариқатга кирган солиқ мужаррад бўлиши, яъни бола-чақа қилмай оламдан тоқ ўтиши, кечаю кундуз Аллох таоло зикри, Ҳақ хаёли билан нафас олиши лозим эди. Яссавийлик таълимоти бўйича эса, муридга бир қадар эркинлик берилган: эй дарвиш, Ҳақ жамолига тўяй десанг, зикру самоъ дилингни тарк этмасин, вале Аллох яратган неъматлардин ҳам бебаҳра қолма!

Султон ул-орифин бир лаҳза хаёлга толди. Баъзи бировлар мужтахид ўйланиб қолди, масъала мушқул эканми деган иштибоҳга борди. Шайх ўзига хос бийрон, кескин оҳангда сўз бошлади:

– Исломда роҳиблик йўқдир. Аллох таоло ер юзидаги барча жонзотларни жуфт яратибдир. Токи бир-бирлари ила қовушсин. Сарвари коинот «Мушфиқ ва серпушт аёллар билан турмуш қурингиз, зеро мен умматларимнинг кўплиги билан фахрланаман» деб марҳамат қилибдилар.

<sup>1</sup> *Тажарруд, такфин* – танҳолик, дунёдан ёлғиз ўтиш.

Бас, тарки дунё этмак бизнинг тариқат эмас. Инсон дунёга нима учун келади? Яхши амал учун, солих зурриёт тарбия қилиб яхши ном қолдирмоқ учун. Ҳақ таоло яхшилик қилишга шошилишлар, деб буюрибди. Хўш, эл-улусга ким яхшилик қилишга қодир? Мен Аллоҳнинг хизматига кетдим деб зовиядан чиқмай ётадирғон дунё беҳабарми? Ахир сени йўқдин бор қилғон ота-онанг кўз тикиб ўтирибди! Аларнинг ҳолидин ким хабар олади, ким иссиқ-совуғига қарайди? Ота-онадин кечиб зоҳидлик хирқасин кийган такаббурни Ҳақ таоло ҳам кечирмагай. Аллоҳим ғайратли кишиларни хуш кўради. Ғайрат аввало Яратганининг мадҳу саноси учун, андин сўнг бу ёруғ олам қувончи учун бўлсин. Косиб жуволдиз бирла қолипини йиғиштириб қўйиб хонақоҳни макон этса, қўйчивон подасини, деҳқон от изини унутиб хайё-хув деб тарки дунё қилса, биласизми не бўлғай? Оламда киёмат қўпмасму? Косиб Аллоҳнинг дўсти дебди Расулulloҳ. Фикри ожизимизча, паинки косиб, захмат чекиб, аҳли рўзғорига, ўзгаларга-да нон топиб едирган киши борки, Аллоҳнинг дўстидир. Сиз тажарруд айлаб, узлатга чекинсангиз, лўқмаи ҳалолингизни ким бергай? Тиланадирсизму? Бировнинг садақасига кўз тикасизму? Тилангандан тилинган ёмон. Ишқи илоҳий бирла зикри Аллоҳнинг маъносини доно билур, подон билмас. Мухтасар сўзимиз шул: инсон мукаррам, инсон жамики махлуқотнинг, барча мавжудотнинг гултожи. Бас; инсон бўлсанг, инсондек бўлиб қол.

Шайх ваъзини тугатиб фотиҳа қилди:

– Аллоҳумма аътина илман нофиъан ва фаҳман сотиъан. Худованди карим, бизларга фойдали илм ва ўтқир фаросат ато қилвил, валлоҳи аълам биссаваб.

Шу тариқа яна уч-тўрт киши билан савол-жавоб бўлиб ўтди. Бир маҳал орқароқдан чийиллаган товуш эшитилди.

– Яқдона сўровимиз бор эди, магар ижозат бўлса...

Бу ўша мударрис Абдукарим Аъмоқ эди.

– Бу ерга келинг, – деди қозикалон.

Мударрис минбарга қараб юрди. Шайх ёнига тўрт қадамча етиб тўхтади, негадир сирли кулимсиради ва шифтга қараб сўз очди:

– Шайх ҳазратлари, жаноблари битмиш ҳикматларни роҳат дарёсига чўмиб ўқийдирмиз. Биз ани назмий дурдона дермиз. Фақирингиз толиби илмларга сабоқ берсак-

да, гоҳо-гоҳо кўнгил майли экан, баёт ҳам битадирмиз. Назмгўйлар бизни Аъмоқ Марвазий деб билурлар. Бул шунчаки даромад эди, тақсир. Шайхим бир хикматларида «Билмадилар муллолар «Аналҳақ»ни маъноси, қол илмига ҳол илмин ҳақ кўрмади муносиб» дебдилар. «Аналҳақ»ни маъносини англамоққа ақлимиз кўтоҳлик қиладир. Недир ул «Аналҳақ»?

Шайх ер остидан Сулаймонга қараб қўйди. Сулаймон пирининг «Ҳали бу кишига дуч келасиз», деган гапини эслаб, бош ирғади. Ҳазрат каромат ила пайқадики, мударриснинг пияти тоза эмас. У Марв уламолари олдида ўзининг билимдонлигини пеш қилмоқчи, иложи бўлса Туркистон авлиёсини мушкул аҳволга солиб, офаринга ноил бўлмоқчи. Шайх мударриснинг шум пиятига муносиб жавоб килди:

– «Аналҳақ»ни маъносини сизга англамоқ душвор. Дарднинг нелигини дард чеккан кишигина билади. Сиз қол илмицинг одамисиз. «Аналҳақ»нинг маъносини билмоқ учун ҳолга етмоқ лозим. Мударрис жаноблари, сиз ояти каримадан билганларингизни ўқиб юраберинг. Сарфи наҳву мухаддислар меросини толибларингизга таълим бериб рози қилсангиз, бас, сизга ёмон насиҳатимиз шул.

Мударрис шу ерда қуллуқ қилиб даврадан чиқиб кетса бўларди. Лекин у ашаддий бир мутаассиб сифатида кўҳна тарихни кавлаб тилиши тиймади:

– Тақсирим, ахир Мансур Ҳаллож кофир эди. Шариатимизга шак келтирди. Фиръавнга ўхшаб худолик даъво қилди. Ҳайронман, сиздек зоти шариф нечук унга раъбат билдирадилар? Ахир халифа, Мансурни бежиз қатл этдимиз?

Мажлисхонани сукут босди. Гўё хона бўм-бўшдек ва сомёлар ухлаб қолгандек эди. Кимдир узун ух тортди. Бу таҳликали жимжитликни Султон ул-орифиннинг қиличдай кескин, ўктам овози бузди:

– Агар Мансур Ҳаллож кофир бўлса, унда сиз билан биз ҳам мусулмон эмасмиз.

«Астағфируллоҳ!», «Ўзинг асра, ё раббий!» деган хитоблар эшитилди. Жамоат бирдан гувранди. Шайх давом қилди:

– Шуңдоқ. Аллоҳга Мансурдек яқин кимса йўқ эди. Халифа Муқтадир ҳам ҳол илмига бегона эди. Шу туфай-

ли жоҳил муллоларнинг тилига кириб хато қилди. Сўнгра тавбасига таянди. Хотирингизни жам қилинг, мударрис жаноблари. Халифанинг буйруғи билан Мансурни ўтга бердилар, тўғрими? Кулини дарёга ташладилар, бу ҳам тўғри. Андин сўнг не бўлди, бир эсланг, уялманг, мударрис.

Аъмоқ Марвазий бош эгиб тура берди. Не бўлганини ё билмас, ёки билса-да, айтишга ор қиларди.

– Не бўлди, аҳли жамоа? – Шайх халойикка ўғирилди.

– Дарё тошди!

– Шаҳарга ҳамла қилди...

– Боракалло! Дарё тошиб қирғоғидан чиқди. Шаҳарни сув босди.

– Халифа жон аччиғида Шайх Зуннун Мисрийга ёлборди. Зуннун Мансурнинг хоки покидан бир сиқим олиб қолган эди, дарҳол дарёга ташлади. Сув изига қайтди. Халифанинг ҳам, авлиёнинг қатлига фатво берган нодон уламоларнинг ҳам жони омон қолди. Бул кароматга не дейдилар? Кофирнинг хокидин дарё тошарму? Боз изига қайтарму? Аллоҳ таоло Мансурни хос бандам деди, қудратини кўрсатди. Сиз бўлсангиз Ҳақ даргоҳида азиз бўлган бир валини оғиз кўпиртириб кофир деб турибсиз. Тош-тарозу, ажру мукофот сиз билан бизнинг илкимизда эмас, у ёқда, боқий дунё эшигинда, мударрис жаноблари.

Мударрис ҳамшаҳарлари кўз ўнгида ер билан яксон бўлди.

Жамоат шивир-шивир қилиб тарқалди. Ҳовлига чиққанларида Бобо Мочин Ҳаким Сулаймоннинг тирсағидан олди.

– Таксирим, анов шақ-шақ мударрис сўллаётганда лабингиз қимирлаб турди. Кул Сулаймон бир нималарни тўқиди-ёв, деб ўтирдим.

Сулаймон маъноли илжайди:

– Ҳовва, тўқидик. Мударрисга тоза лақаб топиб қўйдик. Эшитинг: «Сенга калтак қилур камлик, анинг устига тош даркор»<sup>1</sup>.

Бобокул илми каломда Сулаймончалик закий бўлмаса-да, фаросати қайралган эди. Дўнг пешанасини ишқаб байт замирига яширинган сўзнинг тагига етди.

---

<sup>1</sup> Сўз ўйини. Араб ёзувида «Аъмоқ»даги «айн» устига «топ», яъни нукта қўйилса, «аҳмоқ» бўлади.

– Тўғри топибсиз, тақсирим. Асли ўзи аҳмоқ экан. Калласи бўлса, ақли етмаган масъалага бош сукадирму?

– Минг насихатдин бир мусибат авло дейдилар. Зора калтак зарбидан кўзи очилган бўлса.

– Зора, – деб кўйди Бобо Мочин. Лекин хаёлида, «Бундайлар Мункар ва Накирнинг тўқмоғидин ҳам ўзига келмас», деган фикр чарх урарди.

## «БАЙЪАТИНГ ҚАБУЛ БЎЛДИ»

### 27- ф а с л

*Балоларнинг энг шиддатлиси аввало пайгамбарларга, ундан кейин авлиёларга келади.*

Хадис

Самарқанддан узоқлашган сари Қутбиддиннинг шавқи зиёда бўлиб борарди. Ахир нечук суюнмасин? Аввало, отасининг таъкибидан халос бўлди, қолаверса, қибладан бир-бир шамол эсиб, эҳром киядиган кунларнинг ёвуқлигидан дарак бераяпти! Қутбиддиннинг кўнглидаги завқ дарёсини тоштирадиган тагин бир нарса – бу унинг ажабтовур хунарманд бўлиб қолганлиги эди. Қўлига искана олиб ёғоч йўна бошлаганига уч-тўрт ой бўлди, холос. Ясаган буюмлари пир назарига тушди, ҳазратдан рағбат ва дуо олди. Илгари Қутбиддин юмшокрок ороқлардан жайдари чўмичу қошиқ ясаб юрар эди. Бора-бора у заранг, ёнвоқ каби қаттиқ ёғочлардан ҳам буюм йўнишга ўтди. Қуръони карим учун бежирим лавҳлар тахлайди, заранг коса ўяди, хатчуп ясайди, гулмих тайёрлайди. Матоҳлари бозоргир, харидорлар уни таажжубга солиб, буюмларини ерга қўйдирмай сотиб оладилар.

Султон Санжар Султон Маҳмудхоннинг ўғли, ўзининг жияни Қутбиддинни ёқтириб қолди. Унга асл дамашк пўлатидан қилинган бир халта асбоб-ускуна ҳадя этди. Бу асбоб билан Қутбиддин энди йўниқчилик эмас, темирчилик қилса ҳам бўларди. Қутбиддин кундалик зикр, тоат-ибодат, хонақоҳ ишларидан озод пайтларида пири муршид хузурига киради. Устоду шогирд бир тўп кесма оғочларни олдиларига тўкиб, уларни буюм шаклига келтира бошлайдилар.

Бугун чоршанба. Марвда истироҳат қилиб турганларига ўн тўрт кун бўлди. Шу икки ҳафта ичида Қутбиддин бир халта қошиқ йўнди. Уларни якшанба куни бозорга олиб чиқмоқчи эди. Қошиқ халтани очиб пирига кўрсатди:

– Ҳазратим дуо қилсалар, бозоршабга элтиш пиятимиз бор эди.

Шайх ҳафсала билан йўшилган қошиқларни қўлга олиб бир-бир томоша қилди.

– Боракалло! – деди шогирдини алқаб. Сўнг маслаҳат берди, – қошиқнинг сопини калта қирқманг, калта қошиқ таомга ботиб хўранданинг қўлини булғайди. Қипири чиқадиргон оғочдин қошиқ ясаманг. Бизнинг Бобоқулга ўхшаганлар жазава пайти қошиқни тишласа, ўсал бўлмасин.

Қутбиддин «Уқдим, пирим» деб таъзим қилди.

– Халтада қанча бўлибди? – сўради пир.

– Ҳозирча йигирмата. Якшанбагача тагин ўнта ясамоқни ният қилдик, пирим.

– Дуруст. Бу сафар бозорга атаганингизни хонақоҳга эҳсон қилинг, ўғлим. Тунов куни қарасак, икки дарвиш бир қошиқда оби ёвғон ичмақда экан.

Савобга дохил бўлишни ўйлаб Қутбиддиннинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Шу пайт Жоме масжиди тарафдан азон товуши келди. Шайх мойқоғоз ёништирилган деразага хушламай қараб қўйди. Пешинга ҳали узоқ эди. Бевақт азон айтилдими, демак бир фалокат рўй берган.

– Бозоршабга боринг, ўғлим, – деди Ҳазрат, – халойиқдин сўранг-чи, шаҳарга не бало ёнишди экан.

Қутбиддин буюмларини апил-тапил ёништириб, илдам чиқиб кетди.

Мансурхўжа билан Сулаймон кирдилар. Иккаласи афтодаҳол, бошларига оғир савдо тушган кишиларни эслатади. Сулаймон пойгакка яқинроқ чўккалади, юзига енгил фотиҳа тортди.

– Марви жаҳонга бало ёғилибдир, пирим, – деди, – шаҳарда вабо тарқалибдир. Ё Аллоҳ!

Пир индамади. Қовоқ уйиб ерга қаради. Сулаймон келтирган шумхабар унинг кекса қалбини паштардек тилиб юборган эди. Хаёлга чўмди. Азалдан аёнки, тоғи, яъни ўлат тарқалган шаҳарга кириб-чиқиш мумкин эмас.

Демак, сафар номаълум муддатга чўзиладиган бўлди. Вабо қасдига олса, марвликларга қўшилиб қанча-қанча хамрохлари ҳам нобуд бўлиши мумкин. Энг ёмони, бу бедаво дардни туркистонликлар олиб келди, деган маломат эди. Шайхни, айниқса мана шу гумон изтиробга соларди.

Хазрат бошини кўтарди. Мансурхўжа билан Сулаймон «Энди не қилдик, устоз?» дегандек Шайхга нажот кўзини тикиб ўтирар эдилар.

Мансурхўжа, сиз мусофирхонага боринг, бизни айтди денг, бир тирик жон қадам босиб кўчага чиқмасин. Ташқаридан бир киши кирмасин. Эшикка Бобо Мочиндек дев йигитлардан кўрикчи қўйилсин. Бетўхтов исирик тутатсинлар. Суви қайнатиб ичсинлар. Уқдингизми? Сулаймонқул, сиз йўлдошларингиз ичидаги табибларни чорлаб маслаҳат қилинг. Топган дори-дармонларини ўртага қўйсинлар. Сиз ҳам табибсиз, энди хунарингизни кўрсатинг.

Сулаймонқул билан Мансурхўжа энди ўриларидан кўзюлганда шитоб ила Қутбиддин кириб келди. Унинг гаплари ваҳимага тўла эди.

– Пирим, бозоршабда одамлар тўрт томонга қочмоқдалар. Мухтасиб расталарни беркитиб, тужжорларни ҳайдамоқда. Халойиқ эсини йўқотиб қўйгон...

– Астаффирулло, илоё ўзинг асра, – деб ёқасига туфлади Мансурхўжа.

Шу асно бевақт турган шамолдек гувиллаб Бобо Мочин кўринди. У бўсагадан ўтар-ўтмас, «Во дари-и!» деб наъра тортиб юборди. Шайх унга ёмон кўз билан қараб қўйди.

– Ҳозир сайха тортишнинг вақти эмас, Бобоқул! – деди панд бериб, – сиз қабатингизга қорувли йигитларни олиб эшикоғалиқ қилингиз. Хонақоҳга биров кириб чиқмасин.

Самарқанд қозиси хожи Абдураззоқ, тагин уч-тўртта марвлик уламо кирди. Улар ҳам қарахт, йўлдан адашган йўловчидек паришон эдилар. Мана бу муборак зовияни макон тутган зоти шариф гуё ҳозир табибу, улар дармондори излаб келган беморлардек Шайх ул-машойихнинг овзига тикилиб ўтирдилар. Султон ул-орифин тилга кириб деди:

– Бил балойи собир айн. Балоба сабрдин ўзга чора йўқдир. Дард берган эгам шифосини ҳам дариф тутмас, иншооллох.

Шайх илкис ўрнидан турди. Кутбиддин гулмиҳдан салла, тўнни олиб пирга пешкаш қилди.

– Шоҳ саройига борайлик, – деди Шайх кийиниб, белини маҳкам боғлар экан, – кенгашиб бул офатга қарши бир тадбир ўйлаб топайлик.

Сулаймоннинг иззат-нафси лат егандек бўлди. Пири комил ҳеч қачон хонлар, султонлар саройига қадам қўймас, билъакс, хукмронлар дуо истаб Шайх-ул машойих остонасига бош уриб келардилар. Авлиёлар сарварининг бетакаллуф Султон Санжар саройига отланиши пири муршиднинг рутбасига нолойиқдек туюлди. Сулаймон:

– Пирим, биз саройга боргондин кўра... – деб оғиз очган эди, Шайх унинг гапини кесди:

– Ҳозир кимнинг тоши оғир деб тарозуга тушадирган вақт эмас, Сулаймонқул, – деди киноя билан, – шохни бул ерга таклиф этмак хаёлимизда бор эди. Вале Султон жаноблари арқони давлатни йиғнаб хонақоҳга етиб келгунча бир печа мусулмоннинг умрига зомин бўлишимиз мумкин. Фурсат ванимат. Қани, қози жаноблари, йўл бошласинлар.

Сулаймон барибир кўнглидаги фикридан қайтмади. Ҳовлига чиққанларида Бобоқулнинг биқинига туртиб шивирлади:

– Саройга учинг, тақсирим. Ҳазрат ташриф буюрмакдалар, деб Султонга хабар етказинг.

Бобо Мочин калла силкиб оёғини қўлга олди. Шайх-ул машойих бошлиқ раёсат кўчага чиққанда Бобоқул саройга етиб бориб, хос мулозимнинг енгидан тортиб турарди.

Султон Санжар улкан манқал олдида танҳо ўй суриб ўтирибди. Доруссалтанат – суюкли Марвиге вабо ҳамла қилгани унинг жисми жониши ўртайди. Гўёки мана шу манқалдаги ёнғоқдек қил-қизил чўғлар темир кафас ичида эмас, сийнасида бозиллаб тургандек. Хаёлини бир-биридан мажҳул, аёвсиз сўроқлар бурғилайди: «Марви жаҳонга бу бало қайдин илашди? Сувданми, тупроқданми? Ва ё дунё кезиб юрган тужжорлар дастмоясиданми? Ё раббий! Бизни бу дунёга синов учун келтирдинг, синовларингга жон имонимизни пешкаш айлаймиз. Ўзинг юборган дард-

га ёлғиз ўзингдан нажот тилаймиз. Сен нажот бергувчисан».

«Энди не чора қилмоқ лозим?» дея Султон салби вужуд айламакка ўтганда эшик гичирлади. Хос мулозим кирди. Пири комил ташриф буюраётганини айтди. Хайратдан Санжарнинг юраги бир қалқиб тушди. «Не кор-хол юз берди экан? Пири муршид одамларига ҳам ўлим тегдимикан? Худо кўрсатмасин... Ёхуд устод сафарларини давом эттирмакчиларми? Ахир бунинг иложи йўқ. Ҳадиси шарифда зикр этилмишки, бир ерда вабо тарқалган бўлса, ўша ерга кирманг, ул ердан бош олиб чиқманг... Пир карвонни кўчирмоқ истасалар-чи? Не бўлғай? Падари бузруквор раъйини қайтариб бўлмас...»

Султон Санжар махрамларини ёнига олиб дарҳол пир истикболига ошиқди.

Валийуллоҳ жун чакмонининг барини силкитиб ҳамроҳлари ила кўшк ҳовлисига қадам босган маҳал Султон Санжар ҳам ҳашаматли айвондан тушиб келаётган эди. Пирни кўриб унинг кўнглига нур инди, нимтабасум ила олға интилди. Тез бориб Ҳазратнинг этагини ўпди. Шайх ул-машойихнинг кўйкўзларида мунгли ифода кўриб қалбига яна ҳадик оралади. Лекин, барибир, арзидил айтишдан бўлак чора топмади:

– Уэр, пирим озор чекибдилар. Бизга бир оғиз ижозатлари кифоя эрди, даргоҳингизга қушдек учиб борар эдик. Хуш кўрдик...

Шайх енгил эътироз билдирди:

– Нафаси қарбун<sup>1</sup> ганимат, шаҳаншоҳ. Ажал келса, шоҳу гадо баробар эмиш. Қани, мухтасар кенгаш қилайлик.

Саломхонага кирдилар. Тўрда Шайх ул-машойих билан Санжар, чор атрофда уламою вузаро, Марв муфтийси, қозикалон, мухтасиб, ясовулбоши, бош мунший, туркистонлик дин пешволари.

Авлиёи кабирнинг бир одатлари борким, ул зот машварат ёки мажлис маҳали кишининг бетига қараб гапирмас эдилар. Бу сафар ҳам олдидаги қалин ипак гиламга тикилиб дангал ган бошлади:

---

<sup>1</sup> *Нафаси қарбун* – одамнинг нафас олиб, нафас чиқариб туриши. Бу ерда вақт ганимат маъносида.

– Ўлат янглир дардисарни дарранда ҳам, қуш ҳам, ел ҳам, одам ҳам элтиши муқаррардир. Ҳозир айбдорни излаб фурсатни бой бермайлик. Тилсиз ёвнинг чорасин ўйламок лозимдир.

Султон хиёл бош эгди:

– Буюрсинлар, пирим, буйруқлари биз учун дастур-амалдир.

– Аввало, юртда табиб зоти борки, барчасин қалъага йиғнасинлар. Бухородин, Балхдин, Хиротдин. Доруларин олиб етиб келсинлар. Шоҳ жаноблари, фармон беринг, дала-туздин мўлроқ исириқ элтсинлар, токи ҳар хонадонда, ҳар масжиду мадрасада исириқ тутаб турсин. Фақирнинг кўнглида ғалат бир фикр туғилди. То эл бошига келган бу бало даф бўлмагунча жамоа бўлиб намоз ўқимоқни бас қилиб турсак...

Мушший Шайхнинг сўзини ҳазм қилолмай ёзишдан тўхтаб қолди. Бир сониялик сукутдан сўнг шаҳар бош имом хатиби ҳадиксираб оғиз очди:

Афв этгайлар, Шайхим, аҳли сунна бул амалга рози бўлмас, деб кўрқадирман. Ҳар жума бородирғон масжидни ёпсак, гуноҳга ботармиканмиз, деган хаёл кийнайди...

Имом хатибни муфтий қувватлади:

– Орий рост, Ҳазратим, Расули акрам жанобларининг йўриқларида ҳам жамоа намозиининг савоби кўпроқ дейилмиш. Эл-улус ёмон ўйга бормасин-да, иншооллоҳ...

Бу икки дин пешвосининг шундоқ фожиа кунлари мутаассибларча фикрлаши Султон ул-орифининг гашини келтирди. У мухтасибга ўғирилди:

– Бозорни нега ёпдингиз?

– Шаҳанпоҳдин фармон бўлди, – деди мухтасиб, хиёл ўрнидан қўзғалиб, – токи одамлар бир-бири бирла алоқа қилмасин, бир-бирига ўлат юқтирмасин...

– Борақалло! – деди Шайх, – демак, бозорда халойиқ тўпланса, ўлат юқади, масжидда юқмайди, шундоқми?

Шайх сўзидаги мантиқ ва шоҳ фармонини эшитиб, муфтий билан мухтасиб бир қадар талвасага тушдилар. Ҳазрат давом этди:

– Муфтий жаноблари, сиз ҳадиси шарифни хўб ўқибсизу, маънисини уқмабсиз. Сарвари коинот неки васият қилдилар, сизу бизни, илсон зотини ўйладилар,

дунёга келажак зурриётимиз вaмин едилар. «Вабодин қочингиз!» деб марҳамат айлаган Ҳaк Мустафо бошингизга ялли ўлим келганда жамоа намозидан қолмангиз, дейишларига ишонгим келмайди. Валлоҳи аълам!

Шайх ул-машойих «Шоҳимизнинг андишалари нечук?» дегандек Султон Санжарга ўгирилди. Санжар анчадан бери бир қарорга келиб, ҳаёлан пири комилни қувватлаб ўтирган эди. Азим мамлакатнинг буюк султонига хос кескир сўзини айтди.

– Пири комилнинг муборак пафасларини шоҳ фармонига дебоча деб қабул этгаймиз. Мунший, ёзинг! Салтанатимиздаги жами ҳозиқ табиблар тез фурсатда Марвга етиб келсинлар. Вазири акбар, бизнинг номимиздан фармони олий тайёрланг, кимнинг илкида адрасман бўлса, бу ён элтсин. Муфтий жаноблари, сиз фатво берингки, то ўлат даф бўлмагунча жамоа намози бекор қилинсин. Ясовулбоши, қуловингизга қўйиб олинг, табиб зоти бирла маййитнинг хешларидан бўлак тирик жон қалъага ёвуқ йўламасин. Вассалом, сизларга ижозат.

Аввал аркони дин, кейин аркони давлат бирин-сирин саломхонани тарк этдилар. Султон Санжар муштоқи дийдор эди. Неча кундирки, пири муршид суҳбатларига ноил бўлолмади. Дилда армон қат-қатланиб ётибди. Шукрим, Ҳазрат ўз оёқлари билан кириб келдилар. Санжар пири комил ила танҳо суҳбат кўрмоқни жуда истар, лекин бу пиятини устозга айтолмай, истиҳола қилиб ўтирарди. Ўзгалар кўнглида зухур этадиган яхши-ёмон аъмолни кўнгил кўзи орқали дархол илғайдиган Султон ул-орифин бош буриб, ҳамроҳларига ижозат берди:

– Шоҳ жанобларининг бизга айтар сўзлари борга ўхшайди. Хонақоҳда бўлсинлар, иншооллоҳ, асргача етиб боргаймиз.

Саломхона бўшади.

Дастурхон ёзилди. Анор суви, олма шарбати, Балх шинниси, буғдой нон қўйилди. Шайх нондан бир тишлам синдириб еди, шиннидан тотинди. Сўнг нонни қўлига олди, унга узоқ тикилди, ҳидлади ва оҳиста деди:

– Илоҳо, ҳеч кимни нондан айирмасин. Ҳар кишининг нони бутун бўлсин. Нони ҳалол бўлсин. Лукмаҳи бир замонлар келади, одамлар бир бурда нонга имонлари-

ни сотадилар. Ота-бола, оға-ини ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилади. Жон дўстингиз саломи учун сиздан акча сўрайди. Кизи онасига қарз берса, қарзини қистайди. Бул замон қиёмат кунидан дарак бергувчи кун бўлса ажаб эмас.

Пири комил нонни дастурхонга қўйди, Санжарнинг жавдираб турган ўйчан кўзларига қараб давом этди:

– Шаҳаншоҳ, бўркимизни ерга олиб қўйиб бир мушоҳада қилайлик. Қаранг, халқнинг меҳрида ҳам қаҳрида ҳам ҳикмат бор. Бувдой нонинг бўлмаса, бувдой сўзинг бўлсин, дейдилар. Сийлагани пулинг бўлмаса, сийпагани тилинг йўқми, э дўст? Сизда акча ҳам, бувдой нон ҳам бисёр. Эл-улусдин бувдой сўзингизни дариг тутманг, Султон. Бувдой нонингизни аяманг. Билингки, одамларнинг қорни тўқ бўлса, амри маъруф ҳам кулоқларига яхшироқ ўрнашади.

Ҳазрат олма шарбатидан бир хўплади. Дастрўмоли билан бежирим соқол-муртини артди.

– Сизга айтар мухтасар сўзимиз шул, Султон. Буни хоҳ насиҳат деб билинг, хоҳ васият. Жоҳилият деб аталмиш узун бир даврда одамлар тил-забонли ҳайвондек яшади. Тириклайин кўмилди, зино айб саналмади, ҳаром-харишдан ҳазар қилмадилар. Аллоҳга шукр, дини ислом нозил бўлди. Энди Қуръони мажид бор, ҳадиси шариф бор. Вале менинг хавотирим ҳам бор.

Санжар таажжуб ила сўради:

– Недин хавотирлари бор, пирим?

– Оят ўқиб, тафсирина укмаган аҳли каломдин. Салласидин от хуркадиган имомлардин. Авомни Аллоҳ сўзи бирла кўркитиб лукма сйдирган уламолардин, ҳадиси калтак қилиб раиятнинг жонига озор берувчи муҳаддислардин хавотирим бор. Аллоҳ таоло ва таборак исломни азоб учун эмас, роҳат учун яратмиш. Дин деб халойиқ жафо тортмасин, билъакс кўнгли сув ичсин, умри зиёда бўлсин. Боқинг, Султон. Тарёк захри қотил, арақ дурдаси куфрони неъмат. Вале ёмон дардга чалинган кишининг дору ўрнида истеъмол этиши гуноҳи азим эрмас. Жоҳил уламо зоти борки, бул ҳақиқатни эшитса, саққолин юлиб ғалаён кўтаргай. Уларга авомнинг саломатлигининг дастор обрўсини асраб қолмоқ авлороқдир.

Бир ажиб замонлар келади хали, Султон, мутаассиб мул-доларнинг фатвоси билан исломиятга бидъату хурофот унсурлари кўчиб ўтажак. Алалокибат мунаввар дини исломга маломату захмат стажак. Бу янглиғ андешалар тунлар уйқунгизни қочирмайдиму, шох жаноблари?

Султон Санжар пири комилнинг сўзларига таслим бўлиб, тамом ўзини унутган, хаёл уммонида фарқ эди.

Хазрат бир неча сонийлик сукутдан кейин ўзига ўзи деди:

– Менинг уйқум қочадир...

...Ўша кун Санжарнинг уйқуси ўчди. Алок-чалок тушлар кўриб чиқди. Тушида бир тўда уламо масжид устунларини от қилиб миниб юрганмиш... Қозикалон салласини тўлдириб, қора қўйнинг калласини кўтариб кетаётганмиш... Мухтасибнинг кўлида таёк ҳайқириб одамларни қувармиш. Қалтаги негадир алифга ўхшар эмиш...

Санжар уйғониб такбир айтди. Вазири акбарни чақириб исқот<sup>1</sup> тарқатишни буюрди.

Уч кун ўтиб шаҳарда жаноза намози кўпайиб кетди. Кўчаларда ўқтип-ўқтин тобутлар кўринади: анбар ёпилган – аёлларники, жойнамозга ўралган норасидалар, ёстикка кўндаланг ётқизилган гўдак баччалар...

Салтанатнинг турли бурчакларидан етиб келган табиблар уйма-уй юриб муолажа қиладилар.

Мезаналарда муаззинлар даъвати тинган, ҳар ким ўз ёнига ўзи қовурилади, бошларига келган дарду бало билан олишади.

Қалъа дарвозаларидан гурас-гурас туя қарвонлари киради. Барчасига исириқ юкланган. Шаҳар кўчаларида, хонадонларда, қарвонсаройлару мусофирхоналарда тинимсиз исириқ тутайди. Марви жаҳон гўё хасрат ўтида тутаб ёнаётгандек эди.

Худонинг берган кун бир хонадонда йиғи товуши эшитилади. «Вой болам! Вой онажоним! Вой отажоним!» деган нолаю афғондан юраклар пора-пора бўлади.

Кун ўтиб борар, борган сари шаҳар аҳли сийраклашиб, қабрлар кўлайиб борарди.

<sup>1</sup> *Исқот* – бало-қазони даф этиш учун бериладиган хайр-эхсон.

Шайх ул-машойих хужрасидан бир кадам чикмай муким ўтирибди. Салот ҳам, саловот ҳам шу ерда. У Қутбиддин билан қошиқ йўнади, маъсура дуолардан ўқийди, ногаҳон эл устига ёвилган фалокатни ўзинг аритгин, дея Аллохдан шафоат тилайди.

Бир куни Сулаймон кирди. У бош эгиб, анча ўтирди-ю, ух тортиб оғиз очди:

– Сафимиздан хато бўлдик, пирим.

Шайх ёғочдан бош кўтарди:

– Кимлар экан, билдингизми?

– Ҳовва. Бириси Исфижобдин, иккинчиси Самарканддан, боз иккиси Соброндин экан.

Шайх юзига фотиҳа тортиди.

– Аларнинг ҳажжи бадалин мўйнингизга олинг, – деди кейин, – сабр қилайлик, Сулаймон. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Қозижол хожотдин албатта бир нажот еткусидир.

Ўша куни етти хуфтонгача Ҳазратнинг кўзи илинмади. У Асмои хуснани<sup>1</sup> қирқ маротаба такрорлаб яратганга муножот қилди: «Биру борим, бандаларингни дардини йиғиб менга бер. Она сутига тўймаган гўдакларга раҳм қил. Чимилдиқ роҳатини кўрмаган навжувонларга шафқат қил. Неки азобинг бўлса, Аҳмад қулингга бер, мен охират яроғини ҳозирлаб қўйибмен. Раббано, бир исминг Раҳмон, бир исминг Қаҳҳор, раҳм қил, раҳм қил, раҳм қил...»

Субҳи содиқда болишга омонат бош қўйди. Кўзи илиниб-илинмаган экан, ғойибдан сас келди: «Аё Аҳмад! Оёкка тур! Сени чилтанлар<sup>2</sup> сўраб турибди...»

Кўзини очди. Шифтда патнисдек зангори нур ўйнади. Шайх «Бисмилло!» деб ўрнидан турди. Таҳорат олди. Такбир айтиб кийинди. Шифтдаги нур девор бўйлаб сирғалиб остонага етган, гўё валийнинг йўлини пойлаб тургандек эди.

Султон ул-орифин шахд ила ташқари чикди. Кун совук, хаво қоронғи, осмонда сезилар-сезилмас юлдузлар милти-

<sup>1</sup> Асмои хусна – Аллохнинг исмлари.

<sup>2</sup> Чилтанлар – Аллох сайлаган валийлар жамоаси. Уларни эранлар, рижол-ул ғайб дейдилар. Чилтанлар насли башарга маънан раҳнамолик қиладилар.

райди. Шайх қай тарафга юришни билмай иккиланиб турди. Чилтанлар одатда бирон хароба иморатда, қабристон мужовирхонасида, ёхуд чиллахоналарда йиғилиб, фано билан бако олами хусусида суҳбат қурардилар. «Қай манзилда экан бизни чорлаган биродарлар?»

Шу асно изидан нур етиб келди. У авлиёнинг олди-га ўтди, зимистон йўлакда кумуш гиламчадек ирғишлаб қалъа дарвозаси томон йўл бошлади.

Дарвозабон бевакт эшик уриб турган йўловчини хушламай қаршилади.

– Хобимизни харом қилдингиз, биродар, – деди хомуза тортиб, – не тилагингиз бор?

– Эшикни очинг! – деди Шайх амиропа оҳангда. Дарвозабон кўзларини ишқаб минриллади:

– То бомдодгача мухтасибга ҳам очмасман. Кутвол бўйнимни узадир.

– Очинг! Эмаса ўзимиз очиб чиққаймиз.

Жун чакмон кийиб, одми кўк салла ўраган кичкина жуссали қариянинг пўнисаси дарвозабонга бир қадар таъсир қилди. Бирдан у «А-а! Астағфирулло!» деб юборди. Негаки, Шайхнинг йўлини ёритиб келган нур энди ердан дарвоза ҳалқасига сакрар, Ҳазратнинг оёқларига ўралашиб, тагин дарвозага ишора қиларди. Эшик оғасининг қўли қалтиради, талваса ичида қулфга қалит сола бошлади. Қулф очилар-очилмас, эшик гичирлади ва дарвоза ланг очилди. Шайх ўйноқи нур етовида шитоб билан эшикдан чиқиб кетди. Дарвозабоннинг қўли ёқасида, оғзини очганча қолаверди.

Шайх ул-машойих муқаддас нурга эргшиб работга чиқиб борди. Шаҳарнинг кунботар тарафида ястанган кўхна бир мазористон эшигига бориб тўхтади. Тонг бўзариб қолган эди. Сорбон-нур ғойиб бўлди. Шайх беихтиёр олға қадам босди. Қабристон ичкарисида такяхона кўзга тапланди. Ҳазрат ўша томонга юрди.

Такяхона эшиги тақа-тақ берк эди. Шайх уч қарра қопқани урди. Ичкаридан «Ким?» деган миннатли овоз келди. Шайхнинг хаёлида ривоят жонланди. Дерларки, Расулulloх суфа суҳбатин орзу қилиб, чилтанлар ҳалқасига йўл олдилар. «Мен Расулulloхман», деди, эшик очилмади, пайғамбармиз, деди – қопқа очилмади.

Сўнг «Саййиди ул-қавм, ходим ул-фукароман» дедилар. Хак Мустафони суфа суҳбатига қабул қилдилар.

Султон ул-орифин тўртинчи бора қопқани уриб, «Биз шайх-ул қавм, ҳақирлар ходими, фақирлар чоқари кул Хожа Аҳмадирмиз» деди. Эшикнинг икки табақаси баробар очилди. Шайх тикка бориб даврага қўшилди. Тўр тарафдан товуш келди:

– Бир кам эдик, қирқта бўлдик.

Шайх товуш эгасини таниди. У пири муршид, усто-ди соний Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари эди. Эранларнинг қолганлари ҳам Шайх Аҳмад Яссавийга синовчан тикилиб турар, улар Султон ул-орифиннинг салафлари Абдулқодир Гилоний, Боязид Бистомий, Ҳасан Басрий, Абубакр Шиблий, Мансур Ҳаллож, Ҳаким Термизийлар эди. Даврада чурқ этган овоз эшитилмас, чилтанлар робитаи қалбия орқали суҳбат қурадилар. Қирк валий-чилтанларнинг бошлари ҳам, гўё улар ўз хаёллари ила банд, вале бир-бирининг кўнглидан кечаётган тафаккурни бақамти англаб, фаҳмлаб, ички бир нигоҳ туфайли сезиб турардилар.

Анжуман оёқлади. Ғавс ул-аъзам мартабасидаги Абдулқодир Гилоний бир оғиз сўз айтиб фотиҳа қилди:

– Шайх Аҳмад Яссавийнинг мушқулига Аллоҳ таоло ва таборакдин шафоату мағфират тилайдирмиз. Ё Раббил оламин, ўзинг Жаббор, ўзинг Саттор! Биродаримизнинг мушқулин кушод айла.

Чиллаҳона расмига кўра энг охирги қирган эран биринчи бўлиб тақяхонани тарқ этиши керак эди. Шайх ул-машойих шаҳд билан ўрнидан туриб ташқарига йўл олди.

Бомдоддан бери пири муршидни йўқотиб қўйиб юрак ҳовучлаб юрган халифаю хос ходимлар, сулук сардорини соғ-саломат кўриб жонларини чақириб олгандек бўлдилар. Ҳазрат шитоб билан юриб тўғри хужрасига кирди, шошмай ечинди, салла-тўннини Қутбиддиннинг қўлига топшириб ўрнига бориб ўтирди. Мансурхўжа, Сулаймон, Бобо Мочин, Қутбиддин-тўртовлон пир оғзига тикилдилар. Шайх ул-машойихдан қайда бўлганлигини сўраш тариқат одобига зид эди. Қай манзилдан келганини айтмоқ эса, валийуллоҳга вожиб эмас, бу ҳам чилтанлар аҳкомига хилоф. Шунинг учун Султон ул-

орифин халифаларининг саволомуз нигоҳларини жавобсиз қолдирди.

– Жойингизга боринг, ўғлим, – деди Қутбиддинга, – бир муддат ором олгимиз келди.

Муридлар оёқ учида чиқиб кетдилар. Шайх тўнини бошига буркаб юпқа кўрпачага чўзилди. Кўзларини юмди. Бир соат, эҳтимол, икки соат вақт ўтди. Уйқу келмади. Хаёли қочди. Чилтанлар суҳбатини ёдлади, эл-юртни юҳодек ямлаб бораётган ўлатни, эҳром кийишни орзу қилиб дард чекиб ётган муридларини ўйлади... Эзгин хаёлларидан толикди. Аллоҳга қайта-қайта муножот айтиб, ёнбошига ўгирилди. Шу пайт рўпараси чарақлаб кетгандек бўлди. Кўзларини очди. Эшикда бошдан-оёқ оқ либослик, оппоқ соқоллик басавлат мўйсафид турарди. Шайх ўрнидан туриб ўтиришга улгурмади. Мўйсафид икки оғиз гап айтди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

– Бошингга мушкул савдо тушибдир, аё Аҳмад! Сен қалъани тарк этиб биёбонга чиқ! Ўлатнинг подшоси эагингга илашгай. Қум ичида қуриган якка гужум бор. Тўнингни ечиб ўшал гужумга ёп, кейин Яратганнинг кароматин кўргайсан...

Шайх билдики, бу Ҳазрати Хизр алайҳиссалом. Неча замондирки, Хизр бобоси йўқламаган эди, чорасиз, нота-вон кунларида боз имдодга келибдир. Шукриллоҳ, шукриллоҳ...

Шайх сафойил – қўнғирокни чалди. Сулаймон пирнинг истироҳатини қўриқлаб даҳлизда ўтириб эди, етиб кирди.

– Қоғоз келтиринг, – деди Шайх, – шаҳаншоҳга нома битгаймиз.

Сулаймон қалам, қоғоз олди, чўк тушиб тиззасига қўйди. Шайх Султон Саиҳарга тўрт калима мактуб ёздирди.

– Мухримизни босинг. Бобоқулга айтинг, шоҳга элтиб берсин.

Сулаймон бир қўлидаги мактубга, бир Ҳазратнинг секинч зухур этиб турган кўзларига бокиб тилга кирди:

– Пирим, кундуз не ера бордилар, деб сўрамоққа хаддимиз сизгайдир. Камина Сулаймон қулингиз бўламан, – деди «қул»га урғу бериб, – вале... бул мактубнинг маънисига етолмай ақлим лол...

Пирнинг чехраси тобора ёришиб борарди. У муртидан кулди:

– Бу ишорати ғайб. Номанинг маънисини эртан биёбонда кўзингиз билан кўргайсиз, Сулаймон кулимиз.

...Пири муршиднинг мухтасар мактубини ўқиб, Султон Санжар хушини йўқотиб кўяй деди. Ҳазрат яқин маҳрамлари билан бир неча кун шаҳар ташқарисига кўчиб чиқиб, биёбонда истикомат қилмоқни ихтиёр этибдилар! Кишнинг қарсиллаган чилласида-я? Вабо деган бедаво касофат юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётган дамда-я? Султон нечук рози бўлади бу хоҳишга? Бироқ пири комилнинг азму қарорига монелик қилишга ҳам журъати йўқ..

Султон икки ўт орасида қолди. Охири Шайх хузурига отланишга жазм қилди. Зора пири муршид ҳукмдор илтижоларига кулоқ солса, зора бало-қазо даф бўлгунча қалъада муқим қолсалар...

Эвоҳ! Султон Санжардек шоҳи жаҳоннинг ҳукми бир қатла вожиб бўлса, Хожа Аҳмад Яссавийдек авлиёлар сарварининг азми ўн қатла вожиб эрди!

Эртаси куни сипоҳийлар Марвдан ўн чақиримча келадиган чўлда иссиқ ўтовлар, чодирлар тиклашга киришдилар. Султон Санжар пири комилни кимсасиз тақир чўлда танҳо қолдиришни истамади ва Ҳазрат ўтовига ёнма-ён қилиб ўзига ҳам қора уй ўрнаттирди. Бу чоршанба кунги воқеа эди. Пайшанба бомдоддан сўнг Шайх ул-машойих маҳрамлари билан биёбон сари отланди. Султон Санжар оқ бедовда, Султон ул-орифин йўрға отида. Икки султон ёнма-ён кетмоқдалар. Иккаласи ўз хаёли ила банд. «Не қор-қол юз берди, пирим? – ўйланади Санжар, – кишнинг қаҳрли чилласида иссиқ ўрнингизни тарк этмакка не мажбур этди?» Бу янглиғ дилўртлар сўроқлар ҳукмдорнинг оромини олган, валекин сўрагани муридлик андишаси йўл бермайди.

Уч-тўрт фарсах юрганларидан кейин сийраккина саксовуллар, юлеунлар учради. Ғойибдан от бошини ўнгга бур, деган нидо келди. Ҳазрат ўнг томонга қараб юрди. Яна анча йўл босдилар. Бир замон олисда тарвақайлаган дарахт кўринди. Хизр бобо башорат қилган гужум шу эди. Шайх Бобо Мочин кўмагида отдан тушди. Санжар

хам оёқланди. У пири комил не қилар экан, дегандек устозга хайрат кўзини тикиб турибди. Султон ул-орифин қовжирок дарахтга қараб юрди. Гужум олдига бориб тўхтади. Ичида пичирлаб дуо ўқиди. Сўнгра шошмай тўнни еча бошлади. Тўнни ечиб тўрт буклади ва бир-бир босиб гужум олдига бордию... уни дарахтга қараб отди. Йигирма чоғли одам олазарак, талваса, хайрат ичра бақрайиб қараб турибди. Шу пайт мўъжиза рўй берди. Гужум аввалига оғир вичирлади. Гўё сирли бир кучдан чайқалгандек бўлди. Тўсатдан тўннинг этагига ўт кетди. Кейин у... ловиллаб ёна бошлади. Одамларнинг қўллари ёқасига югурди, кимдир «Ё қудратингдан!» деб калима келтирди. Бобо Мочин неча бор пирдан танбех эшитганига қарамай беихтиёр сайҳа тортиб юборди.

Шайх ул-машойих дунёни унутган, у ичида такбир айтиб, тобора аланга олиб дуди осмонга ўрлаётган гужумга термилганича жим турарди.

Қовжирок дарахт тамом ёниб адо бўлгач, Шайх чап ёнида лолу карахт бир аллозда котган Санжарга ўгирилди:

– Вассалом... Марвздан бало даф бўлди, иншоолло...

Дарҳақиқат, ўша кундан бошлаб юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритган вабо тўсатдан чекинди.

Икки кундан кейин Шайх ул-машойих субҳи содиқда сергак тортиб уйғонди. Тепасида Хизр бобоси турарди.

– Аё Аҳмад! Биродарим Жаброил мужда келтирди. Мискинларни балодин қутқориб хаж савобини олдинг. Байъатинг қабул бўлди. Энди Туркистонга қайт. Туркистонда сени Аллоҳнинг савоби кутади...

Султон Санжар Ҳазратнинг Туркистонга қайтишга аҳд қилганини эшитиб ажабланмади. Унинг кўз олдидан ҳамон ловиллаб ёнаётган гужум кетмасди.

– Начора, пирим, – деди Санжар, – барчамиз Аллоҳнинг ҳукмига бўйсунадирмиз.

– Боракалло! – бош ирғади Шайх.

Ҳазрат қирқ чоғли муридини ажратиб олди. Қолган зиёратчилар Мансурхўжа раҳнамолигида хаж сафарини давом эттирадиган бўлдилар.

Орадан тўрт кун ўтди. Султон Санжарнинг яхши қуролланган хос кўриқчилари қуршовида Шайх қар-

вони Туркистон томон йўлга чиқди. Ҳазрат туя устига ўрнатилган чодирли тахтиравонда оҳиста чайқалиб борар экан, кўнгил куши Сайхун бўйларига учди. Ярим йиллик ҳижрон соғинчи дилини ўйнатди. Дунёдаги энг яқин йўл – Ватан сари тушган йўлдир, дейдилар. Шайх Ватанга талпинарди. Ширин сувини ичиб, буғдой нонини еб катта бўлган Ватанга ошиқарди. Уни ота маконнинг сарин шамоллари, аҳли аёлининг иссиқ дийдори, содиқ муридларининг интиқ кўзлари билан бирга тухмату маломат, сирру синоат ва... айрилиқ азоби кутиб турарди...

ИККИНЧИ  
КИТОБ



ОНА ЮРТ  
ШАМОЛЛАРИ





тагин ота юрт шамолларига юз тутиб тургани учун Яратганга сано айтди. Хаёли Исфижобга кўчди. Ёлғиз ўғли Иброҳимни, Рукия бибиши, қизларини ўйлади. Хотирини Сулаймон билан Бобо Мочиннинг гурунги бузди.

Бобоқул қовғадаги сувни дарёга тўкмади. «Табаррук», дея бошига кўтарди. Нафас олмай бўшатди. Оҳ тортди, лекин сайха тортгани Шайхдан андиша қилди. Сулаймон лутф узатди:

– Оташ ўчдиму, мулла Бобоқул?

– Ўчди, – деди Бобо Мочин тамшаниб, – Сайхун суви тотлик да, оға! Етказганига шукр!

«Сайхун» Сулаймоннинг кўксида «Жайхун» бўлиб акс садо берди. У пири муршиднинг ваъдасини эслади: «Хонаи муборақдин қайтгач, сизнинг-да мушкулнингизни ечгаймиз, Сулаймонқул». Ичи сидирилди. Жайхун сари қайтар кунлар яқинлаб қолганини ўйлаб, юраги ҳаприқди.

Сол нариги қирғоққа бориб тўхтади. Сохилда Шайхни юз чоғли издиҳом пешвоз кутиб турарди. Оломон бошида Соброн ҳокими Самариддин Қовчин. Қабатида Соброннинг уламою умаролари. Шайх Бобоқул кўмагида солдан тушди. Оломон гувранди. «Пирим! Туккан юртингизда хуш кўрдик! Қадамларига ҳасанот!» деган олқишлар янгради. Самариддин илдам келиб, пирнинг этагини тутди, кўзларига суртди:

– Пирим! Қошу кўзимизнинг устига хуш келибсиз! Сизни интизорлик ила кутдик. Қадамлари муборақ, ал-муборақ!

Унинг жонсарак офаринига жавобан Шайх бош силкиб қўя қолди. Самариддин пирнинг тирсагидан тутди.

– Шайхим, сиз налинсътатимизга атаб хос жой хо-зирлаб қўйиб эрдик. Марҳаматингиздин умидвормиз. Сухбатларингизни соғиндик, пирим...

Ҳазрат чимирилди. У кўп йиллар муқаддам Собронда улкан хонақоҳ бунёд эттирган. Дашти Қипчоқнинг тўрт гўшасидан келувчи тариқат аҳли учун бу хонақоҳ бир қўналра, мискин мусофирларга бошпана эди. Собронга етса, ушбу ибодатхонасида бир неча кун истиқомат қилишни кўнглига тугиб қўйган эди.

Сулаймон ҳокимнинг ёнини олган бўлди:

– Қиблагоҳ, хонақоҳ қаровсиз бир аҳволда эрмин. Хужралари зах эркан. Аёзлаб қолишдан ўзи асрасин.

Шайх Самариддиннинг илтижодан бўғрикиб кетган бетига разм солди. Хали қирққа ҳам кирмаган бу йигит Султон Санжарнинг туришганларидан эди. Қадди расо, кўзлари тийрак, довқур бу ҳокимнинг нимасидир Шайхга хуш келади. Инсофими, фаросатими ёхуд ҳол илмини қол илмидан кам кўрмаслигим... Ҳар нечук, Самариддин то хануз Шайх ул-машойихдан аччиқ-тазийқ гап эшитмаган. Унинг чехрасида гўдакларда бўладиган бир илиқлик, маъсумлик барқ уриб турарди. Шайх олис йўлда обдан толиққан, вужуди истирохат истарди. Ҳокимга қараб муртидан илжайди:

– Сазангиз синмасин, йўл бошланг!

Самариддин билади, Шайх хукамою умаро дастурхонини ёқтирмайди. Шу боис, у, бизнинг илтимос ҳам ерда қолар, деб кўрққан эди. Пири комилнинг рўйхушлигини эшитиб, етмиш томири эриб кетди.

– Миннатдормиз, Ҳазратим! Илоё, зоҳидларнинг Каъбаси бўлиб...

Шайх қараса, ҳоким мадху санони кўпиртирадиган. Унинг гапини кесди:

– От келтиринг, ўғлим.

Дархол Шайх олдига юшоқ эгар-жабдуқ урилган саман йўргани кўндаланг қилдилар. Бобоқул «Бисмилло!» деб пирнинг қўлтиғидан олди. Шайх ила ҳоким, ортларидан Ҳазратнинг хос махрамлари, муридлар Соброн уламолари қасаба сари йўртдилар.

Самариддин пири муршидга атаб ўн икки қанотли оқ ўтов тиктирган эди. Ўтов атрофида ўнлаб одам куймаланар, дошқозонлар вақирлаб қайнар, бир газлик қумуш қумғонлардан кўкка оқиш тутун ўрмалар, барча-барча авлиёлар сарварининг қадамига интиқ эди.

Шайх ул-машойихнинг ҳашт-ҳашамни ёқтирмаслигини Самариддин яхши биларди. Шул ваздан у ўтовни ортиқча безаттирмади. Тилла-қумуш буюмлари шойи-ишак жиҳозлардан холи қилди. Ерга одми туркман гиламлари ёзилган, ўртада, дошқозондек манқалда саксовул чўғи пориллаб турибди. Ичкари иссиқ, файзли, чор атрофдан мушки анбар билан райхон иси анқийди.

Султон ул-орифин йўл бошлаб ичкари ўтди. Ортидан ҳоким Самариддин, Сулаймон, Бобоқул, Қутбиддин, Соброн уламою оксоқоллари ўтовга қадам ранжида қилдилар.

Шайх тўрга ўтиб, адрас кўрпачага чордана қурди. Жамоа ҳам чўккандан сўнг, қўлларини дуога очди.

– Илоҳа омин! Ва қуррабни анзилни мунизалан муборакан ва анта хайрул мунизилин! Эй халлоқи олам, менга шундай манзил бергилки, у менга ва манзил эгасига муборак бўлсин! Сен яхши манзил бергувчисан. Аллоху акбар!

Жамоат баравар юзларига фотиҳа тортди. Ҳоким даст ўрнидан туриб, қуллук қилди:

– Иншооллох, пирим, қудсий нафасларидан баҳраманд бўлдик, ўзига шукр!

Соброн уламолари Самариддиннинг сўзларини илиб кетишди:

– Шариат бирла тариқатнинг ходийсини хуш кўрдик, шайхим!

– Жамики муслимот муктадосидан айрилиб, савир бўлиб эрди, Аллоҳим юзимизни ёруғ қилди.

– Султонимнинг амри маъруфларини соғиндик, жон қулоғимиз анга муштоқдир...

Шайх бул такаллуфларнинг қайси бири чин, қайси бири риё эканлигини сезиб ўлтирарди. Меҳмонларнинг иззати учун охиста бош қимирлатиб қўйди.

– Мадҳу саноимиз қозиюл хожатга бўлсин. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Шу билан «Хуш кўрдик» тамом бўлиб, дастурхонга ноз-неъматлар тортила бошланди. Баковуллар катта баркашларда кийик гўшти, каклик димламаси, ўрик шарбати, бухорий қандолатлар, қимиз, қимронни узлуксиз келтириб туришибди. Ҳазрат ўрик шарбатидан икки қултум хўплади, сутли патирдан бир тишлам еди. Гўштга қўл урмади. У азалдан камтомоқ эди. Ўтов атрофида жунжикиб ўтирган муридларнинг товуши эшитилиб турарди. Улар гўё ноёб хазинани қўриқлаётган соқчилардек ўтовни қуршаб олишган, пири муршидни тагин бир қарра кўриш умидида эдилар. Шайх Самариддинга боқиб, ўтов сиртига ишора қилди:

– Айтинг, аларга-да улуш берсинлар.

Ҳоким эшиқда амр кутиб турган баковулбошига им қокди:

– Аҳли жамоага томоқ беринг. Мўл-мўл беринг!

Баковулбоши орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Меҳмондорчилик поёнига етди. Шайхнинг йўлдошлари аср намозини адо этгани ёндош ўтовга йўл олдилар.

Ибодат тугади. Меҳмонлар тарқалди. Намозгоҳда Шайх ила Самариддин яккама-якка қолдилар. Пирнинг ҳокимга айтар сўзи бор эди. Буни Самариддин фахмлаб ўтирар, шу боис мударрис олдидаги толиби илмдек ердан кўз узмай сукут сақларди.

Тўрт йилдирки, у Соброн музофотига волийлик қилади. Музофот ажабтовур кенг ҳудуд эди. Бу ёни Тўрткўл мавзеси, Қоратоғ ортидаги дашту биёбон, бу ёни Жанкент ва Хазор бўйидаги Ғаззола аталмиш ерлар ана шу Самариддин ихтиёрида. Қорачиқ, Ийқон, Қарнок, Сиғнок сингари кентларда мева-чева унса, бепоен яйловлар чорвачилик макони эди. Хуллас, Соброн музофотидагилар йўқчилик жафосини тортмасалар бўларди. Аммо қорни тўқдан кўра нони йўқ халқ зиёда эди. Буни Самариддин ҳам билар, ўзича чора излаб тополмасди. У Султон Санжар тағойисига ўхшаган кўнгилчан бир йигит эди. Бировнинг нонини туя қилиб юрган муттаҳамни жазолаш ўрнига... унга панд-насихат қилишни афзал, деб биларди. Насихат, танбех ила ўғри ўлса ҳам тўғри бўлмаслигини англамас, англаса-да, кечирар эди. Шайх ҳокимнинг бу қусурини сезарди. Вале бу тавозели йигитнинг дастурхонидан оёқ узмай туриб, унга каттиқ-қурук гапиришни истамади. Мулойимлик ила:

– Раиятнинг аҳволи нечук? – деб сўради.

Самариддин Шайхдан айнан шу саволни кутиб ўтириб эди.

Жавобини ҳам ҳозирлаб қўйган. Шундоқ бўлса-да, у бир нафас жим қолди. Уҳ тортиб тилга кирди:

– Биз раиятнинг курсоғини тўйдириш ғамидамиз. Саъй-ҳаракат қилаётирмиз, пирим.

– Оч одамнинг курсоғини тўйдириш учун тўк одамларнинг нафсини тийиш даркор. Ўтин чопганники, нон ёпганники бўлгани маъқул. Ҳоким халқнинг отаси. Бас, фарзандлари нон, деб йиғлаб турса, отанинг кўзига уйқу келгайми? Эл-улусдин эшитдик, олиқ-солиқ ҳаддан зиёда бўлибдир. Таноб пули, тегирмон пули, ўлпон, аскар пули, закот, тахти жой пули, яксара, қўшпули, жон солиғи, ушр, фитр... Санокқа иккала панжангианинг бармоқлари етмайди. Бу не бедодлик!

Самариддин «Пирим!» деб оғиз очган эди, Шайх унинг лафзини кесиб, давом этди:

– Закоғ тўлаган кишидан ушр ҳам талаб этмоқ инсофданми, ўғлим? Жон солиғи нимаси? Жонни худои таоло берган, шукрона айтилса кифоядир, қозон қайнатдинг, деб тутун пули ундирганлари нимаси? Бечора, нотавоннинг қора қозони қайнамасинми, йил ўн икки ой зовора нон кавшаб ўтирсинми?

– Пирим...

– Яксарани<sup>1</sup> бекор қилмоқ даркор. Навзамбилло! Уйида мол боқиб, гўдақларининг оғзини оқартирган уй эгаси гуноҳкор эмиш! Томорқасида тўрт жуфт ёғоч кўкартириб, мевасини тотган боғбонга таноб пули етмагандай қўшпули<sup>2</sup> ҳам солинибди. Мол боқиб, сутини ичмаса, ҳовлисига икки жўяк сабзи-пиёз эколмаса, у қандоқ деҳқону қандоқ боғбон бўлди?

Самариддин, «Кошки ихтиёр бизда бўлса эди, пирим», дея ўзини оқламоқчи эди, Шайх товушини бир парда пасайтириб маслаҳат берди:

– Самарқандга, Султон Маҳмудхонга нома битинг. Яксарани бекор қилсин, экин экиладурғон томорқадан қўшпули олинмасин. Қанча хирож бўлса, мол-дунёси ошиб-тошиб ётганлар тўласин. Йўқ-юқа халқнинг насибасига чанг солинмасин, Шайхимизнинг иродаси шул, денг. Уқдингизми, ўғлим?

Самариддин қўлини кўксига қўйиб бош эгди.

Шайх бугун ўзига пешвоз чиққан Соброн аҳли бирла юз кўришмакни ўйлаб қўйган эди. Ҳокимга тайинлади:

– Аҳли сунна вал-жамоага етказинг, жума куни намози дигардин сўнг аларга айтар сўзимиз бор. Энди бизга ижозат, хобхонага ўтайлик. Шом бўлибдир.

Самариддин суҳбатнинг бу қадар енгил кўчганига мамнун бўлиб, пири муршидни хос хонасига кузатиб қўйди.

<sup>1</sup> *Яксара* – қорамолдан олинадиган солиқ.

<sup>2</sup> *Қўшпули* – томорқа учун тўланадиган солиқ.

## ЖАҲОЛАТ ХУРУЖИ

### 29-фасл

*Агар қози бузуқликка берилса, Аллоҳ таоло қозидан безиб, унга шайтонни йўлдош қилур.*

Хадис

Ашрафхон қози Самарқанддан рўсиё бўлиб кайтди. Султон Маҳмудхон олдида сири фош бўлиб, шармандаси чиққач, ер ўпиб, тавба қилди. Икки навкар уни судраб ҳовлига олиб чиқди. Қозини ерга ўтказиб, қўлларини қайрағочга боғладилар. Ашрафхон бошини дарахтга уриб йиғлар, «Бир мусулмони комилга шафқат қилинлар, бу не кўрғилик, ё Қаххор эгам!» деб илтижо қиларди. Илло, биров ғаддор қозининг фарёдига қулоқ солмайди.

Хонақоҳ ахли, қозининг холи не кечар экан, дегандек томошанинг охирини кутади. Бир замон қайдандир лўкиллаб сартарош етиб келди. У «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм! Илоё, бул каззобнинг кўксига диёнат уруғини сочғил!» дея қайчисини олди-ю, қозининг соқолини қирқа бошлади. Ашрафхон уввос тортди, сартарошнинг қўлини тишламоқчи бўлиб иштилдди, уста парво қилмади. «Ҳай, ҳай, қози жаноблари, бир итлик қилғонлари кифоя, тиш-ни асрасинлар!» деб кулди. Хаш-наш дегунча сартарош қозининг сокол-муртини теп-текис қилиб қириб ташлади.

Навбат хон ҳазратлари буюрган эллик таёкка келди. Ашрафхон қозини дарахтдан счиб олиб, бўйрага юзтубан ётқиздилар. Қози ем сб қутурган букадек калласини сарак-сарак қилиб дод солар, оёқларини бўзчининг моксидек ерга шапиллатиб урар, «Ҳой мусулмонлар, азбаройи саққолимни ҳурмат қилинлар!» деб чийилларди. Даррасини сувга ботириб, мухтасибнинг амрини кутиб турган жонкоҳ-нозир учирик қилди:

– Саққолдин айрилиб, бесоқол бўлиб қолдилар, тақсир. Қани кўйлагини кўтариб, муборак садағаларини андак очсинлар...

Қози ширяланғоч бўлди. Мухтасиб кўзи билан «Ур!» дегандек имо қилди. Нозир билак шимарди, гоҳ тўрт энлик даррага, гоҳ сомон тикилган қанордай бўлиб

тўнтарилиб ётган қозига қаради. Ичида «Мин-шарри вас-васил ханнос!» Яратган эгам, шайтоннинг ёмонлигидан ўзинг паноҳ бергил, бул гумроҳнинг омонатини олма, зора солих кишилар қаторига ўтса», дея дуо ўқиди. Даррани боши узра кўтариб қозининг гарданига туширди. Ашрафхон «Их!» деб бир тўлғонди. Иккинчи дарра унинг ўк умуртқасига тегди. Учинчи даррадан кейин қози товушини баралла қўйиб, фарёд солди. Бошига одам тўпланди. Тўртинчи, бешинчи даррадан сўнг қози ерга қапишди. Елкасига ўнинчи дарра текканида ўпкаси узилиб кетгандек бўлди. Тақир бошини бўйрага узатганча, кимирламай колди. Жонкоҳ уришдан тўхтади. Энгашиб қозининг башарасига қаради. Қозининг кўзлари юмук, овзидан сўлак оқиб ётарди.

– Тақир, жонини жабборга берган кўринадир, – деди жонкоҳ.

– Ур, – ўдағайлади мухтасиб, – бундайчинг харомзодаларни ўлдирсанг савоб бўлғай. Ур!

– Маййитни урмоқ пошаръийдир, бегим, – деб нозир ортга чекинди. Қозини чалқанчасига ағдариб ётқиздилар. Унинг кўтарма тандирдек юмалоқ қорни сезилар-сезилмас кимирлар, бўйра жикка ҳўл эди.

Ашрафхон кўзини очганда тепасида табиб ўтирар, қозининг билагини тутганча, пичирлаб дуо ўқирди. Қозига табиб жон қийновчи ўша жонкоҳ бўлиб кўринди. У яна ҳушидан кетди.

Қози хонақоҳнинг кунжагида бир ҳафта ётди. Бир ҳафтагача табиб унинг баданига турли хил малҳам чаплаб, яра-чақасини қотирди. Саккизинчи куни табиб хўшлашди.

– Дорунинг ақчасини берсалар бас, жаноб, – деди табиб, – хизматимизга розимиз. Бизнинг элда жабр тортган мусофир экансиз.

Қози инқиллаб ёнини кавлади, бир мири кепаки пул чиқариб, табибнинг олдига қўйди. Бу пулга битта нон ҳам бермас эди. Табиб кулди:

– Шунча кун бадалига камина одам боласини даволадим, деб хаёл қилибман, таассуф. Бу ақчага сақич олиб чайнасинлар, тақир...

Табиб халтасини олиб жўнади. Қози сариқ чақани тагин киссасига яширди.

– Кетсанг, кетмоннинг бетида кет, менга нима, ношукр!

Қози бир-икки ой Самарқанд атрофидаги қарвонсаройларда ётиб юрди. Саллани йиртиб, энгагини танғиб олган, бошида дарвишларникидек кулоҳ, эғнида пахталик чопон. Шармисорлигини яшириш учун баҳона ҳам топиб қўйган: «Тужжор эдим, йўлда қароқчилар талади, мол-мулкимдан айрилдим, сакколдин мосуво бўлдим. Соямдин бўлак ҳамсоям қолмади».

Қарвонсарой эгаси бу жафокаш мусофирга раҳм қилиб, ундан тахти жой учун пул олмади. Қози биллади, кўса холида Собронга қадам қўёлмайди. Жилла қуриса, соқол-мўйловни тўрт энлик ўстирса эди, тағни бир ёлғонни тўқиб, тукқап элига қайтар эди.

Нихоят, тўқсон чиқиб, киш оёқлади.

Қунлар исий бошлади. Соқол ўсиб, дўли тароққа илинадиган бўлди. Қози, «Илоҳа, маломату мазамматдан ўзинг асра!» деб йўлга отланди. Бир қарвонга илашиб, Собронга етиб келди.

Шум хабарнинг қаноти саккиз, дейдилар. Қозикалоннинг расвои жаҳон бўлганлиги алақачон шаҳарга тарқалган, Мавлуд қори бирга ўн қўшиб, Ашрафхоннинг таёқ еганию бўйранинг хўл бўлганича айтиб, ҳамтабағининг сирини ошқор этган эди. Қози уйдан чиқа олмай, тўрт девор ичра қамалиб қолди. У сайёддан қочиб, кавакка беркинган қашқирга менгзарди. Биров унинг холидан хабар олмайди. Эшигидан муридларнинг оёғи узилган. Масжидга чиқолмайди. Аҳли аёли ҳам бир коса ёвғонни тўк эткизиб олдиға қўяди. Қози уззукун шифтга термилиб ётади. Чўзиб ух тортади. Ухласа, алоқ-чалок туш кўради. Тушида гаврон кўтарган Азозилни кўргандек бўлади. Дод солиб уйғонади. Боз устиға Шайх ул-машойихнинг Яссига қайтганини эшитди-ю, жони халқумиға келди. Назарида, бу ғайбдан бир ишора эди, жазои муқаррар белгиси эди. У кўзларини юмиб, Ҳақ таолоға муножот қилди, мағфират тилади, мадад сўради, илло тазарру қилишни хаёлиға келтирмади.

Ана шундай мусибатли қунларнинг бирида эшиги ғийқиллаб очилди-ю, қадим қадрдони муфтий Мухаммадрасул кириб келди. Қози дўстини кўриб, баралла йиғлаб юборди. Муфтий фотиҳа қилди-ю, индамай ўтираверди.

Қози обдан йиғлаб, оғзи бурнини дастрўмолига артганидан кейингина хол сўради:

– Жарохатингиз... битай, дедими?

Қози, «дўст бўлиб энди келдингми?» дегандек муфтийга гинали қараш қилди.

– Елкадаги жароҳат битаёзди, вале кўнгилдаги жароҳат кетмайдир. Ичимда бир ўт ёнадир. Ул ўт «ўч ол, ўч», дея мени интиқомга чорлайдир.

«Таёк бунинг елкасига эмас, калласига текканга ўхшар», деди ўзича муфтий. Қозига қараб бош чайқади.

– Ҳушингизни йиғинг, қози! Осмонга тупурсанг, бетингга тушади. Бир бора тупуриб кўрдингиз, оқибати не бўлди? Минбаъд, астафидулло, деб икки ёнингизга тупуриб юрганингиз маъқул эрмасми?

Қози бўксасини кўтарди. Одатига кўра, оғзидан кўпик сачратиб, чийиллади:

– Шайхингиз осмону сиз билан биз қаро ер бўлдикми? Аллоҳ бизларни тепкилаб юришга яратибдими? Қодир эгамнинг бандалари бир сиқим тупрокдин бунёд этилибдир. Барчамиз баробардирмиз.

– Адашманг, қози, тупрок эмас, балчик. Холиқун башаран-мин тийн, яъни биз инсонни балчиқдан яратдик, деди ул боқарам. Вале, сен балчик монанд бўлма, ўтган-кетганнинг башарасига сачрама, деб иноят қилади Ҳақ таоло. Насли башар-муқаррам, Одам Ато авлодлари менинг халифаларимдир, дейди ояти қарима. Ўн саккиз минг олам эгасининг сўзларига бўйин сунмасангиз, сиз нечук мусулмон бўлдингиз?

– Билдик, сиз ҳам Яссавий тариқатига кириб кетибсиз. Начора...

– Тариқат имондин холи эрмас. Бурун айтдим, боз айтурман, Шайхнинг айрим амаллари бизнинг кўнглимизга ҳам ўтирмайди. Илло, авлиёи кабирлар пайғамбари мурсалдинг ворисларидир, бул-да ҳақиқат. Шайх дарёи тариқат. Сиз жилдираб ётган бир ариқчасиз, холос. Дарё бир тошмасин, тошса анинг гирдобида маҳв бўлиб кеткайсиз. Бас, икки жаҳон овораси бўлиб, қорним ёрилмасин, Шаҳоб қорига менгаб дуойи бадга қолмайин, десангиз, кўнгилдаги ўтни ўчиринг. Бул ўтни интиқом суви бирлан эмас, тазарру, истиғфор суви бирла ўчирмок вожибдир. Шайтоннинг сўзига кириб, бул йўлдин

кайтмасангиз, кайтиб бетингизга қарамайман. Дийдорни қиёматга қолдирамиз. Вассалом!

Муфтий ўрнидан туришга чорланди. Қози ётган еридан пичинг қилди:

– Сиздин бурун боқийга сафар айласак, ҳакимизга икки оят ўқиб, дуо қилиб кўярсиз, дўстим?

– Ғам еманг. Бир нодон дўстим бор эди, иблиснинг куткусига учиб, имони захм еди, ўзинг шафоат айла, раҳмон эгам, деб дуо қилгайман.

Муфтий эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Ашрафхон бир замонгача ўз ёғига қоврилиб ётди. Ўзингники гапирса, ўмганингни тешади, деганлари рост экан. Муфтий уни бир тутим янтоқ билан савалаб кетгандек эди. Одам боласининг феъли қизик. Отдан йиқилса, эгарда ўрнашиб ўтиролмадим, деб ўзини қоймайди, отни қамчилайди. Қози ҳам ҳозир бошида сувни лойқалатган ўзим эдим-ку, дея тан олгиси келмади. Айбни ўша ношуд наққош билан кўрнамак Мавлуд қорига тўнкади. Одамзод томирида қонга қўшилиб, шайтони лаъин ҳам бирга оқиб юрар эмиш. Ана шу манфур иблис қозининг кўзини тиндириб, бошидан хушини олди. У ақл чироғини ёқиб, тавба-тазарру қилиш, тафаккур этиш ўрнига тобора жаҳолат ботқоғига ботиб борарди. Вужудини кин, алам, ғазаб, интиқом оловига чулғади. «Ал-қасос ул минал-ҳақ!» – пичирлади қози. – Ё устидин, ё остидин! Эл чўқинган авлиёсини эл аро бир изза қилмасам, Ашрафхон отимни бошка қўйиб, бу юртдин кўчиб кетгаймен!»

## ҚОЗИ ҚАСОС ОЛМОҚЧИ

### 30-ф а с л

*Сўфинақи бўлдинг, вале  
Ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.*

Аҳмад Яссавий

Ҳадиси шарифда келадики, курашда ғолиб бўлган кимса жўмард эмас, билъақс жаҳолат пайти ўз ғазабини боса олган мўмин паҳлавондир. Ашрафхон қози бул ҳадисни унутган, магар унутмаган бўлса, Расулulloҳнинг

васиятига амал қилишни ўзига нораво деб биларди. Ҳар не бўлганда ҳам бу гумроҳликдан ўзга нимарса эмас эди.

Неча кундирки, унинг кўкрагида адоват ўти ёпади. Бу оташ қозининг бошидан товонигача чулғаб олган, уни мубҳам, хавфли бир жарлик сари судрарди. Ниҳоят, Ашрафхон кўзили чирт юмиб қалтис ишга қўл урди.

Азонлаб Шаҳобиддин корига одам юборди. Бултур Шайх ул-машойихнинг дуойи бадидан сўнг Шаҳобиддин бир мунча ўзига келган, бетининг кийшиғи тўғрилланган бўлса-да, ўнг кўзи пирпираб учиб турадиган бўлиб қолганди. У ибтидоий мактабда ёш болаларга таълим берар, ота-оналарнинг хайр-эҳсоли эвазига рўзгор тебратарди.

Шаҳобиддин букчайиб кириб, қозининг бош тарафига чўк тушди.

– Ўнг ёғимга ўт, – деди қози хўмрайиб, – лаънати дарра қулоқни сган.

Қори кети билан сурғалиб, қозикалоннинг ўнг биқинига ўтиб ўтирди. Икки ҳамтабақ маломат бўтқасига икки ёндан қошиқ уриб, ғийбатли чечаклатдилар.

**ҚОЗИ-ҚОШИҚ:** Шайхнинг Маккаи мукаррамага етолмай, ёрти йўлдан қайтган эмишми? Эшитдингми?

**ҚОРИ-ҚОШИҚ:** Ё ажаб! Нечук ёрти йўлдин қайтади, ақлим ожиз...

**ҚОЗИ-ҚОШИҚ:** Аллох хуш кўрмаган. Бандаи мўминларга онқадар озор етказиб, дилларини хуфтон қилади-ю, Яратганга ёқадими бу қилиғи? Фаришталар дилозор Шайхнинг йўлини тўсган. Мана, энди бир тўл ўзига ўхшаганларни эргаштириб изига қайтибди.

**ҚОРИ-ҚОШИҚ:** Биз бўлакча эшитдик, тақсир. Марви жаҳонда ўлат тарқалган экан. Минг-минг одам нобуд бўлибди. Шайх каромат кўрсатиб, ўшал ўлатни даф этган эмиш. Яна ким билади...

**ҚОЗИ-ҚОШИҚ:** Бе-е... Бул ҳам бир ҳамоқат бўлса керак! Дардни Аллох беради, шифосини ҳам ўзи юборади. Минг касалга бир камчи, деган гапларга камина ишонмайман. Бундоқ миш-мишни Шайхнингни ўраб юрган муридлари тўқиган бўлса, ажабмас. Ке, қўй, гапни сиркалатмайлик. Ошни пиширайлик. Биласан, Шайхнинг бўйнида қиёмат қарзи бор. Икковимизга товон тўлаши даркор. Хўш, товонни нетиб ундирамиз, сен ҳам каллангни ишлат-чи.

**ҚОРИ-ҚОШИҚ:** Ниятингизни фахмладим, таксир. «Ал-қасос ул-миналҳақ» деб турибсиз. Биз бунга рози. Ва лекин, камон бўлай, майли, илло ўқ бўлолмайман. Маъзур тутинг, таксир.

**ҚОЗИ-ҚОШИҚ:** Биламан, сенинг ҳам иштонбоғинг бўшроқ. Бўпти, сен камонсан, мен мерганнинг қўлиман, иншооллоҳ, ўқни ҳам топқаймиз. Энди сен бориб, Мавлуд овсарни айтиб кел.

**ҚОРИ-ҚОШИҚ:** Келармикан, тўнини тескари кийиб юрибди.

**ҚОЗИ-ҚОШИҚ:** Келади. Хажжи бадалинг бор экан, десанг, боши билан думалаб келади.

Шаҳобиддин инқиллаб қўзғолди-ю, Мавлуд қориникига қараб кетди.

Мавлуд Ашрафхоннинг ёнида эллик таёк еб, соқол-муртидан жудо бўлгандан кейин салла-чопонни ечиб, муллабачча қиёфасига кириб олган (мадраса талабаларининг соқол қўйиши шарт эмас эди), шу кенатада Собронга стиб келган эди. Шаҳобиддин кирганда у офтобрўёда эшагининг эски нўхтасини ямаб ўтирарди. Кутилмаган меҳмонга кўзи тушди-ю, «Бу қаззоб тагин бир балони бошлаб келмаган бўлсин-да», деб ҳадиксиради. Шаҳобиддин негадир кулимсираб ган очди:

– Қози поччанг сени кўрмоқчи...

– Қози жаноблари билан орамиз очиқ, – деди Мавлуд нўхтадан бош узмай, – у кишидан қарзим йўқ.

– Илло, қозининг сендан қарзи бор. Хажжи бадалинг-ни олмайсанми?

Мавлуд Ҳижоз сафари олдидан, ҳақ йўлида омонатимизни топширсак, хажжи бадалим сизда турсин, дея қозига беш-олти пухта пул берган эди. Баднафс қози энди пулимни қайтариб бермайди, деган хаёлда юрарди. Шаҳобиддиннинг сўзини эшитди-ю, кул боса бошлаган юраги қайта чўғланди. Омонати кўз олдига келди.

– Майли, қўлим текканда борарман, – деди, кўнглида жўш урган ҳирсини босиб.

– Йўқ, ҳозир борасан! – пўписа қилди Шаҳобиддин, – Қози поччанг олдингга солиб кел, деганлар. Тур ўрнингдан!

Мавлуд қори нўхта-сўхтасини йиғиштириб, кийиниб чиқди. Икковлон узун-қиска бўлиб йўлга тушдилар.

Ашрафхон сандалга оёқларини тиқиб ёнбошлаб ётарди. Мавлуд кирди. Салом берди, ammo қозининг қўлини олмади. Бу қозининг қонини қайнатди.

– Хм, суяк исини сезиб келдингми, тозибачча? – деди ўқрайиб.

– Бу ўзимнинг ҳалол ақчам. Мол боқиб, семиртириб топганман. Магар сиз ютиб юбормоқчи бўлсангиз, томоғингизга тикилади, тақсир.

– Тилинг чиқиб қолибдими, баччағар! Ма, ол!

Қози ёстиқ остидан муштдай чарм халта чиқариб отди. Мавлуд қори пулини санади. Икки тилло кам эди. «Бу аждаҳо тўймайди. Сўрамайман. Барибир шаллақилик қилиб бермайди».

Ашрафхон чарм халтачани чангаллаб ўтирган Мавлудга зимдан назар солди. «Бул нобакорни нетиб йўлимизга юргиздик энди? Масжиднинг имомлигини ваъда қилайми?» Қози мулойимроқ товушда гап қотди:

– Юз таёкни иккимиз бўлиб сдик, бўтам. Бас, шундоқ кетишгни силаб кетаберасанми ёинки... қабатимизга кирасанми? Анови кўштегирмондаги масжиднинг имомати бекор турибди. Хоҳласанг...

Мавлуд қори Ашрафхоннинг лафзини кесди.

– Ортингиздан бир юриб кўрдим. Оқибатда ўпкам тешилди.

Тавба қилдим. Минбаъд сизнинг ношаръий юмушларингизга бош кўшмагайман.

Мавлуднинг дийдасини қаттиқ қилиб, бетгачонарлик қилгани қозини ётган еридан турғазиб юборди. У қўлини калтак қилиб сермади, бақирди:

– Қаргайман, бетавфиқ! У дунёю бу дунёда барака топма, охиратинг куйсин, деб дуойи бад қиламан! Йўқол, кўзимдан, лаънати!

Мавлуд ўрнидан турди. Бўсағада «салом»га яраша «алик» олди:

– Хар кимнинг мозори бошқа, номаи аъмоли бошқа. Ким жаннатга лойик, ким дўзахий – бу ёлғиз қодир Эгамнинг ихтиёрида.

Мавлуд қори шарпадек беиз чиқиб кетди. Ашрафхон анчагача жаҳолатдан ўзига келолмай пишқириб ётди. Ниҳоят, у Шаҳобиддинга ҳам жавоб берди.

– Камонга қўл бўлсанг, эртангача бир чора топиб кел. Мен ҳам сарҳисоб қиламан. Бор, мен бир мизғиб олай.

Шайх ул-машойихни нетиб мулзам қилсам экан, деб Ашрафхон кун ўйланди, тун ўйланди. Чора излайвериб, калласи шишиб кетди. Иблисона ишга қўл урган номардга азозилнинг ўзи кўмакка келар эмиш. Қози ниҳоят, рақибига отилажак ўша «ўқ»ни топгандай бўлди.

Бир куни тонг сахар Шаҳобиддинни хузурига чақиртирди.

– Хўш, камонча, – деди қози сўлтаиб ўтирган қорига, – ўқ топилдими?

– Таксир... – деб мишғиллади Шаҳобиддин ерга қараб.

– Сендин ҳам ҳасипим совиди. Калла деб елкангга бўш қадини кўтариб юрган экансан. Сен ҳозир елиб бориб, Жавлон қассобни айтиб келасан.

– Қўй сўйиб, қон чиқарасизми?

Ашрафхон, омон-эсон Самарқанддан қайтсам, бир тўқлими, эчкими сўйиб, хайр-эҳсон қиламан, деб ўйлаб қўйган эди. Аммо, шунча мухлат ўтса ҳамки, у ниятини ортга ташлаб келарди.

– Сени сўйиб, худойи қиламан! – деди ишшайиб қози, – аввало сен бориб қассобни етаклаб кел, сўғин хунаримни кўрасан.

Шаҳобиддин елка қисиб чиқиб кетди. «Энди қўлга тушдинг, дилозор, – деди ўзича Шайхни ўйлаб қози, – кўрамиз, бул тузоқдан қандоқ қутулиб кетар экансан».

Жавлон қассоб раста тўрида гўштга қоқ суяк ўраб сотаётган эди, Шаҳобиддинни кўриб, елкаси тиришди. «Бу нокас тағин насяга гўшт сўрайди, қарзини бермай чўзади». Бу сафар қори гўшт сўрамади.

– Мени қози почча юборди, – деди ишшайиб, – дарров борар экансан.

– Қози ўрнидан бекор бўлган, деб эшитдигу, – деди энсаси қотиб қассоб.

– Жинни бўлганмисан? Қандайчин бекор бўлади, гўшткалла!

Ҳозир хайбатини кўрсанг, бурунгисидан ҳам ваҳмали. Қани, дўконни ёп!

Жавлоннинг иложи қолмади. Қозининг олдида унинг тили қисикрок эди. Хушламай дўконини ёпди, сиртига

икки кулоч каноп ип боғлаб кўйди-да, Шаҳобиддинга эргашди.

Ашрафхон мушкул бир масъалада ҳарифини мот қилган уламодек керилиб ётиб эди. Қора қайроқ, бир газлик қайиш, молпичоқ солинган тери тўрвасини саланглатиб, аввал Жавлон, ортидан Шаҳобиддин кирди. Қассоб, «Бу сбртўймас эски гапни кўзгаб, тагин илигимни қоқармикан», деган хавотирда четроққа чўккалади. Жавлон бултур кўй гўштини эчкиники, деб сотиб, кўлга тушган, козига бир кўчкор пора бериб, араиғ кутулган эди.

Қози киличини қайраб ўтирган эди, дархол хужумга ўтди:

– Анови ўғри иниларинг топилдими? – Ашрафхон тоқчадан бўш варақ олиб, хавода силкитди, – мана, мен Исфижобдин фармойиш олдим. От ўғрилари топилсун, аларнинг икки панжаси қирқилсун. Ўғрилар кўлга тушгунга қадар бирон бир хешими, оға-иниси ё ўғлими зиндонда тутиб турилсун, деб амр қилибдилар ҳоким жаноблари.

Бу ёлғон фармонни эшитиб, Жавлоннинг жони товониға тушиб кетди. Гап шундаки, бундан уч ойча муқаддам Жавлоннинг Оқмон, Қоромон деган икки иниси тоғдан от ўғрилаб, кўлга тушган, хибсдан қочиб, ҳозир қайлардадир бекиниб юрарди.

– Нима қиласан? – деди хўмрайиб қози, – аларни топиб келасанми ё зиндонда ўтиратурасанми?

– Қайдан излайман уларни, таксир, – деди қалтираб қассоб, – ўғриларнинг тайинли макони бўлмаса...

– Андоқ эрса, ихтиёринг. Иниларинг бир ойда топиладими, бир йилдами, унғача сен хибсхонанинг сассиқ девориини искаб ётганинг ётган. Ҳоким тўраға ҳам шундоқ деб жувоб берурман.

Қассоб терлаб кетди. «Бу аблаҳ лафзидан қайтмайди. Етти боламни чирқиратиб... очидан ўлдираманми, нетаман? Кўч-кўронимни ортиб бошқа юртга кўчиб кетайми? Бул замонда золимнинг зулмидан кутулиб бўлмас. Изимдан тушади бу ифлоснинг итлари».

Жавлоннинг нафаси чиқмай қолди. Ниҳоят, узун ух тортиб тилға кирди:

– Майлингиз, қози почча. Иниларимни излайман.

— Ана энди эсинг кирди, сенга бир хафта мухлат. Иниларингга туймадай хизматимиз бор. Бизнинг шартга рози бўлса, қўлларини чоптирмайман. Бор энди!

«Туймадай хизмат»ни эшитиб, Жавлоннинг краги бир қалқиб тушди. У соядай судралиб эшикдан чикди.

## ОҚМОН БИЛАН ҚОРОМОН

### 31-ф а с л

*Кечираман, лекин кеч ураман.*

Аҳмад Яссавий

Бугдойдан сўрадилар: «Нечук хомушсан?» Бугдой деди: «Тевага қарасам, тегирмон тош, пастга қарасам яна тош. Нечук хомуш бўлмай?».

Жавлон қассоб ана шу бугдой мақомида эди. Ипиларини топса, уларнинг қўллари кесилади, бир умрга мажрух бўлиб қолади. Топмаса, ўзи зиндонга қамалади. Охири у Аллоҳга таваккал қилди. «Биздек ғарибларнинг дуосини ўзинг ижобат қил!» дея, йўрга отини миниб йўлга тушди. Тўрт кун Қоратовни элак-элак қилиб ташлади. Ўнгириларга кирди, қалин дарахтзорлар тагига мўралади, қоронғи ёрларга бош суқди. Икки саёқ болани кўрмадинларми, деб қўйчибонлардан суриштирди. Окмон билан Қоромон худди ерга кириб кетгандек эди. Топилмади.

Бешинчи куни у Сайхун бўйларига қараб йўртди. Одатда қароқчилар, ўрчилар дарё ёқасидаги тўқайзорларда жон сақлайди, у ерларда ёнвойи хайвонлар кўп, ановманов кимса оёқ босгани кўрқади, деб эшитган эди. Тахминини тўғри бўлиб чикди. Учинчи куни сув соҳилидаги чангалзор орасида тутун кўринди. Жавлоннинг оти ўйноқи эди, ўзи ҳам мол сўявериб, дийдаси қотиб кетган, қашқирдан ҳам, тўнғиздан ҳам хайикмасди. Жавлон дангал тутун бурқсиётган ерга от солиб борди. Қараса, ит талаган гадодек бўлиб инилари ўтирибди. Эгни-бошлари етти ямоқ, соқоллари бир қарич. Бир декча қозонни қайнатиб, ўчоқни кавлаб ётишибди.

Жавлон тикка бостириб бориб, ирғай сопли оғир камчиси билан иниларини ура кетди:

– Харомилар! Қоча-қоча топган кавакларинг шу ер бўлдим?

Ота-оналарингни куйдира-куйдира гўрга тикдинглар. Энди мени адои тамом қилмоқчимисизлар? Қани, олдимга тушинглар!

Жавлон тағил бир-икки қамчи тортди. Кичик укаси Қоромон бошини чангаллади.

– Оға, отдан тушинг, ўтириб одамга ўхшаб сўллашайлик.

– Сенлар одам бўлсанглар экан... одамга ўхшаб сўллашсак.

Жигарчилик эмасми, барибир Жавлон бир оз юмшадди. Отдан тушди. Жиловни бир бутага илди.

– Хўш, гапир, не дейсан?

– Тукқан оғамиз бўлатуриб, бизни ўз қўлингиз билан жаллодга топширмоқчимисиз?

– Мени қози почча юборди, тентак, – деди Жавлон, – икковини топиб кел. Товонини тўласа, гуноҳидан кечамиз, хатти барот<sup>1</sup> ёзиб бераман, деди. Қани, олдимга тушинглар.

«Хатти барот»ни эшитиб, оға-инининг кўнглида умид чирови милтиллагандек бўлди.

– Агар имонини ютса, бу сафар нақ қозининг ўзини сўйиб кетаман, йигит сўзим! – деди Оқмон. У инисига қараганда қорувли ва қайсарроқ эди.

Тўққиз кун деганда уч ака-ука қозининг рўпарасида бақамти бўлдилар. Ашрафхон муртидан кулиб қўйди. «Ўқ» топилган, ёвуз ниятининг ёртиси рўёбга чиқа бошлаган эди.

Оға-инилар минг хаёл ичра фарқ бўлиб, қозининг оғзини пойладилар...

Мухтарам ўкувчи! Энди кўра-била туриб, харом йўлга кирган муттаҳам қозининг шум ниятини айтадиган вақт келди шекилли.

Ашрафхон Оқмон билан Қоромонга бепарво тикилди.

– Сан икковингга бир юмуш бор. Тўрт-беш кун ичида Шайх Соброндан Яссига кўчади. Пайшанба куни бир бузоқни сўясанлар. Этини нимта-нимта қилиб, тунда Шайхнинг қазноғига элтиб ташлайсанлар. Жумъа намози-

<sup>1</sup> *Хатти барот* – олодлик ҳақидаги ҳужжат.

дан сўгин ул этларни олиб чиқиб, жамоатга улашиб бера-санлар. Бу – Шайх ул-машойихнинг мўмин-мусулмонларга берган эҳсоли бўлади! Уқдингларми?

Оға-ини қозини қабих мақсадини англамаган бўлсалар-да, «хўп» дегандек бош эгдилар.

– Бузоқнинг эти халойиққа теккандан кейин десанг, мана бу жазо ҳукми мана бундай-мана бундай қилиб йиртиб ташлагаймиз.

Қози тоқчада ётган кераксиз қоғозни олди-ю, тўрт буклаб, парча-парча қилиб отиб урди.

– Боринглар энди, худо ёр бўлсин!

Учовлон ака-ука бош солиб чикдилар.

Қози жума куни Жоме масжиди олдида рўй берадиган талатўпни ўйлаб, ичидан суюниб қўйди. Аммо, дунёда, «мен қиламан ўттиз, тангрим қилади тўққиз», деган доно гап ҳам бор. Буни ақли ноқис қози билмас, у адоват оловини туҳмат ёмғири билан ўчирдим, деб хом-хаёл сурарди.

Аввалги фаслларда эслатганимиздек, Шайх ул-машойихнинг камолот ёшидан қолган бир яхши амаллари бор эди. Ул зот пири муршид, устоди бокарам Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг илқидин халифалик хирқасини кийибдиларки, ҳар жумъа ибодатидан сўнг аҳли муслим олдида ваъз айтмакни фарз деб билди. Мана, бугун ҳам муборак жумъа айёми. Шайх бир замонлар ўз сармосига бунёд эттирган масжиди Султонияга қараб келяпти. Жоме сахни кенг эди. Бу ерга минглаб одам ситарди. Халқнинг бахтига ёқимли ҳут шамоли эсиб, одамларнинг бетини меҳрибон қўлдек сийшалаб турарди. Ясси аҳли неча пйдирки, орқа тоғлари, инонган боғлари бўлмиш Султон ул-орифин дийдорига муштоқ эдилар. Шу боис ён кентлардан, Қорачик, Ийқон, Чағоноқ, Сияноқ овулларида ҳам лак-лак мурид Жоме сари оқиб келарди. Улар орасида ўзимизнинг эски танишларимиз қарноқлик дехқон йигитлар Камол қора билан Низомиддин хушрўй ҳам бор эди.

– Худо деган эканмиз, паноҳимиз омон-эсон қайтиб келди, – деди Низомиддин юзига фотиҳа тортиб.

– Беш вақт намозда Аллоҳдан тилар эрдим, пиримиз тезроқ келсинлар, деб. Муножотим ижобат бўлди. Ўзига шуқр.

Икки дўст Шайх ваъзини яхшироқ эшитмоқ ниятида издиҳомни оралаб, ўртарокка ўтиб олдилар.

Ҳазрат минбарга ёвуқ келди. Унга Сўфи Донишманд, Ҳаким Сулаймон, Қутбиддин, Бобо Мочин, Ясси уламои киромлари эргашди. Шайх ўзига кўз тикиб, сўзига интиқ бўлиб турган жамоатга разм солиб, андак сукут сақлади.

– Биродарларим! Саккиз ой муқаддам шул ерда туриб, Ҳаж видосини айтган эдик. Ҳамду сано раббил-оламинга бўлмайки, қайта дийдор nasib этди. Иссиқ юзларингизга боқиб, кўнгил катидаги губордин халос бўлдим, шукриллоҳ!

Оломон гувлади. «Пирим! Пирим!» деган хитоблар янгради.

Барча баробарига «Омин!» дея қўшқўллаб фотиҳа килдилар.

Шайх амри маъруф бошлади.

– Азизлар! Бир-бирларингизга суяниб, бир-бирларингизга яхши қўшни янглиғ бош қўшиб турган сиёғингиз каминага Расуллоҳнинг васиятларини ёдимга солди. Қўшни – қўшнининг либосидур, қўшни – қўшнининг кўзгусидир, дейдилар Ҳақ Мустафо. Бас, бугун қўшничилик одоби, ҳамсоянинг риояти хусусида икки оғиз сўллашсак, деган ниятдамиз.

Улусда нақл борким, яхши қўшни қариндошдин авлодир. Қиёмат кун ҳам қўшнидан, демишлар. Иссиқ жоннинг ётари бор, юрари бор, ким анга мадакдор, ким анга қўл-қанот? Шаксия, ён қўшнинг, жон қўшнингдир.

Гуноҳи кабир – ҳамсояга озор бермақдир. Савоб тиласанг – тўрт ёнингдаги қўшнингдин тила. Қўлингдин келса, аларга яхшилик кил, қўлингдан келмаса, тилинг бирла кўнглини овла. Биздин бурун ўтган машойихлар айтмиш, сийлагани пулинг бўлмаса, сийлагани тилинг йўқми, эй мардум, дебди.

Ўзингга раво кўрмаган нимарсани печук ҳамсоянга раво кўргайсан? Ривоятда келди: бир азиз зотнинг уйида сичқон пайдо бўлди. У урчиб, кўпайгандан-кўпайди. Уй соҳибидан сўрадилар: нетиб сичқонларни қўшниникига қараб хайдамайсиз? Ва ёки мушук сақламайсиз? Ул деди: мушук товушин эшитса, сичқонлар ҳамсояникига таркагай. Ўзимнинг роҳатимни, деб бировнинг оромини бузмокдин кўрқадирмен. Бул – имон иясининг гапи.

Расул алайҳиссалом айтдилар: агар қўшни сендин кўмак тиласа, рад этмагил, қарз сўраса – бергил. Мискин бўлса, қарзингни қистамагил. Бемор бўлса, хабар олгин, вафот этса, жанозасининг ортидан бор. Яхши кунда муборакбод айла, ғамгин бўлса – кўнгил сўра. Тотли таоминг бўлса, ҳамсоянга чиқар. Сеникида ёғли қозон қайнаб турса-да, ҳамсоянг ёвфон ичиб ўтирса, ор қил. Болаларинг ширин қулча еб, бева-бечоранинг стимуларини ўқситмасин.

Том солсанг, ён қўшнингнинг тоmidан баланд қилмоғилки, уларга шамолнинг йўли тўсулмасин. Ошхонадан ўрлаган тутун бирла ҳамсоянга озор бермагил. Яхшилик кўрғазиб, миннат қилмагилки, илло миннат ҳимматини қушандасидир.

Пири муршид ваъзини оёқлатмасдан туриб, оломон ўртасидан чийиллаган товуш келди:

– Авлиёмиз имон, инсофу диёнат борасинда хўб айтдилар. Ва лоқин, ул ҳазратнинг томоқлариндин ўтиб турган луқмани ҳамиша ҳалол, деб бўларми эркан? Ҳозир тўрт мусулмонни гувоҳ қилиб, Шайхнинг қазноқларига қирайлик. Ул ерда бир мискин ғарибнинг сўйилган бузоғи ётибдир. Эғаси ҳам шул ерда, бузоқ терисини ташийди. Қани, имонига захм етмаган марди муслим бўлса, бу ёққа чиқсун!

Тўда ичидан хали товуш берган ҳезалақчалиш билан бирга бир букри чиқди. Уларга Оқмон билан Қоромон қўшилдилар. Халойиқ, бул не томоша, нахот пири қомилимиз, деб сизинган авлиёмизнинг қазноғида ўғирлик мол ётган бўлса, деган даҳшатли иштибоҳда ганғиб қолди.

Унгача ҳалиги икки манфур гувоҳлигида Оқмон билан Қоромон Шайх ҳовлисига кирди. Янги сўйилган бузоқнинг икки нимта этини елкалаб чиқиб, оломон ўртасига ташлади. Тўс-тўполон бўлиб кетди.

– Мана, пирларингни нафси аммораси! – деб чақчайди букри киши.

– Ишонган тоғда қийик ётмайди, деганлари ростга ўхшайди, – уни қувватлади қимдир.

Масжид саҳни қиёмат қойимга айланди. Биров-бирова калла қўйган, биров-бировни сўққан, тепқан, ёқасидан олиб судраган. Яссавий тарафдорлари ила муҳолифлари

ўзаро уришиб, қон ювди бўлдилар. Бу талатўпни жимгина кузатиб турган Шайх ўнг қўлини кўтарди:

– Бас! Бас қилсунлар!

Негадир ҳамма тўсатдан тинчиди. Шайх безовта уммондек шовқин солиб чайқалиб турган издиҳомга бир лаҳза қаҳр ила тикилди. Сўнг қўлларини очиб, кўкка боқди. Сийнаси қайғуга тўлиб, муножот қилди:

– Эй, икки олам ияси! Қозиюл ҳожот! Оқни оқ, қорани қора қиладирғон ўзингсан. Магар ҳаром лукмага кўз тиккан эрсам, мен ит бўлай, ва билъакс, бул содик қулингни бадном қилғонлар шул ерда итга айлансун! Сендан бошқа тилагим йўк, валлоху аълам биссавоб!

Ҳазрат юзига фотиҳа тортди ва чўрт бурилиб, ичкари кириб кетди. Шу заҳоти кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мудҳиш воқеа содир бўлди. Аввал Оқмон, кетмакет Қоромон букчайди. Сўнгра тўрт оёқлаб ҳар тарафга ирғишлади. Аста-секин уларнинг бадаши қора жун билан қопланди. Қулоқлари узайиб, тумшуклари чўзилди. Оқмон – оқ ит, Қоромон – қора ит киёфасига кирдилар. Собик ака-укалар вовиллаб ҳаммани қувлар, одамлар ваҳима ичра тирақайлаб қочар, итлар ириллаб ёшу қарини баравар таларди.

Юрагида ёли бор мардрок йигитлар итларни телиб, уриб кўрди. Аммо уларга инсон боласи бас келай, демас, оқ ит билан қора ит гоҳо ерда тупроққа қорилиб ётган нимта гўштга ташланса, гоҳо халойиқнинг оёғидан оларди.

Низомиддин қўлига катта калтак олди-ю, айлантириб, Оқмоннинг калласига солди. Ит вангиллаб қочди. Камол дудам пичоғини чиқариб, Қоромоннинг қорнига санчди. Ит жон оғриғида бир думалаб, Оқмоннинг кетидан эргашди. Халқ не мўъжиза, не каромат бўлганига ақли етмай, лолу карахт туриб қолди. Унгача Низомиддин билан Камол икки итни қувлаб кетди.

Бирор соатда Низомиддин хансираб қайтиб келди:

– Ҳаромига етолмадим, – деди у, – итдай юғурик экан.

Камол эса, шу кетганча Қоромонни ўлдириб, икки қулоғини гувоҳликка кесиб, кеч бўлганда уйига қайтди.

Кўрққанга қўша кўринур, деганлари рост экан. Қози тиқ этган товушдан бир сапчиб тушадиган бўлиб қолган. Яссидаги талатўпдан кейин уйқуси ҳаром бўлди. Алоқ-

чалоқ тушлар кўради. Тушида Окмон билан Коромон унинг икки сопини ўша ўлган бузоқ нимтасидек килиб судраб юрганмиш. Бир куни «Қани у валади зино, hozир тўнғиздай бўғизлаб ташлайман!» деб пичоқ кўтариб Жавлон келибди уйига. Яхшиям, бу пайт, боғ этагида таҳорат қилаётган экан, қассобга дуч келмабди.

Одамлар наздида у бедаво бир дардга йўлиққан моховга айланиб қолган эди. Жамоага қўшилгани унинг хадди ҳам, имони ҳам, виждони ҳам йўқ эди.

Қози эрта билан кўчага чиқади. Эшик овзидаги лой супага чўқади. Қўлидаги кийшиқ асо билан чиркин латталарни туртиб ўтиради. У тилдан қолган, «гўшт» деёлмай, «ў-ўш», дейди: «м-ма-а... Ок-мо-он, ў-ўш... буз-зовники...»

Ўтган-кетганга иржайиб кулади. Овзидан кўпик сочади. Асо ўқталади. Одамлар ёқа ушлайди:

– Савдойи бўлиб қолибди, шўрлик.

– Авлиёнинг кечираман, валекин кеч ураман, деганлари шу бўлса керак-да.

– Ҳаққи рост айтдинг.

Қози ҳамон чириган латтани бузоқнинг эти фаҳмлаб, асо учида ҳавога отади. Девонавор хиринглаб, қотиб-қотиб кулади.

У жинни бўлиб қолган эди.

## ҚАЙДАСАН, ҚАЙНАРБУЛОҚ!

### 32- ф а с л

*Қайда кўрсанг кўнгли синук  
махрам бўлгил,  
Андоқ мазлум йўлда қолса,  
ҳамдам бўлгил.*

Аҳмад Яссавий

Шайх субҳи козибда уйғонди. Руқия биби сув иситиб қўйган экан, таҳорат олди. Бомдод намозини адо этди. Сўнг илқиға тасбеҳни олиб, такбир айтишга тушди. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг тўқсон тўққиз гўзал исмини дилида такрорлаб, узок ўтирди. Ва ниҳоят, субҳи-содик

ёвук келгач, дуойи маъсуралардан ўкиб, ўрнидан турди. Рукия бону эрининг қайга боришини биларди, шунинг учун «Масжидгами, отаси?» деб сўрамади. Шайх узоқлашиб кетмагунча эпикни ёпмади. Рўмолининг учини тишлаганча хаёлчан туриб қолди.

Масжид билан уй ораси уч юз кадамча келарди. Ора йўлда хилватхона. У қишда чиллахона вазифасини ҳам ўтар, Шайх гоҳо олисдан масъала талашиб келган тариқат муҳолифларини ёки иродат аҳлини шу ерда қабул қиларди. Хилватхона эшиги қия очик, у гўё «Муқим тургани келар вақтингиз етмадими, Шайхим?» дея чорлаб тургандек эди. Ҳазрат кўксида бул даъватга жавоб тайёр эди: «Ҳали фурсат бор. Ечилмаган тугунларни счайлик. Мансурхўжа байтул-ҳарамдин қайтсун. Бу ёқда Файбуллонинг шаръий хатосин топмоқ лозим. Сулаймоннинг иршоди, ани Хоразм элина узатув... Дорулфанодин этак силкимакка азм этганмиз. Иншооллох, худо ёрлақанган куни ҳамдам бўлиб, маҳрам бўлиб, шабнам бўлиб, ... иссиқ бағрингга қайтгаймиз».

Шайх хаёл ичра аста-аста юриб, масжиди Султонияга кириб борди. Ичкарида, меҳробдан пастрокда Сўфи Донишманд, Ҳаким Сулаймон, Қутбиддин, Бобо Мочин давра олишиб ўтиришибди. Уларнинг бошлари эгик, худди зикри қалбийга ғарқ бўлган чор дарвешлардек дупё бирла ишлари йўқ эди. Ҳазрат калта йўталди. Шундагина тўртала муршид бошларини кўтариб, ирғиб туришди. Бараварига салом бериб, пир этагини тутдилар. Шайх тўрга ўтиб ўтирди. Қисқа дуойи фотиҳа қилди. Сулаймон тоқчадан зарҳал қорозга ўралиб, белидан ип билан боғланган хат келтирди. Икки қўллаб пири муршидга узатди.

– Мансурхўжадин мужда келибдир. Тун оқишом бир тужжор бериб кетди, ҳазратим.

Шайх мактубнинг боғичини ечди, найсимон қорозни текислади. Мансурхўжанинг майда хуснихатига бир назар ташлаб, Сулаймонга қайтарди.

– Қани, ўқинг-чи, хожи Мансурнинг арзи ҳолини эшитайлук.

Сулаймон чўк тушди. Худди каломуллони тиловат қилаётгандек, қироат ила ўқий бошлади:

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Ҳақ таоло марҳамати ва сиз пири муршиднинг ижобати-дин омон-эсон хонаи муборакка етиб келдик. Каъбатилло тупровини тавоф айлаб, кўнглимиз нурга тўлди. Муздалифа, Арофатда, Минода Ҳаж амалларини адо этдик. Мадинаи Мунавварада Хотам ун-Набиюллоҳ (Илоё, ул зоти шарифга беҳиштнинг тўри мушарраф бўлсун) турбатини зиёрат қилдик. Имонимиз бамисли сув ичгандек бўлди. Пирим! Жонимиз саломат эрса, Ҳақ таоло шафоати бирла йўл тадоригини кўрмакдамиз. Ҳожи мақомига етиб, эҳром кийган муридларингиз бирла ёзнинг чилласига қадар муборак даргоҳингизга етмак умиди дилимизни равшан айлаб турибдир.

Муштоки дийдор талаби ила,

Ҳожи Мансурхўжа деб билгайсиз.

Вассалому вал-калом.

Мансурхўжанинг хатини эшитиб, Шайхнинг кўнглига бир қатим нур инди. Назарида узлат сари қўйилажак қадам ибтидоси ёвуқлашгандек эди. Демак, ўшал чигал тугунларни ечмакка киришув лозим. Шайхнинг хаёлига Абдурауф келди. «Ҳаждан қайтгач, мушкулингизни ечгаймиз, деб сўз бериб эдик. Қайси кўчаларга бош уриб юрган экан ул нотавон йигит?»

– Биз Сўфи билан кентларни бир айланиб келайлик, – деди Ҳазрат уч муридига бокиб, – сизлар хонакоҳда бўлиб турунглар. Толиби илмлар туш-тушга тарқалиб кетмасун.

Шайх чаққон кўзғолди.

– Бобокул, икки от келтиринг.

Ярим соатлар ўтиб, Шайх ул-машойих билан Сўфи Донишманд икки йўрға отда Қоратоғ тарафга равона бўлдилар. Шайх Сўфи Донишмандни қабатига бежиз олгани йўқ. Аввало, Сўфи пири комилнинг туққан иниси Садрхожанинг фарзанди, яъни жияни. Иккиламчи, у Ҳазратнинг валийлик рутбасига етган халифаларидан. Муҳаммад Сўфига Донишманд унвони бекорга берилмаган эди. Шайхнинг ёдига Марвазий тушди. Бир неча йил бурун Марвдан мударрис Марвазий келиб эди. У турли маломатларга инониб, жамоат кўз ўнгида Хожа Аҳмад Яссавийни мулзам қилмоқ касдида йўлга оталанади. Икки минг мушкул масъала хозирлайди. Ёнига қирқта уламони олади. Мударрис карвони йўлга тушгач,

Шайх Сўфини чорлайди. «Бокинг, Сўфи, Марвдин биз томонга жаноб Марвазий келаётир. Кўнглида икки мишг масъала жой талошадир. Анинг ярмисин ўчиринг!» Донишманд дуо қилади. Мударриснинг дилига жо бўлган икки мишг масъаланинг тенг ярми унут бўлади.

Марвазий Яссига етиб келиб, минбарни эгаллайди. Нияти – ўша сўроқларини бериб, тариқат аҳли олдида Шайхни синаб кўриш эди. Шу пайт Шайх ишорати ила Донишманд Марвазийнинг кўнглидаги мишг саволни ҳам изсиэ йўкотади. Мударрис довдираб, кўйнидан калиш дафтар олади ва ўкимокчи бўлади. Қараса, дафтар варақлари оппоқ, уларда бир сўз қолмай ўчиб кетган эмиш. Марвазий лолу карахт бўлиб, гезарганча туриб қолади. Ва ниҳоят, минбардан аста тушиб, Шайхнинг олдига келади, унинг этагини кўзига суртиб, тазарру айтади: «Шаккоклик қилдим, афв этсинлар, ирим...»

Шайх отини елдириб кетаркан, шундоқ доно жияни ва халифаси борлигидан Ҳақ таолога шукрона келтирди.

Қорачук, Қўшоба, Жийдалиқ кентлари ортда қолди. Ҳув олисда, Қоратоғ тепасида ўрқачли туядек қотиб қолган қоя тош кўринди. Шайх жиловни бўш кўйиб, теваракка назар солиб борарди. Ҳут кирган, дехқон кетмону омочини судраб далага чиқибди. Ҳов нарироқда бир чорикор қулочкашлаб ер чопаяпти. Йўл четида белини боғлаган йигит кўш хайдаяпти. Шайхнинг ёдига ўзи айтган қадим бир ҳикмат тушди: «Дехқон эмас, кетмон чопиб нон емаса». Шайх афсус чекди: «Вале, экинчининг понини яримта қилғувчилар урчиб кетди. Ҳосил жам бўлса, хирмон тепасида қора қушдай пайдо бўлишадилар. Дехқон Аллоҳдан ўзга зотга дардини айтолмаса. Водариф!»

Тагин бир мазгил юрдилар. «Қайга отландик?» – деб сўрагани Сўфида хад йўқ. Пирдан изн бўлмагунча сўроқ бериш тарки одобга кирар эди. Пири муршид савқи табиийси ила сездики, Сўфининг тилида савол айланадир.

– Қайнарбулоққа йўл олдик. Абдурауф ёдингиздаму?

Саргардон Абдурауфнинг аччиқ қисматидан Донишманд ҳам бохабар эди. Пирнинг ниятини дарҳол фаҳмлади.

– Тураржойин бир кўрайлик, – деди Шайх, сўнг жиянига илжайиб боқди, бенаво йигитнинг мушкулини ечмакни Сулаймон бирла икковингизга топширдик.

Сўфининг юраги бир қалқиб тушди. «Орадан икки йил ўтди.

Абдурауф деган дсвонаваш қайси гўшаларда эркан? Ахли аёли-чи? Аларнинг тугунлари чигаллашиб кетмаган-микан?»

– Пирим, сиз мадад берсангиз...

Шайх индамади. У Абдурауфнинг аёлидан туғилган гўдакнинг отасини топиш йўлини хаёлида пишириб қўйган эди. Қайнарбулоқ икки қир орасида бош қўйиб ётган қўхликкина кент эди. Шайх бир замонлар хаэрат Уккоша<sup>1</sup> нинг турбатини зиёрат этгани бу ерга бир-икки бор келган эди.

– Масжидга хайданг, Сўфи! – деди пир. Муҳаммад ўткинчилардан йўл сўради.

– Хов анови томида кизғалдок очилиб ётган уй мачитда, тақсир! – деди юпун чопонлик бир кимса.

«Бултур том сувалмаган экан, – деб қўйди ичида Шайх, – йўқ эрса, бунчалик ўт-ўлан униб чиқмас эди».

Масжидда уч-тўрт киши гап-гаштак билан овора эди. Икки бегона отликни кўришиб, дархол ташқарига чиқдилар.

– Хуш кўрдик, меҳмонлар! – деб қўлини кўксига қўйди қарирок киши. Ёшроқ йигит эса, отларни жиловидан олди, стаклаб бориб, боботутга боғлади.

Шайх билан Сўфи Донишманд ичкари ўтдилар. Шайх тўрдаги бўйра устига тўшалган яғир кигизга чордана курди. Дуойи фотиҳа қилди. Намозхонлар, бу тақсирлар ким бўлди экан, дегандек гоҳ Шайхга, гоҳо Сўфига қараб қўйдилар. Улар дунёбеҳабар, тоғ этагидаги одам сийрак овулда кун ўтказар, рўпараларида кимсан Султон-ул-орифин, авлиёлар сарвари ўтирганини хаёлларига ҳам келтирмасдилар.

– Бирингиз бориб кент оксоқолини чорлаб келинг, – деди ниҳоят Сўфи, Яссидан қўноқ бор, денг.

Бир йигит ирғиб туриб югурди.

Хадемай лўкиллаб кент волийси етиб келди. У воят безовта, салласи кийшиқ ўралган, ўзи ҳозиргина мўрчадан чиққандек терлаб-пишиб кетган эди. Ҳисомиддин оксоқол

<sup>1</sup> Ҳазрат Уккоша Муҳаммад пайғамбарнинг сахобаларидан. У Қайнарбулоқда дафн этилган деган ривоят бор.

Шайхни яхши танирди. У ўқтин-ўқтин қалъага бориб, Ҳазратнинг амри маъруфларидан баҳраманд бўлиб турар эди.

Масжид тўрида Шайх ул-машойихни кўриб, Ҳисомиддин эшикда бир сония тахта бўлиб қолди. Пири муршиднинг кутилмаганда бу ерларда пайдо бўлиши етти ухласа, тушига кирмас, назарида бу Аллоҳнинг инояти, хадсиз мукофоти эди.

– Қадамларига ҳасанот, пирим! Биз ғариблар маконига қўйган қадамлари муборак бўлсин!

Ҳисомиддин пири муршид истиқболига бориб юкинди. Шайх Оқсоқолнинг киндигига тушиб турган патак соқолига қараб қўйди: «Саққолни белгача узайтмоқ суннатга кирмайди, ани калта қилинг!» демокчи бўлди, илло, магар фаросати етганда ўзи биларди, деб сукут сақлади.

Оқсоқол ялтоқланди:

– Не хизмат бўлса, хозирмиз, пирим...

– Хизмат бор. Абдурауф қайда, биласизми?

Ҳисомиддин гўё Абдурауфнинг ғойиб бўлганига ўзи айбдордек, чўчиб бидиллади:

– Ўлимдин хабарим бор, ул йигитдин хабарим йўқ, пирим.

Ахли аёли энасиникига кетибди. Ўзи эрса... шул сағирнинг отаси топилмас эркан, овулга қадам босмайман, деган эрмиш. Худо билади, қайси гўрда юрибди...

– Ер остидан бўлса-да, ул йигитни топиб, ҳузуримизга олиб борасиз.

Уқдингизми?

– Уқдим, пирим, уқдим, – деди лаблари титраб оқсоқол.

Шайх чакқон ўрнидан турди.

– Йўл бошланг, оқсоқол, Абдурауфникига борамиз.

Абдурауфнинг онаси энсиэгина, пастак айвонда урчук йиғириб ўтирган эди. Авлиёи кабирни кўриб, хўнграб йиғлаб қўяверди.

– Бошгинамни қайси тошга урай авлиё бобоси! Ҳам ўвилдин, ҳам набиралардин айрилиб, якка мозор бўлиб қолдим. Ҳув-в... Биз ғариблардин ҳам хабар оладиргон бандаси бор экан, Аллоҳга шукр...

Шайх онаизорга таскин берди:

– Йиғламанг, синглим. Абдурауф топилади. Мана, оқсоқол қўлидан етаклаб келади ўғлингизни. Файбулло-

нинг отаси тирик, уни-да топтиргаймиз. Келинингизда айб йўқ, ул зинокор эмас. Иншооллох, яқин қушлар ичинда хонадонингиз жам бўлгай.

Она ҳиқиллаб, Шайхнинг этагидан тутди, тавоф қилиб, бир йўла кўз ёшларини ҳам пири муршид этагига артиб олди.

Яссига шом қўнганда икки отлик қалъага кириб келинди. Неча кун бадалига ўша тун Шайх ором олиб ухлади.

## ФАЙБУЛЛОНИНГ ОТАСИ КИМ?

### 33- ф а с л

*Хотинларга хўблиқ ва яхшилик  
бирла муомала қилинглар.*

Хадиси

*Хотининг – гуллаган богинг.*

Кадим ҳикмат

Орадан ўн кун, ўн беш кун ўтди. Хут чиқди, ҳамал кирди. Бироқ Абдурауфдан дарак йўқ эди. Шайх амри билан Бобо Мочин ҳув бултургидек атроф-жавошибдаги хонақоҳларни, мусофирхонаю карвонсаройларни кезиб чиқди. Хатто такяхона ҳам қолмади. Не ажабки, бу саёк йигит ер юзидан йўқлик сари ғойиб бўлгандек эди.

Шу кетганча ҳутнинг оёғида пайдо бўлди у. Ҳисомиддин оқсоқолсиз, ёлғиз ўзи хонақоҳга кириб келди. Уни биринчи бўлиб Бобо Мочин кўриб қолди. У бир юмуш ила ташқарига чиқаётган эди, дарвозахона бурчагида калласи ерга теккудек бўлиб ўтирган кимсага кўзи тушди. Ёнига бориб, аста елкасига қўл қўйди.

– Хой Худонинг бандаси, кимсан? Навчун бундок ўлтирибсен?

Бемормисан, намасан?

Абдурауф бошини салгина кўтариб жавоб қилди:

– На тирикман, на ўлик. Икки жаҳон оворасиман...

Бобо Мочин Абдурауфни таниб қолди. Шошганидан «Мошоллох!» деб юборди.

– Хўв, бола, қайси гўрда юрибсан? Сени излаб очмаган эшигим, кирмаган тешигим қолмади. Қани, тур!

Абдурауфнинг тургани мажоли йўқ эди. Бобо Мочин уни даст кўтариб, лой супага ўтказди. Абдурауф ух тортди.

– Форларни макон қилиб юриб эдим. Пиримиз юртга қайтибди экан, деб отбоқарлардан эшитдим...

– Сан қимирламай жойишда ўтириб тур, – деди Бобо Мочин ва лўкиллаб ичкари кириб кетди.

Шайх Ҳаким Сулаймон билан Қутбиддинга пенидир уқдирмоқда эди. Бобо Мочин, одатига кўра, эшикданок «Пирим!» деб ховлиқиб кирди. Шайх Бобо Мочиннинг ховлиқмалигига кўникиб кетган эди, шунинг учун илжайиб сўради:

– Не ҳол юз берди, Бобоқул, ола хўкиз туғибдими?

– Абдурауф топилди! – деди Бобоқул, – дарвоза олдига ўтказиб кўйдим. Уни хузурингизга олиб кирайми, пирим?

Шайх неча ойлар тоғу тош оралаб, бадани сув-совун кўрмай юрган савдойи йигитнинг ҳолатини кўз олдига келтирди.

– Анинг саққол-муртин кузанглар. Ҳаммомга олиб боринг.

Боштин-оёқ янги либос кийдириш. Уч кун яхшилаб томоқлантинг. Жонини чақириб олсин. Сўғин кўришсак бўлар.

Бобоқул елиб чиқиб кетди. Абдурауф деворга суянганча, калла осилтириб ўтирарди. Бобоқул бу сафар унга яхшилаб разм солди. Бултурги дуркун, яғришдор йигитдан асар ҳам қолмаган. Бугунги Абдурауф собиқ Абдурауфнинг сояси эди гўё. Озиб, чўпдай бўлиб кетган, кўзларида пур йўқ. Эғнида жулдур чопон, бошида яғри чикқан кулоқчин, соч-соқол тўзиган, турарга холи, юрага мажоли йўқ эди.

Бобо Мочин Абдурауфни қўлтиқлаб ҳаммом сари олиб кетди.

Уни ширяланғоч қилиб ечинтирди. Ҳаммом ходимига буюрдик, бу йигитнинг етти қат терисини шилиб олсанг ҳам майли, вале киндигида кири қолмасин...

Ҳаммомдан Абдурауф кушдек енгил бўлиб чиқди. Бобоқул унга янги иштон-кўйлак, хирқа кийдирди. Бошига тахи бузилмаган тақя кўндирди, оёғининг остига қўнжли этик ташлади. Сўнг ошпазнинг олдига етаклаб борди. Ҳазил аралаш унга пўниса қилди: «Мана бу дар-

вишга уч кун тўйгунча томоқ бер! Уч кунда бўридай қилмасанг, қорнингги ёраман, билиб кўй!»

Ошпаз гоҳида Бобоқулнинг ҳазили чинга айланиб кетишидан кўрқарди, куллуқ қилди.

Тўрт-беш кунда Абдурауф ўзига келди. Рангига қон югурди.

Қаддини тикиб, оёғида бемалол турадиган бўлди. Бобоқул уни даст кўтариб, бир-икки силтади-ю, «Энди хотин олсанг, ярайдиган бўлибсан, бола!» деб ерга кўйди.

– Юр, пиримнинг ҳузурига кирамиз!

Абдурауф юраги дукиллаб Бобоқулга эргашди. Бисмилло, деб бўсаға хатлади-ю, тўрда халифалари Муҳаммад Донишманд билан Ҳаким Сулаймон ўртасида ўтирган авлиё бобосини кўриб, чўк тушди. Кўнгли бир хил бўлиб кетди. «Авлиё бобо!» демокчи бўлиб оғиз жуфтлади. Бироқ томоғига бир нима тикилди, кўзларига қуйилиб ёш келди. Қалласини ҳам қилиб, сукут сақлаб ўтираверди.

Ниҳоят, Шайх ул-машойихнинг ташиш, мулоийм тошуши эшитилди:

– Мунда келинг, Абдурауф!

Абдурауф тиззалаб олға силжиди. Ҳазратга тўрт-беш қадам қолганда тўхтади. Ердан бошини кўтариб, авлиё бобосининг кўзларига ботинмайгина боқди. Бу нигоҳда ҳам тазарру, ҳам илтижо, ҳам умид зухур этар эди. Шайх йигитга кўз қирини солди. Сўради:

– Қандоқсиз энди?

Илк даъфа йигитнинг тили калимага келди:

– Сизни кўриб, дардимнинг ёртиси кетди, авлиё бобо.

– Йигит киши шундоқ бўлурми, ўрлим? – деди

Шайх, – чўлдаги гиёҳ шамол турса эгилади, вале боз қаддини ростлайди. Игнадек бойчечак қаттиқ ерни тешиб, ёруғ оламга интилади. Сиз инсонсиз, ўшал бойчечакдек кучингиз йўқми? Эр кишининг зийнати қувват, шижоат, сабр. Сиз навқирон ёндасиз, олдингизда ошиб ўтадиган тоғлар, кечиб ўтадиган сойлар турибди. Бундоқ ҳасрату надомат бирла нечук аҳли аёлингизни тарбият қилгайсиз, танангизга бир ўйлаб кўринг. Йигитман, деб белингизга белбоғ бойлабсизми, бас, марднинг амалии қилинг-да, ўрлим!

Абдурауф қўл қовуштириб, бошини эгди:

– Осийлик қилдим, кечиринг, бобо...

– Осийлик эмас, ожизлик қилдингиз. Ўзингизни қўлга олинг.

Мана бу оғаларингиз бирла эртан уйингизга борасиз. Аҳли аёлингизни келтирасиз. Бу иккиси заифангизнинг зинодин холи эканлигин исботлаб, Файбуллонинг отасини топиб берадилар. Боринг, бугунча дам олиб туринг.

Икки йилдирки, Абдурауфнинг кўкрагида бир жароҳат бор эди. У лайлу наҳор вужудини ёндириб турарди. Авлиё бобосининг тўрт оғиз калимаси бул жароҳатга малҳам қўйгандек бўлди. У ғайритабиий бир қувват ила тикка бўлди ва орқаси билан юриб энкайганча чиқиб кетди.

Шайх халифаларига ҳам ижозат берди.

– Эртанинг тадоригин кўринглар. Бобоқулга айтинг, уч улов ҳозирласин.

Шайх ёлғиз қолиб, хаёлга берилди. «Аёл зинодин холи. Бу равшан. Хўш, Файбуллонинг надари ким бўлди?» Ҳазрат тасбеҳ ўгириб, кўзларини юмди. Носут оламини, лоҳут оламини кезиб, муаммонинг ечимини излади. Қалб нигоҳини Қайнарбулоққа қаратди. Тағин бултургидек катта боғда ўроқ кўтариб юрган қорасоқол, миқти йигитни кўргандай бўлди. Ана, у ўроғини ерга қўйди. Эски чопонининг йиртигидан бир парча момик суғуриб олди... Қўшни боғда эса, сурати зебо бир жувоннинг шарпаси пайдо бўлди. Заифа бузоқ етаклаб борарди. Тўсатдан у бошвоқни қўйиб юборди-ю... холсизланиб ерга ўтирди...

Илми ғайб, савқи табиий шарофати ўлароқ Шайх Файбуллонинг дунёга келишига сабаб бўлган мўъжизани кашф этгандек эди. Кўнгли ёришди. Такбир айтди. Арзу самоларнинг танҳо эгасига шукрона келтириб, ўрнидан турди.

Эрталаб сафар олдидан Шайх икки халифасига мушкулот ечимини айтди:

– Йигирма чоғлиқ навжувонни тўпланг. Уй тўрига ҳижоб тортсинлар. Уч газлик ип олинсин. Ишнинг бир учи заифанинг билагида, бир учи йигитнинг қўлида.

Шайх маъноли кулди.

– Бу ёри ўзларининг нафсониятларига ҳавола. Бирингиз Донишманд, бирингиз Ҳаким. Омин! Ал-муфлис омонуллох, дейди ояти карима. Бенаволарни Аллоҳ ўз химоясига олармиш.

Уч отлиқ йўлга тушди. Шайх уларнинг ортидан узок тикилиб қолди.

Қайнарбулок икки-уч фарсах келар эди. Жадаллаб юрилса, икки соатда етса бўларди. Отларини йўрттириб кетар экан, уч йўловчининг хаёлида уч хил фикр чарх уради. Сўфи Донишманд ўйларди: «Заифанинг билаги-га ил боғлик. Ипнинг бир учи бегона йигитнинг қўлига уланган. Хўш, ил гаранг тортилганда кимнинг юраги безовта бўлмоғи керак? Заифанингми ва ё анови синовга келган йигитнингми? Пир, у ёғи ўзларингизга ҳавола дедилар».

Сулаймон ишроқ илмини эгаллаган, яъни бировларнинг фикрини ўқиш иқтидорига эга эди. Савқи табиийси ила Донишманднинг хаёлидаги сўроқни илғаб олди.

– Орий рост, Сўфи, – деди у, – камина ҳам шундоқ ўйда эдим.

Ул муштипар аёл бегона эркакка яқинлашмаган, ва лекин силаи раҳмига ўшал қорасоқолнинг пуштидан бир қатра ўтган. Вожаб! Бул нечук мўъжизот, Сўфи?».

– Қайнарга борайлик-чи, гўдакнинг отасини топсак, ўзидан сўрармиз.

– Топол этмасак-чи?

– Унда Ҳаким Сулаймон бирла Сўфи Донишманднинг пир олдидан юзлари қаро бўлади. Иншоолох, бул савоб ишда раҳмон эгам мадад бергай.

Абдурауфнинг фикри-зикри хотинида эди: «Зебохон келармикан, келмасмикан? Урмадим, сўкмадим, талоғини бермадим. Уч болага (у бегона гўдакни санокқа қўшгиси келмади) раҳм қилса, уйга қайтар. Ишқилиб, мана бу оғалар мендин бўлмоғон боланинг отасини топиб, аёлимни оқ юзлик қилишсин-да. Эй худойим-ей, ўзинг қўллагайсан...»

Абдурауф ҳовлисига кирди-ю, «Энажон!» деб кичкирди. Садо чикмади. У атрофига аланглаб, гирён бўлиб турган эди, боғ тарафдан бир даста шох-шабба қўлтиқлаб, онаси чиқиб келди. Абдурауф «Эна! Энажоним!» деб волидасининг истиқболига чопди. Онаси тўхтади. Ўғлини танимади. Йиғлайвериб, унинг кўзлари хира тортган эди.

– Ҳай, сан кимсан, болам? – деди, озода кийинган адл қомат йигитга қараб.

Абдурауф учиб бориб, энасини қучди.

– Сизни куйдирган девона ўғлингизман, энажон!

Она дилбандини товушидан таниди.

«Тирикмисан, болам, кўзичоғим!» деди-ю, хушидан кетди.

Ҳисомиддин оқсоқол Шайх-ул машойихга берган вадасининг уддасидан чиқолмай, чўчиб юрарди. Абдурауфнинг ўз оёри билан келгани унинг учун нажотдек туюлди. Ўзи усти ёпиқ арава топди. Абдурауф билан бориб, Зебохонларни кўчириб келди. Сўнгра шотирларига буюриб, Абдурауфнинг ҳовлисига йигирмага яқин ёш-ялангни тўплаттирди.

Пешинга бориб, Абдурауфнинг уйини меҳмон босди. Катта уйнинг тўрида оқсоқол, кент қориси, масжид имоми, икки-уч мулла, Зебохоннинг уруғлари ўтиришибди. Бурчакка хижоб тортилган. Парда ортида Зебохон янгаси билан бўлажак синовни кутадилар.

Ҳаким Сулаймон дуо қилди: «Аллоҳумна саййирна аҳлул имтиёзи. Э, хожатбарор эгам, ўзинг бизни имтиёзли бандаларингдин қилгойсан».

Сўфининг имоси билан бир ўрам ип келтирдилар. Ипнинг бир учини Зебохоннинг билагига, иккинчи учини пардадан тўрт қадамча берида чордана қурган йигитнинг қўлига боғладилар. Гувоҳлар, Ҳазрати Султоннинг бу икки халифаси не каромат кўрсатар экан, дегандек, бир-бирларига ажабланиб боқадилар, елка қисиб кўядилар.

Сўфи Донишманд хижоб тарафга қараб деди:

– Синглим, безовта бўлсангиз, уялмай ипни тортинг. Бу амал бирла сиз бегуноҳ эканлигингизни исботлайсиз.

Ҳаким Сулаймон ёнидаги йигитга ўғирилди:

– Бул талаб сизга ҳам тааллуқли, уқдингизми? Ҳолатингиз ўзгарса, ипни тортинг.

Бир дақиқа, икки, уч дақиқа ўтди. Лекин на хижоб, на бегона йигит тарафдан ип тортилмади. У икки ўртада муаллақ осилиб турарди. Сулаймоннинг амри билан кўрпачага ўзга йигит чўк тушди. У бир пардага, бир қўлига қараб, негадир кулиб кўйди. Ип эса, бояги-боягидек салқи ҳолатда қимирлаб турарди.

Синовга келган йигитлар бир-бирларини алмаштира-бердилар.

Ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн еттинчи йигит ипни тортмай ўринларидан туриб кетди. Ва ниҳоят, парда қаршисига ўн саккизинчи, бўйдор, миқти йигит келиб ўтирди. Бир неча лаҳза ўтди. Бир замон ип тебранди.

Йигитнинг ранги ўзгарди. У ишни ўзига тортди. Шу маҳал ип хижобдан ҳам тортилгандек бўлди. Бир-икки сонияда ип таранглашди ва ... узилди. Меҳмонлар бул гаройиб ходисани ҳазм қилолмай, «Наузамбилло!» деб юборди. Сулаймон уларга ёқтирмай қараб қўйди. Сўнг йигитга юзланди:

– Бўлди. Ечинг ишни!

Йигит негадир қизарди. Билагидан ишни чиқариб, қўлини кўксига қўйди:

– Тақсир, юрагим ёмон уриб кетди. Хеч бунақа бўлмагани. Узр...

«Хайрият! – деди ичида Сулаймон, – бунинг дили бежиз безовта бўлмади. Сирнинг боши шул бўлса, ажаб эрмас».

Йигит бир маҳалгача бехуд бўлиб, ўзига келолмай ўтирди. «Мени бироқ нарсада гуноҳкор қилмоқчи шекилли, бу тақсирлар», деб хавотирланди. Сўфи дарров унинг хаёлини уқиб олди:

– Сизни хеч ким гуноҳкор қилмоқчи эмас, бул фикр-ни каллангиздан чиқаринг! – деди қовоғини уйиб. Йигит ҳозиргина кўнглидан ўтган ўйни тоғиб айтган бу сарсавлат, кўзлари ўткир кишига боқиб, баттар ҳадиксиради.

– Худо урсин тақсир, менда заррача гуноҳ йўқ...

– Шул сўзингиз чин бўлса, Қуръони каримни ушлаб, қасам ичасиз не воқеа бўлганини мана бу мухтарам зотлар олдида рўйи рост айтиб берасиз. Исмингиз нима?

– Исм... отим Шодимат, – деди йигит доғдираб.

Сўфи Донишманднинг эсига бултур пири комил айтган гап тушди. «Мен ул гўдакнинг сабабкорини кўргандекман. Миқти, қорасоқол йигит. Боғда ўроқ кўтариб юрибди».

Сўфи ҳамон жиддий оҳангда сўради:

– Сиз Абдурауфнинг боғ кўшнисини бўласиз, шундоқми?

– Ҳм, тақсир.

– Мусҳаб келтиринг! – деб буюрди Сулаймон. Масжид имоми тиззасида Қуръон ушлаб ўтирган эди, ирғиб туриб, чўзди.

– Менга эмас, Шодиматга беринг! – деди Сулаймон.

Шодимат Қуръони каримни икки қўллаб олди, ўпди, пешанасига босди.

– Ана энди сўлланг. Шошманг, аввал аёлларга рухсат берайлик, сўғин.

Зсбохон билан янгаси юзларини желак билан яширганча чиқиб кетдилар. Шодимат танг аҳволда қолди. Гўё ундан умрида кўрмаган, билмаган нарсагини айт, дея қистовга олишаётгандек эди.

– Нени сўллаш, тақсир? – деди у Сулаймонга илтижоланча боқиб.

Сўфи кўмакка келди:

– Икки йил бурун, ёз чилласида боғда ўт ўриб юргангизда не воқеа содир бўлган эди.

– Хеч нима тақсир. Хар йили ёз келса боғдаги йўнғичқани ўриб, дасталайман. Ўсиб чиқади, қайта ўраман. Шуйтиб, мол-жоннинг гамини еймиз-да.

– Хаёлингизни жамланг, Шодимат. Қўрқманг. Йигит кишини эди.

Икки йил бурун, ёз палласида боғда ўрок кўтариб юриб эдингиз. Елкангизда чопон. Ўшал куни вужудингизда бир ўзгариш сезмадингизми? Яхшилаб эсланг.

Шодиматнинг пешанаси тиришди. Ерга боқди. Ух торти.

Анчагача чурқ деб оғиз очмади. Ниҳоят, тилга кирди:

– Эсладим, тақсир, – деди эшитилар-эшитилмас, – айтгани уят-да... Бул хар йигитнинг бошидин ўтадиган иш...

– Ана шу ишни очиқ айтиб беринг. Сизда гуноҳ бўлмаса, жазо ҳам йўқ. Айтинг! Қўлингизда Қуръон турибди.

Шодимат меҳмонларга бир кур разм солиб қўйиб, бошини эгди:

– Шу... ўт ўриб юриб эдим. Бирдан вужудим ёнди. Юрагим бугунгидай дуқиллаб валади бўлиб кетдим. Қарасам, ихтилом келган экан. Чопонимнинг йиртиғидан бир сиқим пахта юлиб олиб артиндим.

– Пахтани ерга ташладингизми, ёки...

– Экинни харом қилмасин, деб ерга урмадим. Пахсанинг тешигига тиқиб қўйдим.

Меҳмонлар таажжубдан қотиб қолдилар. Сал олдинги шивир-шивиру елка қисишлар бархам топган эди. Шайхнинг икки вакили билан Шодиматнинг ўртасидаги савол-жавоб уларнинг забонини олиб, хайрат дарёсига парқ этган эди.

Сўфи сўради:

– Шодимат, хозир боғингизга тушсангиз, ўшал тешикни адашмай топа оласизми?

– Қайдам, – деди Шодимат иккилашиб, – икки йилда қанча ёрин-сочин бўлди. Тешик беркилиб кетган бўлса-чи? Бор, десангиз, излаб кўраман, тақсир.

– Хожати йўқ, – деди Сулаймон, – сўзингизга инондик. Каломулло ушлаб ёлгон гапирсангиз, не бўларини биларсиз.

– Абдурауф! – деди Сўфи Донишманд, – бориб заифангиздин сўраб кўринг-чи, ўшал кунини у боғда не иш қилгон экан?

Абдурауф «Наҳотки...» деган бир лаҳзалик ёмон ҳаёлга берилди-ю, судралиб чиқиб кетди. Анчадан кейин терлаб-пишиб қайтиб кирди.

– Аёлим айтдики... аёлим... – хижолатданми, номусданми, қаттиқ ҳаяжонданми, тили калимага келмасди унинг.

– Не қилгон экан келин?

– Шу кунини, азонидами, бузоғимизни жилдиргани чорбоққа тушибди. Баданида бир ўзгариш бўлган эмиш. Қараса, кўшни деворнинг қавагида... сарик пахта кистирилиб турган экан... олиб тозаланибди.

Масала ойдек равшан бўлган эди.

– Бас! – деди Сўфи Донишманд, – бул заифанинг гуноҳи йўқ.

Аллоҳнинг ҳукми бирла қаршингизда ўтирган навжувоннинг бир қатра нутфаси деворга омонат тушибди. Андин сўнг икки гавҳар бирлашибдир. Ул гўдак ҳаромдин эмас, икки ҳалол инсондин дунёга келган. Бу мўъжиза ҳам Аллоҳнинг ғойибона каромати. Пири муршид бултур Абдурауфдин, ул норасиданинг исми Ғайбулло эмасми, деб сўраган эдилар. Валиуллоҳнинг башорати орий рост бўлиб чиқди. Абдурауф, болани олиб киришди!

Абдурауф ховлида ўйнаб юрган Ғайбуллоини етаклаб кирди.

Сулаймон Шодиматга қаради:

– Ўрингиздин туриш, йигит! Эл-юрт олдида пушти камарингиздин бўлгон фарзандингизни қабул қилинг!

Ғайбулло, буларнинг қайси бири менинг отам бўлди, дегандек, гоҳ Шодиматга, гоҳ Абдурауфга жавдираб боқарди.

Шодимат терга ғарқоб бўлган эди, базўр кўзгалди. Ғайбуллоини истар-истамас бағрига олди. Абдурауф эса, на болага яқинлашмакни, на чиқиб, хотинидан кечирим сўрашни билолмай, саррайиб турарди.

## УЗЛАТ ХАЁЛИ

### 34- ф а с л

*Орзу қилдим вафо аҳлин  
кўрай деб, топмадим,  
Хоҳи зоҳид, хоҳи фосиқ, хоҳи  
сойил<sup>1</sup>, хоҳ шоҳ.*

Алишер Навоий

Баҳор келинчаги алвон сепини йиғиштириб жўнади. Ёз келди. Қалдирчочлар полапон очди. Тушмуқларида хўрак ташиб валфажр айтади. Дашти Қишлоқ осмонида бўзтўрғайлар яратганга мадҳу сано ўқийди. Қоратор тарафдан оналарнинг кафтидай юмшоқ, роҳати жон энкин эсади. Бу йил ёвин-сочин мўл бўлгани учунми, қирлардаги гиёҳлар хали сўлмаган, сабзаранг бўлиб, офтобга жилмайиб боқади. Чўлдан ифор иси келади.

Тоғлардаги қор эришга тушиди. Вале Султон ул-орифининг сийнасидаги муз эримади. Шайх ул-машоийх азалдан кам ухлар, кам гапирар, камдан-кам кулар эди. Қуръони каримнинг «Фалъязҳаку қалилан»<sup>2</sup> ояти ул зоти шариф учун кўнгил нақши эди. Хусусан, кейинги ойлар ичида Шайхнинг уйкуси тез-тез ўчадиган бўлди. Кўзларини юмса, тасавурида сурон кўтараётган жамоат, нимта этни тишлаб тортқилаётган икки оқ-қора ит, тўрт тарафга қочаётган оломон жонланаберади. Аслан дунёнинг аччиқ-чучугини, иссиқ-совуғини тотавериб, Ҳазрати Султоннинг дийдаси қотиб кетган эди. Қиблагоҳу онаизор васлидан бемаврид жудолик, икки қўлида икки жигарини етаклаб, саргардон кезиш, устоиди аввал Арслонбоб бобосининг ҳидояти, кечалари мижжа қоқмай риёзат чекиш, илми қол, илми хол бирла машғул бўлиш... Сўнгра – Бухоро, Самарқанд хонақолари. Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг нафаси қудсиялари – илоҳий нуфузларидан баҳраманд ўлиб, мағрибу машриқ заминни қадам-бақадам сайр этиш...

<sup>1</sup> *Сойил* – дарвиш, қаландар.

<sup>2</sup> *Фалъязҳаку қалилан* – бас, оз кулсинлар.

Буларнинг барчаси бир бўлиб, Шайхнинг обид ирода-  
сини ўтдан сувга, сувдан ўтга солинган темирдек тобла-  
ган эди. У Айюб<sup>1</sup> дек сабрлик эди. Фосиқларнинг фитна-  
сига, қозиларнинг ришвахўрлигига, муфтийларнинг ёлгон  
фатвосига, мухтасибларнинг риёсига, сохиби давронлар-  
нинг эл-улусга етказган зулмига, жоҳил муллаларнинг  
бидъатига чидаб келди. Тишини тишига қўйди. Илло,  
ўз муборак хонадони олдида, эл кўзи ўнгида қилинган  
тухмат юрагига найзадек санчилди. Халқ дардидан дарз  
кетган дилпорасида тагин бир чандик пайдо бўлди. Бул  
чандик ўқтин-ўқтин Шайхнинг муштдек юрагини бир пар-  
ча чўғдек бозиллатиб турибди.

Тонг отади, кун ботади. Ва лекин, Шайхнинг кўксидаги  
муз чакмоқ тошдек қилт этмай турибди.

Бир куни Ҳазрат учқур оти Аблакни минди-ю, хали-  
фаларини ҳам огоҳ қилмай Сайхун сари йўналди. Шайх  
бу фоний дунё билан танҳо, юзма-юз қолиб, кечган умри-  
ни, бугунги амалларини, эртан бириси кун кутиб турган  
кунларини сарҳисоб этмакни истади. Отининг сувлигини  
олди, жilовини эгар қошига боғлади-да, Аблакни бўш  
қўйди. Ўзи тўнини ечиб кўк майсага ёйди. Бахузур ён-  
бошлади. Аблақ эгасидан нари кетмади. «Не дардингиз  
бор, хўжам?» дегандек, Шайхнинг оёқларини искалади.

– Бор, мени ўз холимга қўй, – деди Шайх, гўё бе-  
дов гапини фахмлайдигандек, – сен ҳам курсоғингни қап-  
пайтир. Мен хаёл сургим келди.

От аста юриб нари кетди. Бир қарич майсаларни  
карт-курт чайнашга тушди.

Шайх кўзларини юмди. Хаёлга берилди. Хаёлида бир  
фйкр чарх уриб айланаверади: «Бул дорилфанодин этак  
силкимок вақти етди. Узлатга чекинмок керак. Аё, Аҳмад,  
тадоригингни кўр, тадоригингни.» Шу ондаёқ вужуд  
қафасидан бир садо келди: «Тан рохатингни ўйладингни,  
Кул Аҳмад? Ошиқларнинг ёниб-ўчган кули бўлсам, де-  
ган ким эди? Мискин, ғариб, етимларга ҳамдам бўлғил,  
деган сен эмасмининг? Уларни замона зўрларининг зул-  
мидан асрагани қалқон бўлгувчи ҳам ўзинг эдинг. Се-  
нинг сўзинг эди, мақоминг, бир энлик номанг, ваъзинг,  
амри маъруфинг эди. Бас, энди узлатга чекиниб, раият-

<sup>1</sup> Айюб – сабр-бардонни билан ном чиқарган пайғамбарлардан эди.

нинг дарду шиквасидин фориф бўлмоқчимисан? Ўйла, аё, Аҳмад, ботинингни ўтга бериб ўйла!..»

Ботиний, андак таънаомуз нидога қулоқ тутиб, Шайх бир дам иштибоҳга чўмди. Шиблий, Бағдодий сифат машойхлар «Тан сўзламас, жон сўзламас, имон сўзлар» демиш. Бу садо не бўлди, имон чақириғими? Бирламчи Қодир Мавлон олдида, иккиламчи фаҳри олам Ҳақ Мустафо рўбарўсида юзимизни ёруғ қилолмадикми? Ҳақ субҳонаҳу ва таоло амрила чеккан заҳматларимиз қабул бўлмас экан, ҳайф ўтган умринга, Ҳожа Аҳмад!»

Шайх икки ўт орасида қолди. Унинг тафаккури билан дили гўё ўзаро ихтилоф қиларди. Юрак, узлатга чекин, узлатга, дея нола қилса, тафаккури, шошма, Қул Аҳмад, ҳали муҳлат етмади, деб огоҳлантирган бўларди. Шайх кўм-кўк осмонга тикилди. Ич-таши куйиб-ёниб, Аллоҳга муножот қилди: «Эй арзу самоларнинг яккаю ягона хожаси! Мушкулимни осон қил. Ўзинг Раҳмон, ўзинг Қаҳҳор, ўзинг Жаббор, ўзинг ҳожатбароримсан!»

Не ажабки, самовотдан бир бўғиқ овоз келди. Бу айнан Султон ул-орифиннинг товушига ўхшарди. Шайх сесканди. Бояги товуш Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг яқинда битган ҳикматларини дона-дона қилиб такрорлар эди. Шайх кўзларини юмди. Самовотдан келаётган ўз ҳикматларига жон қуловини тикди.

*Мен йигирма икки ёшда фано бўлдим,  
Марҳам бўлиб, чин дардликка даво бўлдим,  
Ёлгон ошиқ, чин ошиққа гувоҳ бўлдим,  
Ул сабабдин Ҳаққа сизиниб келдим мано.*

*Ўттиз бирда Хизр бобом май ичирди,  
Вужудимдин азозилни пок қочирди,  
Савдо қилдим, ёзуқларим Ҳақ кечирди,  
Андин сўнгра Ҳақ йўлига солди, дўстлар!*

*Холиқимдин хабар етди, шокир бўлдим,  
Ҳар ким сўкди, балки тепди, собир бўлдим,  
Бу оламда ҳеч ухламай ҳозир бўлдим,  
Ҳою ҳавас, моуманлик кетди, дўстлар.*

*Ўттиз учда соқий бўлиб, май улашдим,  
Жоми шароб қўлга олиб, тўя ичдим,  
Лашкар тузиб, шайтон бирла кўп урушдим,  
Биҳамдиллаҳ, икки нафсим ўлди, дўстлар.*

*Ўттиз тўртда олим бўлиб, доно бўлдим,  
«Ҳикмат айт!» деб Субҳон айди, гўё бўлдим,  
Чилтон бирла шароб ичдим, ҳамро бўлдим,  
Ичи ташим Ҳақ нурига тўлди, дўстлар.*

*Ўттиз олти ёшда бўлдим соҳибкамол,  
Ҳақ Мустафо кўрсатдилар менга жамол,  
Ул сабабдин кўзим ёшлиг, қоматим дол,  
Ишқ ханжари юрак-бағрим тилди, дўстлар.*

*Олтмиш учда нидо келди «Кул, ерга кир,  
Ҳам Жонингмен, Жононингмен, жонингни бер,  
Хув шамширин қўлга олиб, нафсингни қир!»  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?*

Овоз тинди. Шайх кўзларини очди. Бу – кўкдан келган вахийдек туюлди унга. Кўксини тимдалаб турган гумонлар чекинган, юрак армони, қалб хоҳиши, дил орзуси ғолиб келган эди. Шайх Яратганга шукрона келтириб, дарёнинг у бетига назар солди. Шу пайт самовий вахийни тасдиқлагандек, рўбарўсида ок либосли, узун бўйли, савлатдор мўйсафид пайдо бўлди. Шайх гоҳо-гоҳо Хизр алайҳиссалом ила суҳбатлик эди. Унинг бошига Марвадагидек мушкулот қўнганда Хизр бобоси имдодга келарди. Бу сафар ҳам табаррук оксоқол нажот фариш-тасидек ўз пайтида юз кўрсатди.

У дарёнинг сўл соҳилида туриб, тўрт калима сўз айтди:

– Аё, Аҳмад, Жаброил мужда келтирди. Магарким, ишқи илоҳийни кўзлаб узлатга чекинмакни ихтиёр этган экансан, муножотингни Ҳақ таоло қабул қилди. Ҳақ Мустафо жаноблари, ўз қавмлари ичидан етишиб чиққан шайхлар менинг умматларим орасидаги набийларга баробардир, деб лутф этмиш. Йўлинг ойдин бўлсин, болам...

Хизр алайҳиссалом ҳуш ғойибдин қандоқ пайдо бўлган бўлса, боз ўшандоқ хаволаниб кўздан яширинди.

Шайх оқар сувга термилиб қолди. Бирдан сесканди. Сув бўйида ўғли Иброҳимни кўргандек бўлди. Иброҳим Исфижобда, бобоси Шайх Мусо қошида эди. Ана, у юзқўлини ювмоқчи бўлиб, анҳорга энгашиди. Шу он... хирсдай семиз, олакўз, жулдур чопон кийган киши ишшайиб Иброҳимнинг ёнига келди. Келди-ю... «Ҳей бола, сувни яхши кўрасанми? Бор, унда тўйгунингча ич!» деди-ю, уни

итариб юборди. Иброҳим анҳорга муккасидан йиқилди. Тез оқар сувда унинг боши бир кўришиб, бир кўринмай борарди. Жулдур чопонлик махлук эса, осмонга қараб телбаларча куларди...

Шайх «Ёлғизимни ўзинг асра, биру борим», деб Яратганга муножот қилди ва отга миниб Ясси сари равона бўлди.

Масжид олдида уни халифалари интизорлик ила кутиб туришарди. Бобо Мочин хиқиллаб Шайхнинг этагини тутди.

– Исфижобдин шум хабар олдик, пирим. Иброҳимни худо бир асрабди... Хасталаниб ётган эмиш.

– Нима бўлибди?

– Шу... сув ёкасинда ўлтирган экан. Бехосдан десангиз...

Шайхнинг кўз ўнгида қайта ўша семиз, олакўз махлук гавдалапди. У Исфижобга Иброҳимдан хабар олгани Сулаймон билан Сўфи Донишмандини жўнатди. Ўзи чиллахонага тушди. То шом намозига қадар Иброҳимга хифзу сихат тилаб Куръон тиловат қилди.

## ОҚ ТУЯЛИК СУЛАЙМОН

### 35- ф а с л

*Шариати ораста,  
тариқати пайғавста,  
Ҳақиқати шойиста  
Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Ўн саккиз минг оламда  
Оти машҳур каломда,  
Ўрни Доруссаломда  
Шайхим Аҳмад Яссавий.*

Сулаймон Бокирғоний

Мансурхўжа раҳнамолигида ҳаж сафарига кетган зиёратчилар саратонни ўтказиб, сунбуланинг бошида Яссига қайтиб келдилар. Олис йўлдан ҳориб-толиб келган муридларининг чехрасида балқиб турган нурга боқиб, Шайхнинг руҳияти яшнади. Бу нур Маккаи мукаррама бирла Мадинаи мунавваранинг тажаллиси эди. Шайх ўзи

етолмаган хонаи муборак губорини кўзига суртган ибодат аҳлига шукроналик ила термилди. Зиёратчилар уч кун дам олиб, хаммомдан покиза бўлиб чиққач, Шайх зикр буюрди. Султония масжидининг рўбарўсидаги хонакох сахнида соликлар давра курдилар. Шайх наздида зикр инсон қон томирида сузиб юрган заррадек залолатни ҳам хайдаб, зокирларни жисман ва руҳан бир-бирига яқинлаштирмоғи лозим эди.

Зиёратчилар зикрни соғиниб қолган эканларми, иштиёқ ва жўшқинлик ила сано айтишга киришдилар. Туғишган биродарлардек бир-бирининг елкасига қўл ташлаганча, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга чайқалиб, Яратганини васф этаётган мўминларга қараб, Шайх хаёлга толди: «Тоғ ҳам ўзаро елка қўйиб тургани боис мустаҳкам эмиш. Одам фарзанди мана шундоқ бир-бирига елкадош бўлса, ўзганинг дардини ўз дардим деб билса, олам собитлигича турармиди? Таассуфким, бугун кифтингга иссиқ қўлини босиб турган бандани ғофил эртан ўтиб, раддорлик қилади, кўзинга чўп солади, оёғингдан чалишни ўйлайди. Ёмонликдин не яхшилик кўрдингки, яхшилик қилмағайсан? Яхшиликдин не ёмонлик топдингки, ёмон ишдан қўлингни тортмайсан? Мана шу мевали дарахтдек тебраниб турган бандаларингнинг кўксидagi имон кўрини ўчирма, Халлоқи олам!»

Зикр оёқлади. Қутбиддиннинг жарангдор, салобатли товуши эшитилди.

*Дуолари мустажоб,  
ижобатлик Муҳаммад,  
Ямонлиққа яхшилик  
далолатлик Муҳаммад.  
Саккиз беҳишт эгаси  
валоятлик Муҳаммад,  
Мискин Аҳмад қулига  
китобатлик Муҳаммад.*

Шайх «Алҳамдулиллоҳи роббил-оламин», дея дуога қўл очди.

Зокирлар «Омин!» деб пирга жўровоз бўлдилар. Зикр адоғига етди. Ошиқ қуллар хансираб хонакох ўртасидаги боботут соясига чўкдилар.

Эртаси тонг сахарда елоёқ Бобо Мочин Собронга бориб, Самариддин ҳокимни бошлаб келди. Ҳокимнинг

кўпчиб турган юзида тер жимирлар, Шайхнинг «Зудлик билан етиб келсун», деган сўзларидан юрагида хадик ўйнарди.

Ҳазрат уни хушқайфият ила қарши олди.

– Ўтиринг, ўғлим, – деди ёнидан жой кўрсатиб, хижолат бўлмасинлар. Сизни савоб бир юмуш туфайли чақирдик.

Самариддиннинг кўнгли жойига тушай, деди. Истиҳола бирла Шайхнинг рўбарўсига тиз чўкди. Юз-кўзини артиб, пирнинг оғзига тикилди.

– Қўл остингиздаги волийларга, кент оқсоқоллари, овул бийларига айтинг, қашшок, ғарибу етим-есирларнинг ҳисобини олсинлар. Биз ўзимизга тегишли мол-мулкдин аларга улуш бермак ниятидамиз.

– Бажонидил, пирим, – деб Самариддин қўлини кўксига босди, – мурувватингиздин баҳра олгон эл-улус дуойи жонингизни қилгай.

Самариддин билади. Ҳазрат ҳар йили икки хайит арафасида мискин, бечораҳол кимсаларга хайр-эхсон қилади. Юзлаб қўйлак-иштон, яқтак, тақя, телпак, кавуш тарқатади. Жонлиқлар сўйдириб, томоқ беради. Илло... ҳозир хайитгача фурсат узок эди. Пири комилнинг бемахалда насиба улашмоқчи бўлганига акли етмади. Зеро, Шайхнинг бу ниятини ҳозирча ўзидан бўлак кимса билмас ҳам эди.

Шайх ҳузурига келаркан, Самариддиннинг сийнасиши хавотир қурти тимдалаб беҳузур қилган эди. Собронга қайтаркан, энди унинг кўнгли чароғон, вужудини бир ховуч зиё иситиб тургандек, яйраб борарди.

Ҳазрат Самариддинга ижозат берди-ю, ўйлари билан танҳо қолди. Узлатга чекинишни ихтиёр этгандан бери кўнглига бир ниятни тугиб қўйган. Бу ёруғ олам билан хўшлашиб, хилватхонани абадий макон айлашдин бурун тасарруфидаги мол-мулкни ғарибу-ғураболарга эҳсон қилмоқчи. Тоғ олди, тоғ ортида Шайхга хонлар, беклар, бою боёнлар тарафидан назр қилинган уюр-уюр йилки, пода-пода сигиру хўкиз, қўра-қўра қўй-эчкилар ўтлаб юрар, уларнинг сон-саногини наинки Ҳазрат, ҳатто чўпон-чўлиқлару подачиларнинг ўзлари ҳам билмасди. «Қўли қадоқ, елкаси яғир, товони тош бўлиб қотган эмгакчининг оғзидан йириб олинган мол боз ўз эгасига

кайтмоғи лозим» деб ўйлади Шайх. Яйлоқларни оралаб, мол-жонини тафтиш қилмоқчи, Самариддин қашшоқ хонадонлар рўйхатини келтиргач, махсус хайъат кўз ўнгида уйма-уй қорамол билан туёқ мол тарқатишни мўлжаллади.

Шайх йўлга отланди. Бу сафар Сулаймонни ўзига йўлдош қилиб олди. Қоратор этагидаги яйловларга эллаган йўл қадим Қарноқ кентга орқали ўтарди. Пиру мурид от бошини Қарноққа қараб бурдилар. Тақир чўл бошланди. Хар ер-хар ерда туя тортаётган чиғириклар кўзга ташланади. Чақалоқнинг калласидек кичкина пақирчада чиққан сувни дехқон мешига қуяди-ю, туясига хипчин уради. Аҳёнда кичик гумбазни эслатиб, ям-яшил гужумлар йўлиқади. Уларнинг соясида бола кучоқлаган аёллар, пешонасини тағиб, гуппи чопон кийиб олган қариялар кўринади. «Ношнинг ўзи юмшоқ, мехнати қаттиқ, — ўйлади Шайх, — бир ховуч дон нон бўлиб овизга етгунча... чорикорнинг она сути овзидан келгусидир. Ё раббим! Наҳот то абад шундоқ давом этса бу азоб? Қачон нон топганики, ўтин чопганики бўлғай?»

Ясси билан Қарноқ ораси уч-тўрт фарсах, бундайчасига ўн беш-йигирма чақирим келарди. Икки йўрға от йўл танобини тортиб, пешин намозигача кентга кириб бордилар. Закий ўқувчимизга аввалги фасллардан аёнки, Ҳазрат ортиқча мулозаматни, одамларнинг парвона бўлишини ёқтирмас эди. Шу боис, у қишлоқни четлаб ўтишни лозим топди. Пири комил ила унинг халифаси Ҳаким Сулаймоннинг Қарноққа ташрифидан кент оқсоқоли ҳам, мадрасаю масжид аҳли ҳам беҳабар қолди.

Қишлоқ ортга чекинди. Ёз офтобида сарғая бошлаган қирлар бошланди. Тағин бир оз юргач, салқин эпкин эсди. Сўнгра — қир сўнгида энсиэ, узунчоқ арғамчидек сой кўринди. Шайх сой бўйидаги азамат чинор ёнида отдан тушди. Чинор тагидан булоқ сизиб ётарди.

— Кунга қаранг, Сулаймон, — деди, — намози дигар бўлибдир.

Устозу шогирд кўмкўк майса узра белбоғларини жойнамоз қилиб, ибодатни адо этдилар.

Намози асрга яқин катта сайхонликдаги якка ўтов олдида отдан тушдилар. Шайх Сулаймонга тайинлаб қўйган эди, биз фалончилармиэ, демади, мусофирмиэ, бир дала-тузни айланиб чиқдик, деб қўя қолди. Ўтов

эгаси меҳмонларни чўпон-чўлиққа хос очик юз билан қаршилади. Тўрга етти ямоқ кўрпача билан бўз дастурхон ёзди. Сопол косада катик, зөғора нон қўйди. Шайх атрофига разм солди. Ўтовдаги почор, ушникиб кетган буюмларга караб, «Азалдин косиб билан молчининг косаси оқармаган» деб қўйди ичида. Шу найт ўтов бурчагидан инграган товуш эшитилди. Чўпон ирғиб турди. Бурчакда беш-олти ёшлардаги бола ётарди.

– Тўрт куниги берисига ўрлим оврийди, – деди чўпон, – йиғлайди, инқиллайди. Ўт-ёлин бўлиб ёнади. Товнинг ўт-чўпини қайнатиб ичирдим. Бир тўқли сўйиб, қон чиқардим. Пойда бўмади. Не қилишни билмай қолдим. Ёлғизимни ўзинг асра, – деб худойимга ёлвориб ўтиришман...

Шайх ўрпидан турди. Боланинг ёнига бориб, манглайига қўлини босди. Боланинг бошини силади, кўзларини сийпалади. Кўкрагига кафтини қўйиб, бир лаҳза болакайнинг юзидан кўз узмай турди. Бир замои бола... кўзларини очди. «Ота, сув...» деб ҳиқиллади. Отаси илдам бир косада сув тутди. Бола бошини кўтарди. Бир-икки қултум сув ичди ва гавдасини тикди. Чўпон лол-караҳт бўлиб, бир ўғлига, бир Шайхга қарайди.

– Худо хоҳласа, ўрлингиз бугун юриб кетади, – деб Шайх жойига келиб ўтирди.

– Сиз табибмисиз, тақсир? – деди, ҳамон хайратда қотган ота.

Шайх индамади.

– Табиб эмас, бу кишим ҳабиблар, – деди Сулаймон. Содда чўпон «ҳабиб»нинг маънисига тушулмади. Унинг назарида ҳабиб – Аллоҳ етказган нажоткор эди.

Шу куни Шайх билан Сулаймон чўпоншикида тунаб қолишди. Тонг саҳар отга миндилар. Ўтов олдида кечаги хаста болакай уларга қўл силтаб, хўшлашиб турарди.

Тоғ ичкарисига кирган сари йўл оғирлашиб борар, отлар ҳам толиққан, улар тошли сўқмоқни тарақлатиб, аста-аста олға интиларди. Шайх Чалабой мерганнинг маконини кўзлаб борарди. Чалабой Ҳазратнинг муридларидан эди. У йилига бир-икки бор Шайх хузурига тушиб, пирни зиёрат қилар, хонақоҳ ила мусофирхоналарни йилки эти билан таъминлаб турарди.

Сулаймон йўл-йўлакай учраган чўпон-чўлиқдан Чалабойнинг қўналғасини суриштирди. У Бепсоз деган ерда

экан. Йўл пастга энди. Отлар тагин йўрғалашга ўтди. Икки тарафи қалин арча ила қопланган дарага кирдилар.

Чалабой қир бошида ёнбошлаб ётарди. Олисдан келатган икки мулланамо кишига кўзи тушди-ю, сакраб турди. Отига миниб, камчи босди. Шайхдан аввал ўтовига етди. «Пирим! Қадамларига ҳасанот!» дея узангига ёпишди. Ҳазратни қўлтиғидан олиб, отдан туширди. Шайх тўрт тарафига аланглаб, бир лаҳза тек туриб қолди. Чўкқиларда пукрадек бўлиб, қор йилтирайди, сой гувиллайди, муздек шаббода юз-кўзингни силайди. Икки ёндаги қир бағри тўла арча, арча, арча...

Чалабой югургилаб ўтовга кириб кетди. Аёлига нималарнидир тайинлаб, қайтиб чиқди. Кейин «Саттор, қайдасан, ўғлим!» деб қичқирди. Ўн олти ёшлардаги ўсмир келиб, меҳмонларга одоб билан салом берди.

– Болам, қора қўчқорни обке! Пиримизнинг қадамлари қутлуғ бўлсин, деб қон чиқарайлик!

Саттор катта қора қўчқорни ҳарсиллатиб судраб келди.

– Ҳазратим, дуо беринг, – деди қўлларини фотиҳага очиб Чалабой. Шайх пичирлаб дуо қилди. Саттор қўчқорни сал нарига судраб кетди ва оёқларини боғлай бошлади.

Чалабой мерганнинг ўтови ўн икки қанотлик, асбобанжоми ҳам тузук-қуруққина эди. Гулмихларга кашталиқ қозиклунгилар илинган, адрас кўрпача, чит болишлар ораста, ичкари саранжом-саришта эди. «Аёли фаросатли экан», деб қўйди ўзича Шайх.

Шу куни Чалабойникида тўйдагидек хурсандчилик бошланиб кетди. Кимсан – Ҳазрати Султон, ялангоёқ ғарибу ғураболарнинг орқа тоғи Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг молбоқарларни сўроқлаб келгани окшомга қадар буткул Қоратор мавзесига овоза бўлди. Одамлар ҳайит куни жума намозига ошиқаётгандек, гурас-гурас бўлиб келишарди. Қоронғи тушиб, Қоратор осмонида яркироқ юлдузлар порлаганда Чалабойнинг кенг ўтови меҳмонга тўлди. Улар ичида Шайх Ҳазратларини кўрганидан кўрмагани қўп эди. Барча дастурхонга бокиб, сукут сақлаб ўтирган хушбичим, одми саллалик, кўзлари қандайдир ғамгин авлиёи кабирга ҳайрат аралаш эҳтиром ила қараб-қараб қўяди. Шайх Аллоҳнинг фарзи, пайғамбарнинг суннати, дорилбако

савоби, дорилфано азоби, мазлумларнинг жафосию дунёна-  
раст зolimларнинг жазоси, имон, адолат, каффорат хусуси-  
да мухтасар ваъз айтди.

Меҳмонлар етти хуфтонда тарқалдилар. Чалабой елиб-  
югуриб, азия меҳмонларга жой хозирлади. Ўтовнинг бир  
четига шам ёқиб қўйди. Сулаймон тўшакка кирди-ю,  
ҳадемай пишиллаб ухлаб қолди. Шайхнинг уйқуси ўчди.  
Сулаймоннинг чечак излари қолган этлик юзига боқиб,  
хаёлга толди. Уни илк дафъа учратган кунни эслади. У  
пайтлар Бухорои шарифда эди. Яссавия тариқатига тамал  
тошини қўйиб, хонақоҳ очган кезлари эди. Бир куни  
масжид олдида ўтирарди. Ўн ёшлардаги бола мактабдан  
чиқиб, орқаси билан юриб келар, икки қўлига китоб тўла  
жилдини кўтариб олган эди. «Ўғлим, нечук сиз мундоқ  
юрмакдасиз?» деб сўради Шайх. Бола «Менга илму ир-  
фон берган даргоҳга орқа ўгириб кетишни ўзимга мундоқ  
кўрмадим», деди. Шайх бу порасиданинг фаросатига  
офариш айтди. Уни шогирдликка тилади. Ота-онасини  
рози қилиб, қабатига олди. Илми қолдан, илми ҳолдан  
таълим берди. Хонақоҳга ўрнаштирди. Сулукка қўшди.  
Сулаймон Шайхнинг хос муридига айланди. Шайх Бухо-  
ро зовиясини Абдулхоликқа топшириб, ўзи Туркистонга  
азм этганда Сулаймон ҳам унга эргашди. Мана, шун-  
га ҳам ўттиз йил бўлибди. Сулаймоннинг ёши қирқни  
қоралади. Соч-соқолига нуқра тола оралади. Илло, то  
хануз бир мушфиқ, бир хушхулқ тан маҳрам кўрмай  
дунёдан ўтиб бораётир. «Худонинг бул суйган бандасига  
биз жабр қилдик, — ўқинди Шайх, — Аллоҳ таоло жамики  
мавжудоту набототни жуфт-жуфт қилиб яратмиш. Да-  
ла-туздаги ёввойи алафлар ҳам тоҳ оталиқ, тоҳ оналик  
бўлиб, бир-бирига талпинармиш, бир-бирига роз айтар  
эмиш. Сулаймон бизнинг танамизга пайванд этилган ба-  
мисли бир новда эрди. Бул новда вояга етди, мена бе-  
ражак азамат оғочга эврилди. Энди бул оғочни тандин  
айириб, мақбул ерга кўчирмақ лозим. Хар кўчат асл  
уруғи тушган ерда ўсиб-унар эмиш. Сулаймонни тувфон  
элига кўчирсак, Расулulloҳнинг суннатини адо этган  
бўлурмиз».

Тонг отди. Қандай қилсам, пири муршиднинг қўнглини  
оламан, деб зир югуриб юрган Чалабойни Шайх имлаб  
чақирди.

– Ўғлим, тоғ ортига одам юборинг. Облокул туякашни айтиб келсин.

– Хўп бўлади, пирим.

– Анвало хув анави арча остига жой қилсинлар. Аллоҳнинг неъматидин бир баҳра олайлик.

Бирор соатдан кейин Шайх билан Сулаймон осмонга мусаллодек бўй чўзган ям-яшил, баҳайбат арча тагида салқинлаб ўтирардилар.

Устоз ёнбошлаб ётибди. Сулаймон пир олдида оёқ чўзишни тарки одат деб билгани учун чордана курган. Саратоннинг боши бўлса-да, тоғлик ер эмасми, қорли чўкқилардан салқин шабада эсиб, дилдаги губорни хайдайди. Арча шоҳида тинмағур қушлар чуғурлайди, арча тагидан чулдираб чиқиб ётган чашма жон-жаҳонингни яйратади.

– Оқар сув, яшил майса, яхшиларнинг юз-кўзини қув-патар эмиш, – деди Шайх, – атрофингизга тўйиб боқинг. Бундоқ маъволарни қайтиб қачон кўрамиз, аё Сулаймон!

Сулаймон атрофига энтиқиб назар солди.

– Арча сувини ичган киши Нух<sup>1</sup> алайҳиссалом умрини кўрар эмиш, – давом этди Шайх, – булоқдин тўйиб ичинг. Кам деганда янги туққан минг ойнинг юзини кўрасиз.

Сулаймоннинг юки оғир эди. Оҳиста кўзгалди. Булоқ бошига бориб, кафтларини жуфтлади. Унинг икки пан-жаси оштовокдек келарди. Ховучлаб сув ича бошлади. Тўйгунича ичди. Сўнг, сопол косада пирига ҳам сув келтирди. Шайх икки қултум ичиб, косани четга қўйди.

Шайх диқиллаб шоҳдан-шоҳга учиб-қўнаётган ўйинқароқ қушчаларга бир қур разм солди, муртидан кулди:

– Рух қушини тувғон элга учиринг, Сулаймон, – деди аста, – рух қайда бўлса, тан ҳам шу маконда жобажо эрмиш.

Сулаймон донг қотиб қолди. Пирнинг гапидаги ишорани дархол англади: «Демак, пирим бизга ижозат бермакка азм этибдилар, шукриллоҳ». Бир неча сония унинг тили калимага келмай карахт бўлиб ўтирди. Дили потирлади. Кўнгли анави қушчалардек бир лаҳза Хо-

<sup>1</sup> Ривоятларга кўра, Нух пайғамбар салкам минг йил умр кўрган экан.

размга қараб учди. Шошганидан, ўрнидан ярим туриб, чўккалади. Кўллари ўз-ўзидан кўкрагига қовушди.

– Пирим...

Шайх давом этди:

– Сизнинг дунёга келмаган зурриётингиз учун биз гуноҳқормиз, инжимайсиз. Иншооллоҳ, сиздин дини исломга равақ бергувчи ўғлонлар бунёд бўлғай.

– Пирим, мен сиздан кўзим тупрокка тўлгунча розиман.

Сулаймон тагин нимадир демоқчи бўлди-ю, пирининг мақтовни ёқтирмаслигини эслаб, тилини тийди. Дил розини дилда шарҳлади. «Пирим, турк элида печа қавм борки, барча Султоним, деб остонангизни ўладир. Жа-ноблари битмиш Девони сонийни биз назмий ҳадис деб билурмиз. Пири комил, сиз айтган амри маъруф туфайли минг-минглаган бутпараст, мажусий, тарсо калимаи шаҳодат келтириб, исломга юз бурди. Қиблагоҳимдин ололмаган тарбиятни, мурувватни сиздин олдим...»

Шайх Сулаймоннинг кўнглида кечаётган ғалаёларни савқи табиий – қалб кўзи бирла сезиб ўтирарди, бас, стар, дегандек кўл кўтарди.

– Биз азалдан қулоғингизга қуйганмиз, Сулаймон, мадҳу сано Аллоҳга ярашадир. Сизу биз ҳусни мутлақнинг қошида киммиз? Биз зарра, бир томчимиз, холос. Чеккан заҳматларимизга биз розимиз, сиз ҳам рози бўлинг. Туринг, туякаш келган бўлса, дардимизни айтайлик.

Пиру мурид ўтов сари кетдилар.

Облоқул туякаш кун оққанда етиб келди. У биронта айб иш қилган бўлсам, авлиё бобо дашном берармикан, деган хавотирда эди. Шайхнинг очик юз билан қулимсираб қабул қилганини кўриб, бир оз ўзига келди.

– Сиздин бир илтимосимиз бор эди, – деди Ҳазрат, – шу тўрт-беш кун ичида шаҳарга ўн бош нортауя, ўн бош моя олиб тушсангиз. Туяларнинг бириси оқ бўлсин, уқдингизми?

Облоқул кўл қовуштирди.

– Биз ўзимизга тегишли молдин сизга тўрт бош туя ҳадя этдик. Бўталоғи билан. Давлатингиз зиёда бўлсин.

Облоқул ирғиб ўрнидан турди.

– Биз ғарибларга шунчалик ҳиммат қилибсиз, умрингиз узун бўлсин, авлиё бобо. Ўла-ўлгунча дуойи жонингизни қилиб юргаймиз.

Чалабойга Шайх уюридаги отлардан етти арғимок берди.

Унга ҳам бир-икки кун ичида шаҳарга ўн айғир, ўн бия олиб тушмакни тайинлади ва дастурхонга фотиҳа килди.

Эртасига Шайх йўлга чикди. Чалабой «Сизларни олис йўлда ёлғиз юбормайман», деб ўзи йўлдош бўлди. Ҳазратни Яссигача кузатиб қўйиб, изига қайтди.

Тўрт кундан кейин Шайх сайисхонасида йигирма арғимок, йигирма туя жамланди. Ҳазрат Сулаймонни кузатишга ҳозирлик кўра бошлади. Сўфи Донишмандни хузурига чорлади. Хоразм хонига нома битмоқчи бўлди. Сўфи қамиш қалам, қоғоз олди. Шайх чимирилиб, андак ўйланди-ю, дона-дона қилиб айта бошлади: «Туркистон мулкининг ҳукмдори Буррохон жанобларига тўрт калима сўзимиз. Ҳақ Таоло иродаси ва ўзимизнинг ихтиёри-миз бирла валийлик мақомига етган Ҳаким Сулаймонни элингизга Шайх ул-раис мартабасига тайин этдик. Бул вақилимизга марҳамат ва мурувват кўзи бирла муомала қилишингизга гумонимиз йўқ. Покдомон ожизаларингизнинг бирисин Ҳаким Сулаймоннинг никоҳига киритиб, уни домод-куёв рутбасига етказасиз, деган умиддамиз<sup>1</sup>. Илоҳо умрингиз узун, давлатингиз фузуи бўлғай.

Муҳримизни босдик. Пири Туркистон, Шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий. Саратоннинг 17-куни».

Кун кўтарилиб, масжид, хонақоҳ теваараги жонланиб қолганда Шайх амрига биноан Сулаймонни кузатув маросими бошланди. Сайисхонадаги от-туя кенг майдонга олиб чиқилди. Кўликларга эгар-жабдуқ урилган, Сулаймонга аталган оқ туяга тахти равои ўрнатилган эди. Майдонга шайх халифалари, хос маҳрамлари тўпланди. Ҳазрат Сулаймонга янги хирқа кийдирди, қўлига қора баҳмалга ўралган Куръон тутқазди, белига тариқат камарини боғлади. Кейин хатчуп чўзди.

– Хоразм хонига нома битдик. Йўлда ўқирсиз.

Султон ул-орифин Сулаймонга қирқта муриди-ни сафардош қилиб берган эди. Пирнинг ишорати билан уларнинг ярми отга, ярми туяга минди. Сулаймон Мансурхўжа, Сўфи Донишманд, Бобо Мочин, Кутбиддин

<sup>1</sup> Туркистон хони суюкли кизи Анбар отини Сулаймонга беради. Сулаймон оламдан ўтгач, Анбар отин Занги отанинг никоҳига киради.

билан қучоқлашиб хўшлапди. Сўнг онқора хўнграганча ўзини Ҳазратнинг кўксига ташлади.

– Пирим, оёқларингизнинг гарди бўлай. Сизга жонимни қурбон қилсам, камлик қилмай...

Шайх дуога қўл очди:

– Бисмиллоҳи таваккалту алаллоҳ! Раббано, сенинг муборак каломингни мўминлар кўнглига жо этиб, фарзи айнингни адо айлагани йўлга отланган Сулаймон қулингдин марҳаматингни дариф тутма. Хизр алайҳиссаломни анга жиловдор қилиб бер. Аллоҳумма саййирна аҳлул имтизойи! Қодир эгам, ўзинг бизни имтиёзли кишилардан қилмайсан. Омин, Аллоҳу акбар!

Бобо Мочин Сулаймонни даст кўтариб оқ туяга миндирди.

Одатига кўра, дўстига ҳазил қилди:

– Юкингиз енгил бўлиб қолибдими, тақсирим...

Карвон йўлга тушди. Сулаймон пирга орқа ўгириб кетишни беадаблик деб билди. Ўрнидан туриб туяга тесқари мишиб олди. Қўлларини қовуштириб, бош эгиб кета бошлади. Шайх ўттиз йиллик дил маҳрамининг бул ажиб ҳолатига боқаркан, «Ақли комил унинг» деди мутаассир бўлиб.

Оқ туя аста-аста одим ташлаб, Яссидан узоқлашяпти.

Сулаймон ҳамон Ҳазрат томонга интиқ термилиб кетиб боряпти. Шайх ҳам ундан кўз узмай қараб турибди. Ниҳоят, оқ туянинг қораси ўчди. Шундагина Шайх ўзига келди. Жигари эзилиб пичирлади: «Айрилиқ жон офати, дийдор жон роҳати эрмиш. Начора, бирга турмоқ бор, бир турмоқ йўқ. Худонинг бир суюкли бандаси ниятига етадиган бўлди. Шунисига шукур, ё Раббим!»

Шайхнинг кўнгли биёбон янглиғ хувиллаб қолди. Унинг кўзларида ёш йилтиради.

## АЛВИДО, ҚУЁШ

### 36- ф а с л

*Ул қодирим қудрат бирла назар қилди,  
Хуррам бўлиб ер остига кирдим мано.  
Ғариб банданг бу дунёдин ҳазар қилди,  
Маҳрам бўлиб ер остига кирдим мано.*

Аҳмад Яссавий

Султон ул-орифиннинг кўнгли хувиллабгина қолди. Биринчи халифаси Мансурхўжа орқа тоғи, Сулаймон бирла Сўфи Доишманд икки қаноти, Бобо Мочин йироғини яқин қилғувчи оёқлари, Қутбиддин Шайх ул-машойихнинг келажакка умид ила термилган кўзлари эди, гўё. Начора, бу дунё мисли бир карвонсарой экан. Келдилар, кетдилар, келадилар, кетадилар. Висол бор, ҳижрон бор, шодлик бор, гусса бор. Инсон тувилади, оёқланади, навжувонлик гулшанини сайр этади, турмушнинг иссиқ-совуғини, аччик-чучугини тотади, қариб-чуриб, кексалик биёбони сари юз тутади. Гўдак боланинг тета-поя бўлиб қўйган илк қадами анинг ўлим сари ташлаган қадамидир. Аллоҳ бизларни бу олами сағирда бир-бирига меҳмон этиб яратибдир. Сулаймон ҳам ўттиз йил бадалига бағримизни иситғувчи меҳмонимиз эди, рози бўлиб кетганлиги рост бўлсин.

Шайх ана шундай хаёллар гирдобида уч-тўрт кунни ўткарди. Сўнгра фикру хаёлини тағин узлат тадориғи банд этди. Узлат шартларидан биттаси қолган эди. Шайх Самариддин ҳокимдан атроф-жавонибдаги ялангтўш бечораларнинг рўйхатици кутарди. Шайх билади, Сайхуннинг у бетидаги дашту қумликлардан то Қоратоғ ортидаги овулларгача бўлган ҳудуд кенг. У ерлардаги капаларда, ўтонларда, каталақдай уйларда истиқомат қилувчи улусни оралаб, уларнинг ҳол-аҳволини кўриб, мол-жонини сарҳисоб қилиб чиқиш учун ҳафта етмас, балки неча ўн кун талаб этиларди. Шу боис Собронга чопар юбормади, Самариддиннинг ўзи етиб келишини сабр билан кутди.

Ниҳоят Самариддин мулозимлари билан Шайх хузурида тикка бўлди. Кўйнидан қалин қоғоз чиқариб, Шайхнинг олдига қўйди. Ҳазрат рўйхатни бирма-бир

варақлаб, диққат билан кўз югуртирди. Сўнг Самариддинга қайтариб берди.

– Ана энди қалам олиб, ўз қўлингиз бирла ёзинг. Маломат қилеувчиларда гумош уйғонмасин. Ёзинг. Отасиз етимларга сизир, бузоғи билан. Тағин икки совлиқ. Эр етган ўғли бўлса, бедов от, икки кўй ёки эчки. Ота-она-сидин айрилган қув етимлар ўсаётган хонадонга тўртта кўзилик кўй, бузоқлик сизир. Дехкон, чорвадорларга хўкиз ё от, тўрттадан эчки, улори билан...

Шу куни харобат аҳли деб аталмиш мискин бечораларга минглаб майда туёқ мол, юзлаб хўкиз, от, сизир эҳсон қилинди.

Шайх Самариддинни огоҳлаштирди:

– Муҳтож кимсаларнинг барчасига хайр-эҳсон бирдек ҳалол тақсим қилинсин. Биз махсус тафтишчилар тайин этамиз. Улар овулма-овул, кентма-кент юриб, таҳқиқлайди. Ҳақи берилмаган фуқаро топилса, уялиб қолманг, жаноб ҳоким. Бу ёғи сизнинг имонингизга, Аллоҳ олдидаги касамёдингизга боғлиқ. Уқдингизми?

Самариддин қайта-қайта онт ичди.

– Ўзим бош-қош бўлиб, оқсоқолларнинг қабатида тураман, нирим, кўнглингиз тўқ бўлсин. Баримиз бир эл фарзандимиз, Тангри таоло олдида ёлғончилик қилишдан ўзи асрасин.

– Ал-каззобу ло-умматий, дебди Расули акрам, шундоқ бўлсин, ҳоким тўра.

Шайх ўн икки кишидан иборат тафтиш хайъати тузди. Рўйхатда Соброннинг янги қозиси Лутфилло хожи, Мансурхўжа, Сўфи Допишманд, мадраса мударриси Муҳаммадрасул, тўрт-беш кент оқсоқоли, хонақоҳ мутаваллиси Аброрхўжа, чорикорлар, косиблар, чорвадорлар бор эди. Шайх хайъатга Самариддинни раис этиб тайинлади.

Самариддин хушвақт бўлиб Собронга қайтди.

\* \* \*

Эртаси куни бомдод намозидан сўнг Шайх хонақоҳ мутаваллисини, халифаларини эргаштириб, хилватхона сари юзланди. Хилватхона сербаргина эди. Бўйига етти, знига беш газча келар, беш-олти кишининг бемалол яшаб туриши учун яроқли эди. Уни Шайх Бухородан Тур-

кистонга қайтиб келган йиллари барпо эттирган эди. Бу сокин гўша ёзда Дашти Қипчоқнинг олов уфурувчи жазирамасидан сақлар, кишда қорбўрон аралаш эсадиган изғиринлардан асрарди. Шайх йилига икки қарра – ёз чилласида қирқ кун, киш чилласида қирқ кун шу ерда истиқомат қилади, Рамазон ойини ҳам тоат-ибодат, Қуръон хатми ила шу ертўлада ўтказади. Ана энди, умр чироғи сўнгунча бу кадрдон масканни ўзига ватан тутмакни ният қилди.

Ҳазрат мутаваллига хилватхонани қайта бошдан таъмирлаш хусусида топшириқ берди.

– Усталарга бош бўлиб, шундай қилингики, одам боласи бу ерда йил ўн икки ой, туну кун муқим яшагани шарт-шароит муҳайё бўлсин.

Халифалар бир-бирига савол назари ила боқдилар. Улар пири муршиднинг қолган умрини шу зимистон ертўлада ўтказишни мўлжаллаётганидан беҳабар эдилар.

Шайх ахли аёлини кўчириб келгани Исфижобга одам юборди. Исфижоб олис эди, отлиқ киши тўрт кунда етиб борса, арава камида бир ҳафта йўл босарди.

Орадан ўн-ўн беш кун кечди. Ўғли Иброҳимни бағрига босиб Руқия бегим келди. Хилватхона ҳам таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этди. Шайх янги маконини кўриб, қаноат ҳосил қилиш ниятида хос маҳрамлари билан хилватхонага тушди. Ерга тўрт қават қилиб бўйра тўшалган, унинг устидан икки қат қалин кигиз солинган, чир айлана адрас кўрпачалар ёзилган. Ҳар ер-ҳар ерга оқ эчкининг терисидан юшоқ пўстаклар ташлаб қўйилган эди. Деворлар зах тепмаслиги учун ошланган хўкиз териси билан қопланган. Тоза ҳаво кириб турсин деб, тепага икки ердан туйнук очилган. Ертўла тўрида мўрконли кичкина ўчоқ. Ундан нари, одам кўзи тушмайдиган ерда таҳоратхона.

Шайх тўрға ўтиб, чордана курди. Енгил фотиҳа қилди.

Халифалар йилига бир-икки қур чиллахона вазифасини ўтайдиган омонат маконга эмас, расаматли меҳмонхонани эслатадиган хилватхонага хавасланиб боқдилар. Шайх эса сукут сақлаб, ерга қараб ўтирарди. У бир йил мобайнида кўнглининг энг тубқарисида яшириниб ётган пинҳоний сирини энди ошкор этмакни ўйларди. Зеро, бу осон юмуш эмас эди. Ахир инсон

боласи борки, беш кун бўлса-да, бу дунёда яшаб ўтсам, дейди, Аллоҳ яратган неъматлардан баҳра олиб колгиси келади. Чарақлаган офтобга, тўлин ойга, наботот оламига тўйиб-тўйиб термилишни ким истамайди? Барча! Умри роҳат-фароғатда кечадими, азоб ичра қоврилиб яшайдими, ўзини етти қават ер остига маҳкум этишни истамайди. Фанофиллоҳ мақомига етиб, Ҳақ таоло дийдорига мушток бўлган авлиёлар сарвари Хожа Аҳмад Яссавий отлиқ пири Туркистоний ҳам бу нав истаклардан, бу янглиғ армонлардан холи эмас эди. Илло, бу зоти шарифнинг парвардигорига берган ваъдаси бор: Ҳақ Мустафо Расулulloҳи карим ёшига етганда гўшанишин бўлиб, ёлғиз сенинг ёдинг, сенинг зикринг бирла умр ўтказгайман, деб онт ичган. Бас, энди ваъдага вафо қилмоқ фурсати етган эди.

Шайх муридларининг чехрасига мулойим назар солиб, аста сўради:

– Қалай, янги хосхонамиз мақбулми?

Халифалар бир оғиздан хилватхона таърифини келтиришга тушдилар.

– Бул макон мишбаъд бизнинг муқим турадирёон уйимиз бўлғусидир, – деди Шайх, – бизга дунёнинг қизиги колмади. Аллоҳ насиб этса, омонат умримизни зикри сано бирла мана шу ерда ўткармакка ваъда бердик. Ер устидан бизга ер ости авлороқ кўринди.

Энди халифалар оғир сукутга чўмдилар. Неча замондирки, улар тариқат раҳнамосининг фавқулодда амалларига кўникиб кетганлар. Илло, Ҳазратнинг бу кунги дил изхори маҳрамлар ақлини шошириб қўйди. Гуёки ёз чилласида момақалдиروق гумбурлаб, чақин чаққандек туюлди. Бирок ҳеч ким чурқ этмади. Зеро, пирдан ижозат бўлмагунча сўроқ бериш тариқат одобига хилоф эди.

Маҳрамлар муроқабадан бош кўтармади. Уларнинг тиллари тугилган, аммо дилларида хавотиру иштиёқ қалаба қиларди: «Бул қоронғу хужрада ҳазратнинг сихатларига заҳм етмасмикан? Валиulloҳнинг сўзларига, амри маъруфига мунтазир халойиқ бундан буён пир дийдорини кўролмайдими?»

«Хонақоҳдаги соликлар тарбияси, толиби илмлар таҳсили не бўлғай?»

Шайх халифаларининг кўнглидан кечаётган хаёлини

басират кўзи – савки табиий ила пайқаб ўтирарди. Биратўла жавоб берди:

– Хавотир олмангизлар. Мен ёлғиз эмасман. Ёлимда сизлар борсиз. Эл-улус бирла ўртамизда воситачи ҳам сизлар. Панду насихатимизни аларга етказурсиз. Хонакоҳ раҳнамози Мансурхўжа, толиби илмларга мураббий Сўфи Донишманд. Биз Сулаймон ўрнига Қутбиддинни учинчи халифа этиб тайинладик. Бобо Мочин бизнинг қўлоғимиз эди, шундоқ бўлиб қолгай.

Шайх муртидан жилмайди.

– Тағин тўрт оғайни жам бўлдингиз, шукриллоҳ.

Қутбиддин ирғиб турди. Бориб, пир этагини кўзига суртди.

– Халққа хабар беринг. Жума намозидин сўнг аларга айтар сўзимиз бор.

Шайх олдинда, Мансурхўжа, Сўфи Донишманд, Бобо Мочин, Қутбиддин – «тўрт оғайни» ортида хилватхонадан ер юзига кўтарилдилар.

Шайх уйи томон кетди. У Руқия бону билан юзма-юз сўзлашмакни кўзлаб борарди.

Ҳазрат ўзининг хос хонасига кирди. Тўрда чордана қурди.

Енгил йўталди. Таниш ишорани эшитиб, Руқия биби кирди.

– Бизга хизмат борми, отаси? – деди у бўсағада туриб.

– Хизмат йўқ. Ўтирингиз.

Руқия эрининг рўбарўсига омонат чўкди. Рўмолини пешонасидан пастроққа тушириб қўйди.

– Сизга икки овиз гапимиз бор эди, – деди Шайх ва ўйга толди. У узлатга чекиниш қарорини ётиги билан англатишни ўйлаб, бир неча сония сукутда ўтирди. Шайхнинг дунё можароларини кўравериб, эшитанвериб зада бўлган юраги безовта ургандек эди. Тўғри, энди вишт қолипдан кўчган, паймони – паймон, Аллоҳ олдидаги қасами – қасам. Илло, назарида бул муштинар аёлганини якка-ёлғиз ташлаб кетаётгандек эди. Руқия бону ҳам, нохуш бир хабар эшитадигандек, дастурхон попугини чийраб, жимгина ўтирибди. Ниҳоят, Шайх гап очди:

– Онаси, сиз то машҳарга қадар менинг худо қўшган қўшоғимсиз. Иброҳим икковингиздан розилик тилагани чақирдим сизни. Мен бу дунёнинг фитналаридин, сир-

ти силлиқ, ичи тўла мараз кимсаларнинг маломатидин, замона зўрларишинг балои нафсларидин роса тўйдим. Аллоҳим ажратган умрга шукр қилиб, бундан бу ёвига лайлу наҳор хилватхонада кун кечирмоқчиман.

Рукия хиқиллаб йиғлади.

– Сиз не десангиз, биз розимиз, Шайхим. Мен сизнинг чўрингизман. Ихтиёр сизда.

– Ғалат гапирмангиз, – деди Шайх мулойим товушда, – сиз чўри эмассиз, менга уч фарзанд туғиб берган жуфти халолимсиз. Кўз ёшингизни артинг. Мен бу оламни тарк этиб, дорилбақога кетаётганим йўқ, бу ёлғончи, фосиқ дунёдин этак силтагим келди, холос.

Рукия биби рўмолининг учи билан кўзларини артди. Шайх рафиқасининг юзига боқди. Унинг кўнглини билиш учун сўради:

– Истасангиз, Исфижобга бориб, энангизни қошида бўлинг. Биз розимиз.

Рукия илтижо аралаш деди:

– Шайхим, ижозат берсангиз, ёнингизда бўлсак. Сизнинг нафасингизни сезиб тургимиз келади. Ўғлингиз ҳам шу ерда таҳсил олгани маъқулми, дейман. Сиз не десангиз, шу, отаси.

Иброҳим ўн икки ёшни қоралаб қолган, мадрасада таҳсил кўрарди.

– Маъқул, – деди Шайх, – қизларингизни соғинсангиз айтинг, сизни Исфижобга кузатиб кўядилар.

Шу билан узлатнинг сўнгги шарти ҳам адо этилди. Энди Шайх жумъа кунги издиҳомни кута бошлади.

\* \* \*

Саратоннинг ўрталарида мулки Туркистон ичра юракларни ларзага солувчи совук хабар тарқалди:

– Авлиё бобо ер остига кириб кетаётган эмиш. Жума куни пешин намозидин кейин халқ билан хўшлашар эмиш...

Шум хабарнинг қаноти саккиз, дейдилар. Бу овоза бир-икки кун ичида Қоратог ортидаги биёбонларга, тоғолди яйловларига, Сайхун этагидаги дашту чўлларга, кентларга, овуллару шаҳарларга ёйилди. Баъзи биронлар бу таҳликали хабарни ўзларича тушундилар: «Пи-

римиз оғир хаста шекилли, бўлмаса, пега халқ билан хўшлашмоқчи?»

Жума куни чошгоҳданок Ясси бозори ёпилди. Халойиқ гурас-гурас Жоме масжиди сари оқиб кела бошлади. Хадемай масжид тевараги одам билан тўлиб кетди. Издихом тўйдагидек турли хил эди: тулки тумоқ кийган чўпон-чўлиқлар, тагдўзи тақялик ўсмирлар, бошларига кулоҳ кўндирган дарвишлар, симобий салла ўраган уламолар, кўк саллалик толиби илмлар, чиммат ёниган аёллар, бола етаклаган келинчаклар... Хуллас, Шайх ул-машойихни пирим, деб сифинадиган муридлардан, Султон ул-орифинни жини суймайдиган китмир дин пешволаригача масжид майдонини банд этган, барча-барчанинг нигоҳи узунчоқ, сербар айвонга кадалган эди. Айвонга ёвуқроқ ерда йилкибоқар Чалабой, ундан бери Қарноқ қишлоғидан келган Камол қора билан Низомиддин хушрўй. Чеккароқда, бир тўп йигитлар орасида Абдурауф турибди. У бир кўлида Яшар ўғлини, бир кўлида Ғайбуллони стаклаб олган. Ғала-ғовур, ҳар ким ўз фарози, тахминини айтиб, дил сўроғига жавоб топгиси келади.

— Авлиё бобо энди халқ билан юз кўришмас эмиш, шу ростмикан?

— Боягина шу ерда бир дарвишдан эшитиб қолдим. Энди авлиё ер остида яшар эмиш. Куннинг кўзини кўрмай муттасил зимистонда ҳаёт кечириб осонми?

— Авлиёларга ер ости ҳам ер юзидай ёруғ бўлар эмиш.

— Пиримиз хаста эмас экан-у, шунисига ҳам шукр...

Шу пайт салласининг пешини кўкрагига тушириб олган семиз, пистакўз бир уламо сўз қотди:

— Хаста бўлмаса, нечун эл-юрт бирла хўшлашади пиринг?

Бедаво дардга чалинганки, охиратини ўйлаб қолган!

Камол қора унинг лафзини кесди:

— Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила, дейди машойихлар, тақсир. Сиз ҳам қанча умр кўрасиз, худо билади. Бугун уйингизга ё борасиз ё бормасиз, хўлми?

— Э марге сенга, юзи қора!

Уламо Камолнинг қоратўри бетига ҳам шаъма қилаётган эди. Йигит кулди:

— Бировнинг юзи қора, бировнинг кўнгли қора бўлармиш, лаббай, тақсир?

Уламо тўнғиллаб, нари кетди.

Айвонда Шайх кўринди. Унинг видолашув ваъзи печа кундан бери кўнглида жавлон урар, тезрок сомеълар қуловига етиб борай, дегандек эгасини безовта этарди. Ҳазрат халойикка енгил назар солди, «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!» деб фотиҳа қилди-ю, ваъзини бошлади:

– Аҳли суинна вал-жамоа! Биродарларим! Бул ёруғ олам, осмонда чарақлаб турган шамсил-анвар, соя-салқинли оғочлар, оқар сувлар, юз-кўзимизни сийпалаб эсган еллар, киприкдайин нозик майсалар, кўкатлар... барчаси минбаъд бизга омонат бўлиб қолди. Бул кун сизларга видо арзини айтмак учун бошингизни кўшдим.

«Видо»ни эшитиб, халойиқ сергак тортди, оғир гувранди, саратон офтоби киздириб турган эса-да, муздек шабада эсиб ўтгандек бўлди. «Авлиё билмай бир нима демайди, наҳот дорулфанони тарк этаман, дея башорат қилаётир», деган тахликали хаёл чулғади кўпчиликни. Шайх ул-машойих томоқ кириб олиб, азалий жаранг, босиқ товуш ила ваъзини давом эттирди.

– Қирк йилдирки, Ҳақ таоло на таборак фарзини, Расулуллоҳ суинатини аҳли мўмин дилига мухрламак қасдида заҳмат чекдик, жоҳилият чанғалида қолғон кўнғилларда нури ислом балқисин, дея пият қилдик. Шукриллоҳким, неча минглаб мажусий, тарсо, зиммий, ўтпараст, бутпараст калимаи тоййиба айтиб, исломға кирди, парвардигор амрига бўйин сунди, жаноби пайгамбаримиз ўғитларига амал қилди. Вале ўзларини калом аҳлиданмиз, дея кўкрагига мушт ургувчи риёкорлар маъсият ботқоғига ботдилар. Биз амри маъруф айтиб, аларни солих амалларга ундадик, толих юмушлардин қайтармоқчи бўлдик. Водарие! Ул йўлдин озғонларнинг қулоқлари қар, кўзлари сўқир, тиллари соков эди! Тошга ёмғир қор қилди, илло аларга насиҳат қор қилмади. Не ажабки, аҳли ғафлат, ранжу ано, хиёнат, мазаллат, зулм, харосат, шайтоний нафсоният бандалари урчиб кетди. Расули акрам лутф этадилар: «Подшоларнинг беҳроғи улдирки, аввало раиятни дўст тутқай». Афсус, минг афсуслар бўлғай, бу кун замона зўрларини халққа дўст деб атамоққа тил бормаидир. Дўст бўлса, дўстини қафангадо этиб, бир тишлам нонга зор этиб қўядими? Дехқоннинг

эккани, косибнинг тиккани, чўпоннинг боққани қурсоғини тўйдиришга етмасмиди? Расули алайҳиссалом айтадилар: «Одил султоннинг бир кунлик адолати олтмиш йил улуксиз ибодат қилғондин авлодир. Эй, саждага бош уриб, Аллоҳдин лутфу қарам тилаётган ҳоким! Умринг бўйи печа кун адолат тарозусини илкингда тутиб турдинг, танингда ўйлаб кўр!»

Мунофиқ қозиларнинг қилмишига назар солсангиз, жигарингиз эзилади. Алар каломи шарифнинг ҳар бир оятини калтак қилиб авом халқ бошида синдиришдан тоймайдилар. Эл оғзида бир матал борким, тўк ит оч итнинг қуйруғини искар эмиш. Бир мискиннинг қозонига кўз тиккан қори, йўқсул кимсанинг қўлига тамшаниб қараган қозикалон, икки қадок эт бадалига оқни қаро қилиб бергувчи муфтий ўшал тўк итдан нимаси билан ортиқ? Аларнинг ҳарис кўзларига боқиб чарчадик.

Икки олам сарвари Расули ақрам жанобларининг муборак каломи борким, ад-дунё сижжин ал-мўъминийн ва жаннатул кофирийн, дебдилар. Яъниким, бу дунё мўминлар учун бамисли дўзах, кофирлар учун жаннат эрмиш. Ё халлоқи олам, содиқ қулларингдин мағфиратингни аяма! Ахир бир бечоранинг лукмаи ҳалолодин хазар қилмайдирғон ножинс кимсаларни не деб атамоқ даркор? Уларни кофир дегани тил бормас, вале мусулмон дейишга ҳам имон йўл қўймас! Аларнинг номаи аъмоллари рўзи маҳшарда аён бўлғай.

Холиқи олам, подшолар менинг ердаги соямдир, деб марҳамат қилди. Қўл остидаги қулларига сояси тушмайдиган султонлардан кўнглимиз совиди. Сассик кекирдак бўлғон ҳокиму беклардан ҳам ҳафсала пир бўлди. Бир қошиқ оби ёвғон илинжида елкаси яғир, қўли косов, товони тош қотган деҳқоннинг дийдасидан оққан ёш юракни пора-пора қиладир. Аларнинг ерга теккудек эгик бошларига, кўзларидаги адосиз мунглирига боққани кўзимизда қувват, танимизда тоқат қолмади. Бас, зўрлик ва хўрлик устига қурилган бул дорилфанодин юз ўгириб, узлатга чекинмакни ихтиёр этдик. Қолғон умримизни ер остидаги хилватхонада тоат-ибодат бирла, жамики насли башарга сабру бардош, эл-улус раҳнамолариға инсоф, диёнат, қаноат тилаб ўтказмакни вожиб, деб билдик.

Муҳтарам жамоа! Каминани Пиримиз, деб бошингизга кўтардингиз, иззатладингиз. Миннатдормен. Сизлар бирла хўшлашиб, узлатга чекинишдан бурун барчангизга айтар тўрт калима сўзимиз бор. Бир-бирингизга суянчиқ бўлингиз, малхам бўлингиз. Бир-бирингиздин ширин сўзингизни аямангиз. Бувдой ношинг топилмаса, бувдой сўзинг бўлсин, дейди машойихлар. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Иншоолло, бизнинг элдин ҳам Хорун ар-Рашидлар чиқса ажаб эрмас. Замона зўрларининг дасти панжаси то абад узун бўлиб қолмас, мазлумларнинг кўз ёшини артадиган имон-инсоф эгалари ҳам бир кун дунёга келгай. Таваккал – Аллоҳга, умид – Яратган эгамдан.

Шайх қўйнидан ўроғлик қоғоз чикарди. У ўзи битган ҳикматли назмларни ўзи ўқишни ёқтирмас, гоҳо Сулаймонга, гоҳида Қутбиддин ё Донишмандга ўқиттириб эшитарди. Бу сафар халойиққа айтар васиятини ўз лафзи ила баён этмакка аҳд қилди. Оппоқ қоғозга қараб видео ҳикматини ўқишга ўтди:

*Муножот ба даргоҳи қозиюл ҳожот.*

Ҳақ таоло лутфу карами бирла дилимизга ҳикмат келди.

*Муножот айлади мискин Хожа Аҳмад,  
Илоҳи, қил ҳама бандангни раҳмат.*

*Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,  
Агар ер остига тушса чиримас.*

*Яна мансух<sup>1</sup> бўлиб, ул хор бўлмас,  
Ўқугол бандалар бедор бўлмас.*

*Манинг ҳикматларим дардликка дармон,  
Эшитмай ҳар ким ўлса, қилгай армон.*

*Манинг ҳикматларим оламга тўлгон,  
Киши бўй этмаса, ул йўлда қолгон.*

*Манинг ҳикматларим кони ҳадисдур,  
Киши бўй этмаса, ул мултамасдур<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Мансух – бекор қилинган, эскирган.

<sup>2</sup> Мултамас – илтимос, сўралган фикр.

*Манинг ҳикматларим толибни ризқи,  
Агар чандики бўлса, журму фисқи.*

*Мани ҳикматларим ошиққа айтинг,  
Дили ойинадек содиққа айтинг.*

*Манинг ҳикматларим нодон эшитмас,  
Вале кўнгли қаро пандимни тутмас.*

*Мани ҳикматларим хўбларга айтинг,  
Дуо, такбир айтиб, раҳматга ботинг.*

*Мани ҳикматларим ишқнинг саноси,  
Муҳаббат аҳлининг дардин давоси.*

*Манинг ҳикматларим бедардга айтманг,  
Баҳосиз гуҳарим нодонга сотманг.*

*Худонинг сўзидин чиққон бу ҳикмат,  
Эшитсанг мағзи Куръон, мағзи суннат.*

*Мани ҳикматларим доно эшитсун,  
Сўзим дoston қилиб, раҳматга етсун.*

*Мани ёд айласа, пиру жавонлар,  
Ғарибу бекасу ҳам нотавонлар.*

*Дуои хайр этай дунёда зинда,  
Руҳим бўлғай мададкор, борса анда.*

*Чин айди Яссавий Аҳмад бу сўзни,  
Худонинг қаҳридан қутқорса ўзни.*

Шайх нафас ростлади. Оломон кучли бўронда колган дарахтзордек гувранди. Саллалик, кулоҳлик, телпак-дўшили бошлар ҳар ён тебранди. Аҳли жамоа Шайх азми қарорини, надомат гўла васияти ва ўтли ҳикматларини кўнгилга сиғдирилмай, мағзи-маънисини чақолмай бир муддат лол-караҳт холда тургандек эди. Ва ниҳоят, издиҳом ўртароғидан овоз келди:

– Пирим, бизларни икки оёқли қашқирларга ташлаб кетаберасизми? Сиз суянган тоғимиз, ишонган боғимиз эдингиз...

Шайх баайни ҳукм ўкигандек кескир, ўктам жавоб килди:

– Мен тирик эканман, икки оёқли қашқирлардин кўркмангиз.

Ўзим ер остида бўлсам-да, қулогим сизларнинг даҳанингизда бўлмай. Шарҳи холингизни бизга етказиб турадирғон имон эгалари бор. Уларнинг кўзлари менинг кўзларим. Аллоҳга таваккал қилиб, ош-нонингизни ҳалоллаб еб юрингизлар. Сизларни Яратган эгамнинг паноҳига топширдим. Вассалому валкалом, омин, Аллоҳу акбар!

Халойиқ анчагача ўзаро гап талашиб, гурунглашиб турди. Шайх-ул машойих айвонни тарк этиб, ичкарига кириб кетгач, улар ҳам тарқала бошлади.

Орадан икки куп ўтди. Душанба куни бомдод намозини ўтказиб, Шайх масжиддан чиқди. Маҳрамлари ҳимоясида абадий макони томон юрди. Мана, орзуманд маскан. У интизор бўлиб, янги хўжасини кутиб тургандек эди. Ҳазрат гурс-гурс одим ташлаб пастга эна бошлади. Шу топда у ер қаъридаги кимсасиз, қоронғи гўшага эмас, Ҳақ таоло васлига ноил этажак меърож сари юксалиб бораётгандек эди.

## ИККИ ОҒИЗ АРЗИ ҲОЛ

*Муҳтарам ўқувчим! Мана, Сиз китобнинг сўнгги саҳифасини ҳам ёпдингиз. Мен ҳам умримнинг йигирма йиллик саҳифасини ёпгандай бўлдим.*

*Кейинги йилларда менга “Бу романи ёзишга нима туртки бўлди? Уни қандай ёздингиз? Манбаларни қаердан олдингиз?” каби кўплаб саволлар беришади. Аввало, мен Туркистон фарзандиман, шунинг учун авлиёлар сарвари, орифлар султони, Навоий таъбири билан айтганда пири Туркистоний Ҳожа Аҳмад Яссавий тўғрисида каттароқ бир асар битишни ўзимнинг бурчим, деб билардим. Бироқ даврдан ижозат, ўзимда эса, маърифий-руҳий қувват йўқ эди.*

*Мен яссавийхон қишлоқда катта бўлдим. Бизда авлиё бобонинг ҳикмат тўла шеърларини ёд биладиган кишилар кўп эди. Парпи мулла деган ён қўшимиз бўларди. Биз мактабга боришда йўлни яқин қилиш учун Парпи бобонинг боғини кесиб ўтардик. Бобо ўт-чўп ўраётган бўлса, қарашиб юборардик. Бобо бизни ариқ бўйидаги лойсунага ўтқазиб, муздек гўжга билан сийларди. Кейин Яссавий, Сўфи Оллоёр, Машраб газалларини ўқиб берарди. Парпи бобонинг овози ширали, жарангдор эди. У кишидан эшитганим Яссавийнинг икки байти ҳамон қулогимда янграб тургандай:*

*Етимни кўрсангиз оғритмангизлар,  
Ғариблар кўнглини доғ этмангизлар.  
Етимлар бу жаҳонда хор экандур,  
Ғарибларнинг иши душвор экандур.*

– Бу байтларни қулоқларингга қуйиб олинглар, – дерди Парпи бобо, – бир замонлар келади, одамлар Султонимнинг ҳикматларини кўзларига суртиб ўқийдилар.

*Биз, у замон қачон келар экан, деб ажабланардик.*

*Йиллар ўтиб борар, лекин Парпи бобо айтган замон келай, демасди. Аксинча, Яссавийни «мистик», «таркидунёчи» дегувчи «маллаевчи»ларнинг оти чопгани чопган эди.*

*Менинг хаёлимда – Шайх ул-машойих Аҳмад Яссавий тимсоли.*

*Етмишинчи йилларда уч-тўртта китобим чиқди. Оз-моз тажриба ҳосил бўлди. Баъзи қисса ва ҳикояларимга атайлаб Яссавий сиймосини жо этдим. «Аваз» романимда шоирнинг шеъ-*

рларидан бир нечта иқтибос келтирдим. Хуллас, шу усул билан «давр даҳрийлари»нинг «қитиғига» тегиб кўрдим. Улар сукут сақлашди. Бу менга дадиллик бергандек бўлди.

Ҳар сафар Туркистонга борганимда, албатта Ҳазрат турбатини зиёрат қиламан. Муборак қабрлари ёнида ўйга толиб узоқ ўтираман. Ўзимча суҳбатлашган бўламан. Ул зоти шарифнинг сиймоларини кўз олдимга келтиришга уринаман. Авлиёлар сарваридан мадад тилайман.

Ниҳоят ёзишга жазм қилдим.

Дўрмонга бордим. Донишманд устозим, раҳматлик Асқад Мухтор у пайтлар ёзувчиларнинг Дурмондаги ижод боғида яшарди. У кишига ниятимни айтдим.

– Сен ёзсанг эглайсан, қўлингдан келади, – деб кўнглимни кўтарди Асқад ака, – Яссавий дунёси бир уммон, унда гарқ бўлиб кетишдан сақлан. Тасаввуфни чуқурроқ ўрган. Тўғри, Аҳмад Яссавий буюк авлиё, каромат соҳиби, лекин у ҳам сен билан бизга ўхшаган инсон. Шуни унутма. Яссавий ҳайкалга айланиб қолмасин.

Устознинг ўғитини дилимга туғиб олиб, ишга киришдим. Тасаввуф таълимоти ҳақида нима бўлса, топиб ўқишга тушдим. Ёдимга келганларини санаб ўтай. Булар: Бертельснинг китоблари, турк олими Фуад Кўприлизодининг мутасаввуфлар ҳақидаги монографияси, муаррих Фахриддин Али Сафийнинг «Рашиҳот айнул ҳаёт» рисоласи, Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» асари, Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаётига бағишланган маноқиблар, Ҳазрат Навоийнинг «Шамойил ул-муҳаббат» дурдонаси, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул сингари замондош олимларнинг тасаввуфга оид тадқиқотлари ва ҳоказо.

Туркияда чоп этилган уч жилдлик “Авлиёлар энциклопедияси” ва Аҳмад Яссавий танланган асарларига илова этилган кўламли сўзлик-лугат ҳам Султон ул-орифин шахсиятини ўрганишимда қўл келди.

Бир неча марта Сайрамга қатнаб, халқ оғзидан ўнлаб ривоятлар ёзиб олдим. Лекин энг асосий манба, шубҳасиз Яссавийнинг азиз китоби – «Девони ҳикмат» эди. Уни қайта-қайта мутолаа қилдим, юзлаб сатрлари ёд бўлиб кетди. Халқона, содда, ширали, қайноқ ва самимий сатрлар орасидан эл-улус гамида бағри куйган, донишманд, пайгамбарсифат бир мўйсафиднинг нурли қиёфаси чирой очиб чиқаётгандай бўлаверарди.

Энди бу ёғи – меҳнат, узлуксиз, бардавом меҳнат эди. Пири камил муқтадо бўлиб йўл бошладилар, камина ул зотга иқтидо қилиб, эргашдик. Йилларга чўзилган бу жараёни азоб дейиш-

га тилим бормаиди. У – завқли машаққат эди, икки дунё сир-асроридан воқиф бир соҳибни кароматнинг руҳий оламига саёҳат эди.

Романнинг илк боблари 1993 йилда «Шарқ юлдузи» журналида босилди. Бу орада иккинчи китоб ҳам ёзилди ва «Яссавийнинг сўнги сафари» номи билан 2002 йилда чоп этилди. Ва ниҳоят, ўн йил ўтиб, романнинг якуний фасллари ҳам битди. Асарга «Аҳмад Яссавий» дея умумий ном берилди.

Ўн асрдан бери турк оламини ҳайратга солиб келаётган улуг бобомизнинг ҳаёт қиссаси Сизга оз-қўпми манзур бўлса, шунинг узи мен учун айни саодат.

Муаллиф  
2012 йил июль

---

## МУНДАРИЖА

<i>Биринчи китоб. Қасамхўрнинг жазоси .....</i>	<b>3</b>
<i>Иккинчи китоб. Она юрт шамоллари .....</i>	<b>265</b>

*Адабий-бадший нашр*

**Саъдулла Сиёев**

**АҲМАД ЯССАВИЙ**

*Роман*

Мухаррир *Анвар Шер*

Бадий мухаррир *Р. Зуфаров*

Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*

Мусаххихлар *С. Салоҳутдинова, Ш. Орипова*

Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ №158, 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 24.07.2012.  
Офсет қоғози. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
«Virtec Peterburg» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи. 17,64 Нашр табоғи 17,16.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 12-220.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)